



ИСЛОМ КАРИМОВ

БИЗ  
КЕЛАЖАГИМИЗНИ  
ЎЗ ҚЎЛИМИЗ  
БИЛАН  
ҚУРАМИЗ

7

"ЎЗБЕКИСТОН"



## **Том 7. БИЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРАМИЗ.**

**БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ - УСТУВОР ВАЗИФА.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг мажлисидаги маъруза, 1998 йил 25 февраль.

**БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ XI СЕССИЯСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ.** 1998 йил 30 апрель.

**БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ XI СЕССИЯСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. ҚОНУНЛАРИМИЗ ДЕҲҚОН МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН.**

**ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР - ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ.**

**ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ҚОНУНИЙ АСОСДА БЎЛСИН.**

**ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ.** 1998 йил 10 май.

**ХАЛҚ БИЗДАН АМАЛИЙ ИШЛАРНИ КУТМОҚДА.** Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг сессиясида сўзланган нутқ, 1998 йил 3 июнь.

**ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ БЕШИНЧИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ.** 1998 йил 9 июнь.

**ЖАМИЯТИМИЗ МАФКУРАСИ ХАЛҚНИ - ХАЛҚ, МИЛЛАТНИ - МИЛЛАТ ҚИЛИШГА ХИЗМАТ ЭТСИН.** "Тафаккур" журнали Бош мухаррирининг саволларига жавоблар.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ.** 1998 йил 30 июнь.

**ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ - ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси йиғилишида сўзланган нутқ, 1998 йил 23 июль.

**ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ.** Тарихчи олимлар ва журналистлар билан сұхбат.

**ХАЛҚИМИЗ ЖИПСЛИГИ - ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ.** Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясидаги маъруза, 1998 йил 28 август.

**ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЕТТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН ТАБРИК НУТҚИ.** 1998 йил 31 август.

**ЕВРОПА - КАВКАЗ - ОСИЁ (ТРАСЕКА) ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО АНЖУМАНДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ.** 1998 йил 8 сентябрь.

**ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КУБОГИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН БЕШИНЧИ ХАЛҚАРО ТЕННИС ТУРНИРИНИНГ ёПИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ.** 1998 йил 20 сентябрь.

**ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ.** 1998 йил 23 октябрь.

**АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ.** 1998 йил 24 октябрь.

**ЮНЕСКО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 155-СЕССИЯСИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ.** 1998 йил 6 ноябрь.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИГА ЮНЕСКО МЕДАЛИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ.** 1998 йил 6 ноябрь.

**АДОЛАТ, ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УЛУФ.** 1998 йил 9 ноябрь.

**ЮҚСАК МАҶНАВИЯТ - ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ.** 1998 йил 11 ноябрь.

**АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН.** 1998 йил 11 ноябрь

ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИНГ ҲАЁТБАХШ МАНБАИ. Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ, 1998 йил 5 декабрь.

ХАЛҚ ИШОНЧИ - ОЛИЙ МАСЪУЛИЯТ. 1998 йил 16 декабрь.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КЎРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БЎЛИШЛАРИ ШАРТ! Вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашувда сўзланган нутқ, 1998 йил 23 декабрь.

ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ. "Туркистон" газетаси мухбирининг саволларига жавоблар.

КЕЛАЖАКНИ ЖАСОРАТЛИ ОДАМЛАР ҚУРАДИ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 1999 йил 16 февраль.

ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗДАН БИЗНИ ҲЕЧ КИМ ҚАЙТАРОЛМАЙДИ. 1999 йил 16 февраль.

ОЗОД БЎЛСАНГ - ОЗОД БЎЛ, ЭРКИН БЎЛСАНГ - ЭРКИН БЎЛ, МУСТАҚИЛ БЎЛСАНГ - МУСТАҚИЛ БЎЛ! 1999 йил 19 февраль.

ЭНГ КАТТА ОРЗУИМ - МЕНГА ИШОНГАН ОДАМЛАРНИНГ ОМОНЛИГИ, ЎРТИМНИНГ ТИНЧЛИГИ! 1999 йил 26 февраль.

АЛЛОҲ ҖАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА. "Туркистон-пресс" ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар.

МИЛЛАТ ҚУДРАТИ - ҲАМЖИҲАТЛИКДА. 1999 йил 26 март.

ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ИНТИЛМОҚДА. Биринчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртингчى сессиясидаги маъруза, 1999 йил 14 апрель.

ЎЗБЕК КУРАШИ - ЖАҲОН МАЙДОНИДА. Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг тантанали очилиш маросимидағи табрик сўзи, 1999 йил 1 май.

ХОТИРА ЧИРОФИ ЎЧМАЙДИ. Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги сўз, 1999 йил 9 май.

## БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШ - УСТУВОР ВАЗИФА

Мұхтарам мажлис қатнашчилари!

Азиз дўстлар!

Яхши биласизларки, биз кейинги йилларда иқтисодий ислоҳотларни босқичмабосқич, қадам-бақадам ўтказиш, уларни ҳар бир босқич талабларидан келиб чикқан ҳолда чуқурлаштириш, ҳар бир босқичнинг энг устувор йўналишларини ва мақсадларини белгилаб олиш, кўзланган марраларга эришишнинг механизм ва йўлларини барпо этиш, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш борасида бутунлай янги йўлни ишлаб чиқдик.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, ўтган йилга, жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш, иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада бир йилга мўлжалланган устувор вазифалар қай даражада амалга оширилганини танқидий кўз билан қараб баҳолаш тажрибамиз ижобий натижасини намоён қилмоқда.

Йил сарҳисоби, энг аввало, иқтисодиётдаги ҳақиқий аҳволга тўғри баҳо бера олишимиз учун зарурдир. У ўтган йилда иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳа тараққиёти ва тузилмасида қандай ижобий ҳодисалар рўй берганини, бозор муносабатлари хўжалик фаолиятимизга қай даражада чуқур кириб борганини, иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш йўлида нималар тўсиқ бўлаётганини аниқлаш имконини бермоқда.

Албатта, бажарган ишларимизга якун ясаща кўзбўямачилик, ўзимизни алдаш билан шуғулланмаслигимиз ва хотиржамликка берилмаслигимиз керак.

Ўтган ишларга якун ясаб, бу йилги ислоҳотларнинг мақсад ва устувор йўналишларини белгилар эканмиз, бу билан, аввалимбор, халқимиз олдида, жамиятимиз олдида ҳисоб берамиз. Шу билан бирга, ўз зиммамизга навбатдаги йил учун маълум мажбуриятлар оламиз.

1997 йил якунларини кўриб чиқиш ҳамда 1998 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини белгилашга ҳам айнан мана шу нуқтаи назардан ёндашиш лозим.

1997 йил биз учун қандай йил бўлди?

Шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, 1997 йил Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни маънавий янгилаш борасидаги дадил ҳаракатининг навбатдаги босқичи бўлди.

Ўтган йил Ўзбекистонимиз учун чет давлатлар билан самарали сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик йили бўлди. Мамлакатимизнинг халқаро нуфузи, обрў-эътибори ортди. Минтақа ва халқаро майдондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш бўйича бир қанча муҳим ташабbusларимиз амалга ошли.

Шуни фахр билан айтаманки, асосий ютуғимиз 1997 йил учун муҳим устувор йўналишларни аниқ белгилаб олганимизда бўлди. Шу боис, бутун эътиборимиз бу вазифаларни оғишимасдан бажаришга қаратилди, зарур ресурслар ўз вақтида оқилона сафарбар қилинди. Шу туфайли ўтган йилда олдимизга қўйилган вазифалар асосан бажарилди.

Энг аввало, бош вазифамиз - макроиктисодий барқарорликка эришиш борасида ўтган йилларда кўлга киритилган ижобий натижалар янада мустаҳкамланди, иқтисодий ўсиш учун ишончли база яратилди.

Ўтган йили ялпи ички маҳсулот 5,2 фоиз ўсади. Биринчи марта ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли сони ўсиши даражасидан ошли. Бу ялпи ички маҳсулот ҳажмини аҳоли жон бошига 3,2 фоиз кўпайтириш имконини берди. Халқаро тажрибадан маълумки, айни шу кўрсаткич давлатнинг иқтисодий қудрати ва кишилар турмуши фаровонлиги ошишининг мезони бўлиб хизмат қиласи.

Республикамизда эътиборга лойик энг муҳим омил - ўсишнинг мустаҳкам базаси яратилганидир. Шу маънода, мен 1997 йил натижаларини собиқ шўролар худудидаги

бошқа давлатлар натижалари билан таққослашни ўринли деб биламан. Бу давлатларда ўсиш жараёни даражаси ишлаб чиқариш ҳажми беҳад пастга тушиб кетган йиллардаги натижаларга нисбатангина ижобий бўлиб туюлиши мумкин, холос.

Бошқаларга солиштирганда, ҳозир матбуотда, асосан Россия матбуотида, шунингдек яқин қўшниларимиз матбуотида жуда катта-катта хulosалар чиқариляптики, айтайлик, биз бу йил фалон фоизгача ўсдик, биз бу йил писмадон фоизга ўсдик...

"Хўп, нимага нисбатан, қайси пойдеворга, қайси йилга нисбатан ўсяпсан?" - деган оддий саволга жавоб йўқ.

Агар 1990 йилни ҳаммамиз учун мустақиллик йилларида бошланган асос, дастлабки марра деб ҳисобласак, ишлаб чиқаришни 1996 йилда 1990 йилга нисбатан икки баравар камайтириб, ўзининг ялпи маҳсулотини, умуман йиллик натижаларини айни 1996 йилнинг паст даражасига нисбатан ўсиш деб баҳолаш, менинг фикримча, инсофга тўғри келмайди.

Ўсиш, юксалиш ҳақида мақтаниб юрган янги мустақил давлатларнинг айrim раҳбарлари жамоатчиликни чалқитиш ўрнига, "биз ҳали 1990 ёки 1991 йил даражасига яқинлашмадик", деб очиқ тан олишса маъкул бўларди.

Мана шу минбардан туриб жамоатчилигимизга, ҳалқимизга қаратса фахр билан айтмоқчиманки, собиқ Иттифоқ майдонида барча соҳаларда 1990 йилга нисбатан ўсишга, юксалишга эришган яккау ягона давлат Ўзбекистондир.

Бошқаларда ҳозирча 1990 йилга нисбатан ўсиш йўқ. Биз эришган қувончли натижалар, авваламбор, танлаган йўлимизнинг тўғрилигини исбот қилиб туриди.

Хўш, Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш нималар ҳисобидан юз бермоқда, қандай пойдевор асосида курилмоқда?

Биринчи навбатда республикада иқтисодий ислоҳотлар ва янгиланишлар дастурини амалга оширишнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ, асосий эътибор иқтисодиёт тузилмасини муайян равиша яхшилаш, унинг бир томонлами, хом ашё базаси сифатидаги йўналишидан воз кечишга қаратилди ва ҳозир ҳам шундай қилинмоқда.

Ўзбекистон собиқ шўролар худудидаги саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1997 йилда 1990 йилдаги бошланқич даражадан 12,7 фоиз, жумладан, 1996 йилга нисбатан 6,5 фоиз ортган ягона мамлакатдир.

Ўзбекистоннинг 1997 йилдаги иқтисодий ўсишига, энг аввало, иқтисодиётда ўзлаштирилган капитал маблағ ҳажмининг ошгани (17 фоиз), замонавий технология билан жиҳозланган янги саноат объектлари қурилиши ва ишга туширилгани туфайли эришилди.

Иқтисодий ўсиш иқтисодиётнинг деярли барча соҳа ва секторларида ишлаб чиқариш ҳажми ошгани билан бевосита боғлиқдир. Бу кўрсаткич саноатда 6,5, қишлоқ хўжалигига 5,8, қурилишда 2,6, савдода 12,7, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида 21,3 фоизни ташкил этади.

Биз алоҳида эътибор бераётган асос соҳалар барқарор ва муқим ишламоқда. Нефть қазиб олиш, газ конденсати, табиий газ, ёнилғи-мойловчи материаллар, электр қуввати, кўмир, қимматбаҳо металлар ва бошқа стратегик аҳамиятга молик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди.

Пахта хом ашёси, ғалла етиштириш ҳам ошди. Бу қайта ишловчи ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи соҳалар учун мустаҳкам база яратибина қолмай, республиканинг иқтисодий мустақиллигини ҳам мустаҳкамлади.

1997 йилда халқ хўжалигининг асос соҳалари билан бир қаторда илғор, фан билан узвий алоқада бўлган соҳалар - автомобилсозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, электротехника саноати, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, шунингдек, биз учун етакчи бўлган истеъмол товарлари, жумладан, болалар учун истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган енгил ва озиқ-овқат саноати ҳам янада ривожланди.

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 1997 йилнинг ўзида 11,2 фоиз кўпайди.

Нефть ва газ қазиб олиш ҳамда уларни қайта ишлаш саноати, рангли металлургия, автомобиль саноатида барпо этилаётган қудратли салоҳият макроиқтисодий

барқарорликка ва охир-оқибатда бутун иқтисодиётга ижобий таъсир ўтказувчи, ҳаракатлантирувчи асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Иккинчидан. Иқтисодиётдаги ўсиш - инфляцияга қарши, молиявий барқарорлик ва пул муомаласи тизимини мустаҳкамлаш борасидаги тадбирларнинг муваффакиятли амалга оширилгани натижасидир.

1997 йилда давлат бюджетининг даромад ва харажат бўйича мўлжалланган кўрсаткичлари ҳам бажарилди. Бунда бюджет камомади мўлжалдагидан анча паст бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,2 фоизни ташкил этди.

Шуниси муҳимки, бу камомад инфляциядан холи бўлган манбалар - қисқа муддатли давлат облигацияларини 1,5 фоиз сотиш ва банк кредитларидан тушган даромадлар ҳисобидан қопланди.

1997 йилда нақд пул эмиссиясини назорат қилиш ва бошқаришнинг янги механизми жорий этилиб, самарали ишлай бошлади. Жойларда аҳолига савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш, пул ҳажмини товар билан мустаҳкамлаш масалалари билан фаол шуғулланилди. "Ўзбексавдо" ва "Ўзмаишийттифоқ" тизимларининг янги асосда қайта ташкил этилгани ҳам бунга кўмаклашди.

1997 йилнинг январь-декабрь ойларида нақд пул эмиссияси 1996 йилдаги 26 фоиз ўрнига 7,8 фоизни ташкил этди. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, бюджет ташкилотлари ходимларининг маошлари, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида тўланиши таъминланмоқда.

Изчил пул-кредит сиёсати ўтказилиши туфайли умумий пул ҳажми ошиши суръати кескин равишда - 2,9 марта пасайди. Бу эса, инфляция даражасини жиловлашда, қисқартиришда ўз аксини топди. Инфляциянинг ўрта ҳисобдаги ойлик суръати 2,1 фоизни ташкил этди ёки 1996 йилдагига қараганда 2 баравар камайди.

Учинчидан. Пул муомаласининг мустаҳкамланиши, инфляция даражасининг пасайиши аҳолини аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий муҳофаза қилиш ва унинг даромадини кўпайтириш бўйича амалга оширилган тадбирлар билан биргаликда аҳолининг кўпгина қатламлари моддий ахволини сезиларли даражада яхшилаш имконини берди. 1997 йилда аҳолининг муайян пул даромадлари жон бошига кўзда тутилганидан 10,5 фоиз ошди.

Аҳолининг даромадлари ошибгина қолмай, уларнинг манбалари ҳам ўзгармоқда. Барча даромадларнинг қарийб чорак қисми тадбиркорлик фаолиятидан тушмоқда.

Мана шунга алоҳида эътиборингизни жалб қилмоқчиманки, бир вақтлар, совет тузуми даврида ҳар қандай меҳнатчи фақат ўзининг маошига қараб яшарди. Маошидан бошқа даромад манбаи, бошқа имконияти йўқ эди. Шу нуқтаи назардан караганда, биз бозор иқтисодиётига ўтаётib эришаётган натижаларнинг энг кўзга кўрингани, бошқача айтганда, бизларнинг эски совет тузумига, яъни планлаштириш тизимиға қайтмаслигимизнинг асосий гарови шуки, халқимиз, аҳолимиз, меҳнатчиларимиз фақатгина маошга қараб қолгани йўқ, балки ўз ҳаракатлари билан, ишбилармонлиги билан, тадбиркорлиги билан янги-янги даромад манбаларини топяпти.

Бу ҳам одамларнинг мафкураси, дунёқарashi ўзгаришининг далолатидир. Одамларимиз шунга жиддий эътибор беришлари керак, яъни бизнинг ҳаётимиз уларда кўпроқ ташаббускорлик, ўз кучига, ўз ақл-заковатига ишонч пайдо қилгани - замонамизнинг асосий белгиси, деб айтсан ҳеч қандай муболага бўлмас.

Мен минг марта айтганман, бугун яна бир бор, такроран айтмоқчиманки, ислоҳотларимиз ҳаётни ўзгартирмоқда, ҳаёт эса одамларнинг тафаккурини, дунёқарашини ўзгартиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Якка меҳнат фаолиятидан тушган даромад улуши 2 мартадан ошикроқка кўпайди. Дехқон хўжаликлари фаолиятидан тушган даромад ҳам салмоқли манбага айланди. Буларнинг барчаси бозор муносабатларининг иқтисодиёт ва ҳаётимизга самарали жорий этилаётганидан далолатдир.

Сўмнинг харид қобилияти мустаҳкамлангани ҳамда оиласарнинг муайян даромадлари ошганини алоҳида қайд этиш лозим.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат, барпо этилган аниқ йўналтирилган ижтимоий муҳофаза тизими, ижтимоий таъминот ва серфарзанд оиласарга ёрдам тизимининг ислоҳ қилингани жамиятимизда фуқароларнинг даромадлар бўйича кутбларга ва гурухларга ортиқча бўлинишининг олдини олди, аҳолининг қашшоқлашувига йўл қўймади.

Аҳолининг пул даромадлари таҳлили шуни кўрсатадики, аҳолининг кам ва ўрта даромад оладиган гурухларининг фаровонлиги ошиши ҳисобига энг кўп ва энг кам даромадлар орасидаги фарқ бугунги кунда 7,5 мартадан ошмайди.

Агар қўшни давлатларнинг бугунги аҳволига эътибор берсангиз, кичик бир тоифа-аҳолининг таҳминан 5 фоизи жуда бой бўлиб кетяпти. Мана шу 5 фоиз ўта бадавлат тоифа билан энг қашшоқ тоифа орасидаги даромад нуқтаи назаридан фарқ 25 мартадан 40 мартағача етиб боради.

Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсати бошқача, яъни бизларда жуда катта бойлар ҳам бўлмайди ва мутлақо қашшоқлар ҳам бўлмайди. Мана шу сиёсатни биз мустаҳкам ушлаб турибмиз. Яъни солиқ сиёсати ҳисобидан ижтимоий ночор ахоли қатламларини қўллаб-кувватлашга эътиборни бирор дақиқа ҳам сусайтирумайпмиз.

Бирорлар беҳад бойиб кетиб, бошқалар ўта муҳтож бўлиб юришиadolatli жамиятда,adolatli давлатда кечирилмас ҳолдир. Айни замонда, бизларни давлат боқади деб, бизларни давлат асрайди деб, ўз кучига ишонмасдан ёки дангаса бўлиб юриш, яъни боқимандалик кайфиятига берилиб кетиш ҳам мутлақо нотўғри.

Адабиётчиларимиз, журналистларимиз мана шу нуқтаи назардан алоҳида тарбиявий ишлар олиб бориша жуда тўғри бўларди. Агар инсон, оила бадавлат бўлса, ундан кейин жамият бадавлат бўлади, ундан кейин давлат ҳам кучли-кудратли бўлади. Бу менинг гапим эмас, бу бобокалонимиз Амир Темурнинг айтган гапи.

Биз барпо этган тизимнинг яна бир устунлиги шундаки, кўпчилик оиласар томорқага, яъни муайян даромад манбаига, ўзини зарур нарсалар билан таъминлаш имконига эгадир. Бунинг учун тер тўкиш, сидқидилдан меҳнат қилиш керак, холос. Шунинг учун ҳам бизда ишсизлик масаласи у қадар долзарб эмас.

Буларнинг барчаси - Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган 1997 йилдаги муайян тадбирлар Дастирининг изчиллик билан амалга оширилгани натижасидир.

Бу борада айнан нималар қилинди, деган савол туғилиши мумкин.

Ижтимоий-маданий тадбирларни молиявий жиҳатдан таъминлаш дастирининг амалга оширилиши учун давлат бюджетидан 123 миллиард сўм ёки барча бюджет харажатларининг қарийб 40 фоизи ажратилди. Шу жумладан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши учун 30 миллиард сўм, соғлиқни сақлаш, газлаштириш, сув таъминоти ва ижтимоий соҳанинг бошқа обьектлари курилиши учун 34 миллиард сўм ажратилди.

Бу - йил давомида 6,7 миллион квадрат метр уй-жойни ишга тушириш имконини берди. Шундан 5,4 миллион квадрат метр уй-жой қишлоқда барпо этилди. Туар жой сертификатлари бўйича сотиб олинадиган уй-жой нархининг 50 фоизини қоплаш учун бюджетдан 1,2 миллиард сўм ажратилди.

64 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 1,5 минг беморга мўлжаллаган шифохоналар, бир сменада 12 минг кишини қабул қиласидиган поликлиникалар қурилди. Янги ишга туширилган ижтимоий соҳа обьектларининг учдан икки қисми қишлоқда барпо этилди.

Бизларнинг устувор йўналишимиз - қишлоқни шаҳар даражасига кўтариш. Халқимизнинг турмуш даражасини кўтаришда авваламбор қишлоқка эътибор берсак, ҳар томонламаadolatli иш бўларди.

Аҳоли пунктларини сув ва газ билан таъминлаш дастурини амалга ошириш борасида 4,9 минг километр газ тармоғи ҳамда 1,8 минг километр сув қувурлари тармоғи қурилиб ишга туширилди.

Қишлоқ жойларда 159 та тиббиёт пункти ишга туширилди, 202 та тиббиёт муассасаси тиббиёт пунктларига айлантирилди. Европа ҲАМжамияти Комиссияси кредити ҳисобига 5,3 миллиард сўмлик дори-дармон ва тиббиёт жиҳозлари сотиб олинди.

Бундан ташқари, 30 хил янги дори-дармон ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Мураккаб ўлка шароитимизда ўта зарур бўлган қонга қўйиладиган суюқ эритмалар ишлаб чиқариш бошланди.

Тошкентда "Жар" спорт-соҚломлаштириш мажмуи, "Юнусобод" ёпиқ теннис корти, бошқа бир қанча спорт ва соҚломлаштириш муассасалари қурилиши тугалланди. Тошкентдаги ҳайвонот боғининг биринчи навбати қуриб битказилди.

Ногиронларни даволаш бўйича республика маркази ташкил этилди. Тошкентда, Навоийда ва Фарғонада болалар ва катталар учун полиомиелит марказлари қурилди. 16 ёшгача бўлган фарзанди бор оиласарга нафақа тўлаш учун 9,6 миллиард сўм сарфланди.

Илк бор 1-синф ўқувчилари ўқув қуроллари билан, камхарж оиласарнинг бошланғич синфларда ўқийдиган фарзандлари қишки кийимбош билан таъминланди. Мактаб ва олий ўқув юрти ўқитувчиларининг турмуш шароитини ва меҳнатига ҳақ тўлашни яхшилаш борасида муайян тадбирлар амалга оширилди.

Бадиий академия ташкил этилди. Академия кишиларни тасвирий санъат, халқ ижодиёти жавоҳирларидан баҳраманд этади, кишилар онгида юксак маънавий фазилатлар ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради.

"Умид" жамғармаси ташкил этган танловларда Қолиб чиқкан юзлаб иқтидорли йигит-қизларга давлат ҳисобидан нуфузли хорижий ўқув юртларида таълим олиш учун ўйлланма берилди.

Хозирги пайтда янги ташкил этилган "Устоз" жамғармасининг олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларини хорижда қайта тайёргарликдан ўтказишга юбориш бўйича дастури ишлаб чиқилмоқда.

Ўтган йили инсон хукуқларини муҳофаза қилиш, хукуқий тарбияни такомиллаштириш, инсоннинг маданий, маънавий ва интеллектуал манбаатларини юзага чиқариш бўйича дастури ишлаб чиқилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, 1997 йилга мўлжалланган инсон манбаатларини юзага чиқариш бўйича тадбирлар Дастурининг асосий қоидалари ва талаблари бажарилди. Шу билан бирга, дастурнинг айрим бўлимлари бўйича қолоқликка йўл қўйилгани, айрим обьектларни ишга тушириш муддатлари барбод бўлганини ҳам эътироф этиш лозим.

Энг катта оқсоқлигимиз сифатида инсон эҳтиёжларига юзаки, масъулиятсизларча муносабатда бўлиш ҳоллари ҳали кўп эканини очиқ тан олишимиз керак. Шу ўринда бир ҳақиқатни қайта ва қайта таъкидлашни истардим: барча ислоҳотларимиз, жамиятимизни янгилаш ва демократиялашнинг асосий мақсади, умуман, барча саъй-харакатларимиз пировард мақсадининг ўзи - инсон манбаатларини қондиришни таъминлашдир.

1997 йилнинг устувор вазифаларидан бири - инвестицион фаолиятни, бошқача айтганда, иқтисодиётга сармоялар ётқизишни жадаллаштириш бўлди.

Ўтган йил молиявий таъминотнинг барча манбалари ҳисобига 270 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди ёки бу кўрсаткич 1996 йилга нисбатан 17 фоиз ўсди. Инвестициялашнинг бундай юксак суръати кейинги ўн йилда кузатилган эмас.

Дикқатга сазовор жойи шундаки, жами инвестицияларнинг 63 фоизидан ортиғи иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторида ўзлаштирилди.

Шу ўринда хорижий инвестицияни жалб этишга алоҳида эътибор берилганини айтиб ўтиш керак. 1997 йилда 1,1 миллиард АҚШ доллари ҳажмида хорижий инвестиция ўзлаштирилиб, бу борада 1996 йилга нисбатан 1,3 баравар ўсишга эришдик. Капитал маблағлар умумий ҳажмининг бешдан бир қисми хорижий инвестиция ва кредитлар хиссасига тўғри келди.

Инвестиция ва тузилма сиёсатида асосий эътибор амалдаги ишлаб чиқариш тармоқларини жиҳозлаш ҳамда юксак қўшимча қиймат улушини таъминловчи янги, илғор технологияларга эга корхоналар куришга қаратилди. Умумий сармоя миқдорининг 30 фоизи замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар харид қилишга сарфланди.

Мазкур тадбирлар натижаси ўлароқ, қисқа муддатларда иқтисодиётнинг мутлақо янги, самарали тизимларини шакллантиришга имкон берувчи йирик корхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Йилига 2,5 миллиард куб газ ҳайдаш қувватига эга Кўқдумалоқ компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Кўқон спирт ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янгийўл биокимё заводи, Тошлоқ ип йигириув фабрикаси шулар жумласидандир.

Фарғона кимёвий тола заводи таркибида полиамид ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех қурилиши ниҳоясига етказилди. Қизилқум фосфорит комбинати, шунингдек, кимё, енгил саноат, озиқ-овқат ва бошқа соҳаларга дахлдор қурилишлар бўйича қатор чоратадбирлар мажмуи амалга оширилди. Таъмирлаш ва янги ишлаб чиқариш тармоқларини бунёд этиш эвазига маҳсулот турлари кўпайди. Хориждан келтириладиган маҳсулотлар ўрнини босувчи товар ишлаб чиқариш рағбатлантирилмоқда.

Ички бозорни рақобатга бардошли ўз маҳсулотимиз билан тўлдиришга қаратилган изчил сиёsat олиб бориляпти. Инвестицион сиёсатимиз жойларда татбиқ этилиши туфайли, мамлакатимизнинг барча ҳудудларининг ривожланишига, тараққиётига эътибор берилмоқда. Бу - ўта муҳим, диққатга сазовор ҳодиса.

Кувончли тарафи шундаки, ҳудудлар тизими ва қиёфасини тубдан ўзгартираётган янги корхоналар мамлакатимизнинг барча вилоятларида қурилмоқда. Номлари зикр этилган Андижон автомобиль заводи, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Кўнғирот сода заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, Тошлоқ ип йигириув фабрикаси, Самарқанд тамаки фабрикаси, Хоразм чанқовбосди ичимликлар заводи каби ижобий мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бугун Ўзбекистон улкан қурилиш майдонига айланаяпти. Агар биз мамлакатнинг ҳар қайси вилоятида, энг олис жойларида яшаётган одамларнинг манфаатини қўзламоқчи бўлсақ, эътиборга олмоқчи бўлсақ, шу йўлдан қайтмаслигимиз керак. Янги корхоналарни жойлаштириш - ўта муҳим масала. Катта корхона бир жойда пайдо бўлса, бу бутун вилоятнинг, бутун туманнинг қиёфасини мутлақо ўзгартиради. Мен ҳозир зикр этилган фикрни яна такрорлайман: Бизнинг асосий мақсадимиз - Ўзбекистонни янги босқичга кўтариш, аввало барча минтақаларда, барча ҳудудларда яшаётган одамларнинг дунёқарашини юксалтириш, олис қишлоқларни, пировард натижада Ўзбекистонни янги босқичга кўтариш.

Агар Ўзбекистоннинг совет давридаги харитасига эътибор берсангиз, асосий 50 фоиз саноат маҳсулотини Тошкент шахри билан Тошкент вилояти берарди. Қолган 50 фоиз маҳсулот қолган 12 вилоят чекига тушарди.

Бу ҳолга ортиқ чидаб бўлмайди. Шу сабабли, янги корхоналар адолат билан, ҳар бир вилоят аҳлининг манфаати ва келажагини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириляпти.

Аллоҳга минг қатла шукрки, бугунги кунда қадимий Ипак йўли қайта тикланяпти. Бу тикланиш тақдири Ўзбекистон билан Қирғизистонда ҳал бўляпти. Насиб этса, Андижон ва Ўш орқали Хитойнинг Шинжон вилоятига, Шинжон пойтахти Қашғар орқали Ҳинд дengизига, янги темир йўлларига, дengиз портларига чиқамиз.

Бунинг учун бизга икки, жуда кўп бўлса уч йил керак.

Қамчиқ довонидаги икки тоннель қурилишини охиригача етказсак, катта бир сиёсий аҳамиятга эга бўлган масалани ечамиз, не-не аждодларимиз орзу қилган масалани ечамиз.

Бугунги кунда Тошкент вилоятини Фарғона водийси билан боғлаб турган йўл, магистраль, коммуникация хорижий давлат еридан ўтяпти.

Ўзбекистонда газ етарли бўлса, хорижий, қўшни давлатларга сотаётган бўлса-ю, бу газ бугунги кунда ўзимизнинг водийизига етиб бормаса, бу ақлга сифмайдиган иш эмасми?

Нима учун бугун Фарғона водийсида газ етишмайди? Нима учун Андижонда биз ҳозир янги газ йиҚиладиган мажмуани қураяпмиз? Шўролар даври сиёсати шундай бўлганки, ўзимизнинг Фарғона водийизига энг қисқа йўл четда қолиб, Ленинобод орқали электр қуввати ўтказилган, газ қувури ётқизилган.

Шундан маълумки, Ўзбекистонни ўша замонда бошқарган мансабдорлар на бўлажак авлодлар тақдирини, на келажак истиқлолни ўйлаганлар.

Тепадан, яъни Москвадан қандай буйруқ бўлса, қулоқ қоқмай бажарганлар.

Кимнингдир атрофида парвона бўлиб юриш бизга ярашмайди. Энди биз мустақил давлатмиз. Мустақил давлат эканмизми, авваламбор коммуникацияларни жойига қўйишимиз даркор. Қамчиқ довони орқали қурилаётган янги йўлимиз эртага очилса, шу билан бизларнинг истиқболимиз, баҳтимиз очилади.

Транспорт ва алоқага ажратиладиган капитал маблағлар ҳажми кескин кўпайди. Мазкур соҳаларга 54 миллиард сўм сарфланиб, бу умумий сарф-харажатларимизнинг 20 фоизини ташкил этади.

Навоий - Учқудук - Султониздоғ - Нукус темир йўлининг мавжуд тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Йўлнинг Учқудук - Султониздоғ қисмида, янги Фузор - Бойсун - Кумкўрғон темир йўли қурилишида катта ҳажмда тупроқ ишлари бажарилиб, рельс ётқизишга тайёрланди. Мавжуд темир йўл тармоқларини электрлаштириш, Тошкент - Андижон - Ўш - Қашғар автомобиль йўлининг Қамчиқ довони участкасини қуриш ва таъмирлаш давом этмоқда.

Республикамизнинг экспорт қувватини ошириш ҳамда изчил ташқи иқтисодий фаолият юритиш 1997 йилнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган эди.

Ўтган йил етакчи халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЭСКАТО, ЮНКТАД комиссиялари, Европа Иттифоқи Комиссияси, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа Таъмирлаш ва тараққиёт банки билан алоқаларимиз янада мустаҳкамланганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Қатор инвестицион лойиҳалар, жумладан, япон ва немис кредитлар тармоғи, АҚШнинг Экспорт-импорт банки билан ҳамкорликдаги ҳамда Ўзбекистон - Америка қўшма дастури доирасидаги "Конверсия" лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

1995-1996 йилларда 57 лойиҳа бўйича иш бошлаган бўлсак, шунинг 23 таси 1997 йилда хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан амалга оширилди. Жорий йилда эса 25 та лойиҳа бўйича ишни ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда.

Қўшма корхоналар тузиш йўли билан иқтисодиётга хорижий инвестицияни бевосита жалб этиш ривожланмоқда. Ҳозирги кунга келиб дунёнинг 80 мамлакати сармоядорлари иштирокида тузилган 3200 дан ортиқ қўшма корхона рўйхатга олинган.

1997 йилда ташқи савдо обороти қарийб 9 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Махсулотларимиз дунёнинг 78 мамлакатига экспорт қилинмоқда. Шу ўринда экспорт таркибида туб ўзгаришлар рўй берганини айтиб ўтиш керак. Экспортнинг анъанавий турлари - пахта, рангли металл билан бир қаторда Ўзбекистон бугун четга тармоқ маҳсулотлари - калава, бензин, автомобиль сотишни йўлга қўйиб, жаҳон бозоридан муносиб ўрин олмоқда.

Хом ашё ресурслари экспорти улуши камайтирилиб, тайёр маҳсулотлар, жумладан, қайта ишланиш даражаси юксак бўлган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми ошмоқда. Экспортнинг умумий ҳажми ўсиши нефть, нефть маҳсулотлари ҳамда табиий газ (4 марта), автомобильлар (7,4 марта), кимёвий штапель тола (6,8 марта), кийим-кечаклар (64 фоиз) ишлаб чиқариш ўсиши ҳисобидан эришилди.

Яна бир мухим масалага алоҳида урғу бермоқчиман.

Товар ва маҳсулотларнинг талай турларини, мисол учун, алкоголли ва алкогольсиз ичимликлар, пойабзал, ёқилғини ўзимиз ишлаб чиқара бошлаганимиз туфайли, уларни импорт қилиш, яъни четдан олиб келиш камайди.

Бизларнинг валютамиз ҳам, олтинимиз ҳам бор. Лекин, бу валютани, бу олтинни бугун қунлик эҳтиёжга, яъни истеъмол товарларини четдан олиб келишга сарфласак, эртага нима қиласиз? Болаларимизнинг, фарзандларимизнинг, янги авлоднинг олдида қарздор бўлмаймизми? Гуноҳи азим бўлмайдими бу? Нима деганда, кўряпсизлар, етти йил bemalol ўтиб кетди. Бизлар мустақилликка эришган қунларимизда туғилган болалар 7 га кирди. Еттига кирган бола 14 га кирди. Биз бу болаларнинг кўзига бугун тик қарай олишимиз, уларнинг келажагини ўйлашимиз керак.

Мисол учун: озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳалқ истеъмол моллари импорти 2 баравар камайди. 1996 йил билан тақослагандан, дон маҳсулотлари, шакар ва қандолат маҳсулотлари импорти 2 марта, ун ва ун маҳсулотлари импорти 5 марта, алкоголли ва алкогольсиз ичимликлар импорти 17 марта, минерал ёқилғи, нефть импорти 2,5 марта, кийим-кечак импорти 7 марта, пойабзал ва шу турдаги маҳсулотлар импорти 4 марта қисқарди.

Хўш, нима ҳисобидан қисқарди? Ўзимизда қурилган янги корхоналар ҳисобидан. Дарвоҷе, масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Янги фабрика ва заводларда ким ишлайти? Кеча далаларда пахта ўстирган ўғилларимиз ва қизларимиз ишлайти. Улар чиқараётган маҳсулотларнинг дунёда чиқадиган маҳсулотлардан кам жои йўқ. Бу ҳам бизнинг каттакон ютуғимиз.

Импорт умумий ҳажмининг 74 фоизи ишлаб чиқариш-техник мақсадларга мўлжалланган товар ва асбоб-ускуналар импортига тўғри келмоқдаки, бу бизнинг стратегик йўлларимизга мос тушади.

Валютамиз ҳисобига асосан технология олиб келяпмиз. Фабрикаларимизни бутунлай янги технология асосида барпо этяпмиз. Бу сиёsat ўз самарасини беряпти. Мана бугун кўрдинглар, ўтган йилга нисбатан биз ўзимизга керакли маҳсулотни четдан олиб келишин кескин камайтиридик. Агар шу йўлдан бораверсан, мен ўйлайманки, эртага Ўзбекистон ички бозорини маҳсулот билан таъминлаб қолмасдан, атрофдаги давлатларнинг бозорини ҳам эгаллашга курбимиз bemalol, етади. Менинг бунга ишончим комил.

Шу билан бирга, қулай иқтисодий шарт-шароит яратилишига қарамасдан, кўпгина корхоналар 1997 йил режаларини бажара олмадилар. Бу нуқсонларнинг асосий сабаблари куйидагилардан иборат:

биринчидан, серҳаражат, сифати паст, рақобатга чидамсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски технологиялар мавжудлиги;

иккинчидан, бозорни яхши билмаслик, корхоналарнинг маркетинг хизмати суст ишлайтгани, экспортга доир шартномалар пухта ўйланмасдан, шошма-шошарлик билан тузилгани;

учинчидан, маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришда монополия ҳамон сақланиб қолаётгани. Бу номақбул ҳол корхоналарга ички бозорда ўз маҳсулотларини исталган нархда ва исталган ҳажмда сотиш имконини беради. Натижада экспорт ҳақида ҳеч ким бош қотирмайди;

тўртинчидан, экспорт қилинаётган маҳсулотларимизнинг ҳалқаро миқёсда эътироф этилган сертификатлари йўқлиги ва шунинг оқибатида уларни жаҳон нархларида сотиш қийинлиги. Бу, энг аввало, рангли металлар, машиналар, механизмлар савдосига тегишилдир.

Бир сўз билан айтганда, экспорт имкониятларимизни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган талай ички сабаблар мавжуд. Бу ҳар бир корхона миқёсида ҳам, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар ва компаниялар даражасида ҳам экспорт имкониятларини ошириш устида жиддий бош қотиришни тақозо этади.

1997 йилда ички валюта бозорини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, уни конвертациялаш учун қулай шарт-шароитлар яратишга, давлат эҳтиёжларини

қондирадиган ҳамда тендер асосида ички бозорни тўлдирадиган импорт маҳсулотлар харид қилишнинг замонавий шаклларини жорий этишга алоҳида эътибор берилди.

Республика валюта бозорида сотилган хорижий валютанинг умумий ҳажми 3,5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди.

Бу 1996 йилдагидан анча кўпдир. Ҳозирги пайтда 27 та ваколатли банк биржа ва биржадан ташқари валюта бозорларида хорижий валюта сотиб олиш ва сотишни амалга оширмоқда.

1997 йилда экспортга мўлжалланган кенг истеъмол моллари ва маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, хорижий лойиҳаларни амалга ошириш ва хом ашё, материаллар ҳамда бутловчи буюмлар сотиб олиш учун ички конвертация ҳисобидан 2,5 миллиард АҚШ доллари сарфланди.

Хурматли дўстлар! Ўзингиз кўярпизким, ўтган йил давомида Ўзбекистон тараққиёти йўлида анча буюк ишлар қилинган. Аммо 1997 йил якунларини танқидий кўз билан баҳолаб, шуни тан олишимиз керакки, бир қатор устувор вазифалар ҳали маромига етказиб бажарилмади.

Биринчи. Кўплаб корхоналарнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда. Зарап қўриб ишлаётган корхоналардаги вазият амалда ўзгармаяпти. 302 та корхона 1997 молия йилини 3,8 миллиард сўм зарап қўриб якунлади. Корхоналарнинг қарзи уларнинг ўз жамғармаларидан деярли икки баравар ошиб кетди.

1997 йилда 3096 та корхонанинг молиявий аҳволи таҳлил этилди. Хўжалик судлари томонидан 145 та корхона банкрот деб эълон қилинди, уларнинг 200 миллион сўмликдан зиёд мулки "кимошди" савдосига кўйилиб сотилди.

Аввалги йилда банкрот деб эълон қилингандари билан қўшиб ҳисоблаганда 136 та корхона тугатилди.

Шу билан бирга, айни пайтда банкротлик механизми корхоналарни ўз хўжалик-молиявий фаолиятига бошқача муносабатда бўлишга ундовчи таъсирчан чорага айланмаяпти.

Қишлоқ хўжалигида 662 та корхона йилни зарар билан якунлади. Улардан 104 та хўжаликда санация ўтказишга мажбур бўлдик. Ҳисоб-китобнинг кўрсатишича, зарар қўриб ишлаётган қолган хўжаликларнинг 300 таси кредиторлик қарзларини етиштирган ҳосили ва мол-мулки ҳисобига қоплаши мумкин. Қолганлари эса инқирозга учраши муқаррар бўлиб турибди.

Иккинчи. Банк-молия органлари кўраётган чораларга қарамай, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари муаммосини тўла ҳал эта олмаяпмиз.

1998 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлари 50,2 миллиард сўмдан, кредиторлик қарзлари эса, 80,3 миллиард сўмдан ошиб кетди. "Ўзбекнефтгаз" корпорацияси, "Ўзкимёсаноат" уюшмаси, Коммунал хизмат кўрсатиши вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзсувқурилиш" давлат концерни, "Ўзенгилсаноат" уюшмаси ва бошқа тизимлардаги корхоналарнинг қарздорлик даражаси энг баланд бўлиб қолмоқда.

Корхоналарнинг оғир молиявий аҳволи сабабларидан бири - аксарият жойларда корхоналар ҳануз бозор шароитларига мослаша олмаяпти, уларнинг раҳбарлари эса боқимандалик кайфиятидан халос бўлолмасдан, ҳали-ҳануз давлат ёрдамига кўз тикиб, қўл қовуштириб ўтирибди. Кўпгина амалдорлар онгида туб ўзгариш бўлмаяпти, улар эски замондаги режали, фонд-тақсимот тизими қолипларидан чиқолмаяпти.

Учинчи. Шартнома интизоми ва томонларнинг ўзи имзолаган шартномалар бўйича масъулияти масаласи ҳам ҳамон ўзгармаяпти.

Иктисодиётда, биринчи навбатда агросаноат мажмуида шартнома тизими ишламаётгани, субъектларнинг шартнома мажбуриятларини бажармагани учун етарли масъулият сезмаётганини гапиравериб чарчадик.

Сотиши ҳақида аввал ўйламасдан маҳсулот етиштириш, уни харидорга етказиш ҳақида шартномани шунчаки номига, хўжакўрсинга тўлдириш, кўпинча маҳсулот баҳосини ва томонларнинг аниқ масъулиятини кўрсатмаслик ҳоллари кўплаб учрайди. Оқибатда корхоналарнинг омборларида на ички бозор, на ташки бозор кўтарадиган тайёр маҳсулотлар қолиб кетишига олиб келяпти.

1998 йил 1 январь ҳолатига кўра, 21,3 миллиард сўмлик маҳсулот сотилмай қолган, шундан 5,4 миллиард сўмлиги шартномада кўзда тутилмаган маҳсулотдир. Айниқса, "Ўзмашсаноат", "Ўзавтотранс", "Ўзэлтехсаноат" уюшмаларига қарашли корхоналарда сотилмай ётган маҳсулот жуда кўп.

Бунинг учун ким жавоб беради?

Қонун посбони бўлган ва бу масалалар юзасидан қабул қилинган директив ва меъёрий хужжатларга риоя этилишини назорат қилувчи Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди ва республика Прокуратураси қаёққа қарайпти?

Бу идораларнинг ишини кўриб чиқиб, мана шу масалаларга, яъни шартномаларни сўзсиз бажаришни таъминлашга алоҳида эътибор беришларини талаб қиласиз.

Вазирликлар, идоралар, Вазирлар Маҳкамаси ходимларининг корхоналарни ислоҳ қилиш масаласида чалакам-чатти, ноизчил фаолияти, сусткашлиги ва боқиманда қайфиятда юриши танқидий ва қатъий баҳоланиши лозим.

Энг аввало, истиқболсиз корхона ва ташкилотларни ҳар қандай йўл билан бўлса-да қўллаб-қувватлашдек хато йўлга барҳам бериш зарур. Зеро, бу йўл бозор талабига мутлақо ёт ва зиддир.

Шуни назардан чиқармаслик керакки, самарасиз ишлайдиган корхоналар қарздорлик гирдобига фақат ўzlари гарқ бўлибгина қолмай, бошқа корхоналарни хам ортидан тортиб кетади.

Етарли даражада қонунчилик ва меъёрий асослар, бозор инфратузилмаси яратилган, банк ва молия, биржа ва улгуржи савдо тизимлари барқарор фаолият кўрсатаётган бугунги шароитда бундай аҳволга мутлақо чидаб бўлмайди.

Олти-етти йиллик ўтиш даврида ақли расо, масъулиятли, жавобгарликни сезадиган раҳбарларга бугунги замон талаб қиласиган услубда иш ташкил қилишга етарли имкон берилди. Энди бунақаларга тоқат қилиб бўлмайди.

Республикамида Буш вазир Ўткир Султонов раҳбарлигига истиқболсиз корхоналарни инвентаризация қилиш ва саноатни қайта ихтисослаштириш бўйича Ҳукумат комиссияси тузилган. Комиссия салкам 4 мингта корхона фаолиятини ўрганиб чиқиб, шулардан 202 таси бўйича қайта ихтисослаштириш, тузилмаларини янгилаш ва санация қилиш ёки тугатиш чора-тадбирларини кўриш тўғрисида таклифлар берди.

Бироқ ушбу комиссия ўз фаолиятида топширилган вазифани охиригача етказмаяпти. Қабул қилинган қарорларни ижро этишда қатъият ва событқадамлик йўқ. Тугатиш учун тавсия қилинган 6 корхонадан фақат биттаси тугатилган, холос. Санация учун таклиф қилинган 91 корхонанинг атиги 17 тасига нисбатан ушбу тадбир қўлланилган.

Ҳукумат комиссияси бошлаган ишини охирига етказиши шарт. Йилнинг биринчи ярмидаёқ маҳсулотлари ўтмайдиган, бозор талабига жавоб бермайдиган корхоналарнинг ҳар бири билан орани очиқ қилиш керак.

Қачонгача омбор учун ишлаймиз!? Бозор кўтармайдиган маҳсулот учун вақт, маблағ ва меҳнат сарфлашга чек қўйиш зарур.

Зарар кўриб ишлаётган ва истиқболсиз корхоналарга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш пайти етди.

Банкротлик тушунчаси амалда бўлиши керак. Бу ҳақда кўп гапирилди, аммо, минг афсуски, иш жуда секин боряпти. Ушбу соҳада ҳам хўжалик судлари ёмон ишлаётгани кўзга ташланадики, уларнинг фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Фурсат Ғанимат. Яқин орада ишлаб чиқариш корхоналарининг молиявий аҳволини ўнглаб олмасак, бу ҳол макроиқтисодий барқарорлик борасида қўлга киритган ютуқларимизга ўта салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Биз корхона банкротликка учрагандан кейин кимлардир ишсиз қолишидан чўчимаслигимиз керак. Республикада кадрларни қайта тайёрлаш механизми барпо этилган. Истиқболи бор ташкилотлар эҳтиёжлари малакали кадрлар хисобидан таъминланмоқда.

Кичик ва ўрта бизнес равнақи учун имкониятлар етарли. Кўпчилик, мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти ўз турмуш фаровонлиги йўлида меҳнат қилишни истайдиган кишилар учун республикада барча шарт-шароит мавжуд эканига амин бўлмоқда.

Ечимини кутаётган навбатдаги муҳим масала. Биз ҳали ҳам корхоналарнинг ҳақиқий эгаларини етиштира олганимиз йўқ. Амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёни ҳозирча кутилган натижани бермаяпти.

Хўш, бугунги кунда аҳвол қандай? Собиқ давлат корхоналари раҳбарларининг айби билан бу корхоналар шунчаки расмият учун, номигагина хусусийлаштирилган. Яъни давлат корхонаси жамоа корхонасига айланган, бироқ акция эгаси бўлган меҳнат жамоаси аъзолари ўзини ҳақиқий мулкдор деб ҳис этгани йўқ.

Бугунги кунда республика миқёсида 700 мингдан ортиқ хиссадор бор. Бу - кам, бу мутлақо етарли эмас. Аммо улар ҳам ўз ҳиссаларини қўшимча ўн учинчи маош манбаи деб биладилар. Ҳалигача эски андозалар таъсиридан чиқолганимиз йўқ.

Акциядор, ҳиссадор киши ўзини ҳиссадорлик корхонасининг эгаси деб ҳисобламайди. Уларнинг кўпчилиги корхона меҳнат жамоасининг аъзолари бўла туриб, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, қайта ихтисослаштириш, қўшимча инвестициялар киритиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш ва истеъмол бозорини кенгайтириш каби жараёнларга мутлақо жалб этилмаган.

Корхоналарни эркин бозорда ўз акцияларини тарқатиш, шу жумладан, хорижий сармоядорларни жалб этиш ҳисобига фойда кўришдан манфаатдор қиласидиган механизм ишлаб чиқилмаган. 1998 йилнинг бошидаги маълумотга кўра, ҳиссадорлик жамиятлари эълон қилган қарийб 39 миллиард сўмлик акция сотилмаган ва тарқатилмаган.

Буни қандай баҳолаш мумкин? Шундай аҳвол вужудга келганки, у ё бу даражада акциялаштириш ўтказилган, бироқ бу акциялаштириш корхоналар учун акцияларни сотиш ва уларнинг иккиламчи бозордаги қиммати ошиши эвазига қўшимча сармоялар келиб тушадиган манбага айланмаяпти. Аниқ сўз билан айтганда, иккиламчи бозор мутлақо фаолият кўрсатмаяпти.

Биз ҳали ҳалқаро молия бозорида ўзимизга муносиб, керакли даражадаги нуфузга эга бўйлолмаяпмиз ва хорижий сармоядорларни жалб қилолмаяпмиз. Бирор-бир хорижий фонд биржасига ҳам чиқа олганимиз йўқ.

Акцияларни ташқи фонд бозорига тарқатиш вақти келди. Нима учун биз бу ишни мавжуд пахта заводларини акциялаштириш йўли билан амалга ошиrolмаймиз? Улардаги акцияларнинг бир қисмини ҳалқаро қимматбаҳо қоғозлар бозорига чиқариш мумкин эмасми?

Минг афсуслар бўлсинки, Чжен жаноблари, Вазирлар Маҳкамаси хусусийлаштириш борасида Сиз раҳбарлик қилаётган Давлат мулки қўмитасига ишониб, кўп масалаларни ўз назоратидан чиқариб юборган.

Давлат мулки қўмитасининг худудий бўлинмалари эса бундан устомонлик билан фойдаланиб қолдилар. Уларнинг ягона ташвиши оқибатини ўйлаб ўтирумай, объектларни иложи борича кўпроқ сотишдан иборат бўлди.

Иш шу таҳлитда кетаверса, ҳақиқий мулкдор пайдо бўладими? Ишлаб чиқаришни тубдан ўзгартириш учун унга маблагни ким беради?

Давлат мулки қўмитасининг худудий бўлинмаларида ноқобил ходимлар ўтирибди, тўрачилик, сансалорлик, ишга юзаки муносабат, юлғичлик ва пораҳўрлик иллатлари авж олган. Бу холга чек қўйиш учун Кўмитанинг барча даражадаги жавобгар шахсларини аттестациядан ўтказиш бўйича маҳсус Ҳукумат комиссияси тузилди. Бу муҳим соҳа учун малакали, ҳалол ходимларни танлаш бўйича ҳали қўп иш қилиш керак.

Хурматли юртдошлар!

1998 йилда иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришнинг устувор жиҳатларига алоҳида тўхтаб ўтмоқчиман. Мамлакатимиз парламенти - Олий Мажлисда 1998 йил Давлат бюджетини тасдиқлаш жараёнида асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва иқтисодий тараққиёт миқёслари атрофлича муҳокама этилиб, қабул қилинди ва матбуотда эълон қилинди.

1998 йилдаги иқтисодий ривожланиш дастурини амалга оширишга киришар эканмиз, ўтган йил натижаларидан келиб чиқсан ҳолда, бугунги кунда муҳим аҳамият касб этаётган устувор жиҳатларни аниқлаб олишимиз зарур.

Биз учун бу йилги биринчи ва бош масала барқарор иқтисодий тараққиёт тамойилларини мустаҳкамлаш, макроиктисодий ва молиявий барқарорликни бундан бўён ҳам мустаҳкамлаб бориш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, пулнинг қадрсизланиши даражасини кескин камайтиришдан иборат.

Иккинчиси. 1998 йилни Оила йили деб эълон қилдик. Бу борада 1998 йилда амалга оширилиши мўлжалланган маҳсус Давлат дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Унда оила манфаатларини рўёбга чиқаришни таъминлаш кўзда тутилган.

Дастур оиласидан муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларини ҳимоя қилиш, оила аъзолари соғлигини сақлаш ва уларнинг билим даражасини кўтариш, оилани иш билан таъминлаш ва даромадини ошириш, оиланинг руҳий-маънавий асосларини ҳамда маданий эҳтиёжларини қондиришни такомиллаштириш учун шароит яратиш сингари кенг тадбирлар мажмуидан иборат.

Бугун барча масъул давлат ва жамоат тузилмалари, жойлардаги ҳокимиёт идоралари бу дастурий вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши ўта муҳимдир. Вазирлар Маҳкамаси Оила манфаатлари дастурининг бажарилишини алоҳида назоратга олиши лозим.

Учинчиси. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш. Менимча, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш муаммоларини ҳал этмай туриб, тўла маънодаги иқтисодий ислоҳотларимизни дадил давом эттириш мумкин эмаслиги барчага аён бўлиб қолди.

Энг муҳими, қишлоқни ислоҳ қилишни нимадан бошлаш кераклигини мен бир неча бор, қайта ва қайта айтганман - буни авваламбор, далада тер тўкаётган кишилар тафаккурини ўзгартиришдан бошлаш керак.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг ҳар бир аъзоси, ҳар бир фермер, дехқон ўзини ўзи ишлаб турган заминнинг хўжайини деб ҳис қилиши лозим. Шундагина у ернинг ҳолати ва ҳосилдорлиги, ерга ишлов бериш ва ундаги экин сифати учун жавобгарликни ҳис қилади, ҳосилдорлик ва етиштирилган ҳосилни сақлаш учун жон куйдиради, хуллас, меҳнатининг пировард натижасидан манфаатдор бўлади.

Матбуотда янги меъёрий ҳужжатлар - Ер кодекси, "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Дехқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари эълон қилинди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар асосида янада такомиллашган, замонавий талабларга жавоб берадиган қонуний нормативлар таянчи ётиши керак. Қишлоқ хўжалиги кооператива мулкчиликнинг янги шакли топилган. Бу мулкий пайдир. Айнан ана шу пай дехқон онгини янгилаши, унда мулкдорлик ҳиссини шакллантириши, ўз меҳнати натижасидан ҳамда моҳият эътибори билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг янги қўйи тармоғи - ширкатлар самарадорлигидан манфаатдорлик уйғотиши керак.

Қишлоқда кенг татбиқ этилаётган оила пудрати ишловчиларнинг ўз меҳнати, миқдор ва сифат кўрсаткичларига мувофиқ равишда ҳақ олишдан тўғридан-тўғри манфаатдорлигини таъминлаши керак.

Шу билан бирга, биз учун фермер ва дехқон хўжаликлари орқали ўрта ва майда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти - товарлар ишлаб чиқаришни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳам устувор йўналиш ҳисобланади.

Шунга аминманки, фермер ва деҳқон хўжаликларига, энг аввало, чорвачилик, шунингдек, мева-сабзавотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга том маънода эркинлик берсак, улар мамлакатни ҳам тўйғизади, ўз маҳсулотини хорижга ҳам сотади.

Нега 1997 йили 1177 фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатиб қўйганини таҳлил қилиб кўрайлик.

Агар мана шу ерда ўтирган вилоят ҳокимларидан сўрасак, бир вақтлар тузилган кўпчилик фермер хўжаликлари самара бермагани учун, қабул қилинган қонунлар, қоидалар бузилгани учун тарқатиб юборилди, деган жавобни эшитамиз.

Лекин менда бошқа саволлар пайдо бўляпти. Хўш, нима учун бир вақтлар мана шундай камчиликларга йўл қўйилган?

Нима учун бир вақтлар кимки хоҳласа, фермерликка ариза берса, уёқ-буёғини сўрамасдан, қобилиятини суриштирмасдан, унинг асл ниятини билмасдан, аниқ текширмасдан фермер сифатида рўйхатга олинган.

Мана, чет мамлакатларда бирор фермер бўлмоқчи бўлса, олдин бизнес-планини топширади. Мен ердан шунча маҳсулот оламан, ерни асраб-авайлайман, унумдорлигини кучайтираман, деб ваъда беради, зиммасига мажбурият олади.

Бизларда-чи? Бизда мутасадди амалдор хоҳлаган одамига, жиянига, тоғасига, поччасига... хуллас, ўзига яқин ёки нафи тегадиган одамларга ерни улашаверган. Мана, Жиззах вилоятида битта фермерга 420 гектар ер берилибди. Бошқа мисол билан солиштиринг: Андижон шаҳрининг ёнида битта хўжалик бор, Охунбобоев номли, жами 400 гектар суғориладиган ерга эга. У ерда қанча одам яшайди, деб сўрасак, нақ 26 минг жон яшар экан. 400 гектарда қанча одам ишлайди деб сўрасак, мингдан ортиқ киши ишлар экан.

Жиззахда эса 420 гектар битта одамга бериб юборилган. Хўп, бу ҳам яхши. Жиззах билан Сирдарёда одам оз-у, ер кўп. Лекин ер беришдан олдин тузукроқ текширмайсизларми? Имкониятлари ва мажбуриятларини аниқламайсизларми?

"Фермер" жаноблари 420 гектарни олиб, узоқдан келадиган "чаққонлар"га бўлиб-бўлиб беради-ю, улар ер ёнғоқ ўстириб, кейин куруғини олиб келиб берар экан.

"Фермер"нинг давлат олдида ҳеч қандай мажбуриятийи йўқ. Сувни текин олади, ўғитни ўғирлаб олади. Тепада ҳомийлари бор. Хуллас, ақлга сифтайдиган ишлар.

Бу ишларга ким айбдор? Жойларда ернинг эгаси ким? Албатта, қонунимиз бўйича, Асосий Қомусимиз бўйича ернинг эгаси - ҳалқ. Лекин расмий нуқтаи назардан жойларда ерни ҳокимият тақсимлайди. Агар ҳоким ўзининг чўнтағидан берадиган бўлса, бир марта эмас, етти марта ўлчайди. Давлатнинг, ҳалқнинг ерини ажратиб бериш эса жуда осон!

Энг ёмони шуки, ҳоким қалбаки "фермер" билан келишиб олган, тил биритирган, яъни "фермер" олган куруғидан ҳокимнинг ўзига ҳам тегади. Шундан кейин - "олам гулистон"! Пахта режаси бажарилмайди, сабабки, унинг ўрнига Сирдарёда шоли экиляпти. Жиззахда эса ер ёнғоқ, қовун, тарвуз экиляпти. Жами сарф-харажатлар пахтанинг таннархи устига бориб қўшиляпти.

Яна бир масала.

Нега кўпгина туманларда хусусийлаштирилган ферма ва фермер хўжаликлари хукуқлари поймол қилингапти? Нега жамоа хўжаликлари, хусусан, қолоқ хўжаликлар раҳбарлари самарали ишлаётган фермер хўжаликларининг даромад ва фойдаларига кўз олайтиради? Энг қолоқ хўжаликлар фермерга чала-чулпа имконият беради-ю, кейин қараб туради: хўш, бу фермер унга нима бераркин? Бирорнинг даромадидан фойдаланиш қип-қизил муттаҳамчилик эмасми? Битта тадбиркор ишлайди-ю, қолган текинхўрлар шундан фойдаланади.

Бу ерда ўтирган кўпчилик ҳокимларнинг фермерларни хўжаликка боғлаб қўйиш ниятида юрганини мен биламан. Йўқ, энди бунақа иш кетмайди. Фермер энди мустакил бўлади. Янги қонун лойиҳасида фермернинг тақдирини ҳал қиласиган, фермер хўжалигини ташкил қиласиган хўжалик раиси эмас, балки хўжалик аъзоларининг умумий мажлиси деб ёзилган. Олдин умумий мажлис, фермер бўладиган одамнинг қобилиятини

аниқлаб, қарор қабул қиласы. Кейин туманда ўтирган мутахассислар яна бир бор күриб қишиб, ундан кейин ҳоким қарорни тасдиқлады.

Агар қаердадир қонун талаблари ва меъёрларига риоя қилинмаган ҳолда, нафсиёти бизга номақбул фермер хўжаликлари ташкил этилган бўлса, бунинг учун биринчи навбатда маҳаллий ҳокимият раҳбарлари жавоб бериши керак. Чунки улар ердан, хусусан, суғориладиган майдонлардан тўғри ва оқилона фойдаланишга жавобгар шахс ҳисобланади. Чунки - биз бу ҳақиқатни ҳам ҳазм этишга ўрганишимиз зарур - ҳамма ҳам замонавий фермер бўлишга лойиқ эмас.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича 1998-2000 йилларга мўлжалланган комплекс Дастур қабул қилиш керак. Унда бозор иқтисодиёти талабларига мос замонавий аграр ва иқтисодий муносабатларни жорий этишга қаратилган, шунингдек, тупроқ унумдорлигини ошириш ва ернинг мелиоратив холатини яхшилаш, уруғчилик ҳамда чорва наслчилигини такомиллаштириш бўйича муайян чора-тадбирлар белгиланиши лозим.

Гап фақат бундай дастурни қабул қилишдагина эмас. Унинг ижросини доимий назорат қилиб бориш ҳам керак.

Тўртинчи устувор йўналишимиз. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш. Тажриба шуни кўрсатадики, жаҳонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирмай туриб, иқтисодий ўсиш, ишсизлик даражасининг пасайиши ва аҳолининг даромадлари ошишига эришган бирор мамлакат йўқ. Биз ҳам бу ҳақда кўпдан бери гапирамиз.

Бир қанча қонуний ҳужжатлар қабул қилинди, кичик бизнесни қўллаб-кувватлашга қаратилган инфратузилма ташкил этилди. Бироқ бу масалаларда жиддий силжишлар юз берадётгани йўқ.

Бугун кичик корхоналар моддий-техникавий ва хомашёвий ресурсларнинг кўп турларини топишда қийналяпти. Тижорат банклари кичик бизнес учун узоқ муддатли қарз бериш билан амалда шуғулланмаяпти.

Ички кредит ресурсларининг этишмаслиги ҳаммага аён. Лекин бошқа бир йўл - хорижий кредитларни ўзлаштириш суръатларида сусткашлик бор. Шу мақсадлар учун ажратилган 350 миллион АҚШ долларидан бор-йўғи 1,5 миллион доллар ўзлаштирилган, холос.

Қисқа муддатларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун ажратилган хорижий кредитларни ўзлаштиришни тезлаштиришга, бу борадаги барча тўсиқларни, курук расмиятчилик ва тўрачилик Ғовларини олиб ташлашга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқиш керак.

Ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-кувватлаш бўйича Ҳукумат комиссияси, шунингдек, ҳозирча бор-йўқлиги билинмаётган Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бутун кучини ишга солиши шарт. Яқин кунларда шу масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилиш зарур.

Бешинчи. Экспортни кенгайтириш ва валюта тўлов балансини мустаҳкамлаш масалалари устувор вазифа бўлиб туриди. Корхонани валюта ишлашга ундовчи омил бўладиган механизм яратиш керак. Алоҳида таъкидлаб айтаман: ўз маҳсулотини экспорт қилиш ҳисобидан валюта тушумига эга бўлмаган бирон-бир корхона ўз ишини қониқарли деб ҳисоблашга ҳақли эмас.

Ташки савдони такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон пахта толасини сертификациялаш мустақил марказини тузиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Бухоро шаҳридаги пахта толасини сақлаш ва қайта ишлаш бўйича база ташкил этишда ва ҚорақалпоҚистон Республикаси, Тошкент, Фарғона, Сурхондарё вилоятларидаги мавжуд омборлар базасида ана шундай комплекслар тузишда эришилган ижобий тажрибаларни янада мустаҳкамлаш керак.

Кимё тармоғида, шу жумладан, республикадан ташқарида ҳам, консигнацион омборлар ташкил этиш масалаларини ҳал этиш зарур. Бу ўзимизда чиқариладиган ўғитларни жаҳон бозорида ва ички бозорда уларга бўлган талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб

сотиши имконини беради.

Олтинчиси. Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш.

Албатта, бу бир-икки йил ичида ҳал қилинадиган муаммо эмас. 1998 йилда, энг аввало, умумий ўрта ва маҳсус таълим ислоҳотини бошлишимиз керак.

Кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишда хуқуқий асосни яратувчи бир қатор қонунлар ва меъёрий хужжатлар мажмуи қабул қилинган.

Ҳозир янги типдаги ўқув муассасалари - академик лицейлар ва касб-хунар коллажлари фаолиятини ташкил этиш бўйича хужжат ва қоидаларни ишлаб чиқишга эътиборни қаратмоқ зарур.

"Таълим" харита-схемасини тузиш бўйича ишни якунлаш керак. Шу қаторда энг муҳим масала - академик лицейлар ва касб-малака коллажлари ишини ташкил қилиш учун амалдаги ўрта маҳсус ва хунар-техника ўқув юртлари моддий ва маънавий салоҳиятидан фойдаланиш имкони даражасини аниқ белгилаб олишдири.

Шунингдек, янги ўқув муассасалари сони, жойлашиши ва ихтисоси, уларнинг техник жиҳатдан жиҳозланиши, минтақаларнинг истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий ривожи, жўкрофий ва демографик ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда малакали педагогик кадрлар билан таъминланишини аниқлаш ҳам кўзда тутилиши зарур.

Республика манфаатларидан келиб чиқиб, профессионал меҳнат бозори талабарини ҳисобга олган ҳолда, касб-хунар таълими турлари бўйича йўналишлар, ихтисослар ва касбларни туркумлаш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаракатга келтириш лозим.

Еттинчи. Фонд бозорини ривожлантириш. Эркин пул маблағлари, жумладан, ўзимизнинг ички имкониятларимизни ва хорижий сармояларни фонд бозори орқали жалб қилишни кенгайтириш механизmlарини ва аниқ қоидаларини ишлаб чиқиш лозим. Қимматли қоғозлар бозори муомаласида бирламчи ва иккиламчи савдо бўйича ҳам мукаммал фонд бозорини шакллантириш зарур.

Ваколатли бошқарув услубини жорий этиш йўли билан давлат акцияларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга эришиш керак. Бунда давлат пакетларини танлов асосида энг қобилиятли, лаёқатли раҳбарларга бериш кўзда тутилади.

Энг муҳим масала - акция эгалари ўзларини нафақат қўшимча даромад, балки акция чиқарган корхоналарнинг эгаси сифатида ҳис қилишларини тарбиялашимиз лозим.

Ўзбекистонга кредит рейтингини олиш йўли орқали республика фонд бозорининг ҳалқаро капитал бозори билан бирлаштирувани таъминлаш, мамлакат қимматли қоғозлар бозорида хорижий сармоядорлар иштироки механизми ва хуқуқий асосини такомиллаштириш зарур.

Чет эл қимматли қоғозлар бозорида эса Ўзбекистон корхоналари чикарадиган акцияларни жойлаштиришнинг хуқуқий ва ташкилий асосларини ишлаб чиқиш лозим.

Жаҳоннинг етакчи инвестицион институтлари билан техник ҳамкорликни фаоллаштириш ҳамда хорижий сармоядорлар талабарини ҳисобга олган ҳолда, корхонанинг молиявий аҳволини баҳолаш андозаларини такомиллаштириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Яна бир ўта муҳим масала. Бугунги кунда факат иқтисодиётга эмас, балки, энг аввало, республиканинг сиёсий ва ҳалқаро нуфузига, жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий нуфузига катта зарар етказаётган энг хавфли иллат - коррупциядир. У айрим ҳолларда ўта хавфли тусга кирмоқда.

Ўтган йилга якун ясад, 1998 йилдаги бош вазифаларни белгилар эканмиз, ушбу хавфга яна ва яна бир бор алоҳида эътибор қаратишга мажбурмиз.

Ушбу масала бўйича кейинги йиллардаги ишларнинг ахволи таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиёт соҳасида содир этилаётган жиноятлар уруғи тобора кўпайиб бормоқда.

1996-1997 йилларнинг ўзидагина қарийб 9 мингга яқин шундай турдаги жиноят аниқланган. Ушбу жиноятларни содир этишда масъул ходимлар ҳам иштирок этган. Ўқимликларнинг 13 нафар раҳбар ходими порахўрлик, ўта катта миқдордаги юлғичлик ва лавозимини суиистеъмол қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Банк-молия соҳасида, давлат мулкини хусусийлаштиришда, қимматли қоғозлар муомаласида, кичик ва хусусий корхоналар тузишда, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш жараёнларида уюшган жиноятчи гурухлар содир этаётган қонунбузарликлар сонининг ошиши, айниқса, ташвишлидир.

1997 йилда хусусийлаштириш соҳасининг ўзида прокуратура органлари томонидан 480 нафар айбдор шахс жавобгарликка тортилди, 44 та иш бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Кўпгина ҳолларда хусусийлаштирилаётган обьектлар қиймати сунъий равища арzonлаштирилгани фош этилди. Бундай фактлар Навоий, Тошкент, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм, Андижон, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида, айниқса, кўпдир.

Иқтисодиёт соҳасида қонунчиликка ва ахлоқ қоидаларига амал қилиш борасидаги ишларнинг аҳволи, аниқ далиллар таҳлили шундан далолат берадики, биз коррупция билан кураш масаласига алоҳида эътибор қаратмоғимиз лозим. Чунки коррупция амалга оширилаётган ислоҳотларни тўғридан-тўғри обрўсизлантириб, унинг маъно-моҳиятига доқ туширмоқда.

Тартиб-қоидани мустаҳкамлаш ва қонунларга риоя этишни кучайтириш, кичик корхоналар ва тадбиркорлар манфаатларини ишончли, хуқуқий муҳофаза қилиш бўйича кечикириб бўлмайдиган, кескин чора-тадбирлар ишлаб чиқишимиз лозим. Бунда, энг аввало, порахўрлик, таъмагирлик ва товламачилик йўли қатъий тўсилиши керак.

Айниқса, қонун посбони бўла туриб, тадбиркорлар манфаатларини муҳофаза этиши лозим бўлган, мажозан айтганда, қўли пок бўлиши зарур бўлган хуқуқ-тартибот органларининг ўзида манфаатпарастлик, порахўрлик, коррупция, айбдорларга ҳомийлик қилиш, ўз ишига жинояткорона совуқконлик муносабатида бўлиш каби ҳолларга қатъиян чек қўйиш зарур.

Давлат солиқ хизмати тизимида талай қонунбузарликлар, порахўрликлар содир этилгани фош қилинди. Биз солиқ хизмати ходимларининг барчасини аттестациядан ўтказишга, уларнинг сафини мазкур соҳага суқилиб кирган нопок, нолойиқ кимсалардан тозалашга мажбурмиз.

Афсуски, жиноятга қўл ураётганлар орасида ҳамон милиция формасини кийиб юрганлар ҳам бор. Энг қўп жиноятни Самарқанд, Тошкент, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳри милиция ходимлари содир этишмоқда.

1996-1997 йиллар мобайнида хуқуқ-тартибот органларида 191 киши порахўрлик билан қўлга тушиб, 257 киши мансабини суиистеъмол қилишда айбланиб, қилмишларига яраша жазо олдилар.

Суд органларидан 26, прокуратурадан 13 нафар ходим жиноий жавобгарликка тортилиб, турли йилларга озодликдан маҳрум этилди. Божхона ходимларидан 76 киши жиноий ишга қўл ургани аниқланди.

Кимки, хуқуқ-тартибот органларида ишлайман, қонунни истаганча оёқости қилишим мумкин, мушугимни бирор "пишт" деёлмайди, деб ўйлаган бўлса, янглишади. Органларда содир этилган ҳар қандай жиноят, аввало, органларнинг, ҳокимият тизимининг обрўсини тўқади, хуқуқий давлат қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга катта зиён етказади.

Мана шу юксак минбардан туриб, мазкур соҳа ходимларини огоҳлантироқчиман: сизларга бошқаларга нисбатан алоҳида талаб қўйилади. Шундан хулоса: сафингизда йўл қўйилган ҳар қандай қонунбузарлик ва жиноят учун шафқатсиз жазо оласизлар!

Кўйилаётган талабларга қай даражада муносаб эканликларини текшириб турish учун хуқуқ-тартибот органлари ходимларини мунтазам равища аттестациядан ўтказишни йўлга қўйиш зарур.

Прокуратура, милиция қошида, божхона ва солик қўмиталари ҳузурида маҳсус инспекциялар тузиш керак. Тики улар ходимларини аттестациядан ўтказиш, органларимиз сафларининг тозалиги учун жавоб берсинлар.

Мен бир вақт айтувдимки, ҳалқимиз ҳар қандай қийинчиликка чидайди, лекин ҳеч қачонadolat бузилишига чидамайди.

Адолат қачон бузилади?

Амалда ўтирган, вазифада ўтирган одам ўзи ахлоқий, маънавий нуқтаи назардан бузилса, нафсини тиёлмаса, тўғри йўлдан чиқса, мана шундаadolat бузилади, мана шунда одамлар бизларга нисбатан ишончини ўйқотади.

Мана, Бош Прокуратура, Олий Суд, Адлия вазирлиги, Олий Хўжалик суди... Сизларга катта ишонч билдирганмиз, сизларни қонунни ҳимоя қиласиган одамлар деб биламиз. Сизлар ҳалол ва одилона иш юритсангиз, бизда ҳуқуқий давлат,adolatли жамият қуришга имконият пайдо бўлади.

Ҳозирда мавжуд ва эндиликда тузиладиган маҳсус инспекцияларга катта ҳуқуқ бериш керак. ҲУҚУҚ-тартибот органлари ҳузуридаги бу инспекциялар ўз сафларини тозалаши, ҳар хил маънавий чириган кимсалардан жамиятни ҳалос қилиши керак. Асосий мақсад шу.

Жамоатчилигимиз, нодавлат ташкилотлар ҳам бу масалага кўпроқ эътибор бериши керак. ҲУҚУҚ-тартибот органлари фаолияти бутун жамият назорати остида бўлиши керак. Демократик фуқаролик жамияти курмоқчи бўлсак, буларнинг тепасида авваламбор жамият бўлиши керак. Нодавлат ташкилотлар олдида ҳисобот бериш зарур. Яқинда матбуот бўйича қонун чиқди, мухбирларга катта ҳуқуқ берилди. Матбуот, телевидение ва радио ҳам бу масаланинг аҳамиятига, моҳиятига эътиборни кучайтириши лозим.

Муҳтарам дўстлар!

Рўй-рост айтишим керак, кўриб турганингиздек, жорий йилдаги вазифаларимиз жуда катта ва мураккаб. 1998 йилда олдимизга қўяётган мазкур вазифалар мамлакатимизни бозор ва демократик ислоҳотлар йўлидан босқичма-босқич, изчил ривожлантиришнинг ажралмас қисмидир.

Аминманки, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда мазкур дастурнинг амалга оширилиши янгиланиш ва тараққиёт сари олға силжишимиз, ҳалқимизнинг тўқ, фаровон яшashi учун мустаҳкам моддий ва маънавий замин яратади.

Ана шу эзгу тилакларнинг рўёбга чиқиши учун барчангизга соғлиқ-саломатлик, омад тилайман.

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг  
мажлисидаги маъруза,  
1998 йил 25 февраль

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИННИНГ  
XI СЕССИЯСИДА  
СҮЗЛАНГАН НУТҚ

ҚОНУНЛАРИМИЗ ДЕҲҚОН МАНФААТИГА  
ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Хурматли халқ ноиблари!

Аввало мана шу фурсатдан фойдаланиб, ҳозир қабул қилингандан қонунларниң шундай катта ҳурмат, катта қизиқиш билан муҳокама қилинганидан мамнуният изҳор этмоқчиман. Чунки шу қонунларниң моҳиятига ҳар томонлама етиб бориб, сиз депутатларниң ва сиз орқали жамоатчилигимиз, айниқса қишлоқ жойларда яшаётган одамларниң бу масалага муносабатини инобатга олсак, уларниң ўз вақтида қабул қилинганини яна бир бор таъкидлаш зарур.

Мен бу ҳолни мазкур ҳужжатларниң ҳаётимизни ўзгартиришда, керак бўлса, тақдиримизни ҳал қиласидиган масалаларни ечишда жуда катта аҳамиятга эга лигининг яна бир яққол тасдиқи деб биламан. Шу ўринда бир нарсага эътибор бердим. Бу тўртта қонунни, яъни Ер Кодексини, Қишлоқ хўжалиги ширкати, Фермер хўжалиги, Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунларни қабул қилаётганда биронта депутат қарши овоз бергани йўқ. Бу ҳам мен ҳозиргина айтган гапнинг далили. Сизлар ҳам шу масалаларни жойларда муҳокама қилаётганда, уларниң бугунги ҳаётимиздаги аҳамиятини чуқур англаб, мана шу қарорларни ўз вақтида қабул қилаётганимизни яхши ҳис этганингизнинг далолати десак, хато бўлмайди.

Умуман айтганда, бу қарорлар тўртта муҳим масалани ечади.

Биринчи масала - бу қишлоқ хўжалигига мулк масаласидир.

Иккинчи масала - деҳқонларниң, қишлоқ хўжалигига ишловчиларниң мулкка эга лик ҳиссини шаклантириш, мустаҳкамлаш масаласи.

Учинчи масала - бу қонунлар орқали қишлоқ жойларда, керак бўлса, бутун иқтисодимизда бу борадаги ишларни мутлақо янги асосда ташкил этиш, бугун замон талаб қилаётган услубларга ўтишдир.

Тўртинчи, энг муҳим масала, мен алоҳида урғу бериб айтмоқчиманки, бу қонунлар Ўзбекистонда янги синф, янги тоифа - мулк эгалари пайдо бўлишига мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади.

Ана шу масалаларниң ҳаётимиздаги аҳамиятини англасак, ўйлайманки, биз жуда катта иш қилган бўламиз. Лекин ҳозирча қилган ишимиз- бу борада қилиниши зарур бўлган ишларниң фақатгина 50 фоизидир.

Яна такрор айтаман, бу ишнинг ярми, холос. Бунда мен нимани назарда тутяпман? Кимки, мана қонунларни қабул қилдик, эртага қишлоқ хўжалик соҳасида мутлақо бошқача ҳаёт бошланади, эртага ўз-ўзидан ишимиз бошқача ташкил қилинади, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бошқача услугуб ишлатилади, деб ўйласа, бу жуда катта хато бўлади. Агарки қонунларда кўзда тутилган мақсадларга эришмоқчи бўлсак, авваламбор ташкилий ишларни - бу қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ишларини қатъият билан амалга оширишимиз керак. Агар эртага, бу бизнинг тажрибамиизда бор, тарихимиизда бор, мана энди қонун қабул қилинди, деб кампаниячиликни бошласак, вилоятларда, туманларда кечаги колхозларни тезлик билан ширкат хўжалигига айлантириш, тузиш масаласида мусобақага ўтиб кетсак, бу ҳозир қабул қилингандан қарорларни бутунлай обруйсизлантирадиган қадам бўлади.

Такрор айтаман: агар биз шошилиб, палапартиш иш тутиб, масаланиң у ёқ-бу ёғини чуқур ўйламасдан, етарли шароит ташкил қилмасдан, ташкилий масалаларни ечмасдан,

ширкат хўжаликларини тузишга ўтсак, мен яна бир бор сизларга қаратса, сиз орқали бутун ҳалқимизга, дехқонларимизга қаратса айтмоқчиман, бу мутлақо нотўғри, аҳмоқона иш бўлади. Фикримча, мана шу масалаларни ечиш учун баъзи бир муҳим шартларга эътибор бериш керак. Бу шартлар нимадан иборат?

Биринчи шарт шундан иборатки, мана шу қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига кўйилганда, жойлардан жуда кўп хатлар, тавсиялар, одамлар ўз муносабатини билдирган изоҳлар, маърузачи таъкидлаганидек, уч мингдан ортиқ таклиф тушди. Шу масала телевидениеда муҳокама қилинаётганда мен шунга эътибор бердимки, жойлардан дехқонлар қўнғироқ қилиб, шу масалаларга қизиқиш билдириди. Баъзи бир моддаларни тушуниш, англаш бўйича турли саволлар беришди. Бу ҳам одамларнинг шу қарорларни кутганини билдиради. Демак, агар биз мана шу қонунларни амалга ошироқчи бўлсак, самарасини кўрмоқчи бўлсак, жойларда уларни тарғибот қилиш ишларини яхши йўлга қўйишимиз лозим. Авваламбор, муҳим қонун бўлмиш "Ер Кодекси"ни, нафақат дехқонлар, мана шу ерга алоқаси бўлган амалдорлар, балки мана шу масалани ечадиган барча мутахассисларга мазкур қонунларнинг асосий талабларини, моҳиятини етказишимиз керак. Токи, бу қонунлар, бизга нима беради, деган масала ҳар бир одамнинг онгига етиб борсин.

Иккинчи шарт шундан иборатки, ишни шу қонунлар асосида ташкил қилмоқчи бўлсак, жойларда ишлайдиган, маҳсулот етказиб берадиган, қадоқ қўллари билан бизларни бокадиган дехқон қонунни жорий этишда албатта қатнашиши, ўз фикрини билдириши керак. Тепадан туриб кўрсатма бериш билан иш битмайди. Хўжалик тақдирини факат раҳбарлар, бригадирлар, звено бошлиқлари, мутахассисларни тўплаб, тор даврада ҳал этсак, қарор қабул қиласак, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларимизни бутунлай йўққа чиқарган бўламиз.

Яна тақрорлайман: ислоҳот жараёнида оддий дехқон албатта қатнашиши, масалалар моҳиятини чукур англаб, бу тадбирлар эртага унинг ҳаётига, оиласи, хонадонига нима беришини аниқ билиши шарт. Мулк шаклини ўзгартириш мусобақага айланмаслиги керак.

Яна бир муҳим масала. Ер ҳажми, сифати, нуфузи, шароити турлича бўлган вилоятларда ягона мезон билан ёндошсак, қош қўяман деб кўз чиқармаймизми?! Пайчиларга дивиденд бермоқчи бўляпмиз. Эртага ширкат хўжалигига айланадиган жамоа хўжалиги бойлигини қандай аниқлаймиз? Хўжаликнинг асосий бойлиги нима? Ер ва ерга ишлов берадиган ускуналар, тракторлар, бошқа техника турлари, иморатлар ва шунга ўхшаган қурилишлар. Амортизацияга қараб техника баҳосини белгилаш мумкинdir, лекин ернинг баҳосини қандай аниқлаймиз? Андижонда ер қанча туради-ю, Сурхон ва Қашқадарё воҳасида қанча? Нафақат ер баҳоси, нафақат ер унумдорлиги, ер бонитети, балки бу ёқда одамлар нечоғли зич яшаётганини ҳисобга олган ҳолда, одамларга ер бўлиб беришда қандай меъёрларга амал қилиш керак? Буни алоҳида инобатга олмасдан қонунни ҳаётга татбиқ қилиб бўлмайди, деб ўйлайман.

Ер Кодексини қабул қилдик, ер кадастрини эртага тасдиқлаймиз. Лекин бу қонунларда кўрсатилган, белгиланган талаб ва шартларнинг бажарилишини ким назорат қилади? Ер кадастри устидан назорат қилувчи, унинг талабларини амалга оширувчи, сўраб-суриштирувчи, пайдо бўлаётган масалаларни холисона ҳал қилувчи, жамоатчиликимиз эътиборини шунга жалб қилувчи масъулиятли маҳсус бир ташкилот - қўмита керак. Яъни, ер умумий бойлигимиз экан, умумий бойлик устидан назорат қилувчи орган керак.

Дехқон хўжаликлари тўғрисида алоҳида тўхталмоқчиман. Дехқон хўжалиги нима асосда, қандай заминда пайдо бўляпти? Авваламбор, томорқалар заминида. Бу масала бўйича ҳозир қабул қилган қонунимизда дехқон хўжаликлари бўйича янги имтиёзлар белгилаб берилган. Лекин бу имтиёз ва имкониятларни амалга оширишда ҳар бир вилоят, ҳар бир туманда керакли шарт-шароит борми-йўқми, буни ҳам тўғри тушуниб ҳал қилишимиз керак.

Бу масалани ечишда ҳамма жойда авваламбор адолат бўлиши керак. Ер ажратишда бир дехқон хўжалигига 35 сотих, биттасига, айтайлик, 15 сотих бериш ва учинчисига ҳеч нарса бермаслик - бу адолатни бузиш дегани. Эртага норозилик келтириб чиқарадиган қарор ва тадбирлар бизга керак эмас. Шу сабабли бу масалаларни ҳар томонлама пухта ўйлаб кўришимиз керак.

Дехқон хўжалигининг асосий мақсади, манфаати, аҳамияти шундан иборатки, дехқон хўжалиги эртага маҳсулот - товар чиқарадиган бўлса, яъни ўз маҳсулотини бозорга олиб чиқадиган бўлса, шу масалада давлатнинг юкини енгил қиласди. Дехқон хўжалиги ўзини-ўзи боққан тақдирда ҳам бундай хўжаликларнинг афзаллигини қадрлашимиз ва қўллашимиз даркор. Шу билан бирга, бугун дехқон хўжалигини қонунлаштириб, эртага унинг эгаси нафақа олиши, пенсия олиши учун имконият яратяпмиз. Шу тадбир, йўллар билан ишсизликнинг олдини оляпмиз. Буни ҳам тарғибот қилишимиз, халқимизга тушунтиришимиз керак.

Шундай қилишимиз керакки, келажаги йўқ, самара бермайдиган, инқирозга дуч бўлган колхозларни тарқатиб юбориб, ерни одамларга бўлиб беришимиз керак. Хўжалик юритишининг мана шу услубига ҳам йўл очиб берайлик. Барака топкур, ишсиз юрибсанми, мана сенга томорқа, мана сенга қонун. Қонун асосида томорқа олдингми, дехқон хўжалигини ташкил қил, бориб рўйхатдан ўт, имтиёзлардан фойдалан. Қолгани ўзингга боғлиқ : ўзингни боқ, оилангни боқ, бўйдоқ бўлсанг турмуш кур, фарзанд кўр, даврингни сур, баҳтингни кўр. Такрор айтаман: давлат факат имконият туғдириб беради, у ёғи ўзингга боғлиқ, ўзингга ҳавола. Шундан кейин ҳам ишинг юришмаса, ўзингдан ўпкала!

Хуллас, биз одамларни харакатга келтиришнинг барча йўлларини ўйлаб кўришимиз керак. Шундай хўжаликлар борки, у ерда айтайлик, юзта текинхўр маош олиб ётибди, раис ҳам амалдор, коровул ҳам амалдор. Чунки маош олади! Ер самара бермаяпти, лекин амалдорларни бокяпмиз. Шунақа хўжаликларнинг ерларини бўлиб берсак, бунга қонун дастак бўлса, йўл очилса, барча имтиёзларни ташкил қилинса, меҳнатга иштиёқманд одамларнинг эртага яна қандай армони бўлиши мумкин?!

Гапимни яқунлаб, такрор айтмоқчиман: дехқон хўжалиги тўғрисидаги қонунни қабул қилишимиз бу - факат биринчи қадам, холос. Мазкур қонун мазмун-моҳиятига қўра серқирра бўлиб, жойларда - ҳар бир туман, ҳар бир вилоятда изчил амалга ошсагина, мақсадимизга эришамиз.

Яна бир бор таъкидлаш лозимки, муҳокама этилаётган қонунлар ҳаётимизнинг умумий қоидалари, умумий чегара-чизиқларини ўзида мужассам этган. Бу қонунлар асосида яна янги қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилишимиз керак. Катта ҳуқуқлар бердик, энди жойларда ҳокимлар ташаббус кўрсатишсин. Агар ҳоким ўзини вилоятнинг ҳақиқий эгаси қилиб кўрсатса, мен шу вилоятнинг эгасиман, деса, ёмонми! Мен бунга қарши эмасман. Бу яхши аломат. Эга дегани, шу туман, шу вилоят учун, керак бўлса, жонимни фидо қиласман дегани. Йўлимизга тўғоноқ бўлаётган тўрт-бешта муттаҳамнинг ёқасидан олишга тайёрман, дегани.

Сизга ишонган, сизга инонган одамларни ҳимоя қилишга ўрганинглар. ҲАМма ишни ўз холига ташлаб қўйиш ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди. Фидойи экансизлар, раҳбар деганини мен факат фидойи деб биламан, халқ ичига боринглар, унинг оғирини енгил қилинглар. Кўрқманглар, қийналиб қолсаларинг, ёнларингда мен борман. Мен сиз томондаман.

Кеча Москвада Ҳамдўстлик давлатларининг кенгаши бўлди. Кенгашда талай масалаларни баҳоли қудрат ечишга уриндик. Қандай масалалар қўрилгани, нимага эришганимиз, умуман, Ҳамдўстлиқ давлатлари, бизга қўшни давлатлар, собиқ Иттифоқ минтақасида жойлашган халқлар билан муносабатларимиз ҳақида телевидение орқали батафсил хисобот беришга ҳаракат килдим. Лекин бугун сизлар билан юзма-юз бўлиб, дийдор кўришиб, рўй-рост айтмоқчиман: асосий хулоса шуки, кенгашда катта-катта ҳужжатлар қабул қилинмаган бўлса ҳам, кўрилган масалалар бўйича қабул қилинган барча қарорлар биз танлаган йўлнинг тўғрилигини исботлади.

1991 йилдан бошлаб, мустақилликка эришганимиздан кейин иқтисод, сиёсат соҳасидаги энг маъқул йўлни, керак бўлса, сиёсатни ўтказдик, десак, муболаға бўлмайди. Нега деганда, бир вақтлар собиқ Иттифоқнинг давлат раҳбарлари орасида мустақиллик истиқболига ишонмаганлар кам эмасди. Афсуски, бундайлар ҳали ҳам бор. Лекин вақт ўтяпти, мустақиллик йилида туғилган болаларимиз етти ёшга тўлди. Биринчи синфа боргандар еттинчи, саккизинчи синфда ўқияпти. Улар "СССР" деган иборани мутлако билишмайди.

Биз бундан хурсандмиз.

Биз ҳар хил палапартиш ташаббусларга қўшилмадик. Бу, албатта кимларгадир ёқмади. Биз иқтисодий ривожланишни ҳар қандай сиёсий интилиш-харакатлардан устун кўриб, авваламбор Ҳамдўстликдавлатлари ҳалқларини иқтисодий асосда яқинлаштириш ва шу йўлдаги тўсиқларни олиб ташлаш тарафдори эканимизни ифода этдик. Фахрланиб, катта ифтихор билан айтмоқчиманки, Ўзбекистоннинг обрўси ўсиб боряпти. Бу сиёсат, бундай қараш ўз тарафдорларини топмоқда. Ҳамдўстликнинг кечаги мажлисида бизнинг барча таклифимиз ўтди. Биринчи бор тарихимизда ҲамдўстликДавлатларининг Бош вазирлар кенгаши раиси қилиб Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов сайланди. Албатта, амал bugun бор, эртага йўқ. Лекин биринчилар қаторида Ўзбекистоннинг Бош вазири шу лавозимга сайлангани Ўзбекистон олиб бораётган сиёсат, иқтисод бўйича танлаган моделимиз, йўлимиз тўғри эканлигидан ёрқин далолатдир. Буни нафақат дўстларимиз, керак бўлса, муҳолифларимиз ҳам ноилож тан олганларини мен кеча ўз кўзим билан кўрдим.

Азиз дўстлар!

Қабул қилган қонунларимиз, карорларимиз аҳамиятини, саъй-харакатларимиз қадрини баъзан ўзимиз билмаймиз. Балки бу ҳам табиий бир ҳолдир. Майли, барча хайрли ишларимизга фарзандларимиз баҳо берсинлар, қадрига етсинлар. Иншооллоҳ, шу кунларга ҳам етиб борайлик.

## ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР - ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ

Мұхтарам халқ депутатлари!

Бугун сессияда мұхомама қилинаётган қонунларнинг лойиҳалари бизларни нафақат бугунги ҳаётимизда, авваламбор, эртанги ҳаётимизда, келажагимизни қуриш режа ва мақсадларида катта ахамиятга эга. Шунинг учун баъзи бир мулоҳазаларимни сизларга маълум қилиб, шу масалалар бўйича фикр алмашиб олмоқчиман.

Олий Мажлиснинг Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси Анвар Йўлдошев билдирган фикрларга қўшимча шу нарсани оидинлаштириб ўтмоқчиман. Умуман, лўнда қилиб айтганда, хорижий сармоялар, ҳозир инвестициялар деяпмиз, яъни чет эл фирмаларининг сармоялари, маблағлари Ўзбекистонга керакми-йўқми? Мен нафақат сиз депутатларни, балки юртимиздаги оддий фуқароларни, олис-олис жойларда яшаётган одамларнинг савияси, тушунчасини инобатга олиб, шу саволларни кўндаланг қўймоқчиман. Ўзи, чет мамлакатлардан сармоя келмаса, бизлар яшшимиз мумкинми?! Агар чет мамлакатлардан инвестициялар келмаса, биз ўз мақсадларимизга эришишимиз - буюк давлат қуриш, фаровон ҳаёт барпо этиш, бугунги энг тараққий топган давлатларга тенглаша олишимиз мумкинми, йўқми?

Бу залда ўтирганларнинг аксарият кўпчилиги, мен ўйлайманки, юрт ғамини ейдиган, эртанги кун ҳакида қайғурладиган одамлар. Уларнинг барчаси бу саволга, албатта, ижобий жавоб беради. Четдан сармоя келмаса, четдан инвестиция келмаса, Ўзбекистон тез орада тараққий топган давлатлар даражасига чиқа олмайди.

Биз бир вақтлар мустабид тузумда, собиқ Иттифоқ тизимида яшаб, унинг қоидалари ва талабларига итоат қилиб, асосан хом ашё мінтақасига айланиб қолганимизни тақороран одамларимизнинг эсига солмоқчиман. Ўзбекистон деганда илгари одамларнинг тасаввурда нима жонланар эди? Пахта далалари ва далаларда машақкатли меҳнат билан банд бўлган бечора заҳматкаш дехқонларимиз.

Бир фараз қилинглар, ўн йил олдин худди шу манзара ҳаётимизнинг асосий мазмуни эди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз шундай тез суръат билан ривожланяптики, уни тасаввур қилиш ҳам осон кечмаётиби. Баъзи бир юртдошларимизга бугунги эришган натижаларимиз худдики осмондан тушаётгандек, ўз-ўзидан пайдо бўлаётгандек ҳам туюлаяпти. Гўё бугунги тараққиёт ҳаётимизда ўз-ўзидан амалга оширилаётгандек. Гоҳо баъзи бир танқидчиларимиз, айтайлик, шундай хаёлга ҳам бориши мумкин.

Шунинг учун шу саволларни тақороран бериб, одамларга реал ҳақиқатни эслатиш фойдадан холи бўлмас, деб ўйлайман.

Якин ўтмишда, яъни бундан ўн йил олдин Ўзбекистонни ким танирди? Биз хорижий мамлакатларни умуман билмасдик. Хорижий мамлакатлар ҳам бизни мутлақо билмасди. Агар ўша ёқларда Ўзбекистон қаерда жойлашган, Ўзбекистон нима билан шуғулланади, Ўзбекистонда қандай одамлар яшайди, ҳалқи нима билан банд, деб сўраса, ҳаммаси битта иборани ишлатар эди. Нима эмиш, "Ўзбекистон пахта макони" эмиш. Лекин бу "пахта макони" мана шу ҳалққа нима берди? "Пахта макони"га айланган юртимиз нафақат бутун социалистик лагерь, айтайлик, дунёнинг кўп-кўп бошқа мамлакатларига ҳам пахта етиштириб бериб, бундан нима наф кўрди? Ўзбекистонда ҳукм сурган "пахта яккаҳокимлиги"ни эсингизга олинг. Бундай ҳолнинг табиатимизга, одамлар ҳаётига салбий таъсирини олинг. Агар ўша замонни эсласак, "пахта яккаҳокимлиги" даврида фақат томларимизда пахта экилмади, холос.

Ҳақиқатни англаш учун дунёда битта синалган услуб бор. Солиштириш керак, қиёслаш керак. Кеча ким эдик, айтайлик, нима масалада бизлар азоб-уқубат чекканмиз ва бугунги ҳаётимизнинг, эртанги режаларимизнинг шундан қандай фарки бор? Бизлар қандай қадам кўяяпмиз, тўғри йўлданми, йўқми, деган саволга жавоб берәётганданда фақат қиёслаш керак. Куруқ ташвиқот керак эмас.

Шу нұқтаи назардан қараганда, яна бир бор айтаман: жағон жамоатчилиги илгари харитадан Ўзбекистонни күрсатишига ҳам қийналадиган бўлса, ҳозир давлатимизни бутун дунё таниб бормоқда. Ҳозир юртимизга кўплаб мамлакатлардан делегациялар келади.

Биргина ўтган ойнинг ўзида дунёning манман деган давлатлари, мисол учун АҚШнинг энг кўзга кўринган сенаторлари, конгрессменларининг кўпчилиги Ватанимизга келиб кетишиди. Биласизлар, матбуотда, телевидениеда Ўзбекистон Президенти фалон делегацияни қабул қилди, деб бериладиган хабар бу шунчаки қуруқ маълумот эмас. Бунинг тагида чуқур маъно бор. Тараккӣ топган, дунёда катта нуфузга эга давлатларнинг раҳбарлари ва шуларнинг вакиллари Ўзбекистонга келиб, ўз хурматини изҳор қилиши, ўз таклифларини билдириши, ҳамкорлик масаласига, умуман, биргалашиб ишлашга тайёр эканликларини изҳор қилиши - бу уларнинг Ўзбекистонни, халқимизни, бизнинг салоҳиятимизни яна бир бор эътироф этганини, тан олганини билдиради.

Шулар билан гаплашганда мен уларга, ўн йил олдин Ўзбекистонни харитадан кўрсатиб бера олармидингиз, десам, ҳақиқатни айтадиган бўлсанак, йўқ, тополмасдик, дейди. Ўзбекистон деганда фақат Самарқанд, Хива ёки Бухоро қаерда бўлганинг билардик, қолганини билмас эдик, деб ошкора айтади улар.

Мен нима демоқчиман? Айтмоқчиманки, биз кечаги ҳаётимиздан буткул воз кечганимиз йўқ. Умуман, тарихдан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Тарих - бу бизларники, аччиқ бўлса ҳам, чучук бўлса ҳам, у биз учун ҳаётдан сабоқ ва хulosалар чиқариш учун хизмат қилади. Шу нұқтаи назардан қараганда кеча фақат хом ашё ва хом ашё маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон бугун дунё харитасидан ўз муносиб ўрнини эгаллашга, бошқа тарақкӣ топган мамлакатлар, авваламбор, АҚШ, ҲАРбдаги демократик давлатлар, Шарқдаги Япония, Корея, Малайзия ёки шунга ўхшаш давлатларга тенг бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, бунда биринчи галда чет эл сармоялари, чет эл инвестицияси ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Мен ҳозир тилга олиб ўтган кўпчилик давлатларнинг тарихи шуни кўрсатадики, агар хорижий мамлакатлардан сармоя келмаса, инвестиция келмаса, ҳеч қачон бу давлатлар бугунги ривожланиш даражасига кўтарила олмас эди.

Яқинда Европа ва Америкада бир тарихий воқеага - Маршалл планига бағишилаб катта мажлислар, турли маросимлар ўтказилди. Биласизларки, Маршалл деган одам АҚШ давлат котиби бўлиб, у Европани Иккинчи жағон урушидан кейин оёққа кўтариш учун маҳсус дастур ишлаб чиқишига бошчилик қилган.

Шу дастур Маршалл плани деб аталади. Франция, Буюк Британия, Германия ва шунга ўхшаган Европа давлатларининг бугунги савиясини кўрсангиз, беихтиёр одамнинг ҳаваси келади. Лекин урушдан кейинги уларнинг аҳволини бир эслаб кўрайлик. Қай аҳволда эди Европа? Маршаллнинг плани нима берди? Америка Кўшма Штатлари Европани тиклаш учун бир йўла катта маблағни тавсия қилди. Маршалл планига асосан таҳминан 50 миллиард доллар Европа давлатларига кредит сифатида берилди. Мазкур маблағ бу мамлакатларнинг иқтисодини ўнглаб, ҳаёт даражасини кўтаришга, авваламбор илғор технологияларни жорий этишига ва умумбашарий тараққиёт йўлига қайтаришга катта хизмат қилди. Маршалл плани ана шундай улкан натижа берди.

Энди Японияни олайлик. Урушдан кейин Япония қай даражада эди? Қандай аҳволда эди? Бу вайона бўлиб ётган давлат 50 йилдан кейин бугунги юксак тараққиёт даражасига кўтарилади, деб ким тасаввур қила оларди? Кореяни олинглар. Қай аҳволда эди Жанубий Корея?

Хуллас, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. ҲАМмаси, барчаси нима ҳисобидан кўтарилиди? Албатта, биринчи галда, ўз кучига таяниб, ўз имкониятларига суюниб. Лекин четдан кўмак, сармоялар бўлмаса, ўз мақсадига эриша олмасди.

Ўзбекистоннинг ривожланиш модели, Ўзбекистоннинг тараққиёт режаси ва дастурларини тузганда биз аввало нимага ишондик ва нимага асосландик? Ўзимизнинг кучимизга. Ўзимизнинг тарихимизга. Ўзимизнинг фахримизга. Ўзимизнинг Ғуруримизга ва шу йўл билан фаровон турмушга эришишни ўзимизга қатъий мақсад қилиб белгиладик.

Лекин, шу билан бирга, фақат шу мезонга, шу омилга суюниб кўп нарсага эришиш мумкин эмас. Тараққиёт учун сармоя керак, инвестиция керак.

Мана, кече Япониядаги энг катта фирмаларнинг раҳбарлари Ўзбекистонга келди. Булар шундай катта фирмаларки, улар Япониянинг бутун капитал дунёсини ушлаб туради. Улар орасида Япониянинг иқтисодий ташкилотлари федерацияси - "Кейданрэн" деган йирик бирлашмаси ҳам бор. Бу фирмалар нафақат молиявий иқтисодни, керак бўлса, ўз хукуматининг сиёсатини ҳам белгилайдиган қудратга эга.

Биз улар билан учрашиб фикр алмашдик. Жумладан, федерация раҳбари жаноб Тоёда билан ҳам сухбатлашдик. Бу япон фирмаларининг энг катта раҳбари, кўп нарсани биладиган, тажрибали одам. Шулар билан учрашиб, яна бир бор гаплашиб олдик. Учраувлар давомида Япония Ўзбекистонга қандай қарайпти, бизга муносабати, сармоя бериш соҳасидаги режалари, бизларнинг эртанги кунимизга ишончи борми-йўқми - шу каби масалалар хусусида атрофлича кенгашиб олдик.

Фикримни якунлаб айтмоқчиманки, агар Ўзбекистон тез кунларда ўзининг мақсадига, ўз муродига эришмоқчи бўлса, чет мамлакатлар, бой давлатларнинг сармоясини олиб келмасдан бу ниятларни амалга ошириб бўлмайди. Истардимки, бу оддий, лекин ғоят муҳим ҳаётий ҳақиқатни мактабларда ўқиётган, олий ўкув юртларида таълим олаётган болаларимиз, эртага бизнинг ўрнимизга келадиган фарзандларимиз яхши англаб олса, қолаверса, ҳар қайси фуқаро шуни яхши тушуниб етса. Чунки бу ҳаётий ҳақиқат - бизнинг эртанги кунимизнинг гарови. Такрорлаб айтаман: бу - гаров. Бу - шарт. Агар шу шартни амалга оширсак, эртага марра бизларники.

Шу сабабли мана шу иккита - яъни "Чет эл инвестициялари" ва "Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тўғрисида"ги қонунларни кўраётгандан табиий савол туғилади: хўш, нима учун биз бу қонунларни қабул қиляпмиз? 1992 йилда қабул қилган қонунларни бугунги кўз билан бошқатдан қараб, яна бошқатдан таҳририни ўзгартиряпмиз? Сабаб нима?

Сабаб шундаки, бутун дунёнинг маблағи, барча бой-бадавлат давлатларнинг инвестициялар учун ажратадиган маблағлари, сармоялари, булар ҳаммаси бир қозонда қайнаб турибди. Бугунги умумбашарий шароит шундайки, жаҳонда умуман глобализация деган жараён кечяпти. Дунёда қанча ортиқча сармоя бор, бу сармояни бошқаларга бериш, ёрдам тариқасида бериш, ўзига фойда орттириш миқдори каби масалалар ҳаммага маълум. Лекин савол туғилади: хўш, бу сармоя қайси давлатларга, қайси минтақага биринчи навбатда оқиб боради? Қайси ишлар учун, қайси тармоқлар ва минтақаларнинг ривожи учун ётқизилади? Мана шу масала бугун, бугунги жаҳон сиёсатида, иқтисодий сиёсатида ва бошқа сиёсатда энг катта аҳамиятга эга бўлган масала. Худдики дарё оқиб келяпти, бу дарёнинг чегаралари ва манзили қаёқда?

Агар мустақил бўлган йилимиздан ҳисобласак, бугун Ўзбекистонга келган сармоя таҳминан 8 миллиард АҚШ долларини ташкил қиласди. Бир йилда биз таҳминан 1 миллиард АҚШ долларини ўзлаштиряпмиз. Лекин бу бизнинг имкониятларимиз даражасидан кам, бу ҳар томонлама қараганда режаларимизни амалга ошириш учун етарли эмас. Шунинг учун биз тезроқ ўсмоқчи бўлсак, иқтисодимизни жаҳон иқтисодига тенг қилмоқчи бўлсак, аввалимбор, саноатни, иқтисодни ривожлантироқчи бўлсак, Голландия, Германия, Хитой ва Япония технологияларини олиб келиб, қишлоқ хўжалигини кўтармоқчи бўлсак, бизга сармоя, сармоя, яна бир бор сармоя керак. Яъни, хорижий инвестициялар керак.

Шу нуқтаи назардан бу қонунларни қабул қилишимизнинг, уларни қайтадан кўриб чиқишимизнинг сабаби битта. Қаерда имтиёз бўлса, қаерда шароит бўлса, қаерда агарки қонуний гаров, қонуний кафолат бериладиган бўлса, шу ёққа сармоя келади. Буни яна тушунтириб ўтиришнинг хожати йўқ, деб ўйлайман. Мен ишонаманки, мана шу гапларимни оддий одамларга, жамоатчилигимизга, халқимизга етказасизлар. Яъни қаерда шароит бўлса, қаерда қулай иқлим бўлса, қаерда шундай имтиёзлар бўлса, улар шундан фойдасини кўрса, кафолатига ишонса, шу жойга ишониб сармоя олиб келади. Кафолат

дегани - бу жуда оғир нарса. Кафолат деганда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам молиявий кафолат беришимиз керак. Бунинг фоизлари бор, бунинг гаровлари, ўзига яраша шартмажбуриятлари бор. Биз буларнинг ҳаммасини мужассамлаштириб, қонуний нуқтаи назардан, қонун билан кафолатини берар эканмиз, бу ишларимизни тарғибот қилиш керак, ташвиқот қилиш керак. Чет эллардаги катта нуфузли компанияларга, пулдор банкларга, халқаро молия ташкилотларига мана шу қонунларимизнинг моҳиятини чукур тушунтиришимиз, бошқача айтганда, миясига қуйиб қўйишимиз керак. Ўзбекистонда биринчи навбатда сиёсий, иқтисодий, молиявий барқарорлик мавжуд, бу ҳар қандай сармоянинг асосий гарови, асосий шарти, деб айтишимиз керак. Сизлар сўраётган кафолатни биз берамиз, қулай шарт-шароит ҳам яратиб берамиз. Шу билан бирга фоизини ҳам қойил қилиб берамиз. Сизларнинг ички ишларингизга аралашиш ёки йўлингизга Фов бўладиган тўсикларни бартараф этишга, керак бўлса, зўравонларнинг пайини қирқишига мана шу қонунлар асос бўлади, деб биз кафиллик беришимиз даркор. Токи уларда шундай ишонч пайдо бўлсинки, Ўзбекистонга сармоя келтирган хорижий инвестор бошқа жойдагига нисбатан кўпроқ фойда олади.

Албатта, мен бу гапларни биринчи марта айтаётганим йўқ. Лекин шуни унутмаслик лозимки, дунёда ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳеч қандай даврда ҳам текинга Ўзбекистонга ёрдам бермайди. Чунки манфаатсиз, ўзининг мақсадига эришмасдан, бирор фойда кўрмасдан ёрдам бериш деган гаплар - буларнинг барчаси пуч гаплардир.

Шунинг учун мана шу қонунларнинг синчиклаб мағзига етиб борсак, бизлар 1993 йилда қабул қилган қонунни кеча иккита мустақил қонунга айлантиридик. Яъни чет эл инвестицияларини алоҳида кўриб чиқдик. Мана шу инвестицияларга кафолат бериш масаласини муҳокама қилдик ва уни кенгайтиридик. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда хорижий сармояларга қандай имтиёзлар берилаётганини, уларнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам молиявий кафолатини содда ва аниқ тарзда ишлаб чиқдик, энди тегишли ташвиқот ишларини жойига қўйишимиз зарур. Агар эртага бизга бирор сармоядор келса, унга мана шундай ҳолатни кўрсатиб, сўнгра у билан гаплашамиз. Қуруқ гаплар керак эмас, ваъдалар керак эмас. Қонун бизлар учун ҳам қонун, сизлар учун ҳам қонун, деб айтамиз.

Бу ерда яна битта масала бор. Инвестициялар келиши ўз йўли билан, лекин Ўзбекистоннинг модели, иқтисоди, иқтисод ривожининг роли шундайки, биз ўз ҳал қилувчи бойликларимизни, ўз иқтисодий потенциалимизни ҳеч кимга сотганимиз йўқ. Баъзи қўшни давлатлар тажрибалари бизга тўғри келмайди. Бизда ундан нарсалар йўқ, буни нафақат сизларга, балки халқимизга қарата ҳисобот тариқасида айтияпман. 6-7 йил давомида биронта катта корхонамизни ёки ривожимизнинг асоси бўлмиш бойликларимизни ҳеч кимга сотганимиз йўқ. Агарки бирон-бир хорижий ҳамкоримиз сармоя олиб келаётган бўлса, бу борадаги шартномалар қонунларимиз асосида бўляпти.

Мана, мисол учун "ДЭУ" билан автомобиль заводини худди шу асосда курдик. Бухорода улкан нефтни қайта ишлаш корхонасини ҳам айни шу тарзда барпо этдик. Ишонасизми-йўқми, бунга кам одам ишонади, бу лойиҳанинг умумий нархи ярим миллиард АҚШ долларидан кўпроқ. Фақат технологик қисми 262 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Қайтариб айтаман, бу фақат технологик қисми. Ундан ташқари, бошқа кўплаб мураккаб иншоотларни қуриш керак эди. Сув олиб келиш керак, электр олиб келиш керак, йўлларни қуриш керак, иморатларни қуриш керак ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммасига, айтиб ўтганимдек, ярим миллиард АҚШ доллари зарур эди. Биз шу қурилиш учун хорижий мамлакатлардан сармоя олиб келаётганда 40 фоизини бевосита ўзимиз топдик, яъни Ўзбекистон сармояси сифатида ўртага қўйдик. Шунинг ҳисобидан оладиган фойдамизнинг тақсимоти қуйидагича: 40 фоизи ўзимизга тушяпти. 60 фоизи ҳозирча уларга тушяпти. Эртага ҳамма олган кредитларнинг ҳисоб-китобини жойига қўйсак, фойданинг юз фоизи ўзимизники бўлади.

Барпо этилган ва этилаётган бошқа йирик корхоналарни ҳам шу нуқтаи назардан кўриб чиқсан, шунга амин бўлиш мумкинки, биз ҳеч қачон ўз манфаатимизни ва

иқтисодий мустақиллигимизни хавф остида қолдирғанимиз йўқ. Биз сиёсатимизни, ривожимиз дастурларини тузатганда фақат бугунги кунни эмас, эртанги кунни ўйлаб қадам қўйдик. Сизларга раҳмат, шу сиёсатни тўғри тушуниб, қўллаб-қувватладингиз. Мана шу сиёсатнинг тўғрилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаяпти. Ва муқаддас заминимизда ҳаёт кечираётган ҳар бир инсон унинг натижасини, ҳосилини аста-секин кўряпти.

Азиз биродарлар!

Муродимизга етмоқчи эканмиз, белни маҳкам боғлайлик. 6 йил мобайнида эришган ютуқларимиз, эртанги кунимизга умид уйғотиб, пойдеворимизни янада мустаҳкамлайди. Аминманки, бизнинг ўрнимизга келадиган авлод биздан кучли бўлади! Бизнинг хатоларимизни такрорламайди. Уларнинг тажрибаси, дунёқараши мутлақо бошқача бўлади. Улар вактини, куч-Қайратини боқимандалик, совет тузумидан қолган бошқа иллатларга қарши курашга сарфламайди. Улар фақат олға юради, бошқалардан кам бўлмасликка, ўзбек миллатини, керак бўлса, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаронинг баҳтини, иқболини юксалтиришга харакат қиласди. Бу баландпарвоз гаплар эмас. Мен сизларнинг сиймонгизда ақл-заковатли, мард, тиниб-тинчимас халқимизни кўряпман. Ўз қадримизга етайлик. Ютуқларимиздан Фууруланайлиг-у, лекин бошимиз айланмасин, оёғимиз ердан узилмасин.

## ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИ ҚОНУНИЙ АСОСДА БЎЛСИН

Хурматли халқ ноиблари!

Мана, ҳозиргина хурматли бир домламизнинг маърузасини тингладик. Кечирасизлар-у, маъруза менга ёқмади. Лицейларда, олий ўқув юртлари аудиторияларида ўғиладиган лекциялардан фарқи йўқ. Олим, юрист сифатида мен у кишидан бошқа нарсани кутган эдим. Яъни, бугун ҳаммамизни ўйлантираётган муаммолар хусусида ваколатли мутахассис фикри керак эди бизга. Афсуски, бундай бўлмади.

Давлатимиз, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир фуқаро келажагининг кафолатини Конституция беради. Фуқароларнинг ҳақ-хуқуклари, бурчлари Конституцияяда белгиланган, тегишли қонунлар билан мустаҳкамланган. Мақсадимиз эркин, демократик хуқуқий давлат қуриш, адолатли жамият барпо этиш. Ҳеч бир инсонни камситмаслик, эътиқодини хурмат қилиш, эркинлигини таъминлаш.

Модомики мақсадларимиз аниқ экан, инсон хуқуклари умумхалқ муҳокамасида қабул қилинган Конституция химоясида экан, авлодларимиз, фарзандларимиз келажагига хавф соладиган, миллат шаънига доҚ туширадиган хатти-ҳаракатлар қаердан пайдо бўляпти? Мен Наманганд, Андижонда рўй берган кўнгилсиз воқеаларни назарда тутяпман. Нима, хуқуқий асосларимиз бўшми ёки умуман масъулиятни унутиб қўйдикми? Балки баъзи бир мансабдор кимсалар иккиламчи сиёsat олиб бораётгандир? Ана, орангизда Наманганд вилояти ҳокими ва туман ҳокимлари ўтириби. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, битта вилоятда 1200-1300 та масжид бор. Бу масжидлар атиги 4-5 йил ичida қурилган. Мазкур масжидлар қонун доирасида фаолият кўрсатиши учун кимдир масъул бўлиши керакми, йўқми? Ўзи ҳудудларда қонунларимизни ҳимоя қиладиганлар борми-йўқми?! Намангандаги масжидларнинг 50-60 фоизи рўйхатдан ўтмаганини вилоят ҳокимлиги ва жамоатчилиги билмайди дейсизми? Билади! Фақат ўз тинчини ўйлаб, разил ниятлар, фитналарга қўл силкиб қўйган. Масжидларни рўйхатдан ўtkазиш ҳақида гапирдим. Диний ташкилот ёки масжид очиладиган бўлса, албатта ўзига мажбурият олиши керак. Қайси қонун бўйича фаолият кўрсатади, фаолият доираси қаердан бошланади-ю, қаерда тугайди - буни аниқ билиши, масъулиятни тўла хис этиши зарур.

Рўйхатдан ўтиш - бу арзимаган расмиятчилик эмас, ахир. Бундай ишлар албатта, пора бериш, амалдорнинг оҚзини мойлаш ҳисобидан бўлиши ҳам мумкин. Лекин қонун хукм сураётган худудда, туман ва вилоятларда бунга имкон берадиган вазиятни тагтомири билан қирқиб ташлаш керак. Масжидларнинг маблағи бор, лекин аксарияти солик тўламайди. Хўш, бу пуллар қаёққа кетяпти?

Ўқимларнинг, Адлия вазирлигининг жойлардаги бўлимлари ходимларининг чўнтағига! Прокурор бўлса миқ этмайди. Қонунлар ижроси устидан назорат прокурорнинг вазифаси эмасми?! Агар туманда қонун бажарилмаса, прокурор унда нима қилиб ўтириди?! Қанча-қанча назорат ташкилотлари бор. Ўзингиз бир тасаввур қилинг: бир бечора тижоратчи ёки савдогарнинг ортидан ўнтаси ўпкасини қўлтиқлаб югуради. Чунки, ишхонасига чакириб, унга зуҚум қилиш, устидан жиноий иш қўзҚаш, оҚзидагисини ҳам тортиб олиш осон.

Сўзимни мухтасар қилиб айтмоқчиманки, қонун қабул қилиш билан иш битмайди. Аравани қуруқ олиб қочиб, умумий гаплар билан қутулиб кетаман, деб ўйламанлар. Бу жуда катта муаммо. Ўзбекистоннинг келажагига хавф солаётган, умуммақсадларимизни, орзу-ниятларимизни барбод қилиши мумкин бўлган, авлодларимизни хавф остида қолдирадиган катта таҳдид бу! Бир матбуот анжуманида "Озодлик" радиостанциясининг мухбири Фурқатбек Яқвалхўжаев Наманганд воқеаларининг сабабини сўради. Мана, сиз мухтарам депутатлар ҳам эшишиб қўйинглар.

Намангана четдан таъсир бўлмаса, ўз-ўзидан шундай тажовузлар юз берармиди? Бу қонхўрлар кимнинг мактабида ўқиган, кимдан маблағ олган, ким уларни қурол билан таъминлаган, ота-оналарининг бепарволигидан фойдаланиб, ёш йигитларни ким

Тожикистонга ёки Афғонистон ва Покистонга олиб борган? Уларни мухолиф кучларнинг ўзаро хунрезлик гирдобига улоқтирган ким? Тавилдара деган жойда одамларга қурол ўқталиб, ўзбеклар номини сотиб юрган Жума Наманганий, ўзини амирлар қаторига кўшган Тохир Йўлдошев ўзи ким?! Бу муттаҳамлар қаердан пайдо бўлди? Уларнинг жиловини нега вақтида тортиб қўймадик?!

Холисона тан оламиз. Ўзбекистон худудида баъзи бир ечилимаган ижтимоий масалалар, дейлик, ишсизлик бордир, одамларнинг ҳаёти ҳали биз орзу қилган даражада эмасдир. Ёшлар муаммоларини ечишда бепарволикка йўл қўйгандирмиз. Ўрта ва олий ўқув тизимидағи, маънавият ва маърифат соҳасидаги масъуль кишиларнинг лоқайдлиги ўз йўлига, бу ўзимизнинг айбимиз. Лекин яна такрорлайман: четдан таъсир бўлмаса, болаларимиз алданиб Покистонга бормасди, муқаддас динимизга ёт бўлган оқимларга ружу қўйиб, қўлларига қурол олишмасди. Жангариларга айланиб, Ватанига, ватандошига қўл қўтармас, қўпорувчилик билан шуғулланмас эди.

Наманганд, Андижонда қўлга тушган жиноятчилар устидан эрта-индин очик суд бўлади. Керак бўлса, суд жараёнини телевидение орқали кўрсатамиз. Ана ўшанда бу нонкўрларнинг мақсади нима бўлганини ўз қулоқларинг билан эшитасизлар.

Уларнинг биринчи режаси маъмурий, хукуқ ҳимоясида турган ташкилотлар: милиция, прокуратура ва шунга ўхшаган ҳокимият ходимларини ўлдириш билан одамларни қўрқитиш бўлган. Ундан кейин бизнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги, ҳаёт-мамотимизни ҳал қиласиган иншоотларни портлатиш, нон, сут етказиб берадиган, одамларни иш билан банд қиласиган корхоналарни, иморатларни портлатиш

Тушуняпсизларми, қандай катта хавф остида қолишимиз мумкин? Битта муттаҳам, битта иймонини сотган ёвуз ниятли одам қанча-қанча зарап, зиён етказиши мумкин.

Боз устига, бу ишлар дин ниқоби остида, мен кимман, мен ваҳҳобийман, мен ҳақиқий мусулмонман, деган кибрли ақида билан қилинади. Ким ҳақиқий мусулмон, ким сохта мусулмон эканини ёлқиз Аллоҳ таоло билади. Охиратда, сўроқ-савол пайтида ҳаммамизга Яратганинг ўзи баҳосини беради. Бу дунёда бировни чала мусулмон, ўзини ҳақиқий мусулмон дейишга ҳеч бир банданинг ҳаққи йўқ. Буни Исломдан хабардор одамлар, диний идораларнинг раҳбарлари жуда яхши билади. Ана шу одамлар айтсин.

Яна бир бор айтаман: ким ҳақиқий мусулмон, ким чала мусулмон, ким кофири бўлганини Аллоҳ таологина билади. Ким, алҳамдулиллоҳ, мусулмонман деса ва муқаддас Қуръони каримда, ҳадисларда кўрсатилган талабларни бажо этса, бизнинг динимиз бўйича Худога итоат қиласиган, илтижо қиласиган бўлади ва у ўзини мусулмон дейишга ҳақлидир.

Боя айтганимиз кўнгилсиз воқеалар қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Аввало, улар майда ишлардан, бепарволикдан бошланишини унутмаслик лозим. Жамиятнинг ўзи бунга қарши қаттиқ оёққа турмаса, ўзини, ўз фарзандларини ҳимоя қиласа, эртага Тожикистондаги вазият бизнинг ҳам бошимизга тушиши мумкин. Тожикистонда, Шаҳидон майдонида бўлган воқеалар 1992 йил май ойида бошланган эди. Бунинг тарихига 6 йил бўляпти, ҳамон Тожикистонда тинчлик, баркарорлик йўқ: ҳеч қандай қурилиш, бунёдкорлик йўқ. Одамлар нима билан банд - ўзингиз хабардорсиз.

Тараққиётни ўн йиллар орқага суриб юборган Шаҳидон воқеалари аслида Наманганд бошланиши керак эди. Буни ким билади? 1991 йил 8 декабрда мен Наманганд бориб ақлини йўқотган, ўзига "Оллоҳ лашкарлари" деб ном қўйиб олганлар билан, ўша Йўлдошев Тохир билан юзма-юз бўлганман. Унинг қўлидан микрофонни олиб гапирганимни ким эслайди? Ўшанда мендан улар ислом давлатини, ислом республикасини ҳозир эълон қиласиз, деб талаб қилишган. Соқоли тиззасига тушадиган кимсалар одамларнинг бошини айлантириб, шу масалаларни кўтаргандлари ҳали ҳам эсимда, овозлари ҳали ҳам қулоқимда турибди.

Улар "ислом лашкарлари" ва бошқа ташкилотларни тузиб, одамларга тажовуз қилиб, милициянинг ўрнини олиб, хукмдор бўлмоқчи эдилар. "Қўқон хонлигини ташкил қиласиз", деган мақсадда юрганлар. Буни ким билади? Буни аввало сиз депутатлар

билишингиз зарур. Нега деганда, сиз халқ ноиблари - халқ вакилларисиз. Халқни ким ҳимоя қиласди, халққа ким йўл кўрсатади?

Бундай хавфни ҳар бир одам сезиб, онгидан ўтказиши керак. Биз бугун нима учун мана шу Виждан эркинлиги тўғрисидаги қонунни қайта кўриб чикяпмиз? Бунинг сабаби шуки, мазкур қонун 1991 йилда, яъни Конституциямиздан бир ярим йил олдин қабул қилинган эди. Ҳозир янги Конституцияни қабул қилдик, кўп қонунларни ишлаб чиқдик. Энди ҳаётимиз учун, келажагимиз учун, фарзандларимизнинг соҚлом эътиқоди учун аҳамиятли бўлган, демократиянинг энг муҳим шарти бўлмиш виждан эркинлиги масаласини қайтадан кўриб чикяпмиз.

Олимларимиз, таълим-тарбия даргоҳларининг тарбиячилари, ўқитувчилари Ўзбекистонга бўлган хавф ва таҳдидларни тўғри таҳлил қилиб, болаларимиз тақдири учун биринчи навбатда ёниб ҳаракат қилиши, болаларимизни бундай ёвуз хавфдан ҳимоя қилишлари керак. Тарбиячилар, олимлар, домлалар томошабин бўлиб ўтираслиги лозим. Фарзандларимизни ким тўғри йўлга солади, ким уларнинг онгини тозалайди, ким уларга ҳақ гапларни гапириб, ҳаётда ўз эътиқодига суюниб яшашни ўргатади, тарбиялайди? Ёшларнинг тўғри йўл танлашида ким биринчи бўлиб ёрдам бериши керак, уларга ким таянч бўлиши лозим?

Афсуски, бундай ишлар ҳозирча йўқ даражада! Нима учун бу масалада лоқайдликка, бепарволикка йўл қўйиляпти? Одилона, оқилона йўл тутиш ўрнига баъзи ҳокимлар ўзи масжид қурилишида ҳомий бўлиб, биринчи Қиштни қўйиб юрибди. Ахир сен ҳокимсан, олдин мактаб қур, одамларнинг соғлигини сақлаш, энг долзарб эҳтиёжларини қондириш борасида сен жонкуяр бўлишинг керак эмасми? Бўлмаса, ҳокимликни зиммага олиб нима қиласан? Масjidга бориб, имом бўл - agar эътиқодинг ёки билиминг тўғри келса. У ерда маошинг кўпроқ, масъулиятинг, жавобгарлигинг эса камроқ бўлади.

Ўқим деганда биз мутлақо бошқача, мана шу туман, мана шу вилоятнинг ҳимоячиси, керак бўлса тақдирини, ҳаёт-мамотини ҳал қиласиган фидойи одамни тушунамиз. Вилоят ёки туманда нима воқеа рўй берса, вижданли ҳоким аввало ўзи жавоб бериши керак. Шунинг учун бу масалани кўраётганда ҳаммамиз, аввало шу ерда ўтирганлар ўз масъулиятимизни чуқур англаб, ҳис этиб, юртимизга жанубдан келаётган хавфнинг олдини олиш, болаларимизни ёт таъсирлардан сақлаб қолиш тўғрисида ўлашимиз керак. Зоро, мен ваҳҳобийман деган ёш бола ҳам ўзбек боласи, бизнинг миллатимизнинг боласи, халқимизнинг боласидир. Уни тўғри йўлга солиш барчамизнинг бурчимиздир.

Телевидение орқали Намангандаги бўлган воқеаларнинг қўлга олинган иштирокчилари, милиция ходимини ўлдириб кетганлар кўрсатилди. Кўз ёшларидан ожиз бўлиб қолган онаизорларнинг нима айби бор? Нима учун биз бу масалага бепарвомиз? Бу ишларга биз - жамоатчилик ҳам айборд эмасми?!

Шунинг учун мен сизларга мурожаат қилиб айтмоқчиман. ҲАР ким вижданан қалбидагини гапирсин. Ҳақиқатан ҳам шу хавфни сезяптими-йўқми? Мен айтган гапларга қўшиладими-йўқми, шу тўғрида гаплашиб олайлик, фикр алмашайлик. Энг муҳими, зарур хulosаларни чиқарайлик. Ватанимизни, диёrimизни бало-қазолардан ҳамжиҳат бўлиб асройлик.

1998 йил 30 апрель

**ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА  
АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ  
УЧРАШУВИДА  
СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Муҳтарам Раис жаноблари,  
Муҳтарам Бош котиб жаноблари,  
Давлат ва ҳукуматларнинг муҳтарам бошлиқлари.

Бу ерда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларини қутлаш ҳамда ҳамкорликдаги ишимиз халқларимиз ва давлатларимиз равнақи йўлида самарали бўлади, деб ишонч билдириш менга улкан мамнуният баҳш этади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар худуди ноёб геостратегик макон бўлиб, бой маданий мерос, қадимий цивилизация ва гўзал анъаналарга эга.

Кўпгина мамлакатлар минерал ресурслар ва энергетик хом ашёнинг мавжуд ҳажми, транзит инфратузилма барпо этиши имкониятлари бўйича минтақадагина эмас, бутун дунё миқёсида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорликнинг ўтган олти йили мобайнида маълум шарт-шароитлар, зарур ҳуқуқий ва меъёрий асос барпо этилди, минтақадаги мамлакатлар тараққиёти учун муҳим аҳамиятга молик вазифаларни ҳал этишда саъй-харакатларимизни бирлаштириш имконини берадиган сезиларли тажриба тўпланди.

Айни пайтда шуни очиқ эътироф этишимиз лозимки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти минтақа учун жуда зарур бўлган лойиҳа ва дастурларни мантиқий якунига етказиши, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ҳар бир аъзоси бу лойиҳаларнинг самарадорлиги ва аҳамиятини ўз мисолида ҳис этишига имкон берадиган ҳамкорлик жипслашуви даражасига чиқа олгани йўқ. Назаримизда, бундай шароитда, саъй-харакатларнинг ҳаддан ташқари майдалашиб кетиши Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти доирасида қўлланиладиган ташабbusларнинг самарадорлиги ва натижа беришини сусайтириб қўйиши мумкин.

Шу муносабат билан биз ҳозирги босқичда Ташкилотнинг кўплаб институт ва тузилмаларини барпо этишга зарурат йўқ, деб ҳисоблаймиз. Улар келажакда бизнинг эътиборимиз, имкониятларимиз ва саъй-харакатларимизни ҳозирги пайтда минтақамиз учун ўта муҳим ва устувор бўлган асосий дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга қаратиш ўрнига Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг туб мақсад ва вазифаларидан чалқитиши мумкин.

Биз шунга чуқур аминмизки, бугунги кунда биргаликда истиқомат қилишимиз ва қўшничилигимизнинг мавжуд ҳолатини, яъни минтақамиздаги айrim мамлакатларда узоқ йиллар мобайнида халқларимиз ва давлатларимизга, минтақа мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик ва ишончни мустаҳкамлашга тузатиб бўлмайдиган даражада зиён етказаётган қарама-қаршилик ва урушлар туфайли туғилган кескин муаммоларнинг ҳал этилмаганини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

ҲАМкорлик истиқболлари ҳақида гапирав эканман, мен коммуникациянинг замонавий, ривожланган тизимини шакллантириш масалаларига алоҳида тўхталишни истар эдим. Чунки, бундай коммуникацияни шакллантирмай туриб, минтақадаги улкан иқтисодий салоҳиятдан халқларимиз равнақи йўлида фойдаланиб бўлмайди.

Анжуманда иштирок этаётган барча давлатлар транспорт тармоғи ва коммуникацион инфратузилма курилиши минтақани, нафақат бизнинг минтақамизни ривожлантиришда нақадар улкан аҳамият касб этишини яхши билишига аминман.

Шу муносабат билан, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг ўтган йил май ойида Ашгабатда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти минтақасида транспорт ва коммуникацион инфратузилма ҳамда трансмиллий

кувурлар тизимини ривожлантиришга бағишенгандан навбатдан ташқари учрашуви ўз вақтида бўлганини қайд этмоқчиман.

Шу билан бирга, бу борадаги ишларни танқидий баҳолар эканмиз, мавжуд транспорт йўналишларини қайта қуриш ва янги йўналишларни барпо этиш йўли билан минтақадаги транспорт тармоғини кенгайтириш бўйича қабул қилинган қарорлар ҳаётга татбиқ этилишдан ҳали анча узоқда эканини кўрамиз.

Назаримда, ҳозир Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасидаги Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг Транспорт ва алоқа ўн йиллиги ҳаракат Дастури бўйича келишув жараёнини фаоллаштириш ҳамда дастурни босқичма-босқич амалга оширишга ўтиш зарур.

Марказий Осиё минтақаси учун Туркманбоши, Боку шаҳарлари ва Грузия портлари орқали Европа қитъасига чиқиш имконини берадиган Транскавказ йўналиши ўта муҳим ва амалга ошириш мумкин бўлган йўл ҳисобланади.

Европа Иттифоқи ва бир қанча халқаро ташкилотлар Марказий Осиё минтақасига кенг транспорт йўли очадиган бу йўналишни ривожлантиришга ижобий баҳо бермоқдалар. ТРАСЕКАНИНГ турли йўналишларни қамраб олган лойиҳаси мана шу Фояни амалга оширишга қаратилгандир. Назаримда, бу лойиҳа яхшигина молиявий базага эга.

1996 йил май ойида Серахс - Машҳад - Бендер - Аббос темир йўлининг очилиши Ўзбекистон ва бутун минтақа учун катта аҳамият касб этади. Бу йўлнинг ишга туширилиши билан Марказий Осиё мамлакатларининг Форс кўрфазидаги денгиз портларига чиқиши учун ҳақиқий имконият пайдо бўлди. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши мамлакатларимизнинг иқтисодий ҳамкорлик доирасида амалий ҳамкорлик қилиш имкониятларини равшан намойиш этади.

Бугунги кунда минтақамиз мамлакатларини Хитой ҳудуди, шунингдек, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Япония билан боғлайдиган магистраль қурилиши ва унинг ишга туширилиши улкан аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, биз, илгаригидек, АфҚонистон ҳудуди орқали Покистоннинг Ҳинд океанидаги портларига чиқишдан манфаатдормиз.

Фақат АфҚонистонда давом этаётган уруш ва бекарор вазият бу Дастурни амалга ошириш йўлида асосий тўсик бўлиб қолмокда.

Телекоммуникацион алоқаларни ривожлантиришда энг янги технологиялардан фойдаланиши алоҳида қайд этиш лозим. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар телекоммуникация тизимларининг Транс - Осиё -Европа оптик-тола кабель тизимиға қўшилиши бунга мисол бўла олади.

Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган оптик-тола кабель алоқа йўлининг қурилиши 1997 йил ноябрь ойида тугалланган. Шарқ билан ҲАРБ ўртасида тез ҳаракатда бўлувчи минглаб каналлар бўйича юксак сифатли алоқани ташкил этиш, шунингдек, видео-конференц алоқани амалга ошириш имконини берадиган рақамли жиҳоз ўрнатилиб, ишга туширилди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар минтақаси учун бугунги кунда долзарб бўлган яна бир муаммо - наркотик моддаларни ишлаб чиқариш ва уларнинг контрабандаси билан шуғулланиш муаммосига тўхтамоқчиман.

Ўзбекистон мустақилликка эришган пайтидан бошлаб наркобизнесга қарши кураш борасида улкан саъй-ҳаракатлар қилмоқда ва муайян қадамлар қўймоқда.

Биз наркотик моддалар тарқатилишининг ҳалокатли оқибатларини сергаклик билан баҳолаган ҳолда, бу иллатга қарши курашда саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришимиз зарур.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида наркотик ва психотропик моддалар контрабандаси ва божхона қаллобликларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича ўзаро тушуниш ҳақида Меморандум тайёрлаш Ғояси бу моддаларнинг Қайриқонуний савдоси ва олиб ўтилишига қарши курашда кўмаклашади, деб ўйлайман.

**Мұхтарам Раис жаноблари!**

Биз күн тартибига сиёсий хусусиятта эга бўлган, бунинг устига, АфҚонистон ва Тожикистондаги вазият сингари мураккаб муаммоларни киритмасликка келишиб олганмиз. Айни пайтда биз Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган бу мамлакатларда мустаҳкам ва узоқ муддатли тинчлик ўрнатилмай туриб, ҳамжамиятимиз доирасида тўла иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гапириш қийин эканини ҳам яхши англаймиз.

Бундан ташқари, АфҚонистонда давом этаётган уруш ва Тожикистондаги чигал вазият доимий равишда минтақадаги давлатларнинг сиёсий қутбларга бўлинишига сабаб бўлиб ҳамда минтақамиз ва ундан ташқаридаги барча давлатлардаги барқарор вазиятга хавф солиб тураверади.

Мен бу ўринда вазиятни сиёсий жиҳатдан изга солиш, бунинг устига, таназзулнинг чўзилиб кетишида кимлар айбдор экани тўғрисида гапириб ўтироқчи эмасман.

Шу билан бирга, ижозатларингиз билан, бу ерда Эрон Ислом Республикаси Президенти жаноб Ўотамий айтиб ўтган гапни яна бир бор тақрорлашни лозим топаман.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, Ислом ва Шарқ цивилизацияси ҳамда фалсафасининг шаклланишида муҳим ўрин тутган ўлкамиз жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган жуда кўп фан ва маданият арбобларини, файласуф ва математикларни етиштириб чиқарган.

Шу маънода олиб қараганда, қадими маданияти, буюк аждодларининг донишмандлиги билан фахрланиши лозим бўлган мамлакатлар - АфҚонистонда 20 йилдан буён биродаркушлик, фуқаролик уруши давом этаётгани, Тожикистонда эса, 5 йилдан буён қалтис вазият сақланиб турганини тушуниш жуда қийин!

Назаримда, бутун минтақамизда тинчлик ва барқарорликка эришиш, мамлакатларимизнинг келажакдаги тараққиёти учун асосий йўналишлардан бири - АфҚонистон ва Тожикистонга, биринчи навбатда - уларнинг иқтисодиётини тиклаш ва оёққа қўйиш масалаларида, келишилган ҳолда муайян ёрдам қўрсатиш дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозир бу масала минтақадаги мамлакатлар учун энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Сўзимга якун ясад, шуни яна бир бор таъкидлашни истар эдимки, бизнинг ташаббус ва амалий харакатларимиз, энг аввало, ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорликнинг иқтисодий ва гуманитар масалаларини ҳал этишга қаратилиши керак. Бу маънода коммуникацияларни ривожлантириш, мен шу ўринда С. Ниёзовнинг фикрини қўллаб-кувватлайман, бизни бир-биримиз билан боғлайдиган муҳим бўғин бўлиши лозим.

Назаримда, бизнинг энг муҳим вазифамиз - айрим мамлакатларнинг ҳукмронлик қилишга бўлган ҳар қандай хатти-харакатининг олдини олиш, бунга имкон бермаслик - агар кимда шундай ниятлар бўлса, улардан воз кечиш лозим, албатта, - қабул қилинаётган қарорлар Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган барча давлатларнинг манфаатларига мос келиши, шу билан бирга, бизни бирлаштириб, интилаётган мақсадларимиз доирасидан чиқмаслигига эришишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан Қозигистон Республикаси ҳукуматига, энг аввало Президент Нурсултон Назарбоевга қўрсатилган меҳмондўстлик ва эҳтиром учун самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Ишончим комилки, Алматида давлат бошликларининг учрашуви Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга янги куч бағишилайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Қозигистон Президенти Нурсултон Назарбоевни кейинги муддатга ташкилотимиз Раиси вазифасини бажаришга киришгани билан табриклийман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

1998 йил 10 май

## ХАЛҚ БИЗДАН АМАЛИЙ ИШЛАРНИ КУТМОҚДА

Азиз дўстлар!  
Муҳтарам депутатлар!

Энг аввало, бугун сизлар билан яна бир бор юз кўришиб турганимдан ғоят мамнун эканимни билдиришга ва сизлар орқали Қашқадарё халқига ўзимнинг чуқур хурмат-эҳтиромимни изхор этишга ижозат бергайсизлар.

Қашқадарё вилояти юртимиз халқ хўжалигида тутган ўрни, унинг моддий ва маънавий салоҳияти, ориятли, мақрур ва танти инсонлари билан маълум ва машхурдир.

Вилоятнинг пахта ва дон етиштиришдаги ўрни катта. Мамлакатимизнинг ривожи ва тараққиёти асоси бўлмиш ёқилғи маҳсулотларини етказиб беришда ҳам Қашқадарё етакчи ўринда туради. Ўзбекистон ҳалқининг қундалик эҳтиёжига айланган табиий газнинг 90 фоизи ана шу ерда ишлаб чиқарилади. Толлимаржон ГРЭСи, Муборак гази, Шўртангаз, Кўкдумалоқ нефть кони ва бошқалар Қашқадарёнинг мамлакат иқтисодий тараққиётiga қўшаётган жуда катта ҳиссасини кўрсатиб туради.

Ғузор - Бойсун - Кумкўрғон темир йўли қурилиши мамлакат халқ хўжалиги учун катта воқеадир. Бугун вилоятда ана шундай улкан қурилишлар салмоғи тобора ошиб бормоқда. Натижада воҳанинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиёти тобора кучаймоқда.

Полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган Шўртан газ-кимё мажмуи қурилиши халқ хўжалиги учун алоҳида аҳамиятга эга. Бу корхона бир йилда 125 минг тонна полиэтилен, конденсат ва газ маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Корхона қурилишига АҚШ, Германия, Япония ва бошқа давлатларнинг нуфузли компаниялари жалб этилган. Иншоот қурилишига 600 миллиондан кўпроқ АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфланиши кўзда тутилган.

Қашқадарё бой тарихий маданиятга эга. Қадимий Кеш, Насаф, Косон, Ғузор ва бошқа ўнлаб шаҳарлар бу воҳа халқи ноёб маданиятидан гувоҳлик беради. Бу қадим шаҳарларимизнинг тарихий шуҳрати ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол Ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Шаҳрисабзнинг буюк бобокалонимиз Амир Темур номини олган мўътабар орден билан мукофотланишида улкан бир маъно бор.

Шу билан бирга, холисона тан олишимиз керак, Қашқадарё вилоятида мавжуд табиий, иқтисодий ва молиявий имкониятлардан, аввалимбор шу воҳада яшаётган меҳнаткаш, заҳматкаш, мард, кўпни кўрган ҳалқнинг салоҳиятидан ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Барчамизни ташвишга колаётган бაъзи бир бузилишлар кўп қиррали иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги давлатимиз ягона сиёсатининг бажарилишига хавф солмоқда.

Хурматли дўстлар!

Бугун сизлар билан бундан икки ярим йил бурун мана шу залдаги мажлисимизда ўтган гапларни эслаб, очиқчасига сўзлашиб, сизлар билан берилган ваъдалар, келишилган масалалар ҳақида атрофлича фикр алмашиб, тегишли хуносалар чиқариб, янги режаларимизни белгилаб олишимиз керак.

Хўш, ўша мажлисда нима гаплар бўлган эди?

Агар ёдингизда бўлса, мен ўшандада вилоятнинг янги сайланаётган биринчи раҳбарига қаратада: "Билиб қўйинг, мана шу юртнинг тақдирини сизга ишониб топширяпмиз. Сиз энди буларга бош-қош бўлинг, дардига ҳамдард бўлинг, кўнглига яқин бўлишга ҳаракат қилинг. Сиз шу элнинг фарзандисиз, унинг олижаноб фазилатларини ҳам, камчиликларини ҳам яхши биласиз. Вилоятни ўрганиш учун сизга вақт керак эмас, чунки шу жойда туғилиб-ўсгансиз. Бу жойнинг шароит ва имкониятларини сиздан яхши биладиган одам йўқ", деган мазмундаги сўзларни айтган эдим.

Ўшандада Озод Пармоновга яна: "Аввало, гурухбозлиқ, маҳаллийчилик, уруғчилик-қабилачилик каби иллатлардан йироқ бўлинг. Чунки вилоятда бундай хавфли сарқитлар

ҳали ҳам бор. Асосий вазифа - одамларнинг руҳини кўтариш, бошини силаб ҳимоялаш, уларнинг куч-Қайрати, имкониятларини тўғри йўлга солишдан иборат", деб айтган эдим.

Бу юртда шундай одамлар яшайдики, уларнинг кўнглини, қадду қоматини кўтарсанг, ҳақ гапни айтсанг, ҳақиқий етакчи бўлсанг, улар билан ҳамдард, елкадош бўлиб яшасанг, ҳамма нарсага эришиш мумкин, деб айтган эдимми-йўқми?

Хўш, мана энди бу гапларга икки ярим йил бўлди. Албатта, ўтган давр мобайнода вилоятда салмоқли ишлар ҳам, ўзгаришлар ҳам бўлди. Қашқадарё ҳалқи шу айтилган гапларга, янги раҳбарга ишониб, мерос бўлиб қолган камчиликларни бартараф этамиз, деб ишлади. Шаҳарларда ҳам, қишлоқларда ҳам ижобий ишлар бўлди. ғалла, пахта етиштириш бўйича режалар уддаланди. Ўйлайманки, вилоятнинг бу йилги ҳосили ҳам ёмон бўлмайди.

Албатта, бу ишларнинг барчасини эътироф этиш керак. Буни тан олмаслик инсофдан эмас.

Лекин бўлаётган ижобий ишларни ҳам тан олиб, вилоятда рўй бераётган баъзи хатарли иллатларнинг олдини олмасак, жамоатчиликнинг дикқат-эътиборини бу ҳолни бартараф этишга қаратмасак, унинг салбий оқибатлари ҳаётимизда катта тўсиқ бўлиб қолиши мукаррар.

Гап нима ҳақида бормоқда? Бизни ташвишга солаётган масала кадрларни танлаш, уларни тарбиялаш, уларнинг қобилият-имкониятларига қараб жой-жойига қўйиш. Уларга ишонч билдириб, вилоятда соҚлом мухит яратиш ҳақида кетмоқда.

Кейинги икки ярим йил ичидаги вилоят ҳокими тасарруфига кирадиган раҳбарларнинг 46 фоизи, ижтимоий соҳа раҳбарларининг 60 фоизи, савдо, маиший хизмат, иқтисодий соҳа раҳбарларининг 56 фоизи, "Ўздонмаҳсулот" ҳиссадорлик уюшмаси тизими раҳбарларнинг 60 фоизи алмаштирилган.

Вилоятдаги ва туманлардаги, хўжаликлардаги барча катта-кичик лавозимларга раҳбарлар тайинлашда холисона қараш ўрнига таниш-билишчилик, уруғчилик, ошна-оҚайнигарчилик, маҳаллийчилик каби иллатлар ҳукм сурмоқда. Ахвол шу даражага етиб борганки, раҳбар назарида яхши кўринган одам лавозим олади, назарига хунук кўринган, ёқмаган одам вазифадан четлашади. Бошқача айтганда, кадрларни тайинлашда раҳбарнинг субъектив қарашлари асосий омил бўлиб қолган.

Бундай қарашлар, бундай сиёsat нимага олиб келишини ўзимизга тасаввур қилишимиз қийин эмас. Авваламбор, лаганбардор, хушомадгўй "лаббай"чиларнинг сони кўпайишига ва ҳудудда соҚлом мухитни, адолатни бузишга, шунинг оқибатида аҳолининг ишончини йўқотишга, раҳбарлар ва ҳокимиятларни обрўсизлантиришга олиб келиши турган гап.

Ахир, ҳокимият ва назорат идораларида, маъмурий-хуқуқий муассасаларда мана шу принципда танланган раҳбарлар ўтиrsa, бу жойда қонун ва адолат ҳукмронлиги ҳақида гап бўлиши мумкинми?! Шундан кейин қонуннинг кучи, қонуннинг таъсири, қонуннинг обрўси, қонунга - адолатга одамларнинг ишончи ҳақида гапиришнинг нима ҳожати бор?

Барака топкурлар, қани, айтинглар-чи, ҳоким - халқнинг хўжайиними ёки халқнинг ҳимоячисими?! Биз қайси даврда яшаяпмиз?! Бундай манманлик, димоҚдорлик ва бундай такаббурлик қаёқдан пайдо бўлди ўзи?!

Ўйлайманки, одамнинг ақли бовар қилмайдиган бундай ҳолатларни вилоятда содир бўлаётган қонунбузарлик ва ўзбошимчалик, раҳбарларнинг ҳаддидан ошиб кетаётганлиги, вилоят ҳаётида мавжуд бўлган баъзи бир хунук ҳолатларни ва ҳақиқатни яшириш, ошкора қилмаслик каби ҳаракатлар билан изоҳлаш мумкин.

Ишлаб чиқариш соҳасида, ижтимоий ривожланиш, социал муаммоларни ечиш, одамларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш масалаларида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни холисона тан олиш ва уларни ҳал қилиш йўлида жамоатчиликни жалб қилиш ўрнига ахволни безатиб қўрсатишдек интилишлар ҳукм сурмоқда.

Бу фикр ва хулосаларнинг исботи ўлароқ, вилоятда иқтисодий аҳволни яхшилаш, ислоҳотларнинг самараси ва натижаларини ошириш мақсадида олиб борилаётган ишларнинг қониқарсизлиги кўзга ташланади.

Вилоятда мавжуд 47 та қўшма корхонанинг учдан бир қисми фаолият кўрсатмаяпти. Улар томонидан маҳсулотларни экспорт қилиш ишига эътибор берилмаган. Қўшма корхоналарнинг аксарияти ички бозорда тижорат ишлари билан шуғулланмоқда. Низомда белгиланган ишлаб чиқариш фаолияти эсдан чиқкан. Бу осон йўл билан пул топиш, ўзини ҳам, жамиятни ҳам алдашдан бошқа нарса эмас.

Шу йилнинг биринчи чорагида саноат корхоналарининг 28 таси ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юборган. Жумладан, енгил саноат маҳсулотлари 36 фоиз, Қишлоғи 21 фоиз, темир-бетон 37 фоиз камайган.

1998 йилнинг 1 апрелидаги ҳолатга кўра, саноат корхоналарининг омборларида 2 миллиард 300 миллион сўмлик тайёр маҳсулот мавжуд. Шундан 250 миллион сўмлиги 2-3 йилдан бери сотилмай ётиби.

"Қаршиқурилиш" маҳсус саноат корхоналари бошқармаси, Шахрисабз "Кристал" корхонаси, шароб-консерва ва шароб-ароқ заводлари, қурилиш материаллари ва конструкциялари корхонаси ишлаб чиқариш ҳажмини сурункасига камайтириб келмоқда.

Янги қурилган "Каштекс" очиқ ҳиссадорлик жамиятининг фаолиятини олсак. Бу корхона замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган. Хом ашё билан шу ернинг ўзида тўла таъминланади. Бироқ ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг сифати паст, экспорт қилишга ярамайди. Шунинг учун ҳам корхона ночор иқтисодий аҳволга тушиб қолган. Бу ҳол энг замонавий технологияни зарур даражада эгалламаслик, ишчи кадрларни тайёрламаслик, касб маданияти ва дунёқарашини шакллантирмаслик, охирокибатда эса ташкилий жиҳатдан раҳбар кадрларни танламаслик натижасида юз берган ҳодисадир.

Қашқадарё вилояти аҳоли сони ва меҳнат ресурсларининг тез ўсиши билан ажralиб туради. Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, меҳнат ресурслари ўтган йилга нисбатан 4,4 фоиз кўпайди. Бу ўз навбатида зудлик билан янги иш ўринларини яратишни тақозо этади.

Аммо бу борадаги амалий ишлар қониқарсиз бажарилмоқда. Жумладан, вилоятда ўтган или янги иш жойларини ташкил этиш топширики атиги 38 фоиз, Касби туманида 7 фоиз, Чирокчидаги 12, Дехқонбод туманида эса 16 фоиз бажарилган. Қурилиш соҳасидаги ишлар ҳам талабга жавоб бермайди. Кўпгина ташкилотларнинг аҳволи тобора ёмонлашмоқда. Ажратилган капитал маблағлардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланилмаётганлиги сабабли қурилиши тугалланмаган иншоотлар сони кейинги йилларда икки баравар кўпайди. Уларнинг умумий қиймати 8 миллиард 330 миллион сўмдан ошиб кетди. Хўжасизлик, ишга лоқайдлик билан қараш ва бепарвонлик иллатлари қурилиш соҳаси раҳбарлари учун сурункали касалликка айланиб қолди. Улар жавобгарликни ҳис этмаяптилар.

Бюджетга ундирилмаган боқимандалик қарзлар микдори 1998 йил 1 январда 6,2 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 1998 йил 1 апрелда бу кўрсаткич 8 миллиард 74 миллион сўмни ташкил этди. Мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг йўл қўйган камчилиги бутун вилоят халқ хўжалигини орқага тортишга сабаб бўлмоқда.

Бюджет кўрсатмалари ва даромадлари бажарилмаса, ойлик-маош ҳисобидан яшаётган ўқитувчилар, шифокорлар, маъмурий ташкилотларнинг ходимлари каби хизматчиларнинг иш ҳақи нима ҳисобидан тўланади?

Вилоят молия ташкилотлари ва солиқ идоралари раҳбарлари бу саволга қандай жавоб беради?

Хурматли депутатлар!

Сизларга маълумки, қишлоқ хўжалик соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ишига ҳар галгидан ҳам жиддийроқ эътибор бермоқдамиз. Дарҳақиқат, бу бизнинг мамлакатимиз учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Шуни назарда тутиб, биз дехқончиликни тубдан

ўзгартириш, унинг маданиятини ошириш, қишлоқ инфраструктурасини яхшилаш бўйича Давлат дастурини ишлаб чиқдик.

Олий Мажлиснинг кейинги сессиясида Ер кодекси, ширкатлар тўғрисида, фермер хўжалиги ва деҳқон хўжалиги ҳақидаги қонунлар туркуми қабул қилинди. Ер кадастри тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Энди бир замонлардаги кампаниябозлик, ур-сурлар, йўқдан йўндириб маълумот беришлар, баландпарвоз ҳисботлар даври ўтди. Биз ҳаётимизнинг ҳар бир дақиқасида кундалик фаолиятимизда янгича фикрлаб, янгича яшашни жорий этмоғимиз керак. Фикрлаб яшаб, фикрлаб меҳнат қилишни ўрганмоғимиз лозим. Юқорида номлари зикр этилган қонунлар шуни тақозо этмоқда.

Қашқадарё воҳаси азалдан ғаллачилик, деҳқончилик ва чорвачилик соҳасида намуна бўлиб келган. Вилоятнинг иқлими, ер шароитлари, сув ва меҳнат ресурслари бугунги кунда тўлиқ ишга солинмаяпти. Улардан фойдаланиш даражаси анча паст. Биргина ҳосилдорлик кўрсаткичини таҳлил қилсак, бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар кўзга яққол ташланади.

Мавжуд хўжаликларнинг 15 фоизи ҳар бир гектар ердан атиги 5-15 центнердан пахта ҳосили олганини қандай изоҳлаш мумкин? Суғориладиган майдонлардаги ғалладан Косон, Баҳористон, Қамаши ва Нишон туманларида 18-19 центнердан ҳосил олинганини ким нима билан оқлади?

Вилоят бўйича картошкадан ўртacha 78 центнер, полиздан 60 центнер ҳосил олинган. Боғдорчилик ва узумчилик соҳасидаги аҳвол бундан яхши эмас. Бу ерга бўлган муносабатнинг ёмонлиги, ишни ташкил этишда жиҳдий хатоликларга йўл қўйилаётганлиги ва энг муҳими, деҳқон қалбиға йўл тополмаслик, унинг тақдирига бефарқ қараш натижаси дейиш мумкин.

Вилоят бўйича 1997 йилда 47 та хўжалик йилни салкам 1 миллиард сўм заар билин якунлаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Вилоядта чорвачиликка муносабат ҳам аянчли аҳволда. Мазкур соҳа билан шуғулланадиган мутасадди ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари ҳамон ўз масъулияtlарини чуқур англаб етолмаяптилар. Натижада чорва маҳсулдорлиги йилдан-йилга камайиб бормоқда. Баъзи бир жамоа хўжаликларида соғин сигирлардан кунига ўртacha 2,5 литр сут соғиб олинаётганини қандай тушуниш мумкин?

Вилоядта фермерларга етарли эътибор берилмаётir. Бир пайтлари кампаниябозлик авж олиб кетиб вилоядта баландпарвоз ҳисботлар учун фермер хўжаликлари ташкил этилди. Бироқ улар мавжуд имкониятларни ва ҳаётий эҳтиёжларни ҳисобга олмай ташкил этилганлиги сабабли самарааси паст бўлмоқда. Йилдан-йилга инқирозга учраб бормоқда.

Ташкил этилган машина-трактор парклари деҳқонларнинг эҳтиёжини қондиролмаяпти. Бу тизим навбатдаги тадбиrbозлик шаклини олган. Қоғозда техника деҳқон ихтиёридан кетган бўлса-да, амалда эса таъмирлаш ҳамон деҳқон зиммасида турибди. Бир сўз билан айтганда, деҳқон ҳаётida туб ўзгариш бўлгани йўқ.

Вилоядта қишлоқ хўжалигига техникадан фойдаланиш даражаси анча паст. Таъмирлаш корхоналари ўзлари томонидан режалаштирилган ишларни ҳам етарли даражада бажаришмаяпти. Мавсумда 30-40 фоиз техника ишламайди.

Техникага муносабат шундай бўлгач, меҳнат унумдорлиги, иш сифати ва ҳосилдорлик хусусида нима дейиш мумкин? Мазкур соҳа раҳбарлари ўз ишларига шунчалик совуқёнлик билан қарар эканлар, ўзларини эгаллаб турган лавозимларига маънавий жиҳатдан муносиб эканликларини нима билан оқладилар? Нима учун айrim мансабпаратнинг манфаати учун бутун жамият заар кўриши керак экан? Бунга чек қўйиш вақти келди!

Вилоядта вужудга келган бундай салбий ҳодиса учун ҳокимлик жавоб бериши лозим.

Вилоятда кейинги уч йил мобайнида ижтимоий соҳада, жумладан, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, ижтимоий таъминот ва аҳолининг бандлиги, маънавият ва маърифат масалалари бўйича анча муаммолар ечилилардан қолмоқда.

Вилоятда жиноятчилик ўсиб бормоқда. Қасддан одам ўлдириш, унга суиқасд қилиш қарийб 5 фоиз, номусга тегиш 31 фоиз, мулкни ноқонуний ўзлаштириш ва талон-торож қилиш 51 фоиз, безорилик 7 фоиз, гиёхвандлик жиноятлари 36 фоиз ошган.

Ички ишлар ходимлари томонидан жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ҳамда ҳал қилишда қонунчилик талабларини қўпол бузиш, жиноятларни қасддан ҳисобдан яшириш ҳолатлари мавжуд.

1995 йилда 45 та, 1996 йилда 51 та, 1997 йилда 45 та ва жорий йилнинг тўрт ойи мобайнида эса 22 та жиноят турли усуллар билан ҳисобдан яширилган. Вилоятда вазиятни сунъий равишда юмшатиб кўрсатиш мақсадида ўта оғир ва оғир жиноятлар енгил жиноятлар сифатида рўйхатдан ўтказилиб, тергов қилинган.

1996 йилда вилоят ички ишлар идораларининг 11 нафар, 1997 йилда 15 нафар ходими жиноят содир этган. Шу йилнинг ўтган 4 ойида 7 ходим жиноятга қўл урган.

Масалан, Косон тумани ички ишлар бўлими милиция катта лейтенанти, терговчи А. Боймуродов, Яккабоғ туман суди раиси О. Шоймардонов пора олганлиги учун озодликдан маҳрум этилганлар.

Ички ишлар ва бошқа маъмурий идоралар тергов қилинаётган ишларда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Тергов муддатлари бузилишидан ташқари сифатсизлиги сабабли, судлар томонидан қўшимча терговга қайтарилаётган жиноят ишлари сони ортмоқда.

Иқтисодий жиноят ва коррупция вилоятда ўсиб бормоқда. 1997 йилда текширилган 296 та ташкилот ва корхонадан, яъни ҳар икки ташкилотдан бирида талон-торожлик, моддий бойликларни ўзлаштириш ҳолатлари юз берган. Улар томонидан 12,8 миллион сўмлик ўзлаштириш фактлари аниқланган.

Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки вилоят бўлими бошқарувчиси ғайбулло Амирқулов ўз хизмат ваколатларини суиистеъмол қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилди. Муборак туман дон маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлаш очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Д. Олимов омбор мудири Ф. Узоқов билан 516 тонна дон маҳсулотларини талон-торож қилиб, ўзлаштирганлиги аниқланган.

Гузор пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамиятида қўшиб ёзиш бўйича жиноий иш кўзғатилган. Хозиргача 1309 тонна чигит камомади аниқланган. Нишон туман дон маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлаш очиқ ҳиссадорлик жамиятида (раиси Асқарали Бегматов) 1996 йил ҳосилининг ўзидан 1200 тонна дон маҳсулотлари камомади чиқди.

Аввал таъкид этилганидек, вилоятда юз бераётган жиддий камчиликлар асосан жойларда масъул шахсларнинг номуносиблигидан келиб чиқмоқда.

Маълумотларга қараганда, икки йил мобайнида қишлоқ хўжалик соҳаси раҳбарларининг 63 фоизи янгидан тайинланган. Нишон туманидаги айрим хўжаликларда 3-4 мартадан раҳбар янгиланган. А. Қодиров номли жамоа хўжалигида 2 йилда 4 та раис алмаштирилган.

"Қашқадарёгўштсаноат" ҳиссадорлик жамияти, "Агромашсервис" ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси, "Каршиқурилиш" бирлашмаси, Шахрисабз шароб-ароқ ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари шу давр мобайнида икки-уч мартадан алмаштирилган. Вилоятдаги мавжуд 12 та банқдан 9 тасининг раҳбари янгиланган.

Маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, шахсий садоқатига қараб лавозимга қўйиш кундалик ҳодиса бўлиб қолган. Аҳолининг Қашига, иззат-нафсига тегадиган "юқори зона", "ўрта зона", "пастки зона" кадрлари деган иборанинг қўлланиши хунук бир анъанага айланган.

Вилоят раҳбариятининг адолатсиз кадрлар сиёсатидан фойдаланиб, илгари вазифасини суиистеъмол қилиб бўштилган, ишни эплай олмаган кимсалар турли йўллар билан яна раҳбар лавозимларга ўрнашиб олганлар.

Вилоятда ислоҳотларнинг суст кетишига ижро интизомининг бўшашиб кетганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Кўп хужжатлар жойларга кеч етказилади, уларга эътибор ҳам талаб даражасида эмас. Фармон ва қарорлар асосида вилоят ҳокимлигига қабул қилинаётган хужжат асоссиз равишда доимо кечиктирилиб қабул қилинган.

Аҳоли талаб ва эҳтиёжларига етарли аҳамият берилмаётгани, баъзи раҳбарларнинг ношудлиги, айниқса, фуқароларга нисбатан адолатсизликка йўл қўйиш ҳоллари республика ташкилотларига ёзма ва оғзаки мурожаатларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Президент девонига келган хатлар сони 1997 йилда 88 фоиз, шу йилнинг 4 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 37 фоиз кўпайган. ҲУҚУҚ-тартибот органларининг ишидан норози бўлиб ёзилган хатлар сони 1997 йилда 1996 йилга нисбатан 5 баробар, ҳалқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаси кадрларининг лавозимларини суиистеъмол қилаётганидан норози бўлиб ёзганлар сони бир неча баробар ошган.

Шу йилнинг 4 ойи мобайнида келган 814 та хат ва аризада, қабулда бўлган 116 фуқаронинг мурожаатларидан 47 фоизида маъмурий-хукукий, 52 тасида эса кадрларнинг номаъкулчиликлари тўғрисида фикр билдирилган.

Ариза, шикоят, норизо бўлаётган одамларнинг сони кескин кўпайиб боришининг асосий сабаби, бугун Қашқадарёда вужудга келган вазиятнинг энг номақбул томони шундаки, шу воҳада яшаётган одамларнинг аҳволи, уларнинг дардлари, эҳтиёжлари кўп жойларда, кўп ҳолатларда эътиборсиз қолмоқда.

Бошқача айтганда, вазифада ўтирганлар, амалдорлар - тепадан пастга қадар - ҳалқ дардини ўйлаш ўрнига ўзаро бирор-бировининг айбини ахтариш билан банд.

Бир гурух иккинчи гурух устидан, иккинчи гурух биринчи гурух устидан ёзади. Кўпчилик раҳбарлар, хаттоки хукуқ-тартибот органларида ишлаганлар ҳам, одамларни химоя қилиш, ўз бурчларини вижданан бажариш, қонун устуворлигини таъминлаш, адолат ўрнатиш ўрнига бир-бирининг орқасидан кузатиш билан овора.

Ким кимнинг жияни, ким кимнинг поччаси, қайси лавозимга ким ўтди-ю, ким вазифасиз кўчада қолди - гурухларни факат шу нарса қизиқтиради. Коровуллик бўлса ҳам, барibir вазифа керак.

Бунақа ўйинлар, бунақа бемаъни мусобақалар қандай хунук оқибатларга олиб келиши ҳақида гапириш ортиқча.

Табиий савол туғилади: нима, Қашқадарёда ечилмаган муаммолар йўқми?

Гап ишлаб чиқариш ҳақида, пахта ёки ғалла ҳақида эмас. Сўз, биринчи навбатда, одамларнинг турмуши, ижтимоий масалалар ҳақида бормоқда.

Магазинларда етарли мол борми-йўқми?

Одамларнинг ўз эҳтиёжларига керакли молларни сотиб олиши учун пули, ойлиги борми?

Нафақалар ўз вақтида бериляптими?

Дехқонлар ўз вақтида маошларини кўряптими?

Касалхоналарда аҳвол қандай? Дори-дармон таъминоти қандай?

Мактабларда аҳвол қандай? Муаллимларнинг дардини ўйладиган, фарзандлар тақдири учун қайғурадиган раҳбарлар борми?

Санитария аҳволи қандай? Аҳолини тоза сув, газ билан таъминлаш қай даражада?

Мелисаларнинг ўз бурчларини бажариши қандай? Ёки уларнинг ўзларини тартибга чакириш керакми?

Бу каби саволларнинг охири йўқ. Қани, баъзи саволларга жавоб топиш мақсадида бугунги Қашқадарёнинг аҳволини кўриб чиқайлик.

Бугунги кунда дехқонларнинг иш ҳақи бўйича қарз 961 миллион сўмни ташкил этади.

Саноат, қурилиш ва бошқа соҳаларни ҳам қўшиб хисобласак, вилоят меҳнаткашларига салкам 1,5 миллиард сўмлик иш ҳақи тўланмаган.

Қарши, Ғузор, Шахрисабз, Чироқчи туманларида ўтган йил ва бу йил ҳисобидан 2 ёшга тўлмаган болаларга 193 миллион сўмлик, 16 ёшгача бўлган болалар учун бериладиган 75 миллион сўмлик нафақа тўланмаган.

Вилоят бўйича ҳар минг кишига 3 та майший хизмат шохобчаси тўғри келади. Муборак, ЯккаБоғ, Косон ва Чироқчида бу кўрсаткич бундан ҳам паст.

Ўтган йили вилоят матлубот жамиятларига қарашли ташкилотлар 946 тонна гуруч, 194 тонна шакар, 293 тонна чой, 200 тонна макарон, 452 тонна совунни, "Қашқадарёсавдо" концерни ташкилотлари эса 110 тонна гуруч, 15 тонна чой, 36 тонна совун олишни ва аҳолига етказишни таъмин этмаган. Айни пайтда аҳолининг, айниқса, қишлоқда яшайдиган одамларнинг шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи қондирилмаган.

Мактаб ва боғчаларнинг аҳволи хароб. Янги лицей ва коллежлар учун бинолар курилиши суст аҳволда.

Ғузор, Қамаши, Нишон, Косон, Чироқчи туманларида тоза ичимлик сув етишмайди.

Вилоятнинг жуда кўп аҳоли пунктларига газ етиб келмаган. Айрим туманларда санитария-эпидемиологик аҳвол мураккаблигича қолмоқда.

Муаммолар жуда кўп. Нега шунга эътибор бермайсизлар?

Ўзаро тирноқ остидан кир қидиришга кетган вақтнинг жуда бўлмаса юздан бирини муаммолар ечимиға, яхши мақсадга ишлатилса эди, олам гулистон бўларди. Одамлар ҳам сизлардан рози бўларди.

Бизга ишонган, бизни шу вазифаларга қўйган ҳалқ биздан "ўйин" ларни, турли фисқу фасод гапларни эмас, амалий ишларни кутяпти. Аслида ҳалқ шунинг ҳисобидан бизга ишонч билдиради. Баҳони ҳам шунга қараб беради.

Кимки шу ҳақиқатни унугланган бўлса (бу ҳақда аввал ҳам минг марта айтганман, бугун яна такорлаб айтаман), кимки шу ҳақиқатни унугланган бўлса, ундай кимсанинг раҳбарлик курсисида ўтиришга ҳаққи йўқ.

Жамиятда раҳбарнинг ўрни бениҳоя муҳим. Ҳалқни эзгу ниятлар билан ўзига эргаштира олган раҳбар ҳамиша одамларнинг ҳурмат-эътиборида бўлади. Одамларни бир-бирларига суюниб, таяниб, бир-бирларини тушуниб, муаммоларни биргаллашиб бартараф этишга даъват қилиш ҳақиқий раҳбарнинг ноёб фазилати ҳисобланади. Раҳбарнинг энг катта душмани - кибру ҳаво, ўзига бино қўйиш, ўзига ортиқча баҳо беришdir. Бундай раҳбар узоққа боролмайди.

Раҳбарликнинг энг буюк мезони адолат. Бу сўзнинг замирида бутун ҳалқ тақдири, жамият истиқболи, мамлакатимиз келажаги мужассам бўлган. Буни чукурроқ тушунайлик, чукурроқ англайлик. Адолат ҳамма нарсадан устун бўлиши керак.

"Куч - адолатда" деган Амир Темур бобомизнинг бизга қолдирган ўгит-насиҳатларини эсимиздан, хаёлимиздан чиқаришга ҳаққимиз йўқ.

Ўзидан бир поҚона юқори бўлган кишининг олдида икки букилиб, ўзидан бир поҚона паст бўлган одамни оёқ ости қилиш эски мустабид тузум ва жамиятнинг тимсоли эди. Биз бундай иллатлардан қутулишимиз, уни бутунлай йўқотишимиз керак.

Қўлингиз остидаги кишилар сизга фақат хизмат юзасидан ҳисобот бериши мумкин, холос. Инсон сифатида, шахс сифатида, қолаверса, фуқаро сифатида сиз билан тенг хукуқли эканлигини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Оддий одамларнинг раҳбарга муносабати икки фуқаро ўртасидаги муносабатгина эмас. Айни пайтда у жамиятда қарор топадиган маънавий-руҳий, сиёсий-ахлоқий мухитни ҳам яратади. Демак, ишлаб чиқариш маданияти, унинг самарадорлиги бевосита одамлар кайфиятига, раҳбарга бўлган муносабатига боғлиқ.

Ҳақиқий раҳбар барчага бирдай одилона муносабатда бўлади. Албатта, одамлар ҳар хил бўлади. Уларнинг орасида гап уқмайдиган, баъзан эса рўй-рост эътиroz билдирадиганлари ҳам бўлади. Ҳалқ дегани барча фазилатлари билан бир қаторда нуқсонлари билан ҳам яхлитлигича ҳалқдир. Ҳақиқий раҳбар ана шу яхлитликни англаш, ақл билан ҳис этиб, уларнинг бошини қовуштириб, ўзига эргаштира олиши билан ҳалқ олдида муносиб ҳурмат ва иззат қозонади.

Одамларда Фурур ва ифтихор туйғуларини кучайтириш - бизнинг вазифамиз. Токи улар ўз қуцига ва истиқболига ишонсин, қилаётган ишидан фахрлансин, ташаббускор бўлсин.

Ҳақиқий раҳбар одамларнинг кўнглига йўл топиб, уларни эзгуликка, яхшиликка, яратишга даъват қилади ва ўзи ҳам одамлар юрагидан жой олади. Ана шундай баҳт барчага - каттаю кичик раҳбарларга насиб этишини хоҳлайман.

Азиз дўстлар!

Мен Қашқадарёни яхши биламан. Қашқадарё - буюк Ватан ичра яна бир азиз Ватанимдир. Қашқадарё дардини юрагимга жуда яқин оламан. Қашқадарёни, унинг одамларини яхши қўраман. Уларни хурмат қиласман, ҳар қандай бало-қазолардан асраш учун керак бўлса ўзимни ҳам аямайман. Шунинг учун ҳам сизларга шу қадар куйиб-ёниб гапирияпман.

Мен сизларни, сизнинг қиёғангизда бутун қашқадарёликларни ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтадиган сабр-бардошли, иродали, айни пайтда яхшилик ва эзгуликни ҳимоя қиласиган кишилар деб биламан.

Сизларнинг улкан бунёдкорлик қудратингизни, истиқлол йўлидаги буюк интилишларингизни, келажакка катта ишонч билан қарайдиган, ўзининг куч-қудратига, ақл-заковатига ишониб яшайдиган сиз каби юртдошларимни юксак қадрлайман. Қашқадарёнинг қадимиш шон-шуҳрати, асрлар мобайнида тўпланган обрў-эътибори, маънавий, иқтисодий ва ижтимоий қудрати тикланиши йўлида бир ёқадан бош чиқариб хизмат қилишингизга ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинч-тотувлик, оилангизга баҳт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Халқ депутатлари Қашқадарё  
вилояти кенгашининг сессиясида  
сўзланган нутқ, 1998 йил 3 июнь

## ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР БОШЛИҚЛАРИНИНГ БЕШИНЧИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Жаноб Президентлар!

Ўзбекистон Республикаси делегацияси номидан Қозигистон хукумати, шахсан Президент Нурсултон Назарбоевга қозоқларга хос анъанавий меҳмондўстлик ҳамда туркий тилли давлатлар бошлиқлари учрашувининг яхши ташкил этилгани учун самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Бу анжуман бешинчи учрашувимиз бўлиб, биз ҳамжамиятимиз доирасида ҳамкорлик қилиш борасида етарли тажрибага эгамиз. Бизни қай даражадаги маънавий ва тарихий ноёб мерос яқинлаштирганини яхши биламиз, туркий тилли ҳалқлар етакчилари анжумани доирасидаги ҳамкорлигимизнинг қай даражада катта имконият ва истиқболга эга эканини аниқ тасаввур қиласиз.

Биз барчамизни бирлаштириб турган муҳим омил - туркий тилли ҳалқларнинг тарихий, маънавий ва маданий яқинлиги эканини жуда яхши англаймиз. Вақт бизнинг ҳамкорлигимиз энг аввало ҳар бир мамлакат манфаатларининг барчамизнинг узоқ муддатли ҳамкорлигимиз талабларига жавоб берадиган умумий мақсадларга мос келиши туфайли ривожланиб бораётганини кўрсатди.

Анжуманимизга давлатларимизнинг турли даражадаги иқтисодий, маданий ва гуманитар алоқаларига ҳар томонлама кўмаклашиш ва уларни кенгайтиришга зарар етказадиган сиёсий, бунинг устига, ҳарбий-сиёсий тус бериш барчамиз учун номақбулдир.

Муҳтарам давлат бошлиқлари ва вакиллари!

Энг аввало, давлатларимиз манфаатлари муштараклигидан келиб чиқкан ҳолда, тарихимизнинг учинчи минг йиллиги арафасида барчамизни ташвишга solaётган энг муҳим муаммоларни қайд этиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Шу пайтгача имзолangan, парламентларимиз томонидан ратификация қилинган икки томонлама ва кўп томонлама шартнома ҳамда битимларнинг амал қилиниши ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари биринчи ўринда туради.

Гап, энг аввало, миллий манфаатларга, барқарорликни таъминлаш манфаатларига, давлатларимизнинг худудий бутунлиги ва хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган тенг ҳукуқли ва фойдали ҳамкорлигимизнинг ҳали тўла юзага чиқарилмаган улкан имкониятлари ҳақида кетмоқда.

Минтақамиздагина эмас, чегараларимиз яқинида мавжуд бўлган муайян ҳолат ва юз бераётган воқеалар ривожи ҳам кун сайин бутун дунёдаги энг йирик давлатлар эътиборини кўпроқ тортаётган минтақамиз давлатларида интеграцион жараённи янада ривожлантириш ва чукурлаштиришни тақозо этади.

Бугунги кунда биз диний экстремизм тарқалиши тобора ошиб бораётган хавфдан, Жанубий Осиёда ядро қуролига эга бўлишга интилаётган давлатлар тобора кўпайиши билан боғлиқ хатардан кўз юмишимиз мумкин эмас.

Шундан келиб чиқкан ҳолда, минтақавий интеграциялашувни янада чукурлаштириш масалалари туркий тилли давлатлар ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоғи керак.

Марказий Осиёдаги давлатларнинг жўҚрофий ўрни минтақанинг транспорт масаласидаги ўзига хос муаммоларини ҳал этишга қаратилган коммуникацион лойиҳаларни амалга оширишни тақозо этади. Европа Иттифоқи қўллаб-куватлаётган ҳамда яхшигина молиявий базага эга бўлган кўп йўналишда ТРАСЕКА лойиҳасини амалга ошириш - Европа қитъасига йўл очиб берадиган Транскавказ йўналишига эга бўлишимизга аниқ имконият яратади.

Уюшган жиноятчилик, террорчилик, наркотик моддаларнинг Қайриқонуний тарқатилиши ва сотилишига қарши кураш мамлакатларимиз ҳамкорлигининг асосий йўналиш ва мазмунига айланиши керак. Афсуски, алоҳида эътибор талаб қиладиган бу

муаммолар бўйича саъй-харакатларимизни ҳали етарли даражада мувофиқлаштира олганимиз йўқ.

Орол фожиаси - инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фалокатлардан бири ҳисобланади. Орол муаммоси бугунги кунда, ҳақиқатан ҳам, умумбашарий муаммога айланган бўлиб, унинг биологик мувозанатнинг бузилишига таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ сезилмоқда, у жуда кенг ҳудудлардаги аҳоли ирсиятига ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда.

Бироқ, шуни афсус билан эътироф этиш лозимки, кўп ҳолларда Орол фожиасининг мамлакатларимиз аҳолиси соҚлиги ва ҳаётига ҳалокатли таъсирини англашимиз бу фактни қайд этишдан нарига ўтмаяпти.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳозирги босқичда Марказий Осиё давлатлари учун миллий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ўсиб келаётган авлодни XXI аср талаблари ва муаммоларига жавоб берадиган ҳолда ҳар томонлама тайёрлаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Бу муаммоларни ҳал этиш учун ҳалқаро тузилмаларнинг ресурс, имконият ва инвестицияларини жалб этиш - энг муҳим масаладир.

Гап ҳамкорлигимиз истиқболлари ҳақида кетар экан, туркий тилли давлатлар жаҳон ҳамжамиятининг табиий ва фаол бир қисми бўлиб, уларнинг эшиги тинчлик ва тараққиёт манфаатлари йўлида бошқа барча мамлакатлар билан ўзаро фойдали, самарали ҳамкорлик қилиш учун очиқ эканини алоҳида қайд этишни истардим.

Тожикистоннинг Марказий Осиёдаги учта мамлакат - Қозиғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг интеграциялашув жараёнинг қўшилиши бунинг ёрқин далилидир. Назаримда, айнан мана шу Фоялар туркий тилли давлатлар бошлиқларининг бешинчи учрашуви Декларациясининг асосини ташкил этиши лозим.

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий ҳамкорлиги ҳозирнинг ўзидаёқ ижобий натижалар бераётганини мамнуният билан қайд этиш мумкин. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу ҳамкорлик доирасида йирик ҳалқаро консорциумлар тузиш, қимматли қоғозлар бозорини барпо этиш ҳамда бутун минтақа иқтисодиёти учун зарур бўлган бошқа дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Сўнгти йиллардаги муносабатларимиз тарихига назар солсак, энг аввало, ҳалқларимизнинг маънавий жиҳатдан қайта тикланиш, аждодларимиз қолдирган улкан маданий меросни чуқурроқ ўрганишга бўлган интилиши кўзга ташланади.

Биз кишиларимизнинг тафаккур тарзи, бугунимиз ва келажагимиз истиқболи кўп ҳолларда ҳалқларимиз жаҳоннинг маданий хазинасига қўшган маънавий қадриятларнинг тарихий моҳиятини англаш ва чуқур идрок этиш билан белгиланишини унутмаслигимиз лозим.

Буюк аждодларимиз, ҳалқ достонлари, Шарқ дурдоналари бўлмиш қадимий шахарларимиз юбилейларини биргаликда ўтказиш ҳам яхши анъанага айланиб қолган. Бундай маданий анжуманларни ташкил этиш ва ўтказиш тарихий илдизи бир, тили ва маданияти яқин ҳалқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бу йил ЮНЕСКО қарори билан иккита катта юбилей - Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги ҳамда буюк олим ал-ФарҚоний таваллудининг 1200 йиллиги нишонланади.

Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва ижоди бизга у зот ҳақида ўз давридан анча илгарилаб кетиб, ҳалқларни бирлаштира олган, турли миллатларни ислом фалсафаси ва динининг мангу инсоний идеаллари атрофида жипслаштирган инсон сифатида гапириш ҳуқукини беради.

Буюк астроном, муҳандис ва тадқиқотчи ал-ФарҚоний номи бутун маърифий дунёда машҳурdir.

Кўпгина асрлар мобайнида денгизчи ва карvonбошилар фойдаланган, юлдузларнинг бурчак ҳаракатини ўлчайдиган асбоб - устурлобни ўша зот кашф қилган.

Мисрдаги Нил дарёси сатхини аниқ белгилаб берадиган, бугунги кунда хам мавжуд бўлган улкан иншоот - нилометрни ўша зот барпо этган. Биз ана шундай буюк аждодларимиз номини фахр билан тилга олиш ҳуқуқига эгамиз.

Шу муносабат билан ЮНЕСКО Ижроия Қўмитасининг жаҳон ва минтақа доирасида улкан аҳамият касб этган атоқли арбоблар юбилейлари, асарлар ва воқеаларни нишонлашнинг асосий мезонларини белгилаб берган 154-сессияси қарори нихоятда ўз вақтида қабул қилинганини эътироф этиш жоиз. Яна шуни таъкидлаш ўринлики, бу саналарнинг ҳар бири ҳалқларни бир-бирига яқинлаштиришга, маданий мулоқотга, ўзаро аҳиллик ва бир-бирини англашга қўмаклашиши лозим.

Давлатларимиз ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган йиллар мобайнида маданият соҳасидаги алоқаларимиз сезиларли даражада мустаҳкамланди. Мисол учун, Ўзбекистонда Қозигистон ва Қирғизистон Маданияти кунлари, Қозигистонда эса Ўзбекистон Маданияти кунлари ўтказилди.

Тошкентда "Туркистон - умумий уйимиз" конференцияси ўтказилиб, унинг натижаси ўлароқ, Марказий Осиё ҳалқлари маданияти Ассамблеяси ташкил этилди. Буларнинг барчаси тарихан шаклланган миллий маданиятлар, ҳалқларимизнинг урф-одат ва анъаналари, яхши қўшничилиги сингари табиий жараёнлардан далолатdir.

Тарихий воқеалар замирида Қозигистоннинг янги пойтахти - Остонанинг тақдимот маросими ва бу воқеанинг байрам қилиниши ҳалқларимиз ва давлатларимиз ҳаётида мухим босқич ва фахр-ифтихор манбаи бўлишига аминман.

Қозоқ ҳалқи ва унинг раҳбари Нурсултон Назарбоевни бу тарихий ва ажойиб воқеа билан чин қалбимдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Мухтарам давлат бошлиqlари!

Бизнинг Қозигистон диёридаги бу учрашувимиз ўзининг муайян натижаларини бериши ҳамда давлатларимиз ўртасидаги интеграциялашув жараёнларини янада ривожлантиришга, ҳалқларимизнинг бир-бирини маънавий бойитишига хизмат қилишига ишончимиз комил.

Эътиборингиз учун ташаккур.

1998 йил 9 июнь

**ЖАМИЯТИМИЗ МАФКУРАСИ  
ХАЛҚНИ - ХАЛҚ, МИЛЛАТНИ -  
МИЛЛАТ ҚИЛИШГА ХИЗМАТ ЭТСИН**

"Тафаккур" журнали Бош мұхаррирининг  
саволларига жавоблар

**САВОЛ.** Мұхтарам Президент, аввало, нафақат журналхонларимиз, балки кенг жамоатчилигимизни ўйлантириб турған саволларга ўз муносабатингизни билдиришга розилик берганингиз учун Сизга ташаккур изхор этамиз.

Маълумки, бундан бир юзу үттиз йил мұқаддам халқимиз миллий мустақиллиги ва тарихий давлатчилигини йўқотиб, мустамлака асоратига тушиб қолған эди. Шу давр мобайнида аждодларимиз, миллатимиз мاشаққатли синов ва кураш йўлларини босиб ўтди. Боболаримиз чор Россиясининг зулмини беадад тортган бўлса, оталаримиз Октябрь тўнташини, Гражданлар урушини, қулоқлаштириш кампанияси, Сталин қатаҚонларини, Иккинчи жаҳон муҳорабасининг азобу уқубатларини, таҳликали эллигинчи ва ниҳоят "десантчилар зулми" номини олган саксонинчи йиллар воқеаларини бевосита бошидан кечирди. Биз - нисбатан ёш авлод эса "ривожланган социализм" деб аталган даврни ҳам кўрдик, коммунистик мафкуранинг хукмрон тазиқи остида ҳам яшадик. Бу мафкура зулм ва зўравонликка, Қирромлик ва сохтакорликка асосланганини яхши биламиз. Шу сабабли ҳам у ҳалокатга учради.

Гарчи кейинги йилларда миллий мафкура яратиш борасида муайян ишлар қилинган бўлса-да, мафкура тушунчасига ҳанузгача холис илмий таъриф берилган эмас.

Сиз мафкура деганда нимани тушунасиз? Жамият фаолиятида, хусусан, Ўзбекистоннинг бугунги ҳаётида мафкура қандай ўрин тутади?

**ЖАВОБ.** Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши мүкаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура хукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас.

Келинг, бир лаҳза атрофга теранроқ назар ташлайлик. Кўп синовлар, азобу укубатлар, хатолар, фожиалар, урушлар, қатаҚонларни бошидан кечирган асримиз поёнига етаётган, инсоният янги аср бўсаҚасида турған бугунги кунда турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Ранг-бараңг, баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб, қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига бехисоб қайҚу-кулфатлар солмоқда.

Бошқача айтганда, ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ. Очиқ айтиш керакки, бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад - инсон, аввалимбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур куллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликтан ҳам кўра даҳшатлидир.

Узоқ тарихимиздан маълумки, ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда хукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш учун аввалий маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, куч-кудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон ёдимииздан чиқармаслигимиз керак.

Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиласидиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равища сезиб яшайди. Ахборот

асри, электроника асри деб аталган XX асрнинг нихоясида - бугунги давримизда бу таъсирлардан холи бўлиш деярли имконсиздир. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Энг қизиҚи, шу билан бирга, кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазиيқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазиيқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илҚаб етиш нихоятда қийин.

Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустакил фикрига, событ эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазиикларига бардош бериши амримаҳол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Япониядан тарқалган "АУМ Сенрикё" деган диний оқим вакилларининг фаолиятини эслайлик. Улар дунёning турли мамлакатларидаги юзлаб ёш йигит-қизларни иродасидан, онг-шууридан маҳрум қилиб, зомби - яъни манкуртга айлантириб қўйгани яхши маълум-ку. Ёки дин ниқоби остида Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонга ҳам кириб келишга уринаётган ваҳҳобийлик оқими намояндадарининг зарарли кирдикорларини олайлик. Бу каби ҳолатларнинг қандай мудхиш оқибатларга олиб келишини, менингча, узоқ тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Кўриниб турибдики, табиатда ҳам, жамиятда ҳам вакуум - бўшлиқ бўлиши мумкин бўлмаганидек, мафкура соҳасида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Айниқса, бутун дунёда, жумладан, информация оламида глобаллашув жараёни кечаетган ҳозирги пайтда, яъни лўнда қилиб айтганда, жаҳоннинг бир чеккасида содир бўлаётган воқеалар ва ҳаракатларнинг тез тарқалиб кетаётганини ҳисобга олганда, бу масаланинг аҳамияти ва долзарблиги янада ортиб бормоқда.

Фикримни соддароқ қилиб тушунтиришга уриниб кўраман.

Агар аср бошидаги ҳаёт ва тафаккур тарзи билан бугунги кунни қиёсласак, ер билан осмонча фарқни яққол кўрамиз. Техник тараққиёт ҳозиргидек юксак босқичга кўтарилимаган бир даврда дунёning тартиботи ҳам, одамлар ўртасидаги муносабатлар ҳам, бинобарин, маънавий-мафкуравий тушунчалар ҳам шунга мос равища содда ва аниқравшан эди.

Яқинда Абдулла Қодирийнинг "хирвонлик Маллавой" деган кичик бир асарини ўқиб қолдим. Унда асримиз бошида Туркистонга поезд кириб келиши билан боғлиқ бир ҳангома қулгили шаклда акс эттирилади. Намангандаги темир йўл тортилиб, синов паровози келадиган бўлади. Паровозни умрида қўрмаган одамлар уни буҚ қуввати билан юрадиган "жонивор" деб тасаввур қилишади. "Ўзи қоп-қора бўлса, юрганда дам-бадам пишқирса, чанқаганда қичқирса, минг челаклаб сув ичиб, очиқдана бўкирса, бу - албатта, зўр бир ҳайвон бўлса керак", деб ўйлашади. Кимдир унга "қора айҚир" деб ном ҳам кўяди. Синов паровози келишидан бирор кун илгари уни кутиб олишга тайёргарлик кўрилади. Станция ёнига "қора айҚир"га атаб ўн арава кўк беда, эллик пудча арпа тайёрлаб кўядилар...

Албатта, бу асарда жиндак муболаға, ҳазил-мутоиба ҳам йўқ эмас. Лекин у ўша пайтдаги одамларнинг тасаввурлари дунёқарашлари нақадар одми, содда, самимий бўлганини ҳам кўрсатади. Шу билан бирга, бу фақат ўзбек халқига хос хусусият эмас, бошқа халқларнинг ҳам ўша даврдаги турмушини кўздан кечирсангиз, шунга яқин жиҳатларни учратиш мумкин.

Энди шундай ҳолатни ҳозирги кунда тасаввур қилиш мумкинми? Айтайлик, компьютер, факс, "уяли" телефон, параболик антенна, электрон почта каби мўъжизалар ҳаётимизга нисбатан яқинда кириб келди. Лекин ҳозир шу мўъжизалар билан юртимизнинг энг олис ва чекка қишлоҚида яшаётган мактаб ўқувчисини ё бўлмаса бирор отахонни ҳайратга солиш мумкинми? Эҳтимол, улар бу нарсаларга бирпас ҳайрон бўлиб турар, аммо кейин худди бу асбобларни умр бўйи биладигандек тезда кўнишиб, ўзлаштириб кетади.

Айтайлиқ, ҳозир жаҳоннинг олис бир бурчагида қандайдир воқеа содир бўлса, зум ўтмай бутун дунёга маълум бўлади. Ва бу воқеа ер юзининг бошқа бир четида дарҳол акс садо беради. Биздан узоқ-узоқ минтақалар ва ҳудудларда рўй бераётган яхши ва ёмон ишлар, уларнинг таъсиrlари ҳам ҳаётимизга яшин тезлигида, биздан сўраб-нетиб ўтирасдан кириб келаверади. Замонавий ахборот майдонидаги ҳаракат шунчалар тиҚиз, шунчалар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво ўтириб бўлмайди.

Мана шу шарт-шароитларнинг барчаси ҳам маънавият, миллий мафкуранинг аҳамиятини янада кучайтиради. Чунки, сир эмас, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади.

Демак, бугунги кунда Гояни, фикрни тақиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. ўояга қарши фақат Фоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин.

ҲАР бир инсон, ҳар бир фуқаро буни яхшилаб тушуниб, мағиз-мағзига етиб олиши керак. Чунки жамиятнинг, жамият аҳлиниңг мустаҳкам ва равshan мафкураси бўлмаса, ўз олдига кўйган аниқ бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутади.

Модомики, мақсад, Фоя ҳақида мулоҳаза юритаётган эканмиз, илгари айтган бир фикримни такрорлаб ўтсам, ўринли бўлар, деб ўйлайман.

Мақсад дегани - халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, Фурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётйлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни - халқ, миллатни - миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин.

Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равshan белгилаб беришга хизмат қиласдан, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўпrik бўлишга қодир Гояни мен жамият мафкураси деб биламан.

Шўро даврининг мафкураси, коммунистик дунёқараш, агарки аслини суриштирангиз, моҳият эътиборига кўра, бизнинг турмуш тарзимизга, халқимизнинг табиатига тамоман бегона эди. Шунга қарамасдан, кишиларнинг онгига мажбуран сингдирилган бу сохта таълимотнинг салбий таъсири ҳануз сезилиб туради. Афсуски, биз бу саркитлардан ҳали буткул халос бўла олганимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам истиқлолга эришган кунимиздан бошлаб миллий мафкура, Ўзбекистон жамиятининг миллий Гоясини яратиш масаласи долзарб бўлиб келмоқда.

Албатта, мафкурани бир кун ёки бир йилда яратиб бўлмайди. Чунки мафкура шаклланади, шакллантириб борилади. Унинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш мумкин. Аммо бу тамойиллар реал ҳаётда ўз ўрнини топмаса, бундай мафкура фақат қоғозда бўлади, холос. Шунинг учун ҳам, менинг фикримча, мафкурани шакллантириш жараённида, авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиш лозим.

Иккинчи шарт шундан иборатки, миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор. Мен бу ўринда Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби улуғ аждодларимизнинг шу мавзуга дахлдор асарларини назарда тутяпман.

Масалан, Форобийнинг ўша машҳур "Фозил одамлар шаҳри" асарини эсга олайлик. Бундан минг йилча муқаддам яратилганига қарамасдан, бугунги ўқувчи ҳам бу асардан

хозирги ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда асқатадиган мухим фикр ва йўл-йўриқларни топа олади.

Мен миллий мафкура хусусида бош қотираётган олимларимиз, маънавият ва маърифат соҳаси ходимларига ер юзида инсоният ва давлатчилик пайдо бўлганидан буён шаклланган жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини теран ўрганиш, кишилик тарихининг юксалиш ва таназзул даврларини, тараққиётни ана шу инқирозлардан омон сақлаб қолувчи ижтимоий-маънавий омилларни ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда бирон хulosага келишни тавсия этган бўлур эдим.

Шу муносабат билан бу мафкуранинг шаклланишида кимнинг манфаатлари ва қарашлари юзага чиқиши керак, деган савол туғилади.

Бордию бу саволга мендан жавоб сўралса, даставвал Ўзбекистонда яшаётган, ўз тақдири тимсолида минг-минглаб кишиларнинг тақдирини мужассамлаштирган ватандошимизнинг ҳаётини, унинг орзу-интилишларини, бугун ва эртанги кунга бўлган умидворлигини ўзимча тасаввур қилишга уриниб кўрадим. Ўзимни шу одамнинг ўрнига қўйиб, унинг кўзи, идроки, тафаккури, ёндашуви билан келажакка қарадим.

Содда қилиб айтганда, жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг бехатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-Қайрат манбаи бўлиши лозим.

Ўзбекистоннинг миллий мафкураси мамлакатимизнинг мана шу минтақада, ён-атрофдаги давлатлар орасида ва жаҳон микёсида ўзига муносиб ўринни, яна ҳам аникроқ айтадиган бўлсак, ўзининг ихтисосини тўғри ва холисона англаб, шу асосда изчил ҳаракат қилишимиз учун хизмат этиши зарур.

Хўш, миллий Фоя, миллий мафкура нималарни ўзида мужассамлантириши ва қандай талабларга жавоб бериши керак?

Миллий мафкура, авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун кўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт.

Иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва Гоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона Фоя - мафкура бўлиши керак.

Учинчидан, миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойdevор ва рахнамо бўлиши даркор.

Тўртинчидан, миллий Фоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур.

Бешинчидан, у Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоқка йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиласидиган Фоя бўлиши керак.

Миллий Фоя, миллий ифтихор кундалик машаққатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, Қайратимизга Қайрат кўшиб, ҳақиқатан ҳам келажаги буюк давлат қураётганимизга мустаҳкам ишонч бағишлиб, руҳимизни баланд, белимизни бақувват қилишига ишонаман.

Миллий мафкура воситасида элу юрт бирлашади, ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адo этишга қодир бўлади.

Миллатнинг, халқнинг ҳамжиҳатлиги эса ҳар қандай тараққиётнинг гаровидир.

**САВОЛ.** Сиз мустақил давлатнинг етакчиси сифатида фаолиятингизнинг дастлабки кунидан бошлаб мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишдек ғоят муҳим ва мураккаб ишга бевосита раҳбарлик қилиб келмоқдасиз. Сизнинг ташаббусингиз билан бу борада амалга оширилган улкан ишларнинг баъзиларини эслаб ўтсак: вилоятларимиз марказларида ўнга яқин университетлар ташкил этилди, истиқлолга қадар бизда умуман бўлмаган бир қанча олий ўқув юртлари, жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Жаҳон тиллари дорилфунунлари, Давлат ва жамият курилиши, Банк-молия, Ички ишлар, Куролли Кучлар академиялари, Кончилик институти, Фуқаро авиацияси институти каби янги таълим даргоҳлари очилди, замонавий лицей ва коллежлар таъсис қилинди, "Улуғбек", "Умид", "Устоз" каби жамғармалар тузилиб, ривожланган хорижий мамлакатлардаги энг нуфузли олий ўқув юртларига юзлаб ёшлар ўқишга юборилди, муаллим-мураббийларнинг билим ва савиасини юксалтириш борасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури Гоясининг бош ташаббускори ва ташкилотчиси ҳам мамлакат Президенти бўлганини кенг жамоатчилик яхши билади. Яқинда матбуотда Сиз имзо чеккан яна иккита муҳим ҳужжат эълон қилинди. Уларнинг биринчиси "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида", иккинчиси эса "Ўзбекистон Республикасида ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида" деб аталади. Сизнинг сиёсатингизда таълим-тарбия масаласига бу қадар катта эътибор берилишининг сабаблари нимада?

**ЖАВОБ.** Мен Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир" деган фикрини кўп мушоҳада қиласман.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўzlари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалиқ, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбdir.

Чунки таълим-тарбия - онг маҳсули, лекин айни вактда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилdir. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад - озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.

Кўриб турганимиздек, буларнинг барчаси бир-бири билан занжир каби чамбарчас боғлиқ масалалардир.

Мен кўп йиллар давлат режалаштириш идораларида ишлаганман. Хизмат тақозосига кўра фан ва таълим масалалари билан ҳам шуғулланганман. Шу сабабли, совет таълим тизимининг барча жиҳатларини яхши биламан, деб айта оламан.

Бизга мерос бўлиб қолган таълим-тарбия тизимининг маълум бир маъқул жиҳатлари билан бир қаторда унинг энг номақбул томони шундан иборат эди, ўқув жараёнida ўқувчи ва талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаслик, ҳар қайси ўқув юртини битиравчиларнинг билимига қараб эмас, аввало, уларнинг собиқ совет тузумига ва сохта Ғояларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллар эди. Кўп жойларда сифат ўрнига сон кетидан қувиш устунлик қиласми. Кўпчилик ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, амал-тақал қилиб дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга кирап эди. Бу тузумдан бизга қолган мерослар ичидаги шунга ўхшаган салбий асоратларни, афсуски, ҳозир ҳам сезиб турибмиз.

Бу тизим ватанига, ҳалқига, миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган, бирон бир масалани онгли равища, масъулият билан ҳал қиласми, изланувчи, янгиликка интигувчи кадрларни эмас, асосан саёз савиали ходимларни, муте кишиларни минг-минглаб этиштирган эди. Жамиятимизни янгилаш, ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш, бозор иқтисодиёти асосларини барпо қилишга ўтар эканмиз, ана шундай онги қотиб қолган, азму шижаатдан йироқ, эл-юрт манфаати учун куйиб-ёнмайдиган кадрлар

муттасил равища ишнинг белига тепиб туришини ҳис қилдик, Очиғини айтсам, ҳозир ҳам сезяпмиз.

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади. Бусиз жамиятимизнинг бирон бир соҳасини ўзгаришига киришиб бўлмас эди. Ислоҳотларнинг тақдири ва самарааси биринчи навбатда кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлиқ жавоб беришига тақалиб қолар эди. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири авваламбор шу муаммоларни узил-кесил ечиш билан чамбарчас боғланганини ҳар қайси фикрловчи одам англаши қийин эмас.

Шу сабабли ҳам биз ниҳоятда мураккаб, кўп вакт ва кўп маблағ талаб этадиган ана шу вазифани адo этишга киришдик. Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурини ишлаб чиқиши билан боғлиқ жараён узоқ йиллар мобайнида бу соҳада талай муаммолар йиҚилиб қолганини кўрсатди. Мен бунга ушбу дастур лойиҳаси устида саккиз ой мобайнида ишлаш жараёнида шахсан амин бўлдим. Шунинг учун ҳам бу оғир, масъулиятли, аммо ҳал қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам-бақадам, изчиллик билан бажаришга бел боғладик.

Ишончим комил: агар бу ислоҳотни муваффақиятли равища амалга ошира олсак, тез орада биз ҳаётимизда ижобий маънодаги "портлаш эфекти"га, яъни унинг самарасига эришамиз.

Бу нима дегани?

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуримизда, шу жумладан, ҳали сиз тилга олган икки хужжатда назарда тутилган вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар, биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қиласиди ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. ҲАР қандай одам ҳам ўсмирилик чоҚида, эндинина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан муносиб ўрнини топиши керак. Акс ҳолда бу нарса ноҳуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожиаларга, ҳатто ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади. Ўш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини йўқотишига олиб келади. Ўз қадрига, ўз шаънига эга бўлмаган инсон ҳаётда кўп-кўп тўсиқларга дучор бўлади, бекарор ва салбий таъсирларга тез берилади, унинг шахс сифатидаги емирилиши ҳам тез кечади.

Биз жорий этилаётган мазкур таълим модели орқали аввало ана шу вазиятнинг олдини оламиз. Қолаверса, ёшларни муайян бир ихтисосга эга қилиб, ҳаётга йўлланма берамиз. Дунёга умид билан қадам кўйиб келаётган навниҳол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, тақдиридан, ватанидан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машқул бўлади.

Бу гоят муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган масаладир.

Учинчидан, таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча - ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва хур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақириқ-чақириқлар, ҳавоий шиорлар билан асло бузуб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалқитиб ҳам бўлмайди.

Тўртингчидан, таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. ҲАР қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички кувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур

бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади. Ва ҳар қайси инсон Аллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, баҳт-саодати, манфаати учун тўлиқ баҳшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса шу хисобдан бекиёс бўлиши мукаррар. Мен "портлаш эфекти" деганда айнан шундай ҳолатни назарда тутмоқдаман.

Бешинчидан, биз фуқаролик жамияти қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу соҳада дастлабки, аммо муҳим қадамлар қўйилди. Ишончим комилки, вакти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади. Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ёритиш, уни ҳәётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш нафақат бугунги, балки эртанги кунимизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифасидир. Тараққиётнинг умумбашарий қонуниятлари, инсониятнинг кўп йиллик ҳаётида синовлардан ўтиб, ижобий натижалар берган тажрибалар худди шу йўлни тақозо этади.

Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва маҳсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил "измлар"дан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади.

Бу моделдан кўзланган яна бир мақсад бор. Унинг воситасида биз дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришамиз.

Бугун ҳалқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идроқ, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг "Куч - адолатда" деган машхур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб "Куч - билим ва тафаккурда" деган бўлардим. Келгуси асрда бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бинобарин, ҳалқаро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соҚлом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришмоғимиз лозим бўлади. Бизнинг келажагимиз мана шу мусобақа ва рақобатга қай даражада бардош бера олишимизга боғлиқ. Ўйлайманки, бунинг учун миллатимизнинг салоҳияти ҳам, ақл-заковати ҳам етарли.

Мана, яқинда "Умид" жамғармаси орқали Европа, Осиё ва АҚШнинг энг нуфузли университетларида ўқиётган талабаларимиздан ўн беш нафари магистрлик ва бакалаврлик илмий даражаларига муддатидан олдин сазовор бўлгани хақида хабар олдик. Мен бу хушхабарни эшишиб, худди ўзимнинг ўғил-қизларим шундай ютуққа эришгандек бениҳоя хурсанд бўлдим. Бу - ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири бўлди десам, муболага бўлмайди. Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зехн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки ҳалқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукаммал тарзда фойдалана билишимиз зарур. Ота-боболаримиз шуҳратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа ҳалқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб-беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва хурматга лойик бўлишимиз даркор.

Тўққизинчи - ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарқонийлар, xorazmийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз ҳалқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим.

Такрор айтаманки, бунга таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш билангина эришиш мумкин. Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотнинг чегараси ва поёни йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра муттасил равишда ўзгариб-янгиланиб бораверади. Фақат, биз бу соҳадаги дастлабки қадамларни тўғри қўя олсак, пойдеворни мустаҳкам қилиб барпо этсак, мен шунга ишонаманки, бугунги авлод унинг самарасидан баҳраманд бўлажак, келгуси авлод эса бизнинг қилган шу ишларимизни эҳтиром ва миннатдорлик туйғуси билан эслайди.

**САВОЛ.** Сиз шуғулланадиган ғоят кўламдор ва серқирра масалалар, адо этадиган вазифалар бири биридан муҳим ва зарур. Уларнинг барчаси мамлакат ва жамият, ҳар қайси фуқаронинг ҳаёти, келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Аммо Сизнинг фаолиятингиздаги энг устувор йўналиш, энг олий мақсад нимадан иборат?

**ЖАВОБ.** Агар бу саволга бир оқиз сўз билан жавоб бериш лозим бўлса, мен "Халқимнинг омонлиги", деб айтган бўлардим. Содда қилиб айтганда, элу юртимизнинг осоиишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги, сарҳадларимизнинг бехатарлиги, бугунги кунимиздан розилик, эртанги ҳаётга ишонч, оналаримиз ва фарзандларимиз юзидағи табассум, бу - мен ўз фаолиятимда интиладиган энг олий мақсаддир. Халқимнинг осоиишталиги ва фаровонлиги мен учун ҳамма нарсадан афзал.

Бу дунёда инсон ўз меҳнати, ақл-Қайрати билан кўп нарсага эришиши мумкин. Бойлика ҳам, шон-шуҳратга ҳам, илмий, ижодий қашфиётларга ҳам, оила, севги баҳш этадиган баҳту саодатга ҳам. Фақат бунинг учун аввало инсоннинг уйида, маҳалла-кўйида, юритида, қисқача айтганда, одамнинг кўнглида тинчлик-хотиржамлик ҳукм суриши керак. Узоққа бормайлик, мана шу Миллий дастурдан кўзланган мақсадларни амалга ошириш учун ҳам энг аввало тинчлик-омонлик даркорлигини бугун ким инкор эта олади дейсиз!

Мен бу тўғрида илгарилари ҳам кўп бор айтганман. Аччиқ тажрибалар асосида туғилган ва қалбимга чуқур ўрнашган шу ҳаётий ҳақиқатни такрорлашдан толмайман: тинчлик-омонлик бўлса, ҳамма нарса бўлади - ислоҳот ҳам, бозор иқтисодиёти ҳам, жамиятимизнинг янгиланиши ҳам. Аслида ҳаётимиздаги бугунги барча ислоҳот, демократик ўзгаришлардан кўзланган мақсад - юртдошларимизнинг турмушини фаровон қилиш, уларнинг ҳақ-хуқуқлари, манфаатларини ҳимоя этиш.

Бизнинг сиёсатимизнинг бош йўналишини Ўзбекистон хавфсизлиги ташкил этади. Албатта, хозирча турмушимиз биз орзу этган даражада эмас. Ҳали етишмовчиликлар, қийинчиликлар ва йўлимида тўсиқлар ҳам оз эмас. Аммо шундай мураккаб бир вазиятда одамлар омонлиги, мамлакатимиз тинчлигини таъминлашга эришаётганимиз, ўйлайманки, бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Чуқурроқ мулоҳаза юритиб қарайдиган бўлсак, шу ҳолни кўрамизки, Ўзбекистон дунёдаги етакчи давлатларнинг, турли-туман сиёсий кучларнинг бир-бирига зид манфаатлари ўзаро муттасил тўқнашиб турадиган бир майдонда жойлашган. Биз буни истаймизми-йўқми, тарих, тақдир тақозоси шундай. Юртимиздаги беҳисоб табиий бойликлар, унинг геостратегик шароити жаҳонда бизга нисбатан факат хайриҳоҳлик ёки ҳавас туйғусини эмас, балки ҳасад, қора ниятларни ҳам уйғотиши сир эмас.

Харитага диққат билан разм солсангиз, мамлакатимизни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммоларнинг оғир юки остида қолган мамлакатлар қуршаб олганини кўриш мумкин. Бунинг устига, Ўзбекистон диний экстремизм, этник жанжаллар, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучларнинг таъсирида ички низолар авж олган Афғонистон каби бекарорлик ўчоқи билан чегарадош. Олти йилдирки, кўшни Тожикистанда нотинчлик ҳукм сурмоқда.

Минтақамиздаги мавжуд муаммолар камдек, яқинда қўшни давлатлардан бири - Ҳиндистон ядро синовларини ўтказиб, янги бир таҳлика манбанини вужудга келтирди. Бу нарса минтақадаги барқарорлик мувозанатига жиддий заарар етказди. Бунга жавобан шу ҳудуддаги бошқа бир давлат, яъни Покистон ҳам ядро синовлари ўтказиш ҳаракатига тушиб қолди. Демак, минтақамизда ядро хавфи мавхум хатардан реал хавфга айланиб бормоқда.

Табиийки, буларнинг барчаси бизни ташвишлантирумасдан қўймайди. Ўз навбатида биз ҳам давлатимизнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳар қандай таҳдид балосидан сақланиш учун зарур ҳимоя чораларини кўришга мажбур бўламиш.

Ҳеч сир эмаски, бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш, хатарларнинг олдини олиш қанчалар мураккаб, нозик ва қалтис бир масала. Буни, албатта, билган билади, билмаган билмайди. Хўш, ўйлаб кўрайлик-чи, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш биз учун қанчага тушмоқда? Ўзи, хавфсизликнинг баҳоси борми? Умуман, тинчлик-омонлик, барқарорликни пулга чақиб-ўлчаб бўладими?

Мен бу фикрларни фуқароларимиз, ватандошларимиз юртимиздаги тинчлик, барқарорликнинг қандай қийинчилик, қандай меҳнат-машақкатлар эвазига қўлга киритилаётганини озми-кўпми тасаввур қилишлари учун айтяпман.

Яратганимизга минг қатла шукроналар бўлсинки, биз ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳаларда, ҳам хавфсизликни сақлаб қолиш борасида энг оғир ва мураккаб даврни бошимиздан эсон-омонлик билан кечирдик. Халқимизнинг донолиги, бағрикенглиги, сабр-бардоши бизни ҳар қандай бало-қазолардан асраб, идрокимизни, ақл-заковатимизни чархлаб, юртимизда осойишталик ва миллатлараро, фуқаролараро тинчликни сақлаб қолишга хизмат қилди. Бугун энди ёруғ кунларга етганимиздан Фурурланиб, янги-янги марралар сари қадам қўяётганимиз учун фаҳрланиб ишлаш ва яшашга асосимиз бор.

Халқимизни яна бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмасликка даъват этмоқчиман: эл-юртимизнинг, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсоннинг эсон-омонлиги бизнинг энг катта ютуғимиз ва бойлигимиздир. Бу бойликни қўз қорачи Қидай асраб-авайлаш, қадрига етиш - барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

"Тафаккур" журналининг  
1998 йил 2-сони

ЎЗБЕКИСТОНДА ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИНИНГ  
ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Муҳтарам Президент Имомали Раҳмонов Жаноби Олийлари!  
Ҳурматли тоҷикистонлик меҳмонларимиз!  
Азиз биродарлар!  
Дўстону бародарони тоҷик!  
Беҳуда нест ки Рӯдакии бузрг гуфтааст:

Ўеж шоде нест андар ин жаҳон,  
Бартар аз дидори рҳи дўстон.  
Яъни:  
Жаҳоннинг шодлиги йиҚилса бутун,  
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Бугун Ўзбекистонимизда катта тўй, катта тантана. Халқимиз кўпдан бери орзиқиб кутган байрам - қардош Тоҷикистон кунлари бошланмоқда.

Яратганнинг ўзи ўзбек билан тоҷикнинг лойини бир жойдан қорган. Минг-минг ийллардан буён ҳалқларимиз ўзаро қондош ва ёндош бўлиб, қуда-андада тутиниб асрлар юкини бирга тортиб, келажагини бирга қуриб келмоқда. Биз бир дарёдан сув ичамиз, бир далада экин экамиз.

Бозоримиз ҳам, ҳатто мозоримиз ҳам бир. Исмимиздан ҳам, жисмимиздан ҳам ҳеч ким бизни бир-биримиздан ажрата олмайди. Ҳазрат Алишер Навоий бир тоҷикча Қазалида ёрни "чаҳмони туркинаву, мижгони тоҷикона", яъни "кўзлари туркона-ю киприклари тоҷикона" деб бежиз таърифламаган.

Боқи Раҳимзода: "Э жўра, бигў: ту ўзбек ё тоҷик? - деб лутф этганида мутлақо хақдир.

Қани, айтинглар-чи, шу байтни таржима қилишга эҳтиёж борми?!

Аввал бир анжуманда айтган эдим, бугун шу иборани яна такрор айтмоқ жоизким, ўзбек билан тоҷик - икки тилда гапирадиган бир ҳалқ десак ҳеч қандай хато бўлмас. Бу ҳикмат айни бугун, яъни ҳалқларимиз - ўзбеклар ва тоҷиклар - истиқлолга эришиб, ўз миллий давлатини қураётган бир пайтда ҳар қачонгидан ҳам кўра муҳим аҳамият касб этади. Кўхна тарихимизнинг қайси қатламини ўрганмайлик, ҳалқларимиз яқинлигини тасдиқладиган бисёр далил-исботлар топамиз. Аввалимбор, бу - икки ҳалқ учун ягона муқаддас ислом динимиз, тарихимиз ва бетакрор маданиятимиздир. Бир заминда яшаган, бир булоқдан сув ичган, бизга буюқ мерос қолдирган улуғ аждодларимиздир.

Ислом дини ва Шарқ фалсафасининг улуғ намояндалари, буюқ тарғиботчилари, мутафаккирларимиз Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари каби буюқ алломалар қолдирган маънавий бойлиқ ва ўғитлар икки ҳалқ учун ҳам баробар бебаҳо меросдир.

Дил ба ёру даст ба кор, деган ҳикмат бугунги авлодларимиз, фарзандларимиз учун, ақл-идрок билан яшаш учун бебаҳо ва раҳнамо йўриқдир.

Аждодларимиз ҳамиша бирга давлат қурғанлар, бирга касбу кор қилғанлар, бошга тушган мусибатларни елқадош бўлиб енгганлар.

Улуғ аждодларимиз қолдирган меросни ўзаро талашмасдан, ундан маънавий озиқланиб, бир чашмадан сув ичгандек, ҳар икки ҳалқ, икки миллат баробар баҳраманд бўлишини таъминлаш, ташкил этиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзdir.

Азиз дўстлар!

Ота-боболардан қолган бир мақолда "ўзбек билан тоҷикнинг куйласа чолҚуси бир, йиҚласа қайҚуси бир" деб бежиз айтилмаган.

Ҳақиқатан, бу икки ҳалқ минг йиллар давомида Наврӯзни бирга байрам килди. Сирдарё, Амударё бўйларини биргаллашиб обод водийларга айлантириди.

Босқинчиларга қарши гоҳ Тўмарис, гоҳ Широк, гоҳ Спитамен, гоҳ Темур Малик бўлиб биргаликда мардона зарба берди. Сўнгги бир ярим асрлик мустамлака зулмини ҳам бирга тортди. Нихоят, истиқлолга ҳам бирга эришди.

Тожик тилида "қўшни"ни "ҳамсоя" дейдилар. Кўп ўзбек шеваларида ҳам бу сўз бор. "ҲАМСОЯ"нинг маъноси шуки, бир-бирига туташ уйнинг сояси бир бўлади. Тожиклар - ўзбекнинг уйига туташ ҳамсоядир.

Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ибораси билан айтганда:

Дўсту қардошdir азалдан  
Ўзбегим тожик билан,  
Фаҳм этиб боқсанг агарда,  
Биз қўша сайёрамиз,  
Бу Али сўзлар Зуҳалдан  
Ўзбегим тожик билан.

"Ён қўшнинг - жон қўшнинг" деган мақолни халқларимиз дўстлигига нисбатан кўллайдиган бўлсақ, чиндан ҳам, хоҳ Ўзбекистонда бўлсин, хоҳ Тожикистанда, биз ўзаро ана шундай девор дармиён ҳамсоялар бўлиб яшаймиз.

Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий билан Амир Низомиддин Алишер Навоийдек икки буюк зоти шарифнинг халқларимиз шону шарафи, маънавий-рухий қудратини жаҳонга кўз-кўз қилган ижоди, улар ўртасидаги ажиб пиру муридлик, устозу шогирдлик муносабатлари биз учун абадулабад яқинлигимизнинг гўзал рамзи бўлиб қолажак.

Устоди бузург Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий ўзининг энг гўзал достонларидан бири - "Юсуф ва Зулайҳо"ни Амир Низомиддин Алишер Навоийга бағишилаган. "Лайли ва Мажнун" достонида устод Жомий устод Навоийга қандай таъриф берганини эслайлик:

Хоса, ки ба боғи ошное,  
Боршохи вафо бувад Навое.  
Яъне ки Навое лутф созад,  
Дилҳои шикастагон навозад.  
Коре набвад ба жои ин кор,  
Ёрони жаҳон фидои ин ёр.

Бу сатрларни ҳар бир ўзбек таржимасиз ҳам яхши англайди. Бу сатрлар ҳар бир ўзбек юрагига, қалбига нафақат чуқур ва чўнг маъноси, балки бадиий ифодаси билан ҳам яқиндир.

Айтинглар, азиз биродарлар, дўстлик ва қардошликтининг бундан ортиқ таърифи ва тавсифи бўлиши мумкинми?

Биз - ўзбегу тожик - Жомий ва Навоий каби буюк бобокалонларимиз васият этиб қолдирган дўстлик ва қардошликтини унучасак, бундай нодонлик, калтабинлик уларнинг рухи покларига хиёнат эмасми?

Муҳтарам меҳмонларимиз!

Бизнинг маънавий, маърифий ва маданий алоқаларимиз шу қадар кучлики, бугун ўзбекнинг тўю томошасини тожикча, тожикнинг тантанасини ўзбекча куй-қўшиқларсиз сира тасаввур қилиш мумкин эмас.

Ўзбек халқининг ажойиб санъаткорлари Ҳалима Носирова ёки Саодат Қобулованинг овозини тожиклар қандай севиб тингласалар, Ҳанифа Мавлонова ва Жўрабек Муродовнинг ажойиб қўшиқларини ўзбеклар ҳам шундай севиб тинглайдилар. Аслида ҳам бу каби ҳар икки халқнинг фарзанди, ҳар икки халқнинг санъаткорлари бўлмиш инсонлар оз эмас.

Халқларимизнинг дили-дилига нақадар яқинлигини умумий бойлигимиз бўлган шашмақом ҳам, ушшоқ, сегоҳ, чоргоҳ каби мумтоз куйларимиз ҳам кўрсатиб туради.

Икки улуғ тилнинг салоҳиятини омухта қилиб ҳар иккита тилда асарлар яратишдек улуғ анъаналаримиз борки, уни Захириддин Муҳаммад Бобур, Зебуннисо бегим, Оғаҳий ва Машраб янги юксакликларга қўтардилар. Айниқса, туркий улус фарзанди Мирзо Абдуқодир Бедил форс-тожик тилида шу кадар буюк асарлар яратдики, беназир шоиримизFaфур Ғулом унинг ижодини мусаффо чашмага ва офтоб нурига қиёслагани бежиз эмасдир:

Тонг отар чоҚида жуда соғиниб,  
Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.  
Лойқа хаёлотлар чашмадай тинди,  
Пок-покиза юрак бир қатра симоб.

Яқин тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, мустабидликнинг энг оғир йилларида ҳам ўзбек ва тожик халқларининг асл фарзандлари Аҳмад Доңиш ва Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Қодирий ва Садриддин Айний, Абдулҳамид Чўлпон ва Абдурауф Фитрат дўсту ҳамкор бўлиб маърифат йўлида биргаликда кураш олиб борганлар.

Устод Садриддин Айний ҳам тожик, ҳам ўзбек тилида баробар ижод қилиб, ғоят мукаммал асарлар яратгани, айниқса, ибратлидир.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, маданиятларимиз, умуман халқларимиз ўртасида асрлар бўйи ўзаро ижодий мусобақа, бир-бирига устоз, бир-бирига шогирд бўлиш тамойили ҳукм сурган ва айни шу нарса икки халқ тараққиёти учун муҳим замин яратган, икки халқ бу омилдан баробар озиқланган.

Худди шу нарса бизга келажак йўлимизни ҳам кўрсатади.

Икки халқ ўртасидаги яқин дўстона муносабатлар бугун бизга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарур. Халқларимизнинг туб манфаатлари худди шу нарсани тақозо этади.

Шайх Саъдий Шерозий айтганидай:

Дўст он бошад, ки гирад дасти дўст,  
Дар парешонҳолию дармондаге.

Мустақилликнинг дастлабки етти йили Тоҷикистон учун осон кечмади. Бегуноҳ халқ, истибодд даври юки остида эзилгани етмагандек, худбинлик, тор манфаатпарастлик, ҳокимият учун кураш, бекарорлик ва чет таъсиrlар гирдобига тушишларнинг жабрини кўп тортди.

Тоҷикистонда барқарор ва осойишта турмуш барпо этилишидан Ўзбекистон ҳаммадан ҳам кўра манфаатдордир. Ахир, халқимиз бекорга: "Кўшнинг тинч, сен тинч" демаган. Биз фақат ҳамкорлик асосида юртларимизнинг барқарорлигини, халқларимизнинг осойишта ҳаётини ташкил этишимиз мумкин. Буни ҳеч ким, ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Биз тожик халқи бошига тушган мусибатларни ўз кулфатимиз деб биламиз, қўлимиздан келганича қардош мамлакат ҳаёти тезроқ изга тушиб кетишига бундан кейин ҳам кўмак, ёрдам беришда ўзимизни аямаймиз.

Тоҷикистонда тинчлик, биродарлик руҳи қарор топса ва миллий сулҳ ўрнатилса, бу - нафакат тожиклар ва ўзбекларнинг баҳту саодати, порлоқ келажаги учун, ўйлайманки, яқин ва узоқ қўшни халқлар учун ҳам кенг маънода хизмат қиласли.

Мен ишонаман: замонлар ўтар, йиллар ўтар - биз, икки халқ ўзаро ҳурмат ва иззатни сақлаб, албатта, ўзгалар ҳавас қиласиган муносиб ҳаёт курамиз. Бунга ҳеч кимда, ҳеч қандай шубҳа бўлмасин.

Устод Бадриддин Ҳилолий ўз авлодларига қолдирган ишонч бунга гувоҳдир:

Ба яқ дам оламиро зинда созем,  
В-аз он пас, ки то

абад поянда созем

Яъни:

Бир лаҳза бўлса ҳам шундай олам иморатини яратайлик,

Токи ул абадулабад ёдда яшаб қолсин.

Ўзбекистон унда яшовчи тожикларнинг асл ва қадимиј Ватани бўлгани каби,  
Тожикистон ҳам унда истиқомат қилувчи ўзбекларнинг асл ва қадимиј ватанидир.  
Ўзбекистондаги тожиклар ҳамда Тожикистондаги ўзбекларнинг миллий-маданий равнақи  
келажагимиз учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда Тожикистон кунларининг ўтаётганини ҳам халқларимиз ўртасидаги  
дўстона ҳамкорлик самараси, абадий дўстлигимиз учун мустаҳкам замин деб биламан.

Дўстони тожики азиз!

Боз мегўям: ба қадамҳоятон ҳасанот, дўстони азиз!

Хуш омадед, бародарони тожикистоне!

Ўзбекистон диёрига хуш келибсиз, азиз тожик биродарларимиз!

Ўзбек ва тожик дўстлиги ва ҳамкорлиги абадулабад яшасин!

1998 йил 30 июнь

## ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ - ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Биз бугун ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг биринчи ярим йилликдаги якунларини кўриб чиқиб, биринчи навбатда иқтисодиётимизни ислоҳ қилишнинг 1998 йил учун белгиланган устувор йўналишлари нечоғли тўлиқ ва самарали амалга оширилаётганига алоҳида эътибор беришимиз керак.

Шуни таъкидлашни истардимки, биз учун фақатгина кўрсаткичлар, айрим корхона, тармоқ, борингки, иқтисодиётнинг бутун бир мажмуалари эришган натижаларнинг рақамларини таҳлил этиш асосий мақсад эмас. Биз учун жамиятимиз тараққиётида, иқтисодиётимиз ривожланишида, ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш жараёнида кўзга ташланаётган ижобий жиҳатларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга, биз иқтисодиётимизда мавжуд бўлган муаммоларнинг таҳлилига, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини топишга, заиф томонларини танқидий баҳолаб, уларни ҳал этишининг самарали йўл ва услубларини излашга алоҳида эътибор қаратишмиз лозим.

Такрор ва такрор айтаман: бизнинг мақсадимиз қўлга киритилган натижаларни бўяб-бежаб кўрсатиш эмас, балки, авваламбор, холис ва танқидий баҳолаш асосида мавжуд муаммоларнинг шакл-мазмuni ва мураккаблигини аниқ тасаввур этиш, уларни ечиш ва пировард мақсад йўлидаги ҳаракатимизнинг аниқ йўналишларини, уфқларини белгилаб олишдан иборатdir.

Ўтган ярим йиллик мобайнида ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунларини шу нуқтаи назардан баҳолар эканмиз, энг аввало, қуйидаги масалаларга эътиборингизни қаратган бўлардим.

Шубҳасизки, сўнгти вакъларда иқтисодиётимизда, жамиятнинг ташкилий ва бошқарув тизимида, умуман кундалик ҳаётимизда рўй берадиган муайян ижобий ўзгаришларни сезмаслик мумкин эмас. Улар нималардан иборат?

Биринчидан, иқтисодиётимиздаги изчил ривожланиш тамойиллари нафақат мустаҳкамланди, балки янада яққолроқ қўрина бошлади. Макроиктисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди. Тўлов интизоми яхшиланди. Иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқларидаги мутаносиблик ва барқарорлик кучайди. Яхши биласизларки, биз айни шу вазифаларни 1998 йил учун бош устувор йўналишлар сифатида белгилаган эдик.

Бундай хулоса чиқариш учун қуйидаги кўрсаткичлар асос бўлмоқда. Аввало, иқтисодиётнинг умумий аҳволини белгиловчи, энг муҳим иқтисодий кўрсаткич бўлган ялпи ички маҳсулот ҳажми изчил ўсмоқда. Эсингизда бўлса, 1996 йилда ялпи ички маҳсулотимиз 1,6 фоиз, 1997 йилда 5,2 фоиз ўсган эди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич - 3,3 фоиз, иккинчи чоракда - 4,6 фоиз, ярим йиллик бўйича эса 4 фоизни ташкил этди. Кўриниб турибдики, ўсиш жараёни изчил давом этмоқда.

Шунингдек, иқтисодиётнинг барча бўлим ва тармоқлари муттасил ва барқарор ривожланмоқда. Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми - 5,5 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса - 6,5 фоиз, қишлоқ хўжалигида - 7,4 фоиз, қурилишда - 3,5 фоиз ўсишга эришилди. Аҳолига хизмат кўрсатадиган сектор - чакана савдо ва пулли хизмат кўрсатиш барқарор ривожланмоқда.

Иқтисодий ўсиш молиявий ва пул айланишининг барқарорлигига етиш билан бир қаторда, инфляция даражасининг пасайишига эришилмоқда. Биринчи ярим йилликда инфляция даражаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,3 марта пасайди ва ойига ўртacha ҳисоблаганда 1,5 фоизни ташкил этди. Бу шу йил учун мўлжал қилинган кўрсаткичларга тўла мос келади. Нақд пул эмиссияси эса, 8,7 фоиз даражасида мўлжалланган бўлса-да, амалда бор-йўғи 2,6 фоиз бўлди.

Таъкидлаш лозимки, айни вақтда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар вақтида тўлаб борилмоқда. Амалда барча асосий манбалардан бюджетга тўловлар келиб тушди. Бу эса биринчи ярим йилликка мўлжалланган бюджет тўловларини амалга ошириш имконини берибина қолмасдан, бюджет камомадини қисқартиришга, унинг ялпи ички маҳсулотнинг 1,3 фоизи миқдорида бўлишига эришиш учун замин яратди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ахолисининг манфаатларини ҳимоя қилишда, шунингдек, бюджетни тўлдиришда спирт ва бошқа алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни назорат қилиш ва бу борада давлат монополиясини кучайтириш бўйича биз кўрган чора-тадбирлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу чоралар, аввало, кишилар соғлиғи учун хавфли, сифати паст, қаерда ишлаб чиқарилгани номаълум бўлган спирт, ароқ, вино маҳсулотларининг контрабандада йўли билан Ўзбекистон бозорларига кириб келишига йўл қўймасликка қаратилганди.

Ўтган қисқа вақт мобайнида ёқ республикада ишлаб чиқарилаётган алкогол маҳсулотларидан бюджетга тушадиган тўловлар январь-май ойларидаги ўртacha ойлик кўрсаткичларга таққослаганда 35 фоиз кўпайди. Фақат шу манбадан июнь ойида бюджетга қўшимча 1,4 миллиард сўм маблағ тушди. Омборлардаги спирт ва тайёр маҳсулот қолдиқлари камайиб, товар айланиши ортди.

Иккинчидан. Инвестиция фаолиятини кенгайтириш ҳисобидан иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар событқадамлик билан амалга оширилмоқда. Фақат биринчи ярим йилликда иқтисодиётга ётқизилган капитал маблағларнинг умумий ҳажми 12 фоиз ортди ва 150 миллиард сўмга етди. Бу ялпи ички маҳсулотнинг учдан бирига тенгдир. Сармояларнинг 55 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳаларини, айниқса, транспорт ва алоқа, ёқилғи-энергетика мажмуи, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга йўналтирилди.

Ярим йиллик давомида иқтисодиётимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган иншоотларда қурилиш ишлари фаол олиб борилди. Шўртан газ-кимё мажмуи, Хўжаобод еости газ омбори қурилишлари, Фаргона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш, Кўнғирот сода заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқардиган корхоналар ва бошқа бир қатор иншоотларда амалга оширилган ишлар шулар жумласига киради

Тижорат банклари фаолиятида, улар ўтказаётган кредит сиёсатида ҳам ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда. Яқин-яқинда банклар ажратган маблағларнинг 90 фоизини қисқа муддатли тижорат кредитлари ташкил этар эди. Бугунги кунда кредит ресурсларининг ярмидан ортиғи узоқ муддатли, иқтисодиётнинг устувор тармоқларидағи инвестиция лойиҳаларини молиялашга сарфланмоқда. Айни пайтда банкларнинг устама фоизлари барқарорлигича - ойига 3 фоиз миқдорида сақланиб турибди.

Учинчидан. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий начор ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш борасидаги ишлар фаоллашди. Бунда ҳукумат даражасида тузилган маҳсус комиссиялар фаолияти, корхоналар ва бутун бир тармоқларни қайта тузиш, кам самарали ишлаб чиқаришларни санация қилиш борасида кўрилган чора-тадбирлар сезиларли роль ўйнади. Хўжалик судларининг банкрот бўлган корхоналарга нисбатан тутган қатъий ва дадил позицияси яхши самара берди.

Фақат бир-икки мисол келтираман.

Хабарингиз бор, қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш ҳақида қабул қилинган қонун асосида йил бошида 104 та қишлоқ хўжалик корхонасини молиявий соҚломлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқилган эди. Шу мақсадда санация бўйича республика ва вилоят комиссиялари тузилди. Санация қилинадиган барча хўжаликларга четдан бошқарувчилар тайинланди.

Санация жараёни икки йилга мўлжалланган бўлса-да, бугуннинг ўзида ёқ муайян натижаларга эга бўлдик. Санация қилинаётган корхоналардан биронтаси биринчи ярим йилликни зарар билан якунлагани йўқ, аксинча, уларнинг кўпи фойда олди. 70 хўжаликда

бошоқли дон экинлари ҳосилдорлиги ўтган йилга нисбатан 1,2 баробардан 7 баробаргача ортди.

Мұхими, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан қарийб 40 минг киши - ортиқча ишчи кучи озод этилди. Демак, молиявий соҚломлаштиришдек мураккаб масалага ҳам жиддий ёндошилса, ҳалигача маълум бўлмаган катта имкониятларни қидириб топиш мумкин экан. Faқat бу иш билан мунтазам ва жиддий шуғулланиш даркор.

Бошқа бир мисол. Бошқарув тизимини ўзгартириш, ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартириш, корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини ошириш ҳисобидан ҳам салмоқли ишлаб чиқариш ва молиявий натижаларга эришиш мумкин. Бунга ярим йилликни зарар кўрмай якунлаган Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги яққол далил бўла олади. "Ўзқурилишматериаллари" компаниясида эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 17 фоиз, баланс даромади эса - 44 фоиз ортди. Кўряпсизки, бу ерда ҳам талай имкониятлар бор экан.

Тўртинчидан. Ўзбекистоннинг жаҳондаги кўплаб мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалари кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Республикаиз жаҳон бозорида тобора нуфузли ва ишончли шерик, дунёдаги хўжалик муносабатлари тизимида фаол қатнашчига айланмоқда. Бунинг учун барча зарур хукуқий ва амалий шартшароитлар яратилмоқда.

Бунга "Чет эл инвестициялари тўғрисида" ва "Чет эл инвесторлари хукуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида" иккита янги қонуннинг қабул қилиниши, жаҳоннинг 35 мамлакати билан савдо-иқтисодий ҳамкорликда қулай шартшароит яратиб бериш тўғрисида Битим имзолангани, Вашингтонда Ўзбекистон - Америка комиссиясининг биринчи мажлиси ўtkazilgani, АҚШ, Япония, Ироил каби бир қанча мамлакатларда қатор конференция ва бизнес-семинарлар ташкил этилгани ёрқин мисол бўла олади.

Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европада ҳамкорлик бўйича комиссия, Осиё банки каби бир неча халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлигимиз сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Шу йилнинг ўзида Жаҳон банкининг Директорлар кенгаши корхоналарни ташкилий ўзгартириш ва хусусийлаштиришдан сўнг кўллаб-қувватлаш лойиҳаси бўйича 28 миллион долларлик маблағ ажратиш ҳақидаги битимни имзолади. Тошкент шаҳрининг санитария ҳолатини янада яхшилаш ва соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш лойиҳалари бўйича иш давом этмоқда.

Осиё ривожланиш банки билан транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, маориф ва қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш борасида лойиҳалар тайёрлаш ва амалга ошириш хусусида келишувга эришилди. Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётлари чиқариш тизимини такомиллаштириш бўйича 40 миллион долларлик имтиёзли кредит ҳақида шартномалар қабул қилинди.

Ташқи савдо фаолиятида, экспорт ва импорт тизимида рўй берадётган ижобий силжишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Биринчи ярим йилликда ташқи савдо оборотининг сальдо қолди. Қиёби ҳамкорлик ижобий бўлиб, у 200 миллион АҚШ долларидан ортди. Айни вақтда олтин-валюта захираларимиз сақлаб қолинди. Мамлакатнинг тўлов баланси мустаҳкамланди.

Юқори даражада қайта ишланган маҳсулотларни экспорт қилиш тамойили янада кучайди. Хусусан, механик асбоб-ускуналарни экспорт қилиш 4,5 марта, электр жиҳозлар, жумладан, телевизорлар, видеомагнитофонлар ва аудио-техника экспорти - 2,6 марта, трикотаж матоларини четга сотиш - 2 мартадан зиёд ортди.

Бошқа маҳсулотлар - автомобиллар, кимёвий бўёқ ва лаклар, гиламлар ва бошқа буюмлар экспорти ҳам кўпайиб бормоқда. Импорт тизимида 70 фоиз маҳсулот ишлаб чиқариш - техника йўналишига тўғри келади. Шундан 48 фоизидан кўпроқи машина ва ускуналардир. Бу тамойилни келажакда ҳам мустаҳкамлаш зарур.

Бешинчидан. Жорий йилда 1998 йилнинг бош вазифаси деб эълон қилинган оила манфаатларини рўёбга чиқаришни таъминлаш бўйича Давлат дастурини бажаришга алоҳида эътибор берилди.

Оилаларнинг, аҳолининг ва ҳар бир инсоннинг фаровонлигини таъминлаш борасида хукумат томонидан қандай аниқ, амалий ишлар қилинди?

Биринчидан, оилавий муносабатларнинг қонуний асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларини қонуний муҳофаза қилиш, оналик ва болалик ҳуқуқини таъминлаш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Умумхалқ муҳокамасидан кейин Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилинди.

ҚорақалпоҚистон Вазирлар Кенгаши, кўплаб вилоят ҳокимларида оилавий муносабатлар муаммоси билан шуғулланадиган хўжалик ҳисобида ишлайдиган маслаҳат хизмати ташкил этилди. Республика аҳолисини ҳуқуқий тарбиялашни яхшилаш, оилавий низолар ва ажралишлар тўғрисидаги суд амалиётини ўрганиш борасида фаол иш олиб борилмоқда. Олий суд Пленуми бу йўналишдаги ҳуқуқий ишларни яхшилаш бўйича таклифларни кўриб чиқиши керак.

Иккинчидан, оиланинг ижтимоий манфаатларини таъминлаш, соғлиқни муҳофаза қилиш, оила аъзоларининг маълумот даражасини юксалтириш учун зарур шарт-шароит яратиш соҳасида ҳам ижобий силжишлар бор.

Болалардаги туҚма касалликларнинг олдини олиш ва камайтириш бўйича дастур қабул қилинди. Қишлоқ врачлик пунктларини зарур ускуналар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Оилавий жисмоний тарбия ҳаракатини кенгайтириш борасидаги ишлар фаоллашмоқда, миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича олимпиадалар ўтказилмоқда.

Учинчидан, оиланинг иқтисодий манфаатларини, бандлик даражасини таъминлаш, уй меҳнати ва турмуш шароитини яхшилаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Бандлик ҳудудий дастурларига мувофиқ ўтган давр мобайнида 183 минг янги иш ўрини ташкил этилди. Шундан 112 мингтаси қишлоқ жойларида экани диққатга сазовордир. 1600 нафар ногирон, 7 минг нафарга яқин ёш болали аёллар ишга жойлаштирилди.

Ижтимоий соҳа обьектларини ишга тушириш ҳажмлари оила манфаатлари бизнинг мамлакатимизда нақадар устувор эканига яққол мисол бўла олади. Биринчи ярим йилликда 4 миллион квадрат метр уй-жой қуриб битказилди. 2,5 минг километр газ, 1000 километрдан зиёд сув узатиш тармоқлари ишга тушди, бир сменада 7 минг кишига хизмат қиладиган шифохона ва бошқа иншоотлар фойдаланишга топширилди.

Жорий йилнинг 1 июлидан ойлик маош ва стипендиялар ўртача 1,5 баравар, пенсиялар эса 1,6 баравар оширилди.

Тўртингчидан, оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш ҳамда маданий манфаатларини таъминлаш учун етарли шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республика матбуоти саҳифаларида оила маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи янги рукнлар очилди. Радио ва телевидение орқали бу мавзуга бағишинланган кўрсатув ва эшиттиришлар мунтазам бериб борилмоқда. Оила байрамларини, турли кўргазма ва кўрик-танловларни ўтказиш анъанага айланиб қолди.

Олий ўқув юртларида таълим олаётган ёш оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-куvvватлаш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Оила муаммоларининг илмий, ижтимоий тадқиқотини чукурлаштиришда Оила илмий-амалий марказининг ташкил қилиниши катта аҳамиятга эга.

Хукумат, маҳаллий ҳокимиёт органлари оила манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган дастурий тадбирларнинг бажарилишини қаттиқ назорат қилишлари, оилани мустаҳкамлаш, унинг моддий фаровонлигини оширишга ёрдам бераётган жамоат ташкилотлари, маҳалла қўмиталарини ҳар томонлама қўллаб-куvvватлашлари зарур. Бирон-бир раҳбарнинг эгаллаб турган лавозимига лойик ёки нолойиқ эканини биз айнан

мана шу нүқтаи назардан, яъни шаҳар ва қишлоқ, туманларнинг ижтимоий қиёфаси, оиласларнинг турмуш тарзи қандай ўзгараётганига қараб баҳолаймиз.

Мұхтарам дўстлар!

Жорий йилнинг ўтган даври ва умуман кейинги йилларни сархисоб этарканмиз, эътиборингизни қуидаги масалаларга қаратмоқчиман.

Мамлакатимизда маош вақтида тўланаётгани, нафақа ва тўловлар кечиктирилмай берилаётгани биз учун табиий холга айланаётганига эътибор ҳам бермай қолдик. Ваҳоланки, қатор Ҳамдўстликдавлатларида иш ҳақи ва нафақаларнинг ўз вақтида берилмаслиги, ночорликдан натура тўлови жорий қилинаётгани, яъни иш ҳақи гўшт, буқдой, айрим жойларда ҳатто четдан келтирилган банан ва бошқа маҳсулотлар шаклида тўланаётгани ҳам бор ҳақиқат.

Мамлакатимизда ўзаро тўловларни жиловлаш ва хавфли чегарадан ўтиб кетмаслиги, изчил иқтисодий ривожланиш таъминланмоқда. Инфляция ва давлат бюджети камомади белгиланган даражада сақланиб қолмоқда. Ички ва ташки давлат қарзи ҳажми ялпи ички маҳсулотнинг 5 фоизини ташкил этмоқда, холос.

Буларнинг барчасини макроиқтисодий мутаносибликнинг яққол далили деб қабул қилсан, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда эришилган ривож суръатлари, молиявий ва ижтимоий барқарорлик биз танлаган ва олиб бораётган ислоҳот ва янгиланиш сиёсати тўғри эканлигининг исботидир.

Хўрматли мажлис қатнашчилари!

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, ўзларининг фидойи меҳнатлари билан жорий йилда ғалладан юксак ҳосил етиштирган миришкор дехқонларимизга, қишлоқ хўжалиги ходимларига мурожаат қилиб, уларга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этишдан ғоят мамнунман. Улар ҳозиргача давлатга 2 миллион 100 минг тонна ёки ўтган йилдагига нисбатан 300 минг тонна кўп ғалла топшириб, Ўзбекистонимизнинг ғалла мустақиллигига катта хисса қўшдилар.

Бу улкан хирмон, бу ютуқ, энг аввало, қишлоқда олиб борилаётгандан изчил иқтисодий ислоҳотлар, замонавий агротехнологиялар ва техника қўлланиши, уруғ танлаш ва етиштириш соҳасидаги илғор дунё тажрибасидан фойдаланиш, дехқончилик маданиятини ўстириш натижасида қўлга киритилди.

Ўз меҳнати, қадоқ қўллари билан бу бойликни яратаБтган ва мамлакатимиз халқининг ризқи-рўзини таъминлаётгандан ғаллакорларимизни яна бир бор чин қалбимдан табриклийман.

Албатта, эришилган ютуқлардан кўз юмиб бўлмайди. Аммо ҳозир биз бу хусусда эмас, балки ҳаммамизни ташвишлантираётгандан муаммолар хақида кўпроқ фикр юритсан тўғри бўлади, деб ўйлайман.

Мавжуд вазиятни танқидий баҳолар эканмиз, ислоҳотлар йўлида дадил боришимизга халақит бераётган, бизни орқага сураётгандан муаммоларнинг туб сабабларини аниқлаш, улардан тегишли хулоса чиқариш жуда муҳимдир.

Тўғри, мазкур муаммолар ва уларнинг ечими ҳақида кўп гапирганмиз. Афсуски, амалий ишга ўтишимиз жуда қийин бормокда. Шунинг учун ҳам мавжуд камчиликлар ва нуқсонлар, уларни бартараф этиш учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида қайтакайта гапиришга мажбур бўлмоқдамиз.

Хўш, бу нуқсонлар нималардан иборат?

Биринчидан. Бозор иқтисодиёти асосларини яратишга қаратилган ислоҳотлар жараёни бошланганига қарийб 7 йил бўляпти. Лекин давлат ходимларимизнинг, аввало барча даражадаги раҳбарларнинг тафаккури катта қийинчиликлар билан жуда секин ўзгармоқда. Ҳәётимизнинг янги шарт-шароитларини эски, қотиб қолган услугуб ва йўл-йўриқларга бўйсундириш ва мослаштиришга уриниш яққол кўзга ташланмоқда.

Ўзларингиз бир эътибор беринг. Республикаизда мазмун-моҳиятига қўра бозор иқтисодиёти талабларига мос тушадиган тамоман янги иқтисодий муносабатлар

шаклланмоқда. Эски режали бошқариш ва тақсимлаш, маъмурий-буйруқбозлик тизими ўтмишга айланмоқда. Госплан, Госнаб деган идоралар ҳам, лимит, фонд деган тушунчаларга ўрин қолмади. Ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этишнинг бутунлай янги, бозор иқтисоди талабларига жавоб берадиган тизими шаклланмоқда.

Янги молия бозори, банк тизими, бозор инфратузилмаси ташкил этилди, фонд бозори ишлаб турибди. Корхоналар ўз фаолиятини янги бозор қоидалари ва механизмларига суюниб қайта ташкил этмоқда. Аммо, афсуски, яна тақрорлайман, кўпгина одамлар, аввало раҳбар ходимлар ҳамон эскича фикрлашмоқда.

Бунинг сабаби эса битта: кимлардир эски оқим таъсирида қолмоқда, кимдир ўзи жуда кўнишиб қолган эски замонни қўмсаяпти. У замон қанақа замон эди - ўзларинг яхши биласизлар. Маркетинг, менежментнинг замонавий услублари ҳеч кимни қизиқтирмас, янги-янги харидор ва бозор топиш, рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш, бунинг учун ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизациялаш лойиҳаларининг молиявий манбаларини қидириб топиш, кредит ҳақида ҳеч ким бош қотирмасди. Кескин рақобат шароитида ўнгланиш йўлларини излаш, кишиларнинг қўлини ишдан совутмаслик учун меҳнатига яраша маош тайинлаш, иш шароитини яхшилаш, замон талабига қараб ишлаш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Маъмурий-буйруқбозлик, тақсимлаш тизими амал қилган даврларда ҳеч кимга керак бўлмаган маҳсулот босиб кетар ва бундан келадиган зарап давлат хисобидан қопланар эди.

Минг афсуски, мана шундай қарашлар, шўролар замонидан қолган ташаббус, тадбиркорлиқдан мутлақо йироқ боқимандалик кайфияти бизга панд бермоқда.

Ҳали-бери, давлат нарх-наво билан мунтазам кураш олиб бориши керак, бозор нархларини назорат қилиш керак, маҳсулоти сотилмаса ҳам маошнинг вақтида тўланишига кафолат бериши керак, деб бизга ақл ўргатувчилар орамизда йўқ эмас.

Маҳсулотини бозор кўтармаётган бўлса ҳам, отнинг калласидек маош олаётганлар ҳам кам эмас.

Мана шунақа кайфият билан юрганларга қаратиб, қаттиқ, қатъий сўзларни айтишга мажбурман. Бутун маърифатли дунё тан олган ва риоя қилаётган, бугунги замоннинг ўзи тақозо этган янги принциплар, қонунларни тушунмайдиган, қабул қилмайдиган шахслар, амалпарастлар энди бизга халақит бермасин, чеккага чиқсан, ўрнини ёшларга, илғор фикрловчи мутахассисларга бўшатиб берсин!

Иккинчи муҳим масала. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кўп қиррали иқтисодиётни шакллантириш, хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш бўйича қўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, реал мулкдорлар пайдо бўлиш жараёни суст кетмоқда. Қайта тақрорлайман: реал мулкдорларнинг пайдо бўлиш жараёни суст кетмоқда! Бу, хусусан, қишлоқ хўжалиги, саноат, капитал қурилиш соҳаларида кўзга яққол ташланмоқда.

Тан олишимиз керакки, хусусийлаштириш ва акциялаш кўп ҳолларда хўжакўрсинга ўтказилиб, бу тадбир биз кутган натижани бермаяпти. Корхоналарни бошқариш тизимида туб ўзгаришлар йўқ.

Афсуски, корхоналар ва тармоқларни бошқариш тизими эскилигича қолмоқда. Биз бугун хусусийлаштирилган корхоналарнинг ҳақиқий эгалари бор, деёлмаймиз. Нега деганда ҳақиқий эга корхонасидаги иш сифатига, унинг молиявий аҳволи, истиқболига бефарқ қараб туролмайди.

Талай концерн ва корпорациялар раҳбарлари, энг аввало, директорлар корпуси айтганим - айтган, деганим - деган қабилида ишлашга одатланганлар. Улар ҳукмронлик ваколатларидан ажралиб қолищдан, ислоҳотлардан, ўзгаришлардан чўчидилар.

Айрим раҳбарларимизнинг акциялаштирилаётган корхоналарнинг низомий жамғармасида давлат ва жамоа мулки ҳиссасини мумкин қадар қўпроқ сақлаб қолишига уринаётганлари мана шу қўрқув оқибатидир.

Ўйлайманки, бу масалада Вазирлар Маҳкамаси аниқ бир қарорга келиши зарур.

Хўш, бундай вазиятдан ва боқимандалик кайфиятидан халос бўлишнинг йўли борми? Албатта бор!

Биринчидан, акцияларнинг давлат улуши 25 фоиздан, жамоа улуши 26 фоиздан ошмаслиги ҳакидаги Фармон бандларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш зарур.

Иккинчидан, мазкур корхоналарда мулкнинг давлат улушини бошқариш механизмларини шакллантириш баробарида, қонунларимизда кўзда тутилгандек, ҳиссадорларнинг кенгашларини тузиш зарур. Токи улар амалда ҳиссадорлик жамиятларини бошқаришнинг олий органига айлансинлар. Ҳиссадорлар йиғилишидан йиғилишигача бўлган вақт мобайнида бошқарув кенгаши фаол ишласин. Биз албатта шунга эришмоғимиз керак. Шунга эришганда бундай корхоналарнинг раҳбарлари ҳиссадорлик йиғилишига ва умумий кенгашига бўйсуниши шарт.

Учинчидан, аввало биржа фондида, эркин савдода фуқароларга, шу жумладан хорижий инвесторларга сотиш учун мўлжалланган акциялар пакети реализациясини тезлаштириш зарур. Бу акциялар шунчаки қоғоз эмас, том маънода қимматли қоғоз бўлмоғи керак. Токи ҳар бир акцияси учун акциядор дивиденд, даромад олсин. Акция савдосининг сўнгги икки талабига тўлиқ амал қилинган тақдирдагина корхона ҳақиқатан ҳам акциялашган ҳисобланади.

Тан олишимиз керакки, тармоқлар, корхоналар раҳбарлари инвесторлар, авваламбор хорижий инвесторлар дикқат-эътиборини ўзларига жалб қилолмаяпти. Акцияларнинг эркин савдога мўлжалланган салмоқли қисми ўз харидорини тополмаётганини факат шу билан изоҳлаш мумкин.

Акциялар савдосини ташкил этиш, энг аввало, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, унинг жойлардаги бўлимлари вазифасидир. Давлат мулки қўмитаси бош-қош бўлиб, ушбу ишларни охирига етказсин.

Хукумат (Ў. Султонов) мазкур масалани қўриб чиқиб, уни ҳал этиш механизмларини ишлаб чиқиши лозим. Кўрилган чора-тадбирлар ҳақида бир ой вақт ичида ҳисбот берилсин.

Фонд бозори, айниқса иккиласми бозор ривожини тезлаштиришга, аҳоли кенг қатламларини фонд бозорига жалб этишга эътиборни кучайтириш зарур. Корхоналарни акциялаштиришга хорижий сармояларни жалб этишнинг, Ўзбекистон фонд бозорининг ҳалқаро капитал бозорига кириб боришининг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқишининг пайти етди, деб ўйлайман.

Биз мамлакатимизга кенг кўламда хорижий инвестициялар киритилиши тарафдоримиз. Бу мақсад биз учун устувор сиёсатdir.

Оммавий хусусийлаштириш механизми сифатида корхоналарни акциялаштириш ва бошқариш ишига хусусийлаштириш инвестиция фондларини кенг кўламда, қўрқмасдан жалб этиш керак. Бунинг учун ўз жамғармалари ва акцияларини хусусийлаштириш инвестиция фондларига ва хусусийлаштирилган корхоналарга қўювчилар хуқуқ ва манфаатларини кафолатлайдиган мустаҳкам хуқуқий замин даркор.

Шуни ҳам назардан соқит қилмаслик керакки, инвестиция фондлари ва уларни бошқарадиган компанияларнинг сунъий молия пирамидаларига айланиб кетишининг олдини олиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқ зарур. Бу ҳам бевосита Мулк қўмитасининг вазифасига киради.

Яна бир катта муаммолиз. Кўп корхоналарнинг молиявий аҳволи ҳамон оғир бўлиб қолаётгани бизни қаттиқ ташвишлантиряпти. Ўзаро тўловлар аҳволи ҳам қониқарли эмас. Корхоналарнинг жўнатилган юклар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизмат бўйича муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзи жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра 75 миллиард сўмни, кредиторлик қарзи эса 87 миллиард сўмни ташкил этди.

Дебиторлик қарзининг ўсишига йўл кўяётган масъул шахсларнинг, корхона раҳбарларининг бу номақбул иш учун бевосита жавобгар эканликларини яна бир бор

эслатмоқчиман. Мен учун давлат тартиби - аввало тўлов тартибларига риоя қилишдан бошланади.

Дебиторлик қарзларининг мавжудлиги шу ташкилотлар учун ўз айланма маблағларининг етишмаслигига олиб келмоқда. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва техник қайта жиҳозлашни орқага сурмоқда.

Бундан ташқари, айланма маблағларнинг каттагина қисми ҳамон якунланмаган ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқариш захираларига, тайёр маҳсулот захираларига жалб этилиб, ҳаракатсиз туриб қолмоқда. Шу билан бирга, айланма маблағлар ҳамон тижорий режада кўзда тутилмаган тадбирларга сарфланмоқда.

Бундай ўзбошимчаликнинг жавобгарлиги борми-йўқми? Айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдириб борилиши ҳақидаги Фармоннинг кучи қаерда қолди? Мазкур Фармонга биноан, айланма маблағларнинг сақланиши, аниқ мақсадларда фойдаланилиши ва ўз вақтида тўлдириб борилиши учун вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, ассоциациялар, холдинг компаниялар раҳбарлари ёки уларнинг иқтисодий масалалар бўйича муовини, корхоналарнинг ўзида эса директорлар, уларнинг иқтисодий масалалар бўйича ўринbosари ва бухгалтерлар шахсан жавобгар эканликлари кўрсатилганми, йўқми?

Республика Бош Прокурори (Б. Мустафоев), Марказий банк бошқаруви раиси (Ф. Муллажонов), Молия вазири (Ж. Сайфиддинов) бу саволга жавоб беришлари зарур.

Корхоналар акцияларини сотиш ҳисобидан айланма маблағларни тўлдириб боришнинг яна бир манбаидан фойдалана олмаяпмиз. Биз фақат бу 1998 йил мобайнида, истисно тариқасида, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлаш шарти билан акциялар савдосининг жами тушумини корхоналар ихтиёрида қолдирдик.

Аммо, ярим йиллик якуни натижаларига қараганда барча корхоналар ҳам мана шу имкониятдан фойдаланишга шошилмаяптилар. Акс ҳолда "Ўзмашсаноат" корхоналари ўз акцияларини - 66,7 фоиз, "Ўзэлтехсаноат" - 66,4 фоиз, "Ўзқурилишматериаллари" - 68,1 фоиз, "Ўзгўшсаноат" - 66,2 фоиз, "Маҳаллий саноат" тизими - 65,2 фоиз, "Ўзавтойўл" - 60,5 фоиз, "Ўзагроқурилиш" - 56 фоиз, "Ўзбектрансқурилиш" - 56 фоиз миқдорида реализация қилганини, сотганини қандай изоҳлаш мумкин?

"Ўзавтосаноат", "Ўзсувқурилиш" каби уюшмалар корхоналари шу кунга қадар ўз акцияларининг ярмини ҳам сотгани йўқ. "Ўзпаррандасаноат" уюшмаси қайта тузилганидан сўнг ўзининг потенциал ресурсида 1 миллиард сўмликдан ошикроқ сотишга мўлжалланган акциялари бўлатуриб, бор-йўғи 7,4 миллион сўмлик ёки 1 фоиздан ҳам кам акция сотган.

Шу сабаблар туфайли, эркин сотишга мўлжалланган, шу жумладан хорижий инвесторларга ҳам сотиладиган акциялар ресурси, яъни сотилмаган жами акциялар хажми 53 миллиард сўмдан ошиб кетди. Табиий савол туғилади: айланма маблағларнинг ўрнини тўлдириш учун яна қандай манба керак? Вазирлар Маҳкамаси (Ў. Султонов, В. Чжэн) бу масалани синчиклаб ўрганиб чиқсин ва яқин кунлар ичida корхоналар акцияларини сотишни тезлаштиришга доир аниқ таклифлар киритсин.

Корпорация, концерн, компания, фирма, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари кулоҚига қўйиб олсин - улардан сўрок қаттиқ бўлади!

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Эътиборингизни қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир чора-тадбирлар мажмуи ижросига қаратмоқчиман. Олий Мажлиснинг охирги сессиясида қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартиришга доир қатор қонунлар қабул қилдик. Ер кодекси, "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида" қонунлар, биринчи ўқишидаги "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги қонун шулар жумласидандир.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этишнинг 2000 йилгача бўлган маҳсус дастури тасдиқланди. Куни кеча Вазирлар Маҳкамаси қишлоқда изчил ва дадил ислоҳот ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи меъёрий хужжат қабул қилди.

Халқ биздан амалий ишларни күтмоқда. Мұхими шундаки, қишлоқда ислоҳот ўтказилаётганда расмиятчиликка, күзбўямачиликка йўл қўйиб бўлмайди. Гап қишлоқда амалга оширалаётган туб ўзгаришлар, мулкнинг пай, оила пудрати, узоқ муддатли ижарага асосланган мутлақо янги агарар ва иқтисодий муносабатларни шакллантириш, қишлоқда кооперативлар тузиш эвазига дехқон хўжалигининг янгича турини ташкил этиш, дехқон ва фермер хўжаликларини, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳақида бормоқда.

Мазкур барча чора-тадбирларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш билан шуғулланадиган маҳсус республика комиссияси, бу комиссия қошида ишчи ҳайъати тузилган. Қабул қилинган қарор ва бошқа меъёрий хужжатлар ижросини назорат қилиш, қишлоқ хўжалигини босқичма-босқич ислоҳ қилиш учун барча шарт-шароитни муҳайё этиш - мазкур комиссиянинг бош вазифаси этиб белгиланган.

Барча янгиланишлардан кутилган асосий мақсад - мулк эгасини шакллантириш, уни тарбиялашдан иборат. Қишлоқда мулк эгаси пайдо бўлиши лозим. Мулк эгасининг оёққа туриши ҳамда унинг жаҳон бозорларига чиқиши учун барча шарт-шароитни яратиб беришимиш лозим.

Бугун яна бир энг мұхим масалага тўхтамасдан ўтолмайман. Бу, энг аввало, кичик ва ўрта бизнес тараққиётини рағбатлантиришга оид масаладир. Барча янгиланишларимиз натижаси бутунлай кичик ва ўрта бизнеснинг ҳолати ва унинг тараққиёт даражасига боғлиқ эканини тақрорлаб ўтиришга зарурат бўлмаса керак. Ислоҳотлар тақдири, охир-оқибатда эса - кишиларимиз фаровонлиги ва мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши кичик ва ўрта бизнес тараққиёти орқали ҳал қилинади.

Бу ўринда мазкур масала фақатгина иқтисодий масала эмаслигини унутмаслик зарур. У мұхим ижтимоий-сиёсий масала ҳам ҳисобланади. Чунки у жамиятимизнинг иқтисодий ҳаётидагина эмас, сиёсий ҳаётида ҳам етакчи ўрин эгаллаши лозим бўлган мулқдорлар синфини барпо этиш билан бевосита боғлиқдир.

Биринчи ярим йилликнинг ўзидагина ҳукумат доирасида хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес тараққиётини рағбатлантиришга қаратилган бир қанча мұхим қарорлар қабул қилинди.

Мен 1998 йил 9 апрелдаги Фармонни, Вазирлар Маҳкамасининг кичик ва ўрта тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш ҳақидаги қарорини, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини мустаҳкамлаш бўйича, мустақил Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмасини ташкил этиш ҳақидаги қарорларни назарда тутяпман. Вилоятларда кичик ва ўрта тадбиркорликни кўллаб-қувватловчи, хўжалик ҳисобидаги Ахборот-маслаҳат марказлари ташкил этилди.

Республикада кафолат ва имтиёзлар беришнинг кенг тизимини барпо этиш, ҳалқаро молиявий институтларнинг (Ҳалқаро молия корпорацияси, Евropa қайта қуриш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки) маҳсус кредитларини, шунингдек, хорижий банклар ва тадбиркорликни кўллаб-қувватловчи турли жамғармаларнинг бевосита кредитларини жалб этиш ҳисобидан кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш учун ғоят макбул шароит яратилди.

Шунинг учун ҳам бу чора-тадбирларнинг бажарилиши ҳукуматнинг қаттиқ назорати остида бўлиши лозим. Бу иш кичик ва ўрта тадбиркорлик бўйича ҳукумат комиссиясининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъқидламоқчиманки, биз мамлакатимиз тараққиёти, демократик ўзгариш ва янгиланишлар, жамиятимизни ислоҳ қилиш истиқболларини белгилар эканмиз, энг аввало хусусий мулк эгаларининг мана шу тоифасига, бу тоифанинг амалга оширилаётган ўзгаришларда тутган етакчи ўрнига суюнишимиз лозим.

Кейинги масала. Шуни эътироф этиш лозимки, сўнгги йилларда бозор инфратузилмасининг ташкилий асослари яратилди. Банклар, суКурта ва лизинг компаниялари тармоғи барпо этилди, турли фонд институтлари - биржалар, брокерлик

идоралари, инвестицион фондлар, депозитарийлар, фонд ва улгуржи савдо магазинлари ҳамда бозор иқтисодиётига хос бўлган бошқа тузилмалар пайдо бўлди.

Айни пайтда шуни ҳам тан олиш лозимки, ташкил этилган кўпгина бозор тузилмалари шаклан бозор тузилмаси ҳисобланса-да, моҳият эътиборига кўра ўз номига жавоб бермайди. Банк тизими заиф ҳолда қайта қурилмоқда, суҚурта бозори ривожланмаган. Хом ашё ва материаллар бўйича биржа савдосининг ўрни сезилмаяпти. Корхоналар фаолияти илгаригидаги каби анъанавий шаклланган маҳсулот етказиб берувчиларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Истеъмолчи корхоналарнинг хом ашё етказиб берувчи корхоналарга қарамлиги ҳамон сақланиб қолган. Эски тақсимот тизими, лимит ва фондларни қўмсаш ҳам мана шундан келиб чиқади.

Бозор инфратузилмаси институтлари фаолиятини ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, уларнинг ўз вазифасини зарур даражада бажаришга халақит бераётган тўсиқларни олиб ташлаш лозим. Хом ашё, материаллар ва капиталнинг ички бозорини жонлантириш керак.

Банкларнинг низом капиталини танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиши пайти келди. Банкларнинг низом жамғармасида асосий ўринни акциядорлик капитали эгаллаши лозим. Банкларни уларнинг эгалари бошқариши керак. Банклар бошқарувида айнан ана шу банк эгалари бўлиши керак, банк ходимлари эса шартнома орқали ишлайдиган хизматчилар бўлиб қолиши лозим. Бир сўз билан айтганда, банкларимизни, жумладан, тижорат банкларини мансабдорлар зўравонлигидан кутқариш зарур.

Биз бозор шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий йўли рақобат эканини доимо ёдда тутишимиз керак.

Маъмурий усуслар эмас, айнан рақобат фаол харакатга чорлайди. Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни янгилаш ва ривожлантиришга, ҳараждатлар, таннархнинг қисқариб, натижада нархнинг арzonлашувига, омборларда ётган, ўтмай қолган маҳсулотнинг камайишига, янги бозор қидириш ва харидор учун курашни рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтиради.

Бироқ шуни эътироф этишимиз лозимки, республикада ҳақиқий рақобат муҳити яратилмаган. Давлат монополиядан чиқариш қўмитаси ҳамда рақобат муҳитини шакллантириши лозим бўлган бошқа жамоат ташкилотлари заиф ишламоқда.

Тажриба шуни кўрсатяпти, саноат, қурилиш, коммунал хўжалиги, автомобил транспорти, ҳатто савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўпгина корхоналар ҳамон монополист бўлиб қолмоқда.

Бу ҳол Ўзбексавдо, Ўзбекбирлашув, Махаллий саноат, Ўзмаишийуюшма сингари кўпгина тузилмаларни қайта ташкил этиш заруратини туғдирди. Бу ишни яна давом эттириш керак. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари айрим соҳаларнинг бошқарув тузилмаларини танқидий нуқтаи назардан қараб чиқиб, сунъий монополия тузилмаларини тугатиш, давлатга қарашли бўлмаган, хусусий тадбиркорлар етакчилик қиласидан товарлар, ишлар ва хизматларнинг кенг бозорини ташкил этиш бўйича таклифлар киритиши лозим.

Рақобат муҳитини мустаҳкамлашда банкротлик институтини ривожлантириш, келажаги йўқ, иқтисодий начор корхоналарни кескин тугатиш муҳим ўрин тутиши лозим. Корхоналарни елкада олиб юришга барҳам бериш керак. Улар эртами-кечми барибири банкротликка учрар экан, бу ишнинг тезроқ бўлгани маъқул.

Хукуматга Олий хўжалик суди билан биргаликда жорий йилнинг биринчи ярим ийллиги натижалари бўйича зарар кўриб ишлаётган корхоналар рўйхатини яна бир бор кўриб чиқиб, уларнинг тақдирини ҳал этишини топшириш зарур, деб ҳисоблайман.

Яна бир муҳим нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман. Валюта курсимизни эркинлаштиришга оид масала ҳакида. Яқинда "Биржадан ташкаридаги валюта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармон қабул қилинган бўлиб, унда 1998 йил 1 июлдан бошлаб ваколатли банклар Марказий банкнинг расмий алмашув курсига нисбатан 12 фоиз ушлаб қолиши, ваколатли банкларнинг валюта

активларини ҳамда умуман биржадан ташқаридаги валюта бозорини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланган эди.

Қабул қилинаётган қарорларнинг маъноси шуки, республикада барча хўжалик субъектларининг талаб ва эҳтиёжларини қондира оладиган тўлақонли ва самарали ишлайдиган биржадан ташқаридаги валюта бозорини ташкил этиш учун имкон қадар зарур шарт-шароитлар яратиш лозим.

Бу вазифани ҳал этиш Марказий банк, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий Банки, тижорат банклари ҳамда бошқа манфаатдор тузилмалар зиммасига юкланди.

Пировард мақсад шундаки, Ўзбекистон бозорида ишлаётган ҳар бир киши валютани эркин конвертация қила олсин. Биз ўз олдимизга 2000 йилдан кечикмасдан Халқаро валюта жамғармаси Битимининг саккизинчи моддасини имзолашни, миллий валютамизни амалда эркин конвертация қилишни таъминлашни вазифа қилиб қўйганмиз.

Бу мақсадга эришишда Халқаро валюта жамғармаси ҳамда Жаҳон банкининг ҳамкорлиги ва кўмагига катта умид боғлаймиз.

Бироқ биз кўп нарса, энг аввало, ўзимизга боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим. Миллий валютани конвертация қилишнинг муҳим шарти мамлакатга валюта тушумини кескин кўпайтиришдан иборат. Бунинг манбаи эса экспорт ҳисобланади.

Яқин йилларда экспортни кескин кўпайтирган ҳолда мамлакатнинг ташқи савдо айланмасини икки бараварга ошириш зарур. Республикада Экспорт салоҳиятини кенгайтириш дастури ишлаб чиқилиб, қабул қилинган. Энди уни сўзсиз бажариш жуда муҳимдир.

Шуни яна бир бор такрорламоқчиманки, биз экспортни ошириш ҳақида қанча гапирмайлик, ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш, маҳсулотимизнинг рақобатбардош бўлишини таъминламасдан туриб, бунга эриша олмаймиз. Хорижий сармояларни жалб этиш эвазига корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билангина мақсадга эришиш мумкин.

ҲАМма жойда сармояга эга бўлган шерикларни қидириш керак. Кўшма корхоналар барпо этиш лозим. Биз фақат шу йўл билангина корхоналарнинг кучли рақобат шароитида ишлай олишини таъминлашимиз мумкин. Шу йўл билангина жаҳон бозорида маҳсулотимизга муносиб ўрин олиб беришимиз мумкин. Бу барча даражадаги раҳбарлар учун қонун бўлиши керак.

Азиз дўстлар!

Биз энг бошиданоқ ислоҳотлар номигагина эмас, инсон манфаатлари йўлида ўтказилишини аниқлаб олган, республикада жамиятимизнинг барча томонларини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларни ана шунга бўйсундирган эдик.

Мен сўнгти пайтда ижтимоий инфратузилмани, энг аввало, қишлоқ жойлардаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши катта аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш ҳам, қишлоқда тиббиёт пунктлари ва бошқа ижтимоий объектларни барпо этиш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Аҳолининг ижтимоий заиф катламларини, оилани кўллаб-қувватлаш ҳамда 1998 йил учун белгиланган ижтимоий дастурни бажариш ҳам асосий вазифа ҳисобланади.

Вилоятларда, туманларда бўлганимда, жойларнинг ўзида аҳвол билан танишганим, қишилар билан сухбатларим бир томондан мени жуда қувонтиради. Аммо, айни пайтда, қишини ташвишлантирадиган воқеалар ва мисоллар ҳақида ҳам гапиришга тўғри келади.

Обод қишлоқларни, янги курилган уйлар ва йўлларни, янги ижтимоий объектларни, энг муҳими, одамлар юзидаги мамнуниятни қўрганимда, халқимиз ташаббускорлиги ва тинимсиз меҳнати туфайли мана шундай натижаларга эришаётган корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, туман ва вилоятлар ҳокимлари ташаббускорлигидан қувонаман.

Ўз бурчини, ҳаётининг мазмунини тўғри англайдиган барча раҳбарлардан хурсандман ва уларни кўллаб-қувватлашга тайёрман. Фурсатдан фойдаланиб, Ватанимиз

гуллаб-яшнаши йўлида қилаётган меҳнатлари учун уларга самимий миннатдорлик билдираман.

Бироқ айрим туман ва қишлоқларимизнинг ижтимоий ҳаётида ҳеч нарса ўзгармаётгани афсус ва надомат туйғуларини уйғотади. Баъзи раҳбарлар, мансабдор ва амалдорлар ўз мавқеидан шахсий мақсадга эришиш йўлида фойдаланиб, бурч ва вазифасини унтутиб қўяётганини кўрганда киши шундай ҳолга тушади. Расмиятчилик, тўрачилик, одамларни менсимаслик ва ўз вазифасига совуқконлик, бирон-бир ташабbus ва тадбиркорликнинг йўқлиги - буларнинг барчаси қонуний равишда жамоатчилик Ғазабини ва норозилигини қўзгатади.

Бундай раҳбарлар ҳамма нарсанинг чеки-чегараси борлигини англаб етиши керак. Улар ҳаётида ҳеч нарса одамлар назаридан четда, сезилмасдан қолмаслиги ва эртами-кечми ўз баҳосини олишини тушунишлари даркор. Бу нуқсонларга қарши Президент ва ҳукуматгина эмас, барча ҳалол кишилар, юртимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари, фидойилари, кенг жамоатчилик доимий равишда кураш олиб бориши зарур.

Мен телевидение, радио, матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситаларига катта умид боғлайман. Уларнинг вазифаси ҳаётимизнинг барча томонларини очик, кенг ва ҳаққоний ёритишдан иборат. Арзидиган мисол ва воқеаларни кўрсатибгина қолмай, лоқайдлик ва манманлик, жиноий даражадаги бепарволик, коррупция ва товламачилик ҳолларини кишилар эътиборига ҳавола этиб, жамоатчиликни бу жиноятларга қарши кўтариш ва бундай унсуурларнинг томирини киркиш учун ўзини аямаслиги керак.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, бугунги замон талабларига тўғри келмайдиган яна бир кусурга эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Кўп марта айтилди, лекин нимадир сабаб бўлгандай, мансабда, раҳбарлик курсисида ўтирганлар матбуот, телевидение ва радио ходимлари билан мулоқотдан тортинади, ўзини олиб қочади. Бунинг сабаблари нима бўлиши мумкин? Ўйлайманки, авваламбор, раҳбарларимизнинг масъулиятдан қочишида, ўзининг савияси, билими ва саводини кўрсатмасликка, яширишга ҳаракат қилишида деб биламан. Бошқа изоҳ топиш қийин бўлса керак.

Бундай хунук ҳолларни тугатиш пайти етди. Ўзининг вазифасини ҳалол бажарувчи ва ишининг моҳиятини яхши билувчи, қобилиятли, тадбиркор ва фидойи мутахассис ва раҳбарлар афкор омма билан ошкора мулоқотда бўлиши зарур. Бундан уларнинг ўзи ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам манфаатдор бўлиши мукаррар.

Биз амалга ошираётган ўзаришлар, янгиланиш ва ислоҳотларнинг асосий мазмуни - шу азиз диёрда яшаётган инсонларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг фаровон ва тўқис ялаши ва меҳнат қилиши учун муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Ҳаётимизнинг ҳар бир куни, ҳар бир ойи, ҳар бир йили кишиларга қоникиш ва мамнуният бағишлиши даркор.

Барчамиз мана шу мақсадга эришиш учун бир жон, бир тан бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, сидқидилдан меҳнат қиласиз, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз.

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида  
сўзланган нутқ,  
1998 йил 23 июль

## ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу - табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди.

Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олим уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиқкан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда дехқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тибиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, дехқончиликка оид ўн минглаб асрлар бизнинг бекиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг саноқли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин, деб дадил айта оламан.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш даври келди. Чунки, ўзингизга маълум, шўролар замонида тарихий ҳақиқатни билишга интилиш рағбатлантирилмас эди, ҳукмрон мафкура манфаатларига хизмат килмайдиган манбалар халқ кўзидан иложи борича йироқ сақланарди.

Ахвол шу даражага борган эдики, ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш хуқуқидан маҳрум бўлиб қолдик. Бирорлар томонидан яратилган тарих дарсликларини ўқир эдик. "СССР тарихи" деб аталган дарсликда Ўзбекистондай мамлакатга бор-йўғи 3-4 сахифа ўрин берилиб, тарихий воқеалар ва шахслар ҳақида нохолис фикрлар айтилар ёки умуман, ломмим дейилмасди. Фандаги бундай соҳтакорлик, кўзбўямачиликни бугун энг олис қишлоқларда яшаётган оддий фуқаро ҳам, мактаб ўқувчиси ҳам яхши билади. Энди, мустақиллик туфайли яққол намоён бўлаётган тарихий ҳақиқатни билишга, ўзлигини англашга чанқоқликнинг туб сабаблари мана шунда, деб ўйлайман.

Олимларимиз тарихимизнинг турли даврларига доир рисолалар ёзишмоқда, тарихий мавзуда йирик насрый, назмий, саҳна асрлари яратилмоқда. Оммавий ахборот воситалари маънавий қадриятларимизни кенг тарғиб қилаётгани, сухбатлар, мулоқотларда фикрлар ранг-баранглиги пайдо бўлаётгани диққатга сазовор. Ёшларнинг Ватан, миллат тақдирни учун ўзларини масъул сезиб, бу баҳсларда дахлдорлик туйғуси билан иштирок этаётгани мени, айниқса, қувонтиради.

Чумчук сўйса ҳам қассоб сўйсин, деган гап бор. Мен тарихчи эмасман. Бу мавзуда ақл ўргатиш фикридан мутлақо йироқман. Лекин табиий бир савол туғилади: давлатчилик тарихимиз туб бурилиш палласига кирган бир пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз, насл-насабимиз, кимлигимизни билишимиз керакми-йўқми? Яъни, юртимизда фаол меҳнат қилаётган мухтарам академиклар, олимлар, адиллар, ноширлар, авваламбор тарихчиларимиз биргалашиб, мана шу саволларга жавоб топиши керакми-йўқми?...

Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётгандан, бизда чукур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўқ. Ўзликни англаш

тариҳни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур.

Миллат, мамлакат ҳақида катта-катта минбарларга чиқиб гапиришнинг ўзига хос масъулияти бор. Муайян воқеа, шахсга муносабат билдираётганда, бу фақат бир киши ёки муайян тоифадаги кишиларнинг нуқтаи назари бўлиши мумкинлигини унутмайлик. Ёмон томони шундаки, субъектив фикр юқувчан бўлади. Чукур таҳлил, мантиқа асосланмаган бирёклама фикр одамларни, энг аввало, тарих ўқитувчиларини чалқитади. Улар эшитганларини ҳақиқат шу экан, деб ўқувчиларга ҳам етказишида. Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин. Бу - биринчидан.

Иккинчи масала шундан иборатки, биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганимиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади.

Эркин, демократик жамият қуряпмиз. Биз учун ёпиқ мавзунинг ўзи йўқ. Умумхалқ минбари - телевидениемиз, радиомиз, матбуотимиз бор. Яхши ниятли кишиларга чегараларимиз ҳамиша очиқ. Хориждан меҳмонлар келишяпти, биз чет давлатларга чиқяпмиз. Кунда бўлмаса, кун ора халқаро анжуманлар ўтиб турибди. Бизга мана шу анжуманларда манман деган олимлар билан хоҳланг иқтисод, хоҳланг сиёsat, хоҳланг тарих, маънавият соҳалари бўлсин, bemalol баҳслаша оладиган билимдон, зукко, маърифатли одамлар керак.

Нега мен маърифат сўзини кўп такрорлаб, унга алоҳида ургу беряпман? Чунки, жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан кутқариб қоладиган ягона куч - маърифатdir. Асримиз бошида Туркистонда кечган воқеаларни бир эсланг. Нега бу ўлкада ўша йиллари маърифатчилик ҳаракати ҳар қачонгидан ҳам кучайиб кетди? Негаки, чор Россияси асоратига тушиб қолиб, буткул таназзулга юз тутган ўлкани уйғотишга, ҳалқнинг кўзини очишга фақат маърифат орқалигина эришиш мумкин эди. Маърифатпарварлик биз учун бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, йўқотмайди ҳам. Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади. Агар шу муаммони ечолмасак, барча тоат-ибодатларимиз бир пул: тараққиёт ҳам, келажак ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди!

Айнан шунинг учун ҳам ўз пайтида Республика Маърифат ва маънавият марказини ташкил этдик. Марказнинг вилоят, туман бўлимлари очилди. Гап ҳозир республика бюджетидан ажратилган катта маблағ ҳақида эмас. Керак бўлса, яна ёрдам берамиз. Мазкур соҳадаги ишларнинг талаб даражасида эмаслигини, ташкилотнинг расмиятчиликка берилиб кетаётганини қандай тушуниш мумкин? Бу ҳолни кўрганда беихтиёр, барака топкур, сен ўйролар замонидаги домполитпросвещение, яъни сиёсий маориф уйи ходими эмассан, мутлақо бошқа одамсан, биз бу марказни фақат маош олиш учунгина ташкил этмадик, дегингиз келади. Колаверса, маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждан ишидир. Маърифатчи фидойи бўлмоғи керак. Тушунамиз, уларнинг ҳам тирикчилиги, бола-чақаси бор. Шунинг учун ҳам маош тайинлаб кўйимиз. Лекин яна тақрор айтаман: маърифатчи, энг аввало, фидойи бўлмоғи, ўзидан кечмоғи керак.

ХХ аср бошидаги маърифатчилик ҳаракати ҳақида гапиргандим. Ўша ҳаракатнинг намояндлари бойлик учун, шон-шуҳрат учун майдонга чиқишидими? Махмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Таваллоларга мактаб очганлари, ҳалқни ўз ҳақ-хуқуқларини танишга даъват этганлари учун бирор маош тўлаганми? Бирор уларга ойлик берганми? Албаттa, йўқ! Улар ўт билан ўйнашатганларини, истибододга қарши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Билатуриб,

онгли равища мана шу йўлдан борганлар. Чунки, виждонлари, иймонлари шунга даъват этган.

Энди асосий масалага ўтсак. Хўш, тарихнинг маънавиятимизда тутган ўрни қандай? Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Албатта, мумкин эмас! Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юритда ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак.

ҲАР қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аждодларим кимлар бўлган, миллатимнинг ибтидоси қайда, унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган, деган саволларни ўзига бериши табиий. Нега жаҳонга Аҳмад Фарқоний, Мухаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII-XIX асрларга келиб, то шу чоққача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди? Нега сўнгги уч аср мобайнида бошимиз қолоқликдан чиқмай қолди? Аждодларимизнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, чор Россиясининг ўлкамизни нисбатан осон забт этишида ана шу қолоқликнинг ҳам ўрни бўлмаганмикан?

Тарихий илдизини излаган одам, албатта, бир кун мана шундай саволларга дуч келади ва, аминманки, тўғри хulosалар чиқаради. Тарихий хотираси бор инсон - иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир.

Ким бўлишидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди.

Юқоридаги мулоҳазалардан табиий равища шундай савол туғилади: хўш, Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бугун кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихи яратилдими-йўқми? Совет даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман. Ўзгалар ёзиб берган тарихни ўқитишга мутлақо қаршиман. Мустамлакачи ўзига қарам бўлган халқ ҳақида қачон холис, адолатли фикр айтган? Улар бор куч-Қайратларини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар. Тарихдан жудо бўлиш нималигини яхши билсангиз керак. Инсон учун тарихидан жудо бўлиш - ҳаётдан жудо бўлиш демакдир.

Хоразм давлати тарихини биз 2700 йиллик тарих деб биламиз. Лекин Россиянинг хоҳ ўтмишдаги, хоҳ бугунги кўзга кўринган бирор бир тарихчисидан сўраб кўринг-чи, шуни тан олармикин? Тан олмайди, билмайди, билишни хоҳламайди ҳам. Ўжарликнинг сабаби эса битта: башарти, тан олгудек бўлишса, тарихий хulosалари чиппакка чиқади, илмда соҳта йўл билан борганлари фош бўлади. Энг мўътабар, қадимги кўлёзмамиз "Авесто"нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиҚида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. "Авесто" айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий хужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди. Лекин, юқорида айтганимдек, бирон-бир хорижий журналистнинг, умуман, ҲАРб адилларининг "Авесто"ни эслашганини билмайман. Хулоса шуки, олис-олис жойларда халқимиз, мамлакатимиз ўтмиши ҳақида айтилаётган мулоҳазаларнинг аксарият қисми соҳта, Қайриилмийдир.

Мен билганимни айтияпман, шундай хulosаси чиқаришга мажбурман. Ажабланадиган жойи яна шундаки, тарихимиз ҳақида гап кетганда, биз ҳамон рус олимларининг тадқиқотларига таяномиз, иқтибос кўчиррамиз. "Бартольд ундан деган, Гумилев бундай деганс" ва ҳоказо. Мен рус олимларининг меҳнатини камситмоқчи эмасман. Лекин қачонгача биз тарихимизни бировларнинг нуқтаи назари, қаричи билан баҳолаймиз? Шундай улкан даврда юртимизда кечган давлатчилик тараққиёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаёти атрофлича таҳлил этилган тадқиқотлар нега яратилмаяпти? Археология, Тарих, Шарқшунослик ва бошқа бир қатор институтларимиз бор. Мутахассислар нима билан машқул, қаёққа қарашяпти? Ўзбек давлатчилиги қачон пайдо бўлган? Нима эмиш, Ўзбекистон XX асрнинг 20-йилларида, аниқроҚи, 1924 йили давлат

мақомини олган эмиш. Биз шу гапга ишонишимиш керакми? Мақтаниш эмас, янгидан шаклланаётган ўзбек давлатчилиги бошида турган инсон сифатида айтишга ҳаққим бор, керак бўлса, бу иш учун жонимни, борлиҚимни беришга тайёрман. Чунки, ҳаётимнинг мазмуни шундан иборат. Лекин факат бир мен эмас, бутун халқ билишни истайди: ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? Қандай тарихий босқичларни босиб ўтди? Мутахассислар, балки, тушунириб берарлар, балки аниқ жавоблари бордир? Тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бораётган олимлар, балки, аллақачон бир фикрга келишгандир? Лекин ҳозирча на матбуотдан, на дарсликлардан мен мана шу саволларга жавоб тополмадим.

Яна айтаман, бу соҳада ишлаётган олимларимизни танқид қилиш у ёқда турсин, айглашга ҳам ҳаддим сиғмайди. Кўпчилик олимларимизнинг илмий тафаккури, қарашлари қайси даврда шаклланганини ҳам яхши биламан. Тарих оламида меҳнат қилаётганларни ватанпарвар, элпарвар сафдошларим, деб билганим учун уларга шу талабни қўймокдаман: қачон лўнда, асосли қилиб ҳаққоний тарихимизни фарзандларимизга етказасизлар?

Давлатчилик бугунги кунда ўта сиёсий масала бўлиб турибди. Нега деганда, Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган, деб орқаваротдан ташвиқот юритаётган, шу фикрни онгимизга сингдирмоқчи бўлаётган, керак бўлса, халқаро жамоатчиликни шунга ишонтиришга уринаётган кучлар ҳали бор. Бундай Қаламисларнинг орасида қандай қилиб бўлса ҳам бизни яна собиқ СССРга қайтариш ниятида юрганлар йўқ дейсизми? Ўзбек тарихчиларининг бугунги қундаги асосий вазифаси мана шу даъвонинг пуч эканлигини исботлаш, давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини яратишдир.

Матбуотда ўтмишимизга тааллуқли бирор макола чоп этилса, бирор бир тарихий асар, хоҳ у илмий, хоҳ бадиий бўлсин, кўлимга тушиб қолса, албатта, ўқиб чиқаман. Сиёsatчиман, арбобман деган одам, агар виждони бўлса, ўз халқининг тарихий ўтмишини билиши шарт.

ҲАМмамиз шу тупроқнинг сувини ичганмиз, нон-тузини еганмиз. ҲАМмамиз ўзимизни ўзбек санаймиз. Ўзбеклигимиздан фаҳрланамиз, Фуурланамиз. Яқинда Муҳаммад Юсуфнинг бир шеърини ўқиб қолдим. Ўзбек номини тушуниш учун нималарни билиш кераклиги ҳақида ёзибди. Яхши шеър! Қани энди, олимларимиз ҳам мана шундай катта Ғояларнинг илмий талқинини берсалар.

Масалан, қадим аждодларимиз ҳаётининг асосини ўтроқ маданият ташкил этганми ё кўчманчими? Ўзбек халқининг шаклланишида қандай элатларнинг таъсири бўлган? Биламан, булар оғир саволлар. Лекин уларга жавоб топишимиз зарур.

Атрофимизда жойлашган баъзи давлатлар ва миллатларнинг вакилларида ҳам бизлар қатори ўз тарихларини бошқатдан ўрганиш, чуқурроқ ўрганиш туйғуларини сезиш мумкин. Балки, бу ҳам тўғридир. ҲАР бир халқ ниманидир ўзининг миллий ифтихори, деб билади. ҲАР хил китоблар чоп этишади, катта-катта анжуманлар ташкил қилинади. Аҳмад Яссавий бобомизнинг муқаддас меросини ўрганиш мақсадида гоҳ Туркистон, гоҳ Истанбул, гоҳ Измирда учрашувлар ўтказилади. Мана шу учрашув-анжуманларда Ўзбекистон вакиллари, авваламбор, илмий-тарихий асосларга, чуқур тадқиқотларга суюниб, баъзи бир соҳта уринишларга берилиб кетмасдан, ҳаққоний далил ва исботларни курол қилиб олсалар, маъқул бўларди.

Яна қайтариб айтмоқчиман: биз ўзимизни миллат деб билар эканмиз, ўзбекчилигимиз ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишимиз керак. Туркийтилли халқ бор, турк халқи бор. Фарқини ҳар бир фуқаромиз, аввало, фарзандларимиз билиб олсинлар. Нега шу масалалар бўйича тарихчиларимиз оҚизларига талқон солгандек миқ этишмайди?

Яқинда телевидениеда бир кўрсатув берилди. Хунлар давлати, қачонлардир шу давлатни бошқарган Атилла ҳақида. Шу Атилла Волгабўйи, Астрахан чўлларини ишҚол қилиб, Шарқий Европага ўтибди, кейин ҲАРбий Европани ҳам забт этиб, Румгача борибди ва уни иккига, яъни - Рум ва Византияга бўлиб ташлабди.

Рус, умуман, ҲАРб манбаларида, адабиётларида хунларни "гун" дейишади. Хунлар Атилла бошчилигига Румга бостириб кириб, уни батамом вайрон қилишган. Бу воқеалар тахминан IV аср охири - V асрнинг биринчи ярмида бўлган. Кўрсатув бошловчиси, олим одам завқ-шавқ билан Атилланинг кимга уйланганини, тўй кечаси кимнинг кўрсатмасига кўра, ким томонидан заҳарлаб ўлдирилганигача оқизмай-томизмай томошибинга етказди, ҳатто Атилланинг туғилган кунигача аниқ айтди. Ўша олимдан Берунийнинг туғилган кунини айтиб беринг, десангиз, айта олармикин, худо билади. ҚизиҚи бу ёқда, энди давомини эшитинг: нима эмиш, хунлар муккасидан айш-ишратга берилган румликларни майпарастлиқдан жудо қилиб, қонларига соҚлом қон бўлиб қўшилган эмишлар ва шу йўл билан уларнинг умрига умр қўшибдилар. Румга маданиятни ҳам хунлар олиб келган эканс

Ваҳоланки, ҲАРбда Атиллани маданият олиб келган шахс эмас, улуғ бир цивилизацияни ер билан яксон қилган босқинчи сифатида эслашади. XXI асрга қадам кўймоқдамиз. Орадан шунча вақт ўтган бўлса ҳам улар Атилланинг қилмишларини унутгандари йўқ.

Қалмоқ дўстларимиздан бири яқинда менга ёстиқдек китоб совҚа қилди. Ушбу китобда ёзилишича, нима денг, Атилланинг байроҚида хоч тасвири бўлган эмиш. Муаллиф бу билан нима демоқчи?

Демоқчики, насронийлик ҳам Европага сахродан келган. Яна бир қизиқ хулосага дуч келдим. Биз ўзбеклар ҳам ўша Атилланинг авлодлари, ворислари эмишмиз. Бу билан фахрланишимиз керак экан. Биринчидан, бундай ўта жиддий хулоса чиқаришга ҳозирча ҳеч қандай асос ёки замин борлигини ҳеч ким исбот қилолмаса керак. Иккинчидан, босқинчига ворис бўлиш фахрли мартаба эмас, иснод-ку! Бу иҚвога учсак, эрта Европа биз тўғримизда нима дейди? Бу гап қаердан чиқди, кимга керак бу сохта обруй?!

Биз ўзбекларни улуғ, бунёдкор ҳалқ деб дунёга тараннум этяпмиз ва аслида ҳам шундай. ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Амир Темур бобомизнинг тўйларини ўтказишидан мақсад нима эди? Комил бу инсоннинг, энг аввало, буюк давлат асосчиси, буюк бунёдкор, ижодкор шахс бўлганини, фан, маданиятга ҳомийлик қилиб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига бекиёс ҳисса қўшганини олам аҳлига билдириш эди.

Жаноб Жак Ширакнинг ўзи иштирок этган бу анжуманда мен мазкур фикримни ишончли манбалар асосида исботлаб беришга ҳаракат қилдим. Айтдимки, давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темур бобомиз Қайрат-шижоати, юксак ақлзаковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги билан бизга ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолқусидир. Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадад оламиз.

Суриштириб кўрилса, Парижда ва умуман, Европада ҳам соҳибқирон бобомизнинг обрўсини тўкишга уринишлар бўлган. Буюк саркардалигини тан олган холда, уни, айтишга тил ҳам бормайди, ёвузында айблашган. Бунга ҳеч қандай мантиқий асос йўқлигини исботлаб бериш қийин эмас. Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий кошоналарни қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Қуръони каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди. Конхўр одам "Куч - адолатда" дейиши мумкинми?!

Ўзбекистоннинг обрўйини кўтариш бир четда қолиб, аллакандай атиллаларга ворис бўлиш бизга мутлақо ярашмайди. Мен бунга катъян қаршиман. Кимгадир ворис бўлиш керак бўлса, биз Берунийларга, Бухорийларга, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобурларга ворис бўламиз. Ўзбекнинг феъл-атвори барчага аён. У ерни, табиатни севади. Дўпписида сув ташиб бўлса ҳам, дарахт қўкартиради. Ўзбек том маънода бунёдкордир. Унга бирорнинг ери керак эмас. Мабодо қўлига қурол олгудай бўлса, фақат ўзини ҳимоя қилиш учунгина олади.

"Тафаккур" журналига берган интервьюмда Амир Темур бобомизнинг "Куч - адолатда" деган фикрини ривожлантириб, "Куч - билим ва тафаккурда", деган Ғояни ўртага кўйдим. Тафаккур, маърифат, маънавият қаердаю, Атилла қаерда?

Чукурроқ ўйлаб кўрайлик: Атиллани рўкач қилиб, бизга сиз ўзбеклар ҳам кўчманчи ҳалқсиз, демоқчи эмасмилар?

Мен кеча атай яна харитага кўз ташладим. Ҳунлар Европага Шимолдан, Дашиби Қипчоғдан ўтиб кетишган экан. На улуғ Бухоро, на улуғ Самарқанд, на улуғ Хоразмга уларнинг қадами етмаган.

Шу боис ўзбек зоти қанақасига ҳун бўлиши мумкин?

Тўғри, Мовароуннахр сарҳадларига узоқ тарихимиз давомида не-не босқинчилар кириб келмаган, кўп йиллар, балки, асрлар давомида юртимизда не-не ўзга сулолалар хукмронлик қилмаган, дейсиз. Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида юртимизга келиб-кетганлар озми? Эрондан Ахмонийлар, Юнонистондан Александр келди, Арабистондан Кутайба, МўҚулистандан Чингизхон келди, рус истилочилари келди. Лекин ҳалқ қолди-ку. Ҳўш, бунда қандай сир-синоат бор? Ҳалқ қандай ички куч-кудратга таяниб ўзлигини сақлаб қолди? Қадим-қадим замонлардан ўтрок яшагани, илм-маърифатга интилгани, буюк маданиятга эга бўлгани, ўз урф-одатларини муқаддас билгани учун эмасми?

Ўзбек номи қачон пайдо бўлган? Совет тарихшуносарининг ёзишича, гўё XVI асрда бизнинг заминимизни Дашиби Қипчоқ хонлари ишқол қилгандан кейин ўзбек номи пайдо бўлган эмиш. Ахир, биз Мовароуннахр деб атайдиган икки дарё оралиқида унгача ҳам ҳалқ яшаган-ку! Ёки бу ҳалқ бошқа миллат бўлганми? Мантиқ қани бу ерда?

Биз совет замонидан қолган бу ақидани қабул қилсак, миллатимиз тарихи мана шу навбатдаги босқинчилар давридан бошланган, деган нотўғри хуласа келиб чикмайдими? Унда бизнинг неча минг йиллик тарихимиз қаерда қолади? Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам, Хива ҳам ўзбекларники экан, бу ерларда ўзбек давлати бўлган экан, нега энди ўз тарихимизни XVI асрдан, кимдир келиб-кетиб, номини қолдириб кетган даврдан бошлашимиз керак? Унгача ҳам бу ерда ўтрок ҳалқ яшаган-ку! Бу ерда ана шу ўтрок ҳалқнинг маданияти бўлган-ку! Ким келмасин, масалан, мўҚуллар келган, XIII асрнинг 20-йилларидан XIV асрнинг 70-йилларига қадар хукмронлик қилганлар ва уларнинг маданияти маҳаллий маданиятга сингиб кетган. Бунда маҳаллий ҳалқнинг маданияти, албатта, асос бўлган, устунлик қилган.

Биз ҳалқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз.

Яна бир бор қайтараман: мен тарихчи эмасман. Аммо, умуман, дунё ҳалқлари ва хусусан юртимиз тарихий тараққиёт йўлининг асосий қонуниятларини мантикий таҳлил қилсак, шу нарса аён бўладики, Александр ҳам (уни Шарқда кўпроқ Искандар Зулқарнайн деган ном билан билишади), Кутайба ҳам, Чингизхон ҳам, генерал Черняев ҳам, умуман, ким бўлмасин, юртимизга бир неча ўн минг ё бир неча юз минг лашкари билан келган, ишқол қилган ва бу ердаги сиёсий ҳокимиятни қўлга олган. Яна такрорлайман: Сиёсий ҳокимиятни. Тамом. Тўғри, хукмронликлари мобайнида улар мамлакатимизнинг иқтисодий, савдо, илмий, маданий имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга зўр берганлар. Бироқ шу ерда асрлар давомида яшаб келаётган маҳаллий аҳолини, унинг кўп минг йиллик маданиятини йўқ қилолмаганлар, қилолмасдилар ҳам.

Фикримни ҳаммага яқин ва тушунарли бир мисол орқали изоҳлаб беришим мумкин. Чор Россияси юртимизни босиб олиб то биз давлат мустақиллигимизни қайта тиклагунишимизга қадар ўрта хисобда 130 йил вақт ўтди. Шу давр ичida ҳалқимиз бошига не-не кулфатлар, балою оғатлар ёғилмади. Хоҳ сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни олайлик, хоҳ маънавий, маданий соҳани. Кези келганда, сўнгги мустамлака даври тарихини тадқиқ қилаётган олимларимизга бир маслаҳат бермоқчиман, аниқроқи, уларнинг эътиборини бир нарсага қаратмоқчиман. Бу даврнинг илгариги замонлардан фарки шуки, шу вақтда, айниқса, шўролар хукмронлиги йилларида ҳалқимиз ташки дунёдан бутунлай узиб қўйилди. Етмиш йилдан ортиқ даврда бошимиздан қандай маънавий, маданий тазиик, хўрликлар кечганини ҳам яхши биламиз. Мен бу ерда тил,

адабиёт, тарих, дин, халқимиз генофонди, демография билан боғлиқ аянчли кечмишларни назарда тутаяпман. Лекин гап ҳозир уларнинг шархида, сабаблари, оқибатларида эмас.

Мен айтмоқчи бўлган фикр шундан иборатки, ана шундай ҳар томонлама мудхиши, четдан қараганда халқимиз, унинг маданияти, миллий тафаккури, урф-одатлари, турмуш тарзи, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, насл-насаби йўқ бўлиб кетиши керак бўлган шароитда барибир, қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам, миллатимиз ўзлигини сақлаб қололдими ё йўқми? Олимларимиз шу саволга жавоб берсинлар.

Шу мавзуга тегишли яна бир масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Собиқ марказда, Кремлда ўтирганларнинг миллий республикалар маҳаллий ахолисини "совет халқи"га, яъни ягона халққа айлантириш билан боғлиқ сиёсатидан ўзбек халқи ниманинг хисобидан, қайси тарихий, табиий қонуниятлар туфайли омон чиқди? Бу ҳақда олимлар ўйлаб кўрганмилар, ўз илмий изланишларида шундай саволларни кўндаланг қўйганмилар? Афсуски, йўқ.

Хўш, масалан, бу саволга мен қандай жавоб берган бўлардим?

Бизнинг аждодларимиз, халқимиз қадим-қадимдан ўтроқ яшаган, миллатимизнинг илиги ўтроқ маданият шароитида қотган. Халқимиздаги "илиги тўқ, бақувват" деган тушунча, мен, ҳатто, қонуният деган бўлардим, бежиз пайдо бўлмаган. Ўзбек халқининг илиги тўқ, бақувват демоқчиман. Яна тилимизда "тагли-тугли", "палаги тоза" деган иборалар ҳам бор. Бу бир жойда муқим яшаган, ўз турмуш тарзига, ахлоқ-одоб мезонларига, ақидалари ва тафаккур тарзига эга бўлган хонадонларга нисбатан айтилади. Бутун оммани, бир неча юз минглаб, миллионлаб ахолини бирлаштирган ақидаларга, мезон ва қоидаларга эга бўлган халқни қандай изоҳлаш, таърифлаш мумкин?! Ана шу ҳаётий ва ижтимоий мантиқдан келиб чиқсан, таъриф ва изоҳ битта бўлади - миллий борлиқимиз, маданиятимиз илдизи, томири ўтроқ бўлган.

Масалага бошқа томондан ёндашиб кўрайлик. Бугунги бой маданиятимиз қайси цивилизациянинг маҳсули? Шундай маданият бор экан, уни шу заминда яшаган халқ яратганми ёки у бўм-бўш жойда пайдо бўлганми?

Демоқчиманки, тарихимиз каби, қадим маданиятимизнинг яратилишида ҳам унга кўплаб этник гурухлар, эл-элатлар ўз улушкини қўшган. Бу - табиий ҳол. Чунки, ҳеч қачон, ҳеч қаерда факат битта миллаттга мансуб маданият бўлмайди. ҲАР қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди.

Шунинг учун тарихчи олимларимиз, ҳар бири турли тушунча, муайян қарашга эга бўлишидан қатъи назар, бир жойга тўпланиб, баҳс юритиб, бир хulosага келишлари керак. Саклар, массагетлар, сўҚдлар, бактрияликлар деган турли ибораларнинг орқасидан қувиб юриш ўрнига, тарихчиларимиз миллаттга унинг ҳақоний тарихини кўрсатиб, исботлаб беришлари керак. Зотан, тарих - халқ маънавиятининг асосидир.

Баъзи тарихчилар бизни Чингизхоннинг авлоди, ҳатто, Амир Темурда ҳам Чингиз қони бор, у мўҚул қавмидан, демоқчи бўлади. Ўйлаб кўрайлик, Амир Темур бобомиз қайси миллатга мансуб?

Яна совет даври китобларида Амир Темур аскарлари Москва атрофларига етиб боргани хусусида "мўҚул-татар қўшинлари Москвани қамал қилдилар", деб ёзишган. Ўолбуки, Соҳибқироннинг аскарлари Тўхтамишхонни тор-мор қилиб, Русияни мўҚул истилосидан озод этгандан кейингина Москва атрофида пайдо бўлган. Афсуски, бу ҳақиқат Россия матбуотида 1995 йилдагина ёзилди. Бизнинг тарихчиларимизнинг заифлиги шу даражадаки, шу пайтгача биронтаси чиқиб, йўқ, тарихий ҳақиқат бундай, деб айтмаган. Йўқса, Амир Темур қаёқдаю, мўҚуллар қаёқда! Қани бу ерда фидойилик, ватанпарварлик? Қани миллий Гурур, миллий ифтихор?!

Демоқчиманки, ҳар бир халқ ўз тарихини ҳар хил таъсир ва тажовузлардан асраши керак. Бепарво бўлсангиз, турли сохта ҳомийлар, кучлар борки, улар тарихни бузиб кўрсатадиган китобларни чиқараверади. Ҳатто, чет элда ҳам чиқариши мумкин.

Дунёда дўст бор экан, Қанимлар ҳам бўлади. Биргина мисол. Биз 1996 йили Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тўйини ўтказдик. Шуни ҳам турлича талқин қилувчилар бўлди.

Авваламбор, биз бирор аждодимизнинг тўйини ўтказсак, бунга унинг миллатимиз равнақи учун қилган ишлари, тарихимида тутган ўрни сабаб бўлади. Шу нуқтаи назардан ёндашсак, Амир Темур ким эди? У, биринчи навбатда улуғ бунёдкор шахс эди. Самарқанддаги обидаларни, Шахрисабздаги ёдгорликларни ким қурди? Туркистондаги Яссавий мақбарасини ким тиклади? Амир Темур ва унинг авлодлари замонида АФҚонистон, Эрон, Хиндистон худудларида амалга оширилган ободончилик, меъморчилик ишларини айтмайсизми? Ким "Куч - адолатдадир" деган оламшумул, теран ҳикматни ўз фаолиятига асосий тамойил қилиб олди?

Якин-яқингача давлат бошқаруви санъати ҳақида сўз кетса, кўпчилик гапни ё марксчи-ленинчиларнинг давлат ҳақидаги сохта назарияси, ё бўлмаса XVI асрда яшаган Макиавелли қарашларидан бошларди. Кўйиб берсангиз, бу эски одатни бугун ҳам давом эттиришади. Давлат, салтанат, жамият бошқарувига оид мумтоз асар - "Темур тузуклари"ни ёзган ким? Умуман, кишилик тарихида ана шундай йўналишда асар битиб қолдирган бошқа хукмдор борми ўзи?

Энди Чингизхон шахсини шу мезонга солиб кўрайлик. Ундан вайрон этилган шаҳару қишлоқлардан бўлак қандай из қолди? Шундай экан, биз ўзимизни Чингизхон ворисларимиз, деб ўтирасак, ўтакетган бемаънилик бўлмайдими?

Юртимизда тарихий шахслар, шаҳарлар, маданий ёдгорликларнинг юбилей ва байрамларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу ерда гап тантаналардагина эмас, муҳими, биз уларнинг ўз даврида келажак авлодлар учун қолдирган салмоқли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса, умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларини қадрлаймиз. Албатта, ҳар бир миллат ўз аждодларини эслаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйишга интилади. Фақат бу каби хайрли ишлар ўз моҳияти жиҳатидан халқларни яқинлаштиришга, уларни ҳамжиҳат этишга хизмат қилсин.

Якинда телевидениеда Хожа Аҳрор Вали ҳақида кўрсатув берилди. Бу мутафаккир зот ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёsatчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-Қайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. "Шайхлар шайхи" деб ном олган бу улуғ зотнинг гапини бирор хукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган. Нега деганда, ҳалқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аждодларимизни бошимизга қўтаришга тайёрмиз.

Шу маънода, хунлар, хоқонликлардан нима мерос қолди? Бу "мерос"ни топиш учун қаерларда қазилма ишлари ўтказишимиш керак? Ёки XIII асрда Самарқандни ёндириб ташлаган, Бухорони, Урганчни ер билан яксон қилган Чингизхон тўғрисида турли китоблар чиқяпти, фильмлар ишланяпти. Бу асарларнинг муаллифлари Чингизхоннинг қайси бир "фазилати"ни улуғляяпти? Ўзи Чингизхондан бирон-бир яхши мерос қолганми?

Хоҳ ўтмишда, хоҳ бугун бўлсин, бошқа миллат, давлатни ўзига қарам қилиш ниятида ҳаракат қилган, қилаётган кучлар доимо бир сиёsatни юритганлар, юритадилар: яъни қарам халқнинг маънавий, маданий, тарихий меросини йўқ қилиш, ундан жудо этиш. Мисол керакми?

Шўро даврида ўзбек миллати тарихини бузиб кўрсатишдан, уни чалкаштириб ёритишдан, бальзи сахифаларини, умуман, кўрсатмасликдан мақсад нима эди? Чор Россиясининг Скобелев деган генерали ўз императорига мурожаат қилиб, шундай деб ёзган эди: "Маҳаллий ҳалқ биз ўйлагандан кўра маданиятли экан. Уларни бўйсундира олмаяпмизз. Бу халқнинг ўтмишда яратилган барча осори атиқаларини, масжиду мадрасаларини, диний китобларини ер билан яксон қилибгина, уларнинг маънавиятини сўндирибгина ўз қанотимиз остига олишимиз мумкин".

Хўш, шу гапларни тарихчиларимиз биладими? Бундай ёвуз қарашлар бўлганини ҳалқимизга етказяптими? Афсуски, кўп олимларимиз онгида эски тузум асоратлари

маҳкам ўрнашиб қолган. Улар ҳозир - мустақиллик шароитида ҳам кимдандир қўрқиб, чўчиб гапирадилар.

Юқорида айтилганлардан қандай хулоса чиқади? Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган ҳалқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, ҳалқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур. Агар олимларимизнинг илмий тадқиқот ишлари замирида ана шу фикр, ана шу мақсад бўлмаса, уларнинг сарик чақалик аҳамияти йўқ. Тарих институти, Фанлар академияси ҳаққоний тарихни ёритиш мезонларини, унинг пойдеворини, асосини белгилаб бериши керак.

Бу масала бўйича фикрлар аниқ ва илғор бўлиши лозим. Умуман, мен фанни илғор, тараққиёт, прогресс деган сўзлар билан ёнма-ён қабул қиласман. Фаннинг вазифаси келажагимизнинг шакли-шамойилини яратиб бериш, эртангни кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, деб тушунаман. Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий бир қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим. Лекин бу борада бизнинг фанимиз ўз сўзини нега айтмаяпти? Нега мазмунан, моҳиятан янгича мақолалар, асарлар чиқмаяпти?

Бу ерда фан ва сиёsatнинг ўзаро муносабати хусусида тўхталиш жоиз. Зеро, фан, масалан, тарих фани ўз йўлига, сиёsat ўз йўлига, уларнинг бир-бирига алоқаси йўқ, дегувчилар ҳам топилади. Ўйлаб кўрайлик, тарих фани маҳсули - унинг хулосаларидан аввало ким фойдаланади? Сиёsatчилар эмасми? Ўз сиёsatини оқлаш, уни олға суриш, тарғиб этиш, узвийлигини таъминлаш, обрўсини кўтариш учун улар тарих фани хулосалига мурожаат этади.

Шундай экан, савол туғилади: ушбу хулосалар кимлар томонидан, қайси мақсадлар йўлида ишлатилади - тажовузкор миллатчиларми ё инсонпарварлар, маърифатпарварларми? Шу маънода, тарихчилар миллатчилар учун хулоса чиқармоқчи бўлсалар, бу - бир маҳсулот, инсонпарвар, маърифатпарварлар учун бўлса, бу - бошқа маҳсулот. Ҳалқимизнинг миллий туйғусини, миллий Ғурурини уйғотадиган тарихий-илмий хулосалар қани? Нима учун бу масалада олимларимиз ўртасида беҳуда тортишувлар бўлмоқда? Фан давлатга, ҳалққа, жамият тараққиётига хизмат қилиши лозимлигини унтишига асло ҳаққимиз йўқ.

Биз фан ривожи учун, унинг таъминоти учун ҳеч нарсани аямаймиз. Абу Райхон Беруний бобомизнинг бундан ўн аср бурун айтган фикрини эслатиб ўтмоқчиман: "Илм-фан кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш заруратидан пайдо бўлади".

Илғор илмий тадқиқот ишлари бўлса, Академиянинг иш самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар, Ғоялар, хуллас, эҳтиёж бўлса, маблағ ҳам топамиз, барча шароитни яратиб берамиз. Факат бу ерда бир мезон бор - бу ишдан аниқ натижা, самара чиқиши керак!

Тарих фани, унинг бугунги аҳволи, истиқболи ҳақида гапирап эканмиз, мен яна бир масалага эътибор қаратишни истардим. Агар биз тарихчиларни тарозига солсак, бугунги кун нуктаи назаридан баҳоласак, талабга жавоб берадиганлари жуда камчиликни ташкил этади. Шунинг учун тарихчи мутахассислар тайёрлашни университетлардан, яъни бошланғич нуктасидан яхшилаш лозим, деб ўйлайман. Керак бўлса, тарихга ихтисослашган мактабларни очиш лозим. Бунинг учун эса аввало мукаммал дарсликлар яратиш, домлаларнинг ўзини қайтадан ўқитиш керак. Мухими, ёшларнинг орасига кириш, уларнинг ичидан қобилиятили, фидойиларини топиш, уларнинг юрагини ёндириш керак. Бизда 30-35 ёшли академиклар борми? 16 ёшга кирган ўспирин - Рустам Қосимжонов шахмат бўйича қандай натижаларга эришди, жаҳон миқёсида Қолиб бўлди! Шахмат ҳам фан, бу математика дегани эмасми?

Демоқчиманки, биз ана шундай ёшларимизга ишонамиз, суюнамиз, келажак умидларимизни улар билан боғлаймиз. Уларга қанча тез йўл очиб берсак, илмда, ижодда

шунча кўп изланиш, баҳс бўлади. Изланиш, баҳс, мунозара бор жойда эса ҳақиқат юзага чиқади, тараққиёт бўлади.

Иккинчидан, бизда довюрак, замонавий фикрлайдиган олимлар етишмайди. Мен академик Яхё Гуломовни яхши билардим. У мустақил фикрга эга бўлган, керак бўлса, энг юқори лавозим эгасига ёқмайдиган тўғри гапни дадил айта оладиган олим эди. Тарихчилар яхши биладилар, одатда тепаликлар қаърида тарихий обидалар, бутун бир шахар ястанган бўлади. Шўро даврида фақат томлардагина пахта экилмай қолган бир пайтда, ана шундай тарихий тепаликларни ҳам текислаб пахта даласига айлантириш сиёсати авж олганда бунга қарши чиққан олим Яхё Гуломов бўлганини мен яхши эслайман. Бу фазилати туфайли тазийк кўрганини ҳам эшитганман. Лекин адолатни ҳамма нарсадан устун билган, ватанпарвар одам шундай бўлади. Ана шундай одамлар ҳаёти бизга ибрат мактаби бўлмоғи лозим.

Энди икки оқиз сўз оммавий ахборот воситалари орқали тарих мавзусини ёритиш ҳақида. Бизнинг матбуотимиз, телевидениемиз ҳам тарихга оид мақолалар чоп этганда, кўрсатувлар тайёрлаганда бир кишининг фикрини ягона ҳақиқат сифатида қабул қилинишига йўл кўймаслиги даркор. Муайян масалада турли фикрларни бериш, баҳс орқали ҳақиқат ойдинлашувига эришиш лозим. Тарихий воқеаларни, шахслар фаолиятини изоҳлаш йўли билан одамларни асл ҳақиқатдан огоҳ этишимиз керак. Чунки, биз шакллантираётган жамиятимиз мафкураси ҳам тарих булоқларидан озиқланади.

Яна бир муҳим масала шуки, мен "Тафаккур" журналидаги сухбатда таъкидлаганимдек, сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, фанда ҳам вакуум - бўшлиқ пайдо бўлишига йўл кўймаслик керак. Яъни, агар ўз Фоянг бўлмаса, сенинг юртингда чет Фоя келиб хукмронлик қиласди. Шу маънода мустақил фикрлайдиган одамларимиз бўлмаса, ўз давлатимиз, ҳалқимиз, миллатимиз тарихини ўзимиз тикламасак, ўзимиз холисона ёзмасак, уни бошқалар бошқача қилиб ёзди. Ёзиш билан чекланса майлику-я, бизни, ўсиб келаётган авлодни, ҳатто олимларимизни ҳам ўз йўриғига солишга ҳаракат қиласди.

Мен қайси ҳалқ қаердан келиб чиққани, кимнинг тарихи кўҳналиги хусусида баҳс юритиш, бу борада бир миллатни бошқа бир миллатга қарама-қарши кўйишга мутлақо қаршиман. Бу нарса бизга асло керак эмас. Фақат бизнинг давлатимиз тарихини ёритища ўзга Фоя хукмронлик қилишига йўл кўйиб бўлмаслигини таъкидламоқчиман. Бу масалада, яъни узоқ ўтмишимиз, тарихий томирларимиз бўйича ўз мустақил фикримизга, чукур илмий асосга эга бўлишимиз шарт. Тарихчи олимларимиз, илмий муассасаларимиз олдида турган долзарб вазифа шундан иборат.

Тарих соҳасида меҳнат қилаётган олим, мутахассисларга мурожаат қилмоқчиман: сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у ҳалқимизга маънавий куч-кудрат баҳш этсин, Ғурурини уйғотсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ Фоя керак. Бу Фоянинг замирида ҳалқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас.

Шу муносабат билан бундан беш йил аввал билдирган бир фикримни эслатиб ўтмоқчиман: бино қанчалар баланд бўлса, унинг пойdevori ҳам шу қадар чукур бўлади. Биз буюк давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун замонавий сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий имконларимиз билан бир қаторда тарихий асосимиз ҳам бор. 2700 йиллик буюк давлатчилик ўтмишимиз бор.

Ҳаққоний тарихимизни барпо этиш ишини нимадан бошлаш лозим? Аввало, кўп минг йиллик бой ўтмишимизни тадқиқ этишнинг яхлит концепциясини, яъни дастурини, илмий изланишларнинг услубини, қўйилаётган вазифани амалга оширадиган илмий муассасалар, улардаги потенциал, кадрлар масаласини аниқлаб олишдан. Бу келажакда ҳам узлуксиз давом этадиган катта ишнинг бошланиши бўлади. Шундан кейин ана шу аниқ, босқичлари белгиланган дастур асосида ҳар томонлама тадқиқотлар олиб борилади. Бу осон иш эмас. Шўро замонида тамоман ўзга, миллатимиз манфаатларига зид бўлган,

коммунистик, шовинистик мафкура хукмрон шароитда ёзилган адабиётлардан уни-буни қўчириб тайёрланадиган иш эмас бу.

Мазкур вазифани амалга ошириш учун Академияга қарашли Тарих, Шарқшунослик, Археология институтлари, шу соҳага тааллуқли бўлган илмий муассасалар таркибини, иш фаолиятини ўзгартиришни замон талаб қилмоқда. Тошкент Давлат университети, бошқа ўқув даргоҳларидағи тарих факультетларининг дарслеклар, таълим-тарбия масалаларидағи камчиликларини аниқлаб, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Керак бўлса, уларда ишлаётган олим ва мутахассислар фаолиятига танқидий қўз билан қараб, ким шу ишга лойик, ким лойиқ эмас, буни ҳам аниқлаш лозим. Зарур бўлса, уларга моддий ёрдам бериш, янги гурухлар тузиш керак.

Мақсад шуки, фанда бизнинг тарихий томирларимизни аниқлайдиган, миллий Ғуруримизни юксалтирадиган янги йўналишлар пайдо бўлиши керак.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозим.

Тарихчи олимлар ва журналистлар билан  
сұхбат, "Мулоқот" журналининг  
1998 йил 5-сони

## ХАЛҚИМИЗ ЖИПСЛИГИ - ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Хурматли халқ депутатлари!

Энг аввало, сизлар билан қуттулғайттың - мамлакатимиз мустақиллигининг еттийиллиги арафасида дийдор күришиб турганимдан ғоят мамнун эканимни изхор этишга ижозат бергайсиз.

Шу кунларда ўтган даврда амалга оширган ишларимизни сархисоб қилиш, олдимизда турган муаммолар ҳақида гапириш табиийдир. Шунингдек, мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган айрим хатарли ва кескин масалалар ҳақида ҳам сизлар билан фикр алмашиб олсан, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Мен сизларнинг эътиборингизга ҳавола этмоқчи бўлган биринчи масала - бу демократик жамият ва хуқуқий давлат барпо этиш борасида қабул қилаётган қонунларимизнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш масаласидир. Бугунги кунда барча муаммоларимиз қаторида бу масала энг долзарб вазифага айланмоқда.

Биз мамлакатимизда янги, мустаҳкам хуқуқий замин яратилди, деб айтишга барча асосимиз бор. Бугун биз:

- давлат қурилиши соҳасида;
- сиёсий тузумни шакллантириш ва жамиятнинг демократик асосларини вужудга келтириш, инсон хуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя этиш соҳаларида;
- иқтисодни ислоҳ қилиш ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш соҳасида;
- маънавий янгиланиш, маданий қурилиш соҳасида;
- ҳарбий кучларни қуриш, мамлакатнинг мудофаа қудратини таъминлаш, чегараларни қўриқлаш ва умуман олганда, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш соҳасида;
- ҳалқаро муносабатларни барпо этиш, ташқи сиёсатнинг тамойиллари ва устувор йўналишларини шакллантириш, ҳалқаро тузилмалар ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик соҳасида қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг мукаммал мажмуига эгамиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда яратилган хуқуқий замин, ҳалқаро экспертларнинг баҳоларига кўра, демократик ўзгаришлар ва бозор муносабатларига ўтаётган давлатлар олдига қўйиладиган энг юксак ва талабчан меъёрларга тўла жавоб бера олади.

Қонунчилик соҳасида қилган улкан ишларимизни сархисоб қилар эканмиз, аввалимбор, сиз муҳтарам депутатларнинг хизматларингизни, қонун чиқарувчи юқори органимиз - Олий Мажлис хиссасини катта мамнуният билан эътироф этамиз.

Шу билан бирга, қонунчилик базасини вужудга келтириш бўйича барча ишлар ниҳоясига етган деб ҳисоблаш мумкин эмаслигини ҳам яхши биламиз.

Бу жараённи яна давом эттириш билан бир қаторда, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига давр тақозоси ва тўпланган тажриба асосида ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритмоқдамиз. Бир сўз билан айтганда, хуқуқий заминни мустаҳкамлашга қаратилган оғир ва машаққатли, айтиш мумкинки, кундалик қора меҳнат амалга оширилмоқда. Бусиз хуқуқий давлат қуриш ҳақида гапиришнинг маъноси йўқ.

Ишончимиз комилки, бугунги сессиямиз ҳам хуқуқий майдонни мустаҳкамлашга, давлатимиз ва жамиятимизнинг шаклланиши ва ривожланишига ўз хиссасини қўшади.

Дарҳақиқат, бизда қонунчилик базаси юзага келмоқда. Қонунлар қабул қилинмоқда. Табиий савол туғилади: хўш, улар қандай бажариляпти, қандай ижро этиляпти?

Қонун қабул қилиш - бу ишнинг ярми холос. Уларнинг ҳаётга тўла татбиқ қилинишига эришиш даркор. Бунинг учун қабул килинган қонунларнинг кундалик турмушимизда амалга ошишини таъминловчи таъсирчан механизм яратиш лозим.

Энг муҳими, шу қонунларнинг бажарилиши учун жавобгар бўлган ҳокимият тузилмаларининг масъулиятини ошириш зарур. Тан олиш керак: бу соҳада ҳали кўпгина

камчилик-нуқсонлар борки, улар баъзан хукуқий давлат барпо этиш борасида амалга оширилаётган барча ишларни йўққа чиқариши мумкин. Бу нуқсонларни пухталик билан бартараф этиш шарт.

Энг муҳим муаммолардан бири - ҳақиқий мулқдорлар синфини шакллантиришга, хусусий мулк манфаатларини мустаҳкамлашга қаратилган қонунчилик хужжатларини амалга оширишдан иборат.

Аввал зикр этилганидек, келажак тақдири айнан шу масалага боғлиқ. Жамиятнинг асосини, унинг ижтимоий таркибини ҳақиқий ўрта мулқдорларнинг кенг қатлами ташкил этган тақдирдагина жамият барқарор бўлади, гуллаб-яшнайди. Аниқ-равshan кўриниб турган бу ҳақиқатни бугун ҳеч ким инкор этолмайди.

**Яқин тарихимизни сизга эслатмоқчиман.**

Ўдингизда бўлса, яқиндагина, мустақилликнинг дастлабки йилларида биз хусусий мулк тушунчаси билан боғлиқ барча нарсаларга, баъзи одамларнинг ўз тижорат ишини очишга, мулқдор бўлишга интилишларига нисбатан салбий муносабатда эдик.

Хусусий мулк деган иборанинг ўзиёқ қўпчилиқда нохушлик ва ижтимоий норозилик ўйготарди. Уй-жойлар, дўконларни хусусий мулк сифатида сотиб олиш, хусусий корхона ва фермер хўжаликларини ташкил этиш одамлар томонидан ўта салбий тарзда қабул қилинарди. Бу фикрни давом эттириб ўтириш шарт эмас, буни ўзларингиз жуда яхши биласизлар.

Вақт ўтган сари ҳаёт ўзгармоқда, қадриятлар, одамларнинг тафаккур тарзи ўзгармоқда. ҲАР биримиз ўз онгимизда қандай ички ўзгаришлар содир бўлганини, тасаввур ва тафаккуrimиз, бутун маърифий дунёда асрлар давомида шаклланган ва бугунги кунда демократик тараққиёт ва фаровонлик асоси хисобланувчи қадриятларга нисбатан муносабатимиз ўзгарганини сезиб турибмиз.

Шу муносабат билан бизнинг олға силжишимизга ўтмиш асоратлари, ўтмиш сарқитлари нақадар катта зарап етказаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Ўтмиш тузумининг бир қарашда жозибали бўлиб туюладиган, аслида эса ҳаётдан ниҳоятда узоқ бўлган сохта қадриятлари бизнинг онгимизга ҳалигача таъсир қилаётгани бугунги кунда ривожланишимиз йўлида асосий тўсиқ бўлиб турибди. Буни барчамиз тан олишимиз даркор.

Шу сабабли, бугун бизнинг ҳаётимизда эскича қараш ва қолиплардан буткул воз кечиш, янги мулк муносабатларини жорий этиш бўйича қабул қилинган қонун хужжатларини оғишмай амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Биз ҳаётда янги тушунча ва кўнималар билан дадил фикр юритишимиз зарур. Ўз меҳнати билан ўз бойлигини, ўз оиласи бойлигини, бинобарин, жамият бойлигини яратаБтган одам, унинг ташвиш ва мақсадлари бизнинг дикқат марказимизда, ислоҳотларимиз марказида бўлмоғи даркор.

Мулқдорлар тоифасига кенг йўл очиш керак, токи у жамиятнинг етакчи ҳаракатлантирувчи кучига, жамиятнинг масъул шахсига айлансин. Бу масала бугунги кундаги энг асосий вазифамиздир.

**Иккинчи масала - демократик тафаккур, хукуқий тафаккурни шакллантириш масаласидир.**

Конституцияга биноан ҳар бир кишига эркин танлаш, эркин сайлов хукуқи берилган, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари аниқ белгилаб қўйилган. Бу хукуқ ва эркинликлар давлат ҳокимиётининг бутун кучи, қонун кучи билан ишончли тарзда ҳимоя қилинади. Барчамиз жамиятнинг ҳар бир аъзоси фикри билан ҳисоблашишни ўрганишимиз, унинг хукуқларини, аввало, ҳар бир кишининг ўз келажагини ўзи яратиш хукуқини ҳурмат қилишимиз лозим.

Бу бугунги энг мушкул муаммо бўлиб, уни биргаликда бартараф этишимиз ва янги тушунчалар асосида фикр юритиши ўрганишимиз даркор.

Табиийки, фуқароларга берилган хукуқ ва эркинликлар жамиятимиз қабул қилган қонун-коидалар доирасида амал қилиши керак.

Бу хуқуқларни ҳаётга жорий этиш учун ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро ўз конституцион хуқуқларини, унга шу хуқуқларни берадиган қонунларни пухта билиши зарур. Бусиз инсон хуқуқлари ва инсон эркинликлари тўғрисидаги барча мушоҳадалар куруқ гап бўлиб қолаверади.

Қисқаси, кишиларимизнинг, фуқароларимизнинг хуқуқий онгини, хуқуқий маданиятини юксалтириш зарурлиги ҳақида такрор-такрор гапиришга тўғри келади. Бу ўринда кўп нарса раҳбарларимизга, ана шу қонун ва хуқуқларни муҳофаза қиладиган кишиларга боғлиқ. Энг муҳими, улар қонун талабларини сўзсиз бажаришда, қонунларга итоат қилишда бошқаларга ўrnak бўлишлари лозим.

Мен ўз бурчи, ўз хизмат вазифасига кўра қабул қилинган қонунларнинг бажарилишига масъул бўлган шахслар ҳақида алоҳида тўхталишни истардим. Булар - қонунни муҳофаза қилувчи идоралар ва маъмурӣ органларнинг ходимлариридир. Айни шу ходимларнинг хатти-ҳаракатига қараб, кўпчилик жамиятда қонун кучига қандай амал қилинаётганига, хуқуқий механизмлар нечоғли кучли эканига, хуқуқий жамият қай даражада етуклигига баҳо беради.

Бу борада биздан кўп меҳнат талаб қиладиган, ечимини кутаётган муаммолар бор. Қонунни бузган одамларни эгаллаб турган лавозимидан бўшатиш, фақат кадрларни алмаштириш билангина ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Юқори малакали, замонавий фикрлайдиган одамларнинг етишмаслиги бизнинг олға силжишимизда ҳамон катта тўсиқ бўлиб турибди. Бундай кадрларни, авваламбор ёш кадрларни топиш, ўстириш, тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланмоқда. Бунда депутатлар, Адлия вазирлиги, барча хуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бошқарув ва ҳокимиятнинг маҳаллий органларига, хуллас, ҳаммамизга - Президентдан тортиб то қуий бўғин раҳбарларигача етарли иш топилади. Мазкур соҳада жамоатчилик назоратининг, жамоат ташкилотларининг, жамоат фикрини ифода этадиган матбуот ва телевидениенинг аҳамияти бекиёсdir.

Шу масалани ечиш йўлида учинчи масала бор бўй-басти билан турмоқдаки, бу - демократик институтларни, турли жамоатчилик ва нодавлат тузилмаларини, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масаласидир. Шу билан бирга, матбуот органлари ва телевидениега кенг йўл очиб бериб, уларнинг самарали ишлаши учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилиш вазифаси.

Фуқаролар жамиятини курмоқчи эканмиз, ишни авваламбор шундан бошлаш лозим.

Демократик институтлар жамият ҳаётидан мустаҳкам ўрин олиши, ҳал қилувчи кучга эга бўлиши зарур. Бу гап ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларига - иқтисодиётга, сиёsatга ва албатта маънавиятга ҳам бирдай -тааллуқлидир.

Оддий бир ҳақиқатни тушунишимиз керакки, демократик институтларни юкоридан, давлат органлари қарори билан яратиб бўлмайди. Бу эскича фикрлашдан бошқа нарса эмас. Юқоридан шаклланган, ташкил этилган барча тадбирлар, одатда, яшашга ноқобил бўлиб чиқади.

Жамоат ва нодавлат тузилмалари ҳаёт тақозоси билан, давр талабига кўра ташкил этилиши керак. Ўқимиятнинг маҳаллий ва марказий бошқарув органлари эса бу жараёнга тўсиқ бўлмасликлари, аксинча, бу янги демократик ва жамоат тузилмаларини ташкил этишини рағбатлантиришлари лозим. Токи одамларимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётда, бунёдкорлик ишларида, фуқаролик жамиятини қуришда, турмушимизнинг мазмун-моҳиятини белгиловчи қадрияларни шакллантиришда кўпроқ ва фаолроқ қатнашсинглар. Ана ўшанда четдан туриб томоша қилувчилар, танқидчилар камаяди.

Демократик институтларни ривожлантиришдан бош мақсад - кўпчиликни мумкин қадар жамият қурилишига жалб этиш, уларни ўз тақдирлари, ўз келажакларининг тўлақонли эгаларига айлантиришдан иборатдир.

Тўртингчи. Олдин айтганимдек, бу жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида энг долзарб масаладир. Гап кадрлар тайёрлаш бўйича қабул қилган Миллий дастуримиз ҳақида бормоқда.

Яна бир бор таъкидлаб айтаман: бу масалани бирданига, бир кунда ечиш мумкин эмас. Кадрлар тайёрлаш узок давом этадиган жараён бўлиб, у ҳар биримиздан, тақрорлайман, ҳар биримиздан астойдил, бетиним, изчил меҳнатни талаб этади. Бу соҳада узок йиллар мобайнида шу қадар кўп муаммолар тўпланиб колдики, эндиликда сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

Лекин қош қўяман деб кўз чиқармаслик керак. Кадрлар тайёрлашда ўйламай босилган қадам хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Зоро, гап энг муқаддас ва нозик нарса - фарзандларимиз қалби ҳақида, маънавий ва ахлоқий тарбия асосларини яратиш, ёш инсонни муайян касбга йўналтириш ҳақида бормоқда.

Бу муаммони ечиш учун аввало таълим тизимини - мактаб ёшигача бўлган бола тарбиясидан бошлаб юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, юксак ақл-заковат салоҳиятини шакллантириш, бунинг учун замонавий моддий-техник ва ахборот базасини яратишгacha бўлган барча соҳаларни ислоҳ этиш керак. Бу таълим тизимиға бевосита дахлдор соҳаларни бутунлай ислоҳ қилишни тақозо этади.

Энг аввало бизнинг таълим тизимиға бўлган муносабатимизни ҳам тубдан ўзгартириш керак. Таълим ислоҳоти бизни демократик ўзгаришлар, янги жамият барпо этиш йўлидан дадил етакловчи, барчамизни ҳаракатлантирувчи ички куч бўлмоғи зарур. ҲАР биримизга беш бармоқдай, эскича айтганда, тўққиз пулдай аён бўлсинким, таълим ва тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, одамлар онгини, демакки, уларнинг турмуш тарзини ҳам тубдан ўзгартириш мумкин эмас.

Таълим тизимини ислоҳ этиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилса, ижтимоий-сиёсий иқлим кескин ўзгаради, одамлар онгидаги демократик қадриятлар қарор топади, инсон жамиятдаги ўрнини онгли равишда ўзи белгилайди.

Жамиятни янгилаш, эркин демократик давлатни шакллантириш, тараққиёт ва равнақ йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимизни биз айнан мана шу тамойил асосида ташкил этишимиз керак.

### Қадрли дўйстлар!

Вақт оқар дарёга ўхшайди, деган нақл бежиз айтилмаган. Бундан етти йил муқаддам биз бошлаган ишларни ким давом эттиради, уни охиригача етказиш учун ким барча кийинчиликлар ва масъулиятни ўз зиммасига олади?

Келинглар, шу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўрайлик. Эзгу орзуларимизнинг рўёбга қиқиши худди шу нарсага боғлиқ бўлиб турибди. Биз шу буюк мақсадларни деб мустақил бўлдик, шу мақсадлар деб янги ҳаёт куряпмиз.

### Мұхтарам депутатлар!

Яна бир масала ҳақида гапирмоқчиман. Ўйлайманки, бу масала ҳар бир ватандошимизни қизикитиради, ўйлантиради. Бугун кўпчилик Россия молия бозорида нималар бўляпти, деб ўзига ўзи савол бермоқда. Россия валютаси - рублга нима бўлди? Бу танглик бизнинг иқтисодиётимиз, молиявий ҳаётимизга, бозорларимиздаги нарх-навога, халқимизнинг турмуш даражасига нечоғли таъсири этиши мумкин?

Бу молиявий танглик, Россия рубли қадрсизланиши, банк тизимидағи бекарорлик, шунингдек, олдиндан айтиб бўлмайдиган ноҳушликлар сабаби ҳақида гапиришнинг хожати йўқ деб ўйлайман. Бу бизнинг мақсадимизга кирмайди.

Ўйлайманки, жамоатчилигимизда, халқимизда бу масалалар бўйича етарли фикр-маълумот бор.

Изчил ривожланиш муаммосини фақат ҳар хил молиявий найранглар, молиявий пирамидалар, жумладан, қисқа муддатли давлат облигациялари, ёки жўнроқ айтганда, ГКО бозорини ташкил этиш билан, шунингдек бюджет харажатларини қоплаш учун кредит ресурсларини четдан олиш билан ҳал қилиб бўлмайди.

Барчамизга аёнки, иқтисодиётнинг реал секторлари - саноатда, қишлоқ хўжалигига, яъни ҳар бир давлатнинг изчил ривожини таъминловчи иқтисодиёт тармоқлари жонланиши иқтисодни соҚломлаштиришга олиб келади. Бусиз молиявий тангликдан кутулиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Узоққа мұлжалланған, иқтисодий тараққиётнинг устувор йұналишларини аниқлаб берадиган, пухта үйланған дастур керак. Бу дастурға халқни ишонтира билиш, уни амалға ошириш учун элни сафарбар эта билиш зарур. Ким ҳақ, ким ноҳақ деб, үзаро тортишувдан фойда йўқ. Сиёсий можароларга чек қўйиш керак. Менимча, факат ягона платформа ишлаб чиқилган тақдирдагина бугунги қийин вазиятдан чиқиши мумкин.

Россия молия бозоридаги салбий аҳвол валютамиз курсига ва умуман биздаги мавжуд нарх-навога таъсир этадими? Очик айтишим керак: таъсир этади. Чунки Россия билан савдо, иқтисодий алоқаларимиз бор ва Россия бизнинг асосий ҳамкорларимиздан биридир. Лекин, аниқ айтишим мумкинки, бу танглик бизнинг иқтисодимизга катта таъсир қила олмайди. Бунинг сабаблари қуйидагича:

Биринчидан. Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган Россия банклари саноқли.

Иккинчидан. Россия банклари билан ўзаро тўлов муносабатларимиз эркин конвертация қилинадиган "қаттиқ" валюта асосига қурилган.

Учинчидан. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги товар айланиш ҳажми ташқи савдо обороти умумий ҳажмининг атиги 15-20 фоизини ташкил этади. Россиядан биз асосан нархи кескин ўзгармайдиган асбоб-ускуналар, дастгоҳлар, саноат-техник мақсадларга мұлжалланған буюмлар харид қиласиз.

Россиянинг тегишли идоралари, банклари билан биз бугун бу салбий таъсирнинг мумкин қадар кам бўлиши чораларини кўряпмиз.

Россия ўз валютаси ва молиявий тизими муаммоларини тезроқ бартараф этишидан биз манфаатдормиз ва Россия бу ишнинг уддасидан чиқишига ишонамиз. Шу борада Россияда Виктор Степанович Черномирдин бошчилигига янги ҳукумат тайин бўлаётганини ҳам бу фикрнинг исботи деб қабул қилишни истардим. В.С.Черномирдинни Ўзбекистон аҳли яхши танийди. Унинг фаолиятига омад ва муваффақиятлар тилаймиз.

Мұхтарам депутатлар!

Бугун жаҳон халқларининг бутун диққат-эътибори АфҚонистонга қаратилган. АфҚонистондаги воқеалар, айниқса, бизнинг мамлакатимиз фуқароларини ташвишлантиromoқда. Шу муносабат билан жанубий чегараларимиздаги аҳвол ҳақида қисқача ахборот бериб, хонадонимизда, умуман, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни саклашга доир фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Ўзингизга маълумки, кейинги пайтларда АфҚонистонда ва АфҚонистон атрофида ҳарбий-сиёсий вазият кескинлашди. "Толибон" ҳаракати вакиллари ташқи кучларнинг фаол ҳарбий, сиёсий ва молиявий ёрдамига таяниб, қисқа муддатларда АфҚонистон шимолидаги муҳим шаҳар ва қишлоқларни босиб олди.

Биродаркүшлик уруши бутун мамлакатга ёйилиб, бегуноҳ қон тўкилмоқда. АфҚонистон бугун амалда халқаро терроризм, диний экстремизм майдонига, жаҳон наркобизнеси марказига айланиб қолмоқда.

Вазият шундай таранглашди, эртага нима бўлишини олдиндан айтиш қийин. Зиддият назорат қилиб бўлмайдиган даражага етиб, қўшни давлатларга ҳам ўтиши мумкин. Уруш оловининг тафтини Ватанимиз чегараларида шундок сезиб турибмиз.

Мақсадлари, вазифалари ҳамда дастурий йұналиши бўйича "Толибон" ҳаракати жангари, ўта радикал диний ташкилотdir. "Толиблар" АфҚонистонда ҳокимиятни қўлга киритиш билан чекланмасдан, ўз мағкураларини қўшни мамлакатларга, энг аввало Марказий Осиё минтақасига ёйиш учун барча чора-тадбирларни кўришлари эҳтимолдан холи эмас.

Мана шундай интилишлар Марказий Осиёда барқарорликнинг издан чиқишига, АфҚонистон худудидан бу минтақага ҳар хил ақидапарастлар, экстремистлар, террорчиларнинг суқулиб киришига сабаб бўлиши мумкин. Тинч ҳаётимизга, барқарорлик, хавфсизликка путур етказиши мумкин бўлган шундай хавф борлигини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Айтиш керакки, воқеаларнинг бундай тус олиши биз учун янгилик эмас. Вазиятнинг жиддийлигини жаҳон афкор оммасига, аввало мухолиф кучларга етказиш йўлидаги саъй-харакатларимиз, тахмин ва хулосаларимиз, афсуски, тўғри бўлиб чиқди.

Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг тинчлик ва амалий ташабbusлари қўллаб-қувватланиб, биз таклиф этган механизмлар ишга солинганида эди, бугун жаҳон ҳамжамияти, Марказий Осиё минтақаси, бизнинг мамлакатимиз АфҚонистондаги уруш келтириб чиқарган хавфсизликка бўлган ҳақиқий таҳдидга рўбарў келмаган бўлар эди.

АфҚонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича Ўзбекистон позициясининг моҳияти нимадан иборат, бизнинг ташабbusларимиз нималарни кўзда тутади? Бу борадаги бизнинг қарашларимиз аниқ-равshan ва изчилдир.

Биз ўз қўшниларимиз билан, уларнинг сиёсий йўли, бу мамлакатлардаги мавжуд давлат қурилиши ва тузумидан қатъи назар, тинч ва барқарор муносабат ўрнатишга интиламиз. Чунки қўшни давлатлардаги тинчлик ва тотувлик, бизнинг сарҳадларимиздаги осойишталик барқарор, мустақил ва фаровон Ўзбекистон давлатини барпо этишга қаратилган ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.Faқат тинчлик ва тотувликкина заҳматкаш халқимиз етти йил мобайнида қўлга киритган мустақиллик самараларини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш имконини беради.

Бизнинг мамлакатимиз афҚон можаросини ҳал этиш бўйича аниқ ва равshan таклифларга эга. Биз бу ҳақда кўп маротаба гапирганмиз. Уларнинг асосий моҳияти нималардан иборат?

Биринчи. Музокаралар жараёни бошланишининг шарти сифатида барча жанговар харакатларни тўхтатиш. Можарога дахлдор бўлган барча томонлар олдиндан ҳеч қандай шарт ва талаблар қўймасдан, жафокаш афҚон халқи манфаатларидан келиб чиқиб, афҚонлароро мулоқотни бошлиш учун ўз сиёсий иродасини ва инсоний мардликларини намоён этишлари даркор. Ҳозирги мавжуд вазиятда бу боши берк кўчадан чиқиш йўлидаги энг мураккаб, лекин бирдан-бир зарур қадамдир.

Иккинчи. Ташқаридан таъсир ўтказишга, АфҚонистоннинг ички ишларига аралашибашга барҳам бериш. Ҳозир шундай вазият вужудга келди, муайян сабаблар натижасида АфҚонистон кўплаб ташқи кучларнинг бир-бирига зид манфаатлари тўқнашган мамлакатга айланиб қолди.

АфҚон гуруҳларини ташқаридан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга чек қўйилмас экан, бу жафокаш заминда тинчлик бўлмайди. Бунга менинг иймоним комил.

Учинчи. АфҚонистонга қурол-яроқ етказиб беришни қатъиян тақиқлаш. Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаёқ бу таклифни ўртага қўйган эди. Шундан буён ўтган тўрт йил давомида ана шу эмбарго механизмлари ишга солинганида, биз бугун танклар, артиллерия, ҳарбий авиация, ракеталар ва бошқа техника воситалари ишлатилаётган катта қўламдаги жанговар харакатларнинг гувоҳи бўлиб турармидик? Вайроналик келтирувчи турли қуроллар бу мамлакатга тобора катта миқдорда жўнатилмоқда. Аёнки, бугун АфҚонистонга қурол-яроқ етказиб бераётган кучлар ўз сиёсий мақсадларига эришиш билан бир қаторда, "Ўлим савдоси" орқали мўмай даромад билан чўнтакларини тўлдирмоқдалар.

Мен яқинда чегара шахримиз Термизда бўлганимда, хаёлимдан шундай оғир ўйлар кечди: шундок бир неча юз қадам нарида ўн минглаб бегуноҳ одамлар - болалар, аёллар, кексалар, ана шу ҳарбий техника ёрдамида қурбон бўлаётган мамлакат турибди. Одамлар уй-жойидан, пешона тери билан, жонини жабборга бериб топган бойлигидан маҳрум бўлмоқда.

АфҚонистонга қурол етказиб беришнинг яна бир хавфли, даҳшатли томони бор. У ҳам бўлса, унинг қўшни мамлакатларга ҳам ёйилиши, халқаро терроризм, уюшган жинояччилик ва диний экстремизм учун кулай шарт-шароит яратилишидир.

Тўртинчи. Мамлакатдаги барча миллий-этник ва ҳарбий-сиёсий гуруҳлар вакилларидан иборат ҳукumat тузиш. Кўп миллатли АфҚонистоннинг кўхна тарихи

шундан гувохлик берадики, барча этник гурухлар ва оз нуфузли миллатлар (пуштунлар, тожиклар, ўзбеклар, хазорийлар, туркманлар ва бошқалар)нинг манфаатлари ҳисобга олинмас экан, бу мамлакатда тинчлик бўлмайди.

Бешинчи. Тинчлик ўрнатиш жараёнида барча манфаатдор мамлакатлар, энг аввало АфҚонистонга қўшни давлатларнинг фаол иштирок этиши. Вазият таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бу мамлакатдаги можаро фақатгина афҚонларнинг муаммоси эмас. Можаронинг манба ва сабаблари ғоят чукур бўлиб, улар бу мамлакат жуҚрофий худудидан анча узоқдадир.

Шу боис, АфҚонистоннинг келгуси тақдири учун жаҳон ҳамжамиятининг масъулияти янада ортади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, можарони ҳал этиш борасида Ўзбекистон олға сурган таклифлар энг мақбул йўл бўлиб қолмоқда. Мен бу ўринда, аввало АфҚонистон билан бевосита чегарадош давлатлар, шунингдек Россия ва Америка Кўшма Штатларининг "6+2" шакли доирасида БМТ раҳнамолигидаги саъй-ҳаракатларини назарда тутмоқдаман.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, афҚон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган барча чора-тадбирлар фақат БМТ ҳомийлигида, манфаатдор халқаро ташкилотлар иштирокида ўтказилиши керак.

АфҚон муаммосини ҳал этиш борасидаги Ўзбекистоннинг қатъий позицияси ана шундан иборат. У ҳаммага маълум ва жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-кувватланмоқда.

Айни вақтда шундай кучлар ҳам борки, уларнинг узоқни кўзлаган Қаразли мақсадларини амалга оширишларида бу позиция тўсқинлик қилмоқда. Толибларнинг Самарқанд ва Бухорога юриши ҳақидаги гап-сўзлар ҳам шундан келиб чиқмоқда.

Мен бутун масъулиятни зиммамга олиб айтаманки, бунга ўхшаш миш-мишлардан мақсад - низо қўзғатишдан бошқа нарса эмас. Бундай кучлар қандай мақсадни кўзламоқда? Бу очик-равshan - Ўзбекистонга қарши агрессия билан бизни қўрқитиб, чегарамизда можаро чиқариш, бизнинг мамлакатимизни ҳам харбий ҳаракатларга жалб этиш, бошқариладиган можаро деб аталувчи вазиятни вужудга келтириш.

Бу борада нима дейиш мумкин? Биз ҳеч қачон низо чиқишига йўл қўймаслигимиз ва турли жанжалларга аралашмаслигимиз даркор. Куч ишлатмаслик, муаммоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилини қатъият ва изчиллик билан ҳимоя қилишимиз зарур.

Бундай уруш ҳалқимиз бошига қандай кулфат, азоб-уқубат келтириши мумкинлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ўзбекистон ҳалқи ҳаётимизнинг энг муҳим тамойилларига оғишмай амал қилиб келди ва бу йўлда қатъий туради. Бу йўл - тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик йўлидир. Барча қўшни мамлакатлар, барча давлатлар билан амалий ҳамкорлик йўлидир.

Биз - тинчлик тарафдоримиз. Лекин, ўз сарҳадларимизни мустаҳкамламасдан, жанговар қобилияти юқори, замонавий қуроллар билан жиҳозланган, ҳар қандай босқинчининг ақлини киритиб қўйишга қодир қуролли кучларсиз тинчлик, осойишталик ва Ватанимиз хавфсизлигини сақлаб туриш мумкин эмас. Сизни ишонтириб айтаманки, биз бу масалага тегишли барча зарур чора-тадбирларни кўрмоқдамиз. Яқинда Термиз шаҳрига ташриф чоҚида яна бир карра ишонч ҳосил қилдимки, бизнинг армиямиз, бизнинг чегарачиларимиз ҳеч бир соҳада ҳеч кимдан кам эмас. Улар Ватанимиз сарҳадларини ишончли ҳимоя қилишга, ҳалқимизни ҳар қандай қуролли ҳужумдан асраршга қодир. Мен Термизда, мамлакатимизнинг бошқа жойларида оддий одамлар билан учрашиб, яна шу нарсага амин бўлдимки, бизнинг ҳар қандай босқинчиликка, ҳар қандай бузҚунчиликка қарши қудратли ва ишончли қуролимиз бор. Бу - ҳалқимизнинг бирлиги, жипслигидир. Унинг эркин, мустақил ва фаровон давлат барпо этишга, керак бўлса, уни фидокорона ҳимоя этишга азму қарор қилганидир. Энди Тожикистон масаласига тўхтальсак. Бу борада ҳам бизнинг позициямиз аниқ ва равshan. Биз бу мамлакатда бошланган тинчлик жараёнини тўла қўллаб-кувватлаймиз. Мен қатъият билан таъкидлайман: жафокаш Тожикистон заминида масаланинг сиёсий ечимини топиш,

музокаралар жараёни орқалигина тинчликка эришиш мумкин. Бошқа йўл йўқ. Фақат Тожикистон халқигина ўз манфаатларидан келиб чиқиб, ўз муаммоларини, ўз тақдирини ҳал этиши, мамлакатнинг тинч ҳаёти ва фаровонлигини таъминлаши мумкин.

Биз Имомали Раҳмонов ҳукуматининг тинчлик жараёнини давом эттириш борасидаги ишларини қўллаб-қувватлаймиз. Минг йиллар давомида тожиклар билан энг яқин қўшни бўлиб яшаб келамиз. Қардошлиқ бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Асрий муносабатларимизни юксак қадрлаймиз. Қатъий айтаманки, ана шу муносабатларимиз янада барқарор ва мустаҳкам бўлиши учун зарур бўлган ҳамма ишни қиласиз.

Умуман Марказий Осиё минтақаси хақида. Биз Қозигистон, Қирғизистон, Туркманистон билан муносабатларимизни юқори баҳолаймиз. Бу қўшниларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга мухим аҳамият берамиз. Бу борада қўшниларимиз ҳам шундай фикрда эканига ишонаман.

Шу билан бирга, айрим кучлар борки, бизнинг ҳамкорлигимиз ва бирлигимиз уларнинг геополитика, яъни катта сиёsat деб аталувчи андоза ва қолипларига сира мос тушмаяпти. Биз ўз халқларимизнинг юксак манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда ҳеч қачон бундай кучларнинг таъсирига берилмаслигимиз керак.

Ҳурматли депутатлар!

Сиз, халқ вакиллари, халқимизнинг, Ўзбекистонимиз - азиз Ватанимизнинг тинчлик ва барқарорлигини таъминлашда, унинг чегаралари дахлсизлигини сақлаш йўлида, ислоҳотлар орқали событқадамлик билан ривожлантириш йўлида Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган сиёsatни қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонч билдиришга руҳсат бергайсиз.

Биринчи чақириқ  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг  
ўн иккинчи сессиясидаги маъруза,  
1998 йил 28 август

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ  
ЕТТИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН  
ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА  
СЎЗЛАНГАН ТАБРИК НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам мөхмонлар!

Барчангизни мустақиллигимизнинг етти йиллик шодиёнаси - халқимизнинг Миллий байрами билан самимий муборакбод этаман.

Дарҳақиқат, мустақиллик байрами Ўзбекистон аталмиш гўзал ва қадими, бетакрор ва табаррук заминда яшаётган ҳар қайси инсон учун, Ватанимизнинг ҳар бир фарзанди учун энг азиз, энг улуғ байрамга айланиб қолди.

Етти йил давомида амалга оширган ишларимиз бамисоли етмиш йилга тенглашиб, мамлакатимиз қиёфасини, юртимиз жамолини бутунлай ўзгартириб юборди.

Етти йиллик босиб ўтилган йўлимизга, янги тарихимизга назар ташлар эканмиз, мана шу даврда ҳаётимизда қандай ўзгаришлар рўй бергани, нималарга эришганимиз ҳақида сарҳисоб қиласар эканмиз:

- аввало, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимиздаги ислоҳотлар ва янгиланишлар орқага қайтмайдиган тус олганини тўлиқ ишонч билан айтишга ҳаққимиз бор;

- истиқлол туфайли тобора обод бўлиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз, қад ростлаётган янги-янги замонавий корхоналар, маданий-маиший иншоотлар, кўприклар ва йўллар, бир сўз билан айтганда, иқтисодимизнинг тобора ўсиб мустаҳкам бўлаётганига, давлатимизнинг салоҳияти, куч-қудрати юксалаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз;

- ҳалқаро ҳамжамиятда ва жаҳон бозорида мамлакатимиз ўрни, обрў-эътибори ва нуфузи ошиб бораётганини катта мамнуният ва ифтихор билан тан оламиз;

- энг муҳими, одамларимизнинг дунёқараши ва тафаккури, маънавий қиёфаси ўзгараётгани, ўзлигини англаб бораётгани, жамиятимизда ахиллик, мурувват, меҳр-оқибат каби олижаноб фазилатлар, эл-юртимизда тинчлик ва барқарорлик хукм суроётганини, эртанги кунга ишончимиз кучаяётганини таъкидлаймиз.

Бир сўз билан айтганда, етти йил давомида биз келажагимиз пойдеворини қўйдик, истиқлол дарахтининг чукур илдиз отишига, фарзандларимиз баҳт-саодати йўлида эркин ва фаровон турмуш барпо этишга замин яратдик.

Буларнинг барчасини Худонинг ўзи меҳнатсевар ва фидойи халқимизга инъом этган бебаҳо неъмати деб қабул қиласиз ва Яратганимизга чексиз шуқроналар билдирамиз. Халқимизда "Етти қиш, етти ёзни омон ўтказган иморат асрлар бўйи салобат тўкиб туради", деган ҳикмат бор. Бугун Ўзбекистоннинг заҳматкаш ва бунёдкор ҳалқи барпо этаётган мустақиллик иморати ҳам ана шундай мустаҳкам ва мангуликка даҳлдор бўлиб қолажак, иншооллоҳ.

Азиз ва мухтарам юртдошлар!

Барчамиз яхши биламизки, ўтган йиллар давомида эришган ютуқларимиз осонликча бўлмади. Етти йиллик янги тарих бизни ҳақиқий миллат сифатида имтихон қилди, сабот ва иродамизни синади.

Йўлимизда дуч келган машаққатли синов ва тўфонларни ягона ҳалқ бўлиб, яхши-ёмон кунларда қийинчиликларга бардош бериб, бир-биримизга суюниб, ҳамжиҳатликда енгиб ўтдик.

Биз бугун яхши биламизки, олдимизда турган вазифалар ва муаммоларни ечиш, одамларнинг эҳтиёжларини қондириш, уларни рози қилиш учун ҳали қўп-кўп меҳнат қилишимиз даркор.

Агарки мендан олиб бораётган сиёсатимизнинг энг долзарб, энг устувор вазифаси нимадан иборат, деб сўрашса, мен шундай жавоб берардим:

Энг аввало - ҳалқиминг омонлиги ва фаровонлиги, обод Ватанда эркин ва озод ҳаёт кечириши. Бу вазифанинг нақадар мураккаб ва оғирлигини холисона тасаввур қилиб,

танлаган йўлимииздан қайтмасдан, ислоҳотлар маъно-моҳиятини теран англаб, бир ёқадан бош чиқариб, бошлаган ишимизни охирига етказишимиз даркор.

Биринчилар қаторида мулк масаласини оқилона ҳал этиш, ҳақиқий мулк эгаларининг йўлини очиб бериб, уларнинг жамиятдаги нуфузини оширишга қаратилган сиёсатни изчили давом эттириш зарур.

Тараққиётимизнинг яна бир муҳим шарти - ҳаётимизда сақланиб келаётган эски замон асорат-иллатларидан тезроқ ҳалос бўлишдан иборат.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Шу заминда яшаётган ҳар қайси оила, ота-она учун, жамиятимиз ва давлатимиз учун энг катта ишонч-таянчимиз, суюнчимиз - ўсиб келаётган ёш авлод, севимли фарзандларимиздир.

Ёшларимизнинг билимга чанқоқлиги, мутелик ва қуллик асоратидан бутунлай озод экани бизни чексиз қувонтиради.

Бизнинг муқаддас бурчимиз - жондан азиз болаларимизга замон талаблари даражасида билим бериш, уларни ҳақиқий ватанпарвар ва юртпарвар этиб тарбиялаш, вояга етказишидир.

Бугун эркин, барқарор ва фаровон ҳаёт қуришни истар эканмиз, бунинг энг муҳим, энг зарур гарови - юртимиз хавфсизлигини, чегараларимизнинг дахлсизлигини, кўпмиллатли Ўзбекистон фуқароларининг тотувлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдир.

Бизга яқин қўшни бўлган ўлкаларда авж олган сиёсий бекарорлик, ўзаро адват, ижтимоий ларзалар, биродаркушлик урушлари, афсуски, барҳам топганича йўқ.

Атрофимизда бизга ҳавас билан қарайдиганлар билан бирга, ҳасад кўзини тикиб турганлар ҳам йўқ эмас. Бундай вазият барчамизни доимо огоҳ, сезгир ва хушёр бўлишга, ягона уйимиз, қўрҚонимиз, муқаддас оиласиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг куч-кудратини мустаҳкамлашга даъват этади, фидойиликка чорлайди.

Азиз ватандошларим!

Мана шундай ҳаяжонли дамларда одамнинг кўнгли беихтиёр шеър ёки қўшиқقا тўлиб кетади. Минг афсуски, мен шоир ёки қўшиқчи эмасман.

Агар Тангри таоло менга шундай истеъодод берганида эди, барчангизга, азиз дўйстларим, қадрдонларим, шеърлар битган, қўшиқлар бағишлаган бўлардим. Лекин мен шу гўзал ва мўътабар оқшомда қалбимдаги энг самимий, энг эзгу туйғуларимни изҳор қилишим, айтишим зарур:

- Мен ҳаммангизни севаман! ҲАМмангизга соғлиқ-омонлик, баҳту саодат тилайман!
- Мустақиллигимиз мангу яшасин!
- Эл-юртимиз омон бўлсин!

- Бугунимиз ва эртамизни Аллоҳнинг ўзи ёмон кўзлардан, бало-қазолардан, оғат ва фалокатлардан асрасин, эзгу ишларимизда мададкор бўлсин!

1998 йил 31 август

ЕВРОПА - КАВКАЗ - ОСИЁ (ТРАСЕКА)  
ТРАНСПОРТ ТАРМОГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШГА БАГИШЛАНГАН  
ХАЛҚАРО АНЖУМАНДА  
СҮЗЛАНГАН НУТҚ

Мұхтарам раис жаноблари!  
Хүрматли давлат ва хукumat раҳбарлари!  
Хонимлар ва жаноблар!

ТРАСЕКА дастури доирасида "Буюк Ипак йўлини тиклаш" бўйича халқаро анжуманин юксак савияда ташкил қилгани учун авваламбор Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиевга, Европа ҲАМжамияти Комиссияси раҳбариятига чин дилдан миннатдорлик изҳор этишга рухсат бергайсизлар.

Биз Европа - Кавказ - Осиё йўлагини ривожлантириш бўйича халқаро транспорт тўғрисидаги Асосий кўп томонлама Битимнинг асосий бандларини ҳамда унга халқаро автомобил ва темирйўл транспорти, кемада юқ ташиш, божхона хизмати, ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича техник иловаларни қўллаб-куватлаймиз.

Мазкур ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, хусусан, Ҳукumatлараро комиссия тузиш, барча турдаги транспорт воситаларида товар ва йўловчиларнинг иштирокчи мамлакатлар ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракат қилишини, ҳаракат хавфсизлиги ва юкларнинг дахлсизлигини таъминлаш, транспорт соҳасида божхона хизмати ва ҳуқуқий меъёрларнинг мувофиқлаштирилиши давлатларимиз учун ўта мухим бўлган трансмиллий транспорт йўлагини барпо этилишига янги туртки беради, деб хисоблаймиз.

Биз ташкил этилаётган доимий Котибиятнинг Боку шахрида фаолият олиб боришини тўла маъқуллаймиз. Ўйлаймизки, бу ташкилот ТРАСЕКА дастурини амалга оширишда иштирок этаётган барча давлатларнинг саъй-харакатларини самарали тарзда мувофиқлаштиради, кундалик муаммоларнинг жадал ҳал этилишини таъминлайди. Биз, шунингдек, ТРАСЕКА банкини тузиш ҳақидаги Фояни ҳам маъқуллаймиз. Биз бу банкни ТРАСЕКА йўл тармоғини таъмирлаш ва ривожлантиришга қаратилган муайян инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун молиявий маблағ топиш ва жалб қилишнинг энг самарали механизми деб биламиз.

Хонимлар ва жаноблар!

Гап Буюк Ипак йўлини тиклаш ҳақида борар экан,

ТРАСЕКА дастурини амалга ошириш биз учун ҳаётий эҳтиёж эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу йўл 2000 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида Шарқ билан ҲАРбни савдо-иктисодий ришталари билан боғлади. Мазкур минтақада яшовчи халқларнинг маданий-маънавий алоқаларини мустаҳкамлади.

Ипак йўлини тиклаш Фояси айрим шахслар фаолиятининг маҳсули эмас, балки, бу - ҳаётий заруратдир. Дунё тараққиёти талаблари шуни тақозо этмоқда.

Қадим-қадим замонлардаёқ ҳаёт кишиларни фақатгина савдо-сотиқ учун эмас, иктисодий, маданий ва маънавий алоқаларни мустаҳкамлаш учун ҳам энг яқин йўлларни излашга мажбур этган.

Бугун дунёвий жараёнлар глобаллашаётган, турли давлатлар ва бутун-бутун минтақаларнинг ўзаро интеграциялашув жараёнлари тезлашаётган бир даврда Европа ва Осиёни боғловчи кўприкни тиклаш ташабbusи табиий ҳолдир.

1996 йили Озарбайжон Республикаси Грузия, Туркманистон ва Ўзбекистон республикалари ўртасида Транскавказ коммуникация йўлагини барпо қилиш ҳақида имзоланган Сарахс Шартномаси ва Битими мазкур йўналишни тиклашда асосий босқичлардан бири бўлди.

Орадан ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Мазкур лойиҳанинг асосий шартлари ва талаблари эса бугунги қунда Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро ташкилотлар шафелиги остида ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Агар Ўзбекистоннинг Транскавказ йўлагидан олиб ўтилган экспорт-импорт юклари ҳажми 1996 йилда 140 минг, 1997 йилда 285 минг тоннани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида бу кўрсаткич 240 минг тоннадан ошиб кетди. Ушбу йўл очилгандан буён биргина Ўзбекистон билан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик доирасида 470 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги 660 минг тонна ҳаётйи муҳим юклар ташилди.

Бугун ушбу лойиҳанинг амалга оширилишидан асосий манфаатдорлигимиз нималарда кўринади?

Биринчи. Ўзбекистон ва бошқа катор Марказий Осиё давлатлари бевосита денгиз коммуникацияларига олиб чиқадиган йўллар йўқ бўлган шароитнинг нақадар мураккаб эканини чуқур ҳис қиласди. Кўпинча экспорт ва импорт қилинадиган маҳсулотларнинг йўл харажатлари маҳсулотнинг ўзидан ҳам қимматга тушиб кетади. Бу экспортни иқтисодий жиҳатдан фойдасиз, ҳаётйи муҳим маҳсулотлар импортини эса қимматлаштириб кўймоқда.

Шу сабабли ҳам мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши денгиз йўлига эга бўлмаган мамлакатлар қаршисида Трансевропа ва Трансосиё транспорт тармоқлари билан боғланиш учун муқобил ва барқарор имконият очади. Айни вақтда у айланма йўлларни қисқартириш ҳисобига лойиҳа иштирокчилари бўлган мамлакатлар ўртасидаги экспорт алоқаларини ва ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш юзасидан ҳам янги истиқболлар очади.

Иккинчи. Лойиҳанинг амалга оширилиши ўз маҳсулотларининг Кавказорти ва Марказий Осиёнинг улкан бозорларига кириб келишини, мазкур минтақаларда ўз таъсирининг кучайишини истайдиган Европа мамлакатлари учун ҳам бирдек манфаатлидир. Лойиҳанинг асосий ютуғи ва жозибали жиҳати ҳам ана шундадир.

Шу боис ҳам биз айrim сиёсий кучларнинг ўз геополитик ва стратегик манфаатларидан, баъзан эса майда манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда, дунёning сиёсий харитасини қайтадан тақсимлаш, Евроосиё маконида, Кавказ ва Марказий Осиё минтақаларида кучларнинг янги тартибини ўрнатиш лозимлиги ҳақидаги турли хил даъволарини мутлақо номақбул, деб ҳисоблаймиз.

Мен яна бир бор таъкидлашни истардим. Ўзбекистон сингари мамлакатлар учун улкан Марказий Осиё худудини анклав, яъни ёпиқ ҳолатидан чиқариш, унинг Европа ва жаҳон бозорлари билан алоқаларини ўрнатиш масаласини ҳал этишда бу энг мақбул ва мақсадга мувофиқ йўлдир.

Учинчи. Биз ТРАСЕКА лойиҳасини ҳаракатга келтириш орқали ҳамкорларимиз, энг аввало, Қирғизистон ва Хитой билан фаол иш олиб борилаётган бошқа бир қатор лойиҳаларни ҳам амалга оширишни кўзда тутамиз. Мен Фарғона водийини Хитойнинг шарқий вилоятлари билан боғлайдиган йўлни қуриш ва унинг мавжуд қисмларини таъмирлашни назарда тутаяпман. Бу ҳакда Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев ҳам гапириб ўтди.

Тошкент - Андижон - Ўш - Қашғар шаҳарларидан ўтадиган бу транспорт йўналиши Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитойни транспорт коммуникациялари билан боғлабгина қолмай, тарихан шаклланган Буюк Ипак йўлининг ҳам узвий бир қисми ҳисобланади. У Европани улкан Тинч океани ва Жануби-Шарқий Осиё минтақалари билан боғлайдиган энг яқин йўлдир.

Тўртинчи. Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлагининг барпо этилиши минтақалараро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, шу йўналишдаги мамлакатлар иқтисодиётини жонлантириш, бу мамлакатларда яшаётган одамларнинг иш билан бандлик даражаси ҳамда турмуш фаровонлигини оширишда янги истиқболлар очади.

Яна шуниси муҳимки, бундай оламшумул лойиҳанинг амалга оширилиши - Миллатлараро ва давлатлараро муаммоларни ҳал этишнинг яна бир самарали йўлидир. Арманистон Бош вазири Армен Дарбиняннинг мазкур анжуманда иштирок этиши бу фикримизнинг яққол исботидир.

Биз шунга аминмизки, мураккаб этник ва миллий қарама-қаршиликларнинг ёнимини топишнинг, минтақамизда авж олаётган можаро ва зиддиятларга барҳам беришнинг ягона асоси, керак бўлса, қалити, фақат иқтисодиёт, яна бир бор иқтисодиётдир.

Бунинг сири ҳаммага аён. Трансмиллий транспорт йўлининг ишга тушиши, шакшубҳасиз, иштирокчи мамлакатларнинг барқарорлашуви ва иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир ўтказади. Бу билан эса, кўпчилик фикримга қўшилса керак деб ўйлайман, тинчлик ва барқарорлик келади.

Хурматли анжуман қатнашчилари!

ТРАСЕКА дастурини амалга ошириш борасида ҳали кўп меҳнат талаб қиладиган муаммолар ҳам бор, албатта.

Бу аввало, юк ташишдаги тўсиқларга барҳам бериш, мамлакатларимиз ўртасидаги божхона ва транзит қоидаларини халқаро талабларга мувофиқ ҳолга келтириш билан боғлиқdir. Халқаро юк ташиш талабларига жавоб берадиган тарзда поезд составларини тузишда ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро юк ташишнинг ҳукукий ва ташкилий шартшароитларини ўзаро яқинлаштириш ҳам ана шу муаммолар сирасига киради.

Портларни, магистрал темир йўлларини таъмирлаш, янги инфратузилмаларни барпо этиш зарур. Яна шуниси муҳимки, лойиҳанинг технологик қисми деб аталган ишларни бажариш учун молиявий имкониятларни қидириб топиш ва уларни бош мақсад сари йўналтириш даркор.

Бундан ташқари, муваффакиятнинг сиёсий шарти ҳам бор. Мазкур йўл ўтадиган мамлакатлар раҳбарлари ўз сиёсий иродаларини, айрим масалалар бўйича бир-бирига мос келмайдиган манфаатларини ягона стратегик мақсадга бўйсундира олиш қобилиятларини намойиш этишлари керак.

Мана шу вазифа бугунги кунда якуний мақсадга эришишнинг марказий, энг принципиал шарти бўлиб турибди, десам, асло хато қилмайман.

Ўйлайманки, мазкур конференция қатнашчилари бўлган барча мамлакатларнинг раҳбарлари ва вакиллари ҳам муҳокама этилаётган лойиҳаларнинг муҳим ҳаётий аҳамиятини чукур тушунадилар ва уларни тезда рўёбга чиқариш борасида ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қиладилар.

Раис жаноблари!

Менимча, принципиал аҳамиятга эга бўлган яна бир муаммони эътиборингизга ҳавола этмоқчиман. Кавказ минтақаси, айтган бўлардимки, Европа - Кавказ - Осиёни бирлаштирадиган ТРАСЕКА лойиҳасини амалга оширишда ўта муҳим ўрин тутади.

Кавказ минтақаси Европадаги ривожланган мамлакатларни Марказий Осиё, умуман Осиё минтақаси билан боғлайдиган, яъни энг аввало ўзининг тежамкорлиги ва самарадорлиги билан эътиборни тортиши лозим бўлган муқобил транспорт коммуникацияларидан бирига айланадиган кўприк эканини унумаслигимиз керак.

Биз бу мақсадга эришиш йўлида барча ишни қилишимиз зарур.

Сўзимнинг ниҳоясида конференция ташкилотчиларига, Озарбойжон халқига самимий меҳмондўстлик учун яна бир карра чин қалбимдан миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Эътиборингиз учун ташаккур.

1998 йил 8 сентябрь, Боку

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КУБОГИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН БЕШИНЧИ ХАЛҚАРО ТЕННИС ТУРНИРИНИНГ ЁПИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Теннис бўйича Халқаро турнирнинг мухтарам иштирокчи ва ташкилотчилари!

Ҳурматли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун ўтказилган  
Бешинчи турнир ниҳоясига етди.

Бу турнир таркиби ва ташкил этилиши, унда жаҳондаги энг машхур спортчилар  
иштирок этгани Ўзбекистондагина эмас, юртимиздан ташқарида ҳам миллионлаб теннис  
мухлислари ва ишқибозлари хотирасида, шубҳасиз, ёрқин из ва ўчмас таассурот  
қолдирди, десам хато бўлмайди.

Бугун яқунланган мусобақа жаҳонда спортнинг бу чиройли ва қизиқарли турининг  
марказларидан бири бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мамлакатимиздаги барча  
теннис мухлислари учун ҳақиқий байрам бўлди.

Кескин курашлар билан ўтган етти кун ортда қолди. Биз шу кунлар давомида  
ўттиздан ортиқ мамлакатдан келиб, спортнинг бу мароқли тури мухлисларининг юксак  
хурмат ва меҳрини қозонган катта теннис усталарининг ажойиб ўйинини кўриш имконига  
эга бўлдик.

Буюк Британиялик Тим Хенман, россиялик Евгений Кафельников ва Марат Сафин,  
франциялик Седрик Пиолин ва Николас Эскуди, швейцариялик Марк Рассе, италиялик  
Стефано Пескосолидо ва Лауренце Тилеман, аргентиналик Гастон Этли, германиялик  
Карстен Браш, исландиялик Эвал Ран ва Харел Леви, Жанубий Африка Республикаси  
спортчиси Невилл Годвин, нидерландиялик Рож Вассен ва Синг Шалкен ҳамда бошқа  
кўплаб спортчилар шулар қаторига киради.

Уларнинг, Евгений Кафельников, Тим Хенман, Марк Рассе сингари кўпчилиги  
халқаро Тошкент турнирида анчадан бери иштирок этади ҳамда ўзбек халқининг қадрдон  
дўстларига айланиб қолган. Иштирокчилар орасида Ўзбекистонга биринчи марта келган  
ва ўзининг ажойиб ўйини билан бу турнирга, шубҳасиз, кўрк бағишлигар спорчилар ҳам  
бор. Мен Ўзбекистон Президенти Кубоги учун ўтказиладиган кейинги мусобақаларда  
уларнинг исмини такрор-такрор эшитамиз ҳамда уларнинг маҳоратидан завқ оламиз, деб  
умид қиласман.

Азиз дўстлар!

Бешинчи Тошкент халқаро турнири ташкилотчиларига, хусусан, қадрдон дўстимиз  
жаноб Сассон Какшурига, Кубок директори жаноб Ян Форманга ҳамда турнир  
супервайзери жаноб Том Барнсга мусобақанинг юксак даражада ташкил этилгани учун  
самимий миннатдорлик сўзларини айтишга ижозат бергайсиз.

Ажойиб ҳакамлик учун бош ҳакам Даниэл Геллея бошчилигидаги ҳакамлар  
бригадасига ҳам ташаккур изхор этаман.

Мана шу кунлар мобайнида мусобақани юксак савияда ўтказишда хизмат қилган,  
ўзининг кўзга ташланмас меҳнати билан уни катта байрам, катта томошага айлантирган  
барча-барчадан миннатдорман.

Азиз дўстлар!

Оммавий ахборот воситалари ва телевидение вакилларига ҳам самимий  
миннатдорлик сўзларини айтмасдан ўтломайман. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли  
Ўзбекистондагина эмас, юртимиздан ташқарида ҳам теннис мухлислари ва ишқибозлари  
ҳаяжонли мусобақалардан лаззатланиш, спорчиларнинг мардона курашини кузатиш  
имконига эга бўлди.

Турнир телевидение орқали жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатларига намойиш  
етилгани биз - ўзбекистонликларни беҳад қувонтиради.

Мана шу ажойиб залда ўтирган азиз томошабинларга, шу кунлар мобайнида турнир иштирокчиларини қўллаб-қувватлаган, улар билан бирга ҳаяжонланган, Қалабаларидан курсанд бўлган барча кишиларга ташаккур билдираман.

Ўзининг қалб ҳароратини мусобақа иштирокчилари билан баҳам кўрган, ўзбек ҳалқига хос кўнгли очиқлик, бағри кенглик ва ҳақиқий шарқона меҳмондўстликни намоён қилган барча фуқароларга ва тошкентликларга миннатдорлик билдираман.

Азиз дўстлар!

Мусобақа финалчилари, катта ракетканинг машҳур усталари Евгений Кафельников ва Тим Хенманн мардлиги, жасорати, ёрқин ва фидокорона ўйини учун қутлаш ҳамда уларга тасанно айтиш менга катта мамнуният баҳш этади. Улар, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ҳалқи ва барча спорт муҳлислирининг меҳрини қозонган.

Икки номдор тенисчининг бу ўйини мана шу залда ўтириб ҳамда телевизор экрани орқали томоша қилган барчага улкан мамнуният баҳш этганига ишончим комил.

Азиз дўстлар, сизларнинг номингиздан, миллионлаб тенис муҳлислири номидан мусобақа Қолиби Тим Хенманни табриклаш ҳамда унга бош соврин - кумуш "Президент Кубоги"ни топширишга ижозат бергайсиз.

Иккинчи финалчи Евгений Кафельниковни мардона кураши, юксак маҳорат ва чиройли ўйини билан самимий табриклайман ҳамда миннатдорлик туйғуларини изҳор этаман.

Мана шу залда ўтирганлардан яна бир бор ўрнидан туриб, Қолибни ҳамда мусобақанинг барча иштирокчиларини қутлашни илтимос қиласман. Уларга сиҳат-саломатлик, ҳалқаро тенис мусобақаларида омад ва янги-янги Қалабалар тилайман.

1998 йил 20 сентябрь

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУИНИНГ ОЧИЛИШИГА  
БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Бисмиллохир раҳмонир раҳим.

Ассалому алайкум, азиз ватандошларим!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун юртимиз ва халқимиз тарихида ўчмас из қолдирадиган муборак ва мунаvvар кундир.

Бугун улуғ аждодимиз И мом ал-Бухорий ҳазратларининг руҳини шод этиш, бобокалонимиз таваллуд топган муқаддас заминда ул зоти шарифнинг хотирасини ёд этиш кунидир.

Ўйлайманки, бу ерда йиҚилган жамоат, ал-Бухорийнинг мўътабар хокини зиёрат қилиш шарафига мұяссар бўлган мўмин-мусулмонлар, том маънода баҳтиёрдирлар.

Азиз дўстлар!

Бу каби тантаналарни ўтказишдан кўзланган ният ва мақсадларимиз ҳақида, муқаддас қадамжоларни обод қилишимиз сабаблари тўғрисида икки оқиз сўз айтишга ижозат бергайсизлар.

Энг аввало, бу ишларни амалга ошириш замирида савоб деган олижаноб тушунча ётади. Савоб - улуғ инсоний фазилат, юксак исломий қадриятлардан биридир. Менинг комил ишончим шуки, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак.

Савобли амаллар қилиш эса халқимизга хос азалий хислатдир.

Савобли ишларни қилган одамга, унинг элу юртига албатта Аллоҳнинг раҳматлари ёғилади. Муқаддас қуръоний оятда таъқидланганидек, "Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир". Биз эзгу ишларни қанча кўп қилсак, улуғ аждодларимизнинг иззатикромини жойига қўйсак, уларнинг табаррук номларини бутун дунёга тараннум этсак, Яратганимизнинг ўзи бизни бало-қазолардан асрайди, бизга куч-қудрат ато этади, йўлимизни очиб беради.

Азиз юртдошларим!

Бир муҳим саволга жавоб излаб кўрайлик: Аллоҳ таоло қайси юртда, қайси тупроқда мана шундай улуғ зотларни дунёга келтиради?

Парвардиgorи олам буюк зотларни Ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай юртлар эса ер юзида саноқли. Биз чексиз шукроналик билан айтамизки, она Ватанимиз Аллоҳнинг назари тушган ана шундай муқаддас диёрdir.

Юртнинг муқаддаслиги нима билан белгиланади?

Бутун умрини иймон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари макон топган замингина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупрок бўлиб қолаверади.

Қадрли дўстлар!

Нима учун биз келажагимизнинг ёруғ ва фаровон бўлишига қатъий ишонамиз?

Халқимизни, айниқса, ўсиб келаётган навқирон авлодимизни нега айнан шу эътиқод асосида тарбия этмоқдамиз?

Бу мураккаб ва қалтис замонда йўлимизда оғир синов ва тўсиклар дуч келганда, улар қаршисида чорасиз қолганда, мислсиз машакқатлар ҳолдан тойдирганда ҳам биз куч-қудратни қаердан оламиз?

Энг аввало Аллоҳ таолонинг бизга кўрсатаётган марҳаматидан оламиз.

Мана шундай вазиятларда бизга метин ирова, сабот-матонат баҳш этадиган буюк ва чексиз яна бир манба бор.

Бу манба - улуғ аждодларимизнинг қонимизда жўш ураётган азму шиҷоатидир.

Бу манба - ал-Бухорийдек мумтоз боболаримиз даҳосининг ҳаётбахш қурратидир.

Бу манба - уларнинг бизга ҳамиша мададкор бўладиган ўлмас руҳи поклариdir.

Ана шу ҳақиқат, ана шу эътиқод ватандошларимиз, азиз фарзандларимиз юрагига, онгу шуурига, тафаккурига тобора теран сингиб бормоқда.

Биз комил ишонч билан, Ўзбекистоннинг истиқоли бокий, истиқболи буюк, дер эканмиз, мана шундай мустаҳкам асосларга таянамиз.

Мұхтарам жамоат!

Қадрли меҳмонлар!

Биз мусулмон дунёсининг узвий қисмимиз. Тарихимизнинг энг фожиали, энг оғир даврларида ҳам, мустабид тузум чангалида бўлган пайтимизда ҳам, бизни динимиздан айиришга, унга хиёнат этишга мажбур қиласларидан ҳам ҳалқимиз ҳеч қачон ўз исломий эътиқодидан қайтмаган. Бошига қилич келганида ҳам ота-боболарининг муқаддас дини бўлмиш мусулмончиликка ҳамиша содик қолган.

Биз, шиори эзгулик бўлган бутун дунёдаги аҳли ислом қатори динимизни доимо пок ва соғ сақлашга интилиб келганимиз. Ва бу йўлдан асло қайтмаймиз. Шунинг учун ҳам динимиздан ҳар хил Қаразли ва нопок мақсадлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.

Мен илоҳий динимизнинг олижаноб интилишларимизга хизмат қиласларига, ҳайрли ишларимизда бизга мадад берадиган битмас-туганмас куч-қудрат манбаи бўлиб қолишига ишонаман.

Азиз биродарларим!

Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек ҳалқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-иiftihоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаётин том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас ирова, сўнмас эътиқод тимсолидир.

Олти буюк мұхаддиснинг иккинчиси ҳисобланган Имом Муслимнинг ал-Бухорийга қарата: "Эй, устозларнинг устози, мұхаддисларнинг сultonи, ҳадисларнинг табиби! Пойингизни ўпишга ижозат беринг!" дея қиласлар хитоби аҳли исломнинг улуғ бобомизга хурмат ва эътирофи нақадар юксаклигини кўрсатади.

Буюк ватандошимиз башариятга тенгиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу мероснинг гултожи - энг ишончли ҳадислар тўплами - "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ" ислом динида Куръони Каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбадир. Бутун дунё мусулмонларининг эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғидир.

Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва эзгулик йўлига чорлаб келмоқда.

Яратганимизга шукурлар бўлсинки, озодлигимиз шарофати билан ал-Бухорийдек улуғ аждодларимиз эл-юрт бағрига қайтмоқда. Алломанинг ўлмас мероси ҳар бир юртдошимиз хонадонига кириб, онгу тафаккуrimизни равшан этмоқда. Қалбларимизни иймон нури ва меҳр-оқибат туйғулари билан мусаффо этмоқда.

Мұхтарам биродарларим!

Биз эски тузум, эски мафкура зуКумидан ҳолос бўлгач, ўзлигимизни, қандай улуғ инсонларнинг авлоди эканимизни, қандай бой ва бетакрор маънавий мерос ворислари эканимизни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш йўлида тарихда из қолдирадиган кўпгина ҳайрли ишларни амалга оширидик.

Шулар қаторида озодлигимизнинг дастлабки йиллариданоқ биз Имом ал-Бухорий мақбарасини ул зотнинг шаън-шавкатига муносиб, ён-атрофи мунаввар гўшага, зиёратга келган мўмин-мусулмонларга руҳий-маънавий куч ато этадиган қадамжога айлантиришни ният қиласларига ишонаман.

Аллоҳнинг инояти билан эзгу ниятимиз ижобат бўлган шу қутлуқ кунда мен бу муazzзам ёдгорлик мажмуининг шунчаки зиёратгоҳ эмас, балки гўзал Ўзбекистонимизни бутун дунёга танитадиган, ёш авлодимизни эзгулик руҳида тарбиялайдиган, ҳар бир инсонни ҳаёт ва абадият ҳақида ўйлантирадиган азиз маскан бўлиб қолишига ишонаман.

Кейинги йилларда юртимизда қад ростлаётган мұхташам иморат ва иншоотларни бунёд қилишда миллий анъаналаримизга, меъморчилик санъатимизнинг ўзига хос ва ўзига

мос услуг ва нақшу зийнатларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз кўркига кўрк қўшадиган бундай бетакрор ва кўркам бинолар ҳар бир юртдошимизни мамнун этиши, юрагида Ўурур уйғотиши табиийдир.

Истиқлол даврида мана шундай лойиҳаларни тузиш ва амалга оширишда бош бўлиб турганимдан, шу олижаноб ишларга ҳисса қўшиш насиб этганидан кўпчилик қатори мен ҳам бениҳоя мамнунман. Айникса, ал-Бухорий мажмуи лойиҳасининг ташаббускори бўлганимдан, унинг шу шаклда, шу мазмунда барпо этилишида ҳиссам борлигидан умрим борича фахрланиб юраман.

Бу Аллоҳ таоло олдида, аждодлар руҳи олдида, халқим олдида менинг инсоний бурчим эди.

Бу кутлуҚ масканни бунёд этган усталаримизнинг меҳнати ҳар қанча таҳсинга арзиди. Бу улуғвор мажмуа Самарқанду Бухоро, Хиваю Тошкент, Андижону Наманганд, Шаҳрисабзу Кўқон ва МарҚилон шаҳарларидан, мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган фидои инсонлар меҳнатининг самарасидир.

Бир сўз билан айтганда, унинг бунёдкори бутун Ўзбекистондир.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу зиёратгоҳни обод қилишда жонбозлик кўрсатган қурувчиларга, кўли гул усталаримизга, мохир меъморларимизга, шу улуг обидага Қишишт қўйган, нақшу жило билан унга сайқал берган ҳар бир ватандошимизга, улуг бобомизга эҳтиром билдириб, узоқ-яқиндан юртимизга ташриф буюрган азиз меҳмонларга халқим номидан чексиз миннатдорлик изхор этаман.

Муҳтарам жамоат!

Маълумки, Ислом динининг бош Фояси - бу "Ла илаҳа иллаллоҳу Мухаммадун расулуллоҳ" калимасидир. Мана шу иймон калимасини рўйи заминдаги ҳар бир мусулмон қалбига сингдиришда ал-Бухорий бекиёс жасорат кўрсатди. Шу сабабли ҳам ул ҳазратнинг муборак номи абадул-абад инсоният хотирасидан ўчмагай, иншооллоҳ. Ушбу саодатли дамларда Имом ал-Бухорий бобомизнинг руҳи поклари шод бўлиб, қабрлари нури илоҳийга тўлган бўлсин!

Ул муборак зотнинг пойида дуогўй бўлиб турганларнинг, бутун халқимизнинг, жамики аҳли исломнинг хайрли ва савобли ишларида Раббимизнинг ўзи мададкор бўлсин!

1998 йил 23 октябрь

## АҲМАД АЛ-ФАРГОНИЙ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДА СҮЗЛАНГАН НУТҚ

Қадрли юртдошлар!

Азиз меҳмонлар!

Бугун юртимизнинг қадимий ва сўлим гўшаларидан бири Фарғонада муборак байрам. Кеча биз табаррук Самарқанд заминида ислом оламида юксак обрў-эътибор қозонган улуғ ватандошимиз, ҳадис илмининг султони, буюк аллома Имом ал-Бухорийнинг таваллуд тўйини ўтказиб, ғоят савобли ишни адо этдик.

Бугун эса халқимизнинг яна бир буюк ўҚлони, ўрта асрлар жаҳон илм-фани асосчиларидан бири, қомусий олим Аҳмад ал-Фарқонийнинг хотирасини ёд этиб турибмиз. Ушбу тарихий воқеалар бутун дунё илму маърифат, маънавият аҳлининг дикқат марказида бўлиб, эл-юртимиз обрў-эътиборини жаҳонга тараннум этмоқда.

Азиз юртдошлар!

Кишилик тараққиётига ўзининг ўчмас улушини кўшиб, мамлакатимиз шуҳратини оламга таратиб, тарих саҳифаларига абадул-абад муҳрланган Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий сингари улуғ сиймоларни етиштирган миллат ҳар қанча Ғуурланса арзиди.

Ўзбек диёрида парвариш топган минглаб алломаю адиблар, олиму мутафаккирлар қаторидан ўрин олган Бурҳониддин Марқиноний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Маҳдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Нодирабегим каби фозиллар дунёга келган Фарғона водийси ушбу ақидани яна бир бор тасдиқлайди. Зоро, бу маскан ҳам кўхна тарихимизда, давлатчилик, илму маърифат, маданият, меъморчилик анъаналаримиз тараққиётida беназир ўринга эга.

Азиз дўстлар!

Бир ҳақиқатни барчамиз англаб олишимиз зарур. Ўзбек заминида асрлар давомида фан ва маданиятнинг турли соҳаларида буюк истеъдодларнинг парвариш топгани бежиз эмас, албатта.

Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса, инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди.

Бунинг учун аввало асрий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий мухит мавжуд бўлмоғи керак. Миллатнинг табиатида, қонида, насл-насабида эзгулик ва маърифат сари интилиш мағқураси ва қонунияти жўш уриши лозим.

Бунинг учун, энг аввало, мана шу қадимий ва бетакрор юртга Аллоҳнинг назари ва эътибори тушиши керак.

Азиз дўстлар, биродарларим!

Аҳмад ал-Фарқоний таваллудининг 1200 йиллиги миллатимиз учун катта сиёсий ва маърифий аҳамиятга эга. Биз бу санани давлатчилигимиз ва илму маданиятимиз тарихини, мустабид тузум йилларида ноҳақ унтуилган буюк аждодларимизнинг муборак номларини қайта тиклашдек олижаноб ишнинг узвий бир қисми деб биламиз.

Аҳмад ал-Фарқонийнинг оламшумул мероси дунё маданияти ва маърифати хазиналаридан бири бўлиб, миллий салоҳиятимиз, миллий тафаккуrimиз кўлами ва кудратининг исботидир.

Аҳмад ал-Фарқоний кишилик тарихидаги илк Уйқониш даврининг энг забардаст ва ёрқин намояндаларидан бири, ўз замонаси фундаментал фан асосчиларидан эди.

Унинг мероси инсониятнинг янги илм чўққиларига кўтарилишига сабабчи бўлди, бутун маърифий дунё олимлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Фарғоналик бу фозил зотнинг "Астрономия асослари" номли шоҳ асари ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима этилган эди.

Европада китоб нашр этиш бошланган XV асрда эса бу асар Италияда, кейинчалик Германия, Франция, Голландия ва АҚШ каби мамлакатларда қайта-қайта чоп қилингани

унинг нақадар юксак аҳамиятга эгалигини кўрсатади. Инсон тафаккурининг бебаҳо маҳсули бўлган бу китоб асрлар давомида астрономия фани бўйича ўзига хос комус вазифасини ўтаган. Дунёнинг энг нуфузли дорилғунунларида ундан асосий дарслик сифатида фойдаланиб келинган.

Аҳмад ал-ФарҚонийнинг Ернинг шарсимон шаклга эгалиги борасидаги қарашларини орадан саккиз юз йил ўтиб амалда исботлаган машҳур сайёҳ Христофор Колумб, Ер меридианининг бир даражаси микдори ҳақидаги ал-ФарҚоний ҳисобларининг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилдим, деган дастхат қолдирган.

Бу эътироф бобокалонимиз, янада кенгроқ айтсам, миллатимиз илмий салоҳиятига берилган муносиб баҳодир.

Аҳмад ал-ФарҚонийнинг астрономия фани ривожидаги нуфузи шу қадар эдики, аллома бобомизнинг номи Ер куррасидагина эмас, самода ҳам абадий шуҳрат топди. Ўн олтинчи асрдаёқ Ойдаги қратерлардан бирига унинг номи берилган эди. Атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили нашр қилинган "Селенография" китобида Ойдаги қратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз - Аҳмад ал-ФарҚоний ва Мирзо Улугбек номи билан аталади.

**Муҳтарам дўстлар!**

Бугун озод юртимизда Аҳмад ал-ФарҚоний каби зотлар ёқиб кетган илм машъали янгитдан порлай бошлади. Биз ўсиб келаётган ёш авлод таълим-тарбиясини, уларнинг замонавий илғор билимларга эга бўлган ҳолда улуғ бобокалонларимиз меросига муносиб бўлишларини давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши, деб биламиз. Шу мақсадда мамлакатимизда ягона таълим-тарбия тизими маҳсус Миллий дастур асосида тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Минглаб фарзандларимиз юксак тараққий топган давлатлардаги энг нуфузли билим даргоҳларида таҳсил олаётгани, буюк аждодларимизнинг издошлари сифатида ақл-заковат, илмга чанқоқлик, тиришқоқлик намуналарини кўрсатаётгани жамиятимизнинг ёртанги куни янада ёруғ бўлишидан дарак беради.

Аҳмад ал-ФарҚонийга бағишлиланган тантаналар ўзлигимизни, қадр-қимматимизни, миллатимизнинг дунёда тутган ўрнини англаш йўлида яна бир муҳим воситадир. Айниқса, бу сананинг ЮНЕСКО қарори билан ҳалқаро миқёсда кенг нишонланиши Аҳмад ал-ФарҚоний илмий меросини ўрганиш борасидаги янги-янги тадқиқотларга асос бўлади, деб ишонаман.

Қадим Кубо тупроҚида бунёд этилган муҳташам ёдгорлик мажмуи, Аҳмад ал-ФарҚонийнинг қаршингизда қад кўтариб турган бу улуғвор ҳайкали ватандошларимизнинг улуғ бобокалонимизга ҳурмат-эҳтироми ҳамда эзгу мақсадларимиз рамзи бўлиб қолиши табиийдир.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, буюк аждодимиз хотирасини абадийлаштириш, кўхна Кубо шуҳратини тиклаш, Фарғона шаҳрини водий тароватига хос равишда обод этишда сидқидилдан меҳнат қилиб, бор маҳоратларини ишга солган қурувчиларга, меъморларга самимий миннатдорчилигимни билдиримоқчиман.

**Азиз юртдошлар!**

Бугун Аҳмад ал-ФарҚоний бобомизнинг тўйини нишонлар эканмиз, у қолдирган мероснинг оламшумул аҳамияти ҳақида сўзлар эканмиз, биз Фарғона заминига, Қува тупроҚига, шу ерда ўтган одамларнинг рухи олдида ва бугун яшаётган авлодлар қаршисида таъзим қиласиз.

Бу зотнинг шу ерда туғилгани, тарбия топиб вояга етгани бу юртни барчамиз учун янада азиз ва мукаррам қиласи.

Бу зот қаерда яшаган бўлмасин, хоҳ БаҚодда, хоҳ Дамашқда, хоҳ Қоҳирада ўз илмий кашфиётлари билан шуҳрат топган бўлмасин, ишонаманки, у ҳамиша туғилган юритини соғиниб яшаган. Она-Ватанининг муҳаббати ва соғинчини бир умр қалбида сақлаб юрган. Бу туйғу нафақат улуғ инсонларга, балки иймонли, диёнатли ҳар бир одамга хос хусусиятдир.

Мұхтарам ватандошларим!

Йиллар үтади, асрлар үтади, янги авлод дунёга келади, лекин бу зотнинг номи, буюк мероси халқымиз учун шон-шараф рамзи бўлиб агадул-абад сақланиб қолади.

Яна бир бор барчангизни бугунги қутлуқ тантана билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Аллоҳ таолодан ҳаммангизга омонлик-фаровонлик, эзгу ва хайрли ишларингизда мадад тилайман. Улуг бобомиз руҳи хонадонингизни нурафшон, қалбингизни мунаvvар этсин.

1998 йил 24 октябрь

**ЮНЕСКО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ  
155-СЕССИЯСИННИГ ЯКУНЛОВЧИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Хурматли Ижроия Кенгаши раиси!  
Муҳтарам Бош директор - Федерико Майор жаноблари!  
Хонимлар ва жаноблар!

ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якунловчи мажлисини Ўзбекистон пойттахтида ўтказиш ҳақидаги таклифимни қабул қилганингиз учун сизларга ҳурмат ва миннатдорлик изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлиайди.

Биз учун Тошкентда жаҳон фани ва маданиятининг атоқли намояндаларини, таниқли жамоат ва сиёsat арбобларини қутлаш катта кувонч ва шарафдир.

ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессияси якуний мажлисининг Ўзбекистон мазкур нуфузли халқаро ташкилотга тўла хуқуқли аъзо бўлганининг беш йиллиги санаси билан бир вақтга тўғри келгани диққатга сазовордир.

Ижроия Кенгаши мазкур сессиясининг "Жаҳон маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатлардаги фаолияти" мавзуида ўтказилаётганида ҳам муҳим рамзий маъно бор.

Шахсан Бош директор Федерико Майор жаноблари олға сурган жаҳон маданияти Фояси ЮНЕСКОнинг кўплаб аъзо мамлакатлардаги фаолиятида тўла равища рўёбга чиқди. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан янги минг йилликнинг биринчи йили - 2000 йилнинг "Халқаро жаҳон маданияти йили" деб эълон қилингани катта аҳамият касб этади.

Менинг назаримда, жаҳон маданияти Фояси XXI асрдаги умуминсоний тараққиёт фалсафасининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Бу Фоя ўтган асрларда ҳам кўп қиррали ва бетакрор инсоният цивилизацияси ривожининг ўзаги, юксак маънавият ва инсонпарварлик Фояларининг асоси бўлиб хизмат қилган.

Бу Фоя бугун ҳам дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш йўлида халқларни бирдамлик ва ҳамкорликка даъват этиши лозим. Мен умуминсоний қадриятлар ривожини ҳар бир халқ маданияти ва ўзига хослигининг ўзаро уйғунлашувида деб биламан. Маданиятларнинг шу тарздаги уйғунлашувигина умуминсоний маданият ва бутун цивилизациянинг гўзаллиги ва қадр-қимматини яратади. Зеро, умумий цивилизация турли халқларнинг маданиятларидан шаклланади.

Миллий ва дунё маданиятларининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ўсиб келаётган авлодни, замонавий ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи лозим.

Мен маданият ва маърифат дунёни жаҳолат ва ваҳшийликдан, диний ва миллий экстремизмдан, этник қарама-қаршилик, минтақавий можаро ва урушлардан сақлай олишига ишонаман.

Бутун дунёга машҳур рус ёзувчиси Достоевскийнинг "Дунёни гўзаллик кутқаради" деган машҳур иборасини бироз ўзгартириб, "Кириб келаётган XXI асрда дунёни маданият ва маънавият кутқаради" деб айтган бўлардим.

ЮНЕСКО шафелиги остида дунёдаги кўплаб мамлакат ва халқларнинг маданият ва инсонпарварлик Фояларини рўёбга чиқаришдаги кенг иштироки одамларни бирлаштиришга, уларни жипслаштиришга, дунёни янада барқарор ва хавфсиз қилишга имкон беради. Ушбу мавзу тинчлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши йўлида бизнинг асосий куролимиз бўлмоғи лозим.

Бу айрим минтақаларда миллатлараро ва диний қарама-қаршилик кучайиб бораётган, кўплаб хавф-хатарлар улкан миқёс касб этаётган ҳозирги даврда бағоят долзарбdir. Бизнинг бу мажлисимиз кўплаб минтақаларда диний, элатлараро ва миллатлараро муросасизлик асосидаги янгидан-янги қуролли можаролар давом этаётган ва авж олаётган бир шароитда ўтмоқда. Афғонистон ва Яқин Шарқда, Болқон ва Африкада бегуноҳ одамлар ҳалок бўлмоқда. Ҳақли равища башарият маданий меросига мансуб бўлган тарихий ёдгорликлар вайрон этилмоқда.

Буни, айниқса, биз, тоталитар тузум кишанларидан озод бўлган, демократик ўзгаришлар йўлига ўтган Марказий Осиё мамлакатлари чуқур хис этамиз.

Биз ядро қуролисиз яшаш тамойилларини эълон қиласр эканмиз, айрим қўшни мамлакатларнинг ядро қуролига эга бўлишга интилаётгани, бутун маърифатпарвар инсониятнинг эътиrozига қарамасдан оммавий қирғин қуролларини, жумладан, ядро қуролларини синашни давом эттираётгани бизда хавотир уйғотмаслиги мумкин эмас.

Ўзбекистон аҳолисида, айниқса, амалда халқаро террорчилик ва диний экстремизм полигонига, дунёвий наркобизнес марказига айланиб қолган АфҚонистонда рўй бераётган воқеалар қаттиқ ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

АфҚонистондаги урушнинг кенг қулоч ёйиш хавфи одатий тушунчадаги давлатлараро чегаралар бўлмаган Марказий Осиё минтақасида олдиндан кўриб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин. АфҚонистон ҳарбий-сиёсий танглик ўчоқи бўлибгина қолмасдан, айни пайтда қурол ва наркотик моддалар тарқатиш манбаи, террорчилар, диний экстремистларни тайёрлаш маркази ҳамдир.

Бу ерда жаҳон цивилизациясидан, умуминсоний қадриятлардан узилиб қолган, қўлидан фақат жанг қилиш келадиган бутун бир авлод вояга етди.

Бизнинг умумий цивилизациямизнинг ажralmas қисми бўлган бу кўхна заминдаги тарихий-маданий ёдгорликларга уруш туфайли етказилган заарни аниқлаш жуда қийин. Қачонлардир гуллаб-яшнаган водийлар сахрона, кўплаб шахарлар вайронага айлантирилди.

Мен шунга аминманки, жаҳон ҳамжамияти мамлакатларининг, биринчи навбатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаол иштироки, агар зарурат туғилса, мажбурий аралашувигина АфҚонистон фожиасини бартараф этиши, бу мамлакатнинг жафокаш халқига тинчлик ва барқарорликни қайтариб бериши мумкин.

Ён қўшнимиз Тожикистондаги олти йил мобайнода давом этаётган бекарорлик, қарама-қарши томонларнинг ярашиш жараёни секинлик билан кетаётгани бизни ташвишлантирумай қолмайди.

Минтақавий ва маҳаллий можаролар, диний экстремизм, террорчилик, наркобизнес, қурол ва психотроп моддалар савдоси, афсуски, нафақат бизнинг минтақада, балки бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликка, барқарорликка таҳдид солиб турибди.

Бу таҳдид йўлига тўсиқ қўйиш, шак-шубҳасиз, ЮНЕСКО мақсадларига мос тушади. Зеро, бу ташкилот Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг келажак авлодни "Бутун инсониятнинг интеллектуал ва ахлоқий бирдамлиги" йўли билан уруш даҳшатларидан халос этиш ниятидан келиб чиқсан ҳолда тузилган эди.

Шу муносабат билан ЮНЕСКОнинг МОСТ Халқаро дастури элатлараро можаролар ва урушларни бартараф этиш вазифалари билан боғлик ҳолда минтақада рўй бераётган сиёсий ўзгаришларни ўрганиш ва таҳлил этиш мақсадида Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни кучайтириши мақсадга мувофиқ кўринади.

Хонимлар ва жаноблар!

Биз миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклаш ва ривожлантиришга катта аҳамият берар эканмиз, миллий ўзликни англаш жаҳон маданияти Фояларидан, умуминсоний қадриятлардан узилмаслигини назарда тутамиз. Ўзбек халқининг тарихи ва маданияти умумбашарий цивилизациянинг таркибий ва ажralmas қисмидир.

Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга асраб-авайлаб мерос бўлиб келаётган тарихий ва маданий қадриятларини ва ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Фақат мустақиллик шарофати ўлароқ, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад ал-ФарҚоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Бурҳониддин МарҚиноний, Маҳдуми Аъзам Косоний каби кўплаб, нафақат бизнинг миллий маданиятимиз, балки бутун жаҳон цивилизацияси хазинасига салмоқли хисса қўшган буюк аждодларимизнинг номлари ва хайрли ишлари бутун бўй-басти билан намоён бўлди.

Биз ЮНЕСКО раҳбариятидан тарихий ёдгорликларимизни тиклаш, ўзбек халқига ўзининг ҳаққоний тарихини қайтариб бериш борасидаги ишларда кўмаги ва қўллаб-кувватлагани учун чин дилдан миннатдормиз.

Бунга 1996 йили ўзбек халқининг буюк фарзанди, атоқли давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишилаб Парижда ўтказилган "Темурийлар даврида фан, маданият ва маърифатнинг гуллаб-яшнаши" мавзуидаги ҳафталиқ ёрқин мисол бўла олади. Бу воқеа Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги тарихидаги муҳим боскич бўлиб қолди.

Мазкур сессиянинг ўтказилиши Шарқнинг икки буюк мутафаккири - Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарқоний юбилейлари давом этаётган кунларга тўғри келгани ҳам тасодиф эмас.

Қадимий Самарқандда ислом оламининг буюк мутафаккири, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишиланган тантаналар бўлиб ўтди.

Ҳазрат Имом ал-Бухорий нафакат ўзбек халқи, балки бутун ислом оламининг фахридир. Бу буюк инсоннинг ҳаёти том маънода илмий ва инсоний жасорат, сабит ирода намунаси, юксак эътиқод тимсолидир. Ислом оламида Куръони каримдан кейин энг ишончли манба саналган "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ" ҳадислар тўплами у зоти шариф башариятга қолдирган улкан мероснинг гултожидир. Бутун дунё мусулмонлари яқдиллик билан таъкидлашларича, инсоният яратган китоблар орасида энг буюги мана шу "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ"дир.

Қомусий олим Аҳмад ал-Фарқонийнинг 1200 йиллиги тантаналарини нишонлаш ўзлигимизни, қадриятларимизни англаш йўлидаги яна бир воқеа бўлди. Аҳмад ал-Фарқонийнинг оламшумул мероси жаҳон маданияти ва маърифатининг бебаҳо хазиналаридан биридир. Фарғоналиқ улуғ алломанинг "Астрономия асослари" номли буюк асари ўн иккинчи асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима қилинган эди. Кейинчалик бу асар Италия, Германия, Франция, Голландия, Америка Қўшма Штатларида бир неча марта нашр этилди. Буюк алломанинг хизматлари эътироф этилиб, Ойдаги кратерлардан бирига унинг муборак номи берилди.

ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор бошчилигидаги сиз муҳтарам Ижроия Кенгаши аъзоларининг бевосита ёрдамларингиз, қўллаб-кувватлашингиз шарофати билан биз учун муқаддас бу саналар халқаро миқёсда кенг нишонланди. Биз буни халқимизнинг тарихи, маданиятига хурмат-эътибор ифодаси, деб биламиз.

Айнан сизларнинг беқараз ёрдамларингиз, саъй-харакатларингиз натижаси ўлароқ, Тошкентда қадрдонимиз Майл Барри Лейн бошқараётган ЮНЕСКО ваколатхонаси очилди ва у самарали фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистондаги мазкур ваколатхона айни пайтда ЮНЕСКОнинг маданий масалалар бўйича Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси ҳам саналади. Шахсан Федерико Майор жанобларининг ташабbusлари билан ЮНЕСКОнинг диний ишлар бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси тузилганлигини, бу қўмитада Ўзбекистоннинг ҳам ўз вакили борлигини мамнуният билан таъкидламоқчиман.

ЮНЕСКОнинг бевосита васиийлиги остида, мутахассислари иштирокида 1997 йилнинг май ойида ўн иккинчи - халқаро Тошкент киноанжумани ҳамда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ўтказилди.

Бош конференциянинг 29-сессияси 1999 йилги тадбирлар рўйхатига "Шарқ тароналари" иккинчи халқаро мусиқа фестивалини ҳам кирифтгани ва бу анжуман Тошкентда ўтказилиши қувончимизга қувонч, илҳомимизга илҳом қўшади.

ЮНЕСКОнинг "Буюк Ипак йўли - мулоқот йўли" дастури натижаси ўлароқ, Самарқандда Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти ташкил этилди. Мазкур институт Марказий Осиё цивилизацияси тарихини ўрганиши, Марказий Осиё халқлари буюк тарихининг, Шарқ цивилизациясининг ҳали бизга номаълум саҳифаларини очиши, тараққиёт ва янгиланиш йўлига кирган Марказий Осиё давлатларида бугун кечеётган тарихий ўзгаришларни холис баҳолаб, авлодларга етказишга ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Ўз дастурларини амалга оширишда Ўзбекистонга алоҳида эътибор берадигани учун биз ЮНЕСКОдан беҳад миннатдормиз. Биргина мана шу жорий йилнинг ўзида ЮНЕСКО йўналиши бўйича Ўзбекистонда кўплаб халқаро ва минтақавий семинарлар ўтказилди. "Бизнес ва банк соҳасидаги янги технологиялар", Марказий Осиёда таълим тизими бюджетини режалаштириш лойиҳаси бўйича иккинчи йиғилиш, Марказий Осиё мамлакатлари ва Кавказда халқ оғзаки ижодини сақлаш, ногирон болаларни ўқитиш бўйича семинар, фундаментал фанларни ривожлантиришга бағишлиланган минтақавий анжуман ва бошқа қатор тадбирлар шулар жумласидандир.

Биз ЮНЕСКОнинг кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастуримиздаги иштирокини юксак баҳолаймиз. Бу обрўли халқаро ташкилот ёрдамида Республика "Устоз" жамғармаси қошида профессор ва ўқитувчилардан юқори малакали педагоглар тайёрлайдиган компьютер ўқув маркази ташкил этилди. ЮНЕСКОнинг Тошкент Давлат университетида физика ва астрономия, Самарқанд Архитектура-курилиш институтида маданий меросни асрар, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетида инсон хукуқлари, демократия ва бағрикенглик, Тошкент педагогика университетида ахлоқ ва фуқаролик таълими кафедралари тармоғини яратиш режалаштирилмоқда.

ЮНЕСКО раҳнамолигида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети қошида информатикани ривожлантириш маркази ташкил этилмоқда.

Маданият соҳасида ЮНЕСКОнинг Халқаро мусиқа кенгаши Миллий қўмиталари ҳамда ЮНЕСКОнинг музей ишлари бўйича халқаро қўмиталари ташкил этилган.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг халқаро илмий, маданий марказлар билан янада кенгроқ алоқа ўрнатиши учун янги имкониятлар ва қулай шарт-шароит яратади.

Ўзбекистоннинг санокли мамлакатлар қаторида ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши аъзолигига сайлангани бизга билдирилган катта ишончdir ва биз буни юксак қадрлаймиз.

Бу юксак ишончни оқлаш учун кўлнимиздан келган барча ишни қиласиз.

Муҳтарам Ижроия Кенгаши аъзолари!

Муҳтарам Раис жаноблари!

Ижозатингиз билан икки оқиз бизнинг ЮНЕСКО билан бундан кейинги ҳамкорлигимиз, муносабатларимизни ривожлантириш ва чукурлаштириш истиқболлари ҳақида тўхталиб ўтсам.

Биринчидан, биз ЮНЕСКО Бош конференцияси 29-сессиясининг Ипак йўлини ўрганиши давом эттириш ҳақидаги қарорини маъқуллаймиз ҳамда: "Шарқу ҲАРБ: Марказий Осиёда Халқаро мулоқот" лойиҳасида фаол иштирок этишга тайёр эканлигимизни билдирамиз. Мазкур лойиҳанинг амалга ошиши минтақамизда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишга хизмат қиласиз, деб қатъий ишонамиз.

Иккинчидан, биз ЮНЕСКОнинг "Умрбўйи таълим ҳамма учун" дастурида бундан кейин ҳам иштирок этишдан манфаатдор эканлигимизни маълум қилмоқчиман.

Мустақиллигимизнинг биринчи йиллариданоқ биз таълим тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор бердик. Айнан таълим миллий давлатчиликни барпо этиш, маънавий уйқониш, иқтисодий юксалиш йўлида пайдо бўладиган қийинчиликларни енгиб ўтишда одамларга мададкор бўлади.

Бу масала бугун ислоҳотларимизнинг энг мураккаб ва масъулиятли тамойили бўлиб турибди. Янги, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай ишни эплаб кетадиган етук малакали, дунёқараши кенг мутахассисларга биз бугун ҳар қадамда, ҳар дақиқада эҳтиёж сезиб турибмиз.

Ишончимиз комилки, таълим ва уни ислоҳ этишга сарфланган маблағ зое кетмайди, аксинча, жамиятимизни муваффақиятли ва изчили ислоҳ этиш учун қудратли, таъсирчан омил бўлади, пировардида "портлаш самараси"ни беради. Бизнинг бу масалага ёндашувимиз, стратегиямиз кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастуримизда аниқ-равшан баён этилган. Узоқ йилларга мўлжалланган бу дастур мактабгача, олий таълим ва ундан кейинги бутун ўқув жараёнини ислоҳ этиш, шунингдек, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш чора-тадбирларини қамраб олади.

Дастур жамият тараққиётининг замонавий талабларига, ҳалқаро андозаларга жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган. Янги таълим тузумининг ўзи эса мумкин қадар жаҳон тажрибаларига уйғунлашмоғи керак.

Шунинг учун биз тўққиз йиллик умумий мажбурий таълим билан ўрта маҳсус ўқув юртлари - академик лицейлар ҳамда профессионал коллежлардаги уч йиллик профессионал таълимни ўзида мужассам этган ўн икки йиллик таълим тажрибасини мақбул кўрдик. Янги таълим тизимининг асосий моҳияти шундаки, у, аввало узлуксиздир, бу тизимда таълим демократлашади, касб эркин танланади.

Биз ЮНЕСКОнинг Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ этиш мониторинги бўйича Осиё тараққиёт банки техник грантларини амалга оширишда мувофиқлаштирувчи этиб белгиланганини қўллаб-қувватлаймиз. Ҳалқаро андозаларга жавоб берадиган таълим стандартларини ишлаб чиқишида ҳам ЮНЕСКО биздан ёрдамини аямайди, деб ишонамиз.

Олий маълумот, илмий унвонлар, сертификатларнинг Европа мамлакатларида тан олинишини кафолатловчи ЮНЕСКО Конвенциясига Ўзбекистоннинг тезроқ қўшилиши биз учун ўта муҳим масаладир. ЮНЕСКО бу борада ҳам бизни қўллаб-қувватлашидан умидвормиз.

Мактаб, лицей, коллежларимизда ЮНЕСКОнинг мақсади, вазифалари ва аҳамиятини очиб берувчи маҳсус ўқув дастурлари ўқитилиши ҳақидаги таклиф бизга маъкул бўлганини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Зоро, тинчлик, адолат, умумбашарий тараққиёт Фояларини қарор топтиришда бу ҳалқаро ташкилотнинг хизмати ниҳоятда катталигига шак-шубҳа йўқ.

Биз асосий мақсади қўшма лойиҳалар орқали, тинчлик, демократия, бағрикенглик ва тотувлик Фояларини тарғиб этиш бўлган ЮНЕСКО ҳамкорлашган мактаблар рўйхатига киритиш учун ўрта мактабларимиз сонини янада қўпайтиришдан манфаатдормиз.

Учинчидан, ўзбек ҳалқининг умумбашарий тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк бобокалонлари, шунингдек, жаҳон тарихи ва маданиятининг дурдоналари саналган шаҳарларнинг тўйларини ЮНЕСКО билан биргаликда ўтказиш борасида сўнгги йилларда талай тажриба тўпладик.

Биз бу ҳамкорликни келгусида ҳам ривожлантиришдан манфаатдормиз. Бу эзгу ишларга ўз ҳалқимизга унинг тарихий хотирасини қайтариб бериш имкониятлари билан бир қаторда инсонпарварлик Фояларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида қараемиз.

Шу билан бирга, бундай таваллуд саналари фақат ўзбек ҳалқи учунгина эмас, балки бутун Марказий Осиё минтақасидаги ҳалқлар учун ҳам маданий ва тарихий аҳамиятга молик эканини назарда тутамиз. Бундай тадбирлар келажак авлодни тарбиялашда ҳам улкан аҳамият касб этади. Биз бундай маросимларни ўтказиш орқали ёшларимизни янги қадриятлар асосида тарбиялаймиз, уларнинг қалбига тарихий ўтмишга ҳурмат билан ёндашиш, уларни авайлаб-асраш, шу ҳалқقا мансублиги билан Ғуурланиш туйғуларини сингдирашимиз.

Шубҳасиз, 1999 йилда ЮНЕСКО шафелигига туркий ҳалқлар достони "Алпомиш"нинг минг йиллиги нишонланиши ҳам барча туркийзабон ҳалқлар учун улкан байрам бўлади.

Туркистон миниатюра мактабининг асосчиси, Шарқнинг беназир мусаввири Камолиддин Бехзоднинг 2000 йилда нишонланадиган 545 йиллик юбилейи ҳам дунё жамоатчилигига катта қизиқиши уйғотади, деб ўйлайман. Учинчи минг йиллик ибтидосида биз ҳозирги Ўзбекистон худудида қадимий цивилизациянинг, давлатчилик ва зардуштийлик даври динининг пайдо бўлиши ва ривожланиши нуқтаи назаридан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган, умуминсоният тараққиётида ёрқин из қолдирган икки шонли сананинг гувоҳи бўламиз. Бу Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги ҳамда Хоразмда яратилган зардуштийликнинг муқаддас китоби "Авесто" нинг 2700 йиллиги юбилейлариидир.

Умид қиласизки, ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши ва Баш Конференцияси бу саналарни нишонлаш борасидаги бизнинг ташаббусларимизни қўллаб-куватлади.

Тўртингидан, мен сизларнинг эътиборингизни бизнинг халқимиз мисолидаги ноёб воқеликка, қимматли тажрибага қаратмоқчи эдим. ЮНЕСКО ёрдамида бу ибратли тажрибани бутун дунёга намойиш этса арзийди. Бу - турли динга мансуб бўлган халқларнинг кўп миллатли давлат шароитида ҳам тинчлик ва тотувлиқда яшай олиши тажрибасидир.

Бу Яқин Шарқда ўн йиллар мобайнида турли миллат ва диний қарашибакиллари ўртасида муросасиз кураш тўхтамаётган, Болқон, Шимолий Ирландия, Шимолий Кавказ ва бошқа худудларда этник ва диний қарама-қаршилик минтақавий можароларнинг авж олишига манба бўлиб хизмат қилаётган ҳозирги замонда беқиёс аҳамиятга эга бўлур эди.

Айни вақтда инсоният тарихи турли миллат ва диний эътиқодга мансуб одамлар юз йиллар мобайнида бир оила каби иноқликда яшаганлари борасидаги мисолларни ҳам билади. Минг йиллар давомида турли-туман дин, маданият ва турмуш тарзига эга бўлган халқларнинг биргаликда яшаши ва ҳамкорлиги маркази бўлган Ўзбекистон бунинг инкор этиб бўлмайдиган тасдиқидир. Қадим замонлардан бу ерда мусулмончилик, насронийлик, яхудолик, буддийлик ва бошқа кўхна динлар нафақат бирга яшаган, балки бир-бирини тўлдирган, бойитган. Айнан шу заминда юз йиллар давомида дунё маданиятларининг катта миқёсдаги бир-бирини бойитиш жараёни рўй берган.

Ўзбекистонда турли диний оқим ва конфесияларнинг мавжудлиги ҳам шу билан изоҳланади. Мен фаҳр билан айтишим мумкинки, халқимизнинг бутун тарихи давомида ҳеч қандай диний низо, одамларни миллати ва диний мансублигига қараб айриш ҳоллари бўлмаган ва бунга биз ҳеч қачон йўл қўймаймиз.

Бизнинг юртимизда ҳеч қачон антисемитизм кўринишлари ҳам учрамаган. Аксинча, Бухоро яхудийлари ислом таълимотига салмоқли ҳисса қўшган, исломий маданиятнинг асосчиларидан бўлган ўзбеклар билан иноқликда яшаганлар.

Ўзбек халқи ўзининг бутун тарихи давомида, ҳаммавақт бошқа халқлар ва конфесиялар вакилларига нисбатан ўзининг хайриҳоҳлик ва ҳурмат билан ёндашишини намоён этиб келган.

Этник, маданий ва диний хайриҳоҳлик ва очиқ кўнгиллик ўзбек халқининг ўзига хос туқма фазилатларидан бирига айланган.

Ўйлайманки, турли диний эътиқод, конфесияларга мансуб кишиларнинг тинч-тотув яшашидан иборат бўлган бизнинг тажрибамизни миллатлараро, диний ва этник асосдаги турли-туман ички ва минтақавий можароларни бартараф этишда муваффакият билан кўллаш мумкин.

Бешинчидан, бизнинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлигимиз экологик муаммоларни ҳал этишда ҳам яхши самара бериши мумкин.

Бугун, XXI аср бўсақасида экологик хавфсизлик, инсон билан табиат муносабатларини тўғри йўлга солиш муаммолари ҳар қачонгидан ҳам долзарб масала бўлиб турибди. Зеро, бу муаммонинг ечилиши барча халқларнинг манфаатларига дахлдордир, жаҳон цивилизациясининг бугуни ва келажаги кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир.

Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачон миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, умуминсоният дардига айланди. Шу боисдан уни фақат халқаро ҳамкорлик асосидагина ҳал этиш мумкин.

Бунга инсоният тарихидаги энг катта экологик ва инсонлар ҳаётига дахлдор бўлган фожиалардан бири - Орол муаммоси ёрқин мисол бўла олади. Бир авлод кўз ўнгидан бутун бир денгизнинг ҳалокатга юз тутиши ҳали тарихда бўлмаган.

Орол фожиаси минтақавий муаммодан умумбашарий фожиа даражасига кўтарилиди. Унинг таъсири бугуннинг ўзидаёқ экологик ва биологик мутаносибликтнинг бузилишида, жуда катта ҳудуддаги аҳолининг генафондига хавф солаётганида яққол сезилмоқда.

Орол бўйида яшаётган аҳоли нафакат ўз ҳукуматлари томонидан бериладиган аниқ ва самарали ёрдамга, балки халқаро ташкилотлар, бутун дунё ҳамжамиятининг кўмагига муҳтождир.

Биз ЮНЕСКО Бош директорининг Орол денгизи муаммоси бўйича бу ташкилотнинг Халқаро илмий маслаҳат қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги қарорини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаймиз. Ишончим комилки, халқаро илмий ҳамжамиятнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари Орол денгизи ҳавzasидаги сув-экология муаммоларини ҳал этишга амалий таъсир қиласди.

Хонимлар ва жаноблар!

Биз ЮНЕСКО тимсолида энг муҳим инсонпарварлик масалаларининг ечимиға ижодий ёндашишда ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қиласиган ўзига хос, бетакрор халқаро ташкилотни кўрамиз. ЮНЕСКО маънавий уйҚониш йўлига кирган кўплаб мамлакатларга, жумладан, Ўзбекистонга ҳам халқаро маънавий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш учун, бутунжаҳон интеллектуал майдонида янада кенгроқ фаолият кўрсатиш учун имконият яратиб бераётган ташкилотдир. Мен Ижроия Кенгаши аъзо мамлакатларининг барча вакилларига бизнинг Ғоя ва таклифларимизни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаганлари учун миннатдорлик изҳор этаман.

Сизларнинг мазкур сессия доирасида муваффақиятли ва самарали ишлашингизни, шунингдек, саховатли, меҳмондўст ўзбек заминида ўтадиган кунларингиз кўнгилли ва фойдали бўлишини тилайман.

Азиз дўстлар!

Келажагимизнинг қандай бўлиши кўп жихатдан бугунга боғлиқдир. Учинчи минг йилликда яшаб, ижод қиласиган авлодлар бугун дунёга келмоқда, тарбия топмоқда. Уларнинг камолга етиши, келажаги қандай бўлиши бизу сизга, ҳаммамизга боғлиқ. Сайёрамизнинг эртаси, ҳар бир инсоннинг, ҳар бир халқ ва бутун бир миллатларнинг келажаги ҳам сиз билан бизга боғлиқ.

Бугунги дунёning моҳияти, шакл-шамойили шундай. Дунёдаги барча ташвиш ва умидларимиз ҳам шунга хос. Чин дилдан барча эзгу орзуларимиз рўёбга чиқишини тилайман.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

1998 йил 6 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИГА ЮНЕСКО МЕДАЛИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДА  
СЎЗЛАНГАН НУТҚ

Муҳтарам Бош директор Федерико Майор жаноблари!

Муҳтарам раис!

Муҳтарам Ижроия Кенгаши аъзолари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало мени ЮНЕСКОнинг юксак мукофоти - халқаро Абу Али ибн Сино олтин медали билан тақдирлагани учун ЮНЕСКОга чексиз миннатдорлик изҳор этишга рухсат бергайсиз. Ушбу медалнинг орадан минг йиллар ўтса ҳам Шарқу ҲАРбнинг барча маърифатли кишилари ҳамон ҳурмат-эҳтиром билан тилга оладиган буюк ватандошим номи билан аталишининг ўзи мен учун катта маъно касб этади. Фан ва тафаккурнинг кўп соҳаларида башариятга бебаҳо мерос қолдирган буюк қомусчи олим номи билан аталувчи медаль соҳиби бўлганим билан мен беҳад фаҳрланаман.

Абу Али ибн Сино орадан ўн аср ўтса ҳам ноёб қиммати ва илмий аҳамиятини йўқотмаган "Тиб қонунлари" асари билан ўзига ўлмас хайкал қўйиб кетди.

Федерико Майор жаноблари!

Мазкур медални Сизнинг, миллион-миллион кишилар онгида интеллектуал тафаккур ва инсоният ўз тарихи мобайнида яратган маънавий мерос, юксак инсонпарварлик Гоялари, тинчлик ва адолат рамзи бўлиб шаклланган ЮНЕСКО Бош директорининг қўлидан олаётганим менга, айниқса, катта қувонч бағишлайди.

Муҳтарам Ижроия Кенгаши аъзолари!

Қадрли дўстлар!

Бу олий мукофот энг аввало кўп миллатли халқимизнинг умумбашарий цивилизация тараққиётига қўшган хиссаси ва хизматининг тан олиниши, тарихий, маданий, маънавий меросни асраб-авайлаш, мамлакатимизда жамиятни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан юксалтириш, соҚлом ва комил авлодни тарбиялаб вояга етказиш, қисқача қилиб айтганда, халқимизни маърифат йўлига бошлаш борасидаги саъй-харакатларимиз, гуманизм Гояларига ҳурматимиз, эътиқодимизнинг муносиб баҳосидир.

Ушбу юксак Гоялар тантанаси учун мен бундан кейин ҳам бор куч-Қайратимни ямайман. Юксак мукофот учун барчангизга яна бир бор ўз миннатдорлигимни билдираман.

1998 йил 6 ноябрь

## АДОЛАТ, ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ҲАР НАРСАДАН УЛУҒ

Иктиисодиётда юксак самарадорликка эришиш, жамиятда қонун устуворлиги, демократия тамойилларини қарор топтириш, халқ учун фаровон турмуш шароити яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсадидир.

Президент Ислом Каримовнинг 1998 йил 9 ноябрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида барча саъй-ҳаракатларимизнинг мазмун-моҳияти бўлган ана шу масалаларга яна бир бор жиддий эътибор қаратилди.

Яқиндагина халқимиз шу муборак заминда улуғ бобомиз Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини нишонлади, деди Президент. У зоти шарифга бағишлиланган ёдгорлик мажмуи очилди. Эртасига юртимизнинг қадимий ва сўлим Фарғона вилоятида халқимизнинг яна бир буюк ўқлони, ўрта асрлар жаҳон илм-фани асосчиларидан бири, қомусчи олим Аҳмад ал-Фарқоний хотирасини ёд этиб тантаналар ўтказдик. Бу тадбирларни ўтказишдан мақсад - муқаддас Ватанимизнинг ҳақиқий тарихини тиклаш, дунё илм-маърифат, маънавият ахли диққатини эл-юртимизга қаратишдан, бу улуғ заминда камол топган аждодларимизни улуғлашдан иборатдир.

Самарқанд нафақат ўзининг буюк тарихи ва бокий ёдгорликлари билан дунёга танилган, балки бугунги салоҳияти ва маданияти, аввалимбор меҳнаткаш, меҳмондўст, орномусли халқи билан дунёга машҳурдир. Самарқандни дунё тараққиётининг бешиги деб бежиз айтишмайди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз ижтимоий, иктиисодий ва маданий ҳаётида кўп ўзгаришлар рўй берди, дунё миқёсида давлатимизнинг мавқеи янада мустаҳкамланди. Самарқанд халқи ҳам ана шу олижаноб ишларга ўз улушини қўшиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, вилоят иктиисодиётiga чет эл инвестицияларини жалб этиш, рақобатга бардошли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хусусийлаштириш кўламини кенгайтириш, қурилиш, ободончилик, тарихий обидаларни тиклаш, қишлоқ инфраузилмасини ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Бу ерда "Самарқанд-Калифорния", "Самарқанд-Прага", "ЎзБАТ" қўшма корхоналари самарали фаолият кўрсатмоқда. "Самарқанд Нейшнл Америка", "Новый камень", "СамКочавто" қўшма корхоналари эса иш бошлаш арафасида турибди.

Стадион, тенnis корти, кардиология марказининг иккинчи навбати каби қўргина иншоотлар қурилиши ниҳоясига етмоқда.

Нафақат Самарқанд шаҳрининг ўзида, туманлар ва қишлоқларда ҳам ижобий ўзгаришларни кўриш мумкин.

Шуни қайд этиш лозимки, кейинги йилларда вилоятда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ижобий натижаларга эришилди. Ўтган йили пахта тайёрлаш режаси, бу йил галлачиликда кўлга киритилган ютуқлар меҳрини ерга бериб ишлаётган ҳар бир дехқонни, ҳар бир самарқандликни, бутун халқимизни қувонтиради.

Албатта, биз бу ижобий ишларни эътироф этиб, уларга муносиб баҳо берамиз. Чунки бу ютуқлар замирида халқнинг улкан меҳнати ётибди, дея таъкидлади Президент. Аммо бугунги учрашувимизнинг асосий сабаби - айнан уч йил олдин мана шу залда айтилган жиддий гапларнинг биз ишониб тайнилаган, сайлаган раҳбарият эътиборидан четда қолиб кетиши, бугун вилоят ҳаётида рўй бераётган номаъкул уринишлар, баъзи ютуқлардан маҚурланиб, амалда ўтирганларнинг боши айланиб, оёғи ердан узилиб қолгани ва аҳолининг салбий ҳолларга нисбатан эътиrozи кучайиб бораётгани бўлди.

Президент нимани назарда тутмоқда?

Йўлбошчимиз ўшанда вилоятнинг янги сайланган биринчи раҳбарига, вилоятни билиши, шу ерда туғилиб ўсгани, катта бўлгани, эл-юртнинг тузини егани, тажриба ва билими етарли эканини айтиб, буларнинг ҳаммасини шу элнинг тинчлигини, халқнинг

ҳаётий эҳтиёжларини, ҳуқук ва манфаатларини таъминлашга йўналтириши ва бу йўлда фидоий бўлиши лозимлигини, соҚлом мухит - соҚлом ҳаётнинг гарови эканини таъкидлаган эди.

Вилоят ҳаётида маҳаллийчилик, қариндош-уруғчилик, ошна-оҚайнигарчилик каби иллатларга барҳам бериш, йўл қўймаслик ҳақида уқтириб, алоҳида огоҳлантирганди.

Амалда нима бўлди? Шу қисқа вакт мобайнида 11 нафар шаҳар ва туман ҳокими, кўплаб вилоят ташкилоти раҳбарлари вазифасидан озод этилди.

Бирор ишда хато-камчиликларга йўл қўйгани, эгаллаб турган лавозимини сунистъемол қилгани, вазифасини уddyалай олмагани ва шунга ўхшаш бошқа сабаблар билан ишдан олинса, бунга ҳеч ким қарши эмас. Аммо лавозим "буюртма" билан аниқ "шахс" учун бўшатилса, бу шахс ҳам раҳбарга қарашли бўлса, қариндошлиги, ошна-оҚайнилиги, уруғ ёки келиб чиқишига қараб танланса, бундай адолатсизликка ким чидай олади?!

Биз ёш, қобилияtplи кадрларнинг йўлини очиш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш ҳақида кўп гапирамиз. Самарқандда эса 21 нафар шаҳар ва туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарларидан 2 нафари, 289 хўжалик раҳбаридан 52 нафари 40 ёшгача бўлган кадрларни ташкил этади, холос. Шундай экан, ёшлар Қайрати, шижаоти, қобилиятига эътибор, вилоятда ишга замонавий ёндашиш ҳақида нима дейиш мумкин?

Кадрларни танлашда уларнинг қобилияти, имконияти ҳисобга олинмагани туфайли лавозимларга тасодифий шахслар келиб қолган. Улар ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунмайди, эскича иш услубларидан воз кеча олмайди. Натижада улар бошқарган корхона инқирозга юз тутади. Ўша корхонада ишловчиларнинг тақдирни нима бўлади?

Вилоятдаги 231 та корхонанинг молия-хўжалик фаолияти таҳлил килинганда, уларнинг 92 фоизи инқирозга учрагани аниқланган. Шу корхоналарнинг раҳбарларига нисбатан эса чора кўрилмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Президент маҳаллийчилик, ошна-оҚайнигарчиликни ҳаётимизга, тараққиётимизга хавф соладиган таҳдидлардан бири деб атаган эди. Афуски, Самарқанд вилояти мисолида ана шундай ҳодисаларга дуч келиб турибиз.

Вилоят ҳокимининг кўмагида унинг яқин қариндош-уруғларини бошқарув тизимидағи идораларда масъул лавозимларга тайинлаш авж олган.

Ички ишлар бошқармаси раҳбарларининг муросасозлиги туфайли вилоят ҳокими А.Мардиевнинг укаси Олим Султонов Нарпай туман ички ишлар бўлими бошлиқи вазифасини бажарувчи, опасининг ўғли Собир Тошниёзов КаттақўрҚон туман ички ишлар бўлнимининг Давлат автомобиль назорати бошлиқи, яқин қариндоши ўофур Тошниёзов Иштихон туман прокурори лавозимларида ишлаб келганлар.

А. Мардиевнинг қудаси Фарида Зиёмуҳамедова вилоят меҳнат биржаси бошқарувчиси лавозимида ишлаб келмоқда.

Вилоят давлат солик бошқармасининг сабиқ раҳбарлари ҳокимга лаганбардорлик қилиб, унинг яқин қариндошларидан Ю. Санаев, ў. Тошниёзов, А. Султоновларни КаттақўрҚон тумани солик инспекциясининг масъул лавозимларига ишга қўйганлар.

Бундан ташқари, вилоят ҳокимининг яқинлари И. Қодиров вилоят Марказий банки бошқарувчиси, Х. Бобомуродов эса Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани ҳокими лавозимига тайинланган. Бунга ўхшаган яна кўплаб мисолларни келтириш мумкин.

Бу вилоятда маҳаллийчилик, ошна-оҚайнигарчилик, уруғ-аймоқчилик иллати чукур илдиз отганини кўрсатиб турибди.

Биз бу муаммонинг нақадар мураккаб ва хавфли эканини тушунишимиз, дарҳол унинг олдини олишимиз зарур, дея таъкидлади давлатимиз раҳбари. Чунки бу йўлга кирган раҳбар худбинлик касалига дучор бўлиб, оёғи ердан узилади. Энг ёмони, раҳбарларга нисбатан кенг жамоатчиликнинг ишончи йўқолади. Бундай жамиятдан барака кетади, иш юришмайди, аҳоли ўртасида турли тортишувлар ва норозиликлар пайдо бўлади.

Дарҳақиқат, бундай мұхитда раҳбарға яқын бўлган, ишонган, суюнган кадрлари бир-бирларини қўллаб-куватлади, содир бўлган қонунбузарлик ва жиноятларни яширади. Жамиятдаadolat йўқолади. Бундай ҳолда халқ арз-додини, фарёдини кимга айтиши керак?

Вилоят давлат аппаратининг ўзагини лаёқатсиз, сиёсий савияси паст, ахлоқий жиҳатдан нопок,ammo, раҳбарнинг ишонган оҚайнилари, эски қадрдонлари, бир ҳовуч лаганбардор кимсалар ташкил этса, одамлар эътирозини кимга айтиши мумкин?

Бундай ҳол хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, давлат ва жамоат мулкини талон-торож этиш учун қулай шароит яратади.

Жумладан, вилоят ҳокимининг узоқ йиллик оҚайниси - вилоят давлат божхона бошқармасининг собиқ бошлиқи А. Примов лаганбардорлик ва тилёҚламалик билан Алишер Мардиевнинг пинжига кириб, хизмат фаолияти даврида сурункали равишда қонунбузарликларга йўл қўйиб келган.

Ахвол шу даражага бориб етганки, А. Примов Мардиев учун унинг хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан бўлган мулоқотларида воситачи ролини ўйнай бошлаган. Ҳозир у хизмат фаолиятидаги жиддий нуқсонлари учун лавозимидан озод қилинган ва унинг ҳаракатлари тегишли идоралар томонидан текширишдан ўтказилмоқда ва натижаларга кўра хуқуқий баҳо берилади.

Вилоят ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиқи Т. Муродхўжаев ҳам А.Мардиевга яхши кўриниш мақсадида унинг яқин қариндошлари ва ошна-оҚайниларининг қонунсиз хатти-ҳаракатлари учун хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар олдида ўзига хос қалқон вазифасини ўтаб келган.

Асосий вазифаси вилоятда қонунчиликка қатъий риоя этилишини таъминлашдан иборат бўлган Т. Муродхўжаевга, уни қўлга олиш мақсадида, коррупциялашган кимсалар давлатга қарашли болалар боғчасини бериб қўйғанлар ва унинг ўрнида данҚиллама шахсий уй-жой қуриб берганлар. ОҚзи мойланган "хуқуқ посбони" эса уларнинг давлат ва жамоат мулкини талон-торож қилишлари билан боғлиқ найрангларига панжа орасидан қараб келган.

Айни пайтда Т. Муродхўжаев ҳам лавозимидан озод этилиб, жиноий жавобгарликка тортилмоқда.

Вилоят ҳокимининг энг тор даврасига собиқ раҳбар Раим Насимов ҳам киради. У давлат маблағлари эвазига нафақат ўзи учун, балки вилоятдаги қатор-қатор раҳбар ходимлар учун ҳам қонунсиз равишда уй-жойлар, шахсий-маиший иморатлар қуриб берган.

Амир Темур майдонини ободонлаштириш ишларидан фойдаланиб, уларнинг ҳисобидан вилоят раҳбарларига хусусий уйлар қуриб берилгани аниқланди. Охирги пайтларда Насимов билан Примовлар А. Мардиевнинг пинжига кириб, оҚиз-бурун ўпишиб кўп бемаъни ишларга қўл урган.

Вилоят раҳбариюти билан яқин бўлганидан фойдаланиб, Насимов ўз ташкилоти номидан катта миқдорда тамаки ва пахта маҳсулотларини Россия Федерациясига олиб чиқиш билан боғлиқ турли найранглар уюштириб, тушган жуда катта миқдордаги пул ва валюта маблағларини ўзининг яқин одамлари билан биргаликда ўзлаштирган.

Бу каби салбий ҳолатларни кескин танқид қилас, охирги вақтда, вилоят миқёсидаги кадрлар сиёсати, иирик иқтисодий-ижтимоий масалалар давлат идораларида эмас, А. Мардиевнинг иштирокидаги тўй ва базмларда, бошқа норасмий учрашув-ийиҚинларда ҳал қилинадиган бўлиб қолган, деди Президент. Таассуфки, кўпинча давлат маблағлари, ҳар хил Ўғри-қаллобларнинг жиноий йўл билан топган маблағлари ҳисобига уюштирилган бу зиёфатларда А. Мардиевнинг гумашталаригина эмас, балки масъул раҳбар ходимлар, хуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг раҳбарлари ҳам фаол иштирок этишган.

Албатта, бу ўтиришларда сўз давлат, халқ манфаатлари, одамлар дарди ва эътиrozлари тўғрисида эмас, ўзаро гурухлашув, раҳбарлик лавозимларига яна қариндош-

урұғлар, ўзларига содик одамларни тайинлаш, уларнинг қонунсиз ҳаракатларини яшириб боришиңи ташкил этиш, ўзларининг нопок ниятларини амалга оширилиши ҳақида кетган.

Бундай ҳаракатларнинг оқибати нима билан тугашини А. Мардиев билмаган деб ўйлайсизми?

Табиий рационалда бундай ахволнинг томири-негизи қаерда, деган савол туғилади. Авваламбор, бундай ҳолларнинг замини-томири эскидан қолган салбий, сүяк-сүягимизга сингиб кетган одат ва асоратларда бўлиши керак. Қолаверса, яна бир сабаби - янги қабул қилинаётган қонун ва фармонлар, демократия ва адолат талабларини менсимасликда, бугунги ҳаётимиздаги ўзгаришларни хис этмасликда, камситишадир.

Аникроқ айтсак, бугун бошимиздан кечираётган ўтиш даврини эски тузумнинг носоҚлом оқибат-таъсири ҳамда янги тизим, янги замон талабига жавоб берадиган ёш кадрларнинг ҳал қилувчи лавозимларга жуда катта қийинчилик билан келиши мураккаблаштироқда.

Минг афсуски, айрим ҳолатларда раҳбарнинг ваколати қанча оширилса, шунча кўп худбинлик касалига учрайди, очқўзлик гирдобига, таъмагирлик комига тушади. Худди дуо кетгандай. Лавозим, вазифа ҳақида гап кетганда, каттами-кичикми, тасдиқланиш олдидан текшириб чиқилади, олдинги фаолияти ўрганилади - дуппа-дуруст одам. СоҚлом, меҳнаткаш оилада тарбия олган, билими ҳам етарли, ҳаракати ҳам бор. Зиммасига олаётган масъулияти ҳақида гапиради, катта-катта ваъдалар беради. Унинг гапларини эшитиб, эртага масжидга имомликка тавсия қиласа ҳам бўлади.

Лавозимга ўтиргандан кейин эса қўпи билан бир-икки йил ишлайди, сўнг мутлақо ўзгариб кетади. Ишни атрофдаги одамларни ўзгартиришдан бошлайди.

Биринчи галда савдо ва хизмат соҳаси ходимларини ўзгартиради. Мисол учун бозоркомни алмаштиради, эвазига "кўк"идан олади. "Кўк"ини бермаса иш битмайди. Биргина Самарқанднинг энг катта "Сиёб" бозорида неча марта бозорком алмашди.

Иккинчи галда маъмурий органларнинг катта-кичик раҳбарлари ўзгартирилади. Ички ишлар, прокуратура, адлия, суд, божхона, солик ва бошқалар. Бундай жойларга ўзининг "шоввоз"ларини ўтказади. Тегишли идораларнинг Тошкентдаги раҳбарлари билан тил бириктиради.

Учинчи навбатда ўзидан олдин ишлаган одамни қоралашга, қилган ишларини йўққа чиқаришга, шунинг хисобидан осон йўл билан обрў топишга ҳаракат қиласи.

Иш бошлаши билан унинг атрофини ошна-оҚайнилари, таниш-билишлари, қариндош, уруғ-аймоқ вакиллари, қисқа қилиб айтганда, aka-укалар, амакиваччалар, аммаваччаю холаваччалар ўраб олади. Ўзи отасининг исмида бўлса, укаси бобосининг исмида бўлади. Бу майнавозчилик, устомонлик билан одамларга ўзларини гўёки бирбирига бегона қилиб кўрсатишга ҳаракат қиласи.

Маҳаллийчилик шу даражага бориб етадики, соҚлом фикрловчи одам уларнинг найранглари олдида ожиз қолади. Ақл бовар қилмайдиган қиликларни тезда англолмайди. Раҳбар худди бир нарсадан кеч қолаётгандай ўзининг ҳам, ҳамтовоқларининг ҳам ҳамёнини тўлдиришга интилади. Бунақа одамларда на инсоф, на ирова ва на имон бор.

Улар ўзларини химоя қилиш учун бошпана излашади, Тошкентда ўтирганларнинг пинжига киришади. Шунақа пайтда табиий савол туғилади. Унга ишонган, тақдирини унга боғлаган одамларнинг орзу-умидлари қаерда қолиб кетди? Улар кимга ишонсин, кимга эргашсин?

Ҳаёт фалсафасидан ва тажрибасидан айтиш мумкинки, ким мўмай даромад, нопок йўл билан бойлик топса, у ҳамиша ҳалқ нафратига учрайди. Ҳалол меҳнати, пешона тери эвазига эмас, Ўғрилик, таъмагирлик ва пораҳўрлик билан топган маблағи ҳеч қачон татимайди. Жамиятга, эл-юргита наф келтирмайди.

Ахир, лавозим кишига кибру ҳаво, бойлик тўплаш ва кайфу сафо учун берилмайди-ку! Аксинча, у юксак масъулиятни, ҳаётнинг бутун роҳат-фароҚатидан кечишни, керак бўлиб қолганда ўзидан кечишни талаб қиласи. Бундай қараш одатга айланиши, ҳаётимизга сингиб кетиши керак.

Халқимизда "қилмиш-қидирмиш" деган мақол бор. Яна "қинҚир ишнинг қийиҚи қирқ үйлдан сўнг ҳам чиқади" дейишади. Шундай экан, қинҚир ишни эл-юрт назаридан яшириб бўлмайди. Бундай одам бугун бўлмаса, эртага шармандаи шармисор бўлиб, шунча йил ишлаб, меҳнат қилиб топган обрў-эътиборини бир кунда йўқотиб қўйиши мумкин.

Энг оғири - нафақат эл-юрт, балки ўзининг қариндошлари, таниш-билишлари олдида иснодга қолади. Ўз фарзандлари олдида бошини кўтара олмасдан юришдан ортиқроқ азоб-укубат бормикан?

Президент ҳаммани ўйлантирадиган саволларни ўртага қўйди: нима учун мана шундай аччиқ ҳақиқатни баъзан тан олмаймиз? Ҳаёт тажрибасини тарих мисолида кўрабила туриб шундан қайтмаймиз. Нафс балоси шунчалик кучлими? Мен ўйлайманки, ҳар қандай соҚлом инсон бу саволни ўзига бериб, ўзи жавоб топиши керак. Эл-юрт нафратидан, охиратдан қўрқиши, ҳаётда ўзининг ўринини йўқотмаслик ҳар қандай кишининг бурчи эмасми?!

А. Мардиев ҳақида гап борар экан, дея давом этди йўлбошчимиз, авваламбор, уни бугунги аччиқ кунга олиб келган сабаблар - иродаси бақувват бўлмагани, нафс, айшу ишрат балосидан халос бўлишга кучи етмагани ва энг муҳими - унинг қариндош-уруғлари, таниш-оҚайниларининг таъсиридан чиқолмаслиги, охир-оқибатда инсофини йўқотгани, деб биламан.

Ҳаёт тажрибаси шуни тасдиқлайдики, раҳбар айшу ишратга берилиб, ўзининг талабчанлик, ташкилотчилик ва раҳбарлик бурчини унутиб қўйганида, қонунга риоя қилиш, тартиб-интизом масалалари қолипидан чиқиб кетиши табиийдир.

Бизнингча, вилоятда жиноятчилик, айниқса унинг уюшган, ўта хавфли турларига қарши курашнинг ахволи бугун қўйилаётган талабларга жавоб бермаётганига сабаб ҳам ана шунда.

Биринчи раҳбар тайинланган пайтда вилоятда қонун устуворлиги таъминланишига ҳеч кимда шубҳа йўқ эди. А.Мардиевнинг мутахассислиги - хукуқшунос. Прокуратура, суд, адлия соҳаларида катта лавозимларда кўп йил ишлаган. Кўпчилик бу одам маъмурий органларнинг бошини ковуштириб, нуқсонларни бартараф этади, деб ишонган эди. Бугун эса, вилоят бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўта оғир жиноятлар сони 24,5 фоизга, зўрлаб номусга тегиш жиноятлари 20, фирибгарлик 75, безорилик 49, босқинчилик жиноятлари эса 52 фоизга ўсганига гувоҳ бўлиб турибиз.

Жорий йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўта оғир жиноятларни очиши 23,5 фоизга камайган. Шу тоифадаги жиноятларнинг 15-20 фоизи фош этилмай қолаётгани такориј жиноятлар содир этилишига шароит яратмоқда.

Бевосита хукуқни муҳофаза этувчи идоралар ходимлари томонидан жиноят содир этиш ҳам Самарқанд вилоятида оддий ҳолга айланиб қолган. Ўтган уч йил мобайнида 170 нафардан зиёд ички ишлар идоралари ходими, 3 нафар солиқ, 3 нафар божхона идоралари, бир судья ва бир прокуратура ходими жиноий жавобгарликка тортилган. Уларнинг аксарияти мансабини суиистеъмол қилиш, Қаразгўйлик ва таъмагирлик билан боғлиқ жиноятларга қўл урган.

Шу йилнинг 25 август куни вилоят ички ишлар бошқармаси жиноятларнинг олдини олиш хизмати ходимлари - милиция майорлари Р.Хўжаев ва М.Баҳодировлар ўзаро тил бириктириб, фуқаро В. Халатовадан товламачилик йўли билан пора олаётганида кўлга тушганлар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бу нима деган гап? ҲУҚУҚ посбонларининг ўзи жиноятчи бўлса, ҳалқ дардини кимга айтсин?! Ҳақиқатни, адолатни қаердан изласин?

Яқинда тўй-ҳашамларни, оиласий тантаналарни, маърака ва маросимларни тартибга солиш, уларни ўтказишида йўл қўйилаётган манманлик, шухратпарастлик, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик каби иллатнинг олдини олиш мақсадида янги Фармон қабул қилинди. Таассуфки, Самарқандда ҳам бундай салбий ҳолатлар кўп. Керак бўлса, ҳар қадамда учрайди. Лекин вилоят, шаҳар, туман раҳбарлари бу борада муросасозликка

йўл қўйиб келяпти. Ўзи юқори лавозимларда ўтириб, шу камчиликларга йўл қўйганлар ҳам кам эмас. Ҳақиқатни гапирсак, бузҚунчилик ўзи кўпинча шулардан бошланади.

Мазкур Фармон чиққанидан кейин оёғи ердан узилган, кибр-ҳавога берилган айрим кимсалар хушёр тортиши керак, деб ўйлаймиз.

Давлатимиз раҳбари биринчи галда мамлакат миқёсидаги, вилоят, шаҳар, туман даражасидаги идоралар, вазирликлар ва давлат идоралари, ҳуқук-тартибот органлари ходимларини алоҳида огохлантириди: барака топкурлар, эл-юртдан ажралманглар, уларнинг кўзига-юзига қаранглар, ахволидан хабардор бўлиб, инсоф, диёнат чегарасидан чиқманглар. Акс ҳолда оқибати ёмон бўлиши муқаррар!

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бундай муҳим ишларда жамоатчилик фикрини кўзгатиши, ҳаётимизнинг турли жиҳатларини таҳлил этиши лозим бўлган вилоят оммавий ахборот воситалари, афсуски, уларга берилган ҳуқук ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаяптилар.

Мамлакатимизда ва вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда уни янада чукурлаштириш жараёни, вилоят ҳаётида рўй бераётган ижтимоий воқеалар тўғрисида теран ахборотлар берилмаяпти.

Чоп этилаётган мақолалар, кўпгина кўрсатув ва эшиттиришлар бадиий-сиёсий жиҳатдан саёз. Одамларни қизиқтирадиган, уларнинг диққатини жалб қиласидиган, муаммо кўтарадиган танқидий чиқишлиар кам. Аксинча, телевидениеда кўплаб чет элда ишланган ур-сур, бехаё видеофильмлар намойиш этилмоқда.

Самарқанд вилояти аҳолиси ҳар йили ўртacha 2,2 фоизга, меҳнат ресурслари эса 3 фоизга ўсиб боряпти. Бу кўрсаткич Иштихон, КаттакўрҚон, Оқдарё туманларида 4-5 фоизга етади. Одамларнинг эҳтиёжларини қондириш учун болалар боғчаси, мактаблар қуриш, янги ишчи ўринлари очиш, дўқонларда етарли мол бўлишига эришиш лозим. Тиббий ёрдам, ичимлик сув ва газ таъминотини ташкил этиш зарур. Бу масалаларни ким ўйлади, ким ҳал қиласи?

Уч йил давомида газ таъминоти бор-йўғи 8 фоизга, сув таъминоти эса 4 фоизга ўсганини инобатга олсак, қабул килинган дастур бажарилишига ким кафолат беради? Шу суръатда кетилса, вилоятни газ билан тўлиқ таъминлашга 8 йил, сув билан таъминлашга эса 19 йил керак бўлар экан!

Кейинги уч йилда вилоятнинг БулунҚур, Ургут, КаттакўрҚон туманларида юқумли касалликлар билан оқриган беморлар сони кўпайган. Вилоят бўйича ҳам бу касалликлар билан хасталаниш ҳоллари республика кўрсаткичидан уч марта кўпdir. Аксарият соғлиқни сақлаш муассасаларининг зарур тиббий жиҳозлар, техника, дори-дармонлар билан таъминланиш даражаси талабга жавоб бермайди.

Мавжуд ўрта мактабларнинг 66 фоизи мослаштирилган, 25 таси эса авария ҳолатидаги биноларда жойлашган. Бугунги кунда вилоятга 107 та, бошқача айтганда 32,5 минг ўринли мактаб етишмайди. Мавжуд мактабларнинг асосий қисми бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Бюджет танқислигига қарамасдан, солик органларининг масъулиятсизлиги ва лоқайдлиги шу даражага бориб етганки, бозорларда йиҚилаётган патта тўловларидан келадиган 97,5 миллион сўм маблағнинг атиги 42,4 фоизи бюджетга тушган, холос.

Солик тўловлари бўйича қарзлар барча туман ва шаҳарларда кўпайиб, вилоят бўйича 2 миллиард 130 миллион сўмдан ортиб кетган.

1 октябрь ҳолатига кўра бюджет муассасалари ходимларига 198,2 миллион сўм иш ҳақи тўланмаган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тахминан 2 мартаға ортган.

Бундан ташқари 6 ёшгача бўлган болаларга, кам таъминланган оилаларга 132 миллион сўм, 2 ёшгача болаларга қарагани учун ишламайдиган оналарга 184 миллион сўм нафақа ва моддий ёрдам пули тўланмаган.

Дунёда норасида гўдаклар, етим-есирлар ҳақига хиёнат қилишдан оғир гуноҳ бўлмаса керак. Самарқанд шаҳар Боғишамол тумани "Тўпхона" маҳалла қўмитаси раиси

З.Мўминова ва шаҳар халқ банки назоратчиси С.Нажмитдинова хужжатларни сохталаштириш йўли билан кам таъминланган оилаларга берилиши лозим бўлган 660 минг сўм маблағни ўзлаштирганлар.

Ўқимлик, ички ишлар, солик, божхона ходимлари қаёққа қарамоқда? Бу жиноятлар учун ким жавоб беради?

Самарқанд минг-минг йиллик шонли тарихга эга, буюк аждодларимизнинг шаъншавкати билан бу юрт шукухи етти иқлимга маълум ва машҳурдир.

Бу қутлуҚ заминдан тараалган илм-маърифат зиёси бутун инсоният тафаккурини мунаввар этган, десак муболага бўлмайди. Бунинг тасдиҚини куни кеча бўлиб ўтган Имом ал-Бухорий тантаналарида ҳам кўрдик.

Шуни яна бир бор ўйлаб кўрайлик, деди Ислом Каримов, бизнинг бугунги қилаётган ишларимиз, фаолиятимиз юксак маънавият мезонларига нечоғли мос келади? Давлатчилик, эл-улусни бошқаришда адолат, ватан, халқ манфаатини ҳар нарсадан устун кўйиш тамойиллари устуворми? Содда қилиб айтганда, халқ турли бўғин раҳбарлари ишидан розими? Афсуски, шу каби қўплаб саволларга ижобий жавоб бериш қийин. Шундай экан, ҳар биримиз фаолиятимизни танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб кўрайлик, хато ва камчиликларимизни аниқлаб, керакли сабоқларни чиқарайлик.

...Ҳаёт ўз йўлида давом этаверади. Раҳбарлар келиб кетади, эл, халқ қолади. Лекин ана шу раҳбар халқ кўнглидан ўзига жой топа оладими? Эсда қоладиган бирон хайрли иш қилдими? Одамларнинг бошини қовуштириб, ўзи ибрат бўлиб, уларни улуғвор вазифаларни бажаришга сафарбар эта олдими? Назаримизда, ҳар бир раҳбар бу ҳақда доимо ўйлаши, ўзига-ўзи савол бериб кўриши керак.

Халқимизда "яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ" деган гап бор. Кимдан боғ қоляптию, яхши ном, яхши хотира қоляптию, кимдан доғ, иснод қоляпти, буни одамларнинг ўзи ажратиб олади.

Менинг энг катта ишончим, дея таъкидлари Президент, ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган, баркамол ва шижаотли фарзандларимиздир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шуларнинг киёфасида кўраман. Киши ана шундай фарзандлари борлигидан куч олади, онги тиниқлашади, рағбатланади, кўкси тоҚдай кўтарилади.

Юқорида тилга олинган камчилик ва нуқсонлардан кўнглим Қаш бўлган пайтларда келгуси авлод, ёшлар, фарзандларимиз ҳақида ўйлайман, деди пировардида давлатимиз раҳбари. Шунда кўнглим ёруғ бўлади, келажакка ишончим мустаҳкамланади. Биз ўз олдимизга қўйган мурод-мақсадларимизга етиш гарови - мана шуларнинг кўлида. Бугунги учрашувимизда муҳокама этилган масалалар, қабул қилинаётган қарорларга келсак, барчангиз улардан холисона хulosса ва тегишли сабоқ чиқариб оласиз, деб ишонаман.

## ЮКСАК МАЬНАВИЯТ - ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АСОСИ

Навоий вилояти деганда кўз олдимизда бири биридан улкан саноат корхоналари, мамлакатимизни электр қуввати, маъданли ўғитлар ва турли кимёвий моддалар билан таъминлайдиган, давлат хазинасини қимматбаҳо металлар билан тўлдиришга катта ҳисса қўшаётган замонавий ноёб иншоотлар намоён бўлади.

Вилоят худуд жиҳатидан Ўзбекистонда биринчи ўринда туради. Кенг пахта далалари, чеки-чегараси кўринмайдиган яйловлар ҳам вилоят салоҳиятини ошириш имкониятларидан далолат беради.

Президент Ислом Каримов 1998 йил 11 ноябрь куни ҳалқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида мавжуд имкониятлардан қандай фойдаланилаётгани, ислоҳотларни ҳаётга жорий этишдаги камчилик ва муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари хусусида батафсил тўхталди.

Мустақиллигимиз шарофати туфайли ўлкамизнинг бу кўркам минтақаси қайтадан вилоят мақомини олганига қарийб олти йил бўлди, деди Ислом Каримов. Шу вақт мобайнида собиқ Иттифоқ даврида курилиши деярли тўхтаб қолган Учкудуқдаги кон-металлургия заводининг иккинчи навбати, Қизилкум фосфорит заводининг биринчи навбати қуриб битказилди.

Замонавий технология билан жиҳозланган "Зарафшон-Ньюмонт" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ишга туширилди. Учкудуқ-Султонўздоғ темир йўлининг курилиши давом этмоқда. Шулар каби кўпгина ҳавас қилишга арзийдиган ишлар амалга оширилмоқда.

Бу заминда кўплаб миллат ва элатларнинг тинч-тотув яшаб, ўз меҳнати билан Ватанимизнинг шуҳратини, обрўсини оширишга ҳисса қўшаётгани бугунги кунимизнинг ёнг катта бойлигидир.

Президент сессия кун тартибига қўйилган масала ҳақида гапириб, бугунги учрашувдан мақсад - вилоят ҳаётидаги ижтимоий-иктисодий вазиятни атрофлича таҳлил этиш ва авваламбор, кадрлар масаласини ечиш, шу масаладаги кўпгина муаммо ва камчиликларни холисона баҳолашдан иборатдир, деди.

Дарҳақиқат, вилоят саноат, дехқончилик ва чорвачиликни янада ривожлантириш борасида жуда катта имкониятларга эга. Нафақат вилоят қиёфасини, керак бўлса, бутун Ўзбекистонимизнинг фаолияти ва имкониятларини ифодалайдиган дунёга машҳур улкан тоҚ-кончилик саноати корхоналари айни шу ерда жойлашган.

Вилоят аҳолисининг қарийб 60 фоизининг ризқу рўзи бевосита қишлоқ хўжалигига, кўп жиҳатдан мана шу соҳадаги ислоҳотларнинг қандай олиб борилиши ва уларнинг самарасига боғлиқдир.

Бу ишларни амалга ошириш учун мамлакатимизда зарур меъёрий-хуқуқий замин яратиб берилган, асосий қонунлар қабул қилинди.

Шунга қарамай, вилоят қишлоқ хўжалиги ишларида ҳеч қандай бурилиш сезилмаяпти. Вилоядта пахта ва ғалла етиштириш борасида жиддий камчиликлар мавжуд. Сурункасига уч йилдан буён давлатга пахта сотиш режалари барбод бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби - вилоядта уруғчилик билан ҳеч ким шуғулланмаётгани, тезпишар ва юқори сифатли тола берадиган навлар жуда секинлик билан районлаштирилаётганлиги ва ерга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгармаётганлигидир. Дехқончилик маданияти ўта пастлигидир.

Шуни яхши тушуниб олишимиз даркорки, ҳар қандай ислоҳотларнинг самара бериши одамларнинг, ишчиларнинг манфаатдорлигини оширишдан бошланади. Лекин бугунги кунда тахминан 350 миллион сўм иш ҳақининг берилмаслиги дехқонларни ишдан совутмоқда. Уларнинг унумли меҳнатга бўлган қизиқишини сусайтиromoқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилдаги "Навоий вилоятининг Томди ва Учкудуқ туманлари қоракўлчилик фермаларини хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори ушбу туманларда сифатли, харидоргир қоракўл тери, жун, гўшт маҳсулотларини янада кўпайтириш, чўпон-чўлиқларнинг мулкка бўлган эгалик ҳиссини уйғотиш мақсадида чиқарилгани ҳаммага аён. Лекин вилоят ҳокими ҳамда Томди ва Учкудуқ туманлари ҳокимлари томонидан бу муҳим ишга эътиборнинг пастлиги натижасида жорий йилда 1996 йилга нисбатан қоракўл тери тайёрлаш 40 фоизга камайган.

"Бухороқоракўл" заводига бор-йўғи минг дона тери сотилган, холос. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

Давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек, ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатлари учун хизмат қилиши керак. Бу жараёнда халқнинг бевосита иштироки эса бенихоя катта аҳамиятга эга. Аммо Навоий вилоятида бозор иқтисодиёти шартшароитларига ўтиш жуда суст кечмоқда. Кўплаб корхоналарда ҳанузгача эски тузумдан қолган боқимандалик кайфияти яшаб келмоқда.

Қимматли қофзлар бозорини шакллантиришда жиддий камчиликлар мавжуд.

Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари бекарор ишлаётганлиги туфайли вилоят корхоналарининг молиявий аҳволи оғирлигича қолмоқда. Буни йил бошидан бери молиявий аҳволи ўрганилган 284 та корхонадан 77 фоизи иқтисодий жиҳатдан ночор деб топилгани ҳам исботлаб турибди.

Сотилмаган саноат маҳсулоти ҳажми тобора кўпайиб бормоқда. Омборларда 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот тўпланиб қолган. Маҳсулот қолдиқлари "Навоийазот", "Қизилқумцемент", "Электрокимёзавод" корхоналари омборларида, айникса, катта. Бунга ким, қандай жавоб беради?

Бундан салкам тўрт йил аввал вилоятингизга янги раҳбар тайинланганди, деди Ислом Каримов. У вилоятдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишга бош-қош бўлади, савиаси, билими, дунёқараши давр талабига мос келади, деб ҳаммамиз унга ишонч билдирган эдик.

Тан олиш керак, Ҳаёт Ғаффоров бир-икки йил Қайрат билан меҳнат қилди. Лекин кейинчалик бу Қайрат ўрнини лоқайдлик, ўта хотиржамлик эгалади. Ўқим фаолиятида қариндош-урӯҷчилик, ошна-оҚайнигарчилик каби қусурлар пайдо бўлди. У ҳокимнинг асосий бурчи - ҳалқ дарди билан яшаш эканини буткул унутиб, бир гуруҳ лаганбардорлар таъсирига тушиб қолди. Хизмат ваколатидан фойдаланиб, фақат уларнинг истакларини бажо келтириш билан шуғуллана бошлади.

Йўлбошчимизнинг бу эътирозини қўйидаги далиллар тўла тасдиқлайди: Ҳаёт Ғаффоров раҳбарлиги даврида туман, шаҳар ҳокимларининг 90 фоизи, бошқарув аппарати, маданият ва иқтисодиёт соҳалари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари 100 фоиз алмаштирилган. Аҳвол шу даражага етиб борганки, вилоят ҳокимлиги агросаноат масалалари гурухи раҳбари 7 марта, вилоят "Мевасабзавот" бирлашмаси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, вилоят транспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси, вилоят ҳалқ таълими бошқармаси раҳбарлари 4 марта, вилоят нефть маҳсулотлари корхонаси раҳбари эса 3 марта алмаштирилган.

Вилоят раҳбарлари нефть, дон, мева-сабзавот, пахта тайёрлаш, савдо ташкилотлари ва бозор раҳбарларини тез-тез алмаштириш касалига дучор бўлган.

Ўқим ўз умр йўлдошини вилоятдаги чет эл ваколатхонасига, куёви ва қизини Тошкент шаҳридаги Навоий вилоятининг энг йирик корхоналари - "Қизилқумцемент", "Навоийазот" ваколатхоналарига раҳбар қилиб қўйишдан, бошқа қариндошларига, оиласининг яқинларига "мойли" жойлар инъом этишдан уялмаганига нима деса бўлади?

Халқимизда "қовун қовунни кўриб ранг олади", деган мақол бор. Ўқимнинг рафтторига қараб, унинг ўринбосари Ж. Ризаев вилоят дон тайёрлов идораси раҳбари ўринбосарлигига ўғли Аминжон Ризаевни, "Қишлоқхўйтаъминоттаъмир" ҳиссадорлик жамияти бўлим бошлиқи лавозимига кудаси Юсуповни ўтказиб қўйган. ОҚайнилари бўлмиш ака-ука Мамиковлардан бирини - вилоят дон уруғчилиги маркази бошлиқи,

иккинчисини - хўжалик раҳбари лавозими билан "сийлаган". Божаси, куёви ва яна бир ўғли "хомий ота"нинг ёрдамида молия ва банк ташкилотларига ишга жойлаштирилган.

Вилоят ҳокимининг иқтисод масалалари бўйича ўринбосари А. Ҳалимовнинг 5 нафар кариндоши банк соҳасидаги турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган. Унинг қариндошларига тегишли бўлган фирмаларга ҳамма жойда "кўк чироқ" ёқиб қўйилган. Фақатгина 1997 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида "Абдуҳалимбобо" корхонасига 10 миллион сўмдан ортиқ кредит ажратилган. Фирмага шу кредит хисобидан ун ва шакар сотиб олиш учун дарҳол зарур фондлар ҳам ажратилган.

Фирманинг номидан ҳам маълумки, унинг соҳиби, албатта, жаноб Ҳалимовнинг оталари бўлиши керак.

Ўолбуки, айни шу пайтда қанчадан-қанча ишбилармонлар, фермер ва хусусий корхона эгалари ёрдам ололмасдан, тўрачилик ва таъмагирлик дастидан дод, дейишмоқда. Вилоятда уларнинг оҳини эшитадиган одам эса топилмайди.

Ўоким ўринбосарлари Ж. Ризаев ва А. Ҳалимовлар юқорида айтилган камчиликлари учун хизмат вазифасидан озод қилиндилар. Лекин гап фақат уларни ишдан бўшатишдагина эмас.

Нима учун айни шундай нуқсонларга йўл қўйилди? Нима учун улар шу даражада мансабни суиистеъмол қилишади-ю, таниш-билишчилик, ошна-оҚайнигарчиликка берилиб кетишади-ю, бирор уларга ўз вақтида танбех бермайди?

Шу ўринда ҳоким қаерда эди? Наҳотки, у пинжидаги икки ўринбосарининг бу ножӯя хатти-харакатларидан бехабар бўлган, деган савол туғилади.

Минг афсус ва надоматлар бўлсинки, вилоят раҳбари кадрларни танлашда, амалга қўйишда "ўзимники ва ўзганини", "карши ва тарафдор", "садоқатли ва садоқатсиз" каби алмисоқдан қолган ақида таъсиридан холос бўлолмаган. Иш ва бошқарув самараси ҳақида қайғуриш, халқнинг оғирини енгил қилиш ўрнига, ўзининг хузур-ҳаловатини ўйлаган.

Табиий равишда бу ҳол вилоятда носоҚлом муҳитни юзага келтирди. Минглаб одамларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлди.

Натижа шунга олиб келдики, назорат йўқлигини сезган турли тоифадаги бебурд раҳбарлар кўнгли тусаган ишни қилаверди. Пировард-оқибатда бутун бошли идоралар, ташкилотлар обрўсига доҚ тушди, халқнинг вилоят, туман раҳбарларига ишончи йўқолмоқда.

Афсуски, бу фикримизни тасдиқ этадиган далиллар ва мисоллар жуда кўп.

Масалан, Навоий вилояти солиқ бошқармаси бошлиҚининг ўринбосари Қ.Абдуолимов аттестациядан ўтолмаганига қарамай, Зарафшон шаҳар солиқ инспекциясига раҳбар этиб тайинланди. Орадан уч ой вакт ўтмасдан, Навоий шаҳар солиқ инспекцияси раҳбари лавозимига ўтказилди.

Сиёсий маҳдудлик шу даражага бориб етдики, шахсий садоқатни кадрлар танлашнинг бош мезони деб билган яна бир кимса - вилоят ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳининг собиқ раҳбари Б.Сон амалда вилоятнинг иккинчи раҳбариға айланиб қолди.

Акс ҳолда, оддий аппарат ходимининг вилоят ҳокими ўринбосарларига ҳам, шаҳар ва туман ҳокимларига ҳам тўғридан-тўғри турли кўрсатмалар бераверганини ва улар буйруқни қулоқ қоқмай бажараверганини қандай баҳолаш мумкин?

Агар вилоят ҳокими томонидан рағбат берилмаса, Сон жанобларининг бунга ҳадди сиҚармиди? Хайриятки, вилоятда ҳокими мутлақ бўлишига бир баҳя қолган бу "зоти бузруг" Президент девони аралашувидан сўнг лавозимидан четлаштирилди.

Вилоятда маънавий муҳитнинг бузилгани, айrim раҳбарларнинг орқасида суянган тоғи, ҳимоячиси борлигига ишонгани нақадар хунук оқибатларга олиб келганини яна шундан ҳам сезиш мумкинки, 1995-1998 йилларда бир қанча раҳбар ва мансабдор шахслар устидан жинойи иш қўзғатилди.

Жумладан, ўзларига юклатилган мансаб ваколатларини суиистеъмол қилганликлари учун "ғаллабанк"нинг вилоят бўлими собиқ бошқарувчиси И.Саъдинов, Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки вилоят бўлимининг собиқ бошқарувчиси Ж. Неъматов, "Навоий

дон маҳсулотлари" ҳиссадорлик жамиятининг собиқ раиси А. Адизов, Навбаҳор тумани ҳокимининг собиқ ўринбосари Э. Эрназаров жиной жавобгарликка тортилди.

Ўқимнинг яна бир ишонган кадри - вилоят молия бошқармасининг собиқ бошлиқи А. Раззоқов миллионлаб сўм бюджет маблағларини доимий равишда ўзбошимчалик билан сарфлаган. Ўзига бюджет ҳисобидан хизмат машинаси сотиб олган. Беморларнинг озиқовқатига ажратилган маблағлар ҳисобидан касалхоналарнинг бош врачларига енгил автомобиллар олиб берган. Жаноб Раззоқовнинг "саҳовати" туфайли "Зарафшон" футбол клуби ривожи учун мўлжалланган пул ҳисобидан вилоят спорт қўмитаси раҳбарига енгил машина теккан. Бундан ташқари, ҳар бир тийинни тежаши лозим бўлган вилоят молияси мутасаддиси турли фирмаларга ҳалқ меҳнати эвазига топилган пулларни "инъом" этган. Бу каби хотамтойликнинг туб сабабларини тегишли органлар пухта текшириб, ўз хulosасини чиқариши лозим, деб ўйлаймиз.

Энди қўйидаги мисолга эътибор беринг: вилоят марказида йўловчи қатновини яхшилаш мақсадида "Навоийтроллейбус" уюшмаси тузилган эди. Тўрт йил бўлдики, ташкилот бор-у, аммо троллейбусдан дарак йўқ. Маълум бўлдики, уюшма раҳбари X. Рустамов мазкур корхонада жинояткорона "оиласиб пудрат" тузиб, яъни ўғли, укаси, синглиси ва хоказо қариндошлари билан ўзаро тил бириктириб, ташкилотнинг катта маблағларини талон-торож қилган экан.

Бу каби иллатларнинг илдизи, негизи қаерда? Нега вилоятда қонун ва тартиб бу қадар оёқости қилинди?

Қонун бажарилишини назорат қиласиган, давлат бойлигини ҳимоя этувчи, айни вактда инсоф ва диёнатни унугтан кимсаларни, айниқса, ҳаддидан ошган, қўпол бўлса ҳам айтиш керак, кутуриб кетган бундай раҳбарларни тартибга чакирадиган одам борми ўзи?

Куни кечада Самарқанд вилоятида раҳбар маънавияти, унинг жамият олдидағи бурчи ва масъулияти ҳақида аччиқ гаплар айтилди, дея эслатди Ислом Каримов. Самарқандада айтилган бир гапни яна бир бор таъкидлаш жоизки, эл ишониб топширган вазифани суистеъмол қиласиган, шахсий манфаатини ҳалқ ва давлат манфаатидан устун биладиган, ўзига ортиқча бино қўйиб, барчанинг нафратини қўзғатадиган раҳбарлар билан асло келиша олмаймиз! Одамлар ишончидан маҳрум бўлган бундай кимсалар ўрнини бўшатиб бериши керак. Уларни қонун асосида жавобгарликка тортиш лозим.

Бу бало-қазодан қандай кутулиш мумкин, бу муаммонинг қандай ечими бор?

1) Эски асоратлардан халос бўлган, замон талабига жавоб берадиган ёшларни кўллаб-қувватлаш;

2) Кўп партиявийлик асосидаги жамоатчилик назоратини кучайтириш, жамиятда демократик тамойилларни мустаҳкамлаш;

3) Мулкчилик масаласини ечиш;

4) СоҚлом кучларни бирлаштириш ва янги ҳаракат, сиёсий кучлар фаолиятига йўл очиб бериш.

Ишнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, раҳбарларнинг ўз манфаати, ўз ташвиши билан оворалиги шунга олиб келдики, Навоий вилояти жиноятчиликнинг ўсиши бўйича мамлакатда энг биринчи ва энг аянчли ўринда турибди. Бу ерда умумий жиноятлар сони ҳар минг кишига ҳисоблаганда, республика кўрсаткичидан 24 фоиз кўпdir.

Бизнингча, бу ҳолнинг сабабларидан бири вилоятда хуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг иши мутлақо кониқарли эмаслигидадир. Шу боис вилоятда юз бераётган қатор қотилликлар, ўта шафқатсизлик билан содир этилган жиноятлар жамоатчиликни ташвишга солмоқда.

Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар, хусусан, ёнилғи-мойлаш материалларини Қайриқонуний сотиши, маҳсулотлар сифатини белгиловчи ҳужжатларсиз савдо килиш, солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товлаш, харидор ва буюртмачилар ҳақига хиёнат қилиш, бозорларда савдо қоидаларини сурункасига бузиш ҳоллари ҳам кўпайиб бормоқда.

Бу каби хунук иллатларнинг олдини олиши ва уларни бартараф этиши лозим бўлган масъул шахсларнинг ўзи жиноятга қўл урса, бунга қандай тоқат қилиб бўлади?

Куйидаги фактларга эътибор беринг: фақат 1997-1998 йилларнинг ўзида вилоят ички ишлар ходимларидан 32 кишига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Улар жиноятларни фош этиш ўрнига жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилмаслик, жиноятлар сонини ҳисобдан яшириш йўлига ўтиб олишган.

Вилоятда уюшган жиноятчиликнинг, коррупциянинг чуқур илдиз отгани ва бу ҳолнинг жамият ҳаётига таҳдид солаётгани, айниқса, ташвишлидир. Бу ҳолга кескин чек қўйиш ва зарба бериш лозим.

Бизнинг халқимиз жуда олижаноб, унча-мунча қийинчилкларни писанд қилмайдиган, ҳар нарсадан ҳам нолийвермайдиган халқ, дея давом этди Президент. Шу сабабки, бирордан ҳол-аҳвол сўрасанг, энг ночор ҳолатда ҳам, "худога шукур, яхши", деб жавоб беради. Лекин азиз биродарлар, тушунинглар, ҳар қандай сабру тоқатнинг ҳам чеки-чегараси бор. Халқимизнинг бундай тантлигини, бағри кенглигини суиистеъмол қилмаслик керак.

Энди шу нуқтаи назардан, оддий халқ учун энг зарур, энг ҳаётий эҳтиёж бўлмиш соғлиқни сақлаш, мактаб-маориф, маданият ва бошқа ижтимоий соҳалар аҳволига бир назар таштайлик.

Вилоятда bemor болаларни даволаш ўринлари кейинги уч йил мобайнида 26 фоизга камайиб кетган. Оналар ва болалар ўлими бошқа вилоятларга нисбатан 10 фоизга кўп. Умуман, аҳолининг касалланиш даражаси республикадаги ўртacha кўрсаткичдан 20 фоизга ортиқдир.

Маҳаллий бошқарув органларининг эътиборсизлиги туфайли Томди, Конимех туманларидаги қишлоқ тиббий муассасалари аҳолига зарур ёрдам кўрсата олмаяпти. Улар ўз вақтида дори-дармон билан таъминланмаяпти. Вилоятда ҳанузгача ихтисослаштирилган кардиология, онкология ва эндокринология диспансерлари мослаштирилган биноларда ишламоқда.

Маориф соҳасига келсак, вилоятдаги мактабларнинг 60 фоизи шароити чекланган, мослаштирилган биноларда жойлашган. 8 та мактаб биноси эса мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолган. ҲАР тўрт мактабнинг учтасига газ ўтказилмаган. Жами мактабларнинг ярми тоза сув билан таъминланмаган. Мактабларнинг аксариятида ошхона ва спорт заллари йўқ.

Таассуфлар бўлсинки, энг янги, кечагина қуриб битказилган мактабларда компьютер ва бошқа замонавий жиҳозлар у ёқда турсин, оддий ўриндиқлар ҳам етишмайди.

Жиҳозлар ўз йўлига, лекин вилоят мактабларида биз умид боғлаган, келажагимиз вориси бўлмиш ёш авлодга атиги 10-синф маълумотига эга бўлган 422 нафар ўқитувчи сабоқ бераётганига қандай чидаш мумкин?

Вилоятда аҳолини газ ва тоза сув билан таъминлаш ҳануз катта муаммолигича қолмоқда. Навбаҳор, Қизилтепа туманларида тоза ичимлик суви билан таъминлаш 35-40, табиий газ билан таъминлаш даражаси Навбаҳор туманида 41 фоизни ташкил этади, холос.

Вилоятда уй-жой қурилиши 40 фоизга камайиб кетган. Зудлик билан зарур чоралар кўрилмаса, ҳукуматнинг қишлоқ инфратузилмасини 2000 йилгача ривожлантириш ҳақидаги қарори, уй-жой қурилишини қўллаб-куватлаш бўйича давлат дастури барбод бўлиши мумкин.

Навоий вилоятида савдо ва майший хизмат кўрсатиш ишларига ҳам етарли эътибор берилмаяпти. Вилоятнинг кўп жойларида, айниқса, Қизилтепа, Хатирчи ва Нурота туманларида 8 хил турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг сотувда йўқлиги учун оддий халқ олдида ким жавоб беради?

Пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам аҳвол ачинарли.

Вилоят бошқарув тизимидағи нуқсонлар, қонунбузарлик, жиноятчиликнинг хавфли даражада кўпайиши, энг аввало, жойларда маданий-маърифий ишларнинг, маънавиятнинг

сусайиб кетганидан далолат беради. Янада аникроқ айтганда, республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказининг вилоят бўлими, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари иши замон талабларига жавоб бермайди.

Буни шундан ҳам билиш мумкинки, кейинги йилларда Навоий вилоятида бирон-бир иирик маданий-маърифий тадбир ўтказилганини ҳеч ким эслай олмайди.

Ўолбуки, мамлакатимиз аҳли жуда катта маънавий юксалиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз қайта тикланмоқда. Буюк аждодларимизнинг таваллуд тўйларини нафақат ўз мамлакатимиз, балки бутун дунё миқёсида нишонлаяпмиз.

Лекин Навоий вилоятида шундай бир кайфият хукмронки, гўё бу замин ҳаритада кечагина пайдо бўлгандай!

Маънавият, тарихий хотира, миллий қадрият тушунчаларининг жамият ҳаётидаги, ёш авлодни ўз Ватани ва ҳалқига садоқат руҳида тарбиялашдаги аҳамияти тўғрисида гапирап экан, йўлбошчимиз мажлис аҳлига мурожаат қилиб, шундай деди:

- Азиз биродарлар, барака топкурлар, айтинглар-чи, сизлар ҳар куни кўриб ва кезиб юрадиган Кармана шахрининг ёши нечада?

Ёки Чўли Малиқдаги эски работ ва сардобалар қачон пайдо бўлган?

Саримиш дараси ва Ғоридаги ибтидоий суратлар бу ўлканинг энг қадимий маданият бешикларидан бири эканидан дарак бермайдими?

Нуротадаги эски тўғон-чи? Янгишмасам, бу тўғон Марказий Осиёдаги энг қадимги сув иншоотларидан бири-ку?

Бугун тақир сахро бағрида Навоий каби кўркам шаҳарнинг қад ростлаб турганининг ўзи бир мўъжиза эмасми?

Навоийликлар фахр этса ва ўзгаларга кўз-кўз қиласа арзидиган нарсалар, буюк аждодларимиз ақлу заковати билан бунёд этилган тарихий, маданий ёдгорликлар озми?

Бунинг қадрига етиш, таърифу тавсифини жой-жойига қўйиш, нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда тараннум этиш учун, энг аввало, шу юрг фарзандларида чин эътиқод, чин муҳаббат ва чинакам ихлос бўлиши керак, деб ўйлайман.

Энди зикр этилмиш савобли ишларга бош-қош бўлиши ҳам қарз, ҳам фарз бўлмиш вилоят оммавий ахборот воситаларининг аҳволига назар ташлайлик.

Афсуски, вилоятда "Тўртинчи ҳокимият" вакиллари ўзларининг асосий вазифаларини унудиб қўйишган кўринади. Чоп этилаётган мақола, берилаётган эшилтириш ва кўрсатувлар муаллифлари нукул майда ютуқларни мақташдан нарига ўтмаяпти. Сиёсатимизнинг устувор ўйналишлари, уни вилоятда амалга оширишдаги камчиликлар рўй-рост ёритиб берилмаяпти.

Аслида ёзаман, кўрсатаман, деган мард мухбир учун вилоятда муаммо ва нуксонлар камми?

Яқинда вилоят газетасида пахта терими мавзуига бағишлиган бир кичик мақола босилди. Нима экан денг, жаноб Ғаффоровнинг турмуш ўртоқлари катта бошларини кичик қилиб, пахта териш учун далага чиққан эканлар! Ана, сизга сенсация! Ана, сизга оламшумул янгилик! Буни ўқиб, беихтиёр мухбирга бундан бошқа гап қуриб қолганмиди? Уят, диёнат ва инсоф борми ўзи, дегингиз келади.

Кўриниб турибиди, вилоятда тўпланиб қолган муаммолар жуда кўп. Уларнинг сабаби эса битта - вилоят раҳбари, аччиқ бўлса ҳам айтиш жоизки, вилоятнинг аксарият фаолларида узоқни кўзлаб ишлаш, изланиш бўлмаган.

Мухтасар айтганда, вилоятдаги ижтимоий-иктисодий вазият таҳлили аҳволни тубдан ва кескин ўзгартиришни тақозо этади.

Бунинг учун эса вилоят раҳбари давлат ва ҳалқ манфаатини, қонун ва адолатни, оддий ҳалқ манфаатларини ҳамма нарсадан устун билиши керак.

Вилоят раҳбари каттаю кичик, ёшу қари - жамики вилоят аҳлининг бошини қовуштириши, уларни улуғ мақсад, бунёдкорлик ишлари, фаровон ва буюк келажак

йўлида жипслаштириши, сафарбар этиши, халқнинг бор куч-Қайратини мавжуд муаммоларни ҳал этишга йўналтиromoғи керак.

Республикамизда энг катта ҳудудга ва қудратли иқтисодий салоҳиятга эга бўлган Навоий вилоятининг бойлиги - унинг оғир-вазмин, ориятли ва меҳнаткаш халқидир, деди Ислом Каримов пировардида. Бу халқнинг кўнглини топган, юрагига кириб борган, дарду ташвишларига ошна бўлган раҳбар ўзини баҳтиёр деб билса арзиди. Чунки бундай халқ билан ҳар қандай муаммони ечса бўлади.

ЎруҚ истиқбол учун каттаю кичик аҳиллик билан, қўлни-қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилса, ўйлайманки, вилоят ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тезлашади, аҳолининг фаровонлик даражаси юксалади.

Энг муҳими, халқимизнинг аҳиллиги, адолатга ишончи, шу орқали меҳнатга муносабати, шиҷоати ошади.

## АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН

Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг 1998 йил 9 ва 11 ноябрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияларида муҳокама этилган масалалар кенг жамоатчиликда катта қизиқиши уйғотди. Шу муносабат билан Президент Ислом Каримовга Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси Абдусаид Кўчимов бир неча савол билан мурожаат қилди.

Йўлбошчимиз саволларга жавоб қайтарар экан, мазкур йигилишларда кўтарилиган муҳим маънавий-ахлоқий, сиёсий-ижтимоий муаммолар ҳақида батафсил фикр билдириди.

Қуида шу сұхбат матни эълон қилинмоқда.

**САВОЛ:** Мұхтарам Ислом Абдуқаниевич, қуни кеча Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессиялари бўлиб ўтди. Жамоатчилигимиз бу анжуманларда муҳокама этилган масалалардан оммавий ахборот воситалари орқали етарлича маълумот олди, одамлар ўз муносабатларини ҳам билдиromoқдалар. Шу билан бирга, ҳар икки сессияда Сизнинг чиқишингизни кузатар эканмиз, айникса "юрагимни бўшатишини истардим-у, майли..." деган сўзларингизни эшигтанда, журналист сифатида ватандошларимизга яна айтмоқчи бўлган қатор фикрларингиз борлигини сезгандек бўлдим...

**ЖАВОБ:** Ҳақиқатан, халқимиз гувоҳ бўлганидек, ҳар икки сессия ҳам кескин, танқидий руҳда ўтди. Мазкур вилоятларнинг раҳбар доираларида вужудга келган носоқлом мухит ҳақида аччик, аммо ҳаққоний сўзлар айтилди. Бундай номақбул одат тусига кириб қолаётган ачинарли ҳолатлар бугунги ҳаётимиздаги ижтимоий мухитнинг бузилишига ва аҳолининг адолатга бўлган ишончининг йўқолишига сабаб бўлмоқда. Бу фикрлар аслида амал курсисидан кетаётган кимсалар учун эмас, шу вилоятларда яшаётган меҳнаткаш, адолатга ташна инсонлар, ҳаётга эндиғина кириб келаётган ёшлар учун, миллатимиз, халқимизнинг эртанги қуни ҳақида қайғуриб айтилди, десақ, хато бўлмайди.

Шу йигилишларда тилга олинган маънавий-ахлоқий, сиёсий-ижтимоий муаммоларнинг баъзи бир жиҳатларини қисқача изоҳлаб ўтиш зарур, деб ҳисоблайман. Чунки улар бизнинг бугунги ҳаётимиз, олға қараб қилаётган ҳаракатларимиз билан чамбарчас боғлиқ.

Умрим давомида орттирган озми-кўпми ҳаётий тажрибаларим асосида шундай хулосага келдимки, дунёда инсон иродасини синайдиган воситалар қўп. Аммо уларнинг бирортаси ҳам амал, лавозим, мансаб каби одамзотнинг кимлигини, унинг қиёфаси ва моҳиятини яққол очиб бера олмайди.

Шу хусусда қўп ўйлайман. Мансаб деганлари қандай сирли, бетизгин куч эканки, нега у манаман деган, ақлли-хушли, оқ-корани таниган, туппа-тузук инсонларнинг эл-юрт, давлат ишониб топширган ваколатларни суиистеъмол қилишига, инсофини йўқотишига олиб келади, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, порахўрлик, калондимоғлик каби иллатлар домига тортади? Бунинг сабаблари нимада? Бу ярамас иллат қаердан, қандай пайдо бўлади? Бу хунук, аянчли аҳволни қандай қилиб бартараф этиш, жамият танасига канадай ёпишган бу балодан қай тариқа халос бўлиш мумкин?

Бу касаллик илдизи хонлар, беклар, қозилар, мингбоши-ю юзбошилар хукм сурган олис замонларга бориб тақалади. Балки халқ эртакларидағи порахўр амалдорлар, Абдулла Қодирий тасвирлаган ришватга ботган хон мансабдорлари ёки бўлмаса Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур "Ўғри" хикоясида қаламга олинган воқеалар фақатгина бадиий тўқима маҳсули эмасдир?..

Айни чоғда тарихимизнинг турли саҳифаларини кўздан кечирганда, халқимиз маънавияти билан боғлиқ шундай маълумотларга дуч келасизки, улар ҳалоллик, ҳаромдан ҳазар, таъмагирлиқдан нафратланиш, камтарлик, адолатпарварлик сингари туйғулар

миллатимизга хос энг олижаноб фазилатлар эканидан далолат беради. "Бироннинг ҳақи", "қиёмат қарз", "пешона тери", "молимардумхўр" деган сўзлар бунинг яқол ифодасидир.

Биргина мисол.

Маълумки, Бобур Мирзонинг отаси Умаршайх Мирзо темурий хукмдорлардан бири эди. Бобур ўз хотираларида отасининг нақадар адолатли ва ҳалол одам бўлганини кўрсатувчи шундай маълумотни келтириб ўтади. Қай бир иили Хитойдан Фарғонага келаётган минг кишилик карvon Ўш тоғларида ғор кўчкини остида қолиб ҳалок бўлади. Умаршайх Мирзо дарҳол одамларини юбориб, карvonнинг юкларини назорат остига олдиради. Эгалари ҳалок бўлган шу молларни икки йилдан зиёд эҳтиётлаб сақлайди. Хурросон ва Самарқандга махсус одам юбориб, карvon эгаларининг меросхўрларини дараклатиб топтиради ва уларни ўз мамлакатига чакиртириб, молларни тўлалигича қўлларига топширади.

Бундай мисолларни ўтмишдаги оддий одамлар ҳаётидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Худога минг шукурки, ҳозир ҳам ҳаётимизда шу эзгу тушунчалар барқарор ва устувор. Шунинг учун ҳам биз йўлимизда тўсик бўлиб турган, ҳалқимизнинг, фуқароларимизнинг ҳақли равишда норозилиги ва қаҳр-Ғазабига сабаб бўлаётган баъзи бемаъни ишларни таг-томири билан йўқотиш ҳақида очик, ошкора гапиряпмиз.

Чунки замонавий дунёқарашимиз, маънавий тамойилларимиз, урф-одатларимиз, кўнилмаларимиз янгича асосда шаклланадиган ва шубҳасиз эртанги авлод таълимтарбиясига асос бўладиган ижтимоий-ахлоқий қарашларимиз вужудга келаётган буғунги ҳал қилувчи паллада бу нарса Президент сифатида мен учун ҳам, бутун ҳалқимиз учун ҳам ниҳоятда муҳимdir.

Дунёнинг кўп-кўп мамлакатлари, жаҳон ҳалқларининг ҳаёти, тарихи, иқтисоди, сиёсати, фалсафаси, маданияти шуни кўрсатадики, ёвузликнинг, жумладан пораҳўрлик, Ўғрилик, товламачиликнинг миллати, насл-насаби йўқ. Бу оғат башарият бошига битган шундай ашаддий балоки, унинг салбий оқибатларини оламдаги жуда кўп давлатлар, юксак тараққий топган мамлакатлар ҳам ўз ўтмиши, буғунги ҳаётида кўриб-сезиб турибди.

Биз озодликка эришган илк кунимиздан бошлаб, ўз миллий давлатчилигимизни тиклашга киришган дастлабки пайтданоқ ният ва муддаоларимизни бутун дунёга очик-ойдин маълум қилганимиз: мақсадимиз аниқ - Ўзбекистонда ҳукуқий демократик давлат куриш. Инсоннинг ҳақ-ҳукуқларини ҳимоя қилиш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш - бош вазифамиз. Бу жамиятда ҳалқ ҳукмдорларга эмас, ҳукмдорлар ҳалққа хизмат қилиши - асосий қоида.

Биз ана шу тамойил ва йўл-йўриқларни ҳаётимизнинг мазмун-мундарижасига айлантириш учун интиляпмиз. Энг муҳим гап шуки, бошлаган барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади битта - адолатли жамият барпо этиш.

"Адолат" сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган.

Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олиша.

Айниқса, раҳбар адолати, элу юрга етакчилик қилишдек оғир масъулиятни бўйнига олган одамнинг адолати буғунги кунда бекиёс аҳамиятга эга. Авваллари ҳам кўп бор айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: ҳалқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди.

Одил ҳукмдор, адолатли раҳбар Гояси Форобийдан тортиб Алишер Навоийгача ва яна бошқа кўп-кўп мутафаккирларимизнинг улуғ маънавий идеали бўлиб келган. Шарқда қадимдан жуда машҳур бўлган "Сиёсатнома" деган асарда подшоҳ, ҳоким, амир ва беклар, қозио қуззотнинг, замонавий тил билан айтганда, раҳбарнинг бош вазифаси "кўю қўзиларни бўрилардан муҳофаза қилиб, ҳаром қўлларни кесиб, ер юзини ёмонлик қилувчилардан тозалаш, жаҳонни адолат ва осойишталик билан обод қилишдан иборат", деб кўрсатилган.

ҲАР сафар шу каби ҳикматли фикрларни ўқиганимда чуқур ўйга толаман. Қани эди, шу сўзлар ҳар бир раҳбарнинг, амал курсисида ўтирган катта-кичик мансабдорларнинг иймон-эътиқодига айланса, деб орзу қиласман.

**САВОЛ:** Фикрингизни бўлганим учун узр. Сиз доимо эзгу орзу-ниятлар билан яшаш, ҳаракат қилиш деган тушунчаларни иймон, эътиқод, охират каби тушунчалар билан ёнмаён қўйиб мушоҳада юритасиз. Бунда қандай маъно бор?

**ЖАВОБ:** Гапингизни тушундим. Лекин мен саволингизга жавобни саволдан бошласам. Ота-боболаримиздан қолган мана шундай доно ўғитлар, Куръони Карим, Ҳадислар нима учун хизмат қилиши керак? Ахир улар бизга, эй банда, сен - одамсан, сени Аллоҳ таоло инсон қилиб яратган, шунга муносиб бўл, юриш-туришинг, хатти-ҳаракатинг, ҳаётинг инсонлик шаънига, инсонлик номига яраша бўлсин, деган фикрни англатиш учун керак эмасми?

Менинг комил ишончим шундан иборатки, дунёда адолат қонуни мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унумаслик керак. Қолаверса, одам ўз қилган гуноҳлари, қилмишлари учун замон қонунлари берадиган жазодан қочиши мумкин, аммо охиратда қаерга қочасан?

Агар одам охиратдан қўрқса, одам бўлиб яшашга интилади, одамийлиги ортади. Акс ҳолда, унинг ҳайвондан деярли фарқи қолмайди.

Биз янги озод жамият, хукукий давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, адолат тамойилини устувор принцип сифатида эътироф этамиз. Ва ҳеч қандай куч бизни бу йўлдан ортга қайтаролмайди. Самарқанд ва Навоий вилояти сессияларида айтилган фикрлар бунинг яна бир бор тасдиқидир.

**САВОЛ:** Сизнинг шу йиғилишлардаги маърузаларингиз, хозирги гапларингизни эшигандан табиий бир савол туғилади. Йўлимиз тайин, тараққиёт дастуримиз аниқ бўлса, нима учун ҳаётимизда инсон табиатига тўғри келмайдиган ана шундай номаъкул, эски асоратлар ҳанузгача учраб турибди?

**ЖАВОБ:** Биз бугун афсус-надомат билан фикр юритиб, бартараф этиш чораларини излаётган ноxуш ҳолатни вужудга келтирувчи асосий сабаб шундан иборатки, кўп ҳолларда давлат ходими, давлат хизматчиси, яъни давлат ваколатидан фойдаланадиган амалдор шу ваколатни суиистеъмол қилишга интилади. Нима учун? Чунки мансабдорнинг ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиши учун қутқу соладиган омиллар кўп. Чунки унинг қўлида ваколат бор, куч бор. Ана шундай ҳолда нопок ходим давлатни ниқоб қилиб, моддий бойликларни тақсимлаш, ишлаб чиқариш соҳасига қўшилиш, кадрлар масаласини ҳал этиш каби нозик масалаларга аралаша бошлайди. Бундай муҳим масалаларда давлатнинг таъсири ва амалдорларнинг роли қанчалик кўп бўлса, у шунчалик аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бу фикрни кўплаб давлатлар тажрибасида ҳам, тарихий фактлар мисолида ҳам исботлаб бериш мумкин. ҲАР бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган.

Бугун биз бошимиздан мураккаб бир давр - яъни ўтиш даврини кечираётганда, эски маъмурий-буйруқбозлиқ, мансабдорларнинг чексиз хукмронлиги замонидан янги озод жамият, эркин иқтисод, демократик тузум сари қадам қўяётган бир пайтда бундай кусурларнинг юзага қалқиб чиқиши ҳам табиий бир хол. Янада соддароқ айтганда, эски тизим қонунлари ўз кучини йўқотиб, янги тизим, янгича ҳаёт кечириш, ишлаб чиқаришни, ижтимоий турмуш соҳаларини бошқаришнинг янги қонунлари ҳали тўла кучга кирмагани, энг муҳими, одамларимизнинг тафаккурида ўзгаришлар жуда секинлик билан рўй берадигани, уларнинг янги тизим қоидаларини қийинчилик билан идрок этаётгани ва қабул килаётгани ҳам шу каби салбий ҳолатларни кучайтиromoқда.

Бу вазиятдан чиқиш, вужудга келган аҳволни бартараф қилиш, ҳар қайси жамоа ва минтақада соҚлом ижтимоий муҳит ташкил этиш борасида турли хил фикрлар билдириш мумкин. Баъзилар, хукуқ-тартибот ташкилотлари, маъмурий идораларнинг кучини

ошириш керак, дейиши мумкин. Яъни, текширувчилар сонини кўпайтириш, керак бўлса, ҳар бир мансабдорнинг ёнига биттадан назоратчи қўйиш зарур, дегувчилар ҳам йўқ эмас.

Аммо воқелик, кундалик ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, текширувчилар устидан текширувчилар қўйган билан порахўрлик иллати камаймайди, аксинча, баттар авж олади. Қолаверса, биз бундай даврларни бошдан кечирганимиз. Бир эсланг, шўро замонида қанчадан-қанча текширувчи идоралар бор эди: давлат контроли, ҳалқ контроли, уларнинг устидан текширадиган партия контроли. Жойларда, шаҳар-туманларда уларнинг ажриқдек тармоқлаб кетган яна кўпдан-кўп бўлимлари мавжуд эди. Бундан ташқари, райком бюоролари, милиция, прокуратура, КГБ, ОБХСС...

Мана шундай тоталитар назорат муҳитида ҳам зўравонлар ўз билганидан қолмаган, порахўрлар ўз қилмишини давом эттираверган. Бундай иллатлар, айниқса, коммунист мансабдорлар орасида ўтакетган даражада авж олган эди.

Биз бугун турли хил назоратчилар, текширувчилар, терговчилар ва шунга ўхшаганларнинг сонини қанча кўпайтирсак, ишончим комилки, порахўрлик баттар авжига чиқади.

**САВОЛ:** Бундай ҳолатларнинг олдини оладиган, уларнинг давлат ва жамият манфаатларига етказадиган заарли таъсирини бартараф этадиган восита борми? Бу масалада бизнинг йўлимиз қандай бўлиши керак?

**ЖАВОБ:** Менинг назаримда, бу муаммонинг ечими қуйидагилардан иборат.

Энг аввало, бизнинг онгу тафаккуримизга, маънавиятимизга кишан бўлиб турган эски асоратлардан холи бўлган, замоннинг илғор талабларига жавоб берадиган Қайратшикоатли, мард, инсоф-диёнатли ёшларимизнинг ҳал қилувчи вазифаларга келиши учун йўлни кенг очиб бериш керак.

Иккинчидан, ижтимоий ҳаётда демократия талаблари ва тамоилларини тўла қарор топтириш, давлат ва давлат идоралари ишини демократик принциплар асосида ташкил этиш. Бунда бутун дунё тажрибасида ўзини оқлаган усул - ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятидан иборат мустақил уч тизимга тақсимлаш ишини амалда рўёбга чиқариш зарур. Жойларда ҳам ҳар қайси бўғинда шу тақсимот оғишмай жорий этилмоғи шарт. Бу уч тизим бир-бирининг ишига аралашмасдан, бир-бирини назорат килган ҳолда фаолият олиб боришига эришиш лозим.

Маълумки, ҳар қандай жамиятда ҳам демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар - ҳалқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, хукумат қарорлари ҳалқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир.

Мана шу принциплар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган тақдирдагина ҳар хил суистеъмолликларга қарши самарали ва изчил кураш олиб бориш мумкин.

Бугун биз тўқнаш келган вазиятни тубдан ўзгартиришнинг яна бир муҳим шарти - бу мулк масаласини ҳал қилишдир. Яъни мулк ўз эгасини топиши даркор. Ҳаётимизда ва ишлаб чиқаришда хусусий мулк бошқа мулк шакллари - давлат мулки, жамоа мулки, акционерлик мулки ва ҳоказолар орасида асосий устувор ўринни эгаллаши керак. Қачонки, шу мақсадни тўла амалга ошира олсан, давлат мулки ҳисобидан ўғирлиқ, талонторож қилиш, ундан нопок йўлда фойдаланиб меҳнатсиз даромад орттириш каби бемаъни ишларга чек қўйиш мумкин бўлади. Аминманки, ҳеч ким ҳеч қачон ўз мулкини ўғирламайди ёки ўз мулкига хиёнат қилмайди. Бу - ақлга сиғмайдиган ҳодисадир.

Хусусий мулқдор устидан назоратчининг ҳам кераги йўқ. Чунки бош назоратчи - унинг ўзи. Қонун асосида ишласа бас, ўз вақтида солиқини тўлаб борса, бўлди. Қанча даромад топса, топаверсин.

Муаммонинг тўртинчи ечими шундан иборатки, биз жамиятимизда ҳақиқий маънодаги кўп партиявийлик муҳитини тезроқ шакллантиришимиз зарур. Чунки партиялар, турли хил нодавлат ташкилотлар дегани - бу жамоатчилик дегани. Демак, кенг

жамоатчиликнинг ижтимоий ҳаётдаги таъсирини, ўрни ва ваколатини, ҳуқукини кучайтириш, унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш лозим.

"Тафаккур" журналида эълон қилинган сұхбатда билдирилган "Кучли давлатдан - кучли жамият сари" деган фикримнинг моҳияти ҳам аслида шу.

Биз адолатли, демократик жамият қурмоқчи эканмиз, бир ҳақиқатни асло ёддан чиқармайлик: тепадан туриб, маҳсус фармон ёки декрет билан жамиятда адолат ва демократияни ўрнатиб бўлмайди. Бу барчанинг бирдек иштироки, биринчи навбатда пешқадам зиёлиларимиз, турли сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари намояндаларининг, масъул хизматчиларимизнинг Қайрати, жасорати, ақл-заковати билан рӯёбга чиқадиган мураккаб ишдир.

Бу борадаги энг муҳим ва оғир масалалардан бири шуки, демократик тамойилларни жорий этишда асрлар синовидан ўтган, бугунги ҳаётимиз талабларига хизмат қиласиган, танлаб-сарапаб олинган миллий қадриятлар ва умумбашарий тажрибаларни табиий равишда уйғунлаштира олишимиз лозим.

Масаланинг яна бир ечими фикр эркинлиги, сўз эркинлиги билан боғлиқ. Жамият аъзолари ўз фикрини эркин ифода эта билиши, сўз эркинлигини ҳимоя қилиш, шу ҳуқуқларнинг амалда таъминланиши учун кафолат яратиш - бизнинг бугунги энг муҳим вазифамиз бўлиши лозим. Одамларнинг эркин фикрини ифода этувчи оммавий ахборот воситалари жамиятда ўзининг мустаҳкам ўрни ва мавқеини эгаллаши даркор.

Яна такрор айтаман: агар жамият назоратини ташкил этолмасак, яъни жойларда давлат идоралари устидан жамоатчиликнинг назоратини ўрнатишга эришолмасак, бундай ноҳуш ҳолатларни таг-томири билан тугатишнинг имкони бўлмайди. Бу касаллик, бу балога қарши курашишнинг бундан бошқа йўли йўқ.

Бунга эришиш учун эса аввало жамоатчилик вакилларининг сиёсий, ижтимоий савиясини ўстириш керак. ҲАР бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқукини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуки, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади.

Бугун одамларнинг дунёкараши, онгу тафаккурини ўзгартириш мана шу масала билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди.

Самарқанд ва Навоийда бўлиб ўтган сессияларда кўтарилилган масалалар муҳокамаси мен учун нақадар оғир кечганини, юрагимга нақадар қаттиқ ботганини яшириб ўтирумайман.

Шу йиғилишларда ҳозир бўлган депутатлар ва иштирокчилар олдида сўзлаганда мен миллионлаб одамларимиз, бутун заҳматкаш ҳалқимизни кўз олдимга келтириб, хаёлимда уларни тасаввур этиб гапирганимни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки, доно, меҳнаткаш, сабр-тоқатли ҳалқимиз оқ билан қорани ажрати олиш фазилатига эга, энг муҳими, унга тўғри йўл кўрсатилса, адолат тарозиси одил ва маҳкам тутилса, ҳар қандай синовдан ёруғ юз билан ўта олиши муқаррар.

Оддий бир фермер, шифокор, ўқитувчи ё бўлмаса, Нуротанинг чекка бир қишлоқи вакиласининг мамлакат Президентига ишонч, хурмат билдириш билан бир қаторда минбарга чиқиб ўз фикрини эркин, дадил ифода этиши мени кувонтириди. Ана шундай дамларда умрим, борлиқим мазмуни бўлган - озод, демократик, фаровон жамият қуриш йўлидаги ҳаракатларим мева бераётганидан, тобора оммалашаётганидан, юртимизнинг энг олис жойларида ҳам ўз тарафдорларини топаётганидан кўнглим таскин топди. Шундай одамлар, шундай ҳалқимиз бор экан, улар билан ҳар қандай қийинчиликларни, ҳар қандай тўсикларни енгиб ўтиш мумкинлигини хис этиб, кучимга куч қўшилди.

Очиқ айтиш керакки, рўй берган бу жирканч ишларнинг сабабларидан бири - маънавият, таълим-тарбия соҳасида олиб бораётган ишларимизнинг ҳали талааб даражасида эмаслиги билан боғлиқ. Қатъий ишонч билан айтиш лозимки, маънавий

бойлик - моддий бойлиқдан минг бор устун. Шу боис биз таълим-тарбия масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ёндашмоқдамиз. Кадрлар тайёрлаш ҳақида қабул қилинган Миллий дастур ҳам моҳият эътибори билан шу мақсадни амалга оширишга қаратилган.

Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз - бу ўсиб келаётган ёш авлодимиздир. Такроран айтаманки, мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман.

Кўриниб турибиди, бизнинг мақсад-вазифаларимиз, асло кечикириб бўлмайдиган ишларимиз ниҳоятда кўп. Уларни амалга ошириш учун бутун халқимиз, жамоатчиликнинг куч ва саъй-харакатларини бирлаштириш зарур.

Биринчи галда соҚлом фикрловчи, шу азиз Ватан қисматини ўз шахсий қисмати деб биладиган, мамлакатнинг эртаси учун бор масъулиятни зиммасига олишга қодир, жафокаш халқимиз учун, демократия ва адолат учун ўзини баҳшида этадиган, фидойи, изланувчи ёш авлоднинг бошини қовуштириш, унинг мақсад ва интилишларига қанот бериш зарур.

Агар биз замон билан ҳамнафас яшамоқчи бўлсак, дунёдаги бошқа халқлар, бошқа миллатлардан кам бўлмасликни, аксинча, улар билан teng, эркин, ҳамкор бўлиб умр кечиришни истасак, фарзандларимизнинг баҳту камолини кўрмоқчи бўлсак, ҳаётимизда адолат, фаровонлик, маънавий событлик қарор топишини хоҳласак, йўлимида дуч келиб, улуғ ва эзгу ишларимизга халал бераётган турли иллатлардан халос бўлишимиз, уларга қарши қатъият, сабот-матонат, жасорат билан биргаликда кураш олиб боришимиз шарт.

Биз орзу килаётган фаровон, озод ва обод ҳаётга эришишнинг асосий шарти шуки, унинг қонун-қоидаларига, талабларига бўйсуниб, риоя қилиб яшаш керак. Акс ҳолда умуминсоний тараққиётнинг катта йўлидан четга чиқиб, яна ўша оғир муаммолар гирдобида қолиб кетиш хавфи бор.

Накадар аччиқ бўлмасин, бу - ҳаёт. Бу -ҳақиқат.

Бугун замон барчамиздан мана шу саволларга жавоб кутмоқда. Буни ҳаммамиз теран англашимиз ва унга муносиб жавоб беришимиз керак.

## ҚОНУН ВА АДОЛАТ УСТУВОРЛИГИНИНГ ҲАЁТБАХШ МАНБАИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар, қадрли дўстлар!

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизни, сиз орқали бутун халқимизни катта байрам - Конституция куни билан самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Конституциямиз, яъни ҳаётимизнинг Асосий Қонуни ҳақида, унинг ўрни ва аҳамияти, маъно-моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин. Ҳусусан:

- унинг давлатимиз, жамиятимиз ва ҳар қандай инсон саъй-ҳаракатларини, уларнинг ўзаро ҳукуқ ва мажбуриятларини белгилаб ва чегаралаб берувчи Қомус сифатидаги жиҳатлари ҳақида;

- Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонун ва фармонларнинг хукмронлигини, Конституциямиз олдида барчамизнинг тенглигимиз ва масъулиятимизни таъминлаш масалалари, бир сўз билан айтганда, Конституциямизнинг ўзига хос ва ўзига мос бошқа хусусиятлари ва аҳамиятлари ҳақида алоҳида таъриф ва тарғибот қилиш зарур, албатта. Лекин, Конституция кунини нишонлашда ва умуман Конституциямиз ҳақида гапирганда, унинг ўзида мужассамлаштирган хосиятлари ва хусусиятлари тўғрисида эмас, балки Конституция талабларининг амалдаги ҳаётимизда бажарилиши ҳақида кўпроқ гапирсан ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Масалани кенгроқ қўяйлик.

Келажаги буюк давлат куриш,adolatli fuqarolik жамияти барпо этиш, ҳаётимизни тараққий топган давлат ва халқларнинг ҳаёти даражасига кўтариш каби эзгу ниятларимиз аниқ ва равshan бўлса, кўпчилик халқимиз ва жамоатчилигимиз шу мақсадларга эришиш учун астойдил бел боғлаган бўлса, табиий бир савол туғилади:

Нима учун, нега шу мақсад - келажагимизга этиб бориш йўлини кўрсатиб берадиган, кўпгина маҳсус ва атрофлича синовлардан ўтган Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинаётган қонунларимизни ҳаётга татбиқ этиш ўта қийинчилик билан бормоқда? Бунга нима сабаб?

Ўйлайманки, бундай изтиробли саволлар мамлакатимизда яшаётган ҳар қайси виждонли одамни қийнаб тургандир.

Бундай ҳолатнинг сабаблари ҳақида гапирганда, керак бўлса, ҳисобот берганда, мен қуидаги масалаларга эътиборингизни жалб қилишни истардим.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, бундай вазият, фикримча, бизнинг яқин ўтмишимиз билан, шу даврда шаклланган табиатимиз билан боғлик.

Кечаги ҳаётимизда қонунга муносабат қандай эди? Қонунни ўрганиш, қонун устунлиги, қонунга ҳамманинг бирдек итоат қилиши ва ҳукуқий тарбия ҳақида умуман гап бормиди ўзи?

Оддий фуқаролар Конституция ва қонунларга итоат қилса-ю, коммунистлар ўз уставига амал қилса, бундай тузумда қонун устуворлиги ваadolat хукмронлиги бўлиши мумкинмиди?

Сир эмаски, аксарият кўпчилигимиз мана шу ижтимоий вазиятда, яъни қонун ва қонун талабларини камситиш мухитида тарбия топганмиз, сугимиз ана шу шароитда қотган. Шунинг учун ҳам аксарият кишиларимизнинг қонуннинг ягона устувор куч эканини тан олиши ҳам, қонун олдида барчанинг teng ва баробар эканига кўникиши ҳам ниҳоятда қийин кечмокда. Биз эски тузум асорати деганда айни шу ҳолатни назарда тутамиз.

Бу муаммонинг яна бир қирраси борки, у ҳақда гапирмасдан бўлмайди.

Минг афсуски, Конституциямизда ўз ечими ва қарорини топган энг муҳим талаб - инсон ҳукуқининг давлат ҳукуқидан устуворлиги тамойили амалдаги қонунчилигимизда, давлат ва ҳукуқий-маъмурӣ идоралар фаолиятида ўз тасдиқи ва ижросини тўлиқ тополмаяпти.

Лўнда қилиб айтганда, амалиётда биз кўпроқ эски кайфиятда, яъни кўпроқ давлат манфаатини кўзлаб, давлат манфаатини кўриқлаб иш тутмоқдамиз. Инсон манфаатлари

хуқуқий тажрибамизда энг юксак ва энг устун қадрият бўлишини барчамизнинг онгимизга сингдириш жуда-жуда оғир кечмоқда.

Ахир, давлат деган тушунча нима учун керак? Авваламбор, инсон манфаатлари ва хуқуқлари, унинг тинч-тотув ҳәёти ва келажагини ташкил этиш ва ҳимоялаш каби улуғвор мақсадларга хизмат қилиш учун эмасми?

Агарким, ижтимоий ва сиёсий, керак бўлса, иқтисодий ҳаётимиз олдимизга кўндаланг қўяётган мана шу масалани замон талабларига, демократик тамойилларга қараб тўғри ҳал қиласак, кундалик фаолиятимизга татбиқ этмасак - барча баландпарвоз гапларнинг ва шиорларнинг маъноси ўзи йўқолади.

Бундай ҳақиқатни барчамиз яхши англаб олишимиз даркор. Бошқа иложимиз ва йўлимиз йўқ, азиз дўстлар!

Таассуфлар бўлсинким, баъзан қонун чиқарувчиларнинг ўзи, уни ҳимоя қилувчиларнинг ўзи қонунларни назар-писанд қиласдан, уларни оёҚости қилса, бу, албатта, халқнинг, оддий фуқароларнинг ҳақли эътиrozлари ва қаҳр-Ғазабларига сабаб бўлади. Яқинда бўлиб ўтган Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида муҳокама қилинган масалаларни яна бир бор эсласак, кўп нарса аён бўлади.

Ҳаётимизда қонун талаблари бузилиши ҳолатини вужудга келтирувчи бош сабаб - шуни яна бир бор айтишга тўғри келади - ижтимоий ташкилотлар, нодавлат ташкилотлар - маҳалла, аёллар, ёшлар ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ҳаётимиздаги таъсири ва ўрни етарли даражада шаклланмагани билан изоҳлаш мумкин.

Кўп йиллик ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, қонун устидан қонунчи, маъмурий идоралар устидан назоратчи, назоратчи устидан яна назоратчи ўтқазиб қўйиш хеч қачон самарали натижка бермайди.

Кўп бўлса-да айтмоқчиман: бундай тажриба фақатгина зўравонлар, порахўрлар ва таъмагирлар сонини кўпайтиради, холос. Бу - ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати.

Мен кўп бор айтганман, ҳозир яна бир карра тақрорламоқчиман: давлат идоралари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатмасдан туриб, мавжуд салбий иллатларни йўқ қилиб бўлмайди.

Бундай назоратни ташкил қилишда, жамоатчилик ва ижтимоий ташкилотлар билан бирга, авваламбор фуқаролар ва жамоатчиликнинг эркин фикрини ифода этувчи оммавий ахборот воситалари иш олиб бориши, ҳақиқат ва адолат учун курашга қаттиқ бел боғлаши лозим.

Яна бир муҳим ва ҳал қилувчи муаммо ҳакида кўп гапирамиз, лекин бу масалада амалий силжишлар жуда сусткашлиқ билан бормоқда.

Одамларимизда хуқуқий онг, хуқукий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги жамиятда адолат мезонларининг бузилишига олиб келмоқда. Очифини айтганда, ҳар биримиз ҳам Конституция ва қонунларимиз берган ҳақ-хуқуқларимизни яхши билмаймиз ва уни ҳимоя қила олмаймиз.

Мана шундай ҳолатда, аввало, тараққий топган давлатлар тажрибасига назар ташласак - уларда одамлар адвокат ва адвокатура идорасига кўпроқ мурожаат қиласди.

Яқинда, Олий Мажлиснинг бўлғуси сессиясида, Президент девони ташаббуси билан киритилган адвокатларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш ҳакидаги қонун лойихаси иккинчи ўқишида кўриб чиқилади. Ўйлайманки, бу ҳам одамларнинг хуқуқий савиясини оширишда муҳим қадам бўлиши даркор. Токи, одамлар фақатгина судга иши тушганда эмас, балки кундалик ҳаётида ҳам адвокатлар хизматидан, уларнинг маслаҳат ва тавсияларидан фойдалана оладиган бўлсинлар.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз биз учун назарий-хуқукий хужжат - бурч ва мажбуриятларимиз мажмуасигина эмас. Балки у ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-хуқуқларимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатишнинг ҳаётбахш манбаидир.

Бу олижаноб мақсадларга эришиш учун барчамиз, аввало, Конституциямиз ва қонунларимизнинг туб моҳиятини англаб етишимиз ва уларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида биргаликда қатъият билан курашмоғимиз лозим.

Яна ва яна такроран айтмоқчиман: адолат ва қонун устуворлиги учун, унинг талабларини ҳаётимизга жорий этиш учун биргалашиб курашмоғимиз, фидойи бўлмоғимиз керак. Қонун, яна бир бор қонун - каттаю кичик, жинсидан, миллати, эътиқоди ва мансабидан қатъи назар, - барчамиз учун устувор бўлмоғи даркор!

Мухтарам дўйстлар!

Инсон ва жамият, шахс ва оиланинг ўзаро муносабатлари, уларни табиий равишда уйғунлаштириш Асосий Қомусимиз пойдеворини ташкил этади.

Шу боис ҳам бу масалалар давлатимиз сиёсатининг доимий дикқат-эътиборида бўлиб келмоқда. Мамлакатимизда 1997 йилнинг Инсон манфаатлари йили, ўтиб бораётган 1998 йилнинг эса Оила йили деб эълон этилгани ва шу мақсадда маҳсус ҳукумат дастурлари қабул қилингани катта маънога эга.

Ҳадемай бизга кўпдан-кўп шодлик ва қувончлар, шу билан бирга турли хил ташвиш ва муаммолар олиб келган 1998 йил поёнига етади. Яъни, Оила йили ҳам якунланади. Хўш, ўтган давр мобайнида ҳукумат дастурини бажариш юзасидан нима ишлар қилинди?

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, бу борада талайгина салмоқли ишлар бажарилди.

Биз оила ҳакида гапирав эканмиз, аввалимбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоқи эканини тан олишимиз зарур.

Оила масаласига жамиятимизда бу қадар катта аҳамият берилаётганинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Биз оилани хўжакўрсинга кўтар-кўтар қилиш, уни қандайдир этнографик ёдгорлик сифатида кўз-кўз қилиш ниятидан мутлақо йироқмиз.

Биз ўз маънавий ҳаётимиз ва келажагимизни қураётганда беқиёс миллий қадриятимиз бўлмиш оилани асосий таянч деб биламиз. Чунки ўзлигимизга қайтиш, миллий урф-одатларимизни эъзозлаш, катталарга ҳурмат ва кичикларга ғамхўрлик, одамийлик, ҳалоллик, олижаноблик, меҳр-оқибат сингари асл инсоний фазилатлар айнан оила мухитида шаклланади.

Ишонаманки, бундан буён ҳам ота-боболаримиздан қолган, миллатимизнинг қонқонига сингиб кетган, бугунги кун талабларига ҳам жавоб берадиган эзгу анъаналарга содик бўлсақ, Аллоҳ таолонинг ўзи бизга инъом этган миллий ўзлигимизни қайтадан тикласак, бу билан доимо Фурурланиб, айни вақтда шу эътиқодимизга масъул бўлиб яшасак, иншооллоҳ, ҳеч қачон кам бўлмаймиз.

Қани энди, шу оддий ҳақиқатни инсоф ва диёнатни унуган, ҳалқимизнинг асл табиатига зид бўлган турли нопок ишларга қўл ураётган кимсалар ҳам тушунса!..

Бунинг учун эса ҳар бир инсон қалбида нафс балосидан, шайтон васвасасидан йироқ бўлиш, иймон ва инсоф, виждон ва адолатпарварлик туйғуларини уйғотиш зарур. Агар одамлар онгода шу инсоний туйғулар қарор топмас экан, ана шундай олижаноб фазилатлар жамиятимизда ҳукмрон бўлмас экан, давлат томонидан ўтказиладиган ҳар қандай чора-тадбирлар ҳам, суд-прокуратура идораларининг фаолияти ҳам кутилган самарани бермайди.

Фуқароларимиз тафаккурида ана шу олий туйғуларни тарбиялаш, яъни бошқача айтганда, инсонга инсонлигини англашиб - бизнинг мафкура ва маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий мазмунига айланиши керак.

Мана шуларнинг барчасини эътиборга олиб, жамиятимизда оилани мустаҳкамлаш, ҳаётимизда оиланинг ўрни, маъно-моҳияти, таъсирини кучайтириш учун давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ёрдамни келгусида ҳам аямаймиз.

Мухтарам дўйстлар!

Биз Янги йил арафасида турибмиз. Бошлаган ижобий ишларимизни Янги йилда ҳам изчил давом эттиришимиз, янги босқичга қўтаришимиз зарур. Бизнинг белгилаб олган буюк мақсадларимиз ва улуғвор режаларимиз, олға қараб қўяётган қадамларимиз бирбири билан узвий боғлиқ. Бугун тараққиёт ва фаровонлик йўлида амалга ошираётган ишларимиз эртанги ёруғ қунимизнинг пойдеворидир.

Биз Янги йилдаги вазифаларимизни белгилар эканмиз, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий ривожланиш режаларини тузар эканмиз, эришган ўсиш суръатларимиз келгуси йилда бу йилгига нисбатан янада юксак ва самарали бўлишига, халқимизнинг эртанги турмушини янада ёруғ қилишга интиламиз.

Бу режалар йил охирида бўладиган Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида муҳокама қилиниб, барчамиз учун фаол ҳаракат дастурига айланади.

Очиқ айтишим керак: янги йилда белгиланган мақсадларга эришиш, турмуш даражасини янада қўтариш учун барча имкониятларга эгамиз. Лекин, шу билан бирга, бизни кутаётган баъзи бир хавф ва муаммолар ҳақида ҳам огоҳ бўлишимиз даркор.

Янги йилда бизга энг катта хавф ва зиён етказиши мумкин бўлган муаммо - атроф-қўшни давлатларга етиб келаётган Россиядаги молиявий буҳрон таъсири ва улар ўзлари сабабчи бўлган иқтисодий инқизорздир. Кўшни давлатларда нарх-наво ўсиб бораётгани ҳақида қўпчилик хабардор деб ўйлайман. Бундай хавфнинг олдини олиш, юртимизни бундай оғатлардан саклаш - бугунги ва эртанги қунимизнинг энг муҳим ва энг долзарб вазифаси десак ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу масалаларни ечиш учун керакли чораларни бугун кўришимиз, барчамиз сезгир бўлишимиз даркор. Олға силжишимизга халақит бераётган салбий иллатлар, эски замон асоратларидан жудо бўлиш, бир сўз билан айтганда, ҳаётимизни оқилона ташкил этиш учун Янги йилда ҳам ҳар биримиздан зўр куч-Қайрат, азму шижаот билан меҳнат қилиш талаб этилади.

Шу билан бирга биз келгуси йилда маънавий ҳаётимизни янгиловчи, халқимизни бирлаштирувчи, керак бўлса, уни илҳомлантириб-руҳлантирувчи асосий мақсад, асосий Фоямизни ҳам аниқ белгилаб олишимиз зарур.

Қадрли дўстлар!

Мен 1999 йилни мамлакатимизда Аёллар йили деб эълон қилишни таклиф этаман.

Ўйлайманки, мана шу залда ўтирганлар ҳам, бутун халқимиз ҳам бу фикрни қўллаб-куvvatлайди.

Келгуси йилни Аёллар йили деб эълон қилишимизнинг сабаби нимада?

Аввало, бу Инсон манфаатлари ва Оила йили деб эълон қилиниб, кўп-кўп савобли ишлар амалга оширилган жараённинг мантиқий давоми бўлади. Чунки Инсон, Оила, Аёл тушунчаларини бир-биридан ажralган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Аёлларнинг жамиятимиздаги, ҳар биримизнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида жуда кўп ва узоқ гапириш мумкин. Мен инсонни инсон қиласиган ҳам, майиб-мажрух, бахтиқаро қиласиган ҳам оиласидир, деган фикрни айтиб ўтган эдим. Шу мулоҳазани давом эттириб айтиш мумкинки, Худонинг марҳамати билан оиласи оила қиласиган зот - бу Аёлдир.

Оиласи ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу баракот киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаvvар қиласиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир.

Чиндан ҳам, аёлларимизнинг оиласида тутган ўрни бекиёс. Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиласидаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар.

Улуг донишмандлар Ватанга энг муносиб таъриф излаганда, уни Она сиймосига қиёс этганларида катта маъно бор. Дунёда "муқаддас" деган сўзга энг муносиб зот ҳам - Онадир.

Онани эъзозлаш - бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига қўтарилиган фазилат. Чунки аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки, оиласизни, Ватанимизни эъзозлаган бўламиз.

Қаҳрамон шоиримиз Абдуллажон Орипов айтганидек:

Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,  
Биттадир дунёда Она деган ном.  
Мухтарам дўстлар!

Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Айниқса, аёлларга шарқона эҳтиром ва эъзоз биз учун ибратли меросдир. Бежиз эмаски, Шарқда Аёлни фариштага киёс қилишади. Чунки фаришталар Аллоҳ таоло яратган энг пок, энг бегуноҳ зотлардир.

Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонати, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибиҳоним, Гулбадонбеким, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Анбар отин ва бошқа юзлаб аёлларимизни ҳамиша эҳтиром билан тилга оламиз.

Улуғ момоларимизга хос бўлган олижаноб фазилатлар бугун ҳам мухтарам аёлларимиз сиймосида давом этиб келмоқда.

Аёлларга бўлган чексиз хурмат-эҳтиромимизнинг яна бир сабаби шундаки, аёл - аввало ҳар бир инсоннинг бешигини тебратадиган, оқ сути билан унинг юрагига одамийлик фазилатларини сингдирадиган, уни ҳаёт бўронларидан асраб-авайлайдиган фидойи инсондир.

Биз бугун ёш авлод тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам кўра катта аҳамият бермоқдамиз. Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз - бу, ўсиб келаётган ёш авлодимиздир.

Аввал айтганимдек, мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирни ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман.

Шундай экан, ўсиб келаётган янги авлодни ким она алласи билан эзгуликка ўргатади, ким уни парвариш қиласи, ким уни Ватанга, халқка садоқат руҳида тарбиялайди, ким етук инсон қилиб вояга етказади?

Албатта, халқ тақдирни, миллат истиқболи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу улуғ ва масъулиятли иш фақат оналарнинг қўлидан келади.

1999 йилни яхши ният билан Аёллар йили деб эълон қиласи, аввало оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига кўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш - давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим. Албатта, шу масала бўйича кенг кўламда дастур қабул қилишимиз керак.

Азиз юртдошларим!

Ишончим комилки, Янги йилимизни муnis ва дилбар аёлларимиз тимсолида Нафосат йили, Гўзаллик йили, Мехр-муҳаббат йили деб аталиши маънавиятимизга янгича мазмун ва тус беради, маънавий ҳаётимизда янги муҳим босқич бўлиб қолади.

Барчангизга, сиз орқали бутун меҳнаткаш ва заҳматкаш, бағрикенг халқимизга тинчлик-омонлик, баҳт-саодат тилайман.

Конституция кунига  
бағишлиланган тантанали  
маросимда сўзланган нутқ,  
1998 йил 5 декабрь

## ХАЛҚ ИШОНЧИ - ОЛИЙ МАСЪУЛИЯТ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигига эришиш, юртдошларимизга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф эта бориш ижтимоий-иқтисодий юксалишнинг муҳим шартлариdir. Президент Ислом Каримовнинг Тошкент вилояти халқ депутатлари Кенгашининг 1998 йил 16 декабрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида ана шу ҳаётий масалаларга жиддий эътибор қаратилди.

Тошкент вилояти ўзининг улкан салоҳияти, имкониятлари, табиий бойликлари ва меҳнаткаш халқи билан мамлакатимизда алоҳида ўрин эгаллайди, деди давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда юртимизнинг равнақини, порлок келажагини таъминлашда, халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда вилоят аҳолиси ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шу билан бирга, вилоятда турли миллат вакилларининг тинчтотув, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ўзаро хурматда яшаб меҳнат қилаётгани ҳам, агар таъбир жоиз бўлса, бизнинг энг катта ютуқларимиздан биридир. Собиқ ҳоким Эркин Рўзиевни Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тавсия қилишда биз вилоятнинг ана шу хусусиятларини ҳам ҳисобга олдик.

Бугунги вилоят Кенгаши мажлисидан кўзда тутилган мақсад битта - янги ҳокимни сайлаш ва тасдиқлашдан иборат. Энг муҳими, янги раҳбарни танлашда хатога йўл қўймасдан, шу лавозимга муносиб одамни сайлаб олишимиз керак. Бу масала нақадар мураккаб ва муҳим эканини барчамиз ҳаётий тажрибадан биламиз, керак бўлса, аччиқ ҳақиқатлардан тегишли хулоса чиқаришимиз мумкин.

Айни замонда, шу ерда ўтирган халқ депутатлари, фаоллар, вилоят ташкилотлари ва йирик корхоналари раҳбарлари билан биргаликда ўтган йил натижаларини холисона, танқидий кўз билан таҳлил қилиб, келажакдаги устувор режаларни, муҳим йўналишларни белгилаб олишимиз керак.

Вилоятда ўтган давр ичида анчагина ютуқлар қўлга киритилди. Лекин бугун биз кўпроқ мавжуд муаммолар, нуқсонлар ҳақида гаплашиб олсанк мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ўйлайман.

Очиқ айтишимиз керак: деярли ҳамма соҳаларда ҳам бир қатор камчиликлар, йўл қўйилаётган хатолар ва ечилмаган муаммолар мавжуд. Уларни бартараф этиш нафақат бугун тайинланадиган янги ҳоким, балки сиз, муҳтарам халқ депутатларининг, барча бўғиндаги катта-кичик раҳбарларнинг, фаолларнинг диққат марказида бўлиши лозим.

Кези келганда шуни айтиш керакки, депутатларнинг вазифаси фақатгина сессияларда қатнашиш, ҳокимни сайлашдангина иборат эмас. Улар вилоят ҳаётига фаол аралашмоғи, муаммолар ечимиға ижобий таъсир кўрсатмоғи, зарур бўлса, вилоят раҳбарларининг, жумладан, ҳокимнинг ҳам фаолиятини назорат қилиш, ҳокимиятнинг ишини холисона баҳолаш, камчилик ва нуқсонлар ҳақида рўй-рост гапириш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш масалаларида ўз ҳиссасини қўшиши лозим, дея таъкидлари Ислом Каримов.

Депутатни халқ сайлайди. Халқнинг, сайловчиларнинг ишончини оқлаш деганда - биз бу сўзларни ҳаётимизда жуда кўп ишлатамиз - депутатларимизнинг авваламбор ҳақиқий юртпарвар бўлишларини, жамоа манфаатларини ҳимоя қилишда ўзларини аямаслигини, ўзларини умид билан сайлаган одамларнинг дарду ҳасратларини ҳар доим ёдда сақлашларини англаймиз.

Яна бир бор таъкидлаб айтаман: депутат ҳам, раҳбар ҳам, қўйингки, ўзини шу юртнинг фарзанди деб биладиган ҳар бир киши фақатгина ўзининг қундалик иши,

кундалик ташвишлари ва юмушлари билан чекланиб қолмасдан, эл-юртимизнинг фаровонлиги учун сидкидилдан хизмат қилиши, курашиши ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шундан сўнг мамлакатимиз Президенти бевосита вилоятда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги муаммоларга тўхталиб ўтди. Ислоҳотлар нега оқсамоқда, бунинг сабаблари нимада, деган кескин саволни ўртага қўйди.

Юқорида зикр этилганидек, вилоятда бозор иқтисодиётини шакллантириш борасида бирмунча ибратли ишлар амалга оширилганига қарамай, қатор оқсашлар, ишга солинмай ётган ички имкониятлар ҳали жуда кўп.

Бир муҳим вазифани чукур англаб олишимиз зарур. ҲАМмамиз ҳам яхши яшашни, ҳаёт даражамизнинг, даромадларимизнинг ўсишини, иқтисодиётимиз тезроқ тараққий этишини хоҳлаймиз. Бу табиий ҳолдир. Иқтисод деганда том маънода нафақат ҳалқ хўжалиги иқтисодини, нафақат биз ўзимиз ишлаётган корхона, хўжалик, ширкатни кўз олдимизга келтиришимиз лозим, балки биринчи навбатда ҳар қайси шахс, инсон, ҳар қайси оиланинг фаровонлигини назарда тутишимиз даркор.

Мана шу мақсадларга эришиш, мана шу эзгу ният, орзуларимизни рўёбга чиқариш учун ўз ишимизга, кунлик фаолиятимизга танқидий кўз билан қарашимиз, баҳолашимиз керак.

Замон, бугунги давр нималарни талаб қилмоқда-ю, биз нима қиляпмиз?

Бугунги кунда чегараларимиз очик: дунё бизнинг ҳаётимиз билан, биз эса жаҳон тажрибаси билан бемалол танишмоғимиз мумкин. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Нафақат Президент, нафақат ҳукумат, нафақат раҳбарлик вазифасида ўтирган шахслар, балки ҳар қайси фуқаро битта саволга жавоб излаши керак: нима учун тараққий топган давлатларда, Францияни оласизми, Голландия, Истроил ва бошқа мамлакатларни оласизми, қишлоқ хўжалигида ишловчи бир киши этишириётган маҳсулот 30-50 одамни боғишга етади-ю, бизда эса битта инсоннинг ўзига ҳам етмайди?

Нима учун уларда дехқончиликдаги ҳосилдорлик, иш самараси, меҳнат унумдорлиги бизга нисбатан 4-8 карра кўпроқ?

Бу саволларга жавоб битта, деди йўлбошчимиз. Уларнинг ҳар кунлик ҳаёти фақат изланиш, тадбиркорлик ва ислоҳотчилик билан ўтади. Улар учун бу ҳолат одатга, ҳаёт мазмунига айланиб қолган. Улар фақат шунинг ҳисобидан тараққиётга эришмоқда, фаровон ҳаёт кечирмоқда.

Қани, энди ўзимизнинг ҳаётимизга, тажрибамизга эътибор берайлик, яъни зикр этилмиш нуқтаи назардан баҳо берайлик. Минг афсуски, ижобий жавоб бериш қийин.

Албатта, кейинги йилларда бизда ҳам ислоҳотларни жорий этиш, ҳаётимизни янгилаш, авваламбор дунёқарашимизни, тафаккуrimизни ўзгартириш борасида катта қадамлар қўйилди. Буни инкор этиб бўлмайди. Лекин бугун очик, холисона тан олишимиз керак: ишимизда самара йўқ - аксинча, расмиятчилик, хўжакўрсинглик кўп.

Баъзида шундай бир тасаввур уйҚонадики, олиб борилаётган ислоҳотлар авваламбор ўзимиз учун эмас, балки тепадаги Президент идораси, ҳукумат олдида шунчаки ҳисбот бериш учун бўлаётгандай.

Кўплаб соҳа, тармоқ, корхона ва хўжаликларда эса раҳбарлар ва жамоа Ғафлат уйқусида ётганга ўхшайди.

Аксарият раҳбарларнинг иқтисодий-ҳуқуқий билимлари саёз. Улар ҳамон эскича, маъмурий-буйруқбозлиқ услубида иш юритмоқда. Бу ҳол жойларда ислоҳотларни ташкил этиш ва амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда, ислоҳотлар илдизига болта урмоқда.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз илгари ҳам такрор ва такрор таъкидлаганидек, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, аввало инсон манбаатлари учун амалга оширилиши керак. Қилинаётган барча ишлар халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоғи лозим. Токи халқимиз мустақиллик неъматларидан ҳар қадамда баҳраманд

бўлсин. Зеро, вилоят аҳлининг кундалик ҳаётий эҳтиёжларини қондириш масаласида ҳам қатор муаммолар мавжуд. Биринчи галда ана шу муаммоларнинг ечимини топиш зарур.

Тошкент вилояти мамлакатимизнинг аҳоли зич яшайдиган худудларидан биридир. Бу эса ўз навбатида ортиқча иш кучи муаммосини келтириб чиқаради.

Биз ҳаммамиз яхши биламиз: бошимизга тушаётган кўпгина муаммолар, балоқазолар, авваламбор, энди вояга етаётган ёшларимиз, фарзандларимиз тақдирини оладиган бўлсак, ўзи кўпинча ишсизликдан бошланади, деди Президент. Бу муаммоларнинг ечими туман марказларида, қишлоқларда кўплаб кичик ва ихчам саноат корхоналари, майший хизмат тармоқларини барпо этишини тақозо этади.

Вилоятда йил давомида 35 минг янги ишчи ўринларини яратиш режалаштирилган эди. Аммо бу режа ҳозирги кунга қадар 72 фоиз бажарилган.

Вилоятда ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ, ҳар йили 17 минг кишини қишлоқ хўжалиги соҳасидан озод қилиб, бошқа тармоқларга жалб қилиш кўзда тутилган эди. Лекин жорий йилда бу топшириқ бор-йўғи 18 фоиз бажарилди, холос.

Бундай муаммо билан узвий боғланган яна бир ўта муҳим, ҳаётимизни, эртанги кунимизни ҳал қилувчи масала - ёш авлодни ўқитиш, камол топтириш, уларни билимдон, юқори малакали мутахассислар, Ватанимизнинг муносиб фуқаролари қилиб вояга етказиш нақадар долзарб вазифа экани ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Мамлакатимизда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" қабул қилинди ва уни босқичма-босқич амалга ошириш борасида муайян ишлар бошлаб юборилди.

Тошкент вилоятида бу муҳим соҳанинг аҳволи қандай?

Афсуски, бу саволга ижобий жавоб йўқ. Кичик ёшдаги болаларни боғчаларга жалб қилиш 21 фоизни ташкил этади. Кейинги йилларда янги боғчаларни очиш у ёқда турсин, 150 та боғча ёпиб қўйилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Мавжуд 893 та мактабнинг 44 таси авария ҳолатида, 420 таси мослаштирилган биноларга жойлаштирилган. Жорий йилда фойдаланишга топширилган 8 та мактабнинг жиҳозлар билан таъминланиш даражаси 34 фоизни ташкил қиласди, холос. Қишлоқ мактабларида ўқитувчилар етишмайди. Буни қандай баҳолаш мумкин?

Миллий дастурга биноан, ҳар бир шаҳар, туман ҳокимлари ўз худудларининг маҳаллий шароитларидан, ишлаб чиқариш хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда турли соҳалар бўйича ҳунар-касб коллекларини ташкил қилишлари лозим.

Афсуски, маҳаллий ҳокимларда изланувчанлик, ташаббускорлик етишмаяпти. Наҳотки, улар бу хайрли иш замерида ўз худудларидаги ишлаб чиқаришнинг истиқболи, айниқса ёшларимизни касб-ҳунар билан, иш билан таъминлаш, бир сўз билан айтганда, минглаб ёшларимизнинг тақдири, келажаги мужассам эканини англаб етмаса?

Эътироф этиш жоизки, вилоятда сўнгги йилларда оналар ва болалар соғлиғини сақлаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, қишлоқ врачлик пунктларини ташкиллаштиришда бир мунча ишлар амалга оширилган. Натижада вилоятда тепкили терлама, вирусли гепатит каби кўпгина юқумли касалликларнинг сезиларли даражада пасайишига эришилган. ТуКруқ вақтида оналар ва гўдаклар ўлимни камайган.

Шу билан биргаликда, вилоятда аҳоли соғлиғини сақлашда бир қатор камчиликлар мавжуд. Сўнгги йилларда вилоят соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник ҳолати ёмонлашди. Уларда замонавий тиббий асбоб-ускуналар етишмагани ҳолда, бу мақсадлар учун ажратилган 321 миллион сўм капитал маблағнинг 235 миллион сўмигина ўзлаштирилган, холос.

Ўзларинг ўйлаб кўринглар, азиз биродарлар, пул бўлмаса бошқа гап эди, лекин халқ соғлиғини сақлашдек хайру савобли бир соҳада берилган имкониятдан фойдаланмасликнинг ўзи катта гуноҳ эмасми, деди Ислом Каримов.

Дарҳакиқат, Қибрай туманидаги оналар ва болалар шифохонаси, Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон туманларидаги тиббиёт муассасалари ва вилоят бош шифохонаси курилиши ҳамон битгани йўқ.

Ахолини тоза сув билан таъминлашни яхшилашга ҳам эътиборни кучайтириш зарур. Бугун вилоятда ичимлик суви билан таъминланиш даражаси 89 фоиз бўлгани ҳолда, айрим қишлоқларда бу муаммо ҳамон кескинлигича қолмоқда. Аникроқ айтадиган бўлсак, вилоятнинг 241 та қишлоқига водопровод суви етиб бормаган.

Табиий газ билан таъминлаш вилоят бўйича 76 фоиз, қишлоқ жойларда эса 64 фоизни ташкил қиласди. Бу кўрсаткич Оҳангарон туманида 25, Бўкада 28 фоиздан, Бекобод, Оққўрғон туманларида эса 50 фоиздан ошмайди.

Лекин, ахвол шундай бўлишига қарамай, янги газ тармоқларини ишга тушириш топшириқлари Оққўрғон, Бўка туманларида атиги 40 фоизга бажарилган, холос.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ҳалқ хўжалигининг бу етакчи тармоғини тубдан ислоҳ қилишга Ўртбошимиз катта аҳамият бериб келмоқда. Шу мақсадда қатор қонунлар, қарорлар қабул қилинди ва уларни амалга ошириш услублари ишлаб чиқилди.

Қишлоқ хўжалигига мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келгани, фермер, дехқон хўжалиги,ижара ва оила пудрати услубида иш олиб борилаётгани бунинг яққол далилидир. Кўзланган асосий мақсад ерни, мулкни ҳақиқий эгасига топшириб, ердан самарали фойдаланиш, лўнда қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигини даромад келтирадиган соҳага айлантиришдир.

Лекин, таассуфлар бўлсинким, Тошкент вилоятида бу соҳада амалга оширилаётган ишлар талабга жавоб бермайди.

Бир пайтлар Тошкент вилоятида ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан қатор йиллар пахтадан юқори ҳосил етиштирган, эл-юрт назарига тушган миришкор пахтакорлар, уларнинг шогирдлари, айтиш мумкинки, ўзига хос дехқончилик мактаблари бор эди, деди Президент.

Нима, ҳозир Тошкент вилоятида ҳалол меҳнат қилаётган, юқори ҳосил етиштиришга интилаётган дехқонлар йўқми? Улар бор, албатта! Лекин айрим раҳбарларнинг лоқайдлиги, масъулиятсизлиги оқибатида бундай фидойи дехқонларимизнинг йўли очилмаяпти, меҳнати қадр топмаяпти, энг ачинарлиси, уларнинг ибратга молик тажрибалари назардан четда қолмоқда.

Ўтган йили вилоят пахтакорлари 258 минг тонна пахта етиштириб, шартнома топшириқларини аранг 92 фоизга етказган эдилар.

Бу йил эса ахвол ундан ҳам ёмонлашди. Ҳосилдорлик 20 центнердан ҳам ошмади. Белгиланган режа 82,5 фоизни ташкил қилди, холос.

Афсусланадиган жойи шундаки, кўплаб туман ва хўжалик раҳбарлари дехқонларнинг пешона тери билан етиштирган ҳосилини ўз вақтида, қор-қировли кунларга қолдирмасдан териб олишни етарли даражада ташкил қила олмадилар.

Оқибатда ҳосилнинг талай қисми далаларда қолиб кетди. Ҳосилнинг бор-йўғи 14 фоизи машиналар билан териб олинди. Мавжуд 1000 дан ортиқ машиналарнинг ярми ҳам ишламади.

Энг ёмони шуки, айрим туман ва хўжалик раҳбарлари мавжуд терим агрегатлари ва ишчи кучларидан фойдаланиш ўрнига, "қачон ўқувчилар, ёрдамчилар пахта теримига келади", деган боқимандалик кайфиятида юришди. Оқибати не бўлгани ҳозиргина айтиб ўтилди. Бу кайфиятга қачон чек кўйилади?

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, кейинги вақтда, тўғрироғи, бу йилдан бошлаб, вилоятда ғаллачиликка бўлган муносабат ижобий тарафга ўзгарди. Сувли ерларда ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан 9 центнерга ошди. Бунинг натижасида ғалла сотиш шартномаси 103 фоизга бажарилди.

Паркент, Қибрай, Зангиота ва Тошкент туманларида ҳосилдорлик 40 центнерга етди. Дехқончиликда янги усулларни жорий этишнинг натижаси ўлароқ, бир қанча оилавий пудратчилар 50 центнердан ошириб хирмон кўтардилар.

Дехқонларда ерга эгалик ҳиссини уйғотиш, ердан тўғри ва самарали фойдаланиш, ерни эъзозлаш қандай самара беришини мана шу мисолда ҳам яққол кўриш мумкин.

Қишлоқ хўжалигидаги муаммолар ҳақида сўз юритар эканмиз, бу соҳадаги илмий муассасаларимиз, олимларимизнинг ишларига нисбатан жиддий эътиrozларимизни рўйност айтишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Вилоят худудида жойлашган қатор илмий-текшириш институтларининг қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, айниқса, ҳар бир ҳудуд иқлими шароитларини ҳисобга олган ҳолда эртапишар ва серҳосил янги навларни яратиш ва дехқонларимизга етказиб бериш борасидаги ишлар бизни мутлақо қониктирмайди.

Аччиқ бўлса ҳам айтишим керак: уруғшунос олимларимиз фаолиятида амалий ишдан кўра, қуруқ ваъзхонлик, ваъдабозлик устунлик қилмоқда.

Кейинги йилларда вилоятда чет эл инвестицияларини иқтисодиётга жалб этиш, қўшма корхоналар ташкил этиш, четга маҳсулот экспорт қилиш борасида ҳам бирмунча яхши ишлар амалга оширилди. Ҳозирги вақтда вилоятда 105 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Биргина шу йилнинг ўзида вилоятга 43 миллион АҚШ доллари ҳажмида чет эл сармояси ётқизилди. Қўшма корхоналар томонидан 9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 41 миллион АҚШ доллари миқдоридаги рақобатбардош маҳсулотлар экспорт қилинди.

Маълумки, мамлакатимизнинг энг йирик саноат корхоналари шу вилоятда жойлашган, улар Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутади.

Йил давомида вилоят саноат корхоналарида 101 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва ўсиш суръати 105 фоизни ташкил қилди. 42 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бу ютуқлар мавжуд саноат корхоналарини замонавий, жаҳон андозаларига мос технологиялар билан жиҳозлашни йўлга қўйиш натижасида қўлга киритилди.

Ютуқларни холисона эътироф этиб ва тан олиб, вилоят истиқболини ўйлаган ҳолда, табиий бир саволга жавоб топишимиш керак, деди Президент.

Бугун Тошкент вилоятидаги барча саноат корхоналари ҳам тўла қувват билан ишлайптими ёки йўқми? Бугун уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидорини топаяптими, бозор талабига жавоб берадими?

Вилоят саноат корхоналари фаолиятининг атрофлича таҳлили шуни кўрсатадики, улардаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 62 фоиздан ошмас экан. Кўяпсизки, қанчадан-қанча имкониятлар ишга солинмай ётиби!

Вилоятдаги 81 корхонада техника ва ишлаб чиқариш технологиялари эскирган бўлишига қарамай, 3 миллиард сўмликдан ортиқ янги замонавий ускуналар ўрнатилмаганига нима дейиш мумкин?

Корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари миқдори камаймаяпти. Молиявий хўжалик фаолияти ўрганилган 167 та корхонанинг 136 таси иқтисодий начор экани аниқланди. 21 та корхона йилни қарийб 276 миллион сўм зарар билан якунламоқда.

Ахолига майший, пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, уларнинг турларини кўпайтириш бўйича ҳам вилоятдаги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Ахоли жон бошига кўрсатилган майший хизмат йилнинг ўтган даврида вилоят миқёсида 377 сўмга тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Оҳангарон, Юқоричирчиқ ва Пискент туманларида 80-140 сўмдан ортмади. Вилоят қишлоқларида бутун бир йил мобайнида атиги 60 та майший хизмат шоҳобчаси ишга туширилиб, уларда 83 та ишчи ўрни ташкил этилган, холос.

Бу аҳволни қандай баҳолаш мумкин?

ҲУҚУҚИЙ-демократик, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, бунда қонунга, қонун устуворлигига ҳамма баробар итоат ва риоя қилишини таъминлаш масалаларига тўхталаар экан, давлатимиз раҳбари қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди.

Қонун олдида ҳар қандай мартабадаги раҳбар ҳам, оддий фуқаро ҳам тенгдир. Бунга амалда эришиш учун аҳолининг барча қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида ҳуқуқий билим, ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни ўстиришга алоҳида эътибор қилишимиз керак.

Вилоятда қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам қатор ижобий тадбирлар амалга оширилди.

Лекин, кўрилган чораларга қарамасдан, шу йилнинг ўтган даврида жиноятчилик 4 фоизга, оғир жиноятлар эса 3,5 фоизга кўпайган. 11 ой давомида 145 та қотиллик содир этилиб, улардан 18 таси ҳалигача очилмаган.

Жиноятлар кўпайиши асосан Бекобод, Оҳангарон, Олмалиқ шаҳарлари ҳамда Бўстонлик, Зангиота, Кўйичирчик ва Ўртачирчик туманларида кузатилмоқда.

Вилоят ҳукуқ-тартибот идоралари ходимларининг ўзлари томонидан жиноятлар содир этилиши ҳоллари учрамоқда. Бу масалани чукур ўрганиш ва кескин чоралар кўриш талаб этилади.

Маълумки, Тошкент вилояти - мамлакатимизнинг чегара вилоятларидан бири. Бу ҳол бутунги кунда яна бир муаммони келтириб чиқармоқда. Сўнгги вақтларда ўзимизнинг худуддан, ўз бозорларимиздан озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, гўшт, ёғ, нон, шакар, совун, болалар озуқаси каби зарур моллар кўп микдорда четга олиб чиқиб кетилмоқда.

Бундай аҳволнинг асосий сабаби - қўшни мамлакатларда мана шу молларнинг нархи бизга нисбатан солиширганда кескин кўтарилиб бораётганида. Баъзи молларнинг нархи биздагига нисбатан 2-3 баробар қиммат бўлгани учун, мўмай даромад кетидан қувган чаққон кимсалар, ўзимиздан чиққан олибсотарлар шундан фойдаланмоқда. Бу ҳаракатларнинг нимага олиб келишини тасавур қилиш қийин эмас.

Нарх нима учун ошади?

Содда қилиб айтганда, бозорда мол етишмовчилиги мавжуд бўлса, одамларнинг эҳтиёжини қондиришга етмаса, нарх-наво муқаррар равишда ошади. Мол кўпайса - нарх пасаяди, мол етишмаса - нарх ошади.

Шу муносабат билан бир саволга жавоб берайлик, деди Ислом Каримов. Хўш, бугунги вазиятдан фойдаланиб, ўзимиз учун зарур бўлган молларни четга олиб чиқаётган кимсалар ҳаром-ҳариш йўллар билан даромад топаяпти ҳам, дейлик. Лекин улар оқибатини ўйламайдими?

Халқимизнинг ризқи-рўзи, насибаси ҳисобидан бундай ҳаром даромад топиш эртага бозорларимизда нарх-наво ўзгаришига сабаб бўлмайдими?!

Нопок йўл билан топилган бойлик бир кун тешиб чиқмайдими?!

Мавжуд вазиятни инобатга олиб, мен ҳокимлар ва маъмурий идораларнинг вакиллари олдида шу масалани қатъий қўймоқчиман. Қонун бўйича бу молларни мамлакатимиздан четга олиб чиқиши ман этилган. Бу ноxуш ҳаракатларнинг олдини олишда аввало сизлар шахсан жавоб берасизлар. Агар эл-юрт насибасини қўриқлашга курбингиз етмаса, жамоатчиликни, халқни ёрдамга чакириш керак.

Бу гапдан бошқа чегара вилоятлари ва туманларининг раҳбарлари, маъмурий идораларнинг ходимлари ҳам тегишли хulosса чиқариб олсинлар. Билиб қўйинглар, талаб қаттиқ бўлади.

ҲАР қайси давлат, ҳар қайси раҳбар аввало ўз халқини ўйлаши, унинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириши керак.

Самарқанд, Навоий вилоятларида раҳбарлик курсисида ўтирганлар томонидан адолат мезонларининг бузилиши, раҳбар деган номга доҚ тушириш каби содир этилган ноxуш ҳолатлардан мамлакатимиз аҳли хабардор, албаттга.

Бундай ҳолатларни ўз вақтида пайқаб, аниқлаб, пайи қирқилмаса, ёмон оқибатларга олиб келиши муқаррардир.

Хўш, қариндош-урӯғчилик, гурухбозлик, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш каби иллатлар бошқа жойларда, жумладан, Тошкент вилоятида учрамайдими?

Шундай қусурлари учун бундан бир йил муқаддам вилоят ҳокимининг айrim ўринбосарлари ва бир-иккита туман ҳокимлари ёш, ана шундай иллатлардан холи бўлган кадрларга алмаштирилганди. Қолган раҳбарлар бундан ўзига керакли хulosса чиқариб олиши лозим эди.

Афсуски, ҳамма ҳам бундан тўғри сабоқ чиқара олмади. Шу йилнинг май ойида вилоят ҳокимининг ўринбосари - иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бошлиҚи Б.Ҳосилов, молия бошқармасининг бошлиҚи С.Тошхўжаев ва бошқалар хизмат мансабларини сунистеъмол қилиб, жиноят содир этдилар.

Энди улар тегишли жойларда қилган номаъкулчиликлари учун қонун олдида жавоб бермоқдалар.

Босар-тусарини билмай қолган айрим ноқобил раҳбарлар ҳар қандай номаъкулчиликнинг ҳам чегараси ва жавобгарлиги борлиги муқаррар эканини унутмаслиги даркор.

Албатта, биз ҳокимларнинг қариндошлари раҳбарлик лавозимларида ишлаши мумкин эмас, деган фикрдан йироқмиз, деди Президент. Улар орасида ўзининг юқори мартабали қариндошини пеш қилмасдан, тинч ва ҳалол меҳнат қилаётган кишилар оз эмас. Лекин ҳоким бўлиб келгандан кейин, ўз жойида туппа-тузук ишлаб турган раҳбарни бўшатиб, ўрнига ўзининг қариндошини ёки оҚайнисини тиқишираётган кимсалар билан асло чиқиша олмаслигимизни яна бир марта кескин таъкидламоқчиман.

Афсуски, Тошкент вилоятининг айрим туман, шаҳарларида ҳам қариндош-уруғчиликка берилиш каби иллатлар мавжуд. Яқинда юқори ташкилотлар аралашувидан кейин Бекобод шаҳар ҳокими Ж.Насриддинов З нафар қариндошини раҳбарлик лавозимига тайинлашда йўл қўйган хатосини ўз қўли билан тузатишга мажбур бўлди.

Самарқанд, Навоий вилоятлари сессияларида айтиб ўтилган иллатлар оқибати, бугун келтириб ўтилган мисоллар ҳар бир раҳбар ходим учун сабоқ бўлиши керак.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, сизларнинг эътиборингизни яна бир Фалати одатимизга қаратмоқчиман, деди Ислом Каримов.

Кўпинча эшитиб қоламан: у ёқда тўй бўлибди, бу ёқда тўй бўлибди. Ҳа, нима бўлибди денг, фалон раҳбарнинг қизи анави каттаконнинг ўғлига тегибди, фалон вазирнинг ўғли анави амалдорнинг қизига уйланибди, анави ҳокимнинг ўғли манави прокурорнинг қизига кўнгил қўйибди ва ҳоказо.

Албатта, ҳар қайси ота-она ўз фарзандларининг баҳтини, иқболини кўришни истайди. Ўшларнинг бир-бирига муҳаббат қўйиши, кўнглидаги ёрини топиши, севишиб турмуш қуриши ҳам табиий ҳол, албатта. Бу - ҳаёт. Бу масалада ҳеч ким четдан туриб хукм ўтказолмайди, ишқ-муҳаббатни режалаштириб ҳам бўлмайди.

Лекин бир савол пайдо бўлмоқда. Бир қарашда тасодифий бўлиб туюлаётган бундай воқеалар, мисоллар сони кўпайиб, улар одатга айланниб кетмаяптими? Нима учун шу вазирнинг ўғли, айтайлик, оддий деҳқон қизига кўнгил боғлаб, унинг муҳаббати алангасида ёнмас экан?

Ёки нега ҳокимнинг қизи оддий бир оиласдан чиқсан, ақлли-хушли, одобли, ўқимишли полвон йигитга кўнгил қўймас экан?

Бундок ўйлаб кўрилса, бу ерда бир сиру синоат бордирки, балки биз ундан бехабар қолгандирмиз?

Балки буни тушуниш учун анча-мунча бош қотириш лозимдир?

Бу ҳақда, аввало, биз - ота-оналар ўйлашимиз керак. Халқимиз - меҳрли-оқибатли ҳалқ. Модомики шундай экан, меҳр билан биргаликда оқибатни ҳам унутмаслик керак.

Мамлакатимизнинг барча худудларидан жуда кўплаб келаётган хатлар ва хабарлардан маълум бўлмоқдаки, ҳалқимиз Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгашлари сессиясида билдирилган кескин танқидий фикрларга батамом хайриҳоҳлик билан қарамоқда. Салбий ҳолатларга ўз вақтида тегишли баҳо бериб, кадрларни тўғри танлаб олиш юзасидан белгиланган муайян тадбирларимизни қўллаб-куватламоқда, деди давлатимиз рахбари.

Давлат идоралари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш йўли билан мавжуд иллатларни тугатишга қаратилган мақсадимиз миллионлаб ватандошларимизнинг қалбига бориб етди, уларга қанот бағишилади, деб айтсак асло муболага бўлмас.

Жамоат назоратининг туб моҳияти шулким, барча жамоат ташкилотлари, маҳалла оқсоқоллари, ҳалқ депутатлари ва фаоллар, борингки, ёшу кекса, эркагу аёл - ҳамма ватандошлар бир ёқадан бош чиқариб, амалга оширилаётган ислоҳотлар суръатини, уларнинг сифатини, ислоҳот бошида турган раҳбарларнинг Қайратини, лаёқатини холисона ўрганиб, холисона назорат қилиб, уларнинг ютуқларини эътироф этиб, камчиликларини рўй-рост очиб ташлашимиз керак.

Келажакда давлат органларининг айрим ваколатларини босқичма-босқич, астасекинлик билан нодавлат ташкилотларга, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига бериб бориш лозимлигини ҳаётнинг ўзи яққол кўрсатмоқда.

Шу мақсадлардан келиб чиқсан ҳолда, Олий Мажлиснинг яқинда бўладиган сессиясига "Ноҳукумат ташкилотлари тўғрисида"ги ва янги таҳрирдаги "Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаси муҳокамага киритилди.

Бугун ҳаётнинг ўзи жамоатчилик ташкилотларининг нафақат назорат қилиш вазифасини кучайтириш, балки уларнинг ваколат ва ҳуқуқларини янада кенгайтиришини талаб қилмоқда. Мана шу йўл билан биз демократик қарашлар ва тафаккуримизни шакллантиришга эришамиз. Буни барчамиз яхши англаб олмоғимиз даркор.

Бу ишларни амалга оширишда жамоатчилик билан бир қаторда оммавий ахборот воситаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ҳаётимизда содир бўлаётган салбий ҳолатларни очиб ташлашда, уларга қарши курашишда журналистларимизнинг қатъий ва муросасиз бўлишлари талаб этилади. Одамларимизнинг ҳуқуқий билимларини оширишда, қабул қилинаётган қонунларни, ҳукумат қарорлари моҳиятини кенг оммага тарғиб қилишда улар янада фаол бўлишлари лозим, дея таъкидлади Президент.

Яна бир мухим масала - аёлларимизнинг сиёсий ва ижтимоий мавқеини янада юксалтириш, уларнинг обрў-эътиборини, иззат-икромини жой-жойига қўйишдир.

Ҳадисларда "Аёлларни фақат улуғ одамлар хурмат қилади. Уларни фақат пасткаш одам хўрлайди" деб бежизга айтилмаган. Аёлларни иззат-икром қилиш, улуғлаш, ардоқлаш, оғирини енгил қилиш - ота-боболаримиздан қолган муқаддас удумдир.

Биз бугун шу куттулғудумни давом эттириб, меҳру муҳаббат ва нафосат тимсоли бўлмиш оналаримизнинг, жуфту ҳалолларимизнинг, опа-сингилларимизнинг, бирбиридан гўзал оқила қизларимизнинг жамият ва оиласдаги ўринларини, мавқеларини янада юксалтиришни ният қилиб, келгуси йилни "Аёллар йили" деб эълон қилдик.

Аллоҳ уларни шундай яратмишким, аёллар ўз ақлу идроки, меҳрибонлиги, шафқату оқибати, сабру қаноати билан ҳаммамизга ибрат бўлиб, оиласдаги, жамиятдаги, борингки, бутун дунёдаги мувозанатни сақлаб турадилар.

Модомики шундай экан, аёлни улуғламоқ - оиласи, Ватанини, ҳаётни улуғламоқ демакдир. Бу хақиқат ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, барча хайрли ишларимизнинг мезонига айланиши даркор.

Тошкент вилоятининг мамлакатимизда тутган ўрни салмоқлидир. Бу ҳол вилоят аҳлининг, вилоят раҳбариятининг, хусусан, бугун сайлаб ва тасдиқлаб олинадиган янги ҳокимнинг зиммасига алоҳида масъулият юклаши табиийдир.

Тошкент вилояти аҳли олдида турган ижтимоий-иктисодий соҳаларда бажарилиши лозим бўлган катта вазифалар ҳали жуда кўп. Вилоят аҳли бағри кенг, қалби қайнок, Фуурурли ва адолатли ҳалқдир, деди Президент пировардида. Унинг меҳнатсеварлиги, шиҷоати ва Қайратини биз жуда яхши биламиз. Катта бунёдкорлик ишларини амалга оширишига ишонамиз.

Бугун биз ютуқлар ҳақида эмас, мавжуд нуқсонлар ва муаммолар тўғрисида кўпроқ гапирдик. Айтилган танқидий фикр-мулоҳазалардан тўғри хулоса чиқариб, аҳиллик билан, бир ёқадан бош чиқариб, сидқидилдан меҳнат қилиб, ишни замон талаблари даражасида ташкил этилса, вилоятнинг илгариги юксак шуҳрати қайта тикланишига ва бу вилоятнинг бошқа ҳудудлар учун ибрат бўлишига ишончим комил.

## ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЗДАН КҮРА КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛБАТТА БАХТЛИ БҮЛИШЛАРИ ШАРТ!

Хурматли мажлис қатнашчилари!

1998 йил ҳам охирлаб бормоқда. Агар ўтиб бораётган йил якунлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, биз аввало, жорий йилда қўлга киритган ижобий натижаларимизга ҳаққоний баҳо бериб, шу билан бирга биз мавжуд муаммоларга, йўл қўйилган нуқсонларга танқидий ва холисона баҳо беришимиз зарур.

Йил якунларидан ўзимиз учун сабоқ ва тегишли хулосалар чиқариб олишимиз даркор. Ислоҳотлар йўлидан олға боришимизга нималар тўсиқ бўлаётганини билиб-англаб, қайси масалалар ва муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш, қайси йўналишларга алоҳида куч ва ресурслар сарфлаш лозимлигини аниқ-равshan белгилаб олишимиз керак.

Иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш юзасидан қўлга киритилган ютуқларимиз ҳақида гапирап эканмиз, назаримда, йилнинг энг муҳим натижаси - бу шаклланган макроиктисодий ва молиявий барқарорликнинг янада мустаҳкамланиши бўлди.

Ўзбекистон иқтисодий барқарорлашувдан мустаҳкам иқтисодий ривожланишга ўтиш сиёсатини изчил амалга оширмоқда. Дастребки ҳисоб-китобларга кўра, ўтаётган йил якунида ялпи ички маҳсулот 4,4 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми - 5,8 фоизга, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти - 4,8 фоизга, чакана товар айланиши - 12 фоизга, пулли хизмат кўрсатиш ҳажми эса 9,5 фоизга ошган. Шу тариқа умуман иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларида иқтисодий ўсиш тамойилини яққол кўриш мумкин.

1998 йилда ҳам, аввалги йилларда бўлганидек, қатъий молия-кредит сиёсати амалга оширилди. Натижада инфляция даражасининг пасайишига эришилди. Жорий йилда инфляция даражаси 22 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Биз нақд пул эмиссиясини қисқартиришга, давлат бюджетини ялпи ички маҳсулотга нисбатан белгиланган 3,2 фоиз эмас, балки 3 фоиз камомад билан бажаришга эришдик.

Жорий йилда мамлакатимизнинг ёқилғи ва ғалла мустақиллигига эришиш сиёсати изчил амалга оширилди. Бу йил нефть ва газ конденсати, кўмир қазиб чиқариш ҳажмлари ўтган йилдагига нисбатан ошди.

Миришкор дехқонларимиз бу йил 4,6 миллион тонна ғалла ҳосили етиштирдилар. Бу 1997 йилдагига қараганда қарийб 850 минг тонна кўп демакдир.

Инвестицион фаолият соҳасида ҳам муҳим ютуқлар қўлга киритилди. 1998 йилда 440 миллиард сўмлик капитал маблағларни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Диққатга сазовор жойи шундаки, бу рақам ўтган йилга таққослагандан 20 фоизга кўпdir. Курилиш пудрат ишларининг ҳажми 5,1 фоизга ортди.

Капитал маблағлар таркибининг ўзида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди - хорижий инвестициялар ҳиссаси 27,3 фоизга қадар ошди. Жами капитал маблағларнинг 60 фоизидан ортиғи ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланди.

Натижада чет эл сармояси иштирокида:

- Шўртан газ-кимё мажмуини қуриш;
- Фаргона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкция қилиш;
- Хўжаободдаги ер ости газ омборини;
- Ангрендаги каолин заводининг биринчи навбатини;
- Кўнғирот сода заводини;
- "Самкўчавто", "Папфен", "Косонсой-Текмен" каби қўшма корхоналарни;
- Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Урганч шаҳарларида аэропортларни қуриш ишлари давом эттирилди.

Шунингдек, телекоммуникация тармоқларини янада такомиллаштириш ишлари амалга оширилди. Фарғонадаги "Кимёвий тола" ишлаб чиқариш бирлашмасида полиамид-6 ишлаб чиқарадиган линия ишга туширилди. Асака-Хўжаобод газ қувури фойдаланишга топширилди. Қизилқум фосфорит заводининг 1-навбати ишлай бошлади.

Кейинги йилларда эришилган бу каби ижобий ютуклар иқтисодиётимизнинг пойдеворини янада мустаҳкамлади. Бунинг натижаси ўлароқ, энди биз вужудга келган иқтисодий вазиятни зудлик билан ечишга қаратилган қисқа муддатли йиллик дастурлар ўрнига иқтисоднинг муҳим соҳаларини ислоҳ қилиш ва тармоқларнинг ўртача муддатга мўлжалланган ривожланиш режаларига асосланган, аниқ мақсадлар сари йўналтирилган дастурларга ўтиш имконига эга бўлдик. Бу - моҳият-эътиборига кўра, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги сиёсатимида сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичdir.

Ўтиб бораётган йилнинг ўзидағина биз бир қатор ана шундай дастурларни қабул қилдик. Уларнинг айримларини сизларга эслатиб ўтмоқчиман. Бу дастурлар ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жамиятимиздаги барча ислоҳотлар тақдири уларнинг бажарилиши билан чамбарчас боғлиқидир.

Энг аввало, Қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини, Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини, Академик лицейлар ва қасб-хунар коллежларини қуриш дастурини, шунингдек, капитал қурилиш, коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш тизими, мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва газ билан таъминлашга қаратилган дастурларни айтиб ўтиш лозим. Давлат мулкини хусусийлаштиришда чет эл капиталини жалб қилиш юзасидан маҳсус дастур қабул қилинди.

Бундан ташқари, бир қанча тармоқ ва худудий йўналишдаги дастурлар ҳам ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Мазкур дастурлар етакчи тармоқлар ва бутун бир минтақаларнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган.

Қабул қилинган дастурларни баҳолар эканмиз, улар бизнинг ислоҳотлар йўлидан барқарор ва жадал боришимизнинг кафолатидир, деган фикрга келишимиз мумкин.

Мен нимага асосланиб бундай хулоса чиқаряпман? Агар содда қилиб айтадиган бўлсак:

Биринчидан, биз бугун дунёда ва юртимизда юзага келган шарт-шароитга, маданий ва маънавий ҳаётимиздаги, иқтисодиётдаги ўзига хос ўзгаришларга аниқ ва холис баҳо бермоқдамиз. Энг асосийси, биз жамиятимизни қайта қуриш ва янгилаш борасида нималарга эришганимиз ва яна нималар қилишимиз зарурлиги ҳақида аниқ тасаввурга эгамиз.

Иккинчидан, биз олдимизга қўйган мақсадларимизни аниқ кўриб турибмиз ва бу мақсадлар сари событқадамлик билан, оғишмай бормоқдамиз.

Учинчидан, биз ушбу мақсадларга ниманинг ҳисобидан, қайси имконият ва захиралар, қандай механизмлар ва услублар асосида етишишимиз мумкинлигини биламиз.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, биз бугун қандай ахволда эканимизни, эртага нимага эришмоқчимиз ва, энг муҳими, ушбу мақсадларга қандай қилиб эришиш мумкинлигини биламиз.

Буларнинг барчаси бугунги мураккаб, яъни ўтиш даврининг ҳали ечишмаган ички муаммолари билан бир қаторда, ташқи салбий омиллар ҳам иқтисодиётимизга жиддий таъсир кўрсатаётган вазиятда ниҳоятда муҳимдир.

Гап нима ҳақида кетяпти?

Биринчидан, иқтисодиётимизнинг ҳолати ва самарадорлигига, бутун иқтисодий ислоҳотлар жараёнига дунё иқтисодиётида, Жанубий-Шарқий Осиё, айниқса Россияда авжга чиқсан, бутун дунё молия тизимини издан чиқариб фалаж қилган иқтисодий инқироз салбий таъсир қилмаслиги мумкин эмасди.

Очиқ эътироф этиш керак: эндиликда ана шу умумжаҳон молиявий инқирозининг оқибатлари бир неча йиллар давомида бизга ҳам сезилиб туради.

Иккинчидан. Жаҳон бозорида хом ашё ресурсларига, айниқса экспортимизнинг 60 фоизини ташкил қиласиган маҳсулотларга баҳо конъюнктураси кескин пасайди. Энг аввало, бу жорий йилда жаҳон бозорида 25 фоиз пасайган пахта нархларига тегишлидир.

Кейинги беш йил мобайнида тилла баҳоси ҳам тушиб борди. Йил давомида 1 унция (31,2 грамм) тилла нархининг 300 доллардан ошмагани тарихда маълум бўлган чукур иқтисодий зилзилалар давридан кейин биринчи марта содир бўлган ҳодисадир.

Худди шундай вазият бизнинг экспортимиз асосини ташкил этувчи рангли металлар, нефть маҳсулотлари ва бошқа хом ашёлар баҳоларида ҳам намоён бўлмоқда. Табиийки, бу валюта тушумига, тўлов балансларига, алоҳида тармоқлар ишлаб чиқариш ривожига таъсир қилмай қолмайди.

Мамлакатимиз учун ана шундай жуда мураккаб шароитда валюта барқарорлиги бўйича кескин ва қатъий чоралар кўриш орқали ўта муҳим, айтиш мумкинки, стратегик вазифани ҳал қилишга муваффақ бўлдик. Яъни, ўтган йилги олтин захираси ҳажмини сақлаб қолган ҳолда, йил охирида ижобий ташки савдо ва тўлов балансига эришдик. Энг муҳими, ишончга сазовор, тўлов қобилиятига эга эканимизни яна бир бор тасдиқлаб, бу йил зиммамизга олган барча ташки тўлов мажбуриятлари бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишга муваффақ бўлдик.

Учинчидан. Биз учун бу йил пахтачиликда жуда мураккаб ва сермашаққат бўлганини барчангиз яхши биласиз. Мўлжалга нисбатан 800 минг тоннага яқин пахта хом ашёси кам тайёрланди. Агар толага чақсан, бу тахминан 250 минг тоннани ташкил этади.

Бу ҳол кўпгина хўжаликлар ва пахтани қайта ишлаш корхоналарининг молиявий аҳволига, умуман бутун иқтисодимиз аҳволига қандай таъсир кўрсатганлигини, қанчалик зарар кўрганимизни сизлар тўғри тасаввур киласиз, деб ўйлайман. Оқибатда анчагина ҳажмдаги валюта маблағ бой берилди.

Белгиланган режадан келиб чиқиб, йил давомида агротехник тадбирларни ўтказишга кўплаб маблағ сарфлаганимизни ҳам алоҳида ҳисоблаш лозим. Буларнинг барчаси хўжаликлар елкасига оғир юқ бўлиб тушиб, уларнинг кўпчилигини жуда қийин аҳволга солиб қўйди.

Шуни ҳисобга олиб, қишлоқни молиявий қўллаб-куватлаш, объектив сабаблар туфайли кўрилган зарарни қоплаш ва 1999 йилги янги мавсумга тайёргарлик учун зарур маблағлар топиш хусусида хукumat қарори тайёрланмоқда.

Мұхтарам мажлис ахли!

Юқорида айтилганларнинг барчаси тараққиётимиз самарадорлиги ва суратларига салбий таъсир кўрсатган ташки омиллардир.

Энди ўзимизнинг ички муаммоларимизга алоҳида эътибор қаратмоқчиман. Уларнинг ечими аввало бизнинг ўзимизга, вазифада ўтирганларга, хизмат ваколати ва таъсир этиши кучига эга бўлган раҳбарларга, қолаверса, фуқаролик бурчини тўла англаб етадиган инсонларга боғлиқ.

Мен шу ўринда олга юришимизга тўҚанок-тўсиқ бўлаётган сабаблар хусусида яна бир бор тўхталиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, бу аввало ислоҳотларни ўтказиш суръатларига, ислоҳотларни амалга ошириш қай даражада ўз самарасини ва натижаларини бераётганлигига боғлиқ. Мен яна ва яна бир карра алоҳида таъкидламоқчиман: биз ислоҳотларни ислоҳотлар учун эмас, шунчаки, расмият учун, бажарилган иш ҳақида номига ҳисбот бериш учунгина ўтказмаяпмиз. ҲАМмамиз буни тушунишимиз шарт.

Ўзимиз учун яна ва яна бир бор аниқ англаб олишимиз зарурки, биз ислоҳотларни фақат инсон манфаатлари учун, ҳаётимизни яхши томонга ўзгаририш учун, мамлакатимизни кучли ва барқарор қилиш учун ўтказяпмиз.

Бугун бизни ислоҳотлар ўтказиш суръатлари ҳам, натижалар ҳам қониқтирмаяпти. Энг муҳими эса, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурларни амалга оширишда бепарволикка, юзакичиликка ва лоқайдликка асло чидаб бўлмайди.

Иқтисодий муносабатлар барча даражаларда, биринчи навбатда қуи бўғинларда секин ўзгараётганлигини тан олиш керак. Биз хусусий мулк, хусусий мулк эгалари, ишлаб чиқаришни хиссадорлик асосида ташкил этиш ҳақида кўп гапирамиз.

Ҳақиқатан ҳам кўпчилик ташкилотлар ва муассасаларнинг асосан шакли ва ташки белгиларини жаҳонда эътироф этилган тушунчаларга қараб мослаштиримоқдамиз.

Ҳиссадорлик жамиятлари, корпорациялар, холдинг компаниялари, биржа ва ҳоказолар тузилмоқда. Аммо масаланинг туб моҳиятига қарайдиган бўлсак, ишни ташкил қилиш услублари ва тамойиллари қайси соҳада, қайси бўғинда бўлмасин, деярли ўзгармаяпти. Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг самараси сезилмаяпти, одамлар тафаккурида, меҳнатни ташкил қилиш, уни рағбатлантириш тизимида жуда кам ўзгариш рўй бермоқда.

Кўп ҳолларда акционерлар ўзларини хўжайин ҳисобламайдилар, чунки амалда улар ўз корхонасини ривожлантириш муаммоларига лоқайд қарайдиган ёлланма ишчи бўлиб қолмоқдалар.

Акс ҳолда, қанчалик қатъий чора-тадбирлар қўлланаётганига қарамай, корхоналарнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ошиб бораётганини, катта-катта айланма маблағлар қуриб битказилмаган ишлаб чиқаришга жалб қилинаётганини, ўз харидорини топа олмай омборхоналарда қолиб кетаётган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши камаймаётганини, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик, иш унуми ва иш самараси ўсмаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бу, авваламбор, корхоналар ва хўжаликлар раҳбарларининг онгida ҳамон боқимандалик кайфияти, бизга давлат ёрдам беради, танглик ҳолатидан унинг ўзи кутқариб қолади, деган тушунча сақланиб келаётганидан далолатдир. Эски замондан қолган энг ярамас асоратлардан бири - боқимандалик кайфиятидан жудо бўлиш жуда оғир кечмоқда.

Бу ерда ҳамма нарса кадрларнинг касбий малакаси, масъулияти, ташкилотчилик қобилиятига бориб тақалади. Бу, авваламбор, бошқарув соҳасида ишлаётган кадрларга тегишилдири. Биз бугунги кадрлар ишлаб чиқариш, иқтисодни ташкил қилиш соҳаларининг кун сайин ўсиб бораётган талабларига нечоғли жавоб бераётганига, уларнинг замонавий менежмент услубларини, маркетинг санъатини қанчалик эгаллаб олганларига, янги бозор муносабатлари шароитида ишлашга қанчалик қодир эканликларига холис баҳо беришимиз керак.

Агар шу нуқтаи назардан кадрларимизга баҳо берадиган бўлсак, афсуски, уларнинг кўпчилиги бугунги ҳаёт талабларига жавоб бермайди.

Шу масала билан узвий боғланган яна бир ҳал қилувчи масала - мулк масаласини ечиш. Бу ҳақда ҳам кўп гапирамиз. Мисол учун, саноат, қишлоқ хўжалиги, бошка соҳаларни четда қолдириб, банк тизимини олайлик. Чунки ҳозирги шароитда, ислоҳотларнинг мавжуд босқичида мазмун-моҳияти, мавқеига кўра, бу ташкилот янги тизимнинг энг илғор бўғини бўлиши, бозор иқтисодиётида катта аҳамиятга эга бўлиши керак.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда банк тизими амалда локомотив вазифасини бажариши, хўжалик юритувчи барча субъектларни ўз ишларини қайта ташкил этишга, бозор механизмларини дадил ва жадал эгаллашга даъват этувчи омил бўлиши даркор.

Бугун шуни таъкидлашимиз керакки, мазкур соҳани дикқат марказида сақлааб туришимизга, бу соҳага амалий ёрдам ва имтиёзлар беришимизга қарамасдан, банк тизимида ҳақиқий ислоҳотлар юз бераётгани йўқ.

Таассуфки, бизда банклар ҳанузгача давлат ва корхоналарнинг маблағларини бир ҳисоб рақамидан иккинчисига ўтказиш билан банд, уларнинг асосий иши жорий операциялардан иборат бўлиб қолмоқда.

Банклар ўз таъсисчиларининг эркин, бўш маблағларини ўзида тўпловчи - биз орзу қилган тизимга айлангани йўқ. Банклар халигача таъсисчилар тимсолида намоён бўладиган ҳақиқий эгаларини тополмаяпти.

Банклар хусусийлаштирилса, унда ҳақиқий эга пайдо бўлади. У банк тақдири билан бир қаторда ўз манфаатини, шу билан бирга ўз масъулиятини чуқур сезадиган ва шу асосда иш олиб борадиган бўлади.

Афсуски, банкларимизнинг иқтисодиётни ривожлантириш, унинг тизимларини қайта ташкил этиш, миллий валютани эркин конвертация қилиш вазифасини мустақил ечадиган инвестиция ва кредит марказларига айланиши жуда сустлик билан ўтмоқда.

Бир нарсани аниқ-равshan тушуниб олишимиз керак. Бутун тарақкий топган дунё қаторида, бизда ҳам авваламбор ўзи топган ва жамҚарган маблағларига эга бўлган, нафақат оддий кредит беришга, балки узоқ муддатли инвестицион кредитларни беришга ҳам қурби етадиган, шу билан давлатимизнинг инвестиция жараёнида асосий субъект, аъзо бўладиган банклар пайдо бўлиши шарт.

Банкларнинг иқтисодиётни ислоҳ этиш билан боғлиқ барча жараёнларда ҳал этувчи куч эканини инобатга олсак, бу ҳол умумиқтисодиётни ислоҳ этишнинг мазмуни ва натижаларига таъсир этмасдан қолмайди.

Шуни инобатга олиб, нафақат Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, авваламбор, Пахтабанк, ғаллабанк, Мевасабзавотбанк, Савдогарбанк, Саноат-курилиш банки ва шуларга ўхшаш бошқа банкларимизнинг тақдирини яна бир бор кўриб чиқишимиз даркор.

Бу масалаларда биз авваламбор жаҳон банкининг тавсиялари ва ёрдамига суюнамиз.

Мухтарам дўстлар!

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш алоҳида эътиборга молик масаладир. Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чукурлаштиришга доир маҳсус дастур ишлаб чиқилди. Бу соҳадаги ислоҳотларнинг мустаҳкам хуқуқий асослари яратилди, меъёрий хужжатлар қабул қилинди. Ер кодекси, "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни амалга ошириш бўйича маҳсус республика ва худудий комиссиялари тузилди. Ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида турли хил семинарлар ўтказилди. Бир сўз билан айтганда, қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш билан боғлиқ хуқуқий, ташкилий, иқтисодий, барча масалалар йил бошидаёқ кўриб чиқилган эди. Шунинг учун ҳам, бугун ислоҳотларнинг амалда қандай бораётганини танқидий кўз билан баҳолаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзdir.

Кўп айтилган бўлса ҳам, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат эканини сизларга яна бир бор эслатмоқчиман. Бу масалага бугун олдимизга қўйилган вазифалар, талаблар нуқтаи назаридан ёндашсак, фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Ислоҳотларнинг асосий мазмуни ҳал этишимиз зарур бўлган учта масалада мужассамлашган.

Биринчидан, деҳқоннинг ерга, мулкка, жамоа даромадининг муайян қисмига эгалик хукуқини мустаҳкамлаш шакли сифатида мулкий пайни жорий этиш;

иккинчидан, ҳар бир деҳқон хизматчининг манфаатлари билан умумжамоа манфаатларини ўзаро уйғунлаштирадиган қишлоқ хўжалик корхонасини шакллантиришнинг ташкилий-хуқуқий жиҳатдан энг самарали шакли сифатида жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалик кооперативларига (ширкатларга) айлантириш;

учинчидан, ҳар бир хизматчининг даромади, оиласвий фаровонлиги меҳнатига яраша бўлишини таъминловчи, хўжалик ичида меҳнатни ташкил этишга асосий восита бўлувчи оиласвий пурдатни кенг жорий этиш.

Мазкур вазифаларнинг амалда қандай ҳал этилаётганини таҳлил қилсак, ҳеч иккilonмай айтиш мумкинки, биз бу борада эндиғина биринчи қадамларни қўймоқдамиз.

Хўш, айтинглар-чи, қишлоқда ер, ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг аниқ эгалари - мулқдорлар бўлишига эриша олдиқми?

Афсуски, йўқ. Мулкий пайларни шакллантириш механизмларини ўзлаштириш жуда суст бормоқда. Ерни баҳолаш, Ер кадастри билан боғлиқ муаммолар ҳалигача ўз ечимини топмаяпти.

Жорий йилда 65 та жамоа хўжалигини ширкатларга айлантиришга қарор қилинди. Белгиланган режага тўғри келса ҳам, айтиб қўяй, бу - жуда оз. Лекин гап ҳозир сон ҳакида кетмаяпти.

Жамоа хўжаликларини ширкатларга айлантириш, мулкий пай, ёппасига оилавий пудратни жорий этиш бизга нима беради- гап мана шунда. Бизнинг бу борадаги ташвишларимизни, мақсадларимизни ҳар бир киши, аввало дехқоннинг ўзи идрок этиши, чукур хис қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Ишни албатта туман ҳокимлари, хўжалик раҳбарларининг ўзидан бошлиш керак. Раҳбарларимиз бу масалага одат тусига кириб қолган хўжакўрсин қабилида, тўраларча ёндашадиган бўлса, олдиндан айтиб қўяй, ишимиз юришмайди.

Аввалимбор, қишлоқ хўжалиги соҳасига мутасадди раҳбарларимиз ва мутахассисларимиз буни жуда чукур англаб олишлари зарур. Бу соҳада қўзланган ислоҳотларнинг негизини, маъно-моҳиятини билмасдан туриб, раҳбар бўлишга ҳеч кимнинг ҳаки ўзи йўқ.

Шунинг учун ҳам 1999 йилнинг январь-февраль ойларида ҳар бир вилоятда қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва мазкур соҳадаги вазифаларни бажаришга доир қонун ва қарорларни ўрганиш мақсадида семинарлар ташкил этиш лозим. Энг аввало, семинар якунлари бўйича хўжалик раҳбарлари, мутахассислар, ҳокимларнинг билим даражалари синовдан ўтказилсин.

Илм олиш, ўрганиш асло айб эмас, унинг эрта-кечи йўқ.

Барчамиз бутун онгли ҳаётимиз давомида ўқишимиз, ўрганишимиз керак. Огоҳлантириб қўяй, бу муҳим ишни навбатдаги кампаниябозликка айлантириб юборишга йўл қўймаслигимиз керак.

Келинглар, энди қишлоқда оилавий пудрат қандай жорий этилаётганлигини кўриб чиқайлик. Бу борада анчагина тажрибамиз бор. Аммо муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу муаммолар шартнома муносабатларида яққол қўзга ташланмокда. Шартномага биноан аҳдлашувчи томонлар, яъни хўжалик бошқаруви билан пудратчи оила зиммаларига олган мажбуриятларини сўзсиз бажаришлари шарт. Ҳозирча бу ишда, афсуски, хўжакўрсинлик, юзакичилик ҳоллари жуда кўп.

Хўжалик билан муайян оила ўртасидаги шартнома ҳалигача ижро этилиши мажбур бўлган қонун ёки норма кучига эга бўлмаяпти. Кўп ҳолларда шартнома хўжалик томонидан кўнгилдагидек бажарилмайди.

Бусиз ички хўжалик муносабатлари ва меҳнатни ташкил этишининг асосий механизми ҳисобланган оилавий пудратни ривожлантириш жуда қийин.

Дехқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳақида нима дейиш мумкин? Бу соҳада ҳам бир қанча муаммолар мавжуд. Асосий масала - фермерларга сервис хизмати кўрсатиш, техника, ўғит, уруғ билан таъминлаш масалалари ҳал этилмаяпти, қишлоқда мазкур вазифани бажариши мумкин бўлган чакана ва кичик улгуржи дўконлар тармоғи яратилмаяпти.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қиласиган кооперативлар йўқ. Юридик шахс мақоми бўлган дехқон хўжаликларини шакллантириш, уларга банкларда ўз ҳисоб-китоб рақамларини очиб бериш, кредит бериш жараёни жуда чўзилиб кетаётгани кечириб бўлмайдиган ҳолдир.

**Хурматли дўстлар!**

Қишлоқ хўжалигининг бош масалаларидан бири - бу хўжаликлардаги айланма маблағ масаласидир. Айланма маблағи бўлмаган хўжаликларнинг қўли кесилиб, улар узокқа боролмайди. Бундай хўжаликлар янги мавсумда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қодир эмас. Улар вақтида уруғлик, ўғит, ёқилғи

сотиб оолмайдилар, ерни ва техникани экин-тикинга тайёрлашдан тортиб, ҳосилни йишириб олишгача бўлган барча юмушларни ўз муддатида бажаролмайдилар.

Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик корхоналарининг етарли микдорда ўз айланма маблағларига эга бўлишига имконият яратиш бошқарув тизимининг доимий иши бўлиши лозим.

Хўш, бунинг учун нима қилиш керак?

Биринчидан, етказиб берилган дехқончилик маҳсулотлари учун хўжаликлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш зарур. Тан олиш керак, ҳозирча бу масала энг оғир муаммога айланмоқда.

Албатта, қишлоққа аванс беряпмиз. Жорий йилнинг ўзида пахтачилик, ғаллачиликка ихтисослашган хўжаликларга марказлаштирилган ресурслардан 94 миллиард сўм аванс бердик. Албатта, бу катта пул. Мана шу маблағ туфайли қишлоқ хўжалик корхоналарининг техника, ёқилғи, электр энергияси, минерал ўғит етказиб берувчи корхоналардан қарзи анча камайди. Аванснинг бир қисми дехқонларга иш ҳақи сифатида тарқатилди. Аммо бу иш муаммони ҳал этишнинг бир қисми, холос. Асосий масала бошқа ёқда.

Бу масалани ечиш учун, авваламбор биз ўнлаб тармоқлар, юзлаб, минглаб корхоналар иштирок этадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида ким бош бўғин эканини узил-кесил аниқлаб олишимиз керак.

Табиийки, бу бош бўғин аввало, ишлаб чиқарувчилар, аникроқ айтсак, хўжалик (ширкат), фермер ва дехқон хўжаликлари - ризқ-рўзимизни яратадиган, саноатни хом ашё билан, иқтисодиётнинг бошқа соҳалари ва тармоқларини эса иш билан таъминлайдиган дехқонлардир. Модомики, шундай экан, мазкур хизмат берувчи тармоқлар ҳам, саноат ҳам ўз навбатида қишлоққа, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга сифатли хизмат кўрсатиши шарт. Бу гап барчамизга, жумладан, банк ва молия тизими ходимларига ҳам тааллуқлидир.

Энди ҳисоб-китоблар ҳақида. ҲАМма гап шундаки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, моҳият-эътиборига кўра, йил бўйи давом этадиган узлуксиз жараёндир. Бир мавсумдаги ишлар тугамасдан, янги мавсум ташвишлари бошланиб кетади. Ўшандা шундай муаммо пайдо бўлади - янги мавсум ишларини бошлаш учун маблағни қаердан олиш мумкин?

Уруғлик, ёқилғи, минерал ўғитлар харид қилиш, дренаж-коллектор тармоқларини тозалаш, техникани тайёрлаш ишлари қайси маблағ ҳисобидан амалга оширилади? Дехқонларга амалда бажарган иши учун ҳақ тўлаш масаласи нима бўлади?

Бунинг устига, харидор-истеъмолчилар, биринчи навбатда давлат тузилмалари олган маҳсулоти учун хўжаликларга ўз вақтида ҳақ тўлаб, ҳисоб-китоб қилмаган бўлса, мазкур муаммони қандай ҳал этиш мумкин?

Кўярпизми, яна боши берк кўчага кириб қоламиз. Яъни, хўжалик ўзи этиштирган ва сотган маҳсулоти учун тегишли маблағни ўз вақтида оолмайди. Бечора хўжалик нима қиласди? Яна суКурта ҳисобидан юқори фоизли кредит олишга, янгидан қарзга ботишга мажбур бўлади.

Бу ерда мантиқ қани?

Бу масалани ким ҳал этиши керак?

Албатта, масала жуда мураккаб. Лекин бу муаммони айланма маблағларни молиялаштириши ва шакллантириши лозим бўлган Ҳукумат, Марказий банк, Молия вазирлиги ва бошқа тузилмалар узил-кесил ечиб бериши керак.

Биз қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бозор шароитида ишлашини, ишлаганда ҳам самарали ишлашини хоҳласак, бу масаланинг ечимини албатта топишимиз шарт. Биз қишлоқ хўжалиги бозор шароитларида ишлашини талаб қиласиз-у, бунинг учун амалда зарур шарт-шароит яратиб бермаймиз. Бу - масаланинг биринчиси.

Иккинчи масала - хўжаликларда оддий ҳисоб-китобни йўлга қўйишдир. Тан олиш керакки, қишлоқ хўжалигида бугунги кунда чукур, ҳозирги замон талабларига мос

келадиган хисоб-китоб йўқ. Шу йилнинг ўзида санация қилинган 104 хўжалик фаолиятининг таҳлили бу фикрни тасдиқлайди ва кўп масалаларда хушёр бўлиш зарурлигини кўрсатади.

Илгари бутунлай ишлаган хўжаликлар санация қилинганидан кейинги жорий йилни, дехқонлар учун ниҳоятда оғир келган йилни фойда билан якунлашларига нималар асосий омил бўлди?

Бунга қўйидаги масалаларни ҳал этиш орқали эришилди:

биринчидан, хўжалик бошқарувига малакали мутахассис раҳбар - ташқи бошқарувчилар келди. Бу жуда муҳим, керак бўлса, ҳал қўлиувчи омил бўлди;

иккинчидан, вақтинча эски қарзларни тўлаш ва тўлов муддатларини узайтириш масалалари ҳал қилиб берилди, амалда хўжалик ўз фаолиятини янгидан бошлади;

учинчидан, энг муҳими, дастлабки ҳисоб-китоб йўлга қўйилди ва хўжаликларнинг молиявий жавобгарлиги кучайтирилди. Дехқонлар ишлаб чиқарган маҳсулотларга яраша ҳақ ола бошлади;

тўртингидан, яна бир муҳим масала ечиб берилди - санацияга тортилган хўжаликлардаги уларнинг оёғига кишан бўлиб турган ортиқча ишчи кучини бўшатиш мумкин бўлди. Йил мобайнида ана шу хўжаликлардан 41 минг нафардан ортиқ ишловчи бўшатилди;

бешинчидан, йилни фойда билан якунлаган санацияга тортилган хўжаликларда, юкорида зикр этилган омиллар билан бир қаторда, ишлаб чиқариш тўғри ва оқилона ташкил этилди, барча зарур агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилди;

ва, ниҳоят, бу хўжаликларда дехқонларнинг ўз ишининг якуний натижасига бўлган манфаатдорлиги кескин ортди. Одамларда ўз ишига, яратувчилик меҳнатига қизиқиш пайдо бўлди. Бу ниҳоят даражада муҳимdir.

Шунинг учун биз қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш борасида тўплаган тажрибани ижобий баҳолаб, 1999 йилда самарадорлиги паст ва зарар кўриб ишлаётган яна 150 га яқин хўжаликни санация қилиш ҳақида қарор қабул қилдик. Бу масала бўйича ҳозир маҳсус ҳукумат қарори тайёрланмоқда. Бу ерда ўтирган барча раҳбарлар ана шу қарорда баён этилган тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этишлари лозим.

Учинчи - илгари ҳам кўп маротаба гапирилган масалага яна қайтамиз - бу ернинг ҳосилдорлигини таъминлашdir. Мен бу масалани ерни парваришлаш, унинг маҳсулдорлигини таъминлаш, деб айтган бўлур эдим.

Агар биз ернинг ҳосил беришини хоҳласак, уни асраб-авайлашимиз шарт. Ерни қанча эъзозласанг, у сенга шунча кўп ризқу насиба бераверади. Мен бу ўринда агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказишни ҳам, суғориш ишларини ҳам, ўз вақтида ўғит солишни ҳам, дренаж-коллектор тармоқларини тозалашни ҳам назарда тутмоқдаман.

Бир сўз билан айтганда, бу агротехника ва юксак дехқончилик маданияти демакдир. Бугунги энг долзарб масала экинлар селекциясини ташкил этиш, ирсий (генетик) жихатдан тезпишар, юқори ҳосилли ва касалликларга бардошли янги навларни жорий этиш, хўжаликларни сифатли уруғ ва кўчатлар билан таъминлашdir.

Тўртингчи вазифа - таъбир жоиз бўлса, юкорида айтилган барча масалаларни ҳал этадиган омил - бу кадрлар тўғрисидаги масаладир. Қишлоқ хўжалиги бугунги кунда ерни биладиган ва ардоклайдиган, бу соҳада ишловчиларнинг бошини қовуштира оладиган билимдон бошқарувчilarга, юқори малакали мутахассис ва раҳбарларга ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ эҳтиёж сезмоқда.

Шу ўринда биз қабул қилинган кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини рўёбга чиқариш қандай улкан аҳамиятга эга эканига қайта-қайта иқрор бўлмоқдамиз. Мен барча туман ва вилоят раҳбарларини мана шу масаланинг моҳиятига чуқур кириб боришга даъват этган ва керак бўлса, буни талаб қилган бўлур эдим.

Бугун дастурни амалга оширишда муайян тармоқлар ва уларнинг раҳбарлари зиммасидаги алоҳида масъулият ҳақида гапириш мумкин. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, олий ўқув юртлари, ўқув муассасалари, мактаблар,

қисқаси, маориф соҳасида меҳнат қилаётган, таъкидлаш керакки, яхши ишлаётган раҳбарларнинг масъулияти ва роли ҳақида гапириш мумкин.

Лекин мен бугун ҳокимлар, маҳаллий ҳокимиият вакилларининг жуда катта масъулиятини алоҳида таъкидлашни истардим.

Мен вилоят раҳбари, туман, шаҳар раҳбари, хўжалик раҳбарлари, қўйингки, одамларнинг ишончига сазовор бўлган барча раҳбарларга таъкидлаб айтмоқчиман. Биз ўтказаётган сиёсатнинг рўёбга чиқиши сизнинг фаолиятингиз билан узвий боғлиқ. Сизлар комил инсон тарбияси моҳиятига чуқур кириб бориб, ўта масъулият билан ёндашмас эксанзиз, бу дастурни рўёбга чиқариш жуда қийин бўлади.

Мен мана шу залда ўтирганларга мурожаат қилиб айтмоқчиманки, мазкур дастурни амалга оширувчи энг бош жонкуярлар сизлар бўлишингиз лозим. Раҳбарлар бошқалардан кўра узоқни аниқ ва теран кўришлари керак. Биз, раҳбарларга халқ доимо ишонч ва умид билан қарайди. Бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги эса эртага бизнинг ўрнимизга кимлар келиши, биз қандай кадрларни тарбиялашимизга бутунлай боғлиқ десак, муболага бўлмайди.

Мен оддий, бугунги кунда ҳаммамиз учун тушунарли бўлган ҳақиқатни тақрор-тақрор таъкидламоқчиман. Биз бугунги ҳаётимизнинг қайси масалалари ва вазифалари ҳақида, қайси истиқболлари ҳақида гапирмайлик, бошқариш ва ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида - ҳамма нарса бугун кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалади.

Бу масалани ҳал этмасдан туриб, амалда ўз истиқболимизни кўриш мумкин эмас. Бу охир-оқибатда бизнинг ўз фарзандларимиз, набираларимиз олдидағи бурчимиздир. Биз уларни эртанги мураккаб, суронли ҳаётга тайёрлашимиз керак.

Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта баҳтли бўлишлари шарт. Тақрор айтаман: мана шу эзгу мақсад бугунги кунда ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмунига айланиши даркор.

Фарзандларимиз - бизнинг Ғуруримиздир. Бу ҳар бир инсон учун тушунарли, албатта. Биз ҳақиқатан ҳам ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фаҳрланишини истасак - улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ишларини давом эттиришларига эришишимиз лозим.

Биз ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад бугунги кунда одамларнинг онгу шуурига кириб борди - биз келажаги буюк бўлган давлат ва жамият қуришни истаймиз. Ва бунинг учун бизда ҳамма асослар бор.

Лекин ана шу мақсадга етишнинг муҳим шарти, яна ва яна таъкидлаш жоизки, бизнинг ўрнимизга келадиган авлоднинг билим савияси ва тафаккури билан бевосита боғлиқдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, муболағасиз айтиш керакки, гуллаб яшнаган, кучли демократик давлат, фуқаролар жамиятини шакллантириш, саҳоватли заминимизда яшаётган одамларнинг баҳти ва фаровонлигини таъминлашдан иборат бўлган, узоқни кўзлаган мақсадимизнинг моҳияти, асоси бўлиши лозим.

Келинг, энди асосий муддаога ўтайлик. Менинг сиз ҳокимларга аниқ топшириқим бор. Дастурда 1999-2000 йилларда 187 академик лицей ва касб-хунар коллежларини қуриш ва 110 та шундай муассасани таъмирлаш кўзда тутилган. Лекин мен вазифани кенгрөқ қўймоқчиман. Шу икки йилда биз ҳар бир туман, ҳар бир шаҳарда янги лойиҳалар бўйича энг замонавий талабларга жавоб берадиган колледж ва лицейлар курамиз.

Бу андоза асосида кўплаб шундай қурилишларни амалга оширишимиз мумкин. Бунинг учун лойиҳа институтлари лицей ва коллежларнинг касб ихтисосини ҳисобга олиб маҳсус лойиҳалар ишлаб чиқкан. Бу муассасаларнинг қаерда жойлашиши аниқлаб берилган хукумат қарори қабул қилинган. Кўп вилоятларда улар учун керакли миқдорда ер ҳам ажратиб берилди. Муҳими, уларни молиявий таъминлаш манбалари аниқ белгиланган.

Келгуси йил бюджетининг ўзидаёқ бу мақсадлар учун 34 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Курилишни амалга ошириш учун ҳар бир вилоятда коллеж ва лицейлар бунёд этишга ихтисослаштириладиган бир неча қурилиш трестлари белгилаб қўйилган. Мен очиқ-оидин айтиб қўяй - бу коллажлар нафақат билим маскани, балки биз юртимизга келадиган меҳмон ва сайёхларни олиб бориб кўрсатишга арзийдиган, бошқаларнинг ҳавасини келтирадиган муҳташам иншоотлар бўлиши лозим.

Мен сизларнинг олдингизга бугун мана шу истиқболдаги вазифани қўймоқчиман.

Ишонаманки, ўзини мамлакатимизнинг ҳақиқий ватанпарвари деб билган, унинг ажойиб келажагига ишонган ҳар бир инсон ана шу улкан ва ҳаётий муҳим вазифани рўёбга чиқаришга муносиб ҳиссасини қўшади.

Вилоятлар, шаҳар ва  
туманларнинг ҳокимлари билан  
учрашувда сўзланган нутқ,  
1998 йил 23 декабрь

## ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚҮЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ

"Туркистон" газетаси мухбирининг  
саволларига жавоблар

**САВОЛ.** Яхши биламизки, мустакил тараққиёт йўли оқ поёндоз тўшалган равон йўл эмас. Бу йўлда ўзига хос паст-баландликлар, тўсиқ ва қийинчиликлар, мураккабликлар бўлиши табиий. Сизнингча, Ўзбекистоннинг етти йиллик истиқлол тарихидан келиб чиқадиган асосий сабоқ ва хulosалар нималардан иборат?

**ЖАВОБ:** Менимча, етти-саккиз йиллик тажрибалар асосида тугал хulosалар чиқаришга ҳали эрта. Чунки биз яшаб ўтаётган давр ҳақида, миллатимиз ҳаётидаги туб бурилиш нуқтаси бўлган истиқлол йиллари ҳақида мукаммал хulosаларни тарих ва келгуси авлодларгина чиқаришга ҳақлидир. Лекин бугунги ўзимиз бевосита иштирокчилари бўлган ижтимоий жараёнлар таҳлилидан келиб чиқадиган баъзи бир сабоқларни зикр этиш фойдадан холи бўлмас, деб ўйлайман.

Биринчи сабоқ шундан иборатки, янги тизимга ўтиш кўпчилик ўйлагандан ҳам кўра мураккаб жараён экан. Ўдингизда бўлса, 90-йилларда мустақилликка эришган айrim давлатлар эски тизимдан воз кечиб, бирданига демократия қурамиз, бирпасда ривожланган мамлакатлар даражасига эришамиз, деб хомхаёл қилган эди. Бугун, орадан етти йил ўтиб, уларнинг қуруқ гап эканини, ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа эканини воқеликнинг ўзи исботлади.

Шу каби ҳаёт сабоқларини ўйлаб, бошимиздан кечган воқеаларни таҳлил қилиб, ақл тарозисидан ўтказиб, шундай тўхтамга келаманки, Ватан, миллат тақдири ҳал бўладиган қалтис вазиятларда тўғри йўлни танлай олиш учун аввало тарихни ва ҳаётнинг аччик-чучугини билиш керак экан. Тарих инсоннинг кўзини очар экан. Шунда кўп хатоларнинг олдини олиш мумкин бўлар экан. Чунки инсоният тарихида даврлар, жараёнлар чархпалак каби айланиб, қайтарилиб туради. Фақат бу ҳолатлар янги тарихий босқичда янгича шаклда рўй беради. Шу нуқтаи назардан қараганда бизнинг тарихимизда ҳам ўсиш, юксалиш ва таназзул замонлари бўлган. Халқимиз бошидан кўп нарсани ўтказган. Зафарларни ҳам, мақлубият ва парокандаликларни ҳам кўрган. Бунга Амир Темур хукмронлик қилган давр ва ундан кейин кечган жараёнлар ёрқин мисол бўла олади.

Буюк аждодимиз юксак тараққий топган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда "Куч - адолатда" деган бош шиор давлат сиёсатининг, жамият ҳаётининг асоси бўлганини яхши биламиз. Бу Фоя одамларга куч берган, уларда инсоф-диёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган. Чунки жамиятда адолат барқарор бўлса, миллат, ҳалқ ҳеч қачон йўлидан адашмайди, эртами-кечми фаровон турмушга эришади. Менинг раҳбарлик лавозимида меҳнат қилган тажрибамдан чиқарган энг муҳим ҳаётий хulosам шуки, адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор.

Нафақат мамлакатимиз миқёсида, ўйлайманки, ҳар қандай жамоа, маҳалла, борингки, оила мисолида ҳам омадимиз, файз-баракамизнинг гарови ва шарти бўлмиш тинчлик ва тотувлигимизни сақламоқчи бўлсақ, бунинг ягона замини - адолат ва инсофни энг устувор мақсадимиз ва сиёсатимизга айлантироғимиз керак.

Фақатгина шу асосда бугунги эришган энг катта бойлигимизга - фуқаролар ризолиги, миллатлараро тотувлик ва юртимизда қарор топган осойишталикни сақлаш ва мустаҳкамлаш мумкин.

Бу фикрларни айтишдан мақсад шуки, биз тараққиётимизнинг, миллатимиз тарихининг ҳозирги босқичида, маълум маънода ана шу даврларни янгича шароитда қайта бошдан кечиряпмиз. Янги ўзбек давлатчилигининг тамал тошини қўйяпмиз. Шундай экан, тарих сабоқлари бизни ҳар хил нотўғри қадамлардан огоҳ этувчи, сақлаб турувчи омил бўлиши лозим. Чунончи, ҳалқ, миллат тақдирига дахлдор масалаларда пала-партиш, оқибатини ўйламасдан иш тутиш ярамайди. Одамларга яхши қўринаман, деб "чиройли"

шиорлар билан жамоатни маҳлиё қилмоқчи бўлганларнинг бугунги аҳволи қандайлигини қўриб турибмиз. Бу ҳам, керак бўлса, кечаги тарих сабоги эмасми?

Кези келганда бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Биз шу пайтгача қўпроқ эски тузумни танқид қилиш, уни инкор этиш билан банд бўлдик. Албатта, бошимиздан кечирган мудхиши ва мустабид турмушнинг бутун асоратларини англаб етиш, йўлимизни тўғри белгилаб олиш учун истиқоллнинг дастлабки йилларида бу биз учун албатта зарур эди. Аммо фақат ўтмишни ёзКириш, инкор этиш билан узоққа бориб бўлмайди. Эски асоратларни инкор қилиш осон, бироқ улардан қутулиш, уларни тақрорламаслик - ўз-ўзидан бўладиган иш эмас.

Эски жамиятни танқид қилиш осон, лекин янги жамият қуриш ниҳоятда қийин ва машаққатли жараён.

Мана, биз етти-саккиз йиллик мустақил тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Бу йўлда орттирган озми-кўпми тажрибамизга, эришган ютуқларимизга таяниб айтиш мумкинки, энди инкор қилиш кайфиятидан бунёдкорлик кайфиятига ўтиш пайти келди.

Якин ўтмишимиznинг яна бир сабоги шуки, миллат, давлат, жамият тақдири ҳал бўлаётган паллада ўзлигимизни англаш, маънавий илдизларимизни унутмаслик катта аҳамиятга эга. Моддий етишмовчилик албатта оғир синов, лекин унга меҳнат билан, сабртоқат билан бардош берса, енгиб ўтса бўлади, аммо маънавий инқироз, маънавий қашшоқликдан, уларнинг оқибатидан - миллатлараро низолардан, биродаркушлик кирғинларидан худонинг ўзи арасин.

Шукрки, биз халқимизнинг азму шиҷоатига, бунёдкорлик қучига таянган ҳолда, ўтиш даврига хос қийинчиликларни енга бориб, ўз йўлимизни аниқ белгилаб олдик ва шу йўлда озми-кўпми ютуқларга эришдик. Албатта, ютуқлар ҳақида Фурурланиб гапириш, кўплаб мисолларни келтириш мумкин, аммо сохта обрў орттириш йўлида кўкракка мушт уриб оламга жар солиш бизнинг табиатимизга ётдир.

Шу ўринда эътиборингизни, айниқса оммавий ахборот воситалари ходимларининг дикқатини бир нарсага жалб этмоқчи эдим.

Юртимизда амалга оширилган катта ўзгаришларга, бунёдкорлик ишларига мамлакатимиз раҳбарияти бош-қош бўлиши табиий ҳол. Лекин бу жараёнларда кўпчиликнинг иштироки, қолаверса, ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Бу ишлар бутун халқимизнинг ақл-заковати, фидокорона меҳнати туфайли амалга ошмоқда. Президентнинг вазифаси эса жамиятни олий мақсадлар, ёруғ келажакка интилиш йўлига чорлаш, бирлаштириш, жипслаштиришдан иборат экан, бу иш менинг зиммамга тушибди. Мен нима иш қилган бўлсан, худо берган қобилиятимга яраша, халқимизга суянган ҳолда қилдим. Яратганга шукроналар бўлсинки, халқ менга ишонди.

Ана шу ишонч одамни эзгу йўлга бошлайди, қанот беради, керак бўлса, мислсиз куч-Қайрат бағишлиайди. Азалдан қолган нақл борки, давлат бошлиқи ҳам ўз халқининг феъли-авторига яраша бўлар экан.

Мен бир гапни кўп айтганман. Яна тақрорлайман: бизнинг юртимизга Аллоҳнинг назари тушган. Шундай экан, бу муқаддас заминдан мендай раҳбар чиқмаса, бошқа бирор чиқарди.

ҲАР қандай таназзулдан, таҳликали мушкул аҳволдан, авваламбор халқнинг мардлиги, бунёдкорлик салоҳияти, теран маънавияти, содда қилиб айтганда, одамларнинг мададига таянибгина чиқиши мумкин.

Халқига суянмаган раҳбар ҳеч замонда бирон натижага эриша олмаган. Ахир, ҳар бир фуқаронинг жамиятда ўз ўрни, ўз бурчи ва масъулияти бор. Лекин уларни улуғ ва олижаноб мақсадлар йўлида руҳий, маънавий жиҳатдан бирлаштирадиган йўлбошчининг майдонга чиқиши тарихий тараққиёт тақозосидир.

САВОЛ. Ҳурматли Ислом АбдуҚаниевич, кейинги вактларда мустақиллик мағкураси, миллий Ғоя ҳақида жамиятимизда кўп фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Жамоатчилигимизга яхши маълумки, Сиз одамларнинг тафаккур тарзини, дунёқарашини ўзгартириш, уларнинг қалбига ана шу улуғ Ғояларни сингдириш борасида доимо жон

куйдириб келасиз. Ижозатингиз билан энди миллий Фоя, миллий Ғурур, маънавият масалалари ҳақида тўхталсак...

ЖАВОБ. Миллий Фоя ҳақида жуда кўп ва узоқ фикр юритиш мумкин. У ҳаётнинг ўзи қаби чексиз мавзудир. Миллий Фоя халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади. Бу ҳақдаги асосий фикрларимни "Тафаккур" журнали бош мұхаррирининг саволларига берган жавобларимда ҳам билдирган эдим.

Шу нарса эътиборга сазоворки, кейинги вақтда "миллий Фоя" деган тушунча ҳаётимизга чуқур кириб бормоқда, бугунги ижтимоий воқеликдан ўз ўрнини топмоқда.

Бу албатта мустақилликнинг - мустақил тафаккурнинг маҳсулидир. Бир пайтлар бу ҳақда сўз юритиш қийин эди. ҲАМма нарса коммунистик мағкура қолипи билан ўлчангандарда ҳар бир одам ўзининг эътиқодидан қатъи назар, ичидағи Қамташвишларини яшириб, расмий минбарлардан туриб ёки матбуотда - оддий зиёлими, етук олимми ёки таникли арбоми - барбири, айтаётган фикрининг ана шу қолипга мос келишкелмаслигини ўйлашга мажбур эди. Чунки фикрловчи, ақлли одамлар қирғин-қатақонлар туфайли қўрқиб юрагини олдириб қўйган, уларнинг қон-қонига, онг қатламларига ана шу ваҳима ҳисси сингиб кетган эди. Шунинг учун, яъни, бир қолипдан чиққани учун ҳам уларнинг фикрлари бир-бирига ниҳоятда ўхшаш бўларди. "Шаклан миллий, мазмунан социалистик" деган ибора бу ҳолатни яққол ифодалар эди.

Бугунги ҳаётимизнинг кечаги кунимиздан асосий фарқини топмоқчи бўлсак, бу аввало одамларнинг тафаккури ўзгариб, аниқроқи, юксалиб бораётгани билан белгиланади. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Аслида одамзот тафаккурининг чегараси йўқ. Ҳаёт ўзгариши билан, борлиқ дунё ўзгариши билан инсоннинг моддий ва маънавий мухити, унинг дунёқараши ҳам ўзгариши қонуний ҳол, албатта. Агар тафаккурни атрофимиздаги ҳаёт тарзининг маҳсули сифатида қабул қиласак, унинг иккинчи жиҳати шундаки, ҳаётнинг ўзи ҳам, унинг ўзгаришлари ҳам одамзот тафаккурининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ.

Шу қисқа давр ичida - кейинги етти-ўн йил давомида замоннинг шиддат билан ўзгариши одамлар тафаккурининг ҳам тез ўзгариб боришига таъсир қилмоқда.

Бу мұхим, ғоят долзарб масала бўйича бизнинг ёндашувимиз шундай: биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки биз одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз.

ҲАР қандай халқни халқ, миллатни миллат қиласидиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқ-равшан чароқон этадиган мағкура - миллий Гояни шакллантиришнинг асосий шарти - одамларнинг тафаккури, дунёқарашининг воқеликка нисбатан таъсирини инобатга олишдир. Шу маънода миллий Фоя, миллий онг туйғусининг моҳиятини тўғри англаш, уни тарбия қилиш, уни бугунги куннинг энг зарур вазифаларидан бири сифатида эътироф этиш, бу хусусда баҳсу мунозаралар олиб бориш, фикр алмашиш, очик-ойдин гапириш, ўйлайманки, ижтимоий тараққиётимиз учун катта наф келтиради.

Биз йигирма биринчи аср бўсақасида яшаяпмиз. Аллоҳ насиб этса, ҳадемай йигирма биринчи асрга ҳам қадам қўямиз. Хўш, янги асрга биз қандай онг, қандай мағкура билан - халқимизни бирлаштирадиган, унга йўл кўрсатадиган қандай миллий Фоя билан кириб борамиз?

Бу даврда бизнинг маънавий қараш ва нуқтаи назарларимиз нимадан иборат бўлади? Кундан-кунга ўзгариб, ғоят мураккаблашиб бораётган жаҳон ҳамжамияти тизимидан бу қарашлар ўзига муносиб ўрин топа оладими? Уларнинг халқаро тажрибалар ва демократик тамойиллар билан уйғун ривож топиши учун биз нималарга эътибор беришимиз керак? Умуман, бизда янги аср учун мўлжалланган маънавий-мағкуравий фаолият мақсадлари - концепциямиз борми? Бор бўлса, у ўзида нималарни ифода этади? Йўқ бўлса, бу хусусда кимлар, қайси ижтимоий-сиёсий кучлар ишламоқда?

Кўриниб турибдики, саволлар бир-биридан кескин, бир-биридан долзарб ва мураккаб. Лекин уларга жавоб топмасдан, бу муаммоларни ечмасдан биз олға қараб ҳаракат қилолмаймиз. Бир жойда депсиниб тураверамиз. Чунки ҳеч қачон кишилик

жамиятида Фоявий бўшлиқ бўлмаган. Агарки шундай бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини бизнинг табиатимизга бегона турли хил мафкуравий тазиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар.

Бундай хавфни ўзимизга яқол тасаввур қилишимиз ва унинг олдини олишимиз - бугунги куннинг энг долзарб, энг мураккаб вазифаларидан биридир. Хўш, бугунги кунда бизга мамлакат ичидан ва четдан таъсир ўтказиши мумкин бўлган қандай мафкуравий кучлар бор?

Бу кучларнинг Фоялари, манбалари, имкониятлари, таъсир доиралари қандай?

Бизнинг уларга муносабатимиз қандай бўлиши керак?

Шундан келиб чиқсан ҳолда бизнинг ўзимизга хос, ўзимизга мос миллий Фоямиз қандай бўлмоғи лозим?

Уни кундалик ҳаётда, кенг жамоатчилик орасида, хусусан, ёшлар орасида татбиқ этишнинг йўл ва усуллари нималардан иборат?

Шу муносабат билан бизга хавф солиши мумкин бўлган айрим мафкуравий таҳдидларга ватандошларимиз дикқатини қаратмоқчиман.

Биздан узоқ-яқин масофаларда жойлашган айрим ислом давлатларида ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган муайян ташкилотлар мавжуд. Улар катта маблағ ва мафкуравий таъсир воситаларига эга. Албатта, бундан ўн тўрт аср бурунги воқеликни бугун амалда қайтадан тиклаб бўлмаслиги аён. Лекин уларнинг нияти - ягона мафкуравий макон барпо қилиб, ислом динини сиёсийлаштириш ва шу асосда ҳукмронлик қилиш, ҳокимиятни қўлга киритишидир. Уларнинг фикрича, мусулмонлар яшайдиган мамлакатлар ўртасида ҳеч қандай маъмурий чегаралар бўлмаслиги керак, бу давлатларнинг барчаси ягона халифалик маркази томонидан бошқарилиши зарур.

Бундай кучлар орасида "Ўезби таҳрири исломия" ташкилоти айниқса фаоллиги билан ажралиб турди. Унинг вакиллари бизнинг мамлакатимиз худудида ҳам яширинча, пинҳона иш олиб боришга уринишмоқда. Улар асосан ҳали онги шакланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларимизни ўз тузоқига илинтиришга, турли йўллар билан уларнинг миясини заҳарлаб, ўз ҳалқи, ўз юртига қарши Қанимга айлантиришга жон-жаҳди билан ҳеч қандай маблағларини аямасдан ҳаракат қилмоқдалар. Табиийки, биз бундай ёвуз интилишларга асло йўл қўёлмаймиз ва қўймаймиз ҳам.

Биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиласиз, одамзот руҳий дунёсида иймон-эътиқодни, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксак баҳолаймиз. Шу билан бирга фуқароларимизнинг эътиқод эркинлигини қонун асосида таъминлаш учун барча шартшароитларни яратиб бермоқдамиз. Аммо биз диндан сиёсий мақсадлар ва ҳар қандай ёвуз ниятлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.

Инсонга ато этилган энг муқаддас фазилатлардан бири - бу Аллоҳни танишдир. Лекин инсоннинг мана шу буюқ фазилатидан фойдаланиб, унинг онгини чалқитиб, ўз Қаразли мақсадлари учун қурол сифатида қўллаш-дунёда бундан ҳам кўра гуноҳи азим борми ўзи? Бизнинг бу масаладаги йўлимиз аниқ ва қатъий: дин диннинг ишини, давлат давлатнинг ишини қилсин.

Мафкуравий таҳдид ҳақида гапирганда, яна бир масалага алоҳида эътибор беришимиз керак. Ҳозирги вақтда Россия-Белорус иттифоқи атрофида зўр бериб шов-шув қилинмоқда. Маълум сиёсий кучлар бу иттифоқнинг "жозибаси"ни тарғибу ташвиқ қилиб, унга МДҲ худудидаги бошқа мамлакатлар халқларини ҳам маҳлиё қилишга интилмоқда. Албатта, озодлик нашъасини тотиб қўрган, эркин нафас олаётган ҳар бир ақли расо одам бунинг тагида нима ётганини яхши билади. Аммо бу кучлар бугунги иқтисодий қийинчиликлардан фойдаланиб, мафкуравий таъсир воситалари ёрдамида сиёsatдан узок, содда кишиларнинг бош-кўзини айлантириб, ўз умрини яшаб бўлган совет Ғояларини ҳаётимизга қайтадан тикиштирмоқчи, шу йўл билан бўйнимизга яна ўша эски бўйинтуруқни илмоқчи. Ишончим комилки, эркесвар ва ўз қадр-қимматини яхши англааб

олган халқимиз бунга асло рози бўлмайди. Бинобарин, жамиятимиздаги барча соҚлом кучлар бундай хатарларга қарши қурашга ҳамиша тайёр туриб, кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни авж олдириши керак.

Мафкура соҳасида бизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган яна бир хавф - бу ўзбек миллатининг тарихини сохталаштириш, турли хил Қайриилмий талқинлар, сиёсий шиорлар билан бизни тарихимиздан, шарафли ўтмишилиздан жудо қилишга уриниш тарзида намоён бўлмоқда. Хориждаги баъзи бир сиёсий арбоблар ва олимларнинг даъволарига кўра, алоҳида ўзбек деган миллат йўқ эмиш, балки умумий туркий халқ бор эмиш. Шунинг учун ўзбек, қозоқ, Қирғиз, туркман, татар, бошқирд, уйҚур ва ҳоказо тушунчаларга барҳам бериш керак эмиш.

Биз бундай қарашлар билан сира келишолмаймиз. Илгари ҳам бир неча бор таъкидлаганимдек, ҳар бир халқ, жумладан, ўзбек халқининг ҳам тарихи бетакрордир. Биз жаҳон майдонида куни кечга пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўхна Хоразм заминида "Авесто" пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади. Ўзбек миллати Ўзбекхон номидан тарқаган эмас, балки, Ўзбекхон ўзбек миллати номини ўзига исм қилиб олган бўлса, ажаб эмас.

Албатта, биз қадим тарихий илдизларимиз туркий халқлар билан бир эканини, тилимиз, динимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимиз ва маданиятимиз муштарак бўлганини эътироф этамиз, улар билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз. Лекин биз ўзимизни ҳамиша мустақил миллат - ўзбек халқи сифатида хис этиб келганимиз ва бу билан фаҳрланамиз. Бунга тарихий, илмий, маданий асосларимиз бор. Бутун дунё ҳамжамияти бизнинг буюк тарихимиз ва маданиятимизни эътироф этиб, бугунги кунда бизни шу ном билан танийди ва ҳурмат қиласди.

Миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоялаш керак. Миллий Ғоя ҳақида гапирганимизда ана шу жиҳатларни албатта инобатга олишимиз зарур.

Ўйлайманки, бу соҳада энг устувор вазифамиз - халқимиз орасида катта маърифий-амалий ишларни олиб бориб, миллий мафкурамизга куч-куват берадиган, уни янги-янги мэрралар сари сафарбар этадиган, кенг оммага таъсир ўтказишга, халқни ўзига тарафдор этишга хизмат қиласиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий манбаларни тўғри белгилаб олишдир.

Шу ўринда мустақиллик ва истиқбол йўлида биринчи қадам қўяётган даврда ягона оила бўлиб яшаётган кўпмиллатли халқимизнинг долзарб шиорига айланган сўзларни эслатмоқчиман. "Шу азиз ватан барчамизники, унинг фаровон келажаги ва иқболи учун яшаш, қурашиш биз учун энг катта баҳтдир".

Ишончим комилки, тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувликка чорлаётган бундай шиор миллий Ғоямиз ва тафаккуримизнинг асосий мезонига айланиб қолса, нафақат бугунги, балки келажак авлодларимизни ҳам асрайдиган ва барчамизнинг эзгу орзуларимизни рўёбга чиқарадиган асос бўлиб хизмат қиласди.

Гап миллий Ғоя ҳақида борар экан, ўз-ўзидан уни демократик тамойиллар билан уйғунлаштириш масаласи келиб чиқади. Айтиш керакки, бу осонгина бўладиган иш эмас, балки жуда чуқур илмий-сиёсий, назарий-амалий ёндашувни талаб қиласиган машаққатли жараёндир.

Бугунги вазифамиз ижтимоий соҳанинг етакчи олимларини, файласуфлар, сиёсатшунослар, социологлар, ҳуқуқшунослар, педагоглар, психологлар, тарихчилар, адаб ва журналистларнинг энг пешқадам вакилларини мазкур жараёнга жалб қилиш, уларнинг билим ва тажрибаларидан омилкорлик билан фойдалана билишни тақозо этади.

**САВОЛ.** Ҳақиқатан ҳам, истиқбол йилларида маънавий ҳаётилизнинг асосий йўналиш ва тамойиллари шаклланди. Бунда Сизнинг назарий қарашларингиз, миллий қадриятларни, тарихий ва маданий меросимизни тиклаш борасидаги амалий фаолиятингиз асос бўлиб хизмат қиласига. Шу муносабат билан янги асрда маънавият соҳасидаги бош

Фоямиз нимадан иборат бўлиши лозимлиги хусусида Сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик.

**ЖАВОБ.** Маънавият - узлуксиз ҳаракатдаги жараёндир. Фикр, тафаккур, хис-туйғу тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ маънавият ҳам доимо ўзгариш ва янгиланишда бўлади. Маънавият деганда авваламбор одамни руҳан покланишга, қалбан улҚайишга чорлайдиган, инсон ички дунёсини, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиласидиган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиласан.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бизнинг, айтайлик, 1991 йилдаги маънавий савиямиз билан ҳалқимизнинг ҳозирги руҳий ҳолати ўртасидаги фарқни қиёслаб кўриш кифоя, деб ўйлайман. Албатта, маънавиятнинг тош-тарозиси, ўлчовини топиш қийин. Фалсафий нуқтаи назардан қараганда шундай. Лекин амалий нуқтаи назардан ёндошганда, ҳаётдаги, жамият онгидаги ўзгаришларга нисбатан баҳо берганда, унинг муайян мезонларини ифода этиш мумкин. Масалан, мустақиллик маънавиятини, унинг бугунги даражасини кўпчилигимизнинг кўнглимиздан ўтадиган "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деган савол билан белгилаш мумкин эмасми?

Бевосита сизнинг саволингизга келадиган бўлсак, унга жавоб бериш, маънавиятимизнинг келгуси асрдаги шакл-шамойили, мазмун-моҳияти, таянч нуқталари ва тараққиёт уфқларини белгилаш, унинг тамойилларини ишлаб чиқиш, айтиб ўтганимдек, аввало жамиятшунос олимлар, барча зиёлиларимизнинг вазифасидир.

Шахсан менинг бу борадаги қарашларим қўйидагича: модомики биз ҳуқукий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қураётган эканмиз, маънавият соҳасидаги йигирма биринчи асрга мўлжалланган ҳаракат дастуримиз ҳам ана шундан келиб чиқмоғи даркор. Яъни эркин фуқаро - онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий Фоямиз бўлиши зарур.

Биз шу пайтгача маънавият борасидаги ишларимизни одамларнинг тафаккурини эски тузум сарқитларидан халос этишга, ватандошларимиз қалбига миллий мустақиллик Фояларини сингдиришга қаратдик. Бу борада муайян натижаларга ҳам эришдик. Лекин бу орттирган тажрибамиз эркин демократик жамият қуриш йўлидаги илк қадамлардир. Чунки биз қўп йиллар давомида шаклан озод, моҳияттан эса қуллик ҳолатида яшаб келган эдик. Афсуски, узок давом этган бу зулмнинг асоратлари ҳали-ҳануз тўла барҳам топгани йўқ. Айниқса, бу иллат бизнинг онгу тафаккуrimизда чуқур ўрнашган бўлиб, ундан фориҚ бўлиш осон кечмаяпти.

**ҲУҚУҚИЙ** жаҳолат, ҳуқукий саводсизлик, маъмурий-ҳуқукий органларнинг қонунсиз зўравонлиги, ўтмишилизда рўй берган қатаҚонларнинг мудхиш таъсири кўрқинчли туш каби ҳамон хотирамиздан ўчмай келади.

Шу боис энди олдимизда ниҳоятда муҳим, келажагимизни ҳал қилувчи янги вазифа турибди. Бу вазифа эркин фуқаролик жамиятининг маънавиятини шакллантириш, бошқача айтганда, озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз кучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айни замонда ўз шахсий манфаатларини ҳалқ, Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир. Мен мана шундай инсонлар хақида ўйлар эканман, дунёқарashi мустақиллик йилларида шаклланган ёшларимизда келажак маънавиятининг умидбахш куртакларини кўргандек бўламан. Ва уларнинг келажагига катта ишонч ва завқ билан қарайман.

Эркин фуқаролик жамиятига дунёдаги кўп-кўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира бориб етиб келган. Биз бундай жамиятни қуришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилмоқдамиз. Лекин бу гўзал орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, ўз заминимизга татбиқ этиш лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур.

Бугун жамиятимиз олдида турган бу улуғвор ва мураккаб вазифаларни ҳал қилиш энг аввало таълим-тарбия, маърифат масаласига бориб тақалади. Бу масалага кенг жамоатчилик диққатини жалб этиш керак. Матбуот орқали, телевидение орқали одамларда маърифатпарварлик Гояларини тарбиялаш, мактаб-маориф тармоқларига ҳомийлик, саховатпешалиқ, савобталаблик каби эзгу хусусиятларни кучайтириш зарур.

Асримиз бошларида жадидларнинг ўз ҳисобидан мактаблар, кутубхоналар, қироатхоналар, театрлар, рўзномалар ташкил этганликларини, дарсликлар, қўлланмалар нашр қилганликларини, уларни Туркистон болаларига бепул тарқатганликларини бир эслайлик. Наҳотки бугун юртимизда ана шундай саховат булоқлари қуриб қолган бўлса! Ишончим комилки, бундай фидойи, сахий инсонлар диёrimизда кўплаб топилади. Фақат уларга бош-қош бўлиш, интилишларини қўллаб-кувватлаш, маънавий жиҳатдан рағбатлантириш керак. Ахир тўкиб-сочиб қилинаётган тўртта тўй ўрнига битта мактаб қурса бўлади-ку! Ахир шу мактабда бегона эмас, ўзимизнинг фарзандларимиз, эртага сизу бизнинг ўрнимизга келадиган, чироғимизни ёқадиган, шу Ватанга эгалик қиладиган ўғил-қизларимиз ўқиди-ку!

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, эркин фуқаролик маънавиятининг асоси бўлмиш маърифат масаласи доимий эътиборимизда бўлиши шарт.

Маънавият соҳасида янги асрга мўлжалланган асосий йўналишни аниқлаб, ўзимизга режа қилиб белгилаб олар эканмиз бир нарсага алоҳида аҳамият бериш керак: бу мақсад ва Гоялар ҳалқ онгига сингадими, жамоатчилик уларни қўллаб-кувватлайдими ёки йўқми - ҳамма гап мана шунда. Бу фикрлар фақатгина Ғоя ҳолида қофозда қолиб кетмаслиги, куруқ гап, куруқ шиор бўлиб қолмаслиги лозим. Уларни амалга ошириш учун бизга жонкуяр, бева-бечорага ачинадиган, ўз ризқини муҳтоҷ кимса билан баҳам кўришга қодир, ҳақиқат ва ҳалқ манфаати йўлида курашларга ҳамиша тайёр, мард, фидокор инсонлар керак.

Бундай хусусиятлар эса, ота-боболаримиз тажрибасидан маълумки, жамоа, жумладан, маҳалла шароитида шаклланади. Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир, дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба - аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва бекиёс макон - бу маҳалладир.

Узоққа бормай, кундалик ҳаётимизга назар ташлайлик. Кўпқаватли уйларда турувчилярнинг аксарияти одатда темир эшиклар ортида яшайди. Эшикка қулф устига қулф уришларини айтмайсизми! Бундай жойларда қўни-қўшничилиқ, яхши кунда шерик, ёмон кунда ҳамдард бўлиш ҳам ўзига яраша. Оддий йўлакни супуриб-сидириш ҳам сансалорликка олиб келади.

Маҳалла эса бутунлай бошқа бир олам. Маҳаллада эшигига тўртталаб қулф осиб олган кишига одамлар қандай қарайди? Бундай кимса ўз-ўзидан жамоатдан ажраб қолмайдими? Ёки кўча эшигининг олди супурилмаган уйга совчи қадам босадими? Демоқчиманки, ўзбек фарзанди дастлабки жамият тарбиясини айнан маҳаллада олади. Унинг тафаккури кўпчилик ичида, қўни-қўшниларнинг яхши-ёмон кунларида бирга бўлиш орқали шаклланади. Ўзидан катталарнинг муомаласи, юриш-туриши, одоб-ахлоки, ўзаро оқибатига қараб ҳаракат қила бошлайди. Маҳаллаларимизда тонг сахардан кўчаларга сув сепилиши, таниш-танимаслигидан қатъи назар, одамларнинг бир-бирига эзгу тилак билан салом бериши, оқсоқолларнинг ёшлар умрига барака тилаб дуо қилишининг ўзи катта тарбия мактабидир.

Энг муҳими, кўпчилик ичида яшаш инсондан нафсини тийишни, атрофдагиларнинг ўзи ҳақидаги фикри билан ҳисоблашиб умр кечиришни талаб этади. Аслида инсон эҳтиёжлари чексиз бўлиб, унга доимо нимадир етишмайди. Лекин ҳар бир одам нафс балосидан жудо бўлишга интилмоғи керак. Чунки, ҳамма кулфат ана шу нафс балосидан келиб чиқади. Уни енгишга инсоннинг кучи, иродаси етадими? Бу саволга ҳам жавобни биз маънавиятдан излашимиз керак.

**САВОЛ.** Сиз бундан уч йил мұқаддам 9 май - ғалаба байрамини Хотира куни сифатида нишонлаш ташаббуси билан чиққан әдингиз. Сизнинг таклифингиз билан бу күн бундан бүён Хотира ва қадрлаш куни деб аталадиган бўлди. Бу ҳаракат жамиятимизни фикрий бўлинешга олиб келмасмикан? Ахир, уруш қатнашчилари орасида ҳамон совет орденларини тақиб, фалон тепалик учун қон тўкканман, деб юрганлар ҳам йўқ эмас-ку?

**ЖАВОБ.** Албатта, бундай одамлар бор. Лекин ишончим комилки, бу одамлар сиз айтгандек, қандайдир номсиз тепаликлар, бегона мамлакатлар учун номаълум солдат бўлиб жанг қилмаганлар. Улар қайси жангоҳда бўлмасин, ўз она юрти, туғилиб ўсган қишлоқи, муштипар онаси, суюкли ёри, фарзандларининг қадрдан сиймоси доимо юрагида, фикру хаёлида турган. Жангу жадал майдонларида Сталин учун ёки қандайдир мавхум улуғ Фоя учун эмас, шулар учун жон берган. Яъниким, улар олис Европада туриб ўз юртини, жонажон Ўзбекистонини фашизм балосидан ҳимоя қилган. Бу ҳақиқатни мен тақрор-такрор айтганман ва у халқимиз томонидан эътироф этилган. Ўйлайманки, бу масалада сиз айтган хавотирга ўрин йўқ.

Аслини олганда, маънавият ва тарихий хотира тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Мархумлар хотирасини эслаш, эъзозлаш - савоб иш. Шунинг учун ҳам биз кенг жамоатчиликнинг қўллаб-куватлаши билан Номаълум солдат майдонини Хотира майдони деб аташга аҳд қилдик.

Бўлғуси Хотира майдонига қадам босадиган одамларнинг кўнглидан қандай ҳис-туйғулар кечади - билмайман, лекин шу нарсага ишончим комилки, бу ерга келадиган ҳар бир инсон, ёшу қари ватандошимиз Иккинчи жаҳон уруши ва кейинги урушларда юртимиздан иштирок этиб қурбон бўлганларнинг қадр-қиммати ҳақида беихтиёр ўйга толади, уларни ёдга олади, хотираси олдида бош эгади, орамизда ҳали ҳаёт юрган собиқ жангчиларни кўпроқ иззат-икром қиладиган бўлади. Бу жой, шубҳасиз, ўзига хос гўзал зиёратгоҳ ва тарбия маскани бўлиб қолади. Бу мұқаддас қадамжо факат урушда шахид кетганларнигина эмас, балки халқимизнинг эрки ва озодлиги йўлида жонини тиккан Қодирий, Беҳбудий, Мунаввар қори, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари минглаб миллатимиз фидойиларининг хотираси учун ҳам тикланган обида бўлади.

Мархумлар руҳига бағишлиб тиловат қилиш, уларнинг хотирасини, арвоҳларини яхшилик билан тилга олиш энг яхши урф-одатларимиздан биридир. Ўйлайманки, Хотира майдонига қадам қўйган, уни зиёрат қилган ҳар бир инсон хаёлида айни шу олижаноб одатимиз жонланади. Ҳеч қандай сўз билан ифода этиб бўлмайдиган, факат ҳис-туйғу билан идрок этиш мумкин бўлган аллақандай илоҳий ва мұқаддас ҳолат унинг бутун вужудини қамраб олади. Хотира майдони чинакам мұқаддас қадамжога айланиб қолишига ишонаман.

Энг муҳими, бу майдон халқимизни тарихий хотира воситасида бирлаштиришга хизмат қиласи. Чунки қаттол замон тақозоси билан халқимиз ўз даврида, бири "қизил аскар", бири "босмачи", бири "қулоқ", бири "комиссар", яна бири "муштумзўр", яна қай бири "йўқсил" деб гуруҳларга ажратиб ташланган эди. Шўро ҳукумати "бўлиб ташлаб ҳукмронлик қилиш" учун энг маккор усулларни ишга солган, бир миллат вакилларини бир-бирига қарши қайраб, адоват ва низо уруғини сочган. Лекин аслида уларнинг барчаси битта халқ фарзандлари, бир миллат вакиллари эди. Энди орадан шунча йиллар ўтиб кетгач, биз учун на босмачи, на қизил аскар бор.

Шу боис бугун биз ота-боболаримизга ана шундай сунъий ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган даврнинг моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим. Майли, эҳтимол уларнинг орасида адашганлари, ўз халқининг миллий манфаатларига қарши борганлари ҳам бўлгандир. Балки ўша одамлар бугун қилмишига пушаймондир, руҳий азоб тортаётгандир. Бу ҳақда ўйлаш, жавоб бериш - аввало уларнинг ўз виждонига ҳавола. Қолаверса, дунёда Аллоҳ ҳукми борлигини, у ҳамиша барқарор эканини эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Бу гапларни айтишдан мақсад шуки, ҳозирги мураккаб, қалтис паллада эски гина-кудуратларни қўзҚаб, тарафма-тараф пароканда бўлиб кетиш халқимиз учун асло йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Миллий Фоя миллатни, халқни бирлаштиришга қаратилиши керак. Миллатни бўлиб ташлашга асос бўладиган Фоя бузКунчи Фоядир.

Биз ўтмишимизнинг мана шундай аянчли, фожиали саҳифаларини чукур таҳлил қилиб, ҳақоний хулоса ва сабоқлар чиқаришимиз керак. Миллий Фуур тарбияси, ягона халқ туйғусини ёшлар онгига сингдириш соҳасида ҳар куни эринмасдан тинимсиз иш олиб боришимиз, бу йўлда энг таъсирчан самарали воситалардан фойдаланашимиз шарт.

Биз 90-йилларнинг бошидаёқ, яъни озодлигимизнинг дастлабки кунлариданоқ бу борада изчил ва қатъий сиёsat олиб бордик. Одамларни "сен - коммунист", "сен - диндор" деб гурухларга ажратмадик, жамиятимизнинг пароканда бўлиб кетишига йўл қўймадик. Бугунги жараёнлар ўша тадрижий, эволюцион сиёsat натижаси, унинг мантиқий давоми ва ривожидир.

Шу муносабат билан яқин ўтмишимизга баҳо берганда, ўша давр тарихига, бўлиб ўтган воқеаларга ва ўша даврнинг "улкан арబоблари"га ва "моҳир ташкилотчилари"га нисбатан муносабат билдирганда бор ҳақиқатни очиқ акс эттириш керак, деб ўйлайман.

Бу нарса ўша одамларни бадном қилиш, улардан ўч олиш ёки бошқа мақсадлар учун эмас, аксинча, шу йўл билан авваламбор ёшларимиз тарбиясига ижобий таъсир ўтказиш, ҳаётимиз тарихида ҳақиқатни қарор топтиришга хизмат қиласи.

Шуни яна бир бор таъкидлашни истардимки, жамиятни доимий ҳаракатга келтириб турадиган қуч - миллий Фоя, миллий манфаатга хизмат қиласидиган қадриятларни, илғор демократик қоида ва тушунчаларни аниқ-равшан тасаввур этиш, уларни ўрганиш, борини асрар-авайлаш, йўғини шакллантириш, бойитиш, ривожлантириш, халқни, аввало ўсиб келаётган ёш авлодимизни ана шу билим ва кўнникмалар билан тарбиялаш - маънавият соҳасидаги энг асосий вазифамиз бўлиши лозим. Амир Темур бобомизнинг таъбири билан айтганда, халқимиз, миллатимизнинг дардларига дармон бўлмоқ барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

**САВОЛ:** Мухтарам Президент, бу йил Ўзбекистон халқи ҳаётида сайловлар йили сифатида муҳим босқич бўлади. Сиз бўлғуси сайловлар ва уларнинг жамиятимизда рўй бераётган ижтимоий жараёнларга таъсири ҳақида қандай фикрдасиз?

**ЖАВОБ:** Аввало, бўлажак сайловлар барчамиз учун катта синов бўлишини айтиб ўтмоқчиман. Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар айниқса яққол намоён бўлади. Шу билан бирга, ҳар қандай сиёсий ҳаракатлар ва кучлар сайловга тайёргарлик кўриши, ўз платформаларини аниқ белгилаб олиши - буларнинг барчаси табиий ҳол. Бусиз ўзи хаёт, тараққиёт бўлмайди.

Бундай ҳолатлар доимо бўлган, лекин бугун демократик тамойиллар ва қадриятлар жамоатчилик онгига қарор топаётган, эркин тафаккур, фикрлар хилма-хиллиги учун шароит шаклланиб бораётган бир пайтда бу масала бўйича очиқ гапириш, унга одамларнинг ўз муносабатини ошкора билдириши алоҳида аҳамият касб этади.

Бизнинг демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти барпо этиш каби олижаноб мақсадларимиз ҳам шунга ундейди. Биз шу эзгу мақсадлар сари интилаётган эканмиз, ҳаётимизда демократик тамойиллар чукур илдиз отишини истар эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловлар масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

**ХУҚУҚИЙ** фуқаролик жамиятида сайлов тизими муҳим аҳамиятга эга эканини жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибди. Шу жиҳатдан қараганда, биз бу борадаги қонунчилигимизни муттасил равишда замон талабига мос ҳолда такомиллаштириб бормоқдамиз.

Ишончим комилки, бу борада амалга ошираётган ишларимиз, мамлакатимизда яратилган хуқуқий асослар демократик сайловлар жараёнида ҳар бир фуқаронинг ўз сайлов хуқуқини ҳеч қандай монеликсиз рўёбга чиқариши, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода эта олиши учун имконият беради. Бир қарашда бу осонгина кечадиган жараёнга

ўхшайди, лекин унинг ўзига хос нозик жиҳатлари, мураккабликлари борки, бу ҳақда муфассалроқ тўхталиш лозим деб, ўйлайман.

Бизда эркин сайловлар ўтказиш бўйича муайян тажриба тўпланган бўлса-да, у ҳали етарли даражада эмас. Чунки ривожланган давлатлар бир неча юз йиллик сайлов тажрибасига, уни амалга ошириш механизмларига эга. Демакки, биз жаҳон сайлов тажрибасини янада пухта ўрганишимиз, ўз қонунларимизнинг моҳиятига теран кириб боришимиз тақозо этилади.

Шуни унумаслик керакки, бўлғуси сайловлар кўппартияйлик асосида ўтказилади. Кураш қизҚин бўлади. Шундай экан, ҳар бир сайловчи ўзи учун, ўз хоҳиш-иродасига қараб овоз бериши шарт эканлигини унинг онгига сингдириш лозим.

ҲАР қандай партия агар ўзини сиёсий партия деб ҳисобласа, авваламбор аниқ Ғояга эга бўлиш билан бирга нимагадир ёки кимгadir мухолиф бўлиши зарур. Мана шундай ҳолат ва мана шундай ёндашиш партиянинг тарафдори ва унга ишонган, инонган одамлар ҳамда жамоага аниқ-равshan маълум бўлиши даркор. Содда қилиб айтганда, партия тарафдорлари нима учун курашаётганини ва нималарга қарши чиқаётганини яхши билишлари, аниқ ёндошув ва позицияларга эга бўлишлари керак.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай сиёсий партия сайлов натижасида муваффақиятга эришмоқчи бўлса, авваламбор олиб борилаётган сиёсатга, ҳаётимизга танқидий қўз билан қарashi, ижтимоий воқеликни ҳар томонлама таҳлил қилиб, керакли, вазмин мулоҳазалар, пухта ўйланган хулосалар билдириши керак. Уларни асослаш, кенг жамоатчиликни ўз фикрига тарафдор этиш, миллий манфаатларимизга хизмат қиласиган Ғояларнинг амалий кучга айланиши учун кураш олиб бориш даркор, деб ўйлайман.

Бугун Ўзбекистондаги ҳар бир виждонли инсоннинг муқаддас бурчи мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилишdir. Бир пайтлар оташин шоиришимиз Чўлпон "Юринг, дўстлар, ҳалқ ичига борайлик!" деб хитоб қилган эди. Бугун ҳар қандай сиёсий партия номига эмас, балки чинакам фаолият кўрсатишни истаса, бўлғуси сайловларда ўз тарафдорларини кўпайтириб, жамиятда етакчи мавқени кўлга киритмоқчи бўлса, агар унинг аъзолари ўзини шу азиз Ватаннинг асл фарзандлари деб билса, ҳалқ ичига бориши, жамиятимизнинг турли қатламлари орасида истиқлонни мустаҳкамлаш, уни бало-қазолардан, ёвуз назарлардан, ёмон кўзлардан сақлаш учун кечаю-қундуз тиним билмай ишлаши керак.

Албатта, бу йилги сайловлар жаҳон жамоатчилигининг, ҳалқаро ташкилотларнинг синчкови нигоҳи остида ўтади. Бу сайловларимизнинг холис, ошкора ва демократик руҳда ўтишига қўмаклашади.

Бизнинг мақсадимиз - сайловларни ўз Конституциямиз ва қонунларимиз, шу билан бирга ҳалқаро демократик конун-қоидалар андозалари асосида ва уларга тўла риоя қилиш заминида ўтказишdir. Умум эътироф этилган ҳалқаро меъёрлар, илгор демократик давлатларнинг ижобий тажрибасини қўллаш мамлакатимизнинг ҳалқаро майдондаги обрў-эътибори юксалишига хизмат қиласи.

Бир сўз билан айтганда, бўлажак сайловларни демократия нуқтаи назаридан, келажагимиз нуқтаи назаридан, Ўзбекистоннинг ҳалқаро нуфузини кўтариш мезонидан келиб чиқкан ҳолда ўтказиш керак.

## КЕЛАЖАКНИ ЖАСОРАТЛИ ОДАМЛАР ҚУРАДИ

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Барчангизга маълум: ўтган йилнинг декабрь ойида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари иштирокида бўлган кенгашда 1998 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунларини кўриб чиқсан эдик. Шу боис, бугун мамлакатимиз иктисодий ва ижтимоий тараққиётининг ўтган йилги барча кўрсаткичлари ва суръатлари хусусида батафсил тўхталишга ҳожат йўқ деб ўйлайман.

Айни вақтда, 1999 йилда иктисодиётимизни ривожлантиришнинг устувор ўйналишларини аниқ белгилаб олиш заруратидан келиб чиқсан ҳолда, ўтган йилда эришилган энг муҳим натижаларга яна бир карра назар ташлаш, уларни янада чуқурроқ таҳлил қилиш эҳтиёжи туғилмоқда. Чунки бу кўрсаткичлар жорий йилда амалга оширилиши мўлжалланган ислоҳотлар дастурига асос бўлиб хизмат қиласи.

Шу билан бирга белгиланган мақсадларимиз йўлида тўҚаноқ бўлаётган сабабларни ҳам аниқлаш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган йили қўлга киритилган ижобий натижалар ҳакида гапирап эканмиз, мен қуидаги ютуқларни алоҳида таъкидлаган бўлар эдим.

Биринчидан, мамлакатимизда макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қадам қўйилди, иктисодиётни изчил ўстириш стратегиясини амалга ошириш учун пухта шарт-шароит, замин вужудга келтирildi.

1998 йили ички ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4,4 фоиз, шу жумладан, саноат ишлаб чиқариши 5,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 4 фоизга ортди. Ўтган йил мобайнида, аввалги йиллардаги каби, молия ва банк тизимини, пул айланишини мустаҳкамлаш бўйича қатъий ва изчил сиёsat юргизилди. Бу эса йилни аввал тасдиқланган макроиктисодий кўрсаткичлар доирасидан чиқмаган ҳолда якунлаш имконини берди. Ойлик ўртacha инфляция кўрсаткичи 1,9 фоизни ташкил этди. Марказий банкнинг қайta молиялаш ставкаси ойига 3 фоиздан ошмади.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ўйналтирилган кредит маблағлари улуши сезиларли даражада кўпайди. Йил мобайнида узоқ ва ўрта муддатли кредитлар салмоғи 49,2 фоиздан 56 фоизга кўтарилиди.

Икkinchidan, шу нарсага алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиманки, 1998 йилда мамлакатимизнинг ёқилғи ва дон мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида яна бир салмоқли қадам қўйилди. Биз бугунги кунда ўзимизни барча энергетика ресурслари билан тўла таъминлашга эришдик.

1998 йилда мамлакатимизда бошоқли дон, айниқса, буҚдойдан юкори ҳосил олинди. Яъни, 3,5 миллион тонна ёки 1997 йилдагидан 15,4 фоиз кўп буҚдой ҳосили олинди. Бу нафақат республика аҳолисини ун ва нон билан узлуксиз таъминлаш, балки жорий йилда ғалла муаммосини мутлақо янгича ҳал этиш имконини беради. Биз бу ютуқда, аввало, ижтимоий барқарорлигимизнинг гаровини, кафолатини кўрамиз. Энди биз халқимизни дунёда рўй берадиган ҳар қандай инқироз ва фалокатлардан ишончли ҳимоя қила оламиз.

Учинчи ютуғимиз. 1998 йилда ички бозорни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол моллари билан барқарор равишда тўлдириб борилди. Чакана савдо ҳажми 16 фоиз ўси. Бунга кўп жиҳатдан ўзимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни йўлга кўйиш ҳисобидан эришилди. Саноат маҳсулоти умумий ҳажми 5,8 фоиз ўсиши билан, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 7,2 фоиз кўпайди. Макарон, ёрма, консервалар, гўшт, балиқ, дори-дармон каби муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортди ва уларнинг турлари кўпайди.

Тўртингидан, 1998 йилда иктисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш қувватларини замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайta жиҳозлаш, иктисодиётни изчил ривожлантириш учун пухта пойдевор яратиш борасида муҳим

тадбирлар амалга оширилди.

Иқтисодиётга жалб этиладиган инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ортди. 1998 йилда 1,3 миллиард долларга яқин чет эл сармоялари ўзлаштирилди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 22,6 фоиз кўпdir.

Иқтисодиётимизга ётқизилган барча сармояларда чет эл инвестициялари ҳажми 20 фоизни ташкил этди. Бир қатор янги ва йирик иншоотлар ишга туширилди. Шўртан газ кимё комплекси, Хўжаобод ер ости газ омбори қурилишлари, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш каби нефт-газ тармоғидаги инвестиция лойиҳалари фаоллик билан амалга оширилмоқда.

"ЎзДЭУавто" акционерлик бирлашмаси учун бутловчи маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва телекоммуникация тармоғини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Кўнғирот сода заводи, Қизилкум фосфорит комбинатининг ва Андижон биокимё заводидаги спирт ишлаб чиқарувчи қувватларнинг иккинчи навбати, Ангрендаги каолин фабрикасининг биринчи навбатини қуриш, Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Урганч аэропортларини тубдан қайта таъмирлаш ишлари кенг кўламда давом этмоқда.

Биз учун янги, ҳаётий аҳамиятга молик транспорт коммуникацияларини қуриш, мавжуд темир йўлларни электрлаштириш, Тошкент - Андижон - Ўш - Қашғар автомобиль йўлининг Қамчик довонидан ўтувчи қисмини реконструкция қилиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган ТРАСЕКА лойиҳасини рўёбга чиқариш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Бешинчидан, 1998 йил давомида юритилган валюта сиёсати бир қатор стратегик вазифаларни ҳал этиш имконини берди: ташқи савдо оборотида 240 миллион АҚШ доллари ҳажмида ижобий сальдо бўлишига эришилди. Мамлакат олтин-валюта захирасининг ўсиши таъминланди. Биржадан ташқари валюта бозорининг роли кенгайди ва мустаҳкамланди.

Барчангизга маълумки, 1998 йил мамлакатимизда Оила йили деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан оила манфаатларини таъминлаш мақсадида маҳсус давлат дастури ишлаб чиқилди ва муваффақиятли амалга оширилди.

Жумладан, оиласидан муносабатларнинг ҳукуқий асослари мустаҳкамланди, оила манфаатларини, оналик ва болалик ҳукуқини қонуний жиҳатдан янада муҳофаза қилиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Оила соғлигини сақлаш ва унинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Оиласа хизмат қилувчи инфратузилма (айниқса қишлоқ жойларида) сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилди. Оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини такомиллаштириш ва маданий манфаатларини таъминлаш борасида бир қанча ишлар қилинди. Буларнинг бари оиласи мустаҳкамлаш, унинг моддий аҳволини яхшилаш, ўсиб келаётган соҚлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида оиласидан ўрни ва таъсирини кучайтириш имконини берди.

Ўтган йил натижаларини умумлаштирап эканмиз, эришган энг катта ютуғимиз, авваламбор, одамларнинг ижтимоий ва иқтисодий фаоллиги ўсиши, тафаккури ва руҳияти, ҳаётга муносабати ўзгариши десак, асло муболага бўлмайди.

Бугун бошқарув тизимиға юқори билимли, яхши малакали, ўтказилаётган ислоҳотларнинг моҳиятини тўғри тушунадиган мутлақо янги одамлар келмоқда. Муҳими, ҳалқнинг ўзи ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланмоқда. Бунга кўп жиҳатдан маориф тизимидағи ислоҳотлар, Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг амалга оширилиши омил бўлмоқда.

Хурматли юртдошлар!

Ўтган йил яқунларини танқидий нуқтаи назардан баҳолаганда, йил мобайнида йўл қўйилган кўпгина камчилик ва хатолар, олдимизда турган муаммо ва нуқсонлар бизни ташвишга солмоқда. Авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, биз айрим

макроиктисодий кўрсаткичлар бўйича мўлжалланган даражага чиқа олмадик. Кўплаб корхоналар ўзлари учун белгиланган экспортга маҳсулот чиқариш вазифасини уddyалай олмади.

Кўрилган чора-тадбирларга қарамай, ўзаро тўловлар муаммосига барҳам бериш вазифаси ҳал этилмади. ҲАМон муддати ўтиб кетган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳажми кўплигича қолмоқда. Бу, айниқса, "Ўзнефтмаҳсулот" корпорацияси, майший хизмат кўрсатиш соҳасида, Энергетика вазирлиги, "Ўзкимёсаноат" уюшмаси тасарруфидаги корхоналарга тегишилдири.

Шунингдек, "Ўзэлтехсаноат", "Ўзбекенгилсаноат" уюшмалари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа тармоқларга қарашли корхоналарнинг молиявий ахволи мураккаблигича қолмоқда. Айниқса, 300 га яқин корхона йилни 7,2 миллиард сўм миқдоридаги зарар билан якунлагани ачинарли ҳолдир.

Ўтган йили "Ўзбек ипаги" уюшмаси фаолияти ниҳоятда қониқарсиз бўлди. Ҳукумат даражасида маҳсус қарор қабул қилиниб, мамлакатимиз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу тармоқ "Ўзбекенгилсаноат" таркибидан чиқарилиб, унга мустақил мақом берилган эди. Бироқ, тармоқ раҳбарияти ишни кўнгилдагидек ташкил эта олмади. Ишлаб чиқариш ҳажми 17,6 фоиз, ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш эса 15,3 фоиз камайишига йўл қўйилди.

Ипак хом ашёси иплари ишлаб чиқариш икки баробар, шойи матолар 60 фоиз, тикув маҳсулотлари 22,6 фоиз камайиб кетди. Уюшма бугунги кунда бюджетга тўловлар бўйича 372 миллион сўм, иш ҳақини тўлаш бўйича эса 104 миллион сўм қарз бўлиб қолди.

Ана шундай камчиликлар учун уюшманинг юқори лавозимдаги раҳбарларини ишдан четлатишга мажбур бўлдик. Бу тармоқни замонавий фикрлайдиган кадрлар билан мустахкамлаш борасида ишларни давом эттириш керак.

Ўтган йили аҳоли ва корхоналарнинг бўш маблағларини хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш масаласи ҳам кўнгилдагидек бўлмади. Айниқса, тўғридан-тўғри чет эл сармояларини жалб этиш борасидаги ишлар яхши ташкил этилмади.

Кичик ва ўрта бизнесни, шахсий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларни ҳам тубдан яхшилаш талаб қилинади.

Жанубий-Шарқий Осиё ва Россияда рўй берган молиявий инқироз, умуман, жаҳон иктиносидиётида вужудга келган вазият биз учун ҳам сезиларли муаммоларни келтириб чиқарди. Жаҳон бозорида биз чиқарадиган маҳсулотлар коњюктураси кескин пасайиб кетди. Жаҳон миқёсидаги молиявий инқироз натижасида муҳим минерал-хом ашё ресурслари ва стратегик хом ашёлар нархи пасайиши давом этди.

Шу жумладан, ҳозирги вактда мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг асоси бўлган пахта, кимматбаҳо ва рангли металлар, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг жаҳон бозорида нархлари тушиши бизга қандай таъсир кўрсатгани ҳақида гапириб ўтиш ортиқча, деб ўйлайман. Шулар ҳисобидан биз 1998 йилда юзлаб миллион доллар зарар кўрганимизни айтиб ўтишга мажбурман. Бу, табиий равишда, валюта тушумларига, тўлов балансига, алоҳида тармоқларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва ривожлантиришга салбий таъсир ўтказди.

Мен илгари ҳам айтган яна бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтиш ўринлидир. Бу ўтган йили қишлоқ хўжалигига, айниқса пахтачиликда рўй берган ноқулай шарт-шароитdir. Об-ҳавонинг ёмон келиши оқибатида биз пахта хом ашёси, қанд лавлаги, сабзавотлар бўйича мўлжалдагидан анча кам ҳосил олдик. Бу эса ўз навбатида, қайта ишлаш корхоналарининг ва улар билан боғлиқ бошқа соҳаларнинг фаолиятига, шунингдек, асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг ривожига ҳам ўз салбий таъсирини ўтказди.

Шу муносабат билан олдимиизда мураккаб вазифа турибди: биз жаҳон нархларининг тушиб кетиши ва 1998 йилда пахта ҳосилининг камайиши оқибатида кўрган зараримизнинг ўрнини қоплаш йўллари ва манбаларини излаб топишимиз керак.

Пахта нархи даражаси тушиб кетиши оқибатида бизнинг пахта етиштирувчиларимиз, қишлоқ хўжалигига ишловчилар, дехқонларимиз зарар кўришига, бундан азият чекишига

йўл қўя олмаймиз ва бу масала бўйича тегишли чораларни кўрмоқдамиз. Бугунги кунда пахта экспортимизнинг энг муҳим қисми, шундан келиб чиқсан ҳолда валюта тушумларининг энг муҳим манбай эканини унутмаслигимиз керак.

Хурматли дўстлар!

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига салбий таъсир ўтказган ташқи сабаблар ўз-ўзимиз томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни заррача бўлсин оқлашга, хаспўшлашга сабаб бўлмаслиги лозим.

Биринчи навбатда, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги, бу борада бизнинг масъулиятимиз ва ана шу ислоҳотларнинг моҳиятини тушуниш ҳақида қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда. Бу аввало бошқарувнинг ўрта бўғини раҳбарларига тегишилдири. Кўплаб илфор Ғоя ва таклифлар, таъбир жоиз бўлса, ана шу ботқоққа ботиб қолмоқда.

Бугун бизни ўтказилаётган ислоҳотларнинг суръатлари ҳам, уларни амалга ошириш натижасида эришилган натижалар ҳам мутлақо қониқтиrmайди. Мулкка, мулқдорларнинг шаклланишига, уларнинг манфаатларини химоя қилишга бўлган муносабат ниҳоятда секин ўзгармоқда. Ўолбуки, ана шу муносабат ислоҳотлар самарадорлигининг асосий мезони бўлиб хизмат қилиши лозим.

Биз шу нарсага қайта-қайта ишонч ҳосил қиляпмизки, қачон корхона ёки хўжалик тепасида ҳақиқий мулқдор пайдо бўлса, қачон мулқдорнинг шахсий манфаатдорлиги, яъни мутлақо янги рағбат ва омиллар кучга кирса - хўжалик фаолиятининг натижалари ҳам мутлақо бошқача бўлиб, юкори даражага кўтарилиши муқаррар. Иқтисодиётимизнинг жуда кўп тармоқ ва соҳаларидан бу ҳақиқатни тасдиқловчи мисоллар келтириш мумкин.

Мисол учун, қишлоқ хўжалигини олайлик. Бугунги кунда баъзи бирорлар бу тармоқдаги натижаларнинг пастилигини турли хил, гўёки бизга боғлиқ бўлмаган турли сабаблар билан боғлашга уринмоқда. Лекин шу нарсага эътибор беринг, ўтган йили Наманган вилояти ТўракўрҚон тумани Ибрат номидаги жамоа хўжалиги ҳар гектар ердан 36,5 центнердан бошқоли дон ҳосили олди. Айни пайтда мана шу хўжалик худудида жойлашган Шукуров фермер хўжалигига эса бу кўрсаткич 55 центнерни ташкил этди.

Агар, Бухоро вилояти Шофиркон тумани Мансур Одилов номидаги жамоа хўжалигига пахта ҳосилдорлиги гектаридан 24,8 фоизни ташкил этган бўлса, хўжаликнинг шундок ёнида жойлашган, тупроқ-иклим шароити бир хил бўлган "Чўлибобо" фермер хўжалигига ҳар гектар ердан 44 центнердан пахта ҳосили олинди.

Бу ҳол мулк кимга қарашлилиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий хўжайини ким бўлиши нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатмайдими?

Саноатдан ҳам худди шундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Мулкка муносабат ўзгариши қандай натижалар беришини куйидаги мисоллар ҳам тўла тасдиқлади. Давлат мулк қўмитасининг қарорига мувофиқ 1998 йилнинг апрель ойида Самарқанд вилояти Пахтachi туманидаги "Пахтасиут" акционерлик жамияти хусусий корхонага айлантирилган эди. Бир йил давомида бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таққослама нархларда 33,3 миллион сўмликдан 64,4 миллион сўмликка, бошқача айтганда, деярли икки баравар ортди. Сут 2,5 баробар, мол ёғи 15 фоиз, пишлоқ 17 фоиз кўпайди. Фойда ҳажми эса 1,5 миллион сўмдан 7 миллион сўмга етди.

Яна бир мисол. Олмалиқдаги синтетик пояндоз мато ишлаб чиқарадиган "Тафтинг" акционерлик жамияти кейинги тўрт йил мобайнида янги шароитларга сира мослаша олмади. Жамиятнинг 1998 йил 1 чорагидаги қарзлари 30 миллион сўмдан ошиб кетди. Ишчилар 8 ойдан ортиқ вақт мобайнида иш ҳақи ололмадилар. Охир-оқибатда корхона банкрот деб эълон қилинди ва "Долон" хусусий корхонасига (раҳбари Қодиров) сотиб юборилди.

Янги раҳбар иқтисодда катъий тартиб ўрнатди. Ортиқча бошқарув бўғинларини йўқотди, технологияни такомиллаштириди. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатларни кескин қисқартириди. Бозор маркетингини ўрганиб чиққач, ўзимизда патент

олган технологияни асос этган ҳолда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини ўзгаририди.

Натижада қисқа вақт ичиде яхши сифатли, ички бозорда ҳам, республикамиз ташқарисида ҳам харидоргир бўлган маҳсулот олишга эришилди. Бюджет ва кредиторлар олдидаги қарзлар тўланди. Иш ҳаки ўз вақтида олина бошлади. Йил якунларига кўра, олинган 1 миллион сўмдан ортиқ фойда ишлаб чиқаришни замонавий ускуналар билан қайта жиҳозлашга йўналтирилди.

Бу мисол ҳам, агар корхона тепасига мулкдор, ҳақиқий хўжайин келса, нималарга эришиш мумкинлигини яққол кўрсатиб турибди. Биз доимо ҳамма даражада маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш билан жиддий шуғулланиш зарурлигини таъкидлаймиз. Бироқ бу борада амалда жуда оз иш қилинмоқда. Ички ва ташки бозорларнинг тараққиёт тамойилларини яхши билмаслик натижасида корхоналар, қўйингки, бутун мамлакат катта зарар кўрмоқда. Айрим тармоқ ва корхоналарнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари рақобатга бардош беролмаслиги оқибатида ўз харидорини тополмай омборларда ётибди.

1999 йилнинг 1 январигача бўлган ҳолатга кўра тайёр маҳсулот қолдики ўсиб бориб, 53,5 миллиард сўмликка етди. Айниқса, "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг", "Ўзкимёсаноат", "ЎҚмойтамакисаноат", "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг", "Озиқовқатсаноат" ва бошқа уюшмаларда тўпланиб қолган маҳсулот ҳажми тез ўсиб бормоқда.

Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш яхши йўлга қўйилмагани, ташки бозорлар конъюктурасини билмаслик, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар кўрилмагани туфайли мамлакатимиз бўйича марказлашмаган ҳолда экспортга маҳсулот чиқариш топширики атиги 45 фоиз бажарилди. Бу борада "Ўзгўштуссаноат", "Ўзавтосаноат", "Ўзкимёсаноат", "Озиқовқатсаноат", "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг", "Ўзқурилишматериаллари" уюшмаларида қолоқликка йўл қўйилди.

"Тоштекстильмаш" ҳиссадорлик жамияти яқингача ҳам ватанимиз машинасозлигининг дарқаси ҳисобланар эди. Бироқ ҳозирги бозор муносабатлари шароитида унинг раҳбарияти (бош директор Хейлик) ишлаб чиқаришни тўғри йўналишга сололмади. Маркетинг тадқиқотларининг йўқлиги, хорижий шериклар топа билмаслик чет эл бозорларини бутунлай йўқотишга олиб келди.

Корхонада буюртмалар портфели шаклланмагани, мамлакатимиздаги асосий буюртмачилар - замонавий тўқув дастгоҳлари ва эҳтиёт қисмларга эҳтиёжи бўлган енгил саноат корхоналаридан буюртмалар тушмаётгани ҳам шулар ҳисобидан.

Буюртмалар йўқлиги натижасида корхонанинг ишлаб чиқариш қувватидан атиги 20 фоиз атрофида фойдаланилмоқда. Табиийки, корхона йилни зарар билан якунлади. Ўйлайманки, биз мана шу ва шунга ўхшаш корхоналар фаолиятининг тагига етиб боришимиз ва тегишли чоралар кўришимиз зарур. Шу мақсадда Бош вазир Ўткир Султонов бошчилигига маҳсус комиссия тузиш керак. Комиссия бундай корхоналарнинг келажагини ҳал қилиш, керак бўлса, уларни банкрот деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қиласин.

Турли корхоналарнинг иш фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, қаерда раҳбарлар маркетинг билан жиддий шуғулланса, яъни чиқарадиган маҳсулотини сотадиган бозорини чукур ўрганса, ўша ерда иш бир маромда изчил давом этмоқда, фойда кўрилмоқда, ишчилар ўз дивиденdlарини, иш ҳақларини вақтида олмоқда.

Мисол учун "Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмасида (Бош директор Ҳасанов) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиши ҳажмларини кўпайтиришга имкон берадиган аниқ маркетинг дастури ишлаб чиқилган. Агар, 1996 йилда атиги 90 тонна нитрон толаси сотилган бўлса, 1997 йилга келиб бу кўрсаткич 3,4 минг тоннага, ўтган йили эса 5,7 минг тоннага етди. Натижада нитронни сотишдан тушадиган маблағ 1996 йилда 108 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1998 йилга келиб бу кўрсаткич 6,1 миллион АҚШ долларига етди.

Кўплаб корхоналарда ишлаб чиқаришни янги техника воситалари билан қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш, зарур маблағ ва молиявий таъминот манбаларини қидириб топиш борасидаги ишлар ҳам талаб даражасида эмас.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қаерда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, яъни замон талаби даражасига кўтариш ишлари амалга оширилган бўлса, ўша ерда рақобатбардош маҳсулот ҳажми кўпайиши билан бирга, молиявий кўрсаткичлар ҳам сезиларли даражада яхшиланиб бормоқда. Ва, аксинча, қаерда модернизациялаш йўлга кўйилмаган бўлса, ўша ерда сотилмай ётган маҳсулот ҳажми тез суръатлар билан кўпайиб бормоқда, айланма маблағлар етишмаслиги кескин муаммо бўлиб қолмоқда. Бир мисол: 1997 йилда япон грантлари доирасида "Шахрисабз консерва" ҳиссадорлик жамиятида хорижга сотишга мўлжалланган помидор пасталарини чиройли идишларда қадоқлаб берадиган линия ўрнатилди, бу мазкур маҳсулотга талабни ошириб, импорт ҳажмининг кўпайишига олиб келди. 1997 йилда корхона экспортга 463 минг долларлик маҳсулот чиқарган бўлса, 1998 йилда экспорт ҳажми 2,4 миллион долларга етди ёки 5 баробар кўпайди. Корхона дебиторлик қарзларидан бутунлай қутулди.

Англиялик ҳамкорлар билан корхона базасида табиий шарбат ишлаб чиқариш ва уни "Тетра Пак" қофоз қутичаларига куйиш, маҳсулотни хорижга сотиш имкониятини берувчи "Мевалар камалаги" қўшма корхонаси ташкил этилди. Айни кунда нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам Шахрисабз шарбатларига талаб катта. 1998 йил Халқаро кўргазмаларда мазкур корхона маҳсулотлари учта олтин медаль олгани фикримизнинг ёрқин далилидир.

Қани, шу залда ўтирган ҳоким ва вазирлар, бирлашмалар раҳбарлари, сизлар айтинглар: қачонгача бундай тадбир ва таъбирларни сизларга тарғибот ва ташвиқот қилиб ўтиришим керак? Жавоб бериш вақти келмадими?

Қачон жойдаги ҳукумат худудий органлари ва корхона раҳбарлари инвестор излаш билан мутлақо жиддий шуғулланади? Ва улар билан тил топиб, уларни чорлаб, керак бўлса, қулоқидан тортиб, ўз юрти ва худудига олиб киради?

Минг афсуски, жойларда мутлақо тескари ахволни кўриш мумкин. Хорижий инвесторларнинг ўзлари югуриб-елиб ҳамкор излашади, ўзининг имкониятларини таклиф қиласди. Биз эса ноз қиласмиш. Чет эллик инвесторлар айрим ҳолларда баъзи бир идора ва корхона раҳбарларининг жинояткорона, мен бу гапни алоҳида маъно бериб айтмоқчиман, жинояткорона совуққонлигига, тўрачилигига, сансалорлигига дуч келмоқда.

Ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш сув-ҳаводек зарур бўлиб турган бир шароитда айрим идоралар йиллик инвестиция режаларини барбод қилмоқда. Масалан, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси йиллик инвестиция ҳажмининг атиги 3, "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" 3, "Ўзбекмебель" 1,5, "Ўзолмосолтин" 1,8 фоизини ўзлаштириди, холос.

Бундай кўнгилсиз ходисалар сабабини мутасадди органлар синчиклаб ўрганиши, мазкур тизим раҳбарлари ўз жавобгарлигини сезишлари керак.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш суръатларининг пастлигини кўплар маблағ йўқлиги билан изоҳлади. Аслида шундаймикин? Дейлик, нега корхоналарнинг акцияларини эркин сотиш, аввало хорижий инвесторларга сотиш эвазига қўшимча маблағ олиш имкониятидан мутлақо фойдаланимаяпти?

Акция пакетлари ҳажмини белгиланган талаблар даражасига келтириш жараёнида эркин сотишга, шу жумладан, хорижий инвесторларга сотишга мўлжалланган акциялар ҳажми 57 миллиард сўмга ўсди. Лекин шунга қарамасдан бор-йўғи 8,8 миллиард сўмлик акция сотилди. Бу ялпи акция ресурсларининг 15,4 фоизини ташкил этади, холос.

Энг кам миқдорда сотилган акциялар "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг", "Ўзэлтехсаноат", "Ўзмашсаноат", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзтранспортқурилиш", "Ўзбекистон почта ва телекоммуникация агентлиги" ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозлашнинг реал манбалари бор. Лекин биз ундан оқилона фойдаланмаяпмиз.

Рақобат мұхити, самарали ва таъсирчан бозор инфратузилмасини тузишга эътибор берилмаяпты. Ярмарка савдоси ўта бўш ташкил этилган.

Товар ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида боғловчи бўғин бўлган товар-хом ашё биржаларининг таъсири сезилмаяпты. Айрим товар ишлаб чиқарувчиларнинг яккаҳокимлигига чек қўйиш, нархларни арzonлаштиришнинг йўлларини излаш мазкур идоранинг бевосита вазифаси эмасми?!

Яна бир бор шунга иқрор бўлишимиз шарт. Камчиликларнинг сабабини суриштиранг, чиқаверади. Лекин уларнинг барчаси, пировард натижада, кадрларнинг профессионал тайёргарлигига ва қобилиятига, масъулиятни ҳис этишига, замонавий менежмент, маркетинг сир-асрорларини нечоғли эгаллаб олганига, янги бозор шароитида ишлай билиши, мустақил қарорлар қабул қилиши, зиммасига масъулият ола билиш лаёқатига, керак бўлса, жасоратига бориб тақалади.

Кўпгина ташкилот ва корхоналарнинг ночор аҳволга тушиб қолганинг ҳақиқий сабаби ва илдизи айнан мана шундадир.

Мұхтарам мажлис қатнашчилари!

Жорий йилдаги вазифаларимиз ҳақида алоҳида тўхтамоқчиман.

1999 йил мазмун ва моҳиятига кўра, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда алоҳида ўрин эгаллайди. Бу йилни янги минг йиллик арафасидаги сўнгги зинапояга қиёс этсак, асло хато бўлмайди. Шу боис биз учун 1999 йил иқтисодий ислоҳотларнинг стратегияси ва устувор йўналишларини янги XXI асрнинг дастлабки йилларида мамлакатимиз учун мақсад бўлиб қоладиган истиқболларини аниқлаб олиш ўта муҳимдир.

Бошқача айтганда, 1999 йил белгилари 2000-2005 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурига мустаҳкам пойdevor яратиши керак.

Шу муносабат билан мен диққат-эътиборингизни жамиятимизни ислоҳ қилишнинг маъно-моҳиятини ташкил этувчи айрим жиддий масалаларга қаратмоқчиман.

Ислоҳотларимизнинг муҳим жиҳатларидан бири - ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун деган тамойилини-принципини рўёбга чиқаришдир.

Мазкур принципнинг амал қилиши деганда биз нимани тушунишимиз керак? Жавоб аниқ. Одамлар ислоҳотларнинг амалдаги самарасини ҳис этиб, ўз манфаати, истиқболи учун қилинаётган ҳар бир саъй-ҳаракатни кўриб-сезиб турсин.

Мазкур пировард мақсадга эришиш, зарур шарт-шароитларни шакллантириш учун ўтган йиллар мобайнида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Сўнгги З йил мобайнида макроиктисодий ва молиявий барқарорликка эришибгина қолмай, иқтисодий юксалиш учун реал шарт-шароитлар яратилди.

Иқтисодиётимизнинг бошқарув заминини ва тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, устувор тармоқларни изчил ривожлантириш натижасида 1997 йилдан бошлаб ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига нисбатан ўсиши, бинобарин, халқнинг турмуш даражаси юксалаётгани кўзга ташланба бошлади.

Энди шундай қилиш керакки, бу ютуқларимизни бой бериб қўймайлик, аксинча, ўсиш, ривожланиш жараёни изчил ва муқаррар тус олсин, шунинг ҳисобидан ҳаётимиз тобора барқарорлашсин.

Энг муҳими, мазкур жараёнларнинг баракали таъсири туфайли аввало аҳоли даромади барқарорлашмоғи керак. 1999 йил бу борада алоҳида ўрин тутмоғи зарур. Энг муҳими, мамлакатимиз аҳолисини молиявий ва иқтисодий тангликлар туфайли ён-атрофимизда содир бўлаётган ҳар хил ларзалар, бало-қазолардан асрashingиз даркор.

Шу муносабат билан аҳоли ижтимоий ҳимоясини мен 1999 йилнинг биринчи ва энг муҳим устувор вазифаси, деб атаган бўлардим.

Ижтимоий ҳимоя ҳақида гапирад эканмиз, биз аввало иқтисодиётимиз барча бўғинларининг изчил ва барқарор ривожини таъминлашни, ахолининг даромади кам табақаларини, муҳтоҷ оиласаларни қўллаб-куватлашга, жойларда, биринчи навбатда, қишлоқларда янги иш ўринлари яратишига қаратилган чора-тадбирлар мажмуини назарда тутамиз. Одамларимиз ҳаётининг моддий базасини мустаҳкамлашни назарда тутамиз.

Шу ўринда хусусий тадбиркорликни, ишбилармонликни ривожлантириш, дөхкон ва фермер хўжаликларини қўллаб-куватлаш, уларга шароит туғдириб бериш ўта мухимлигини айтиб ўтмоқчиман.

Юқорида зикр этилганларнинг барчаси оила фаровонлигига, унинг даромади, иш ҳаки, турмуш даражасининг ўсишида ўз ифодасини топмоғи зарур.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш дастурининг бажарилиши, аҳолининг ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланиши доимий диққат-эътиборимизда туриши керак.

Шу мақсадда Хукуматга ва барча манфаатдор идораларга қишлоқ жойларидаги табиий газ ва ичимлик суви билан таъминланмаган аҳоли пунктларининг аниқ рўйхатини олишни топширмоқчиман. Ва барча имкониятларимиздан келиб чиқиб, мазкур аҳоли пунктларига табиий газ ва ичимлик суви олиб келишнинг аниқ муддатларини белгилаб олишни, қуруқ ваъдалардан амалий ишларга ўтишни мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлайман. Яъни, содда қилиб айтганда, ичимлик суви билан таъминланишда қийинчилик кўраётган ва табиий гази бўлмаган қишлоқлар ва аҳоли пунктлари ўзларига аниқ тасаввур қилишлари керак: уларнинг муаммоси қачон ва қайси муддатларда ечилади?

Ушбу тадбир жадвали ва муддатлари зарур барча моддий, молиявий ресурслар билан таъминланиши, хукумат, вилоят, туман ҳокимлеклари томонидан қаттиқ назорат остига олиниши керак.

Эътиборингиз учун айтмоқчиман: 1999 йилнинг ўзида ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасини молиялашга 282 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилмоқда. Бу умумий харажатларимизнинг 47 фоизини ташкил этиб, 1998 йилга қараганда 37 фоиз кўпdir.

Табиийки, аҳоли фаровонлигини ва барқарорлигини мустаҳкамлаш деган мақсадларга етишмоғимиз учун, нафақат иқтисодий соҳани ривожлантириш, авваламбор инсоннинг сиёсий ва маънавий ҳаётини ислоҳ этишни янада чукурлаштириш, унинг эркинлиги ва танлаш ҳуқуқини таъминлаш, мавжуд имкониятларни рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш орқалигина эришмоғимиз мумкин.

Иккинчи устувор йўналиш - ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва 1999 йилда қабул қилинган хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, корхоналарни кенг кўламда акциялаштиришнинг ҳал қилувчи босқичи бошланди, биз йирик корхоналарда мулк шаклини ўзгартириш даврига этиб келдик. Бунинг учун зарур ҳуқуқий асослар ҳам, ташкилий ва таркибий шарт-шароитлар ҳам яратилди.

1999 йилда жами 565 та объектни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш кўзда тутилган. Жорий йилда хусусийлаштириш эвазига 26,4 миллиард сўм, жумладан фонд бозорида сотиладиган акциялардан 18,7 миллиард сўм маблағ олишни мўлжалаяпмиз. Республика ва маҳаллий бюджетларга 17 миллиард сўм атрофида маблағ тушиши керак.

Хусусийлаштиришнинг умумий дастурида чет эл инвесторлари ҳам иштирок этишади. Айни замонда чет эллик ҳамкорларга индивидуал лойиҳалар бўйича 15 та йирик корхонанинг акция пакетларини сотишни ҳам назарда тутганмиз. Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси, "Навоийазот", "Аммофос" ишлаб чиқариш бирлашмалари, Андижон биокимё заводи, Самарқанд кимё заводи, Тошкент аэропорти, Қизилқум фосфорит комбинати шулар жумласидандир. Бундан ташқари, чет эл инвесторлари учун биржа ва нобиржка савдосига 23 та корхонанинг акцияларини қўймоқдамиз. 39 та корхона ва объектларни эса умуман хорижий инвесторларга сотмоқчимиз.

Вазирлар Маҳкамаси, Давлат мулк қўмитаси олди-сотди ишларини қаттиқ назорат остига олсин. Чет эл маблағлари иштирокида хусусийлаштириш режаларини биринчи навбатда амалга оширишимиз керак.

Учинчи устувор йўналиш - иқтисодиётни таркибий жиҳатдан ўзгартириш дастурининг бажарилишини таъминлаш, корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш

ва модернизациялаш, рақобатбардош ишлаб чиқариш тизимларини бунёд этиш ўта мухим масаладир.

Ватанимизнинг келажаги, унинг жаҳон хўжалик алоқалари тизимидағи ўрни мана шунга боғлиқ бўлиб турибди.

Чет эл капитали иштирокидаги инвестиция лойиҳаларига ва энг аввало Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тараққиёт ва таъмирлаш банки, Осиё тараққиёт банкига ўхшаган халқаро молия тизимлари лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Шу кунга қадар ҳажми 10 миллиард доллар бўлган чет эл сармоялари иштирокидаги 200 та инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Биргина 1999 йилнинг ўзида 2 миллиард доллар ҳажмида чет эл сармояларини ўзлаштиришимиз керак. Бу ўтган йилдагига нисбатан 1,5 баробар кўпdir.

Қайта-қайта айтмоқчиман: чет эл капитали иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида, кам-кўстсиз ўзлаштириш биз учун ор-номус иши бўлиши керак.

Мен бу гапларни авваламбор биз учун стратегик аҳамиятга молик қурилишлар, обьектлар жуда зарурлиги учунгина айтаётганим йўқ. Муҳими, жаҳон сармоядорлари бизга сармоя беришяпти, бизга ишонишмоқда! Биз ана шу ишончни қадрлашимиз, ишончга муносаб бўлганимиз билан фахрланишимиз, узоқ йиллик меҳнат ва қийинчиликлар билан эришган обрўйимизни ва қадримизни ерга урмаслигимиз керак.

Тўртинчи устувор йўналиш - бу қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдир.

Вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари билан бўлган учрашувда қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари, қишлоқ қиёфасини ўзгартириш борасидаги вазифалар, қишлоқ хўжалигига жорий этиш зарур бўлган, бугунги замон талабларига жавоб берадиган янгича иқтисодий, аграр муносабатлар ҳакида батафсил тўхталган эдим.

Яна такрорлайман: қишлоқ хўжалигига ислоҳот ўтказишнинг моҳияти учта мазмунан ягона вазифада мужассамлашган, яъни:

- дехқонга ер ва мулкка, жамоа даромадининг муайян қисмига эгалик хуқуқини берувчи мулкий пайни жорий этиш;
- жамоа хўжаликларини қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари)га айлантириш;
- оилавий пудратни жорий этиш.

Ҳадемай баҳор фасли шабадалари юртимизга кириб келади. Баҳорги ишлар, уларга тайёргарлик ҳакида гапирап эканмиз, авваламбор дехқонларимизнинг дарду ташвишларини кўзлаб, яна бир бор эътиборингизни қуидаги масалаларга жалб қилмоқчиман:

биринчидан, дехқонларимиз билан, хўжаликлар билан ўтган 1998 йил учун барча ҳисоб-китобларни якунинга етказиш;

иккинчидан, экиш масалаларини пухта ўйлаб, уругни ҳозирдан тайёрлаб қўйиш;

учинчидан, техникани, экиш агрегатларини шай қилиб қўйиш;

тўртинчидан, яна ва яна бир бор ерга, шўрни ювишга алоҳида эътибор бериш;

бешинчидан, баҳорги юмушларни - экиш мавсумини сифатли ўтказиш учун дехқонларни рағбатлантириш ишларини пухта ўйлаб қўришдир.

Кейин, вақтни бой бергандан сўнг сабаб қидириш, пушаймон бўлиш, надоматларга ботиб кетишга йўл қўймаслик даркор.

Иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти, мамлакатимиз равнақи, ҳар бир оила, ҳар бир инсоннинг тўқ, фаровон ҳаёт кечириши пировардидага қишлоқ хўжалигига ислоҳотларнинг нечоғли амалга оширилишига боғлиқ. Оддий дехқондан тортиб юкори лавозимда ўтирган раҳбаргача буни унутмаслиги керак.

Бешинчи устувор йўналиш - кичик ва ўрта бизнесни кенг қўламда ривожлантиришдан иборат. Бу масалага биз жуда жиддий ва муттасил эътибор

бермоғимиз даркор. Ўрта ва кичик бизнес яхши йўлга кўйилса, аҳолини, айниқса қишлоқ хўжалигидан бўшаган ишчи кучларини иш билан таъминлаш, маҳаллий хом ашё, дехқончилик ва қурилиш ресурсларини қайта ишлашни такомиллаштириш, ички истеъмол бозорини халқ истеъмол моллари ҳамда хизматлар билан таъминлаш каби долзарб муаммоларни бартараф этиш мумкин.

Энг муҳими - кичик ва ўрта бизнес воситасида реал мулкдорлар табақасини шакллантириш мумкин бўлади. Шундай қилайликки, иқтисодиётимиз тизимида, аҳоли бандлигини таъминлаш тизимида кичик ва ўрта бизнес етакчи кучга айлансин.

Бу борада анча ишлар қилинди. Аммо талай муаммолар ҳам борки, бунга аввало Давлат мулк қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, барча поҚонадаги ҳокимликлар алоҳида эътибор беришлари зарур, деб ўйлайман.

Етакчи халқаро молиявий тизимлар - Европа тараққиёт ва таъмирлаш банки, Осиё тараққиёт банки, Олмониянинг КФВ банки ва бошқа қатор банклар кредит тармоқлари орқали кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликка ажратилган маблағларни ўз вактида ўзлаштиришни йўлга кўймоқ керак.

Давлат мулк қўмитаси, Молия вазирлиги мазкур кредит тармоқларига хизмат кўрсатувчи банклар билан биргаликда ахволни атрофлича ўрганиб, Вазирлар Маҳкамасига мавжуд ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланишга доир таклифлар киритсинлар.

Мазкур иш учун молия вазири Рустам Азимов, Давлат мулк қўмитаси раисининг мувонини Абдулла Абдуқодиров, Миллий банк раиси вазифасини бажарувчи З.Мирҳожиев, "Асакабанк" бошқаруви раиси Р.Орипов ва бошқа тижорат банклари раҳбарлари шахсан жавоб берадилар. Айтиб қўяй, сўров қаттиқ бўлади.

Олтинчи устувор йўналиш - кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш, таълим тизимининг барча соҳаларини ислоҳ этиш.

Ўтиш даврининг энг мураккаб муаммоларини ечиш, бозор муносабатларини қарор топтириш, демократик жамият қуришга қодир билимдон, юқори малакали кадрлар тайёрлаш устувор вазифамиз эканлигини бугун яна бир бор сизларга эслатмоқчиман.

1999 йилда академик лицейлар ва профессионал коллежлар қуриш дастурини амалга оширишга киришдик. Шу йилнинг ўзида ҳар бир туманда биттадан замонавий, лойиха талабларига жавоб берадиган коллежлар қуришимиз керак. Таълим тизимининг янги кошонасига пойдевор қўймоқда эканмиз, бу йўлда 1999 йил ҳал қилувчи йил бўлади. Айнан шу йилда янги ўкув дастурларини тайёрлаш ниҳоясига етиб, амалиётда қўллаб кўрилади. Бу дарсликлар асосида янги андозадаги ўкув юртларида минг-минглаб ўғил-қизларимиз билим ва тарбия олади.

Яна бир муҳим масала устида тўхталмоқчиман. Хабарингиз бор, 1999 йил Аёллар или деб эълон қилинди. Яқинда аёллар манфаатини таъминловчи маҳсус дастур қабул этилди. Дастурда кўзда тутилган барча тадбирлар сўzsиз бажарилиши керак.

Шу муносабат билан дастурий тадбирларни бир ёқлама талқин этиш, тор тушунишдан сизларни огоҳлантироқчиман. Шуни яхши англаб олиш керакки, дастурий тадбирларимиз бир кун ёки бир йил билан чегараланмайди. Мухтарам оналаримиз, опасингилларимиз, аёлларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги мақоми ва мавқенини кўтариш, уларнинг хурматини жойига кўйиш, манфаатини ҳимоялаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлатимизнинг, жамиятимизнинг устувор йўналиши ва бош мақсадига айланиши лозим.

Аёллар учун ижтимоий фаолияти билан бола тарбиясини уйғунлаштиришга, соҚлом авлодни вояга етказишга имкон берувчи барча шарт-шароитларни яратиб бериш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

Сайланадиган, ўз-ўзини бошқарадиган ва ижрочи ташкилотлар фаолиятида аёлларнинг кенг иштирокини таъминлайдиган таклиф ва тадбирларни қонуний равища тасдиқлаб олишимиз даркор.

Вазирлар Маҳкамаси яқин кунлар ичида меҳнатнинг шароити оғир ва заарли турларида банд бўлган, шунингдек боласи З ёшгача бўлган, ишлаётган оналарга қўшимча имтиёзлар бериш ҳақида қарор қабул қилсин.

Аёллар ва болаларга аталган моллар нархини арzonлаштириш мақсадида керакли солиқ имтиёзларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишга доир қўшимча имтиёзлар киритишни назарда тутган ҳолда фуқароларни нафақа билан таъминлаш ҳақидаги Қонунга ва бошқа меъёрий хужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни тезлаштириш керак.

Доялик ва гинекология илмий-тадқиқот институтининг поликлиникаси, Қорақалпоқистон Республикасининг Чимбой туманидаги "Оналар ва болалар" санаторийси, Хоразм вилоятидаги "Хонқа" кўп тармоқли санаторий қурилиши алоҳида назорат остига олинсин, оналарни болалари билан қабул қилишга ихтисослашган санаторийлар тармоғи кенгайтирилсин.

Албатта, дастурда кўзда тутилган тадбирлар катта маблағ талаб этади. Ҳисобкитоблар бўйича бу тадбирларни амалга ошириш учун тахминан 85 миллиард сўм маблағ ва харажатлар талаб қилинади. Шу жумладан, республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан камида 54 миллиард сўм.

Аммо биз дастур қабул қилар эканмиз, амалга оширмоқчи бўлган ишларимиз қимматини иқтисодий кўрсаткичлар, яъни пул билан, ёки қандайдир тухфа, сийлов сифатида ўлчаш мутлақо енгил қараш деб биламан. Дастурнинг моҳияти биз ва сиз ўйлагандан кўра анча чуқурроқдир десак, ҳеч қандай хато бўлмас.

Дастурни амалга оширишдан маъно-мақсад қатор мезонлар мажмуи, аввало, одамлар онг-шуури, жамият ҳаётида юксак маънавий, ахлоқий қадриятларнинг мустаҳкамланиши билан белгиланади.

Зоро, биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгидаги нечоғлик чуқур илдиз отгани билан баҳолаймиз.

Аёллар йили, деб эълон қилинган йилда биз белгилаган режалар ана шу олижаноб мақсадларни рӯёбга чиқаришга хизмат қилмоғи даркор.

Муҳтарам дўстлар!

Мен 1999 йил ҳал этишимиз зарур бўлган энг муҳим, устувор вазифалар ҳақида тўхтадим, холос. Кўриб турганингиздек, бу вазифалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, пировардида, бош мақсадимиз - ҳалқ турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ислоҳотларимиз мазмун-моҳиятини белгилаб беради. Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши, шак-шубҳа йўқки, ҳар бир фуқаронинг тубманфаатларига мос тушади.

Ишончим комилки, ислоҳотлар йўлидан янада событқадамлик билан одимлаш учун мустаҳкам замин яратиш, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун муносиб ва юксак турмуш шароитини таъминлаш, барқарор бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этишдек олий мақсадимизга албатта эришамиз.

Мана шу эзгу ниятлар йўлида барчангизга мустаҳкам соғлиқ, Қайрат-шижоат тилайман.

Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий  
ривожлантиришнинг 1998 йилги якунлари  
ва 1999 йилда иқтисодий ислоҳотларни  
чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор  
йўналишларига бағишлиланган Вазирлар  
Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза,  
1999 йил 16 февраль

## ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗДАН БИЗНИ ҲЕЧ КИМ ҚАЙТАРОЛМАЙДИ

1999 йил 16 февраль куни соат ўн бирга яқин мамлакатимиз пойтахти Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида кучли портлаш содир этилди. Натижада бинога катта зарар етди. Ўн-атрофдаги айрим иморатларнинг ойналари синди. Шундай портлашлар шаҳардаги "Нодирабегим" кинотеатри, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ички ишлар вазирлиги бинолари ёнида ҳам юз берди. Портлашлар оқибатида ўн уч киши ҳалок бўлди. Юздан зиёд киши тан жароҳати олди. Бир неча машина ёниб кетди. Жабрланганларнинг деярли барчаси тинч аҳоли вакиллариридир.

Дастлабки хулоса шуки, бу ёвузлик мамлакатимиз мустақиллигини, эришаётган ютуқларимизни қўролмаётган қабиҳ ниятли кучларнинг иши эканлиги аён. Зеро, бу хунрезлик ортидаги энг асосий мақсадлардан бири - мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ҳаётига тажовуз қилишдан иборат бўлган. Чунки шу куни соат ўн бирда Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз ҳукуматининг 1998 йил якунлари ва жорий йилдаги иш режаларига бағишлиланган мажлис бошланиши, унда Президент Ислом Каримов иштирок этиши кўзда тутилган эди. Шукрки, ёвуз ниятли кучлар ўзларининг манфур ниятларига етолмади - Президентимиз, ҳукуматимизнинг барча аъзолари соҚ-саломат, зарар кўргани йўқ.

- Бизни ҳеч ким танлаган йўлимидан қайтаролмайди, - деди Президентимиз Ислом Каримов воқеа содир бўлган жойда журналистларга берган интервьюсида.

- Кўпорувчилик қилганларнинг мақсади - халқимизнинг тинчлигини бузиш, кўрқитиши, юрагига ваҳима солиши, юритаётган сиёсатимизга ишончини сўндириш, амалга ошираётган улкан ишларимизга зарба беришдан иборат бўлган. Шу орқали Ўзбекистон халқини ўзи танлаган йўлдан тойдириш, чекинтириш. Аммо, яна таъқидлаб айтаман, бизни ҳеч ким кўрқитолмайди, танлаганимиз - Ватанимизнинг мустақиллиги йўлидан қайтаролмайди. Чунки халқимиз бизнинг юритаётган сиёсатимизни ҳар томонлама кўллаб-қувватламоқда. Биз бугун ҳар қачонгидан ҳам кўра ана шу Фоя атрофида янада қаттикроқ жисплашишимиз керак.

Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши орадан кўп вакт ўтмай Олий Мажлис биносида бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов пойтахтимизда рўй берган мудхиш воқеага ўз муносабатини билдириди.

Давлатимиз раҳбари ушбу нохуш ҳодиса жамиятимизда пайдо бўлган ўта хотиржам кайфиятнинг оқибати эканини таъқидлади. Йўлбошчимиз ватандошларимизни мамлакатимиз ён-атрофида бўлаётган воқеалардан яна бир бор огоҳ бўлишга, тинчликнинг қадрига этишга чақирди. Баъзан шундайки, инсонлар воқеаларга юзаки қараб, охир оқибатда кўнгилсиз ҳодисаларнинг гувоҳи бўлади ва буни ҳам табиий ҳолдек қабул қиласди. Бу эса хатодир. Шундай экан, ҳар бир фуқаро юртимиздаги осойишталиқ, барқарорликка осонлик билан эришилмаётганлигини ҳис қилиши лозим. Мамлакатимизда ҳукм суриб келаётган тинчлик ва осойишталикини қадрлаш учун, унинг нақадар нодир неъмат эканлигига икрор бўлиш учун айрим кўшни давлатлардаги воқеаларга разм солиши керак. Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида рўй берган портлаш хусусида тўхталиб, уни Президентга сунқасд қилишга уриниш, деб атади.

- Мени халқ сайлаган, - деди Йўлбошчимиз.

- Шунинг учун мен, аввало, халқимга суюнман. Чунки халқ - катта куч. Ўз халқимдан куч оламан. Мени, халқимизни бундай пўписалар билан қўрқитиши қийин. Бинобарин, мустақиллик йўли, фаровон ҳаётга эришиш йўли осон кечмаслигини ҳам англамофимиз лозим.

Президент Ислом Каримов мустақиллигимиз, тинчлик ва осойишталигимизга таҳдид соловучи ҳар қандай кучнинг пайи қирқилишини алоҳида таъкидлади. Бунга қурбимиз етади, шунга яраша куч ва имконимиз бор. Шу билан бирга юз берган воқеадан ҳеч ким ваҳимага тушмаслиги керак. Аксинча, бир-биримизга нисбатан янада меҳр-оқибатли бўйлайлик.

- Ушбу портлашларни уюштиришдан яна бир мақсад кўзланган, - деди Ислом Каримов. - Сўнгти вақтда юртимизга хорижий сармоя оқими кўпаймоқда. Хорижлик ҳамкорлар билан улкан ишларни амалга ошироқдамиз. Бу эса айримларга ёқмаяпти. Кимлардир ана шу сармоядорларни чўчишишни, уларни Ўзбекистонга сармоя ётқизишдан қайтаришни истайди.

Давлатимиз раҳбари айни чоғда юртимизда ёшларга алоҳида эътибор билан қаралаётгани, ижтимоий ҳаётда бу табақанинг мавқеи оширилганини таъкидлади. Ҳозир ҳур фикрли, билимли ёшларнинг ислоҳотларни амалга оширишдаги саъй-ҳаракати бутун мамлакатни қамраган. Улар замонавий усулда ўқимоқда, касб-хунар ўрганмоқда, хорижда таҳсил олмоқда. Муҳим вазифамиз ёшларимизнинг қабиҳ ниятли ёвуз кучлар қўлига тушиб қолмаслигини таъминлашдир.

- Биз ёшларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз, - деди Ислом Каримов, - уларни ўзимиз тарбия қиласиз, вояга етказамиз. Чунки улар мустақил Ватанимизнинг, эркесвар ҳалқимизнинг порлоқ келажаги учун меҳнат қилади.

Президент жойларда, хусусан, маҳаллаларда, ўқув муассасалари, масжидларда, бошқа жамоат жойларида пойтахтда содир бўлган қонли воқеанинг туб моҳиятини кенг муҳокама қилиш, аҳоли ўртасида мустақилликни мустаҳкамлаш, тинч-осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, маънавиятни юксалтириш руҳидаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш лозимлигини алоҳида уқтирди.

**ОЗОД БҮЛСАНГ - ОЗОД БҮЛ,  
ЭРКИН БҮЛСАНГ - ЭРКИН БҮЛ,  
МУСТАҚИЛ БҮЛСАНГ - МУСТАҚИЛ БҮЛ!**

1999 йил 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозигистон пойтахти Остона шаҳрига ташриф буюрди. Сафар олдидан мамлакатимиз Президенти Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью бериб, жумладан, шундай деди:

- Маълумки, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозигистон ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланганд. Лекин бу хужжат амалда ўз ижросини топиши секин кечмоқда. Умуман, сўнгги пайтда давлатлараро имзоланганд талай хужжатлар ижро жиҳатидан оқсаяпти. Чунки қилинганд ишлар ҳозирча шартномалар талабларига тўла жавоб бермаяпти. Остонада бўладиган учрашувдан мақсад - ана шу хужжатларнинг самарадорлиги масаласини мухокама қилишдир. Бошқача айтганда, биз энди қуруқ гаплардан амалий ишга, олдимида турган катта-катта муаммоларни ҳал этишга ўтишимиз керак.

Яна бир масала шуки, бугун дунёning кўп мамлакатларида иқтисодий инқироз рўй бермоқда. У аввалига Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида юз берди, сўнг Россия ва охирги пайтда Бразилияга кўчди. Умуман, бу инқироз ҳамма жойни қамраб олди, десак хато бўлмайди. Демак, унинг минтақамизга кўрсатиши мумкин бўлган салбий таъсирининг олдини олиш керак. Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида 1999 йилнинг устувор вазифаларини белгилаб олдик. Унда бир масалага, яъни ҳалқимизни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор бердик. Илгари ҳам такрор-такрор айтганимдек, ислоҳот ислоҳот учун эмас, авваламбор инсон учундир. Бунинг маъносини чукур англаш керак. Биз ислоҳотларнинг биринчи босқичидан ўтдик - тараққиёт пойdevorini барпо этдик. Энди ислоҳотларнинг бевосита ҳалқ ҳаётининг фаровонлигини оширишга қаратилган босқичини бошлашимиз зарур. Масалан, ҳозир кўплаб корхоналар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг экспортбоплиги ҳақида қайғурмайди. Улар пахта, олтин ва бошқа бойликларимиз эвазига келган валюта ҳисобидан техника ва технология олади. Ишлаб топган миллий валютасини конвертация қилиб берамиз. Аммо уларнинг ўзи мамлакатга валюта келтириш ҳақида ўйламайди. Бу ҳам бир жиҳатдан ўша - боқимандалик асорати билан боғлиқ.

Остона учрашувида давлатларимиз ўртасидаги бир қанча муаммоларни, жумладан, нарх-наво масаласини ҳам кўтариш ниятидаман. Ўзингиз ўйланг, Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, Қозигистоннинг Чимкент вилоятлари биз билан бевосита чегарадош. Улар билан кўшни бўлган вилоятларимизда нарх-наво бу мамлакатлардагига нисбатан бир мунча паст. Бозор қонунлари шундайки, мол нарх-наво юқори бўлган худудга қараб оқади. Яъни озиқ-овқатнинг баҳоси кўшиниларимизда анча юқори бўлгани сабабли биздаги озиқ-овқат маҳсулотлари у томонга оқиб кетмоқда. ҲАР қанча божхона постлари очган билан бу оқимни бутунлай тўсишнинг иложи йўқ. Мисол учун, устига "бензин" деб ёзилган цистернани текшириб кўрсангиз, ичидан пахта ёғи чиқади. Айтмоқчиманки, контрабандачилар молни ўтказишнинг минг хил йўлини топади. Шу боис биз ҳам нархларни оширишга мажбур бўламиз. Шундай қилмасак, чўнтакда пул бўлади-ю, сотиб оладиган маҳсулот бўлмайди. Халқимиз бундай "ўйин"ларга токайгача чидайди? Яқинда чегара кўшинларини ташкил этишга қарор қилдик. Чегарани мустаҳкамлашдан мақсад нима? Гап шундаки, айрим давлат раҳбарлари мустақилмиз, суверен давлатмиз, деб гапирадиу, амалда бошқача бўлиб чиқмокда. Давлатлараро қатновлар, борди-келдилар илгариги йўсинда давом этмоқда. Масалан, биргина Ўшдан Андижонга кунига беш минг киши келиб кетади. Улар қайтишда икки буханкадан нон олиб кетса, шунинг ўзи қанча бўлади? Четдан келадиган айрим автобус йўналишларини ёпиб қўйганимизда, кўшиниларимиздан эътиroz эшилдиқ. Биз дўст бўлишга тайёрмиз, албатта. Зоро, динимиз,

тилимиз, дилимиз муштарак. Лекин, бу дўстлик қандайдир халқаро қоидаларга асосланиши керак эмасми? Халқимизда "хисобли дўст айрилмас", деган мақол бор. Давлатлараро муносабатларни шундан келиб чиқиб ўрнатсак, дўстлигимиз чинданам абадий бўлади.

Сўнг Президент Ислом Каримов 16 февраль куни Тошкентда содир бўлган фожиали воқеалар хусусида тўхтади.

- Бу воқеа натижасида бир неча инсон ҳалок бўлди. Нима учун бу қўпорувчилар begunox одамлар ҳаётига қасд қилди? Улар begunox одамни ўлдириш катта гуноҳ эканини, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам бундай ёвузлик учун жазо мукаррарлигини билмайдими?

Кишини ранжитадиган жойи шундаки, бўлиб ўтган бу воқеани айрим хорижий матбуот вакиллари ўзича талқин қилмоқда. Хусусан, "Сегодня" газетасининг мухбири худди бу ерга келиб, одамлар билан гаплашгандек, фожиани ўз кўзи билан кўргандек қилиб ёзди. Ўолбуки, бу газетанинг мухбири Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган эмас. Россиянинг бაъзи газеталари айниқса ҳар хил уйдирма гапларни ёзмоқда. Бундай асоссиз, саёз мулоҳаза ва хуносалар замирида одамларнинг бошини айлантириш, турли бўхтон гаплар билан фикрини чалқитиши, керак бўлса, қўрқитиши мақсади ётган бўлса ажаб эмас. Яъни, сизлар биздан узоклашаверсангиз, бундай портлашлар, фожиалар бўлаверади, деган хуносани онгимизга сингдириш. Россия армияси шу минтақада турса, бу гаплар бўлмайди, деган фикрни ўтказиши. Мақсад эса Россиянинг 201-дивизияси Тожикистанда тургани каби, бошқа ҳарбий қисмларини ҳам шу минтақага жойлаштириш. Биз ҳам тушунамиз - улар сидқидилдан ёрдам берса, барқарорлик масаласида нафи тегиши мумкин. Лекин Россиянда ҳар хил кучлар бор. Буни унутмаслик керак.

Умуман, мен қайсиdir мамлакатнинг ҳарбий кучлари бу ёқка олиб келинишига, минтақамида бегона ҳарбий куч ўрнашиб олишига қаршиман. Мен буни фақат бугунни ўйлаётганимдан эмас, балки келажак авлод тақдирини ўйлаб айтаяпман. Бошқача айтганда, озод бўлсанг - озод бўл! Эркин бўлсанг - эркин бўл! Мустақил бўлсанг - мустақил бўл! Ҳақиқий мустақил бўл! Мустақиллигимиз йўлида мен жонимни ҳам фидо қилишга тайёрман. Иймоним комилки, етти йил мобайнида ортимизда мана шундай азму қарор билан яшайдиган бутун бир авлод етишиб чиқди. Шундай экан, бизнинг маслагимизни, Гоямизни енга оладиган куч йўқ.

Бугунги қийинчиликлар - албатта ўткинчи. Мен шунга аминман: ўзбек халқини бундай қийинчиликлар билан қўрқитиб, ўз йўлидан ортга қайтариб бўлмайди.

Президент Ислом Каримов Остона учрашуви якунида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ҳам оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб қайтарди. Хусусан, "Озодлик" радиоси мухбири Султон Оқкулоннинг, Тошкентда юз берган террорчилик харакатлари Ўзбекистоннинг МДХ доирасидаги Коллектив Хавфсизлик шартномасидан чиқиши тўғрисидаги фикрлар билан боғлиқ эмасмикан, деган саволига жавоб бериб, жумладан шундай деди:

- Мен 16 февраль куни Тошкентда юз берган террорчилик хуружи ҳақидаги жавобни уч қисмга бўлган бўлар эдим. Биринчидан, бу террорчилик ҳаракати, энг аввало, гарчи бу иборани ишлатишни истамасам ҳам, айтишим керакки, Президентни йўқ қилишга қаратилган эди. Тошкентда олти жойда портлаш содир бўлди, бирор уларнинг биттаси детонация оқибатида юз берган. Мен бу гапни асосли манбаларга таяниб айтаяпман. Хуллас, бешта портлаш бўлган. Портловчи модда жойланган бешта машина портлатилган. Ўта кучли портлаш зарбидан яқинроқда турган олтинчи машина ҳам портлаб кетган. Энг кучли портлаш Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида, аникроқи, бинонинг кираверишига яқин жойда содир этилган.

Айримлар ўз кўзи билан ёки телевизор орқали кўрган бўлиши мумкин, олти қаватли мазкур иморат жуда мустаҳкам қурилган. Асосий ва энг кучли портлаш айнан шу ерда юз берди. Олтмишинчи йилларда ишлаб чиқарилган эски ГАЗ-21 машинаси соат ўн минути кам ўн бирда Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнига келган. Бу ерда уни тўхтатишган. Ундан икки йигит чиқиб, гўё машина бузилиб қолгандай, юхонани очган ва кутилмагандা

автомобилдан тез узоклаша бошлаган. Яқинроқда турган қўриқчилар бундан шубҳаланиб, уларнинг ортидан қувган. Бу кимсалар Мустақиллик майдони марказига етганда, қўлидаги иккита автоматдан ён-атрофга ўқ ота бошлаган. Бу пайтда ҳали портлаш юз бермаган эди. Асосий портлашдан олдинроқ, икки юз метрча наридаги "Нодирабегим" кинотеатри ёнида чалҚитувчи портлаш содир этилган. Умуман, асосий портлашдан ташқари барча портлашлар чалҚитиш вазифасини бажарган.

Асосий портлаш мен мажлисга келадиган пайтда юз берди. Мажлис соат ўн бирга белгиланган эди. Портлаш эса мажлис бошланишидан бир неча дақиқа олдин рўй бериши мўлжалланган эди. Чунки мен ҳар гал мажлисга ўн-ўн беш дақиқа олдин етиб келаман. Бироқ шу куни, мени Аллоҳ асрорами, бироз кеч қолдим. Бу пайтда бино ёнида машина юкхонаси очик ҳолда турган эди. Қочаётган икки киши ҳар тарафга ўқ ота бошлаганидан кейин қўриқчилар бинонинг кираверишига яқин жойда тўхтаб қолган машинадан ҳам шубҳаланган. Бу вақтда Президент кортежи бинога яқинлашиб қолган эди. Шу пайт Вазирлар Маҳкамаси биноси томонидан Президент хавфсизлик хизматининг бошлиҚи бизга караб югуриб кела бошлади ва машиналарни тўхтатиш ҳақида ишора қилди. Машиналаримиз тўхтади. Айни шу лаҳзада портлаш юз берди. Орада 150, балки 200 метрча масофа қолган эди. Тўхтамаганимизда, биз уч-тўрт секунд ичидаги ГАЗ-21 машинаси ёнига етиб боришимиз ва ўша дамда портлаш юз бериши аниқ эди.

Экспертларнинг фикрича, барча портлашлар муайян масофадан туриб бошқарилган. Кимдир шу атрофда туриб, менинг машинам яқинлашадиган дақиқани пойлаган. Портлаш кучининг катталигидан ГАЗ-21 машинаси бўлаклари беш юз метргача отилиб кетган. Бўлган воқеа шу.

Биз портловчи модда йиҚилган ва суиқасдга тайёргарлик қўрилган жойни ҳам аниқладик. Охирги портлаш шу ерда, жиноятчилар томонидан ижарага олинган эски бир ҳовлида, асосий портлашдан кирқ дақиқа кейин юз берди. Шу билан улар жиноят изларини яшириш мақсадида портловчи моддалар сақланган уйни йўқ қилган.

Энди жавобнинг иккинчи қисмига келсақ, хўш, портлашни содир этган ижрочилар ким? Мен бутун масъулиятни зиммамга олиб айтишим мумкинки, булар диний экстремистлар бўлган. Бундай террорчилик хуружлари Истроилда ҳам, бошқа минтақаларда ҳам учраб туради. Дастребаки далил ва маълумотлар бу кимсалар мутаассиб диндорлар эканини тасдиқламоқда. Қочиб бораётган икки киши йўл-йўлакай "Оллоҳу Акбар!", деб қичқирган. Балки бу ҳам чалҚитиш учун айтилгандир?

Жавобнинг учинчи ва энг қийин қисми портлашларнинг ортида ким тургани ҳақида. Мен ҳозир бу хусусда аниқ бир нарса дейишим қийин. Чунки, бирор нарса десам, турли хил талқин ва тахминлар бошланиб, вазиятни баттар чигаллаштиради. Кераксиз шубҳалар туғилади.

Ўзбекистоннинг Коллектив Хавфсизлик шартномасидан чиқиши масаласига тўхталадиган бўлсақ, мазкур шартнома 1992 йилнинг 15 апрелида Тошкентда имзоланган эди. Сўнгра унга бошқа мамлакатлар ҳам қўшилиб, тўққиз давлат мазкур шартноманинг аъзоси бўлди. Такрор айтаманки, бу шартнома ихтиёрийдир. Шартноманинг амал қилиш муддати беш йил бўлиб, ундан чиқишини ёки қолишни истаган бирор давлат шу муддат ўтгандан сўнг ўз муносабатини билдириши лозим эди. Шартномани энг охирги - 1994 йили Қозигистон ратификация қилди. Шу сана шартнома кучга кирган кун ҳисобланади. Демак, 1999 йилнинг апрелида аъзо давлатлар шартномани чўзишига розилигини ёки ундан чиқишини билдириши лозим бўлади. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги бизнинг ундан чиқишимиз тўғрисида Баёнот берди. Шундан кейин Россия матбуотида бу Баёнотга кескин муносабат ва нотўғри талқинлар пайдо бўла бошлади. Хусусан, "Известия" газетасининг биринчи сахифасида "Ўзбекистон Россияга кучли зарба бермоқда" деб жар солинди. Бу билан воқеага катта урғу бериб, янги-янги баҳсларнинг пайдо бўлишига ҳаракат қилинди. Биз бу борада яна янги шубҳа-гумонлар туғилмаслиги учун берилаётган саволларни жавобсиз қолдирдик.

Масаланинг моҳиятига келсақ, шуни айтиш лозимки, бу шартнома ўз самарасини бермади. Боя айтганимдек, бу шартномага собиқ СССР худудидаги тўққиз давлат кирган эди. Масалан, Беларусь, Кавказорти давлатлари унга қўшилган, лекин Украина, Молдова ва Туркманистон унга аъзо эмас. Табиий равишда шундай савол туғилади: агар, Ўзбекистон ўз хавфсизлигига, чегаралари дахлсизлигига жиддий таҳдид сезгудек бўлса, шартнома аъзоларидан қайси бири унга ёрдамга келади? Биз бундай таҳдидларнинг шоҳиди бўлдик. Афғонистонда ўзаро курашаётган гурӯҳлардан бири бўлган толиблар мамлакат шимолини эгаллаб, Амударё устидаги Ўзбекистон билан Афғонистонни боғлайдиган кўпприкка яқинлашди. Ўшанда бизга ким ёрдамга келди? Бу саволни мен, сиз - журналистларга муҳокама юритишларингиз учун беряпман, холос.

Шартноманинг ишламаётганига бундан бошқа ҳам мисоллар келтиришим мумкин. Масалан, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, бир томондан, шартнома иштироқчисимиз, дейди, иккинчи томондан эса, бирорта ҳам беларус йигити мамлакат ташқарисида жанг қилмаслигини таъкидлайди. Бу каби бир-бирига зид баёнотлар бериш билан шартномани мустаҳкамлаб бўладими? Ахир, Беларусь шартноманинг энг фаол аъзоси ҳисобланади, айни вақтда унинг фуқаролари ҳеч бир ҳаракатда қатнашмас эмиш. Ҳозир жаноб Лукашенко жанубда вазият мураккаб бўлган пайтда Ўзбекистон Шартнома таркибида эди, энди эса ҳаммаёқ тинчганидан кейин ундан чиқишини хоҳлаб қолди, демоқда.

Шундай масъулиятсиз ёндашувга эга бўлган шериклар билан тузилган шартномадан нимани кутиш мумкин?

Беларуснинг Россия билан тузатган иттифоқи - уларнинг ички иши ва мен бунга қарши эмасман. Агар, бу мамлакатлар халқлари истаса, иттифоқ тузишсин. Бирлашишни хоҳласангиз, бирлашинг. Фақат бошқаларни тинч қўйинг.

Лекин, ўйлаб кўринг, давлатлар мустақиллиги сақланиб турган ҳолда, қандай иттифоқ тузиш мумкин? Боз устига, ягона иқтисодий марказ, ягона сармоя маркази, ягона пул чиқарадиган банк бўлар эмиш. Хўш, у қаерда жойлашади - Минскдами, Москвадами? Жаноб Лукашенко, Минскда дейди. Яна аслида ҳали ким кимга қўшилиши ҳам маълум эмас, Беларусь Россиягами ёки Россия Беларусгами, дейди.

Ягона сармоя маркази тузиш ҳақида гапирадиган бўлсақ, биз Қозигистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан бу мактабни ўтаб бўлганмиз. Биз ягона сармоя маркази нима эканлигини жуда яхши биламиз. Ягона сармоя маркази тузиладиган бўлса, фуқароларинга оддий иш ҳақи тўлаш учун ҳам марказга югуришинг керак. Бундай шароитда кредит сиёсати, молия-иқтисодий сиёсат, сармоя жойлаштириш сиёсати ҳам бир хил бўлиши лозим. Бу ягона ташқи иқтисодий сиёсат, деганидир. Нима учун бу ҳақда гапиришмаяпти, буни тушунмаган одамларнинг туйғулари билан ўйнашишдан мақсад нима? Ягона давлат ягона сармоя марказини, бошқача айтганда, ягона банк тузишни тақозо этади.

Иқтисод ҳақида, қўшилиш ва ҳақиқий бирлашиш ҳақида гап кетганда мен фақат бир нарсани эслатишини истар эдим: бундан икки йил олдин бу борада фикр билдирган таникли публицист Отто Лацис: "Биз қарши эмасмиз, тайёрмиз, фақат Худо ҳаққи, инсонларни, халқни алдаманг", деган эди. Ҳақиқатни айтадиган бўлсақ, Беларусь Россияга унинг бир субъекти сифатидагина қўшилиши мумкин. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Мен бу жавобимни бироз чўзиб юборган бўлсам, узр сўрайман. Лекин ўйлайманки, бу масала шу йиқинимизда иштирок этаётган барча журналистлар учун ўта долзарб эди.

## ЭНГ КАТТА ОРЗУИМ - МЕНГА ИШОНГАН ОДАМЛАРНИНГ ОМОНЛИГИ, ЮРТИМИНГ ТИНЧЛИГИ!

Мамлакатимиз пойтахтида 1999 йил 16 февраль куни амалга оширилган қўпорувчилик харакати ҳар биримизни хушёрликка, бугунги осойишта ва тинч ҳаётнинг қадрига етишга, уни ҳимоя этишга чақиради. Ўзбекистоннинг барча фуқаролари ҳалок бўлганлар хотираси олдида бош эгади. Шу мудҳиш кунларда халқимизнинг жипслиги ва иродаси, келажакка, танлаган йўлимизнинг тўғрилигига ишончи яна бор намоён бўлди. Айни пайтда мамлакатимиздаги бунёдкорлик жараёни ўз маромида давом этмоқда. Портлаш оқибатида зарар кўрган бинолар таъмирланмоқда.

26 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамаси биносида амалга оширилаётган таъмирлаш ва қурилиш ишлари билан танишди.

Маълумки, қўпорувчилик оқибатида бинога жиддий зарар етказилган эди. Давлатимиз раҳбари бинони таъмирлаш лойиҳаларини қўздан кечириб, тегишли маслаҳатлар берди. Барча ишларда бинонинг мустаҳкамлигини ошириш, унга миллий тус бериш асосий мезон бўлиши муҳимлигини уқтириди. Бинонинг ички ва ташки кўринишидаги ўзгаришлар, ён-атрофидаги яшил майдончалар унинг салобати ва шинамлигини ошириши зарурлигини қайд этди.

Шунингдек, Президент Ислом Каримов пойтахтимизда бунёд этилаётган Хотира майдонидаги ишларнинг бориши билан ҳам яқиндан танишди. Бугунги кунда бу ерда кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Икки юзга яқин қурувчи, пардозловчи, хунарманд бу маънавий ёдгорлик қурилишида катта шижоат билан меҳнат қилмоқда.

Йўлбошчимиз барпо этилаётган бу муқаддас қадамжо ўтганларни ёдга соладиган, уларнинг рухи олдида бош эгишга ундейдиган, шу билан бирга, меъморий ечими билан ўзига хослик касб этадиган маскан бўлиши кераклигини алоҳида қайд этди. Президентимиз Ватан учун курбон бўлганларнинг хотираси барҳаёт, деган Фоя майдонда ўз ифодасини топиши зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Президент Ислом Каримов журналистлар билан мулоқотда бўлиб, жумладан, бундай деди:

- Бу ерга келган киши Хотира майдони нима учун барпо этилгани, у ҳаётимизда қандай ўрин тутиши, инсон учун қандай аҳамиятга эга эканлигини аниқ ҳис қила оладиган бўлсин. Хотира майдони - бутун халқимизнинг иродаси билан бунёд этилаётган қадамжо. Шу боис, юртимизни ўзининг муқаддас Ватани деб биладиган, Хотира деган муқаддас туйгуни қалбан ҳис этадиган ҳар бир инсон бу ишга ҳисса қўшиши керак, деб ўйлайман.

Хотира майдони халқимиз маънавиятининг юксалишига хизмат қилиши зарур. Зоро, бизга шу мусаффо ва тинч осмонни қолдирган аждодларимиз ёди муқаддасдир.

Давлатимиз раҳбари пойтахтимиз Тошкентда 16 февралда содир этилган воқеалар хусусида тўхталиб, бегуноҳ қурбон бўлганларнинг хотираси олдида бош эгиш барчамизнинг бурчимиз эканлигини таъкидлади.

- Шундай синов, қийинчиликлар пайтида, бошга кулфат тушганда, одамзод иродасининг, иймонининг мустаҳкамлиги, ҳаётга, ён-атрофдагиларга муносабати намоён бўлади, - деди жумладан Президентимиз. - Шу жихатдан халқимизга мустаҳкам иродаси, ҳамжиҳатлиги, амалга ошираётган ишларимизга юксак ишончи учун таъзим қилсан арзийди.

Ўтган мусибатли кунларда ваҳима ва парокандаликка тушмаган, ўзининг кучли иродасини кўрсатган халқимиздан жуда миннатдорман, деди Йўлбошчимиз. Бундай халқни ҳеч қачон енгib бўлмаслигига, у ўз фарзандларини ёвуз кучларга бериб қўймаслигига яна бир бор қатъий ишонч ҳосил қилдим.

Энди сезгир ва ҳушёр бўлишимиз керак, дея таъкидлади Президент. Атрофимиздаги ва орамиздаги Қанимларимизни таниб олиш, бизга ким душману ким дўстлигини яна бир бор англаб етишимиз зарур.

Бир пайтлар: "Энг катта орзуингиз нима?" деб сўрашганида, "Менга ишонган халқимни доим омон кўриш", деб жавоб берган эдим. Бу гапимни бугун яна тақрорлашим мумкин. Зеро, энг катта бойлигимиз - юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги.

## АЛЛОХ ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА

"Туркистан-пресс" ахборот агентлиги  
мухбирининг саволларига жавоблар

**САВОЛ.** Шу йил 16 февраль куни Тошкентда рўй берган воқеалар, уларнинг сабаблари ва иштирокчилари хусусида мамлакатимиз ва чет эл матбуотида турлича фикр-мулоҳазалар, фараз ва талқинлар билдирилмоқда. Улар орасида мутаассиб террорчи кучларга баҳо берганда ислом динининг асл моҳиятини тўғри англамасдан ёндашиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Муҳтарам Президент, шу масала юзасидан сизнинг фикрларингизни билмоқчи эдик.

**ЖАВОБ.** Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим. Дарҳақиқат, мазкур воқеалар ҳакида нафақат бизнинг матбуотимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам кўп-кўп чиқишлиар бўлмоқда. Уларда турли хил эҳтимоллар, туスマл ва гумонлар баён этилмоқда. Қабиҳ ниятлар билан қилинган бу мудҳишишлар орқасида турган кучларнинг ақлга сифмайдиган қилмишлари тўғрисида холис, вазмин мулоҳазалар билан бир қаторда айрим оммавий ахборот воситаларида асоссиз фикрлар, бирёклама қарашлар, енгил-елпи хулосалар ҳам кўзга ташланмоқда. Бунга шов-шув гапларга ўч баъзи "чаққон" журналистларнинг, муайян сиёсий ва моддий манфаатлар нуктаи назаридан иш кўрадиган мутахассис ва шарҳловчиларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Бу масалада шахсан менда эътиroz уйғотадиган жиҳат шундаки, муқаддас ислом динимизнинг ҳаётимиздаги ўринини яхши англамайдиган одамлар ҳам бу нозик, мураккаб мавзуга билар-билмас аралашмоқда. Масалага бундай юзаки, бир томонлама ёндашув кишини ранжитади, албатта. Чунки бу хусусда сўз юритаётган айрим муаллифлар бизнинг тарихимизни, бугунги кунимизни, миллий хусусиятларимизни, дини исломнинг Ўзбекистон ҳаётидаги аҳамиятини, унинг одамлар руҳий дунёсига кўрсатаётган таъсирини яхши тушунмайди, очиқроқ айтсақ, бу муаммонинг негизига етиб боролмайди.

Бу ҳақда мен "Ўзбекистон XXI аср бўсаҚасида" номли китобимда тўхталиб, дин маданий, маънавий, инсоний қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишида бекиёс хизмат қилган, ота-боболаримизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида шундай хулоса чиқариш учун ҳамма асосларга эгамиз, дея зикр этган эдим.

Бу эътиқод юртимиздаги миллионлаб ватандошларим қатори менинг ҳам дунёқарашимга асос бўлиб, бутун борлиҚим, маънавий оламим мазмунини ташкил этади.

Айтмоқчиманки, биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз. Хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат билдириласин, албатта уни беихтиёр Яратгувчининг номи билан боғлади. ҲАР бир сўзимизни, ишимишни бисмилло айтиб бошлаймиз, яхши-ёмон кунларимизда худога шукrona келтирамиз, тавба қиласиз. "Шукур" деган каломни ҳар куни айтмайдиган бирор инсон Ўзбекистонда бормикан ўзи! Билсангиз керак, пайҚамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам "шукур" ва "тавба" деган сўзларни энг кўп ишлатар эканлар.

Биз мана шу ёруғ кунларда яшаётганимиз учун, юрту элимизнинг тинчлиги учун, фарзандларимиз бағримизда эмин-эркин униб-ўсаётгани учун Аллоҳ таолога доимо шукроналар айтамиз. Туғилганда қулоҚимизга аzon айтилади, оила курганимизда шаръий никоҳ ўқитилади, дунёдан кўз юмганимизда жаноза ўғилади. Ҳатто диндан чукур хабардор бўлмаган одам ҳам диний урф-одатларсиз, исломий туйғусиз яшай олмайди.

Бизнинг мусулмончилигимиз, Аллоҳга, динимизга муносабатимиз баъзи миллий қадриятларимизда ҳам яққол кўринадики, ҳар бир мусулмон юртдошимиз уларга беихтиёр риоя қиласи.

ҲАМмамизга таниш бир манзарани эслайлик. Кўчадан тобут кўтариб бориляпти. Дуч келган йўловчи - у пиёдами, машинадами ёки отлиқми - дарҳол югурб келиб тобутга елкасини тутади. Камида етти қадам уни кўтаришиб боради. Марҳумни танийдими-танимайдими, бундан қатъи назар, Худо раҳмат қилсин, дея юзига фотиха тортади.

Ахир, шунинг ўзи ҳам мусулмончилик, Аллоҳни танишнинг бир кўриниши эмасми? Ахир, шунинг ўзи ҳам Тангри таолога итоат этиш, охиратни ўйлаб яшашнинг бир мисоли эмасми?

Энг муҳими, биз бу ишларни намойиш учун эмас, иймонимиз, эътиқодимиз амри билан адо этамиз. Демак, дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди.

Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатимизни муҳтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Аллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда. Бинобарин, халқ ҳақида, унинг миллий хусусиятлари, диний ҳиссиётлари ҳақида кўр-кўрона хукм чиқариб бўлмайди. Бу ҳақиқатни мен нафақат февраль воқеалари муносабати билан, балки мамлакатимиз тўғрисида фикр юритадиган барча оммавий ахборот воситалари вакилларига эслатиб ўтишни жоиз, деб билардим.

**САВОЛ.** Кейинги вақтда баъзи хорижий матбуот нашрларида, айrim мухолиф кучларнинг чиқишиларида Ўзбекистоннинг дин борасидаги сиёсатида кескин ўзгаришлар бўлади, деб шов-шув қилинмоқда. Бундай тахмин ва башоратларнинг бирон-бир асоси борми?

**ЖАВОБ.** Дунё афкор оммаси яхши биладики, биз Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, дунёвий давлат қурмоқдамиз. Барпо этаётган жамиятимизнинг тамойиллари, хукуқий асослари ишлаб чиқилган ва умумхалқ томонидан қабул қилинган. Хусусан, эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳам бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомилига етказилди. Биз диний ташкилотлар билан муносабатларимизни қонун асосида, уларнинг ҳақ-хукуқларини ҳурмат ва химоя қилиш асосида олиб борамиз. Айни вақтда улардан ҳам қонун олдидаги бурч ва мажбуриятларини бажариш талаб қилинади. Бу халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган йўлдир.

Президент мамлакат Асосий қонуни - Конституцияга тўла амал қилинишига кафолат берадиган шахс. Шундай экан, мен бутун масъулиятни зиммамга олиб айтаманки, юқорида зикр этилган шов-шувларга мутлақо ўрин йўқ.

Агар масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, мен ҳам шу халқнинг бир фарзандиман, шу миллатнинг бир ўғлимани. Алхамдулиллоҳ, бир мусулмон фарзанди сифатида халқимга хос исломий тушунча ва туйғулар менинг ҳам қалбимда, юрагимда барқарор ва мен бу дунёю у дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман.

Оқ-корани, дўст-душманни танийдиган халқимиз дин нимаю сохта ақидалар нималигини, ким пок ниятли художўй инсону ким мунофиқ риёкор эканини яхши билади.

Таассуфки, баъзан ислом дини ва ислом фундаментализми ҳақида гапирганда бу икки тушунчани бир-бирига аралаштириб юбориш ҳоллари учрамоқда. Маълумки, ҳозир дунёда 1 миллиард 300 миллион одам ислом динига эътиқод қиласди. Муқаддас ислом динини никоб қилиб манфур ишларни амалга ошираётган аллақандай мутаассиб кучлар, табиийки, ер юзидағи барча мусулмонларнинг руҳий олами ва дунёқарашини белгилай олмайди.

Энг ачинарлиси шундаки, бу ёвуз кимсалар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, Кўр ёшларни ўз тузоқига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзларининг ифлос мақсадлари йўлида фойдаланмоқда. Бу эса исломнинг инсонпарварлик Гояларини обрўсизлантиришга сабаб бўлмоқда.

Биз мусулмон дини ҳақида гапирганда, аввало, Аллоҳ ва унинг расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улуғ алломаларимиз, улуғ имомларимизни тасаввур қиласиз. Мана шу қутлуқ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдулхолик Фиждувоний, Замахшарий каби пири

комилларимизни назарда тутамиз. Маънавий ҳаётимизни мана шу улуг номлар билан боғлаймиз. Ким бу ҳақиқатни инкор эта олади?

Нега биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб шу улуг аждодларимизнинг табаррук номларини тиклашга киришдик? Чунки бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз динимизни бу улуг номларсиз, бу улуг номларни эса динимизсиз тасаввур қила олмаймиз.

Биз бу мутафаккирларимизнинг куттуҚ меросидан бутун халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий мухитда камол топишига, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси, буюк Ғоялари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига шароит яратмоқдамиз. Бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўгитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз.

Бу борада амалга оширган кўп-кўп ишларимиз - динга оид минглаб китоблар нашр этилгани, масжиду мадрасаларни обод қилганимиз, буюк алломаларимизнинг таваллуд саналарини дунё миқёсида нишонлаганимиз, уларнинг эски замонда оёқости бўлиб қолган абадий масканларини чинакам зиёратгоҳларга айлантирганимиз - буларнинг барчаси халқимизнинг дини исломга меҳр-муҳаббати, ҳурмат-эҳтиромининг яққол тасдиҚи эмасми?

Менга баъзан, ахир, диндорлар сизнинг ҳаётингизга суиқасд қилишди-ку, деган гижгижловчи, Очифини айтсан, динга бўлган муносабатимни, керак бўлса, сиёсатимизни ўзгартиришга ундовчи саволлар ҳам беришади.

Бу хусусда менинг нуқтаи назарим, жавобим шундай: ўша мудҳиш воқеалар муносабати билан Олий Мажлисда бўлиб ўтган ҳукumat йиғилишида мен ёшларимизни ҳеч кимнинг қўлига бериб қўймаймиз, деган қатъий фикрни билдирган эдим. Шу фикрни ривожлантириб айтаманки, мен Ўзбекистон раҳбари сифатида қандайдир ёвуз кучлар муқаддас ислом динимизни, ота-боболаримиз эътиқодини, мусулмон фуқароларимизни таҳкиралишига, жамиятимиз ҳаётига хавф туғдиришига ҳеч қачон йўл қўймайман. Бу вазифани ўзимнинг нафақат Президент сифатидаги, балки бир мусулмон инсон сифатидаги муқаддас бурчим деб биламан.

Юртимизда бугунги бунёдкорлик ишларимизда фаол қатнашаётган, давлатимиз сиёсатини қўллаб-куватлаётган, ҳар ибодатида Ватанимиз тинчлиги, халқимиз омонлигини Яратгандан илтижо қилиб яшайдиган миллионлаб соғ ниятли мусулмонлар бор. Уларнинг ўз диний эҳтиёжларини бундан буён ҳам эмин-эркин адо этишлари учун ҳеч қандай монелик қилинмайди. Мен бунга асло йўл қўймайман.

Портлашларни содир этган ижрочилар ва бу кучларнинг орқасида турган ёвуз, жоҳил кимсалар эса уларнинг тирноҚига ҳам арзимайди. Ўзингиз айтинг, ўз она Ватанига қўл кўтарган одам одамми? Бегуноҳ инсоннинг ҳаётига зомин бўлган одам одамми?!

ҲАМмамиз яхши биламиз, Қуръони каримда бировнинг қонини ноҳақ тўкиш гуноҳи азим, дейилган. Бир бегуноҳ одамни ўлдириш - бутун оламни ўлдириш билан тенг, дейилган. Хўш, ўзини "ҳақиқий мусулмон" деб ҳисоблайдиган, лекин қилмиши қўпорувчилик, хунрезлик, қотиллиқдан иборат бўлган бу манфур кимсаларнинг мусулмончиликка қандай дахли бор?!

Бу фикрдан мени ҳеч ким қайтара олмайди.

Содир этилган қўпорувчилик хуружлари хусусида Фазаб-нафрат билан муносабат билдираётган минг-минг ватандошларимизнинг фикру зикри ҳам айнан шундай эканига иймоним комил.

Такрор айтаман: биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга, муқаддас динимиз шаънига доҚ туширмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз.

Вассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатух.

## МИЛЛАТ ҚУДРАТИ - ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш, унинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш, жамият ҳаётида адолат устуворлигига эришиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилиш, доимо огоҳ ва хушёр бўлиш ўзини шу азиз Ватан фарзанди деб биладиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Йўлбошчимиз Ислом Каримовнинг Хоразм вилояти халқ депутатлари Кенгашининг 1999 йил 26 март куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида ана шу муҳим, айтиш мумкинки, ҳаётий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Хоразм воҳаси ўзининг қадимий тарихи, ноёб маданияти, нафис санъати, юксак маърифати, доно фалсафаси ва инсонпарварлиги билан маълум ва машхурдир, деди Президент.

Хоразм вилояти заминида камол топган алломалар, фозилу фузалолар, мутафаккиру маърифатпарварлар Ўзбекистонимиз шон-шуҳратини бутун дунёга таратган. Буюк аждодларимиз ал-Беруний, ал-Хоразмий ва бошқа ўнлаб улуғ инсонларнинг номлари бутун дунё халқлари учун мўътабар ва муқаддасдир.

Хоразм воҳасининг тарихий-маданий мероси бевосита Хива шаҳри тарихи билан боғлиқдир. Бу гўзал шаҳримизнинг 2500 йиллик тўйи халқаро миқёсда кенг нишонлангани бу ўлка шуҳратини яна бир бор оламга тараннум этди, десак асло муболага бўлмас.

Биз бугунги кунда ана шундай улуғ аждодларимиз, мамлакатимиз ва миллатимиз ифтихори бўлган ноёб қадриятларимиз билан ҳақли равишда фаҳрланамиз. Буюк аждодларимизнинг пок руҳи ва ўғитлари ўтиш даври оғирлигини енгишда барчамизга таянч ва мадад бермоқда.

Бугунги кунда юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда, унинг ёруғ келажагини яратишда, олдимиизда турган муҳим вазифаларни амалга оширишда Хоразм вилоятининг меҳнаткаш, бағрикенг, фидойи халқи ҳам ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари вилоят меҳнаткашларига чуқур ҳурматини изҳор этар экан, олдин ҳам кўп бор билдирган фикримни - ишончимни яна бир марта такроран айтмоқчиман: азал-азалдан мана шундай ўта мураккаб табиат шароитида ўз анъаналари ва маданиятига суюнган хоразмлик миришкорлар дехқончилик ва бунёдкорлик соҳаларида узоқ ва яқин орада ўзларига муносиб обрўларини саклаб келмоқдалар, дея таъкидлади.

Вилоядта кейинги уч йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 14 фоиз ортди. Иқтисодий жиҳатдан бюджет кўрсаткичларини йил сайин ошириб бажариш таъминланмоқда. Пул эмиссияси ҳажми 21 фоиз пасайган.

Капитал маблағларни ўзлаштириш режага нисбатан икки марта ортди. Ишлаб чиқариш қудратини кенгайтириш соҳасида кўплаб ижтимоий, маданий обьектлар, иншоотлар фойдаланишга топширилди. Лекин вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришни таъминлаш борасида муаммолар ҳам йўқ эмас.

Бугунги йиғилишимиздан мақсад, деди Президент, иқтисодиётимизда, умуман, ҳаётизда эришилган ютуқлар ҳақида сўз юритиш эмас, асосан вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни, йўл қўйилган камчиликларни атрофлича таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда мавжуд бўлган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, шу азиз юртда яшаётган халқнинг оғирини енгил қилиш масалаларини муҳокама этишдан иборатдир.

Шуни афсусланиб қайд этмоқчиманки, охирги вақтда бошқа вилоятларга ўхшаб Хоразм воҳасида ҳам баъзи раҳбарларнинг фаолиятида ўз шахсий манфаатини хизмат бурчидан устун қўйиш, кадрларни танлашда кариндош-урӯғчилик, ошна-оҚайнигарчиликка йўл қўйилмоқда, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга масъулиятсизларча ёндашиш, ўзибўларчилик каби ҳолатлар содир бўлмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, халқ хўжалигининг барча соҳаларига, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини яхшилашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бир неча йил илгари вилоятда салмоқли корхоналардан хисобланган "Хоразм ипаги", "Курилиш материаллари" каби акционерлик жамиятларида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларининг 10-20 фоизидан фойдаланилмоқда, холос. Баъзи корхоналар эса умуман тўхтаб қолган. Вилоятдаги 25 та корхонада 1997 йилга нисбатан 500 миллион сўмликка яқин саноат маҳсулотлари кам ишлаб чиқарилган.

Ташкилот ва корхоналарнинг дебиторлик қарзлари 1999 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 9,5 миллиард сўм бўлиб, ўтган йилга нисбатан 3 маротаба ошган.

Кредиторлик қарзлари эса 10,8 миллиард сўмни ташкил қилиб, шундан 2,0 миллиард сўми муддати ўтган қарзлардир. 1999 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра омборларда туриб қолган маҳсулот қиймати 4,0 миллиард сўмни ташкил қилган. Шу даврда солиқлар бўйича тўланмаган маблағ бир миллиард сўмдан ошиб кетган.

Юзага келган бундай аҳвол бюджет муассасалари ходимларига иш ҳақининг кечикириб берилишига ва одамларнинг норозилигига олиб келмоқда. Ана шундай вазиятда ҳам бюджет маблағларини мақсадсиз ишлатиш ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш учун зарур ҳукуқий база яратилган бўлишига қарамасдан, вилоятда бу борадаги ислоҳотлар жуда суст бормоқда. Мулқдорлар синфини шакллантириш, пай асосидаги янги ширкатларни ташкил этишга етарли эътибор йўқ.

Деҳқонни ҳақиқий мулк эгасига айлантириш, ҳар бир жамоа аъзосининг ҳукуқ ва мажбуриятларини юридик жихатдан мустаҳкамлаб, хўжалик ерларини уларга ижарага бериш, деҳқон ва фермерларнинг билимини, ҳукуқ ва мажбуриятларини тушунтириш ишлари ҳам қониқарсиз ташкил қилинган.

Дарҳақиқат, Юргонимиз таъкидлаганидек, ҳокимларда ва бошқа мутасадди раҳбарларда тадбиркорлик, изланувчанлик етишмаслиги, иш тўғри ташкил этилмагани сабабли ўтган йили вилоятда пахта етиштириш режаси барбод бўлди. Айниқса, бу соҳада йўл қўйилаётган қўзбўямачилик, соҳтакорлик, қўшиб ёзиш каби эски иллатларга асло тоқат қилиб бўлмайди.

Кейинги пайтларда вилоятда ана шундай қўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, қандай йўл билан бўлмасин режани бажариш, шон-шуҳрат қозониш, эришилган ютуқларни кўз-кўз қилишдек салбий ҳолатлар пайдо бўлмоқда. Пала-партиш иш юритиш, ортиқча харажатлар қилиш натижасида хўжаликларда етиштирилган маҳсулотларнинг таннаҳхи ошиб кетмоқда.

1998 йилни мавжуд 128 хўжаликнинг 70 фоизи 2,0 миллиард сўм зарап билан якунлагани ҳам бу фикримизни тасдиқлади.

Вилоят молия ва банк тизими фаолияти таҳлил қилинганда, бу соҳада ҳам тартибсизлик, қонунбузарлик ҳолатлари авж олиб бораётгани яққол кўзга ташланади. Ўтган йил мобайнида Молия вазирлигининг вилоят Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан 350 та бюджет ташкилотларида текшириш ўtkазилди. Бу ташкилотларнинг ярмидан кўпида 16 миллион сўм маблағ Қайриқонуний равишида сарф қилингани аниқланиб, 84 нафар моддий жавобгар шахс устидан тафтиш хужжатлари тузилди ва маъмурий органларга топширилди.

Бюджет маблағларини сарфлашда соғликни сақлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш каби устувор йўналишларни биринчи навбатда таъминлаш ўрнига маблағлар бошқа соҳаларга ишлатиб юборилган.

Вилоят ҳокимининг фармойиши билан вилоят ички ишлар бошқармасига, вилоят ҳокимлиги котибият мудирига ва бошқа бир қатор ташкилотларга бюджет хисобидан 21 миллион сўмлик 15 дона енгил автомашина олиб берилган. Янгибозор туманида эса ҳокимлик биноси таъмири учун кўзда тутилганидан 5 марта кўп маблағ сарфланган.

Хонқа тумани ҳокимлиги ихтиёрида 7 та турли русумдаги автомашина бўлишига қарамасдан, туман ҳокими (К.Ортиқов) салкам тўрт миллион сўм бюджет маблағи ҳисобига чет элда ишлаб чиқарилган "Жип" русумли хизмат автомашинаси сотиб олган. Бу қанақа бойваччалик?

Вилоятда нодавлат мулк шаклига мансуб ташкилотларни, кичик ва ўрта бизнес соҳаларини ривожлантиришга эътиборсизлик билан ёндашиш оқибатидаги охирги икки йил давомида мингдан ортиқ ана шундай корхоналарнинг фаолияти тўхтаб қолган. Қолганларининг ҳам ҳозирги пайтда факат 58 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятдаги давлат мулкига эга бўлган 175 та ҳиссадорлик жамиятларининг 45 таси бирор сўмлик ҳам акция сотмаган. Айрим туманларда "кимошди" савдолари ташкил этиш қониқарсиз аҳволда. Хонқа, Ҳазорасп, Урганч, Шовот, Янгиарқ туманларида ўтган йили бирон марта ҳам "кимошди" савдолари ўтказилмаган.

Соғлиқни сақлаш, маориф соҳаларидаги вазият ҳам ачинарли аҳволда. Мактабларнинг 96 таси мослаштирилган биноларда жойлашган, 13 та мактаб биноси авария ҳолатида. Мактабларда турли фанлар бўйича 600 дан ортиқ ўқитувчи этишмайди. 200 та мактаб тоза ичимлик суви билан таъминланмаган, 112 тасида спорт заллари, 310 тасида эса компьютер синфлари йўқ.

Бундай аҳволда Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур вилоятда қандай қилиб амалга оширилади?

Мен бир ҳақиқатни ҳар доим таъкидлайман: бизнинг келажагимиз, энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз - бу ўсиб келаётган ёш авлоддир. Мен ўз тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустахкам иродаси ва дунёқарашида кўраман, деб қайта-қайта айтганман.

Наҳотки вилоят раҳбарлари ана шу сўзлар маъносини англамасалар, деди Ислом Каримов. Қани уларда ёшлар тарбиясига эътибор? Эртанги кунни, келажакни кимларнинг қўлига топширасизлар? Қани, айтингларчи, нимани ўйляяпсизлар ўзи?

Вилоятнинг Урганч, Янгибозор, Кўшкўпир туманларида баъзи қишлоқ врачлик амбулаторияларида бирорта ҳам малакали врач ишламайди. Тиббий муассасаларни зарур дори-дармонлар билан таъминлаш ҳам ёмон аҳволда. Болалар орасидаги тиббий-профилактика ишларининг аҳволи қониқарсиз ҳолатда.

Аҳолининг 35 фоизи, жумладан, қишлоқ аҳолисининг 40 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланмагани бу соҳада олиб борилаётган ишларнинг қониқарсиз ташкил этилганидан далолат беради. ҲАР бир туман, ташкилот, хўжалик раҳбарлари ҳанузгача бу соҳаларда қуруқ ваъдалардан нарига ўтмаяптилар.

Аҳолини иш билан таъминлаш, қўшимча ишчи ўринлари очиш масалалари ҳам эътибордан четда қолмоқда. Вилоят аҳолиси йилига 24 минг кишига кўпайиб бораётганини эътиборга олсак, яқин кунларда ишсизлик вилоятда энг катта масалалардан бирига айланиши мумкин.

Аҳолининг барча қатламларида мафкуравий, маданий-маърифий, тарбиявий ишларни изчил равишда олиб бориш - бу замон талабидир.

Мен яна бир бор такрорлайман: мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур, чунки мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат йўлини йўқотиши муқаррар.

Қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура хукмронлик қилиши ҳам табиий.

Энг даҳшатли нарса - бу фикр қарамлиги, тафаккур қуллигидир. Агар оддий қилиб айтадиган бўлсак, ҳалқимизнинг "ЎҚочнинг бўшини қурт ейди", деган бир мақолини эслайлик. Худди шу каби маънавияти қашшоқ, ўзининг мустақил дунёқарашига, фикрига эга бўлмаган одамга ҳар қандай маккор ўз таъсирини ўтказа олади. Биз, ота-оналар, жамоатчилик бўлмаган жойларда бегона, ҳасад ва ёвуз кўз билан қаровчи кучлар пайдо бўлиши муқаррар.

Бу сўзларнинг исботи ўтган йили Наманганда бўлиб ўтган, шу йилнинг 16 февралида Тошкентда содир бўлган мудхиши воеаларда яқол кўринади.

Ўшлар - бамисоли навниҳол, агар уларни тўғри ўстириб, парваришлаб вояга етказмасак, иймонсиз, ватанфуруш, Қаламис кимсалар уларни йўлдан оздиради. Бу кимсаларнинг кимлигини, уларнинг Қаразли мақсадларини ёшларга, бутун халқимизга тушунтириш раҳбарларнинг, фаолларнинг, кенг жамоатчиликнинг, қолаверса, ўзини мустақил Ўзбекистон фуқароси деб ҳисоблайдиган ҳар бир кишининг вазифаси, бурчи эмасми?

Очиғини айтиш керакки, вилоятда бу соҳада олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди. Аксарият маданият уйлари, кутубхоналар ишламайди. Улар давлатимиз ижтимоий-иктисодий, ички ва ташқи сиёсатига оид китоблар, рисолалар, матбуот нашрлари билан таъминланмаган.

Вилоят газеталарида кундалик ҳаётимизда учрайдиган камчиликларни фош этишга, уқувсиз, лоқайд раҳбарларни танқид қилишга доир ва ёшлар тарбиясига бағишлиланган материаллар деярли учрамайди.

Вилоят телевидениесида ҳам одамларни қизиқтирадиган, улар диққатини жалб этадиган танқидий ва муаммоли кўрсатувлар йўқ. Вилоят телевидениеси бунинг ўрнига кўпроқ чет эл кинофильмларини ёки ҳоким жанобларининг 55 ёшга кирганини "тараннум" этувчи кўрсатувларни намойиш қилиш билан овора.

Наҳотки бутун дунё тан олган Мухаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Замаҳшарий каби буюк алломаларимиз яшаб ўтган Хоразм заминида аҳвол шундай бўлса?

Энг ачинарлиси, мафкура соҳасида йўл қўйилган камчиликлар, муаммоларга юзаки қарашиб, ёшлар тарбияси ва уларнинг тақдирига бефарқ муносабатда бўлиш ёшлар орасида экстремистик диний оқимларга берилиш, гиёхвандлик, турли жиноятлар содир этилишига олиб келмоқда.

Вилоядта турли диний экстремизм оқимиға мансуб шахслар пайдо бўлиб, улар томонидан жиноятлар содир этилмоқда. Бундай соҳта, хилма-хил никоб остида пайдо бўлаётган оқимлар бизнинг аҳолимиз, асосан ҳали иймон-эътиқоди мустаҳкам бўлмаган ёшларимиз - фарзандларимиз, оиласларимиз бошига катта бало бўлиб тушмокда.

Шу муносабат билан яқин тарихимизни эслаб, таҳлил қиласиган бўлсак, ажиб бир ҳолатга дуч келамиз. Барчамизга маълум: ҳар қандай жамиятда, ҳар қайси мамлакатда текинхўр, ишёқмас, таъмагир, босқинчи, товламачи кимсалар учраб туради. Афсуски, бу ноҳуш ҳолат мавжудлигини дунёда ҳеч ким, ҳеч бир ҳалқ ёки жамият инкор этолмайди.

Бирор ҳалол меҳнати, пешона тери билан рўзКор тебратади, бола-чақа боқади. Чунки бундай одамларнинг қалбида иймони, диёнати, ор-номуси, охиратдан қўрқиши туйғуси бор, иродаси мустаҳкам. Аммо нопок йўллар билан, кимнингдир ризқини қийиб, одамларни қақшатиб бойлик орттиришни ўзига касб қилиб олган қабиҳ ниятли кимсалар хам борки, улар учун бундай мұқаддас тушунчалар мутлақо бегона.

Ўдингизда бўлса, 80-йилларнинг охирида ва 90-йилларнинг бошида бекарорлик, бошбошдоқлик авж олган бир даврда ҳар хил муттаҳамлар сиёсат майдонига чиқиб қолди. Сув лойқаланганда кўпик юзага чиққанидек, саёз фикрли, кибр-ҳаво кайфиятига берилиган, енгил-елпи йўл билан соҳта обрў орттиришни кўзлаган шуҳратпараст одамларнинг аслида ким бўлганини бугун халқимиз яхши билади. Бу ҳаракатлар бебош тўлқин каби дарёнинг чақир қирқокларига урилиб, беиз ўтиб кетди. Чунки унинг мақсади факат бузиш, емириш, бақириқ-чақириқ, шовқин-сурон солишдан иборат бўлгани учун меҳнаткаш, андишали, бағрикенг ҳалқимизни йўлдан оздира олмади.

Фалакнинг гардишини қарангки, ўз мақсадига етолмаган, иккиса ҳам курашга тўймайдиган, кеча демократ телпагини кийиб юрган бу кимсалар бугун экстремистик ваҳҳобийлик оқими билан бирлашмоқда.

Шундан кейин бу мунофиқ шахсларнинг на демократлигига, на диндорлигига ишониб бўладими?! ҲАМма гап шундаки, шакл бошқача-ю, мақсад ўша-ўша, яъни нима

қилиб бўлса ҳам амалга, мансабга эришиш! Ва ўз нопок мақсадларига эришиш учун барча ёвуз ниятлардан ҳам қайтмаслик.

Агар биз озгина бўлса-да бепарволикка йўл қўйсак, бундай ёвуз интилишларнинг вактида пайини қирқмасак, бу бало-казо халқимиз бошига кўп-кўп кулфатлар келтириши мумкин, деди Президент. Февраль воқеалари бу фикрни тасдиқлаб турибди. Нима, "тоза ислом", "ислом соғлиги учун" деган сохта шиорларни ниқоб қилиб олган бу кимсалар дини ислом макони бўлган юртимизда, дунёга Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк уламоларни берган халқимизга мусулмончиликни ўргатмоқчими?! Бундай даъволарни эшитганда, беихтиёр "АстаҚфуруллоҳ!" дегинг келади.

Аслида асрлар давомида дини исломни ким-кимга ўргатиб келган? Мана шу муқаддас Хоразм заминидан етишиб чиқсан улуғ аждодимиз Маҳмуд аз-Замаҳшарий дин равнақи йўлидаги беқиёс хизматлари учун "Жорууллоҳ" - яъни Аллоҳнинг қўшниси" деган юксак мақомга сазовор бўлган. У яратган "Ал-Муфассал" китоби араб тилининг грамматикасига асос этиб олинган ва араб дунёсида унга ҳозиргача амал қилинади. Шу боис араб мутафаккирларидан бири: "Оламдаги барча қишлоқлар жамланиб, Хоразмнинг биргина Замаҳшар қишлоқига фидо бўлса арзиди. Чунки бу қишлоқ минг йилларда бир марта дунёга келиши мумкин бўлган буюк аз-Замаҳшарийдек машҳур алломанинг ватанидир", деганида тўла ҳақлидир. Шундай буюк зотнинг авлодларига муқаддас эътиқодимизга ёт бўлган турли заарли, захарли таъсиirlарга берилиш ярашадими? Энг ачинарли томони шундаки, ўз орамиздан чиқсан бу кимсаларнинг орқасида катта маблағга эга бўлган, бизнинг юртимизни ўз таъсирига тобе этмоқчи бўлган сиёсий кучлар турибди. Кечагина ўзини ҳақиқий, тоза демократ, деб атаган, динга ҳам, худога ҳам ишонмаган, ҳаром-ҳариш йўлда юрган, манфаатпарастлик ва мансабпарастлик касалига мубтало бўлган кимсалар ўша ёвуз кучларнинг қўлида қўғирчоқ бўлиб, ўз Ватанига хиёнат қилмоқда. Бугун улар ўзаро бирлашиб, диний ақидапарастлик, "тоза ислом" ниқобига, либосига ўралиб, эътиқоди мустаҳкам бўлмаган баъзи ёшларни йўлдан оздирмоқдалар. ҲАР қанча афсус билан айтмайлик, бу аччиқ ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди.

Бундай "доҳий"ларнинг таъсири гирдобига тушаётган кимсалар ҳар қандай жиноят, ёвузиликдан ўзини тиймайди.

Биргина мисол келтирайлик. Ўзини ваҳҳобий деб юрган Урганч шахридаги 3-мактаб ўқитувчиси (бундай кимсаларни ўқитувчи дейишга ҳам тил бормайди!) С. Аллаёров уюшган жиноий гурух сафида 1998 йил 4 декабрь куни Тошкент вилоятининг Паркент туманида фуқаро А.Мамадхўжаевнинг уйига қилинган босқинчиликда иштирок этиб, қотиллик содир этган. 18 декабрь куни эса Ҳазорасп темир йўл бекатида милиция ходимларига ўқ узиб, улардан бирининг ўлимига сабаб бўлган. Мана сизга бу шахсларнинг ҳақиқий башараси.

Мана шундай йўл билан қанчадан-қанча ёшларнинг ҳаётини хазон қилган, уларни йўлдан урган, оғир жиноятларга етаклаган қўпорувчилар ва уларнинг чет элларда ватангадо бўлиб юрган "доҳийлари" халқимиз, миллатимиз олдида ўз кирдикорлари учун жавоб бериши керакми, йўқми?! Албатта, улар ўз жиноий қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришлари муқаррар.

Халқимизнинг, жамоатчилигимизнинг 16 февраль воқеаларига муносабати хусусида тўхталар экан, Президентимиз Ислом Каримов шундай деди: Куни кеча "Халқ сўзи" газетасида чоп этилган бир мақолага қўзим тушди. Мақола муаллифи, Боёвут туманидаги қишлоқ мактабининг тил ва адабиёт ўқитувчиси Мұхабbat Ўрозова шундай деб ёзади:

"16 февраль воқеаларини таҳлил қиласканман, ҳамиша хаёлимга бир гап келади. Хунрезлик ижрочилари шунчаки нотавон ва разил югурдаклардир. Уларнинг ортида ватанида кадр топмаган ва қадр топиши гумон бўлган ватанфурушлар турибди. Бу ватанфурушларнинг ҳам ҳомийлари бор. Бу ҳомийлар итга сужек ташлагандай ватангдолар олдига сужек ташлаб, ўз ноҚораларига ўйнатиш пайида бўлган кимсалардир".

Мана сизларга оддий бир ўзбек аёлининг жуда лўнда ва тўғри фикри. Миллион-миллион юртдошларимизнинг дилидаги гапларни ифода этувчи фикр.

Муаллима ватанфурӯшларга қаратада: "Менинг ҳар бир ҳамқишлоҚим эрта тонгда Аллоҳдан юрга тинчлик, фаровонлик тилар экан, сизларнинг маълум ва номаълум қиёфаларингизни кўз олдиларига келтиришиб, номингизга лаънатлар ёҚдираётганини айтиб қўйишни ўз бурчим деб биламан", деб ёзади.

Келинглар, биродарлар, барчамиз ана шу муаллима аёлга қўшилиб, ўша машъум воқеаларнинг қайтарилмас тарих бўлиб қолишини Аллоҳдан сўрайлик.

Энди икки оҚиз сўз вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти ҳақида. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, уларнинг ишлари бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Вилоятда уюшган жиноятчилик, ўта оғир ва қасддан содир этилган жиноятлар сони ошиб бормоқда.

Айниқса, қонунни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг жиноятга қўл уриши - бу мутлақо кечириб бўлмайдиган ҳол. Афсуски, вилоятда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг бундай қўлмишларига ҳанузгача чек қўйилмаяпти.

Ўтган йилда вилоят ички ишлар бошқармасининг 8 нафар, солиқ бошқармасининг 3 нафар ва божхона бошқармасининг 5 нафар ходими жиноий жавобгарликка тортилган. Бу кимсаларнинг аксарияти мансабини суистеъмол қилиш ва таъмагирлик билан боғлиқ жиноятлар содир этган. Жумладан, Питнак шаҳар ички ишлар бошқармаси ходими, милиция капитани Т.Мадримов 300 минг сўмга гиёхванд модда сотаётган пайтида қўлга олинган. Унинг уйидан 26 килограмм афюн топилган. Гурлан тумани давлат солиқ инспекциясининг инспектори Б.Умаров "Комплекс-Гурлан" масъулияти чекланган жамият таъсисчиси К.Собировдан 150 минг сўмни пора тариқасида олган, божхона инспектори Б.Абдуллаев ва Р.Бобожоновлар 1998 йилнинг 21 октябрь куни "Тошкент-Волгоград" поездидаги йўловчилардан юкларни божхона қўригидан ўтказмаслик эвазига 6 минг сўм пора олаётган пайтида ушланиб, ҳибсга олинган. Бундай мисолларни яна қўплаб келтириш мумкин.

Юртимизда, жумладан, Хоразм воҳасида яшаётган одамларнинг тақдирини ҳал қилишда, уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқишида раҳбарларнинг ўрни ва таъсири бекиёс, дея таъкидлари Президент. Бизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётимизда раҳбарнинг масъулияти, нафақат масъулияти, балки раҳбарнинг фидойилиги, нафақат фидойилиги, балки раҳбарнинг инсоний фазилатлари алоҳида аҳамиятга эга. Лекин барча раҳбарлар ҳам шу масъулиятни, ҳалқ билдирган шу ишончни етарли даражада ҳис этяпти, деб бўладими?

Хоразм аҳлининг ажойиб шеваси, бетакрор санъати, ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларидан иборат бўлган, бир сўз билан айтганда, ўзига ғоят ярашадиган хоразмча бир муҳити бор. Бошқалар бунга катта ҳавас билан қарайди.

Мана, олайлик, сизларнинг "ёшулли" деган бир сўзингиз бор. Содда қилиб ифодаласак, бу "ёши улуг" дегани. Лекин унинг замирида теран бир маъно мужассамлигини, менимча, ҳамма ҳам тўлиқ тушунмайди. Бу сўз ёшидан қатъи назар, эл-юрт хурматини қозонган, ҳалол, иймон-инсофли кишиларга нисбатан айтилади.

"Ўшулли" деган эҳтиромга сазовор бўлган одам шу номга муносиб бўлишга интилади, ўзида катта масъулият сезиб яшайди.

Ҳалқ бу сўзни кўпроқ раҳбарларга нисбат бериб ишлатади. Шундай экан, чинакам ёшулли бўлмоқни орзу қиласиган ҳар бир раҳбар адолат, қатъият, фидойилик, билимдонлик, ташкилотчилик мезонларига амал қилиб яшashi ва ишлаши зарур.

Бизнинг ҳалқимизга хос бўлган улуг бир хусусият борки, ўзбек миллатига мансуб одам ўз ҳаётини ватандан айри ҳолда асло тасаввур этолмайди, деди Йўлбошчимиз. Ўзбек тақдир тақозоси билан бошқа мамлакатларда, айтайлик, Саудия Арабистони, Афғонистон, Туркия ёки Америкада истиқомат қилса ҳам, қалбида Ватан соғинчи, Ватан ҳасрати абадий яшайди.

Чет элдаги ватандошларимиз билан учрашганда мен уларнинг кўзида, сўзида бу ҳолатни кўп бор сезганман. Шунинг учун ҳам агар бирор менга, туғилган юртидан чиқиб кетиб, ёт элларда ўзини чинакам баҳтли деб ҳисоблайдиган бирорта хоразмлик бор деса, мен бу гапга асло ишонмайман. Хоразм ҳалқ кўшикларининг бирида: "Ўт элларнинг боғи билан боғчаси, Хоразмнинг янтоғича кўринмас", деган сўзларнинг борлиги ҳам шу фикрни тасдиқлади.

Мен Хоразмни ахил бир оила деб биламан. Хонадоннинг ҳар бир аъзоси оиланинг доимий дикқат-эътиборида бўлганидек, Хоразмда яшайдиган ҳеч бир одам ўз юриштуришини, хатти-ҳаракатини эл кўзидан яшиrolмайди. ҲАМмаси ойнадагидек яққол кўриниб туради.

Чунки Хоразм аҳлига хос бетакрор Ғурур туйғуси бор. Хоразмликлар ўз заминига шундай қизқин меҳр қўйганки, кимда-ким ножӯя ишлари билан бу эл шаънига доҚ туширмоқчи бўлса, бу ерда яшайдиган ҳар бир инсон юрт эгаси, юрт оқаси сифатида ўзида катта масъулият сезади.

Шу нуктаи назардан қараганда, раҳбарларнинг фаолияти, уларнинг хусусиятлари ҳамиша эл назарида бўлади. Ҳурматли ҳокимлар, раҳбарлар, шуни унумтандеки, сизларни рентген каби текширадиган, ишларингизга ҳаққоний ва одил баҳо берадиган мезон - шу юртда яшайдиган одамларнинг кўзи, фикри, улар чиқарадиган хулосадир.

Бу юрт аҳлида андиша кучли, улар мулоим гапиради, бетгачопарлик қилмайди, лекин ҳар бир одамнинг раҳбар ҳақида ўз фикри, ўз баҳо ва хулосаси албатта бўлади.

Шунинг учун мен минг бор афсусланиб, куюниб, барака топкур раҳбарлар, сизлар учун айтмоқчиман: модомики, шундай экан, ўзингизга қараб юрсангиз бўлмайдими? Нафс балосидан, унинг гирдобига тушшиб қолишдан ўзингизни тиймайсизларми?

Ахир, бу ўткинчи дунёда фақат яхши ном қолдириш, ҳалол меҳнат туфайли қозонган обрў-эътибор билан фарзандлар хотирасида қолиш - ҳар бир инсон учун шараф эмасми?

Афсуски, бугунги мажлисда мен мана шу аччиқ, оғир гапларни сизларга яна тақроран айтишга мажбурман, деди Ислом Каримов. Кўпчиликка бошчилик қилиш, етакчи бўлиш - бу ғоят масъулиятли, оғир иш. Амалга оширилаётган ишлар, ислоҳотлар жараёни, маънавий-ахлоқий мухитнинг соҚломлиги албатта, авваламбор биринчи раҳбарга, унинг акл-идроқи, виждони, билим ва маҳоратига боғлиқ.

Бугун шуни катта таассуф билан айтишим керакки, вилоят ҳокими Искандар Юсупов кўпгина ижобий ишлар қилгани билан бир қаторда, кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйиш масаласида ўзини йўқотиб қўйгани, атрофидаги яқинлари, ошна-оқайнилари, таниш-билишлари таъсирига тушгани, айниқса, кечириб бўлмайдиган ҳолдир.

Лекин бугун гап фақат Искандар Юсупов ҳақида бораётгани йўқ. Буни яхши билиб кўйинглар. Гап вилоятдаги ижтимоий вазият, маънавий-ахлоқий мухит ҳақида кетяпти. Вилоятдаги ҳокимларнинг, катта-кичик раҳбарларнинг обрўси ҳақида кетяпти. Ва шу раҳбарларга одамларнинг муносабати, ишончи, кишиларнинг шу камчиликлар туфайли вужудга келган кайфияти ҳақида кетяпти.

Адолат бузилдими, раҳбар ўзининг устидан назоратни йўқотдими, атрофини қариндош-уруғи, таниш-билишлари ўраб олдими, оёғи ердан узилдими, иймон-иродаси сусайдими - билингки, вилоятда ёки туманда мухит бузилади. Одамларнинг бир-бирига ишончи йўқолади, мишишлар, шу билан бирга, ҳар хил уйдирмалар ҳам кучайиб кетади.

Энг ёмони шундаки, иш ўрнига гурухбозлик, шикоятбозлик, ўзаро зиддият ва низолардан иборат носоҚлом вазият вужудга келади, меҳнат самараси йўқолади. Бундай кайфият бир тумандан бутун вилоятга тарқалади, ишимизга, ҳаётимизга, ривожланишимизга халақит берадиган тўсиққа айланиб қолади.

Бугун биз бундай ноxуш оқибатларга сабаб бўлиши мумкин бўлган бу ҳолатнинг олдини олиш, вилоятдаги ижтимоий-маънавий мухитни соҚломлаштириш мақсадида тегишли чора ва ташкилий масалаларни кўриб, зарур қарорларни қабул қилишимиз керак.

Хоразм тарихи инсоният ҳаётининг энг қадим даврлари маданиятини, маърифатини ўзида мужассам этган, деди давлатимиз раҳбари пировардида. Бу муқаддас замин

тариҳини биз 2700 йилдан зиёд деб биламиз. Энг мўътабар қадимги қўлёzmамиз "Авесто" мана шу ўлкада яратилгани ҳам буни яна бир бор тасдиқлайди.

Бу йил биз Хоразм заминининг машхур сиймолари - мардлик ва ватанпарварлик тимсоли Жалолиддин Мангубердининг 800 йиллик юбилейи, адабиётимизнинг ёрқин намояндадаридан бири, буюк шоир ва таржимон, тариҳчи аллома Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг 190 йиллик таваллуд тўйларини нафақат Хоразмда, балки бутун мамлакатимизда кенг нишонлаймиз, иншоолло.

Ишончим комилки, ана шундай бой тариҳнинг, маданиятнинг, дехқончилик илмининг муносиб ворислари бўлган сиз, азиз хоразмликлар, бугунги йиғилишдан тўғри хulosалар чиқариб оласизлар. Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ижтимоий-иктисодий соҳаларда кескин ўзгаришларга замин яратиб, Хоразм вилоятининг обрў-эътиборини кўтаришга, унинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ва янгиланиш жараёнида муносиб ўрин олишига ўз ҳиссангизни қўшасизлар.

## ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ИНТИЛМОҚДА

Мұхтарам депутатлар!

Ўтаётган ҳар бир кун, тиним билмас вақт бизни XXI асрға тобора яқинлаштироқда.

Шу мұносабат билан "Биз келгуси асрға ўзимиз билан нималарни олиб ўтишимиз мүмкін ва зарур? Ва нималардан воз кешишимиз даркор? Ўз ҳәётимизни қандай йүллар билан яхшиламоқчимиз? Янги минг йилликда қандай муаммоларнинг ечими бизнинг дикқат-эътиборимиз марказида турмоғи лозим?" деган саволларга жавоб излашга түгри келади.

Бу ва бошқа күплаб долзарб саволларга жавоб топиш учун биз бугун яна ва яна янги тарихимиз бошланған даврга мурожаат этишимиз, агар таъбир жоиз бўлса, кўз ўнгимиздан ўтказишимиз зарур. Чунки ўша даврда мустақиллигимизнинг тамал тоши қўйилди. Ўз ҳәётимизни обод қилиш, халқимиз учун муқаддас бўлган қадриятларга, улкан тарихий меросга таянган, шу билан бирга, умумэътироф этилган демократик тамойил ва меъёрларга риоя қилган ҳолда, мамлакатимизни ўзимиз хоҳлагандек қуриш имконияти туғилди.

Ҳәётимизда қандай ўзгаришлар рўй берганини баҳолаш учун бизга собиқ Иттифоқдан, эски мустабид тузумдан қандай тарихий мерос қолганини яна бир карра эслашимиз зарур, деб ўйлайман.

Энг аввало, бизга мўрт, заиф, бир ёклама ривожланган, пахта яккаҳокимлиги ва бой минерал-хом ашё ресурсларидан назоратсиз, аёвсиз фойдаланиш асосига қурилган иқтисодиёт оғир мерос бўлиб қолганини айтиш лозим.

Иқтисодий ривожланишнинг хом ашёвий йўналишини, хом ашёни оддий - содда қайта ишлаш қувватларининг ибтидоий дарражасини, ишлаб чиқаришнинг четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуна ва бутловчи қисмларга буткул қарамлигини ҳисобга олсак, бу оғир мероснинг ноқобил жиҳатлари янада ёрқин намоён бўлади.

Бу оғир мероснинг яна бир хусусияти - республиканинг ёқилғи ва ғалла масаласида марказга қарамлигида, ун, шакар, гўшт, сут маҳсулотлари каби энг мухим озиқ-овқат молларининг, бошқа халқ истеъмоли товарларининг, тайёр маҳсулотларнинг четдан олиб келинишида яққол кўринади.

Мамлакатимиздан катта миқдордаги - этиштирилган пахта ҳосилининг аксарият ҳажми - моддий бойлик сувтекинга ташиб кетилар эди. Олтин, қимматбаҳо ва рангли металлар, стратегик аҳамиятга эга материаллар, жаҳон бозорида ўта харидоргир бўлган бошқа қимматбаҳо маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишдан келадиган фойда Ўзбекистон хазинасига тушмас эди.

Бундай вазият республикада ўткир ижтимоий, экологик муаммолар ҳал этилмаётган, нуфуси жадал суръатда ўсиб бораётган, аҳоли турмуш даражаси жиҳатидан собиқ СССРда энг охирги ўринлардан бирида турган пайтда рўй бераётгани айниқса ачинарли эди.

Шундай улкан салоҳиятга эга бўлган мамлакатни камситадиган оғир аҳволга солиб қўйиб, у қонуний, ҳақли равишда ўзига қарашли бўлган маблағни марказдан дотация сифатида сўраб, айтиш мумкини, ёлвориб олишга мажбур эди.

Боз устига, ноинсоний Ғоя ҳукмрон бўлган мустабид тузум ўзининг бор мафкуравий қучини, оммавий ахборот воситаларини, бутун маориф тизимини ишга солиб одамлар онгини кенг миқёсда заҳарлар эди. Уларнинг миллий ва диний туйғуларини қўпол равишда камситар, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатар эди. Ўз она тилини, миллий анъана ва маданиятини, ўз тарихини билмаслик кўплаб одамларнинг шахсий фожиасига айланиб қолган эди.

Миллий ўзликни англашга бўлган табиий интилиш жоҳилона инкор этиларди. Наврӯз, Рамазон, Курбон Ҳайити каби кўплаб муқаддас миллий байрамлар тақиқ этилган эди. Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарқоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Хожа Аҳорори Валий, Абдулхолик ғиждувоний каби буюк аждодларимизнинг, Абдулла

Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Усмон Носир каби миллий-озодлик ҳаракати фидойиларининг номларини халқимиз хотирасидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинар эди.

Бизга эски мустабид, маъмурий-буйруқбозлиқ тизимидан қолган мерос асосан ана шулардан иборат эди.

Бугун ўша давр тўғрисидаги ҳақиқатни холисона айтадиган бўлсак, у замондаги ҳаётимизни жаҳон тарихи ва амалиёти билан таққослайдиган бўлсак, шуни очик айтиш керакки, у пайтда Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга - марказга бутунлай қарам, издан чиқкан иқтисодиётга эга бўлган ярим мустамлака мамлакат қаторига айланган эди.

Азиз дўстлар!

Мустақиллик йилларида ҳаётнинг ўзи кўп нарсаларга бизнинг кўзимизни очиб берди, кўп нарсага ўргатди. Собиқ Шўролар ҳудудидаги аксарият мамлакатлардан фарқли ўлароқ, биз баландпарвоз ҳавас ва шиорларга, ҳавои кайфиятларга берилмадик. Бу касаллиқдан ўзимизни сақлай олдик. Чунки кўпчилик эски тузумни рад этиб, эски тизимни бузиш, демократик жамият ва бозор муносабатлари дастурини эълон қилиб, ўзини ҳақиқий демократия тарафдори дея жар солишининг ўзи янги ҳаёт қуриш учун етарли, деб ўйлади.

Ўолбуки, бошқа халқлар тарихи ўзгача аччиқ ҳақиқатни тасдиқлайди: иқтисодий ривожланган, тараққий топган мамлакатлар халқлари бугунги ҳаёт даражасига этиш учун, ўз ҳақ-хуқуқларидан, эркинликларидан ва бошқа неъматлардан тўлиқ фойдаланиш учун кўп-кўп йиллар, балки юз йиллаб тинимсиз ва машаққатли меҳнат қилганлар.

Биз эски тизим ўз ўрнини осонликча бўшатиб бермаслигини, унинг заҳарли мафкураси одамлар онгини тез ва енгил ўз таъсиридан, исканжасидан чиқармаслигини етарли даражада ўзимизга тасаввур қилишимиз ва хисобга олишимиз зарур эди.

Энг муҳими, янги ижтимоий муносабатларнинг зарур асосини, заминини, керак бўлса, пойдеворини қуриб олиш учун маълум вақт керак эди.

Янги демократик ташкилотларни шакллантириш, янги қонунларни, демократик тушунчалар, мустақил давлатни бошқарув ва эркин иқтисодий тизим нормаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва қундалик ҳаётга татбиқ этиш зарур эди. Энг асосийси, жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнини бошкарадиган ва таъминлайдиган, янгича фикрлайдиган одамларни тарбиялаш учун ҳам муайян фурсат керак эди.

Муҳими, одамларнинг эски тафаккур қолипларидан воз кечишлирига эришиш керак эди. Улар инсоният тарихида ҳеч қачон бир тизимдан мутлақо янги тизимга ўтиш силлиқ кечмаганини, бунинг учун жамият доимо муайян қийинчилкларни бошидан кечириши табиий ва объектив ҳол эканини амалда англаб олишлари зарур эди. Ҳаётда ҳар бир нарсанинг баҳоси бўлганидек, фаровон турмушга эришишнинг ҳам албатта ўз тоштарозиси бор. Бошқача айтганда, одамзод бир нарсага эришмок учун маълум вақт ҳузур-ҳаловатдан воз кечишига ҳам тўғри келади. Буни ҳаётнинг ўзи тасдиқлайди.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, энг муҳими, халқимизнинг кайфиятини бузмаслик мақсадида, ўтиш даврида унинг бошига тушган оғир юқ ва ташвишларни енгил қилиш, мураккаб синовларда ҳеч кимнинг бурнини қонатмасдан, узок ва яқин кўшниларимиз билан teng ва дўстона алоқа қуриб, босқичма-босқич сиёsat олиб боришга ҳаракат қилдик.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, нисбатан қисқа вақт мобайнида Ўзбекистонни мустақил ривожлантириш борасида биз нималарга эришдик?

1. Авваламбор, Аллоҳ таолонинг иродаси ва марҳамати билан мустақиллик ва истиқлолимизни қўлга киритиб, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш, барча табиий, минерал-хом ашё бойликларимиздан, мамлакатнинг бутун салоҳиятидан ўз халқимиз ва унинг келажаги манфаатлари йўлида фойдаланиш хуқуқига эга бўлдик.

Дунё ҳаритасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган янги давлат - Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

2. Мамлакатда сохта Фоя, маъмурий-буйруқбозлик асосига қурилган, собиқ Иттифоқнинг мустабид тизимиға барҳам берилди. Маълумки, аввал зикр этилганидек, бу тизимда Ўзбекистон фақатгина хом ашё базаси, бошқача айтганда, ярим мустамлака ўлка эди.

3. Эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг конституцион, ҳуқуқий ва амалий асосларини яратишга муваффақ бўлдик.

4. Ана шу асосда давлат ва жамиятни, иқтисодиётни, молия ва пул муомаласини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда бошқаришнинг янги тизимини барпо этишга эришдик. Жамиятда янги маънавий ва ахлоқий қадриятларнинг устуворлиги таъминланди.

5. Мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва ўрни ошишига хизмат қиладиган, унинг манфаатлариға мос келадиган ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг мустақил йўли шаклланди ва изчил амалга оширилмоқда.

6. Мамлакатимизнинг сарҳадлари ва суверенитетини ҳимоя қилишга қодир бўлган янги миллий армия тузилди. Давлатда хавфсизлик ва жамоат тартибини таъмин этувчи мутлақо янги асосдаги тизим яратилди.

7. Тарихий, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизнинг жамиятни маънавий юксалишидаги ўрни ва аҳамияти қайта тикланди.

8. Бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз - бу умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тутувлиқдир. Одамларимиз тафаккурида бу қадриятнинг бекиёс аҳамиятини англаб этиш түйғуси тобора юксалиб бормоқда.

9. Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси кундан-кунга ўзгармоқда. Иқтисодиёт ва жамиятда шахсий мулк ва мулқдорларнинг, тадбиркорларнинг мавқеи ва ўрни мустаҳкамланмоқда.

Йирик иншоотлар, корхоналар, завод ва фабрикаларнинг қурилгани, ёқилғи ва ғалла мустақиллигига эришилгани, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, изчил ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорлик, одамларнинг моддий ва ижтимоий ҳаётидаги сезиларли ижобий ўзгаришлар - буларнинг бари биз танлаган тараққиёт моделининг тўғрилигини тасдиқловчи далиллардир ва бугунги кунда бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор эта олмайди.

10. Одамларимизнинг тафаккури ва ҳаётга муносабати ўзгармоқда. Ўтмиш қолипларидан воз кечган жамиятимиз аъзолари ҳаётдаги ўз ўрнини янгича тасаввур этмоқда, ўз кучига ишончи ортиб бормоқда. Кишиларимиз онгода демократик қадриятлар мустаҳкамланмоқда. Бу йиллар давомида биз эришган энг катта ва энг муҳим ютуқ - бу аҳолининг фаоллиги ошаётгани, ҳаётимизни ислоҳ этиш ва янгилаш зарурлигига, мамлакатимизнинг келажагига бўлган қатъий ишончидир.

Ўтган давр мобайнида эришилган ютуқларнинг мана шу оддий рўйхати замирида, аввало ўтиш даврининг асосий тамойил ва устувор йўналишларини шакллантириш борасида амалга оширилган катта ишлар, бугуни ва келажагини ўз қўли билан бунёд этаётган миллионлаб ватандошларимизнинг иродаси, ақл-заковати ва фидокорона меҳнати ётиби.

Буни ҳеч ким ва ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги зарур. Мен яна ва яна бир карра ҳалқимга таъзим қилиб айтмокчиман: энг оғир, энг мураккаб пайтларда, дамларда ҳам танти, бағри кенг, меҳнаткаш ҳалқимиз менинг энг ишончли таянчим ва суюнчим бўлган ва, иншоолло, келгусида ҳам шундай бўлиб қолишига аминман.

Азиз ватандошлар!

Шу йил 16 февраль куни Тошкентда рўй берган фожиали воқеалар кўп нарсаларга кўзимизни очиб берди, десак, ўйлайманки, сизлар менинг бу фикримга қўшиласиз. Биз ўзимизнинг аччиқ тажрибамизда Ўзбекистон мустақиллигига ҳақиқий хавф-хатарлар борлигига қайта-қайта амин бўлмоқдамиз. Бундай кирдикорлардан мақсад - мамлакатдаги

ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни издан чиқаришга уринишдир.

Бошқача айтганда, бундан мақсад халқимизнинг фаровон ҳаёт куришга бўлган интилишини, изчил ривожланишимиз ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидаги эзгу ниятларимиз пойдеворини барбод этишдан иборатdir. Ана шу фожиали воқеаларнинг асосий сабаблари ҳақида тўхталар эканман, мен сизларнинг эътиборингизни очик-ойдин турган иккита хавф-хатарга қаратмоқчи эдим:

Биринчи. Мамлакат ташқарисидаги тажовузкор ақидапараст кучлар ислом дини халқимиз учун мукаддас қадрият эканидан фойдаланиб, Ўзбекистонни демократик, маърифий тараққиёт йўлидан оҚдиришга интилмоқдалар.

Иккинчи. Биз шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз керакки, ҳали-ҳануз бизнинг мустақил йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва хукмронлик қилишга уринаётган кучлар мавжуд.

Фурсатдан фойдаланиб, мен яна бир карра таъкидламоқчиман: бугунги кунда ҳам агар бирор кимсанинг хаёлида бизни танлаган йўлимиздан оҚдириш, хонадонимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузиш истаги бўлса, билиб қўйсинки, энди кеч бўлди. Бизга тазийқ ўтказиш, турли хил бузКунчилик, портлашлар, террористик ҳаракатлар билан мамлакат раҳбарини маҳв этиш, ҳаётимизни издан чиқариш, олдимизга қўйилган мақсадлардан чалҚитишга уриниш вақти ўтди.

Тарихни ҳеч қачон ортга қайтариб бўлмайди. Етти йил ичида иқтисодиётни, жамиятнинг ўзини янгилаш ва ислоҳ қилиш, ўзгаришлар ортга қайтариб бўлмас жараёнга айланди. Биз буни тўла ишонч билан айта оламиз.

Ўшидан, миллатидан, динидан қатъи назар, мамлакатимизда истиқомат қиласидиган оддий одамларнинг бу воқеаларга муносабати кейинги йилларда халқимизнинг ўзлигини англаши, мустақил, эркин давлат, демократик жамият куришга бўлган хоҳиш-иродаси нечоғли кучли эканини яна бир карра тасдиқламоқда.

Ўтказилаётган янгиланиш ва ислоҳотлар йўлини, амалга оширилаётган барча ўзгаришларни халқимиз қўллаб-қувватлаётганини кўрсатмоқда. Биз Ўзбекистон халқини ҳеч нарса билан қўрқитиб бўлмаслигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Чунки ўтган давр мобайнида одамларнинг ўзи, уларнинг тафаккури, ҳаётга бўлган муносабати мутлақо ўзгарди.

Барчага мана шу оддий ҳақиқат аён бўлиши керак: ўз тақдирини ўз қўлига олган, эркинлик ва мустақиллик ҳавосидан бир бора кўксини тўлдириб нафас олган, танланган тараққиёт ва фаровонлик йўлининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилган ҳар қайси одам ва бутун бир халқ ҳеч қачон ўз эътиқодидан қайтмайди.

Биз яна шу нарсага ишонч ҳосил қилдикки, Ўзбекистоннинг мустақилликка интилиши, мамлакатимизда ўтказилаётган ўзгаришлар ва ислоҳотлар йўли халқаро ҳамжамият, биз билан ҳамкорлик қилаётган хорижий мамлакатлар, компаниялар, фирмалар ва банклар томонидан астойдил қўллаб-қувватланмоқда. Буни жаҳон ҳамжамиятиянинг муносабатидан, деярли барча хорижий мамлакатлар раҳбарлари бизни қўллаб-қувватлаётганидан ҳам билса бўлади.

Кўплаб хорижий шерикларимиз - ишбилармон доиралар вакилларининг бизга изхор этаётган хайриҳоҳлиги ва мадади шуни кўрсатадики, уларнинг барчаси Ўзбекистонда бугун ўз бизнеси билан шуғулланмоқда ёки шуғулланишни истайди. Улар бизга бўлган хавф-хатарга қарши мамлакатимиз иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар ҳажмини янада қўпайтириш билан жавоб бермоқдалар. Ўзбекистондан минглаб километр узоқликда яшаётган, ўзбек халқини чин дилдан қўллаб-қувватлаётган оддий одамларнинг бу воқеаларга муносабати ҳам юқорида зикр этилган фикрни тасдиқлайди.

Менинг номимга келаётган минглаб хатлардан бирини сизларнинг эътиборингизга мисол тариқасида ҳавола этмоқчиман: "Менинг исмим Андерс Твейгард. Мен сизни қўллаб-қувватлашимни изхор этиш мақсадида Норвегиядан мактуб йўлламоқдаман. Сизнинг сиёсатингиз ҳақида кўп ўқийман, мамлакатингиз тараққиёти учун амалга

ошираётган ишларингизни юксак қадрлайман. Шу фурсатдан фойдаланиб, менга ўз дастхатингиз билан суратингизни юборишингизни сўрайман..."

Мана шу оддий мисолнинг ўзи бизга кўрсатилаётган хайриҳоҳлик ва хурмат-эҳтиромнинг бир кўриниши эмасми?!

Оғир кунда бизнинг кўнглиминг кўтарган, қурбон бўлганларнинг, бегуноҳ кетганларнинг оилаларига ҳамдардлик изҳор этган, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ва бозор иқтисодиёти ўзгаришлари, жамиятни янгилаш йўлини қўллаб-қувватлаётган хорижлик дўстларимизга чукур миннатдорлик билдирамиз.

Муҳтарам депутатлар!

Бугун, янги минг йиллик арафасида, бутун маърифатли дунё ўз тараққиёт истиқболлари, стратегиясини белгилаб олмоқда.

Собиқ Иттифоқ худудида ташкил топган янги мустақил давлатлар учун бу вазифа алоҳида маъно-мазмун касб этади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва жамиятни ўзгартириш борасидаги ишлар натижасини холис баҳолаш, устувор йўналишлар ва бундан кейинги ривожланиш стратегиясини шакллантириш янги аср бўсақасида турган кўпгина давлатлар учун хос бўлган умумий хусусиятдир.

Шу йилнинг охирларида Ўзбекистонда ҳокимият олий органларига сайлов ўтказилишини ҳисобга олсан, бу вазифа биз учун ҳам нақадар муҳим эканлиги аён бўлади.

Такрор-такрор айтмоқчиман: жамиятни янгилашнинг инқилобий усуllibарига биз мутлақо қаршимиз. Биз тадрижий - эволюцион ислоҳотлар йўли тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қиласиз. Мамлакатимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини, халқимиз табиатини - менталитетини инобатга олсан, ривожланишнинг мазкур йўли биз учун ниҳоятда мақбулдир.

Шу нуқтаи назардан, ҳаётнинг ўзи, иқтисодиётни ислоҳ этиш ва жамиятни янгилашнинг "ўзбекча модели" танлаган йўлимиз ва тамойилларимизнинг тўғри эканини кўрсатмоқда.

Ислоҳотларнинг айнан босқичма-босқич амалга оширилиши, демократик ва бозор ислоҳотларини кучли ижтимоий сиёsat, аҳолининг ноҷор қатламларини муҳофаза қилиш билан уйғун олиб борилиши ижобий натижалар бермоқда. Бу ҳол, менинг назаримда, сиёсатимизнинг қўллаб-қувватланиши ва эътироф этилишига сабаб бўлмоқда.

Ютуқларимизга, энг аввало, ислоҳотларнинг аҳоли томонидан қўллаб-қувватланишига таянган ҳолда, уларни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олишимиз керак. Шуни унутмайликки, бундан саккиз йил муқаддам бошланган янгилаши жараёнининг ютуқлари, халқимиз учун фаровон турмуш шароитларини яратиш, олдимишга кўйган мақсадларга етишмогимиз - буларнинг барчаси истиқбол режаларини нечоғли аниқ, оқилона ва энг муҳими, реал белгилаб олишимизга боғлиқ.

Шундай қилиб, XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат бўлиши керак?

Биринчи устувор йўналиш - мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият курилишини янада эркинлаштириш.

Ўзбекистондаги ислоҳотлар ва янгилаши жараёнларига баҳо берар эканмиз, шуни таъкидлашни истардимки, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш йўли ўз моҳият эътиборига кўра мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғинига айланди.

Шу билан бирга, табиийки, биз бугунги эркинлаштириш жараёнларига, жамиятимизни демократиялаштириш натижаларига бу йўлда эришилган дастлабки босқич сифатида қараймиз.

Шундан келиб чиқкан ҳолда, эркинлаштириш тамойилини кенгайтириш соҳасидаги асосий йўналишларни белгилар эканмиз, диққат-эътиборимизни кўпроқ қайси вазифаларга қаратишимиш зарур?

Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида: авваламбор, ахолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизmlарни шакллантириш зарур.

Демократиянинг энг муҳим тамойили - одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиширодасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим.

Шу маънода ҳокимият тузилмаларига бўладиган навбатдаги сайловлар жамиятни эркинлаштириш ва демократик ислоҳотлар йўлида сиёсий тизимимиз учун катта синов бўлади.

Сайловларни Конституциямиз ва қонунчилигимиз талабларига қатъий таянган ҳолда, умумэътироф этилган халқаро амалиёт меъёрлари доирасида ўtkазиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги асосий вазифалар ҳокимият барча тармоқларининг бир-бираидан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларни ўз ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишини кучайтиришдан иборат.

Иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштириш мақсади - биринчи навбатда давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулқдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш демакдир.

Иккинчи устувор йўналиш - жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат. Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамладиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиласман.

Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танидиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ходисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак.

Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидағи аҳвол, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, анъаналаримизнинг сақланиши маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқдир.

Учинчи устувор йўналиш - кадрлар масаласи. Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ.

Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этиш, ҳеч бир муболағасиз, стратегик мақсадларимиз - фаровон, қудратли, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишимизнинг асоси бўлмоғи зарур.

Тўртингчи устувор йўналиш - халқ турмуш даражасининг изчил ва баркарор ўсиши ахолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этади.

Ахолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ислоҳотларнинг барча босқичида асосий йўналиш бўлиб хизмат қиласми. Бу ислоҳотларимизга асос қилиб олинган беш

тамойилдан биридир. Биз бундан кейин ҳам шу тамойилга таянган ҳолда иш олиб боришимиш керак.

Бешинчи устувор йўналиш - бу иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлашдир. Мазкур ўзгаришлар корхоналарни янгилаш ва техник қайта жихозлашга, мамлакатнинг бой табиий ва минерал-хом ашё салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланишга, экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоғи даркор.

Олтинчи устувор йўналиш - жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз худудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқлилик асосида шерикчилик қилиш, барча можаро ва муаммоларни фақат тинч сиёсий ва ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиш тарафдори эканини яна бир бор маълум қилмоқчиман.

Аммо минтақадаги аҳвол, дунёнинг бошқа худудларида вазиятнинг кескинлашуви Ўзбекистоннинг суверенитетига, изчил ва барқарор ривожига хавф солиши мумкин бўлган кучларга муносиб жавоб қайтарадиган хавфсизлик тизимларини яратишни тақозо этмоқда. Мазкур вазифаларни бажарган тақдирдагина биз фаровон турмушга, адолатли хаётга эришамиз, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб ўрнимиз ва нуфузимиз бўлади.

Азиз ватандошлар!

Мазкур йўналишлар ҳақида гап борар экан, албатта, биз учун бу ишлар янгилик эмаслигини айтиб ўтмоқчиман. Гап, аввало, аллақачон бошланган ислоҳотлар моҳиятини янада теранроқ идрок этиш ва уни чуқурлаштириш, тараққиёт ва ривожланиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз гарови - муҳим йўналишларни муайян шароитларда рўёбга чиқариш ҳақида бормоқда.

Мазкур вазифаларни бажариш ва энг аввало, жамиятни янада эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш учун нима қилишимиз, дикқат-эътиборимиз, имкониятларимизни нималарга қаратишимиш керак?

Энг аввало, қонунчилик фаолиятимиздаги камчиликларни танқидий баҳолаб, бартараф этиш, қонунларимизнинг мукаммал ва изчил бўлишига эришмоғимиз ва, энг муҳими, барча ҳуқуқий давлатлар қаторида қонун асосида яшашни ўрганишимиз зарур. Шу билан бирга, қонунчилик ва меъёрий асосларни шакллантириш жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ этиш жараёнидан олдинроқ юриши керак.

Аҳолимизнинг сиёсий фаоллиги ҳали замон талаблари даражасида эмаслигини, ҳамон суст эканини қайта-қайта айтишга тўғри келмоқда. Тан олишимиз керак: эски андозалардан тўлиқ қутула олмаяпмиз. Барча муҳим қарорлар юқоридан қабул қилиниб, бизларни бор-йўғи итоатгўй ижрочиларга, баъзан ўйланмай қабул қилинган қарорлар курбонига айлантирган маъмурий-буйруқбозлик, мустабид тузум иллатларидан жудо бўлишимиз қийин кечяпти.

Сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур. Бошқача айтганда, жамият марказда ва жойларда сайланган ҳокимият ўз тақдирини қай тарзда ҳал этаётгани, уларнинг истиқболини қай тарзда белгилаётганидан хабардор бўлиб туриши керак.

ҲАР бир инсон жамиятдаги ўз ўрнини билиши, ўзини жамиятнинг ажralmas қисми деб ҳис этиши даркор.

Жамиятни демократиялаш жараёни сиёсий институтлар - партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ.

Бу гап, аввало, партиялар масаласига тааллуқли. Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётидан муносиб ўрин ололмаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Айтиш керакки, бу танқид ўринлидир.

Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ҳокимият тизимларидан, аввало ҳокимиятнинг сайлаб олинаётган органларидан ўрин олиш учун курашар эканлар, аниқ мақсадлари, ҳаракат дастурлари бўлиши керак. Токи бу дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатдаги ижобий ўзгаришларга баракали таъсир этсин.

Бунинг учун аввало партия етакчилари ҳам, уларнинг тарафдорлари ҳам нима учун ва нимага қарши курашаётгандарини аниқ-равshan тасаввур этишлари зарур.

Барча демократик давлатларда бўлганидек, бизда ҳам партияларнинг ўзаро кураши, Фоя ва қарашларнинг рақобати, керак бўлса, сайловчилар овози учун кураш бўлиши табиий. Албатта, бу кураш мамлакатда қабул қилинган конституцион ҳукуқий меъёрлар ва қонунчилик тартиб-қоидалари доирасида олиб борилиши керак.

Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат тизимларининг мавқеи ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Сўнгги беш йил ичиде жамоат бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар сони 1500 тага кўпайиб, бугун уларнинг сони 2300 тага етди. Улар фақат аҳоли фикрининг турли кўринишларини ифода этиб қолмасдан, одамларнинг ижтимоий фикрини шакллантиришга ҳам фаол таъсир кўрсатмоқда.

Бугун сессияда "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонун муҳокама этилади ва биз уни яна бир бор танқидий кўз билан баҳолашимиз зарур. Муҳими шундаки, қонун асосида ташкил этилаётган нодавлат ва жамоат ташкилотлари фақат хайрия ва мурувват муассасаларига айланиб қолмасин. Тўғри, бу хайрли ишлар ҳам жамоат ташкилотлари фаолиятининг бир жиҳати, лекин асосий томони эмас. Уларнинг бош вазифаси - энг аввало, демократик қадриятларни, кишиларнинг қонуний ҳақ-хукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантиришдан мақсад - жамият аъзоларининг манфаатлари мувозанатини таъминлаш ва ҳимоя қилиш. Сиёсий ва ижтимоий соҳада эса давлат тизимларига муқобил куч сифатида улар адолат тарозисини ҳаётда хукмон қилишга ҳисса қўшишлари лозим.

Бугун аёллар ва ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқенини янада юксалтириш ўта муҳим масаладир. Жамиятимизнинг гуллари айнан мана шу аёлларимиз ва ёшларимиздир, десак, асло муболага бўлмайди. Шунинг учун ҳам аввало Аёллар йили муносабати билан қабул қилинган Дастан тадбирларини оғишмай, изчил амалга ошириш зарур. Бундан ташқари, аёллар меҳнатини енгиллаштириш, айниқса уларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳақида жиддий ўйлаб кўриш ва керакли тадбирларни амалга ошириш даркор.

Аёллар ўртасида олиб бориладиган ишларнинг шаклларини кенгайтириш, уларнинг имлий ва маданий савиясини кўтариш керак. Шуни унутмайликки, жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгарилаб кетгани, шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий-маънавий савиясини белгилайди.

Ўшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қиласди. Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳамиша ёдда тутишимиз керак. Бизнинг бугунги меҳнатимизга қандай баҳо берилиши ҳам ана шунга боғлиқ.

Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жихатдан етук, жисмонан соҚлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур.

Шундай экан, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик даражасининг юқорилигича қолаётгани, рўйхатга олинган ишсизларнинг анча қисмини ёшлар ташкил этиши бизни ташвишга солмай қўймайди.

16 февралдаги фожиали воқеаларнинг иштирокчилари асосан ёшлар экани бизни айниқса ташвишлантиради. Бизнинг бегам, лоқайдлигимиз, ишимиздаги камчиликлар оқибатида улар жиноий гурухлар, экстремистлар таъсирига, диний мутаассиблар таъсирига тушиб қолган.

Бу аввало сиёсий-ижтимоий соҳадаги муайян нуқсонлар, энг муҳими, ёшлар ташкилотлари ва маҳалла кенгашлари ишидаги катта камчиликларни кўрсатади. Мен бу масалада давлат ҳокимияти ва жамоат ташкилотлари барча бўғинлари раҳбарларининг айби борлигини таъкидлашга мажбурман.

Хурматли халқ ноиблари!

Давлат қурилиши жараёнларини чукурлаштириш ва эркинлаштириш тўғрисида гапирганда, Конституцияда ва қабул қилинган қонунларда кўзда тутилган - ҳокимиятнинг турли тармоқларини бир-бираидан ажратиш тамойили амалда қандай рўёбга чиқарилаётганига алоҳида эътибор бериш муҳимдир.

Мамлакатимизда амалда давлат бошқаруви тизими таркиб топди. Давлатимизда қонун чиқарувчи олий орган - Олий Мажлис бор, сайлаб қўйиладиган маҳаллий ваколатли органлар - Кенгашлар бор, Президент бор, Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари бор, тегишли ваколатга эга бўлган вазирлар ва маҳкамалар раҳбарлари бор. Ўқимлар ва уларнинг таркибий бўлинмалари бор. Табиийки, ана шу тизимнинг ҳаммаси, ундаги ҳар бир ҳокимият тузилмаси ўз вазифаларини аниқ бажариши ва ягона пировард мақсадни - халқ иродаси ва умидларини рўёбга чиқаришни кўзлаб ишлаши керак.

Келинг, ўзимизга шундай савол берайлик: бу тизим қанчалик самарали ишламоқда, бу тизимнинг ҳар бир бўғини ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ва бурчларини қандай бажармоқда?

Тўрачилик, ўз вазифасига совуқконлик билан қараш, порага сотилиш ҳоллари бу тизим асосларига нечоғли зарар етказмоқда?

Бу муаммоларни ечиш учун қуидаги масалаларга эътибор бериш лозим:

биринчидан, давлат бошқаруви тизимининг ўзини ривожланган ва демократик мамлакатлар намунаси асосида, уларга ўхшатиб такомиллаштириш. Бу тўхтовсиз давом этадиган жараёндир;

иккинчидан, кадрлар масаласини ҳал этиш. Бошқарув тизимининг асосий, ҳал қилувчи жойларида замонавий фикр юритадиган, ўз халқи, ўз Ватани манфаатларига ғоят садоқатли, юқори малакали кадрлар ишлаши лозим;

учинчидан, ижроия ҳокимияти устидан жамоатчилик, аввало сайлаб қўйиладиган ҳамда ваколатли органлар назоратини, бошқача айтганда, зарур ваколат берилган халқ депутатлари амалга оширадиган назоратни бутун чоралар билан кучайтириш лозим;

тўртингчидан, халқ ноиблари ва раҳбарлар ўз сайловчилари олдида ўз вактида ҳисобот беришлари ҳам қарз, ҳам фарздир.

Бир мисолни олиб кўрайлик. Мамлакат парламенти - Олий Мажлис Конституцияга мувофиқ бизда Президент таклифи бўйича бошқа мамлакатлардаги каби факат Бош вазирнигина эмас, балки ҳукуматнинг бутун таркибини номма-ном сайлайди. Лекин ҳукумат аъзолари парламент томонидан уларнинг фаолияти мунтазам назорат қилинаётганини ҳис этяптими ёки йўқми?

Афсуски, жойларда ҳам худди шундай аҳвол мавжуд. Маҳаллий Кенгашлар - ваколатли органлар томонидан сайланадиган биринчи шахслар - ҳокимлар ҳамда ҳокимликлар таркиби депутатлар, халқ ва жамоатчилик олдида ўзлари мунтазам ҳисобот беришлари лозимлигини қанчалик сезишаётти? Бу борада ҳал этиш зарур бўлган жуда катта муаммо мавжуд.

Биз олдимизга фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадини қўйганмиз.

Фуқаролик жамиятини қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишни кўзда тутади.

Давлат тасарруфида асосан конституцион тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва худудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқук-тартибот ва мудофаа қобилиятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, самарали ташқи сиёсат ўтказиш каби вазифалар қолиши керак.

Стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва хўжалик масалалари бўйича, пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, экология масалалари, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш масалалари давлат миқёсида ҳал этилиши лозим.

Қолган барча вазифалар ва айниқса, биринчи навбатда, бозор ислоҳотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари маҳаллий ҳокимиёт идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши керак. Айни шу йўл билан биз фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этишимиз мумкин.

Қонун нуқтаи назаридан қараганда маҳаллий органлар, янги қонунлар қабул қилингач, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам кўп жиҳатдан ана шундай ваколатларга эга бўлди. Энди энг муҳим вазифа ана шу ваколатларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмини яратишидир.

Биз маҳаллий ҳокимиёт органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун улар етарли молиявий ресурсларга эга бўлишига эришмоғимиз лозим. Бунинг учун уларнинг даромадларини шакллантируви манбаларни мунтазам кенгайтириб бориш зарур бўлади.

Бугунги кундаёқ солиқ тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган барча маҳаллий солиқлар ва йиғимларгина эмас, умумдавлат солиқларининг анчагина қисми ҳам маҳаллий бюджетларга йўналтирилмоқда. Натижада давлат бюджети барча даромадларининг 62 фоизидан кўпроқ қисми маҳаллий бюджетлар улушига тўғри келмоқда. Энг муҳими эса, барча бюджет харажатларининг 58 фоизидан кўпроқи маҳаллий бюджетлар орқали амалга оширилмоқда.

Жамоат идораси бўлмиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ресурсларини мустаҳкамлашда шу органлар орқали аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланаётган катта миқдордаги бюджет маблағидан ташқари, тадбиркорликни фаол ривожлантириш, кичик корхоналар ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси иншоотларини барпо этиш хисобидан тушадиган маблағни кўпайтиришни ҳам хисобга олиш лозим.

Маҳаллий ҳокимиёт органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш лозим. Бунда энг муҳими, аҳолининг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеларини ошириш даркор. "Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари" деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ана шунда яққол намоён бўлади. Айнан шундай ёндашув фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратади. Бу эса фуқаролик жамияти тамойилларига тўла мос келади.

Ҳурматли депутатлар!

Суд-ҳуқуқий соҳасига даҳлдор ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларига алоҳида тўхтамоқчиман.

Биз адвокатура тизимини кучайтириш ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш учун

қонунчилик соҳасида ҳам, амалий ишлар соҳасида ҳам кўпгина чора-тадбирлар қўрмоқдамиз.

ҲАР қандай суд жараёнида, жиной иш кўрилаётган бўлса ҳам, фуқаролик иши кўрилаётган бўлса ҳам, бир томонда айловчи, иккинчи томонда тенг ҳукуқ билан ҳимоячи сўзга чиқади.

Фақат қонунга бўйсунувчи суд, судъялар эса қонуний ҳукуқларга, ўз виждонига амал қилиб, айловчи ва ҳимоя қилувчи томонларнинг фикрларини холисона ҳисобга олиш асосида мустақил равишдаadolатли, қонуний ҳукм чиқаради.

Бундан хулоса қилиб айтиш керакки, суд тизимини ислоҳ қилиш, аввало, ҳукм чиқарувчи судъяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак.

Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазоловчи орган деб биладиган одам судга ўз ҳукуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади. Ана шундагина суд ҳокимиятнинг ҳақиқий мустақил учинчи тармоғига айланади.

Бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш учун суд-ҳукуқий тизимини ислоҳ қилиш бўйича таклифларни тайёрлаш учун Олий Мажлис ҳузурида - парламентда доимий ишлайдиган ваколатли комиссия тузишни зарур, деб биламан. Бу комиссияга тегишли ваколатларни бериш керак.

Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама ривож топиши лозим. Улар ҳакли равишда ҳокимиятнинг тўртинчи тармоғи бўлиши даркор.

Оммавий ахборот воситалари ҳаётимизга кун сайн чуқурроқ кириб бораётганини ҳозир ҳеч ким инкор этолмайди. Бу жараённи биз табиий ҳол, деб қабул қилмоқдамиз. Бугунги кунда нашрлар сони кўпайибгина қолмасдан - ҳозир 490 та газета ва 138 та журнал рўйхатга олинган -жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишида уларнинг аҳамияти ва тутган ўрни ҳам ортиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда қабул қилинган қонун хужжатлари ижроси устидан жамоат назоратини, давлат ҳамда мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширадиган механизм сифатида оммавий ахборот воситаларининг мавқеини кучайтириш зарур. Айни шу оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак. Айни шу оммавий ахборот воситалари жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши, одамларнинг сиёсий, ҳукуқий ва иқтисодий онгини шакллантириш бўйича фаол иш олиб бориши лозим.

Оммавий ахборот воситалари ҳамиша жамоатчилик фикрига қучли таъсир ўтказишга қодир бўлган фаол қурол бўлиб келганини унумаслигимиз керак. Шу сабабли журналист кадрларнинг, қалами ўткир, демак, одамларнинг қалбига кириб бора оладиган кишиларнинг масъулияти каттадир. Биз журналистлар аҳли сиёсий етук, масъулиятли, ҳалол ва виждонли, ўз ишини яхши биладиган, мамлакатимизнинг ватанпарвар мишиларидан иборат бўлишига эришмоғимиз даркор.

Азиз дўйстлар!

Жамиядта фуқароларнинг ҳукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳукуқий, фуқаролик жамияти бўлади. ҲАР бир киши ўз ҳукуқларини аниқ ва равshan билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳукуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун аввало, мамлакатимиз аҳолисининг ҳукуқий маданиятини ошириш зарур. Шу билан бир вактда ҳар бир инсон тўраларча ўзбошимчаликдан, қонунсизликдан ўз ҳукуқларини ҳимоя қиласиган идоралар мавжудлигига амин бўлмоғи керак.

Бу хусусда мен қўйидагиларни амалга оширишни таклиф қиласман.

Биринчидан, инсон ҳукуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, инсон ҳукуқларини ҳимоя қиласиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш.

Инсоний мезонлар, ҳукуматга карашли бўлмаган ҳукуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масалалари бўйича

Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш лозим. Республика минтақаларида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, Омбудсман институтининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш зарур.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий ҳалқаро шартномаларга қўшилишга доир ишларни давом эттириш керак.

Янги ҳалқаро шартномаларга қўшилибгина қолмай, шу декларациялар бўйича зиммамизга олган ҳалқаро мажбуриятларни бажаришнинг, барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар бу декларациялар талабларига сўзсиз риоя қилишининг механизмини қонун йўли билан ишлаб чиқиш зарур.

Учинчидан, фуқароларнинг изроия органларига мурожаатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида ва одилона кўриб чиқиш учун, давлат органлари масъулиятини ошириш мақсадида "Давлат органлари томонидан фуқароларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида" қонун қабул қилиш зарур.

Энди иқтисодиёт масалаларига ўтсак.

Бу соҳада биринчи галдаги асосий вазифа - мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш лозим. Бошқача айтадиган бўлсак, биз ўз олдимизга қўйган мақсадни - хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш мақсадини амалга оширишимиз керак.

Бу устувор вазифани бажариш мақсадида биз пайчилик муносабатлари орқали, фермер ва дехқон хўжаликларини ривожлантириш орқали қишлоқда эгалик туйғусини қайта тиклаш юзасидан, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан қабул қилган қарорларимиз ҳаётда тўла рўёбга чиқиши учун барча ишни қилишимиз лозим.

Эркин тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш зарур. Кичик ва ўрта бизнесни кенг ривожлантириш учун ҳамма йўлни очиб бериш лозим.

Тадбиркорлик тузилмаларининг молия, банк ва бошқа бозор тузилмалари билан муносабатларини мустаҳкамлаш, энг муҳими, кредит олиш йўлида мавжуд тўсикларни олиб ташлаш лозим. Уларнинг хом ашё ресурсларидан фойдаланишларига кенг йўл очиб бериш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулот мамлакатнинг ўзида ҳам, унинг ташқарисида ҳам сотиладиган бозорни кафолатловчи тизимни барпо этиш даркор.

Кичик бизнес учун бошқарувчи кадрлар тайёрлайдиган, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини оширадиган бизнес мактаблари тармоғини вужудга келтириш зарур.

Энг муҳими эса, биз иқтисодиёт таркибида кичик, ўрта ва хусусий бизнес муносиб ўрин эгаллашига, керак бўлса, ҳал қилувчи ўринни эгаллашига, яқин икки-уч йил ичида кичик ва хусусий корхоналар сонини икки баравар кўпайтириб, ялпи миллий маҳсулотда уларнинг улушини камида 25 фоизга етказишга эришмогимиз лозим.

Иккинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат - бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир. Биз "Монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида" қонун қабул қилганимиз, лекин у амалда иш берадётгани йўқ. Статистика маълумотларига қараганда, эндиликда давлат тасарруфидан бутунлай чиқарилган савдо, хизмат кўрсатиши соҳаларида ҳам монополия тузилмаларига дуч келяпмиз.

Ахвол шундай экан, қонун ва кишилар манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган Монополиядан чиқариш кўмитаси, солиқ органлари, прокуратура нима билан шуғулланмоқда, деган савол туғилади. Афсуски, улар бу масалалар билан жиддий шуғулланишмаяпти. Натижада ишлаб чиқаришга, энг муҳими эса, истеъмолчига, одамларнинг манфаатларига зарар етмоқда.

Хўш, бу соҳада ахволни ўнглаш учун нима қилмоқ керак? Аввало, монополияга қарши қонунни кучайтириш, монополия тузилмаларини камайтириш ва тугатиш юзасидан амалий чоралар кўриш лозим. Табиий монополиялар тўғрисида қонун қабул қилиш,

истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш даркор.

Учинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш тўғрисида сўз юритганда, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизими фаолиятини такомиллаштириш зарурлиги тўғрисида қайта-қайта гапиришга тўғри келмоқда. Кенг тармоқли бозор инфратузилмаси - фонд ва улгуржи бозорлар, биржалар, кредит ва молия муассасалари, лизинг ва консалтинг компаниялари, тадбиркорларга хизмат қилиши лозим бўлган бошқа тузилмалар том маънода шакллантирилмас экан, улар тўла куч билан ишламас экан, биз иқтисодиётимизни очик, эркин, энг муҳими, самарали, қисқа қилиб айтганда, ҳақиқий бозор иқтисодиётига айлантира олмаймиз.

Шу жиҳатдан қараганда, банк тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштириш, фонд бозорини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, халқаро ярмарка савдоси билан шуғулланадиган республика марказини барпо этишни ниҳоясига етказиш, ташкил этилган улгуржи бозорлар фаолиятини яхшилаш зарур. Хуллас, бозор инфратузилмасини барча даражада изчиллик билан шакллантириш амалий ва қонунчилик фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бири бўлмоғи керак.

Тўртингидан, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг бутун тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим. Мен бу соҳани бошқариш ҳаддан ташқари расмийлашиб, маъмурийлашиб кетган, деб ҳисоблайман. Унда иқтисодий йўл билан, тарифлар билан бошқаришдан кўра маъмурий чеклашлар орқали бошқариш усувлари устунлик қилмоқда. Биз ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳонда қабул қилинган маърифий шаклларига тезроқ ўтишимиз, Бутун дунё савдо ташкилотига аъзо бўлишга эришмоғимиз даркор.

Шу билан бир вақтда биз иқтисодиётимизга хорижий сармояни янада кенгроқ жалб этиш учун, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида, жаҳон бозорида рақобат қила оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишда хорижий инвесторлар янада фаол иштирок этиши учун яратилган хукукий ва иқтисодий шарт-шароитларни такомиллаштишимиз лозим.

Бешинчидан, валюта тизими ва бозорини эркинлаштириш зарур. Биржадан ташқари бозорни кенгайтириш ва ривожлантириш, тижорий банкларнинг роли ва масъулиягини ошириш ҳисобидан, 2000 йилдан бошлаб миллий валютамизни эркин муомаладаги валютага тўлиқ алмаштириш (конвертация қилиш) масаласини ечиш вақти келди. Бу тадбир мамлакатимизга кириб келаётган инвестициялар ҳажмини ошириш гарови ва кафолатидир.

Олтингидан, хорижий сармояларни жалб этиш бўйича рағбатлантиришни кучайтириш, кафолат ва имтиёзларни кенгайтириш, инвестиция фаолияти учун қулай муҳитни шакллантириш зарур. Шунга эришиш керакки, Ўзбекистон бозори мамлакатимизда ўз бизнесига эга бўлишни истаган ҳар бир киши учун жозибали бўлсин.

Еттинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш, аввало, давлат ва турли текширувчи, назорат қилувчи органлар томонидан корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ноўрин аралашибни чеклаб қўйиш билан боғлиқ. Бу соҳада текширишлар ва тафтишлар сонини кескин чеклаб қўядиган маълум қарорлар қабул қилинди. Бу қарорларга риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш, ҳозир ҳам корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиб фикридан қайтмаган кишиларни қаттиқ жазолаш лозим бўлади.

Бундай тартибсизликлар учун хизмат бурчи юзасидан тадбиркорларнинг манфаатини ҳимоя этиши лозим бўлган хукуқни муҳофаза қилиш ва солиқ органларининг нопок ходимларига нисбатан талаб бир неча бор кўпроқ, жазо эса янада қаттиқроқ бўлиши керак.

Иқтисодиётни эркинлаштириш - хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий масъулиягини ошириш демакдир. Банкротлик институтининг аҳамиятини ошириш, хўжалик судлари фаолиятини кучайтириш лозим.

Хурматли депутатлар!

Мамлакатимиз келажаги учун Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилингандан Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг амалга оширилиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу дастурни бажариш учун жавобгар кишилар олдига мен қуидаги вазифаларни қўймоқчиман.

Биринчи. Янги ўқув йили бошлангунга қадар таълим тизимида мазкур тажриба қандай ўтаётганини ва унинг дастлабки натижаларини чуқур таҳлил этиб, таълим андозалари, ўқув режалари ва дастурлари мазмунига ислоҳотларнинг бош мақсадидан келиб чиқсан ҳолда, яъни янги авлодни камол топтиришга қаратилган зарур тузатишлар киритиш даркор.

Иккинчи. Янги дарслекларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назорат остига олиш зарур.

Учинчи. Юкори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Кадрлар тайёрлашнинг сифати, эркин фикрловчи шахс-фуқарони камол топтириш эртага синфхоналар ва аудиторияларда кимлар дарс ва сабоқ беришига боғлиқ.

Умуман, ислоҳот йилларида биргина ўрта маҳсус, касб-хунар таълими учун 86 та янги муҳандислик-педагогик йўналишлар бўйича 50 мингдан ортиқ педагог кадрлар тайёрлаш лозим бўлади.

Тўртинчи. Ихтисослашган қурилиш трестлари тузишни ниҳоясига етказиш, барча зарур лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ва Дастурда белгиланган академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини фойдаланишга топшириш ишларини тўла ҳажмда бажариш лозим.

Жорий йилда ва 2000 йилда республиканинг ҳар бир тумани ва шахари замонавий талабларга жавоб берадиган янги турдаги ўқув юртлари билан таъминланиши учун 180 та янги касб-хунар коллекжи ва 15 та академик лицейни қуриб фойдаланишга топшириш лозим. 2005 йилга қадар биз республикамизда 1611 та касб-хунар коллекжи ва 181 та академик лицейдан иборат бўлган ўрта маҳсус ва касб-хунар ўқув юртларининг замонавий тармоқларини бунёд этишимиз керак. Бу тўккизинчи синфларни битирувчиларни ўрта маҳсус, касб-хунар таълими мактабларига тўла қамраб олишни таъминлайди.

Яна бир бор таъкидлаб ўтишга тўғри келади: амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг тақдири шу масалага, яъни кадрлар тайёрлашга чамбарчас боғлиқлигини биз аниқ ва равshan англаб олишимиз лозим. Ўзини шу мамлакатнинг ҳақиқий ватанпарвари деб биладиган ҳар бир киши бу Дастурни амалга оширишга ўз меҳнатини, ўз улушкини кўшади, деб ишонаман.

Қадрли дўстлар!

Демократик ва бозор ислоҳотлари ҳамда янгиланиш йўлида қилаётган барча ишларимиз халқимиз манфаатларини кўзлаб, уларнинг фаровонлигини оширишга қаратилиши лозимлигини мен қайта-қайта таъкидлаб келаман.

Мамлакатимизда вужудга келаётган макроиктисодий вазиятга ҳамда иқтисодиётнинг амалда юксалишига асосланиб, биз, энг аввало, ҳозир яқин беш йил ичида иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баравар оширишни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйишга ҳақлимиз. Иш ҳақи энг кам миқдорининг бундай оширилиши иқтисодий юксалишнинг бошқа омиллари билан қўшилиб, шу даврда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадни 1,8-2,0 баравар оширишга имкон беради.

Иккинчидан, аҳоли даромадларини ошириш билан бир қаторда уларнинг харид қувватини ҳам ошириш зарур. Бунинг учун пулнинг қадрсизланишига қарши қаратилган қатъий чораларни кўриш ва яқин беш йил ичида пулнинг қадрсизланиш даражасини йилига 6-8 фоиз камайишига эришиш зарур. Асосан мамлакатимизда ишлаб чиқаришни кўпайтириш хисобига ички истеъмол бозорини кундалик зарур товарлар билан мунтазам ва ишончли тарзда тўлдириш чора-тадбирларини амалга ошириш даркор. Шу мақсадда саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида истеъмол товарларининг улушкини яқин беш йил ичида 50 фоизга етказиш зарур.

Учинчидан, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг амалдаги механизмини танқидий баҳолаш ва мустаҳкамлаш, унинг аниқ тоифадаги кишиларга қаратилишини кучайтириш лозим бўлади. Давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-кувватлаш ҳажми ва миқдорини кўпайтириш билан бир вактда ҳақиқатда ёрдамга муҳтоҷ бўлган кишилар ва оиласаргина ижтимоий ёрдам олишлари лозим.

Тўпланган ижобий тажрибани ҳисобга олиб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали аҳолини ижтимоий қўллаб-кувватлаш ва ҳимоялаш тажрибасини янада кенг жорий этиш зарур. Шундагина биз аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда аниқликни ва адолатни таъминлай оламиз. Энг муҳими эса, шу мақсадлар учун ажратилаётган катта маблағдан самарали фойдаланишни таъминлай оламиз.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида ёлқиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларнинг талаблари ва эҳтиёжларига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Ўқимликлар, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот органлари яқин беш йил ичида ёлқиз пенсионерлар ва ногиронларнинг уй-жой, майший шароитларини яхшилаш, уларни дори-дармонлар ва маҳсус муолажа билан таъминлаш, қариялар ва ногиронлар интернатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқишилари зарур.

Ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш учун уларнинг жисмоний имкониятларини ҳисобга олиб, ўқитиш, қайта ўқитиш ва ишга жойлаштиришни ташкил этиш лозим.

Шунингдек, ногирон болаларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан реабилитация қилиш бўйича болалар ногиронлигининг олдини олишни, уларга тиббий, ижтимоий жиҳатдан мадад бериш ва меҳнат қобилиятини тиклашни, касб ўргатиш ва сўнгра ишга жойлаштиришни кўзда тутадиган маҳсус Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур.

Бу ишларнинг ҳаммасига хайрия ташкилотларини, давлатга қарашли бўлмаган жамғармаларни, тадбиркорлар ва ҳомийларнинг маблағини кенг жалб этиш лозим.

Тўртингидан, аслида, бу вазифани биринчи қилиб қўйиш ҳам мумкин, меҳнат бозорини шакллантириш, янги иш жойларини барпо этиш ва аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш бўйича фаол сиёsat ўтказиш керак. Бу борада ишсизликнинг олдини олиш, меҳнатга яроқли ҳар бир фуқаро ўз меҳнатидан даромад топиб, ўз эҳтиёжларини қондириши, ўз турмуш даражасини, оиласи ва болалари фаровонлигини ошириши учун зарур шарт-шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Вазирлар Маҳкамаси барча даражадаги ҳокимликлар билан биргаликда 2000-2005 йилларда аввало қишлоқ жойларда, ислоҳотлар давомида қишлоқ хўжалигидан бўшаб қолаётган ортиқча ишчи кучларини жалб этишни ҳисобга олган ҳолда молиявий манбалар билан мустаҳкамланган янги иш жойларини барпо этиш Дастурини ишлаб чиқиши лозим.

Шу билан бир вактда жойларда ишсиз сифатида рўйхатга олинган кишиларни худудларни ободонлаштириш, йўллар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма обьектларини куришга доир ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишларига кенг жалб этиш лозим.

Бешинчидан, ижтимоий инфратузилмани, аввало, қишлоқ жойларда янада ривожлантириш, аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш юзасидан қабул қилинган Давлат дастурини бажариш лозим. Яқин беш-етти йил ичида мамлакатнинг барча аҳоли пунктлари сифатли ичимлик сув билан таъминланиши зарур. 2005 йилга қадар қишлоқ аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш 85 фоизга, табиий газ билан таъминлаш 82 фоизга етказилиши керак. Бунинг учун 1999-2005 йилларда қишлоқ жойларда 30 минг километрга яқин газ тармоқларини, 18 минг километр сув қувури тармоқларини ишга тушириш даркор.

Халқ фаровонлигини барқарор, муттасил оширишни, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни устувор йўналиш қилиб белгилаб, шу йўл билан ислоҳотлар фақат инсон

манфаатларини кўзлаб, унинг фаровонлиги учун амалга оширилади, деган асосий қоидамизни яна бир бор тасдиқлаган бўламиз.

Олдимизда турган мақсадларга эришиш учун иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришлар ўтказиш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Биз иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини нималарда кўрамиз?

Биринчидан, таркибий ўзгаришларни барпо этиш сиёсатида аввалгидек қишлоқ хўжалиги етакчи ўрин тутади. Бу соҳа улкан имкониятларга эга бўлиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, саноатни эса хом ашё билан таъминлайди. Мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ хўжалигига меҳнат қиласди. Шу жиҳатдан қараганда, қишлоқ хўжалик тармоғини янги техника билан жиҳозлаш, дехқон меҳнати ва умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ҳамда у билан боғлиқ бошқа соҳаларни такомиллаштириш ва бевосита иқтисодий самарани ошириш масалалари ғоят муҳим ижтимоий аҳамиятга ҳам моликдир.

Иккинчидан, иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари - нефть, газ, энергетика, олтин қазиб олиш ва кимё саноатини, қора ва рангли металлургия, қурилиш материаллари саноатини техник қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш ҳамда ана шу асосда мамлакатнинг бой табиий ва минерал-хом ашё ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланишни таъминлаш.

Учинчидан, енгил саноатнинг пахта тозалаш, тўқимачилик, ипак йигириш соҳаларини ва бошқа тармоқларини замонавийлаштириш, тугалланган технологик жараённи таъминловчи ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва дунё бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

Тўртингчидан, замонавий, юксак самарали қишлоқ хўжалиги техникаси ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ускуналар чиқариш бўйича мавжуд корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва хорижий сармоядорлар иштирокида янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш.

Бешинчидан, мамлакатимизнинг бой илмий-техникавий салоҳиятидан кенг фойдаланган ҳолда, юксак технология ва фан ютуқларига асосланган ишлаб чиқариш соҳалари - автомобилсозлик, самолётсозлик, микробиология, электротехника ва электроника саноатларини, телекоммуникация ва замонавий ахборот технология воситаларини тез суръатларда ривожлантириш.

Олтинчи, тўлақонли ва уйғунлашган саноат сиёсати юритишни, экспортга йўналтирилган ҳамда импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тизимини кенг ривожлантиришни таъминлаш.

Мұхтарам халқ депутатлари!

Сизларнинг эътиборингизни Куролли Кучларни, чегара қўшинлари ва ички қўшинларни ягона давлат сиёсати асосида босқичма-босқич, чукур ислоҳ қилиш масалаларига қаратмоқчиман.

Армияни ислоҳ қилишнинг моҳияти нималардан иборат?

Биринчи. Мудофаа соҳасидаги мавжуд ва эҳтимол тутилган таҳдидларни таҳлил этиш биздан мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигини самарали ва ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, тезкор, жанговар қобилияти юксак, хар жиҳатдан яхши таъминланган Куролли Кучларни шакллантиришни тақозо этади.

Шу мақсадда мамлакат ҳудудида ҳарбий-маъмурий бирликлар - ҳарбий округларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Куролли Кучларнинг қўшилмалари ва қисмлари қайтадан жойлаштирилмоқда. Буларнинг ҳаммаси қўшинларни бошқариш самарадорлигини анча оширишга, уларни энг муҳим стратегик йўналишларда жамлашга, ҳудудий мудофааанинг ҳақиқий тизимини шакллантиришга имкон беради.

Шу билан бир вақтда Куролли Кучлар сонини анча камайтиришимиз лозим. Бу шунчаки бир чора, юзаки бир жараён эмас, балки сони ва тузилиши, професионал

таркиби жиҳатидан энг мақбул армияни тузиш юзасидан пухта ўйлаб, ҳисоблаб чиқилган аниқ режалардир.

Армияни қисқартириш натижасида бўшайдиган маблағни биз шартнома билан ишлайдиган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига тўланадиган ҳакни оширишга сарфлаймиз. Бу эса ана шу тоифадаги ҳарбий хизматчилар сонини кўпайтиришга имкон беради. Биз шунга эришмоғимиз керакки, ҳарбий хизмат сўзда эмас, балки амалда фарзандларимизнинг, ёшларимизнинг нуфузли иши, шон-шараф иши бўлмоғи лозим.

Иккинчи. Илгор мамлакатлар ва армияларнинг тажрибаларини ўрганиш асосида Куролли Кучларимизни ташкил этиш таркибининг ўзини қуий бўғинлардан тортиб юқори босқичларгача ва бошқаришни тубдан қайта кўриб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўймоқдамиз.

Учинчи. Ислоҳот ҳарбий хизматчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни, профессионал тайёргарлигини ва қайта тайёрлашни ташкил этишнинг бутун тизимини қайтадан кўриб чиқишни кўзда тутади. Бу жангчиларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқатни, юксак маънавий фазилатлар ва мустаҳкам иродани тарбиялашга, профессионализмни, аъло жанговар тайёргарликни таъминлашга қаратилиши лозим.

Тўртинчи. Куролли Кучларни ҳарбий-техникавий жиҳатдан қайта куроллантириш ва янгилаш комплекс дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим. Армиямиз зарур техника ва курол-яроҚлар билан етарли миқдорда таъминланиши даркор. Бу армия олдида турган вазифаларни муваффакиятли ҳал қилишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

Сўнгги вақтда чегара қўшинларини ислоҳ қилиш бўйича амалий чораларни кўряпмиз. Чегарачиларимиз олдида турган асосий вазифалар мамлакатимизнинг худудий яхлитлигини таъминлаш, қўпорувчи-террорчи гурухлар ва айрим ёвуз унсурларнинг чегара орқали юртимизга суқулиб киришига йўл қўймаслик, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва бошқа манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ҳозирги вақтда чегара қўшинлари - давлатимиз сарҳадларини ҳимоя қилишнинг биринчи эшелонини ташкил этадиган мустақил қўшин туридир.

Шу мақсадда Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси тузилди, чегара минтақалари ва қўмитанинг бошқа худудий бўлинмалари ва қисмлари ташкил этилди. Ҳукумат чегара қўшинларининг моддий-техника базасини, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, чегара инфратузилмасини ташкил этиш юзасидан барча зарур чораларни кўрмоқда.

Биз чегараларимизни мустаҳкамлар эканмиз, бу ташқи дунёдан ажralиб қолишига ҳаракат қилаётганимизни билдирамайди, албатта. Ўзбекистон барча қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантиришдан, ягона савдо маконини барпо этишдан, транспорт коммуникацияларини ривожлантиришдан манфаатдордир.

Нияти пок, Ғояси соҚлом кишилар учун, илмий, маданий ва гуманитар мулокот учун бағримиз очиқ. Шу билан бир вақтда биз мустақил давлат сифатида, миллий манфаатларимизга амал қилиб, ўз чегараларимизни ишончли ҳимоя қилиш ва қўриқлаш юзасидан зарур чораларни кўришга ҳақлимиз ва мажбурмиз.

Ички ишлар вазирлиги тузилмасида ҳам туб таркибий ислоҳотларни амалга ошириш белгиланган. Ички қўшинлар вазифалари, тузилиши қайта кўриб чиқилди. Уларни ташкилий, моддий-техникавий жиҳатдан анча мустаҳкамлаш тадбирлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, йўл ҳаракати хавфсизлигини, жамоат тартибини ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлайдиган бўлинмаларни ислоҳ қилиш устида ишламоқдамиз.

Ислоҳотлар натижасида ички ишлар органларининг фуқароларни ва жамиятни террорчилик, қўпорувчилик хуружидан, барча шаклдаги экстремизм, уюшган жиноятчилик каби жиноят кўринишларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган тизим шаклланиши зарур.

Ички ишлар органлари шахс ҳукуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гарови бўлиши лозим.

Армияни, чегара қўшинлари ва ички қўшинларни ислоҳ қилишга доир давлат сиёсатини амалга ошириш фақат мудофаа салоҳиятимизни юксалтиришга қаратилган. Бошқача айтганда, бу жараён ягона мақсадни - ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш, демократик жамият ва хуқуқий давлат қуриш учун, одамларимизнинг тинч ҳаёти ва бунёдкорлик меҳнатини таъминлаш учун шарт-шароит яратиб беришни кўзлаб амалга оширилмоқда.

Азиз юртдошлар!

Биз XXI аср бўсаҚасида турибмиз, биз янги буюк ишлар олдида турибмиз. Сиз билан бизнинг вазифамиз давр олдимизга қўяётган барча талабларга муносиб жавоб қайтаришдир. Истиқболимизни аниқ ва равshan тасаввур этиб, халқимизга тинч ва фаровон турмушни таъминлашдир, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб олишдир.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисинг ўн тўртинчи  
сессиясидаги маъруза,  
1999 йил 14 апрель

## ЎЗБЕК КУРАШИ - ЖАХОН МАЙДОНИДА

Азиз спортчилар!

Қадрли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор дунёning беш қитъасидан ташриф буюрган паҳлавонларни қадими ўзбек заминида муборакбод этишга ижозат бергайсизлар.

Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати Ўзбекистон пойтахтида ўтаётгани биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Буни биз курашнинг асл ватани - Ўзбекистонимизнинг нафақат спорт майдонларида, умуман жаҳон тараққиётида ўзига хос, ўзига мос ўринга, нуфуз ва обрўга эга бўлаётганидан яққол далолат деб биламиш.

Ҳақиқатан ҳам ўзбек курашида халқимизнинг руҳиятига, асл хислатларига азал-азалдан хос бўлган фазилатлар:

мардлик, жасурлик, бағри кенглик, рақибиға нисбатан олижаноблик, ҳалоллик, инсонпарварлик фалсафаси мужассамлашган.

Бу қадими заминда туғилиб-ўсиб, муборак номлари афсона-ю, достонларга айланиб кетган Алп Эр Тўнга (Афросиёб), Алпомиш, Паҳлавон Маҳмуд сингари елкаси ерга тегмаган баҳодирлар кураш орқали ўзбек юртининг шонига-шон қўшганлар, донқини бутун оламга таратганлар.

Бугун буюк аждодларимиз руҳини шод этиб, азал-азалдан халқимизнинг миллий Ғурурига айланиб қолган ўзбек курашининг жаҳон майдонига чиқиши, унинг тан олиниши барчамизни бағоят қувонтиради.

Бугун, шу юксак спорт анжумани иштирокчилари ва меҳмонлари олдида туриб, ўзбек курашига меҳр қўйган, миллий федерациялар тузган барча чет эллик дўстларимизга, айниқса кураш бўйича биринчи чемпионатларини ўтказган Япония ва Боливия спорт жонкуярларига сиз, азиз дўстлар ва шахсан ўз номимдан алоҳида миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсизлар.

Мен ишонаман: дунёга машхур паҳлавонларнинг бебаҳо хизматлари туфайли халқимиз маънавий турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган кураш бугундан эътиборан янги ҳаётини бошлайди, янада юксалади, жаҳон узра кенг тарқалиб, турли миллатларга мансуб миллионлаб кишиларнинг севимли машқулотига айланади.

Сафингиздаги энг кучли курашчи полvonларнинг номлари эса биринчи жаҳон чемпионлари сифатида тарих зарваракларида абадий колади.

Ишонаман: бугун майдонга чиқадиган ҳар бир ўзбек паҳлавони, ўзимизнинг йигит фарзандларимиз, "Қувончим, ифтихорим, Ғуруrim - Ўзбекистон!" дея курашга тушади ва шу замин номини оқлайди, мардлик ва шиҷоат кўрсатади.

Ўзбек кураши биринчи чемпионати анжуманининг барча иштирокчиларига, ташкилотчилари ва меҳмонларига ҳаяжонли учрашувлар, ёрқин таассуротлар ва янги Қалабалар сурори, завқу шавқи ёр бўлишини тилайман.

Азиз дўстлар!

Мана шу бетакрор гўзал спорт залида тўпланган сиз азизларни ўрнингиздан туриб, бағрингизни кенг очиб, меҳмондўст халқимиз номидан: "Кураш Ватани - Ўзбекистонга хуш келибсиз" деб барча кураш иштирокчиларини табриклаб, қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатини очиқ деб эълон қиласман.

Кураш бўйича биринчи жаҳон  
чемпионатининг тантанали очилиши  
маросимидағи табрик сўзи,  
1999 йил 1 май

## ХОТИРА ЧИРОғИ ЎЧМАЙДИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли уруш ва меҳнат фахрийлари!

Бугун ўлкамизда илк бор Хотира ва Қадрлаш куни нишонланмоқда.

Мен барчангизни - жафокаш, меҳнаткаш, кўпни кўрган, катта-кичик жангларда мардлик ва жасорат кўрсатган халқимизни мана шу кутлуғ сана билан чин қалбимдан табриклиман.

Биз нима учун 9 май байрамини Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилдик.

Ижозатингиз билан шу тўғрида яна икки оқиз айтиб ўтсан.

Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизни эслаш, уларнинг чироғини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришни тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир.

Хотираси бўлмаган, тарихини унугтган, ўз аждодларининг қадрига етмайдиган миллатнинг истиқболи йўқ. Бу ҳақиқатни кишилик тарихи исботлаб турибди.

Қадрлаш дегани - бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва истиқтолини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижаот билан химоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир.

Ҳаётнинг кўп-кўп синовларини, азоб-уқубатларини бошидан кечирган, Ватан учун, эл-юрт учун, мана шу соғ осмонимиз учун жон олиб жон берган, бугун ҳам сафларимизда юрган меҳрибон ота-боболаримизни, олижаноб инсонларни эъзозлашдир.

Хотира ва Қадрлаш куни деган тушунча ғоят теран маънога эга. Бу фақат фашизм балосига қарши жангу жадалларда қатнашган, она-юрт химояси учун умрини баҳш этган кишиларни шарафлаш дегани эмас.

Бу муборак кунда, халқимизнинг асрлар давомида орзу-ният қилиб, интилиб келгани - хуррият ва озодлик йўлида ҳаётини курбон қилиб шаҳид кетган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Намоз ботир каби халқ қаҳрамонларини, Қодирий, Беҳбудий, Мунаввар қори, Чўлпон, Авлоний, Фитрат, Усмон Носир сингари миллатимиз фидойиларини эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарзdir.

Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларимизни улуғлашни назарда тутамиз. Энг муҳими, бу ҳаяжонли ва изтиробли сана ўрнимизга келадиган ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашга, улар қалбida Ватан ва юрт учун Гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотишга хизмат қиласди.

Бу ҳаётнинг гўзал ва нурафшон, юртимизнинг озод ва обод бўлишида шу муқаддас заминда яшаётган қўли қадоқ, нияти пок миллион-миллион юртдошларимизнинг бекиёс хиссаси бор. Бугунги Хотира ва Қадрлаш кунида мен кўпчилик қаторида ана шу камтар ва камсуқум, оддий, заҳматкаш инсонларни бағримга олиб, барчасига таъзим қиласман.

Мухтарам дўстлар, юртдошларим!

Бугун пойтахтимиз марказида бунёд этилган муаззам Хотира майдони очилмоқда. Бу ҳам мустақиллик тафаккурининг яна бир бор намоён бўлиши, халқимизнинг табиатига ёт бўлган эски қолип ва сохта Гоялардан воз кечганимизнинг яна бир тасдиқидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда "Номаълум аскар" деган тушунча нимани англатар эди?

Ўзингиз ўйланг, инсон она юрти, халқининг баҳт-саодати учун омониз жангларда жонини фидо этсаю унинг номи номаълум бўлса!

Ахир, урушга кетган ҳар бир аскарнинг номи, насл-насаби унинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, фарзандларининг қалбida бир умр армон бўлиб яшайди-ку! Ахир, уларнинг ҳар бири шу халқимиз, шу миллатимизнинг жондан азиз фарзандлари, бизнинг жигарбандларимиз эмасми?!

Биз учун урушларда қурбон бўлган юз минглаб юртдошларимизнинг номи ҳам, жасорати ҳам маълум ва ҳеч қачон унutilмагай, иншоолло!

Шунинг учун биз уларнинг номларини мана шу майдондаги муҳташам Хотира китобига зарҳал ҳарфлар билан мангу муҳрлаб қўйдик.

Токи бу муқаддас зиёратгоҳга қадам қўйган ҳар бир инсон, нафақат ҳалқимиз, балки бутун дунё ахли аждодларимизга, фидойи жангчиларимизга бўлган буюк эҳтиромимизни кўрсин, уларнинг хотираси қаршисида таъзим бажо этсин.

Азиз биродарлар!

Мана шу майдон марказида уруш ва айрилиқлардан беҳад қайКу-жафо чеккан, фарзандлари доҚида қадди дол бўлган Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилган.

Бу ҳайкал узоқ тарихи давомида не-не бало-қазоларни, жабру зулмларни, қирғин-қатаҚонларни бошидан кечирган, айни пайтда ўз эркинлиги, инсоний ҳак-хукуклари учун тинимсиз курашган она-Ватанимизнинг ёрқин тимсолидир.

Инсон боласини Она ёруғ дунёга келтиради, оқ юваб оқ тарайди. Уни беҚараз меҳри билан улҚайтиради. Инсон қалбида неки олижаноб туйғулар ва одамийлик хусусиятлари мавжуд бўлса, барчаси она меҳридан, она тарбиясидандир.

Ватанга муҳаббат туйғуси она сути, она алласи билан қон-қонимизга сингади, онгимизга киради.

Шу боис Она - Ватан, Ватан - Она, демақдир. Биз меҳр ва муҳаббатни, садоқат ва фидойиликни муnis оналаримиздан, бебаҳо Ватанимиздан оламиз. Ва бизнинг ҳам жамики эзгу ниятларимиз, хайрли ишларимиз Она-Ватанга аталгандир.

Мотамсаро онанинг маҳзун қиёфаси ҳар биримизни хушёрликка чорлайди. Уруш ва қирғинларга йўл қўймасликка, бугунги ёруғ ва дориломон қунларимизнинг қадрига етиб яшашга даъват этади.

Биз муқаддас Она ҳайкали пойига битган "Сен доимо қалбимдасан, жигарим" сўзлари миллатимизнинг, ҳалқимизнинг қурбон бўлган фарзандларига чексиз эҳтиромини англатиб, қалбларимизда доимо акс садо бериб туради.

Мангу олов теграсига зикр этилган "Эл-юртимизнинг эрки ва озодлиги, баҳту саодати учун хаётини қурбон қилган ватандошларимиз хотираси ҳамиша барҳаётдир", деган сўзлар эса узоқ ва яқин тарихимизда бугунги озодлик ва мустақиллигимиз учун курашиб жон фидо этганлар хотираси юракларимизда абадий яшашини англалади.

Азиз ватандошлар!

Биз мустақиллик йилларида ўзлигимизни англаш, тарихий-миллий қадриятларимизни тиклаш борасида нимаики иш қилаётган бўлсак, уларнинг барчасини ягона мақсад - кўпмиллатли ҳалқимизни бирлаштириш учун қилмоқдамиз.

Ишончим комилки, Хотира ва Қадрлаш қуни ҳалқимизни янада бирлаштиради, унинг руҳига малҳам бўлади, иродасини бақувват, иймонини бутун қиласди.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шу муаззам обидани бунёд этишда сидқидилдан меҳнат қилган қурувчи ва усталарга, меъмору муҳандисларга ўз номимдан, бутун ҳалқимиз номидан самимий миннатдорчилик билдиришга ижозат этгайсизлар.

Шундай хайрли ва олижаноб ишга хиссам қўшилганидан мен ҳам гоят баҳтиёрман.

Азиз юртдошларим!

Барчангизни бугунги улуғ айём билан яна бир бор табриклайман.

ҲАМмангизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, фарзандларимиз баҳтини кўриш насиб этсин.

Хотира ва Қадрлаш кунига  
багишланган тантанали  
маросимдаги сўз,  
1999 йил 9 май